



РАСУЛ
ҲАМЗАТОВ

О, она тилда ўйлаётган
ва қўйлаётган одамлар...

16+

МЕНИНГ
ДОҒИСТОНИМ
Б Л А П Л

Ҳар бир одам болалигидан ўз халқи-
нинг вакили бўлиш учун дунёга
келганини билиши ва шу шарафли
вазифани зиммасига олишга ўзини
тайёрлаши керак.



**РАСУЛ
ХАМЗАТОВ**

221.351.12

К, 24

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ

БАДИА



«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2018

821.351.12 - 3 - Асрор аср. 821.351.12

УЎК: 821.35 (470.67)

КБК 84 (2Рос-Доғ)

Ҳ 24

Таржимон ва сўнгсўз муаллифи Асрор Мўмин

Зиёлиларимиз ҳамма ўқиши керак бўлган юзта китобнинг рўйхатини тузишди. Бу китоблар рўйхатида «Менинг Доғистоним» асари ҳам бор. Агар бу рўйхат ўнтага қискартирилганда ҳам, унда «Менинг Доғистоним» китоби албатта бўларди. Чунки тил, миллат, халқ, қадрият, Ватан меҳри, давр руҳи, севги сеҳри, ҳақиқат ва ёлғон, яхшилик ва ёмонлик, тинчлик ва уруш мавзулари ҳассосона ёритилган «Менинг Доғистоним»дай асар жаҳон адабиётида кам топилади. Айниқса, асар мазмун-моҳиятига сингиб кетган шоирнинг дилбар шеърлари, пурмаъно хикмат-хикоятлари, ўзи кўрган ибратли воқеалар ҳақидаги ёдномалари ўқувчиларда ўчмас таассурот қолдиради.

1971 йилда дунё юзини кўрган бу асар ўтган ярим аср давомида юздан ортиқ тилларга таржима қилинди, миллионлаб нусхада чоп этилди. Бирок, ҳамон савдо расталарида кам топилади-ган ноёб китоблар қаторида тилга олинади. Мазкур китобнинг она тилимизда кўп нусхада чоп этилиши шоирнинг қадрдон мухлислари кўлларига бир тухфадай етиб бориш имконини беради. Ишончимиз қомил, дунёга машҳур бу китоб ўзининг янги-янги мухлисларини топади ва уларнинг ҳам сеvimли маънавий мулкига айланади.

УЎК: 821.35 (470.67)

КБК 84 (2Рос-Доғ)

	Alisher Navoiy
2020/13	nomidagi
11	O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-07-688-4

© Асрор Мўмин (тарж.), 2018

© «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти, 2018.

БИРИНЧИ КИТОБ

*Йўловчи уйимга кирмасдан ўтсанг,
Менда айб йўқ, бунинг гуноҳи сенда,
Эй меҳмон, уйимдан хафаҳол кетсанг,
Сенда айб йўқ, бунинг гуноҳи менда.*

Эшикдаги ёзувлар.

*Агир сен ўтмишга тўптончадан ўқ узсанг,
келажак сени тўпга тутади.*

Абутолиб Ғафуров.

МУҚАДДИМА ЎРНИДА. УМУМАН МУҚАДДИМАЛАР ҲАҚИДА

*Эрталаб уйқудан турган вақтингда илон
чаққандай ўрнингдан сакраб турма, аввал
тушларингда нималар кўрганингни ўйла.*

Менинг фикри ожизимча, ҳатто қодир Оллоҳ ҳам ибратли воқеани ҳикоя қилишдан олдин ёки расулларига ваҳий йўллашдан аввал бирозгина тин олган.

Самолёт учишдан олдин узоқ вақт гувиллайди, кейин уни бутун аэродром йўллари бўйлаб учиш йўлакчасига олиб боришади. Энди самолёт янада қаттиқрок гувиллайди, кейин тезлигини ошириб юра бошлайди, шундан кейингина осмонга парвоз қилади.

Вертолётга югуриш шарт эмас, аммо у ҳам гувиллайди, қарсиллайди, ердан кўтарилишдан олдин бир тебраниб олади.

Ҳақат тоғ бургутигина қоядан бирдан осмонга парвоз қилади, юқорига кўтарила-кўтарила кўз илғамас нуктага айланади.

Ҳар қандай китоб ҳам шундай бирдан бошланиши керак, яъни узундан-узоқ изоҳларсиз, зерикарли сўзбошиларсиз. Ахир, ёнингдан югуриб ўтаётган ҳўкизнинг соҳидан ушлаб қайириб олмасанг, ўтиб кетгандан кейин уни думидан ушлаб тўхтатиб қололмайсан.

Мана кўшиқчи қўлига пандурни олди. Биламан, кўшиқчининг яхшигина овози бор. Лекин кўшиқни бошлашдан олдин пандурни узоқ динғирлатади, кейин куйини чалади. Концерт олдидан ўқилган нутқ, спектакль бошланишидан аввал айтилган маъруза ёки дарҳол дастурхонга таклиф этиб қадаҳларни тўлдириш ўрнига куёвига панд-насихат қиладиган қайнотанинг аҳволи ҳам шунга ўхшайди.

Бир куни муридлар давра куришиб қиличлари билан мактанишди. Бири қиличи асл пўлатдан ясалганини, иккинчиси қиличига Куръон ояти ёзилганини айтди. Шунда улар орасига Шомилнинг жангларида мардлиги билан ном қозонган Ҳожимурод исми муриди келиб қўшилди ва баҳсга нукта қўйди:

– Бекордан-бекорга чинорнинг салкин соясида баҳслашманглар. Эртага жанг бўлади, қиличларнинг ўзи қайси бири яхши эканлигини ҳал қилади.

Менинг фикри ожизимча, барибир қодир Оллоҳ бирор воқеани ҳикоя қилишдан олдин тин олган.

Бизнинг тоғлиқларда шундай одат бор – чавандоз ўз уйининг остонасида отига сакраб минмайди. Аста отини етаклаб овулдан чиқади. Эҳтимол, бу ҳеч нарсани ёддан чиқариб қолдириб кетмаётганини эслаши ва йўлда нималар кутаётганини ҳаёдан ўтказиши учун керакдир. Шу боис, чавандоз қанча шошмасин, қанча вақти тигиз бўлмасин, ўйчан ҳолда отини етаклаб овулдан чиқади, кейин отга сакраб миниб қамчи босади ва чанг-тўзон қолдириб кўздан йўқолади.

Мана мен ҳам китобимнинг эгарига сакраб минмай, отини етаклаб бораётган чавандоз сингари аста-секин ўйчан кетаяпман. Мен ўйга толганман, сўз айтишга шошилмаяпман.

Сўз нафақат дудуқларнинг тиши орасида, балки энг керакли, энг тўғри, энг доно фикрни излаётган кишилар ҳаёлида ҳам ушланиб қолади. Мен донолик қилиб ҳам-мани ҳайратга солмоқчи эмасман, лекин дудуқ ҳам эмасман. Мен айтиш учун сўз излаяпман, шунинг учун тин олиб ҳаёлга толдим.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ: Китобдаги сўзбоши – бу ирим-сиримга ишонадиган тоғлиқ аёлнинг эрига пўстин тикаётган вақтида оғзининг бир четидеги тишлаб турган чўпи. Агар чўп тишлаб пўстин тикилмаса, бундай пўстин эрининг кафанига айланиши мумкин экан.

АБУТОЛИБ ЯНА АЙТГАНДИ: Мен тонг қоронғисида танишининг эшигини қидираётган одамга ўхшайман. Тўғри келган эшикни тақиллатиб кутишни ҳам, кетишни ҳам билмайдиган. Мана навбатдаги эшик тақиллатилди: тук-тук, тук-тук.

- Эй ичкаридагилар, агар гўшт қайнатмоқчи бўлсаларинг, вақт бўлди турунглар.
- Эй ичкаридагилар, агар толқон туймоқчи бўлсаларинг, бемалол ухлайверинглар.
- Эй ичкаридагилар, агар бўза ичмоқчи бўлсаларинг, қўшиларингни чакиришни унутманглар.

Тук-тук, тук-тук.

– Ичкарига қирайинми ёки айтилмаган жойга йўнилмаган таёқманми?!

Одам тилга қирайиши учун икки йил қифоя, лекин тилини тийиб туришни ўрганиши учун олтмиш йил керак бўлади.

Мен икки ёшда ҳам, олтмиш ёшда ҳам эмасман. Шу ёшлар орасидаги йўлдаман. Тўғрироғи, иккинчи нуктага яқинлашиб қолдим, шунинг учун барча айтган сўзларимдан ҳали айтилмаган сўзларим қадрироқ.

Ҳали ёзмаган китобим барча ёзган китобларимдан кадрли. Ҳаммасидан азизи, ҳаммасидан табарруги, ҳаммасидан кийини ҳам шу.

Янги китоб – бир дара, унга ҳали кирмаганман, нималар борлигини билмайман, ҳозирча ҳамма нарса туман орасида кўринади. Янги китоб бу от, ҳали унга эгар урилмаган, ёки бир ханжар, ҳали кинидан чиқариб кўрмаганман.

Тоғликлар айтишади: «Бекордан-бекорга ханжарингни кинидан чиқарма. Агар ханжарингни кинидан чиқарсанг – санч. Шундай санчки, бирданига чавандозни ҳам, отни ҳам ҳалок қилсин».

Сиз ҳақсиз, тоғликлар!

ҲАР ҲОЛДА, ханжарни кинидан чиқаришдан олдин унинг яхшилаб қайраб ўт-кирланганига ишонч ҳосил қилган бўлишингиз керак.

Менинг китобим, узоқ йиллардан буён ҳаёлимдасан! Сен гўё севимли аёлга ўхшайсан, узоқдан ҳар куни кўринадиган, бирга ёнма-ён бўлишни истайдиган, лекин ҳали кўлимни ҳам тегизмаган. Баъзан у шундай юзма-юз яқин турганки, кўлимни салгина кимирлатсам кифоя эди, лекин мен кўрқдим, довдирадим, хижолат чекиб уялдим ва ўзимни нарироқ олдим. Энди ҳаммаси тугади! Ёнингга боришга ва кўлингдан дадил ушлашга қарор қилдим. Мен уятчан ошиқдан ишни дангал ҳал қилдиган қатъиятли ва тажрибали эркакка айланмоқчиман. Энди мен отни эгарлайман, унга миниб уч марта каттик-каттик қамчи босаман, нима бўлса бўлар?!

ҲАР ҲОЛДА, тўртбурчак юпка қоғоз бўлагига тоғ тамакисидан эзгилаб соламан ва шошилмасдан ўралмани ўрайман. Агар ўралмани яхши ўрамасам, чекиб ҳузур қилмайман.

Менинг китобим, сени ёзишни бошлашдан олдин қалбимда қандай қилиб пишиб етилганинг тўғрисида сўзлаб беришни истайман. Қандай қилиб сенга ном топдим? Нега сени ёзмоқчиман? Ҳаётдаги мақсадим нима?

Гўё меҳмонни ошхонага таклиф қиламан, ҳозир у ердан чўғда пишаётган кабоб хиди эмас, нимталанаётган гўшт хиди, тўғрироғи, кўй хиди келаяпти. Дўстларимни ижодхонамга бошлаб қираман, столим устида ҳали сиёҳи қуримаган кўлёмаларим ётибди, уларни ўқиб кўришларига руҳсат бераман.

ГАРЧАНД ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Бировнинг кўлёмасини титқилаётган одам, ўзганинг чўнтагини қовлаётган киссавурга ўхшайди.

ОТАМ ЯНА АЙТАРДИЛАР: Муқаддималар театрда олдинги қаторингда кенг елкали чакмон ва катта бўрк кийиб ўтирган одамни эслатади. Агар у тўғри ўтирса ҳам майли, чапга-ўнгга энгашаверса бу ёмон. Унинг бу қилиғи орқасида ўтирган томошабинга ноқулайлик туғдирибгина қолмай охир-оқибат асабига тегади.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Мен Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида бўладиган шеърят кечаларида қатнашаман. Тингловчилардан ҳеч қайсиси авар тилини билмайди. Аввал мен кавказча талаффуз билан рус тилида бироз ўзим ҳақимда гапираман. Кейин таржимон дўстларим рус тилига ўгиришган шеърларимни ўқи-

шади. Улар шеър ўқишдан олдин мандан она тилимда битта шеър ўқиб беришимни сўрашади: «Биз авар тили ва шеър оҳангини тинглагимиз келаяпти». Мен шеър ўқийман, лекин бу кўшиқ айтишдан олдин пандурни чалиб олгандай бир гап.

Китобдаги мукаддима ҳам шунга ўхшаб кетмайдими?

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Мен Москвада ўқиб юрган вақтимда, отам пальто олишим учун пул жўнатди. Мен пулни ишлатиб кўйдим, пальто эса олинмади. Хуллас, ёзда Москвага қандай кийимда келган бўлсам, кишки таътилда Доғистонга шундай кийимда қайтдим.

Уйда отам олдида ўзимни оқлаш мақсадида бири-бирдан бемаъни баҳоналар айтишга тушдим. Баҳона тўқийвериб, охири ўзим ҳам адашиб кетдим. Отам мени тўхташиб сўради:

– Расул, тўхта-чи. Мен сенга иккита савол бермоқчиман.

– Сўранг.

– Пальто олдингми?

– Олмадим.

– Пулни ишлатдингми?

– Ҳа.

– Энди ҳаммаси равшан. Шундай экан нега боядан бери менга кераксиз гапларни айтаяпсан? Икки сўзда ифодалаш мумкин бўлган фикрни айтиш учун бунча кўп мукаддима тўқидинг...

Менга отам шундай сабоқ берарди.

ҲАР ҲОЛДА, эндигина туғилган чақалоқ бирданига гапириб юбормайди. У битта сўзни айтишдан аввал канча гўлдирайди. Бирор жойи оғриб йиғлаганида, хатто тукқан онаси ҳам унинг қаери оғриётганини билмайди.

Нима деб ўйлайсиз, баъзан шоир қалби чақалокнинг шу ҳолатига ўхшаб кетмайдими?

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Тоғдан отар қайтишини кутаётган одамлар, аввал олдинда келаётган таканинг шохини, кейин такани, сўнгра отарни кўришади.

Одамлар тўй ёки мотам бўлаётганини айтувчилар келгандан кейин билишади. Овулга айтувчи келишини кутаётган одамлар, аввал йўлдан осмонга кўтарилган чангни, кейин отни, сўнгра чавандозни кўришади.

Овчининг қайтишини кутаётган одамлар, аввал унинг ити келаётганини кўришади.

БУ КИТОБ ҚАНДАЙ ДУНЁГА КЕЛГАНИ ВА ҚАЕРЛАРДА ЁЗИЛГАНИ ТЎҒРИСИДА

*Кичкина болалар ҳам
катта тушлар кўради.
Бешикдаги ёзувлар.*

*Бир марта керак бўладиган ханжар
умр бўйи тақиб юрилади.*

*Умр бўйи такрорлаб юриладиган
шеър бир марта ёзилади.*

Баҳорни каршилаган овул осмонида калдирғочлар парвоз этмоқда. У учар экан қайдадир кўниб дам олишга жой излади. Кўрдик, битта уйнинг томи кенг, текис ва тоза. Қор ва ёмғир сувлари оқиб кетиши учун тарновлар қўйилган. Қуш осмондан пастлаб тарновга кўнди. Чаккон тоғлик киз шу заҳоти қушни ушлаб олди ва уйга кирди. Қуш кўрдик, уйдагиларнинг ҳаммаси унга яхши муносабатда бўлишарди. У шу жойда яшаш учун қолди, бўғотдаги тахтага ўзининг инини курди.

Менинг китобим ҳам шу қушга ўхшайдими? Мен ҳам шеърят осмонидан неча бор пастга, наср текислигига қарайдим, қайдадир ўтириб дам олишга жой излайдим...

Тўғрироғи, ўзимни аэродромга кўниш учун пастлаётган самолётга ўхшатишим керакдир.

Мана мен кўниш учун айлана ҳосил қилиб пастлайдим. Аммо аэродром ноқулай об-ҳаво шароитини айтиб, кўнишга руҳсат бермаяпти. Мен айланадан тўғри учиб кўтариламан ва парвозда давом этаман. Кўнишим керак бўлган аэродром яна пастда қолди. Бундай ҳолатлар бир неча бор такрорланди. Демак, менинг пешанамга каттик бетон аэродромга кўниш ёзилмаган. Демак, менинг оёқларим ер юзида тиним билмай юриши, менинг кўзларим сайёрамизнинг янги жойларини кўриши, менинг юрагим дам олмасдан янги-янги шеърларни яратиши керак.

Яна мен деҳқонга ўхшаб бир зум осмонда кўчаётган булутларга қарайдим, узоқ-узоқлардан келаётган турналар нолишини тинглайдим. Кейин деҳқон энгини шимариб катбият билан омов қулоғига ёпишгандай қўлимга қалам олиб, чала қолган дostonимни ёзиб тугатиш учун ўтирдим.

Менинг шеърятим, сени канча осмонларга қиёс қилмайин, сен менинг экинзоримсан, шудгор қилинган даламсан, энг машаққатли меҳнатимсан. Шундай бўлишига қарамай мен умуман насрда ижод қилмайдим.

Кунлардан бир куни менга хатжилд олиб келишди. Унда мен жуда кадрлайдиган журналнинг муҳаррири ёзган мактуб бор экан. Қолаверса, муҳаррир ҳам мактубини «Қадрли Расул...» дея бошлабди. Хуллас, ўзаро ҳурматимиз жойида.

Мактуб тахламини очар эканман, уни тоғликлар уй олдидаги кегарасига кури-тиш учун ёзиб қўядиган ҳўкиз терисига ўхшатдим. Қуриган ҳўкиз терисини уйга олиб кириш учун тўрт буклам килинганда қандай шиқирласа, мактубни очаётганимда ҳам шундай шиқирлади. Фақат ундан бурунни ачитувчи тери ҳиди келмади. Умуман, мактубдан ҳеч қандай хид таралмади.

Дарвоқе, муҳаррир мактубида шундай ёзибди: «Бизнинг тахририятимиз журналнинг яқин сонларидан бирида Доғистоннинг бугунги куни, илғор тажрибалари ва эришган муваффақиятларига бағишланган материал беришни режалаштирди. Майли, у оддий меҳнатқашларнинг кундалик ташвишлари, меҳнат қаҳрамонликлари ёки орзу-ниятлари тўғрисида ҳикоя бўлсин. Майли, бу ҳикоя сенинг тоғли ўлканг ва унинг асрлардан ўтган анъаналари, ажойиб «бугуни», порлоқ «эртаси» ҳақида бўлсин. Тахририят аъзоларининг фикрича, бу материални бошқалардан кўра сен яхшироқ ёзасан. Қайси жанрда ёзиш сенинг ихтиёрингда: ҳикоями, мақолами, очеркми, лавҳаларми, ўзинг биласан. Ҳажми – машинкада ёзилган қоғозда 9–10 бет. Муддати 20–25 кун. Сенга ишонамиз ва олдиндан миннатдорлик билдирамиз».

Қачонлардир тоғликлар кизларини турмушга беришаётганда уларнинг розилигини сўрашаган, фақат хатда ёзилгандай қабул қилган қарорлари тўғрисида айтишган. Ҳатто ўша вақтларда ҳам тоғликлар ўғлининг розилигини олмасдан уйлантиришмаган. Гидатли овулидаги бир кишигина ўғлининг розилигисиз бунга жазм этган, холос. Ишқилиб, журналнинг ҳурматли муҳаррири бизнинг Гидатли овулидан эмасмикан? Улар менинг номимдан қарор чиқариб бўлишибди... Лекин мен 25 кунлик муддатда Доғистон тўғрисида 10 бетлик материал ёзишга қарор қила оламанми?

Юрагимга тошдай ботган бу мактубни четроққа суриб қўйдим. Бир муддат ўтгандан кейин телефоним бетўхтов каттик жириглади, худди бу телефон эмас, ҳозиргина тухум қўйган товук. Албатта, бу журнал тахририятдан килинган қўнғирок эди.

– Салом Расул! Бизнинг мактубимизни олдингми?

– Олдим.

– Материал қани?

– Банд эдим... Ишлар кўпайиб кетди... Ҳеч вақтим бўлмади.

– Нималар деяпсан, Расул. Бу гапларингни қўйиб тур. Журнализмизнинг адади миллиондан зиёд. Хорижликлар ҳам ўқишади. Агар сен жуда банд бўлсанг, майли, биз сенга ёрдамчи жўнатамиз. Сен унга бир-иккита гоё ва маълумотлар айтасан, колганини ўзи қотиради. Кейин ўқиб чиқиб хатоларини тузатасан ва исм-фамилиянгни қўясан. Бизга сенинг номинг керак.

– Ким келаман деган меҳмонни кутиб олмаيمان деса, тили танглайга ёпишсин. Ким келган меҳмонни ёқинкирамай, пешанаси тиришиб кутиб олса, майли унинг уйида доно маслаҳат берадиган нуруний, бу маслаҳатларга амал қиладиган ёшлар бўлмасин. Биз меҳмонга шундай ҳурмат билан қараймиз. Худо хайрингни берсин, фақат Салихаловга ўхшаган девонани жўнатма. Мен ўз чилдирмамни ўзим киздира оламан, кўзамнинг кулоғини ўзим қўя оламан. Агар елкам санчса, санчган жойни ўзимдан яхшироқ кашлаб қўядиган одам йўқ.

Шу билан музокара тугади. Мен бир ойга таътилга чиқдим ва туғилган овулим Цада томонга йўл олдим.

Цада!.. Етмишта хонадон. Мусаффо осмонга етмишта хонадоннинг мўрисида кўм-кўк тутун кўтарилапти. Қора тупроқли жойдаги оппоқ уйлар. Овул, оппоқ уйлар олдида – теп-текис ям-яшил экинзор. Овул ортида – қоялар. Худди қўшни ҳовлидаги тўйни томоша қилиш учун том бошига тизилган болалардай кулранг қоялар кишлокка қараб турибди.

Мен Цадада кезар эканман, негадир, отамнинг биринчи бор Москвага борган вақтида бизга ёзган мактубини эсладим. Отам мактубида ёзган гапларнинг қайсиси ҳазил, қайсиси жиддий эканлигини билиб бўлмасди. Лекин унинг Москвадаги ҳар кўрган нарсасидан ҳайратга тушгани шундоқ сезилиб турарди:

«Москвада овқат тайёрлаш учун ўчоққа ўт ёқишмайди, шекилли. Чунки шунча юриб деворга таппи ёпаётган биронта аёлни кўрмадим, томларида Абутолибнинг бўрқига ўхшайдиган биронта мўри йўқ. Тунукали тарновларга ҳам кўзим тушмади. Москваликлар томларида пичан қуритишмас экан. Агар пичан қуритишмаса, молларига нима беришади? Боғлам пичан ёки шох-шабба кучоқлаб кетаётган хотинларни ҳам учратмадим. Ҳали сурнай ноласини ҳам, чилдирманинг овозини ҳам эшитмадим. Бу ердаги ёшлар турмуш қуришмайди, тўй қилишмайди, деб ўйлаш мумкин. Кўчаларда қанча кезсам ҳам биронта қўй кўрмадим. Унда москваликлар меҳмон келганда нимани сўйишади? Агар меҳмоннинг оёгининг тагига қўй сўйишмаса, унда азиз меҳмонга ҳурматини қандай билдиришади? Йўқ, ҳечам уларнинг ҳаётига ҳавас қилиб бўлмайди. Мени ўзимнинг Цада овулимиздан қўймасин, хоҳлаган пайт хотинимга саримсоқни кўпроқ қўшиб қовурма тайёрла, дейишим мумкин...»

Отам Москва ҳаётини ўзи туғилган овул ҳаётига таққослаб, жуда кўп камчиликларни кўрди. Албатта, отам Москвада аёллар деворга таппи ёпмаслигини ёзганда ҳазил қилган, лекин Москвадан кўра овулида яшашни афзал кўришини ёзганда зинҳор ҳазиллашмаган. У Цадани ҳаддан зиёд севарди, отам ўз овулини ҳеч бир мамлакатнинг пойтахтига алишмасди.

Жонажон, Цада! Мана мен ҳузурингга отам камчиликларини айтган оламдан келдим. Мен ҳам бу дунёда кезиб жуда кўп ажиб нарсаларни кўрдим. Қайси бирига қарашни билмай кўзларим ўйнади. Нигоҳимни битта чиройли эҳромдан узганда ундан ҳам чиройли эҳромга кўзим тушди, гўзал чехраларга қарадим, лекин шуни

аник билардим, улар қанчалик жозибали бўлмасин, эртага улардан ҳам жозибали-роқларини учратаман... Дунёнинг чеки-чегараси йўқ экан.

Мени Ҳиндистоннинг ибодатхоналари, Мисрнинг эҳромлари, Италиянинг қадим ёдгорликлари кечирсинлар, мени Америка шоҳ кўчалари, Париж хиёбонлари, Англия боғлари, Швейцария тоғлари ҳам кечирсинлар, мени польяк, япон, италян гўзаллари ҳам кечирсинлар, сизларни қанчалик ёқтирмай, хушомад қилмай юрагим бир маромда урди, бошим айланиб қоладиган даражада ақли-хушимдан айрилмадим.

Ҳозир эса, қоялар этагида жойлашган етмишта хонадонни кўришим билан юрагим ўйнаб кетди, ҳатто кўкрак қафасимга сиғмай қовурғаларимга ботаяпти. Худди қасал ёки маст бўлган одамдай кўз олдим қоронғилашаяпти, бошим айланаяпти!

Нахотки шу кичкинагина овулим Венециядан, Қоҳирадан ёки Калькуттадан гўзал бўлса? Нахотки, бир боғ ўтин кучоқлаб кетаётган авар аёли баланд бўйли, скандинавиялик оппоқ қизлардан гўзал бўлса?!

Цада! Эрталабдан ям-яшил далаларингни кезаяпман, толиққан оёқларимни шудринг юваяпти. Ҳатто юзимни тоғ жилғаси ёки булогининг муздек сувидан ювишимга ҳожат йўқ. Дейдилар, сув ичмоқчи бўлсанг булоқнинг кўзидан ич. Яна дейдилар, бу ҳақда отам ҳам айтардилар, эркак киши фақат икки ҳолда тиз чўкиши мумкин: булоқдан сув ичганда ва гул узганда. Азиз Цада, сен мен учун бир булоқсан! Тиз чўққанча ташналик билан сенинг меҳрингни симираяпман.

Тошга қарайман, унда тиник кўланка кўрингандай бўлади. У менинг ўзим, ўттиз йил илгари шундай эдим. Тошга ўтириб, ўтлаётган қўйларга қарайман. Бошимда жунли бўрқ, қўлимда узун таёқ, этигимга чанг қўнган.

Сўкмоққа қарайман, унда тиник кўланка кетаётгандай кўринади. У ҳам менинг ўзим, ўттиз йил илгари шундай эдим. Нега қўшни кишлоққа боргандим? Ҳа-я, отам жўнатганди.

Ҳар бир қадамда мен ўзимни учратаяпман, болалигимни, баҳор ёмғирида қолганимни, гуллар терганимни, кеч қузда дов-дарахтдан барғлар тўкилишини томоша қилганимни қайтадан кўргандай бўламан.

Мен ечиниб тошларга урилиб томчилар сочаётган шаршара тагида тураман. Оқим тошдан-тошга урилиб саккизга бўлинади, кейин қўшилиб бошимга, елкамга, қўлларимга қуйилади, қандай маза! Бу роҳатижон муздай сув олдида Парижнинг «Қирол саройи» меҳмонхонаси ваннасидаги пластмасса сепкичдан оқадиган илимсиқ сув нима бўлибди?

Булоқдан отилаётган сув кун бўйи Куёш нуридан қизиган тошда илийди. Тоғдаги бу тошли ванна олдида Лондоннинг «Метрополь» меҳмонхонасидаги мовий ванна оддий тоғора, холос.

Ҳа, мен катта шаҳар кўчаларида пиёда кезишни яхши кўраман. Лекин кўчалардан беш-олти марта ўтганимдан кейин ҳамма нарса танишдай кўрина бошлайди ва сайр қилиш хоҳишим йўқолади.

Эҳтимол, ўз овулимнинг кўчаларидан мингинчи марта ўтаётгандирман, лекин чор-атрофга тўймай қарайман, унда сайр қилиш истаги сўниш ўрнига алангаланеди.

Бу сафар мен овулдаги ҳар бир уйга кириб чиқдим. Ҳар бир уйга, ўчоғида ўт ёнса ҳам, ёнмаса ҳам. Ўти сўнган ўчоқлардаги аллақачон совиб қолган қулга жимгина қараб, бошимни эгдим.

Уйдаги бешик-беланчаклар қошида турдим, уларда бўлажак тоғлик эркак ва аёллар вояга етишади. Эҳтимол, бешикдаги ўрин ҳали иссиқдир ёки бўшдир, совиб қолган ўрин аллақачон йиғиштириб олингандир.

Гўё ҳар бир бешикда мен ётибман, ҳали келажаким олдинда, тоғ сўкмоқлари, Россиянинг кенг йўллари, хорижнинг автйўллари, аэродромлари, бандаргоҳлари...

Мен бешикдаги болаларни эркалайман, ўзимча алла айтаман, улар менинг нўноқ кўшиқларимни тинглаб жимгина уйқуга кетишади.

Цада қабристонига ҳам кирдим, ундаги ўт босган қабрлар ёнига ҳали тупроғи совимаган янги қабрлар ҳам кўшилибди.

Мен мотам бўлган уйларга кириб сукут сақладим, тўй бўлган уйларга кириб яйраб ўйнаб-қулдим. Ҳозиргача эшитмаган ҳикоя ва гапларни эшитдим. Айримларини билардим, лекин унутган эканман, улар яна ёдимга тушди ва хотираларим қатидан яна юзага қалқиб чиқди...

Янги нарсаларни ўз кўзларим билан кўрдим, эскилари тўғрисида одамлардан эшитдим, баъзи нарсаларни эсга олдим, улар мисоли хаёл урчуғида хилма-хил иплардай йиғилди. Мен яна хаёлан бу иплардан қандай ажойиб гилам тўкиш мумкинлиги тўғрисида ўйладим.

*Қуни кеча ёш бола эдим,
Қуш уядан палапон тутдим.
Қайси қуни ишққа дуч келдим,
Бирданига вояга етдим.*

*Қуни кеча доно чол эдим,
Кексаликнинг мақомин тутдим.
Қайси қуни ишққа дуч келдим,
Бирданига ёшариб кетдим.*

Ҳа, мен севги ҳақидаги дostonимни ёзиб тугатганим йўқ. Ошиқ ва Маъшук. Ошиқ – бу менинг ўзим. Асосий қаҳраоним Маъшук – бу севги. Дostonни ёзиб

тугатишим керак. Лекин мен ҳозир шундай ҳолатдаманки, гўё ташвишли шошилинчнома олганман, ҳамма ишимни ташлаб аэродромга чопишим лозим.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, тоғлик аёл кечадан қолган овқатни иситиш учун ўчоққа ўт ёқади. Ҳолбуки, бу овқат овлага етиб ортади. Шу пайт остонадан кутилмаган меҳмон кириб келади. Аёл иситилаётган овқат солинган кастрюлни ўчоқдан олиб, янги овқат тайёрлаш учун ўчоққа қозон осади.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, йигит тенгдош ўртоғи бўлган куёв ёнига ўтиради, лекин тўйхонага кексалар кириб келади ва у жойини бўшатади.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, меҳмонхонада оқсоқоллар давра қуришган, уларнинг ёнида болалар ўйнаб юришибди. Шу пайт оқсоқоллар муҳим бир масалани ҳал қилишмоқчи бўлишади ва болаларни меҳмонхонадан чиқариб юборишади.

Баъзан мен ўзимни овчидай, балиқчидай, чавандоздай сезаман: фикрларни овлайман, ё қармоқ ташлаб ушлайман, ё асов отларни эгарлаб минишга ўргатаман. Баъзан эса, мен кийикман, балиқман, отман, аксинча, ўйлар, фикрлар, туйғулар мени овлайди ва ўз ҳукмига юргизади. Ҳа, фикр ва туйғулар тоғликлар уйига таклифсиз ва огоҳлантиришсиз келадиган меҳмонларга ўхшайди. Улардан, меҳмонлардан бекиниб бўлмайди, уйдан қочиб кета олмайсан.

Бизнинг тоғликлар меҳмонларни катта ёки кичкинага, нафи тегадиган ёки нафи тегмайдиганларга бўлишмайди. Энг кичик ёшли меҳмон ҳам иззатда, чунки у меҳмон. Ҳатто энг кичик ёшли меҳмонга ҳам ёши улуг мезбонга нисбатан кўпроқ ҳурмат кўрсатилади. Меҳмоннинг қаердан келганини суриштирмаймиз, остонада кутиб олиб, уйнинг тўрига ўтказамиз, ёнбошига ёстик қўямиз.

Тоғликларнинг уйига меҳмонлар кутилмаганда келишади. Лекин улар тоғликлар учун ҳеч қачон кутилмаган меҳмон бўлишмайди. Чунки биз тоғликлар меҳмон келишини ҳар доим, ҳар кун, ҳар соатда, ҳар дақиқада кутиб яшаймиз.

Худди шундай китобдаги фикрлар ҳам тоғлик меҳмонларга ўхшаб хаёлимга кутилмаганда кириб келишди.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, деворга осилган пандурни эринибгина қўлингга олсан. Шундай ўзингча қандай созланганини текшириш учун динғирлатасан, бирдан янги куй-қўшиқ туғилади. Энди сен шу қўшиқни берилиб куйлай бошлайсан. Тун ўтганини ҳам, тонг отганини ҳам билмай коласан.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, йигит арзимас юмуш билан қўшни овулга боради ва у ердан отига ёрнини мингаштириб қайтади.

Нуфузли журналнинг ҳурматли муҳаррири! Мен мактубингизда баён этилган илтимосингизни бажараман. Тез кунда Доғистоним ҳақида китоб ёзишга киришаман. Фақат сиз айтган муддатда тугата олмасам, мени маъзур тутасизлар. Чунки мен жуда кўп сўқмоқларни босиб ўтишимга тўғри келади. Тоғда эса бундай сўқмоқлар жуда кўп.

Тоғлар узокдан сайқалланмаган олмосдай сирли жилоланади. Менинг хаёл тулпорим кенгликларда учмоқ истаиди. У сиз айтган тор йўлақларга сиғмайди ва уларга киришни ҳам истамайди.

Мен сиз кутгандай ўз Доғистонимни 9–10 саҳифа қоғозга ўрай олмайман. Узр, «Доғистоннинг бугунги куни, илғор тажрибаси ва эришган муваффақиятлари», «оддий меҳнаткашларнинг кундалик ташвишлари, меҳнат қаҳрамонликлари ва орзу-ниятлари», «тоғли ўлка ва унинг асрлардан ўтган анъаналари», «ажойиб бугуни ва порлоқ эртаси» тўғрисида ёзиш ҳазилакам иш эмас.

Ручкамнинг кичкинагина пероси бундай улкан юкни кўтариши қийин. Сиёхнинг кичкинагина томчиси тоғдан шарқираб оқаётган жилғаларнинг, саркаш дарёларнинг тугёнини, олам тақдирини, ҳатто битта одам тақдирини ўзида жамлаши мушкул.

Катта қушда кўпроқ, кичкина қушда камроқ кон бўлади. Қуш қандай бўлса, унинг қони гавдасига мосдир.

ДЕЙДИЛАР: Суякни ирғитган эдилар, у беҳосдан бугу бошига тушди ва ундан ажойиб шох ўсиб чиқди.

ДЕЙДИЛАР: Агар дунёда Али бўлмаганда, унинг ўғли Умар дунёга келмасди. Агар дунёда тун бўлмаганда, қандай қилиб тонг отарди.

ДЕЙДИЛАР:

– Бургут, қаерда дунёга келдинг?

– Тор дарада.

– Бургут, қаякка учмоқчисан?

– Чексиз осмонга.

КИТОБНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ НОМИ

*Эли чорлар, бўлса тўй ё жанг,
Унда мудрар шундай зўр жаранг.*

Кўнғироқдаги ёзувлар.

*Софдилликка ибрат отам ҳаёт дафтари,
Энди унинг исмин олиб улғаяр бола.*

*Бешигига осилгандир отам ханжари,
Унга софдил отам ҳақда айтилар алла.*

Бешикдаги ёзувлар.

Тоғлик икки нарсани асраши керак: ўз бўркини ва ўз номини. Бўрк тагида боши борлар, шубҳасиз бўркини асрайди. Юрагида олови борлар эса, ўз номини пок сақлаб қолади.

Торгина уйимизнинг шифтида бир нечта ўқ излари бор. Бу изларни отамнинг кадрдонлари тўппончадан ўқ узишиб колдиришган. Улар якин қояларга уя курган бургутларга бу хонадонда иниси туғилганини, Доғистонда яна битта бургут кўпайганини билдириш учун тўппончаларидан ўқ узишган.

Албатта, шифтга ўқ отилган билан ўғил бола туғилиб қолавермайди. Лекин ўғил бола туғилганини билдириш учун отишга хамиша ўқ топилган.

Мен дунёга келганимда ва менга исм бериш маросимида отамнинг дўстлари икки мартадан ўқ узишган экан: олдин шифтга, кейин ерга.

Онам менга қандай исм қўйишганини айтиб бергандилар. Мен оилада учинчи ўғил эдим. Ҳа, оилада опам ҳам бор эди, лекин биз ҳозир эркаклар, ўғил болалар ҳақида гаплашамиз.

Биринчи ўғилнинг исми туғилмасидан аввалроқ маълум бўлган. Чунки одатимизга кўра у марҳум бобомнинг исмини олиши керак эди. Ҳатто бу ҳақда бутун овул билган ва суҳбатлашганда бир-бирига айтишган: яқинда Ҳамзатнинг уйида Муҳаммад туғилади.

Бобомнинг ҳовлисига ҳеч қачон тўрт оёқли ҳайвон қирмаган, агар мушук ва кучукни ҳисобга олмасак. У ҳеч қачон кўрпа остида ҳам ухламаган, демакки, юпқа оқ пояндоз нима эканини ҳам билмаган. Дунёдаги ҳеч бир доктор мен Муҳаммадни кўриб қўйганман, оғзини очтириб тишига қараганман, билагидаги томирини ушлаб юрак уришини санаганман, қўйлагини кўтариб текшириб чуқур нафас олишини айтганман, деб мактана олмайди. Овулдаги ҳеч бир киши бобомнинг туғилган ва вафот этган кунини аниқ айта олмасди. Агар битта ёзма манбага ишонадиган бўлсак, унда бобом Муҳаммаднинг номини ёмонотлик қилиш учун сал-пал арабчани биларди, деб ёзиб қўйилган. Шундай қилиб, Отам унинг исмини биринчи ўғлига, менинг катта акамга берган.

Отамнинг Ахильчи исмли амакиси бўлган, у иккинчи ўғил туғилишидан сал аввалроқ вафот этганди.

Шу боис оиламизда иккинчи ўғил туғилганда овулдошларимиз бир-бирдан шундай дея суюнчи олишган:

– Мана Ахильчи ҳам қайта туғилди. Ўзимизнинг кадрдон Ахильчи. Агар уйининг томига қарға қўнса ҳам хайрли келсин. Унга улуғ одамнинг исми мерос қолди. Илойим, бола исмини олган одамга ўхшаб олийжаноб бўлиб вояга етсин.

Мен туғилганда отамда тайёр исм бўлмаган. Чунки ўша вақтда отамнинг яқинда вафот этган ёки олис ўлкаларда бедарак кетган кадрдони йўқ эди. Агар бор бўлганда мен ҳам унинг номини олиб, кейин умрим бўйи шу номни шарафлаб яшашимга тўғри келарди.

Шу боис отам урф-одатларимизга амал қилиб, мен туғилганимдан кейин исм қўйиш маросимига овулимизнинг барча оқсоқолларини уйимизга таклиф этган. Оқсоқоллар уйимизда бутун бир мамлакатнинг тақдирини ҳал этишга тўпланиш-

гандай шошилмасдан давра қуришган. Улар қўлларида Балхар кулоллари тай-ёрлаган ажойиб кўзачалар ушлашган. Албатта, кўзачалар ичида кўпирган бўза чайқалиб турган. Фақат тўрдаги авлиё кўринишидаги оппоқ соч-соқолли нуронийнинг қўллари бўш бўлган.

Онам бошқа хонадан чиқиб, ана шу нуроний кўлига мени тутқазган. Мен нуроний кўлида типирчиланман, онам эса секингина шундай деган:

– Сиз менинг тўйимда кўлингизда пандур ва чилдирма чалиб қуйлагандингиз. Қўшиқларингиз жуда ёқимли эди. Ҳозир кўлингизда менинг чақалоғимни ушлаб, қандай кўшиқ айтасиз?

– Эй, боланинг онаси! Унга кўшиқни бешигини тебратиб, сен ўзинг айтасан. Кейин унга жилғалар, қушлар ўз кўшиқларини қуйлайди. Майли, унга қиличлар ва ўқлар ҳам ўз кўшиқларини айтишсин. Лекин унга энг яхши кўшиқни келинчаги қуйласин.

– Унда ўғлимга исм қўйинг. Мен онаси, бутун овул, бутун Доғистон сиз қўйган исмни эшитсин.

Нуроний мени қўлларида уйнинг шифтигача кўтарган ва деган:

– Қизларнинг исмига юлдузлар нури ва гуллар нафислиги йўғрилган бўлиши лозим. Ўғиллар исмида эса, китоблар ҳикмати ва қиличлар жаранги ифодасини топмоғи керак. Мен китобларни ўқиб, қиличлар жарангини тинглаб кўп исмларни билдим. Мен ўқиган китоблар ва мен тинглаган қиличлар жаранги ҳозир қулоғимга РАСУЛ исмини шивирламоқда.

Авлиёсифат нуроний мени аста ўгириб ўнг қулоғимга шивирлаган: РАСУЛ. Кейин мени ўгириб, чап қулоғимга баландроқ товушда айтган: РАСУЛ. Сўнгра мени йиғлаётган ҳолда онамга берган ва даврага қараб деган:

– Мана Расул билан танишиб олдик.

Уйда ўтирганлар сукут сақлашиб, бу исмга рози эканликларини билдиришган. Кейин қўлларидаги бўзани ичишиб, кўзачаларни тўнкариб қўйишган ва барчаси мамнуният билан томоқ киришган.

Тоғлик икки нарсани асраши керак: ўз бўркини ва ўз номини. Баъзан бўрк оғирлик қилиши мумкин, худди шундай ном ҳам. Эндиликда маълумки, дунёни кўрган ва кўп китобларни ўқиган оппоқ соч-соқолли тоғлик нуроний менинг исмига умрим мазмунини ва мақсадимни жо этган экан.

Расул арабчада «элчи» ёки аниқроқ айтсак «вакил» деганидир. Айтингиз, мен кимнинг элчисиман, кимнинг вакили?

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Бельгия. Мен жаҳон шоирлари учрашуви қатнашчиси-симан, унда кўплаб миллат ва мамлакатларнинг вакиллари иштирок этишди. Ҳар бир қатнашчи ўз халқи, унинг маданияти, шеърини ва тақдири тўғрисида гапиришди. Бу учрашувда Лондондан келган венгер, Париждан келган эстон, Сан-Францискодан келган поляк каби вакиллар ҳам бор эди. Тақдир уларни ўз

юртидан узокка, денгизлар ва тоғлар ортига, ўзга мамлакатларга стаклаган бўлса нима қилишсин?

Учрашувда битта шоирнинг шундай сўзлари ёдимга муҳрланиб қолди.

– Жаноблар, биз турли мамлакатлардан келиб шу жойда тўпландик. Сизларнинг ҳар бирингиз ўз миллатингиз, ўз мамлакатингиз вакилисиз. Фақат менгина битта халқнинг, битта мамлакатнинг вакили эмасман. Мен барча халқларнинг, барча мамлакатларнинг ва умумшеъриятнинг вакилиман. Ҳа, мен – шеъриятман. Мен – қуёшман, бутун сайёрага нур таратувчи. Мен – ёмғирман, она замин ташналигини қондирувчи, унда қайси миллат яшаётганига эътибор ҳам бермайман. Мен – дарахтман, Ер шарининг ҳамма жойида бир хил гуллайдиган.

У шундай деди ва минбардан тушди. Кўпчилик уни олқишлади. Мен ўйга толдим. Чиндан ҳам у ҳақ, биз шоирлар бутун дунёга жавобгармиз, аммо ўз тоғликлари номидан гапира олмаган одам, бутун дунё номидан гапира оладими? Назаримда, у ўзи туғилган юртдан кетиб ўзга мамлакатда уйланган ва қайнонасини она деган одамга ўхшайди. Тўғри, ҳамма қайнонасини ҳурмат қилиши керак, лекин барибир она она-да!

Агар сендан кимлигингни сўрашса, барча маълумотларинг ёзилган паспортингни кўрсатишинг мумкин. Агар халқдан кимлигини сўрашса, у шундай ҳужжат ўрнига ўзининг олимини, шоирини, рассомини, бастакорини, сиёсий арбобини, саркардасини кўрсатади.

Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак.

Одамга исм, бўрк ва курул берилади, чақалоқлигидан бошлаб унга алла айтиб она тилига, ўз юртига меҳр сингдирилади.

Мени тақдир қайси жойларга олиб бормасин, туғилган юртимнинг, тоғларнинг, отни эгарлашга ўргатган овулнинг вакили эканимни унутмайман ва ўзимни ўша жойларда Доғистоннинг махсус мухбири сифатида сезаман.

Доғистонимга эса, умуминсоний маданиятнинг махсус мухбири, бутун мамлакатнинг, бутун дунёнинг вакили сифатида қайтаман.

*Она юртим ҳақда ҳали очунга,
Ўзим хоҳлагандай қуйлай олмадим.
Эга бўлсам ҳамки тўла хуржунга,
Ундаги борини тўқиб солмадим.*

*Она тилимдаги янгроқ қўшиқни,
Жаҳон узра мағрур бошлай олмадим.
Елкамга ортилган зил-замбил юкни,
Хавотирдан ерга ташлай олмадим.*

Уйимиз томида давра кураимиз ва овулдошларим мандан сўрашади:

– Узоқ элларда ўзимизнинг одамларни учратмадингми?

– Ўзга юртларда зерикмадингми, овулимизни соғиндингми?

– Ўзга мамлакатларда бизнинг борлигимизни, шу заминда яшаётганимизни билишадими?

Мен уларга жавоб бераман:

– Улар биз ҳақимизда қаёқдан ҳам биларди, агар биз ўзимизни хали тўла билмаган бўлсак. Биз миллион кишимиз. Доғистоннинг тошлоқ тоғлари орасидамиз. Миллион киши ва қирқдан зиёд тил...

– Биз ҳақимизда мана сен гапир, ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам, дунёда яшаётган барча одамларга ҳам. Неча асрлар бизнинг тарихимизни аждодларимиз ханжар ва қиличлар билан ёзишди. Энди одамлар қоғоз-қаламни ўйлаб топишди. Агар сен Цада овулида туғилиб, ханжар ва қиличларда ёзилган тарихимизни қалам билан қоғозга ўтказмасанг, бу ишни сен учун бошқа одам қилмайди.

Сара фикрларингни уюр қил, ундаги отлар чопкириқда бири-биридан қолишмасин. Кейин бу уюрни оппоқ қоғоз яйловига эркин қўйиб юбор. Майли, фикрларинг оппоқ қоғоз узра яйраб учсинлар, худди бир нарсадан ҳурккан отлар ёки тоғ такалари каби.

Фикрларингни яширма. Агар яширсанг, кейин қаерга қўйганингни унутиб қўясан. Баъзан ҳасислар пулини қаерга бекитганини унутиб қўйишади ва ҳасисликлари туфайли бор-будидан айрилишади.

Аммо фикрингни ўзгаларга ҳам берма, оғзингдаги гапингни олдириб қўйма. Қимматбаҳо созни болага қўғирчоқ ўрнига беришмайди. Бола созни ё синдиради, ё бирон жойини шикастлайди, ё уни йўқотади.

Ҳар ким ўз отининг феълени бошқаларга нисбатан яхшироқ билади.

ОТАМ СЎҚМОҒИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Бизнинг кичкинагина Цада овулимизни ундан каттароқ бўлган Хунзах овулига туташтирувчи автомобиллар қатнайдиغان йўл бор. Хунзахда туман маркази жойлашган. Отам Хунзахга ҳар куни ишга ҳамма юрадиган йўлдан эмас, ўз сўқмоғидан қатнаган. У белгилаб олмаса ҳам эрталаб ва кечкурун бир жойдан юравериб текис сўқмоққа айлантирган.

Отам ўз сўқмоғидан ажойиб гулларни терарди ва улардан ажойиб гулдасталар тузарди.

Қишда эса сўқмоғининг ўнг ва чап томонларига қордан одамларнинг, чавандозларнинг, отларнинг кичик-кичик ҳайкалчаларини ясаб кетарди. Цада ва Хунзах овулидаги одамлар бу сўқмоқдан ўтаётганда ҳайкалчаларни томоша қилиб завқланишарди.

Отам ясаган гулдасталар аллақачон қуриб тўкилди, отам қордан ясаган ҳайкалчалар аллақачон эриб кетди. Лекин Доғистоннинг гуллари, тоғликларнинг тимсоллари отам шеърларида ҳамон яшаяпти.

Ўсмир чоғларим, хали отам бошимда посбоним эди. Хунзахга борадиган бўлдим. Мен катта йўлдан бурилиб, отамнинг сўкмоғидан юргим келди. Кекса тоғлик мени кўриб тўхтатди:

– Отангнинг сўкмоғи отангга буюрсин. Сен ўз сўкмоғингни изла.

Мен кекса тоғликнинг насихатига кулок тутиб, ўзим учун янги сўкмоқ изладим. Мен танлаган кўшик сўкмоғи олис, эгри-бугри бўлса ҳам ҳамон ўшанда кетаяпман, ўзимнинг гулдастам учун гуллар тераяпман.

Ушбу китобни ёзиш ғояси ҳам илк бор айнан шу сўкмоқдан кетаётган вақтимда туғилган.

Ўшанда нимаики ўйлаган бўлсам хотирамга муҳрланиб қолди. Энди улар албатта дунёга келади. Худди она қорнидаги ҳомила аввал юздаги тер бўлиб сизгандай, кейин оғрик бериб туғилгандай. Бу ҳолат китоб ёзишда ҳам бошдан кечади.

Аммо болага исми у дунёга келмасдан аввал ҳам танлаш мумкин. Мен китобимни қандай номласам экан? Унга номни гулларнинг номидан олсаммикан, ёки юлдузларникидан, ёки доноларнинг ҳикматли китобларини ўқиб унга ном изласаммикан?

Йўқ, мен отимни ўзганинг эгари билан эгарламайман. Четдан олинган ном, эҳтимол, лақаб бўлар, лекин ҳеч қачон ҳақиқий ном бўла олмайди.

Шундайку-я, лекин китобнинг номи унинг мазмунидан, нималар ёзилганидан ва мақсад-муддаосидан келиб чиқиши керак. Ахир, бўрқни бошга қараб танланади, аксинча эмас. Торнинг узунлиги пандурнинг узунлигига қараб олинади.

Менинг овулим, менинг тоғларим, менинг Доғистоним. Мана шулар менинг ўйларим, менинг туйғуларим ва менинг мақсадимнинг ошёни. Қанотларим қотган вақтида ўзим ҳам шу ошёндан парвоз қилганман. Барча кўшиқларим шу ошёндан учган. Доғистон – менинг ошёним. Доғистон – менинг бешигим.

Шундай экан, нега ўйланишим керак? Тоғликлар кўпинча ўғлига бобосининг исмини кўйишади. Китоб менинг фарзандим, мен эса Доғистоннинг ўғлиман. Демак, унинг номи – «Доғистон». Ҳа, бу жуда мос, жуда гўзал ва нишонга жуда аниқ тегадиган ном.

Элчининг қайси мамлакатдан эканлигини унинг машинасидаги байроғига қараб билишади. Менинг китобим – менинг давлатим. Унинг номи эса байроғи.

Ёзаётган вақтда одамнинг фикрлари ҳар бир саҳифада, ҳар бир сатрда ва ҳатто ҳар бир сўзда баҳс-мунозарага киришади. Менинг фикрларим ҳам худди қандайдир халқаро анжумандаги вазирларга ўхшаб кун тартиби бўйича ўзаро сўз жангига киришгандай китобнинг номи юзасидан баҳс-мунозарага киришади. Менинг фикрларим ҳам худди қандайдир халқаро анжумандаги вазирларга ўхшаб кун тартиби бўйича ўзаро сўз жангига киришгандай китобнинг номи юзасидан баҳс-мунозара бошлашди.

Шундай қилиб, битта вазир бўлажак китобни «Доғистон» деб номлаш таклифини киритди. Иккинчи вазирга бу таклиф ёкмади. У минбарга қоғозларини қўяр экан, ўз эътирозларини билдирди.

– Бўлмайди, тўғри келмайди. Қандай қилиб кичкинагина китобни каттакон мамлакат номи билан аташ мумкин? Болага отасининг бўркини кийдиришмайди. Ахир, бола бўрқнинг тагида қолиб кетади.

– Нега бўлмас экан? – дея баҳсга киришди таклиф киритган вазир. – Ой осмонда сузиб ўтаётган вақтда денгизда ҳам, жилғада ҳам акс этади. Биз бу аксни ой деб атаймиз, бошқа номда эмас. Нима учун Доғистон акси бўлган бу китобга бошқа ном излашимиз керак? Тўғри, бир эрақда тулки ойнанинг сувдаги аксини бўрига бир бўлак думба деб айтган ва бўри бу сўзга ишониб ўзини сувга ташлаган. Аммо тулкининг айёрлиги ва ёлғончилиги ҳаммамизга маълум.

– Бўлмайди, тўғри келмайди, – ўз фикрида каттик туриб олди иккинчи вазир. – Доғистон – бу аввало географик тушунча. Яъни тоғлар, дарёлар, даралар, булоқлар ва ҳатто денгиз. Менга «Доғистон» деб айтишлари билан кўз олдимга географик карта келади.

– Э, йўк! – деб аралашаман мен. – Менинг юрагим Доғистон меҳри билан лиммо-лим, лекин у географик карта эмас. Менинг Доғистонимда географик ва бошқа чегаралар ҳам йўк. Менинг Доғистонимда йиллар кетидан йил. асрлар кетидан аср келиши аниқ бўлган катъий мезон ҳам йўк. Менинг китобим, агар уни ёзсам Доғистон ҳақидаги ҳеч бир дарсликка ўхшамайди. Хаёл кенгликларимда асрлар қўшилиб кетади, кейин мен улардан энг муҳим тарихий воқеани, халқимизга хос энг муҳим хислатни, «Доғистон»га хос энг муҳим сўзни оламан.

Тўғри, барча доғистонликлар учун Доғистон битта, ягона. Лекин ҳар бир доғистонликнинг қалбида ўз Доғистони бор.

Менинг ҳам ўз Доғистоним бор. Менгина уни шундай кўраман, менгина уни шундай тасаввур қиламан. Доғистонимда шунча йил яшаб нимаики кўрган, билган бўлсам, менгача яшаган ва мен билан замондош доғистонликлар, қўшиқлар ва дарёлар, ҳикматлар ва қоялар, осмонда учган бургутлар ва отнинг туёғидан тушиб қолган такалар, тоғ сўкмоқлари ва ҳатто дарадаги акс садолар қалбимда ўз Доғистонимни пайдо қилишди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Кисловодск. Хонада икки кишимиз. Мен ва ўзбек. Бизга деразадан тонг ва шом пайтида Эльбруснинг икки чўққиси яққол кўзга ташланади.

Мен бу икки чўққини сочи олинган ва жанглarda бошидан яраланиб, жароҳатини дока билан боғлаб олган Шомилнинг кўркмас икки муридига ўхшатдим.

Шу вақтда хонадошим чўққига қараб туриб, менга сўз қотди:

– Бу икки ўрқачли чўққи менга Бухородаги оппоқ соч-соқолли нуронийни эсимга солди. Гўё у қўлида бир лаган ош кўтариб келаётди, тонгда водий гўзаллигини кўриб ҳайратланиб қотиб қолган.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Калькуттада буюк Робиндранат Тагор уй музейида куш расмини кўргандим. Бундай куш дунёда йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Лекин шундай куш Тагорнинг тасаввурида пайдо бўлган, калбида яшаган. Албатта, Тагор дунёдаги бошқа қушларни ҳеч қачон кўрмаганида, бундай мўъжизавий куш суратини чиза олмасди.

Менинг калбимдаги шундай мўъжизавий куш – бу менинг Доғистоним. Шунинг учун китобимни аниқ қилиб, «Менинг Доғистоним» деб номлашим керак. Бу билан Доғистон менгагина тегишли демокчи эмасман, балки Доғистон ҳақидаги тасаввурларим бошқаларнинг Доғистон ҳақидаги тасаввурларидан фарқ қилади демокчиман, холос.

Хуллас, қарорим катъий. Китобимнинг муқовасига «Менинг Доғистоним» сўзлари ёзилади.

Қароримни эшитиб, вазирлар анжумани бир муддат сукут сақлади, ҳеч ким эътироз билдирмади. Бирдан шу вақтгача жим ўтирган вазир турди ва минбар сари йўл олди.

– Менинг Доғистоним. Менинг тоғларим. Менинг дарёларим. Нима ҳам дер эдик, ёмон эмас. Талабалар ётоқхонасида ёшлик даврида яшаш яхши. Кейинчалик одамнинг ўз уйи, ўз ховлиси бўлиши керак. Аммо «менинг уйим» дейиш билан иш тугамайди, бу уйнинг ўчоғида ўт ёниб туриши зарур. «Менинг бешигим» деган сўз ҳам ҳеч нарса ни англатмайди, аввало бу бешиқда чақалоқ ётиши керак. «Менинг Доғистоним» деб ёзгандан кейин унда Доғистон тақдири, бугунги куни бўлиши шарт. Доғистонлик машхур шоир Сулаймон Стальскийнинг хикматли мисралари ҳаммамизга маълум. Мен ҳозир айтмоқчи бўлган гапни ҳам у илгарирок шеърларида ёзиб қўйган. У шундай деб ёзганди: «Мен фақат лезгин, Доғистон, Кавказ шоири эмасман. Мен – ўз давримнинг шоириман. Мен шу катта мамлакат эгасиман». Ҳа, оппоқ соч-соқоли Сулаймон шундай деб айтган. Сен эса бизга битта фикрни таъкидлаясан: «Менинг овулим, менинг тоғларим, менинг Доғистоним». Бу гапларингдан кейин мен учун дунё Доғистондан бошланиб, Доғистонда тугайди деб ўйлаш мумкин. Дунё Кремлдан бошланмайдими? Сенинг қўйган номингда мен шуни кўрмаяпман. Сен кўкрак кафаси яратгансан-у, унинг ичига юрак қўйишни унутгансан. Сен кўз яратгансан-у, унга кўриш сезгисини беришни унутгансан. Кўра олмайдиган кўз узумсиз ток новдасига ўхшайди.

Ёркин ўхшатишларни айтган учинчи вазир қалин хикматли китоблардан иқтибослар кўчирилган қоғозларни қўлтиқлаганча ўз жойи томонга йўналди. У судья ҳукмини ўқиб эшиттиргандан кейин гапиришга ҳожат йўқ, худди шундай, мендан кейин бошқаларга айтадиган гап қолмади, дегандай ҳамкасбларига назар ташлади.

Шу пайт минбарга анжуман катнашчиларидан яна бири отилиб чиқди. У жўшқин, кувноқ ва бошқаларга нисбатан ёшроқ эди. У ўз нутқини шеър ўқишдан бошлади.

*Агар одам ўтирса фақат,
Билиб бўлмас у соғми, чўлоқ,
Агар одам уйқуни урса,
Билиб бўлмас қандайдир кўзи?*

*Агар одам туширса овқат,
Билиб бўлмас у мардми, кўрқоқ,
Агар одам доим жим турса,
Билиб бўлмас, асли ким ўзи?*

– Бу билан мен нима демокчиман? – давом этди у. – Албатта, китобда гоё бўлгани яхши. Бу ҳақда мендан олдин чиққан нотик гапириб ўтди. Лекин ҳаётда шундай гоёпараст одамлар борки, уларнинг гоёга ҳам зарари тегади. Шу ўринда мен сизга Итля овулидан чиққан Михаил тўғрисида сўзлаб бермоқчиман.

Анжуманда сўзлаш учун вақт белгиланмагани учун нотик бемалол Михаил ҳақидаги ҳикоясини бошлади.

Хунзах тумани партия кўмитасида Михаил Григорьевич Гусейнов деган отбоқар ишларди. Аслида, унинг номи Михаил эмас, Муҳаммад эди. Фукарлар уруши даврида у кайгадир кетди ва туғилган овулига Муҳаммад эмас, Михаил бўлиб қайтди. Демак, у Доғистонда берилган исмини ўзгартирди. Кекса отаси янги пайдо бўлган Мишага деди:

– Онанг сенга мотам тутса бўлмасмиди! Гарчи мен сенга Муҳаммад исмини берган бўлсам ҳам, энди у сенинг исминг, исмингга ўзинг хоҳлаганча муносабатда бўлишинг мумкин. Аммо менинг исмингга дахл қилишингга ким рухсат берди? Айт, кўрнамак. Ҳасан исминини Григорий қилишга ким рухсат берди? Мен сенинг отангман, хали ўлганим йўқ! Мен Ҳасан бўлиб ўлишни истайман.

Фукарлар уруши қатнашчиси қайсар чиқиб қолди. У барибир Михаил Григорьевич бўлиб қолаверди ва Хунзах туман партия кўмитасида отбоқарлигини қилаверди.

Кунлардан бир куни партия кўмитаси йиғилишида бизнинг ўқитувчимиз Гаджигай хайфсан берилибди. Маълум бўлишича, у анкета тўлдириш чоғида амакиваччасининг қандайдир қариндоши князь ўтганини ёзмаган экан.

Хуллас, партия хайфсанининг олган Гаджигай Батлаич овулидан жигибийрон холда уйига қайтар эди. Йўлда унга партия кўмитаси отбоқари Михаил Григорьевич етиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Гаджигай унга дардини дастурхон қилди.

Михаил Григорьевич жиддий киёфада деди:

– Бу ишинг учун сенга хайфсан бериш кам. Сени камида партиядан хайдаш керак эди. Ўзи сен қанақа партия аъзосисан? Ҳақиқий партия аъзоси бу ҳақда тегишли жойга ариза ёзарди. Ҳали бу амакиваччангнинг қариндоши экан, туғишган уканг ё синглинг, ё отанг бўлмайди?

Ўқитувчи бошини кўтариб Михаил Григорьевичга каради ва деди:

– Бекорга сени ғояпараст дейишмас экан. Сен шу вақтгача Доғистон тоғларини теп-текис қилиб ташламаганингга хайрон қолаёсан. Чунки учқур тошли қоялардан кўра теп-текис жой «ғоявийрок». Айтгандай, сенга ўхшашларга гапиришни ўзи бефойда.

Иккаласи бир томонга кетаётган бўлишларига карамай Гаджи йўлини сўкмок томон бурди.

– Қаёқка? – хайрон бўлиб сўради Михаил Григорьевич.

– Қаёқка бўлса ҳам майли, лекин сен билан бирга юрмайман.

– Мен ёрқин келажак сари кетаяман. Сен қарама-қарши томонга юрмассан.

– Ҳатто ёрқин келажакка ҳам сен билан ёнма-ён бормайман. Аммо кўраммиз, ёрқин келажакка қайси биримиз тезроқ етиб борар эканмиз?

Бу воқеани айтиб тугатган нотик яна сўзида давом этди:

– Битта шоир чўпон ҳақида шундай шеър ёзибди:

*Тоғлар узра тарқади туман,
Бизга манзил кўринди равшан.
Қўйларингни ҳайда, эй чўпон,
Ўша ёрқин келажак томон.*

Ёки ғояпараст рашкчи эр туман партия кўмитасига шундай ариза ёзган экан:

«Қанча тушунтирмай, ҳатто жисмонан таъсир кўрсатмай менинг хотиним «Партия тарихининг қисқа курси» китобини старли даражада ўқимаяпти. Туман партия кўмитасидан хотинимни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга ёрдам кўрсатишини сўрайман».

Ёки бир кун Доғистон Ёзувчилар уюшмаси эшигида ваҳимали эълон пайдо бўлди: «Чуқур назарий жиҳатдан тайёрланмасдан туриб, бу эшикдан киришга ҳақкинг йўк!»

Ўша куни кекса машҳур шоир Абутолиб Ғафуров қандайдир иш билан Ёзувчилар уюшмасига келаятган экан, эълонни ўқиб қайтиб кетибди.

Ёки кўп миллатли Маҳачқалъа шаҳрида турли қабристонлар бор: мусулмонларники, христианларники...

Ҳаддан ташқари, ғояпараст киши республика фаоллари йиғилишида шундай дебди:

– Биз халқлар дўстлиги учун тинмай кураш олиб бораёلمиз, лекин шаҳримизда ҳар бир миллатнинг ўз қабристони бор. Барча учун умумий янги қабристон очиш вақти келди. Унга яхши ном ҳам қўямиз, масалан, «Бир оила болалари». Тўғриси айтсам, менинг ота-онам диндор бўлишган. Худога ибодат қилишган. 1937 йилдан буён партия аъзоси бўлган мендай одам ота-онам билан битта қабристонда ётишим мумкинми? Шундай экан шаҳримизда юқори ғоявий мазмундаги янги қабристон очишимиз керак.

Айтишларича, бу бечора ғояпараст ўзи истаган кабристон очилишини кута-кута вафот этибди.

– Шунинг учун айтаяпман, – дея овозини кўтариброк гапирди вазир, – китобнинг номи – бўрк. Аммо нима муҳим: бошми ёки бўрк? Яхшиси, овчилар қандай қилиб бўри овлагани тўғрисидаги хикояни айтиб берай.

ОВЧНИНГ БОШИ БОРМИДИ? Учта овчи овулга яқин дарага бўри бекингандан хабар топишди. Улар бўрини топиб, ўлдиришга қарор қилишди. Халқимиз уларнинг бўрини қандай овлагани тўғрисида кўплаб хикоялар тўқишган. Болалигимда айтилган бу хикоя менинг ёдимда қолган.

Бўри овчилардан қочиб ғорга бекинган. Ғорга бош сиғади-ю, елка сира сиғмайди. Овчилар нима қилишни билмай тошнинг орқасига ўтиб, милтиқларини тўғрилашганча бўрининг ғордан чиқишини кута бошлаган. Албатта, бўри ҳам аҳмоқ эмас, ўзини ўққа тутиб берадиган. Демак, бу ўйинда қутишдан қарчаган томон ютқизади.

Битта овчининг сабри чидамади. У ғорга кириб, бўрини хайдаб чиқмоқчи бўлди. У ғорнинг олдига келиб, бошини ичкарига суқди. Шу кўйи кимирламай тураверди: на ичкарига киришга уринади, на бошини чиқаришга. Икки овчи бу ҳолатни кўриб туравериб қарчашиб ва яқинлашиб биринчи овчининг гавдасини туртишди. Думалаб тушган гавдага қарашса, унинг боши йўқ эди.

Улар бир-биридан сўрашга тушди: у ғорнинг олдига келмасдан олдин ўзи боши бормиди? Елкасининг устида нимадир бордай эди, деди бири. Унинг илгари ҳам боши йўқ эди, деди иккинчиси.

Бошсиз гавдани овулга олиб қилишди, бўлган воқеани гапириб беришди. Бир кекса киши деди: «Агар у бўри бор ғорга бошини суққан экан, демак унинг боши аввалдан бўлмаган. Эҳтимол, унинг боши болалигидан бўлмагандир?» Масалага аниқлик киритиш мақсадида овчилар хотинининг олдига бориб бу ҳақда сўрашибди.

– Мен эримнинг боши бор-йўқлигини қаёқдан биламан? Фақат эсимда қолгани шу: эрим ҳар йили янги бўрк тиктиришга буюртма беради.

Ғоя сўзда эмас, амалда ҳам бўлиши керак. У муқовада жар солмасдан, китобнинг мазмунига сингиб кетиши лозим. Хуллас, гапнинг охирида айтиладиган сўзни бошида айтиш шарт эмас.

Чақалокнинг бўйнига бало-қазолардан асрасин деб, тумор осишади. Туморнинг фойдаси тегадими-йўқми, бу бошқа масала. Лекин тумор қўйлақ ичида бўлади, уни ҳаммага намоёиш қилинмайди.

Ҳар бир китобда шундай тумор бўлиши керак. Уни муаллиф билади, ўқувчилар эса сатрлараро, яъни қўйлақ ичида нималар борлигини тахмин қилади.

Ёки пиширик тайёрлашда ҳамирга озгина асал қўшилади. Асал суюқликда эриб ширин маза беради ва хушбўй хид таратади. Уларни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди.

Ёки Бомбайда ям-яшил боғ бор. Жазирама иссиқда атрофидаги ўсимликлар сўлса ҳам бу боғ яшнаб тураверади. Маълум бўлишича, боғнинг тагида ер ости кўли бўлиб, дарахтларнинг илдизлари шу кўлнинг сувидан озикланар экан.

Ғоя бу тоғдаги тошдан-тошга урилиб сачраган сув эмас, у кўзга кўринмасдан тупрокни намлантириб, илдизлари орқали дарахтларни озиклантирувчи сув.

– Бу нима деганинг? – деганча столни қарсиллатиб уриб ўрнидан туриб кетди ҳикматли китоблардан икгибослар келтириб нутқ сўзлаган вазир. – Демак, бўрқнинг устида нима бўлса ҳам сизларга барибир: саллами, қизил лентами ёки беш қиррали юлдузми? Сизларга одамнинг кўнгли очик бўлса бас, кўкрагига «Қизил Юлдуз» ордени такадими, бўйнига хоч осадими, барибир, шундайми? Бир одамнинг ўзи бир вақтнинг ўзида Танус овулилик Ҳасанга ўхшаб Гоноҳ овулида ўқитувчи, Гиничутла овулида ёшлар ташкилоти сардори, Хунзах овулида муллачилик қилиши мумкин экан-да. Китобда ҳам шундай қилиши мумкин демокчимисизлар? Йўқ, йўқ ва яна йўқ! Ғоя – бу байроқ! Ва уни кўз тушмайдиган жойга қўйиб бўлмайди. Байроқни ҳамиша баланд кўтариб юриш керак, токи одамлар унинг орқасидан эргашсин.

– Агар сенинг гапингни ким инкор этса, майли, унга хотини хиёнат қилсин, – дея гап бошлади яна ўша ёшроқ вазир. – Сен истаяпсанки, байроқ алоҳида жойда турсин, унга қараётганлар алоҳида жойда туришсин. Яъни, сен ғоя юракдан, кўнгилдан бошқа жойда бўлишини истаяпсан. Сен уларни икки аравага ўтказмоқчисан. Бу аравалар бошқа-бошқа йўллардан кетиб қолишса нима бўлади? Сен айта-япсанки, одам авар ҳам эмас, доғистонлик ҳам эмас, мамлакат фуқароси бўлса бас. Масалан, мен аварман, доғистонликман, шу билан бирга мамлакат фуқаросиман. Ахир, бу тушунчалар бир-бирини сира инкор этмайди.

Тўғри ҳамма йўллар Кремлдан бошланади. Мен ҳам бу фикрга тўлиқ кўшиламан. Лекин мен учун дунё ўз уйимдан ҳам, уйимнинг остонасидан ҳам, овулимдан ҳам бошланади-да. Кремль ва овул, бахтли келажак ғояси ва она юрт туйғуси, булар – кушнинг икки қаноти, пандурнинг икки тори.

– Ўзи битта оёқда ҳаққолашимиз шартми? Китобга иккинчи ном ўйлаб топайлик, у ичидаги мазмунини ифода қилсин.

Қайга бормай она юртимга ўхшаш жиҳатларни излайман. Ҳиндистонга сафар чоғимда ҳам Доғистон ҳақида ўйладим. Бу мамлакатнинг қадим маданияти ва фалсафаси сирли овозда она юртим ҳақида шивирлади. Менинг бу гапларимга ишонсангиз бўлади, чунки эндиликда дунёнинг ҳамма жойида Доғистон ҳақида эшитиш мумкин. Шундай замонлар ҳам бўлган «Доғистон» сўзи кимсасиз дара ва чўлларда акс садо берган. Эндиликда бу сўз бутун мамлакатда, дунёда жаранглаб, миллионлаб юраклардан жой олди.

Мен Доғистоним ҳақида Непалдаги йигирма иккита шифобахш булоғи бор будда ибодатхонасида ҳам ўйладим. Аммо Непал мисоли сайқалланган олмос, шу боис

уни Доғистон билан қиёслай олмайман. Чунки Доғистон олмослари билан энди-гина бир неча ойна кесилди.

Мен Доғистоним хақида Африкада ҳам ўйладим. У менга чорак қисми қиндан суғурилган ханжарни эслатди. Бошқа мамлакатлар – Канада, Чили, Англия, Испания, Японияда бўлганимда ҳам Доғистоним хақида ўйладим, улар ўртасидаги ўх-шашлик ва тафовутларни изладим.

Кунлардан бир куни, Хорватия бўйлаб қилган сафарим чоғида Адриатика денгизи соҳилидаги Дубровник шахрига бордик ва бу шаҳар мени хайратга солди. Бу шаҳардаги уй ва йўлаклар дарадаги қояларни ва тоғ сўкмоқларини эслатарди, ҳар жойда тошли майдончалар бор эди, уйларнинг эшиклари худди ўйилган ғор оғзига ўхшаб кетарди. Ўрта асрларга хос бу уйлар ва ёдгорликлар қаршисида замонавий бинолар қад ростлаганди.

Бутун шаҳар бизнинг Дарбандга ўхшаб тошлар билан ўралганди. Тор йўлакларда деворларни ушлаб, тошли зинапоялардан юрдим. Девор бўйлаб бир хил масофада миноралар қурилганди. Ҳар бир минора тепа қисмида инсон кўзига ўхшаш икки шинак бор эди. Гўё бу миноралар имомнинг муттасил кўриқчилик қиладиган сергак муридларига ўхшарди.

Мен деворга суяниб битта миноранинг шинагидан ичкарига қарамоқчи бўлдим. Йўлакда туристлар тинимсиз қатнашаётгани учун туйнукка яқинлашишга имкон беришмади. Узоқдан шинакларда кўк нарсани кўрдим. Бу кўк нарса туйнук ўлчами бўлиб, катталиги қафтдай келарди.

Бир амаллаб шинакка яқинлашдим, туйнукдан қараб хайратланиб қолдим, ташқарида Адриатика денгизи январь қуёши нурларида жилоланарди. Денгиз фақат кўм-кўк эмас, турли рангларда говланарди. Тўлқинлар шовиллаб тош деворга урилар ва яна гумбурлаб орқага қайтарди. Денгизда кемалар сузарди, ҳар бирининг катталиги бизнинг овулимизча келарди.

Мен қанча вақт катта оламни кўриш учун турна қатор туристлар орасида навбатда турдим ва ниҳоят туйнукка яқинлашиб узоқларга қараган пайтимда яна Доғистонимни ўйладим.

Ахир, у ҳам ўз навбатини кутиб турна қаторда турди. Унга ҳам олдида турган бахтиёрнинг баланд елкаси ҳалақит берди. Ва лекин у ўз урф-одатлари, қўшиқлари, маданияти қадриятлари билан кенг оламга йўғрилиб кетди.

Ўтган даврларда турли шоирлар Доғистонни ўзларининг турфа тимсолларига жо этишга ҳаракат қилишди. Маҳмуд ғамга ботиб Доғистон халқларини тоғдаги жилғаларга ўхшатганди. Жилғалар бир-бирлари билан қучоқлашишни исташади-ю ва лекин уларнинг бу орзуси ушалмади. Айтинг, эндиликда Доғистон халқлари битта ўзанга қўшилишмадимми, битта гулдастага жамланмадимми?!

Батирай айтган: камбағал пўстинини хилват қора бурчакка улоқтиргандай, Доғистон ҳам тоғлар дарасига ташланган.

Менинг отам Доғистон тарихини ўқиб чиқиб, уни ширакайф улфатлар даврасида вино қуйиб қўлдан-қўлга узатиладиган шохга ўхшатганди.

Мен сенга қандай ўхшатиш топсам экан Доғистоним? Сенинг тарихингни, сенинг тақдирингни ифодалаш учун қандай тимсол топсам экан? Эҳтимол, кейинроқ сенга муносиб тимсол топарман, ҳозирча шундай дейман: «Дунёнинг кенг уммонига очилган мўъжаз дераза». Ёки кискароқ айтсам: «Кенг уммонга очилган мўъжаз дераза».

Жаноб вазирлар, мана сизга ёзмоқчи бўлаётган китобимнинг иккинчи номи. Мен-ку тушунаман, Доғистонимга кўшни ўлкалар ҳам шундай дейишга ҳақлари бор. Майли, бу номнинг адашлари ҳам бўлсин. Хуллас, мана сизга бўрк – «Менинг Доғистоним», мана сизга бўрклаги юлдуз – «Кенг уммонга очилган мўъжаз дераза».

Энди мен пандурнинг торини сошлаб бўлдим. Қуй чалишга шайман. Ёки игнанинг кўзидан ипни ўтказиб бўлдим, тикишни бошлашим мумкин.

Қайсидир халқаро анжуманда кун тартибини тасдиқлашгандай, менинг вазирларим ҳам китобнинг номини тасдиқлашди.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, ака-ука битта отга мингашиб баҳамжиҳат кетади.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, бир йигитнинг ўзи иккита отни етаклаб дарёга сувга олиб боради.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ: Лев Толстой шляпасига ўхшаш шляпа сотиб олибсан, лекин унинг бошига ўхшаш бошни каердан оласан?

ДЕЙДИЛАР: Исми яхши, лекин қандай одам бўлиб улғаяр экан?

КИТОБИМНИНГ ШАКЛ-ШАМОЙЛИ. УНИ ҚАНДАЙ ЁЗИШИМ КЕРАК?

*Қинда тураверса ханжар занглайди,
Уйда ётаверса йигит понглайди.*

Ханжардаги ёзувлар.

*Игнадан ип ўтказдим,
Тикай қандай сўзана?
Созимни зап созладим,
Чалай қандай тарона?*

Гижинглаб турган вафодор отимни яхшилаб такалатдим. Ўзим отимнинг оёғини кўтариб турдим, тақа мустаҳкам қоқилганини текшириб кўрдим. Отни эгарладим, айилини маҳкам тортдим, орасидан ҳатто бармоқ ўтмайди. Ҳа, отни хафсала билан эгарладим.

Отамга ўхшаш нуроний менга далда берди, дуо килди. Кўзлари чакнаб турган кизча қамчи узатди. Кўшни уйдаги тоғлик келин атайин сув тўла кўзаси билан каршимдан чиқди. Овул бўйлаб отимни етаклаб кетаётган вақтимда кимни учратсам менга йўл берди ва деди: Ок йўл!

Овул чеккасидаги уйда яшовчи тоғлик аёл тоқчага ёниб турган чирокни қўйиб охишта деди:

– Бу деразани унутма, ундан таралаётган нурни унутма. Сен қайтиб келмагунча бу чирок ўчмайди. Узок йўлларда, қоронги тунларда шу чирок сенинг манзилнингни ёритиб туради. Машаққатли сафардан туғилган овулингга қайтиб келаётган вақтингда сенга шу чирок нурлари биринчи бўлиб кўринади. Сафарда шу деразани ва ундаги нурни ёдингга тут.

Мен туғилган овулимга яна бир бор тўйиб қараш учун ортимга қайрилдим. Уйимиз томида онам турганини кўрдим. У ёлғиз турарди. Овулдан узоқлашганим сайин онам тобора кичрайиб бораверди. Ниҳоят, муюлишда бурилдим, овулимизни тоғ тўсди. Энди атрофга карамай тоғдан бошқа нарсани кўрмадим.

Олдимда ҳам тоғлар. Биламанки, шу тоғлар ортида кенг дунё бор. Ҳа, олдида мени бошқа овуллар, катта шаҳарлар, улардаги вокзаллар, аэродромлар ва китоблар кутаяпти.

Отимнинг тақаси жонажон Доғистонининг тошли сўқмоқларида тақиллайди. Бошим узра мовий осмон, ён-атрофда тоғларнинг оппоқ чўққилари салобат тўккан. Осмондан гоҳ Ой-юлдузлар, гоҳ Куёш нурлари таралади, гоҳ уни булутлар коплаб ёмғир қуяди.

*Чопма, отим, чопмагин, отим,
Қарамадим ҳали ортимга.
Шунда кечди ширин ҳаётим,
Тўйиб қараб олай юртимга*

*Чопгин, отим, чопақол, отим,
Йўлга чиққан манзилни кўзлар.
Бошланаяпти янги ҳаётим,
Чорлар мени ўзга юрт-дўстлар.*

Қаёқка кетаяпман? Мўлжални қайси томонга олайин? Янги китобимни қандай ёзсам экан?

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Доғистонда ҳам ҳозирги ёшлар миллий кийим кийишмайди. Худди Москва, Тошкент, Тбилиси, Душанбе шаҳарларидаги ёшлар каби қўйлақларига мос галстук тақишади, шим, костюм ёки пиджак кийишади.

Миллий кийимларни фақат қўшиқ ва ракс ансамбли артистлари кийишади. Тўйларда ҳам миллий кийим кийган кишиларни учратиш мушкул. Агар кимгадир миллий кийим кийиш зарурати туғилса, бундай кийимни дўстларидан ёки танишларидан ижарага олиб туради. Ўзларида миллий кийим йўқ. Бир сўз билан айтганда, миллий кийим йўқолиб бораёпти. Шукурки, ҳали батамом йўқолиб кетганича йўқ.

Айрим шоирларимизнинг шеърларида ҳам миллий шакл йўқолиб бораёпти, улар бундан фахрланишади ҳам.

Мен ҳам европача кийим-бошданам, отамнинг бўркини киймайман. Лекин шеърларимга тўғри келган кийимни кийдирмоқчи эмасман. Мен шеърларимнинг Доғистон миллий шаклида бўлишини истайман.

Нима бўпти дерсиз? Менга ҳам яшаш учун бир неча ўн йиллик берилган.

Бу умрим муддати одамлар шим, пиджак, ботинка кийган даврига тўғри келди. Шеърларнинг ўз умр йўли бор. Ўзининг туғилган кунлари ва вафот этадиган кунлари бўлади. Йўқ, мен ўз шеърларим тўғрисида фикр билдирмоқчи эмасман, эҳтимол, улар мендан кўпроқ яшар.

Мен Москвада улкан эманни кўрганман. Айтишларича, уни Иван Грозний эктирган экан. Эман ўсаверган, одамлар эса атрофида аввал боярлар кийимида, кейин камзул ва упа сепилган парикларда, кейин цилиндр шаклидаги қора фракларда, кейин будёновка ва чармли калта камзулда, кейин оддий пиджак ва кенг шимда, кейин тор шимда ўтаверган... Эман ўсар экан одамларга қараб шундай дегандир: пастдагилар, майли шошилинглар, қиладиган ишларинг қолмаган бўлса кийимларингни ўзгартиринглар. Менинг вазифам ҳамон ўша-ўша – Куёш нурларига тўйиниб, уларни метин ёғочга айлантираман, ўзимга ўхшаш эман ниҳоллари униб чиқиши учун ёнғоклар тугаман.

Тоғликлар айтишади: одам кийим кийганда, ботир отга минганда билинади. Бу мақол жуда уйғун жаранглайди ва ҳикмати ҳам ибратли. Ахир, қахрамон бўлиш учун албатта йўлбарс терисида туғилиш шарт эмас. Баъзан пўлат совут кийганда ҳам кўрокни юраги безовта қилиши мумкин.

НЕГАКИ, неча бор тарвузини сиртига қараб танлаб, ичи оппоқ ёки бемаза чикканда гардангани кашиб қолганман.

НЕГАКИ, унцукуллик бир йигит тунда севгилисининг уйига кириб, уни пўстинга ўраб олиб қочган, кейин пўстинни очиб кўрса, шошилинчда севгилисининг бувисини ўғирлаган экан.

НЕГАКИ, Абутолиб ҳикоя қилгандай, бир куни уни узоқ овулда бўлаётган тўйга сурнай чалишга чақиришибди. Тўй жуда яхши ўтибди. Уч кеча-кундуз сурнай, чилдирма, гармонь, скрипка жўрлигида қўшиқ айтилибди. Доғистонликлар айтгандай: «дам-дам» ҳам, «чам-чам» ҳам, яъни эшитадиган нарса ҳам, ейиладиган нарса ҳам муҳайё қилинибди. Овулдаги барча одам – боладан кексагача тўйга келибди, оз бўлса-да раксга тушибди.

Учинчи кун тўйни олиб борувчи (тамада) баланд овозда куёв ва келин рақсга тушишини эълон қилибди. Куёвни ҳамма уч кун давомида кўриб турганди, келин эса уч кун давомида юпка тўй рўмоли остида ўтирганди. Абутолиб ҳам уч кун давомида келиннинг кийим-бошига сукланиб қараб, сурнай чалибди. Эҳтимол, чиройли кийим-бош унга Кавказ антологиясининг муқовасини эслатгандир.

Нихоят, келин ўрнидан туриб даврага тушди. Абутолиб унинг гавда тузилишини кўриши билан ҳафсаласи пир бўлибди. Агар келинни ўхшатиш лозим бўлса, уни Давлатнашр чиқарган қирғизларнинг қалин «Манас» эпоси китобига ўхшатиш мумкин эди. Келин юзидаги юпка рўмолни кўтаришга чоғланди. Ҳамма тек қотган, Абутолиб ҳам нафас олмай тикилиб турибди. Мана келин рўмолни бир лаҳзага кўтарди, шу лаҳзани ҳамма уч кун кутганди...

Унинг бир кўзи Хунзахга қараган бўлса, иккинчи кўзи Батлахда эди. Бир-бири билан аразлашган кўзларни бесўнақай бурун ажратиб турарди.

Абутолиб ўз-ўзидан жуда ранжибди. Энди у сурнайини ҳам чалишга ҳоли қолмабди. Тўкин дастурхонга ҳам бошқа қўл урмабди. У тўйни ташлаб чиқиб кетибди.

Менимча, Абутолиб келинни тавсифлаганда сал ошириб юборгандир.

ҲАР ҲОЛДА, яхши безаклар ҳам ёмон ёзилган китобни ўқишли қила олмайди. Унга ҳолис баҳо бериш учун безакли рўмолни кўтариш кифоя.

ҲАР ҲОЛДА, шундай бир йил бўлганди, тоғлик аёллар ва уларга эркакларнинг ҳурмат билан муносабатда бўлиши масаласи мамлакат миқёсида кўндаланг қўйилди. Ўша йили эрлар хотинларига кескин гап айта олишмади. Оддий оилавий жанжал учун ҳам эрни туман марказига қақирар, роса пўстагини қоқиб ҳайфсан беришарди. Кўпчиликда эътироз туғилмаслиги учун аввал туман раҳбариятида ишловчи барча эркакларга биттадан ҳайфсан эълон қилинди. Ҳатто, ўша йили тоғлик аёллар анжумани ҳам ўтказилиб, улар шаънига шу қадар мактовлар айтилди-ки, агар ўтган йиллардаги барча мактовлар жамланганда ҳам ўша йилдагига тенглаша олмасди.

Ўша йили бозорда рухсат этилмаган хар хил товарлар билан савдо қилувчи семиз олибсотар хотин пайдо бўлди. Милициячи унга бирон нима дейин деса, ўзига тоғлик аёл ҳуқуқини поймол этдинг деб ҳайфсан беришади. Барибир милициячи учинчи якшанбада кўрқа-писа олибсотарни огоҳлантирди. Бешинчи якшанба кун милициячи нима бўлса пешанамдан кўраман деди шекилли, олибсотар хотинни қўлга олди ва идораси томон бошлади.

Олибсотарни милицияхонага олиб кетишаётганда барча унинг қандай қилиб озод тоғлик аёлнинг дахлсизлигига раҳна солганига ҳайрон қолишди.

Милициячи тикилинч бозорда олибсотарнинг ташки кўринишига эътибор бермаганди, кенг идорада унга аёлнинг юбкаси бекитиб турса ҳам катта этикда эканлиги шубҳали туюлди.

«Бу сув булокникига ўхшамайди», – деб ўйлади милициячи ва олибсотар аёлнинг рўмолини юзидан торғди. Рўмол остидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган эркакнинг юзи кўринди.

Айрим кунт билан ишлашга тоқати йўқ истеъдодсиз, ҳамиятсиз рассомлар ҳам расмларини мазмунан тўлдириш ўрнига ўз маҳсулотларини тезроқ сотиш ниятида ҳар хил безакларни чизишга уринишади. Аммо корин бўш бўлса, бўркни кийшайтириб кийиш билан одам тўйиб қолмайди.

ХУДДИ ШУНДАЙ, ёғочдан қилинган пичок қанча чиройли бўлмасин унда жўжани ҳам сўя олмайсан. Бундай ёғоч пичок билан фақат тарновдан тушаётган ёмғир сувини парчалаш мумкин.

ХУДДИ ШУНДАЙ, ўғил болани суннат қилишга ётқизишганда унга ғоз патини кўрсатишади. Аммо бу болани чалғитиш учун ишлатиладиган ҳийла. Ғоз пати билан суннат амалини бажариб бўлмайди. суннат қилиш учун ўткир пичок керак.

Китобхонни боладай алдаб бўлмайди, ҳар бирининг ёнида туриб изоҳ ҳам бера олмайсиз. Бундан ташқари, мен артист ҳам эмасман. кинга картондан қилинган ханжарни солиб сахнага чиқадиган. Эҳтимол, кин ҳақиқийдир, безакларига тилло суви юритилгандир, лекин ханжари картон қоғоздан-да.

АЛБАТТА, кин керак, усиз ханжар занглаши мумкин. Агар кин чиройли бўлса яна ҳам яхши.

АЛБАТТА, агар эр хатарли сафардан қимматли ўлжа билан қайтса, хотини пeshвоз чиқиб отининг бўйнига шойи рўмол ташлаши керак.

АЛБАТТА, ўткир фикрни жўн ифода этиш, бу кўзичокни оч бўрига рўпара қилишдай бир гап.

АЛБАТТА, энг мустаҳкам арава ҳам тошлоқ сўқмоқда синиши ва жарликка қулаши мумкин.

АЛБАТТА, эшакнинг жазлиғи отнинг елкасини безамайди, ёки учқур отнинг эгари эшакка ярашмайди.

Шу ўринда балхарлик кулол ва унинг қирчанғиси тўғрисидаги воқеани сўзлаб берайин.

БАЛХАРЛИК ВА УНИНГ ҚИРЧАНҒИСИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯТ. Балхарлик кулол ўзининг қирчанғисига тувак, кўза ва лаган солинган хуржунини юклаб, қўшни овулларга сотиш учун жўнади.

Ўша кун аवारлар овулида пойга бўлиши белгиланганди. Пойгага бошқа овуллардан ҳам норғул чавандозлар ўзларининг гижинглаган тулпорларида келишганди. Бу чавандозларни ҳам, улар минган тулпорларни ҳам эл танир эди. Чавандозлар ўқтам ва чиройли, тулпорлар чайир ва гижинглаб турарди. Пойга бошланишини кутаётган чавандозларнинг ҳам, тулпорларнинг ҳам кўзлари чакнарди.

Чавандозлар сафга тизилишди, шу пайт майдондан қирчанғисини миниб олган балхарлик кулол эгар устида уйқусираб келаётганди, қирчанғиси оёқларини судраб босарди. Ёш чавандозлар балхарлик кулолга гап ташлашди:

– Қани пойгага кўшилинг.

– Қирчанғингизни тулпорлар рўйхатига кўшиб кўяйлик.

– Қани, қирчанғингиз тулпоримиз билан бир пойга қилиб кўрсин.

– Биз билан пойгага кўшилинг, ахир, кимдир орқада тулпорларнинг тушган тақаларини териб юриши керак-ку.

Балхарлик жавоб бериш ўрнига индамай қирчанғисидан тушди, тувак, кўза ва лаган солинган хуржунини эгардан олди. Юкни бир чеккага қўйиб, қайта қирчанғисига минди ва чавандозлар қаторига келиб қўшилди.

Чавандозларнинг отлари гижинглаб, олд оёқлари билан ерни тепиб сакрарди, ҳар тепганда тупрок кўчиб тўзонга айланарди. Балхарликнинг қирчанғиси бошини қуйи солганча қилт этмай турарди.

Мана пойга бошланганига ишора берилди. Тулпорлар шамолдай жойидан кўзгалди, чанг-тўзон булутдай осмонга кўтарилди. Балхарлик қирчанғисидан чанг-тўзон орасида қолди. Тулпорлар бир давра айланди, кейин иккинчи даврани, сўнг учинчини... Ҳамма кўриб турарди, тулпорлар чарчай бошлади, олдин уларда тер кўринди, кейин буғ кўтарилди, сўнг терлаган яғринига чанг ўтирди. Тулпорларнинг қадам ташлашлари секинлашди, кейин оёқлари чалишди. Чавандозлар тулпорларини этиклари билан қанча ниқташмасин, энди улар тезлигини ошира олмасди. Фақат балхарликнинг қирчанғиси бир текис одимларди. Қирчанғи аввал орқадаги отларга тенглашди, кейин бирин-кетин қувиб ўта бошлади, охириги ўнинчи даврада барча тулпорларни ортда қолдирди.

Балхарлик минган қирчанғининг эгилган бўйнига ғолиблик шойи рўмоли ташланди. Кулол қирчанғисидан тушиб, юки олдига келди. Тувак, кўза ва лаганлар солинган хуржунини эгар устига ортди ва қирчанғисига миниб йўлида давом этди.

Пойгада рўй берган воқеа адабиётда ҳам тез-тез учраб туради.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Енгилгина ёзилган шеърларни ўқишга кийналасан. Қийналиб ёзилган шеърларни ўқиганда роҳатланасан. Шакл ва мазмун бу мисоли кийим ва одам. Агар одам хушфёъл, ақлли, олийжаноб бўлса, нега у ўзига мос чиройли кийинмаслиги лозим? Нега одамнинг юзи чиройли бўлса, нега унинг ширин орзулари бўлмаслиги керак?

Кўп ҳолларда чиройли аёллар саришта, саришта аёллар эса чиройли бўлишмайди. Бундай номутаносиблик санъат асарларида ҳам учрайди. Лекин шундай бахтли аёллар ҳам борки, улар ҳам чиройли, ҳам саришта. Бундай фикрларни чиндан ҳам истегдодли шоирларнинг китоблари тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

БИТТА МААЛИЛИК АЙТГАНДИ: Бизнинг овулга келаётган меҳмоннинг қораси довонда кўриниши билан мен унинг яхши ёки ёмон одам эканлигини айта оламан.

БИТТА КУБАЧИНЛИК АЙТГАНДИ: Олтин ва кумуш табиий ҳолатда ҳали ҳеч нарса эмас. Ундан мўъжиза яратиш учун заргарнинг олтин қўллари керак бўлади.

Oddiy gildan yasaladi eng g'uzal k'za,

Oddiy s'zdan yaraladi шеърий мўъжиза.

Кўзадаги ёзувлар.

Мен дунёда ўн беш мингдан кўпроқ кун яшаб қўйдим. Мен Ер юзидаги кўп йўлларни босиб ўтдим. Мен Ер юзидаги минглаб одамлар билан учрашдим. Олган таассуротларим ёмғир ёққан вақтда ёки қор эриган маҳалдаги тоғ жилғаларидай тўлиб-тошган. Аммо уларни қандай қилиб битта китобда бирлаштириш мумкин? Уларни ёзиш теп-текис водийда чуқур ва кенг ўзан казишдай бир гап. Агар бу иш амалга оширилган тақдирда ҳам кўзланган мақсаднинг ярми бажарилган бўлади, ҳолос. Чунки энди ўша чуқур ва кенг қазилган ўзандан барча тоғ жилғалари бирлашиб оқиши керак. Бунга қандай эришса бўлади? Бунга ҳаётда орттирилган тажрибадан бошқа яна қандай билимлар зарур? Адабиёт назарияси дейсизми? Ахир, илҳом келган пайтда шеър ёзиш ўрнига унинг қандай ёзилиши тўғрисида ўйлаб бўлмайди.

Айтиб қўйишим керак, менинг севган адабиёт оқимларим ёки мактабларим йўқ. Менинг севган ёзувчиларим, санъаткорларим, мохир усталарим бор.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Адабиёт институтида синов пайтида битта авар талабадан сўрашибди: реализм ва романтизм ўртасида қандай фарк бор? Авар талаба бу мавзунини китобдан ўқимаган экан. Лекин барибир жавоб бериши керак. У ўйлаб-ўйлаб шундай жавоб берибди:

– Реализм – бу бургутни бургут дейиш, романтизм эса хўрозни бургут деб аташдир.

Профессор кулиб юборибди ва менинг юртдошимнинг синов дафтарчасига синовдан ўтганини қайд этибди.

Бу ҳақда менинг фикримни сўрасангиз айтиб қўяй, мен аввал бошданок отни от, эшакни эшак, хўрозни хўроз ва мардни мард дейишга ўрганганман.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Машҳур Робиндранат Тагорнинг укаси ҳам бўлган, у ҳам ёзувчи эди. Укаси ҳинд адабиётидаги бенгал мактабининг давомчиси бўлган. Лекин Робиндранатнинг ўзи бир мактаб эди, ўзи бир адабий оқим эди, ака-ука ўртасидаги фарк ҳам шундадир.

Робиндранат калбида бир куш яшарди, у дунёдаги ҳеч бир кушга ўхшамасди ва унғача дунёда бўлмагани ҳам. У бу кушни адабиёт ва санъат осмонида эркин учиб учун қўйиб юборди ва ҳамма бу куш Робиндранатнинг куши эканини кўрди.

Агар санъаткор ўз кушини эркин парвозга қўйиб юборганда кушлар галасига қўшилиб йўқолиб кетса, яъни ўзига ўхшаш кушлар орасидан ажратиб бўлмаса,

демак, у ҳали санъаткор эмас. Демак, у ўзига хос, хайратга солувчи кушни эмас, оддий чумчуқни парвоз этишга қўйиб юборган, энди унинг чумчуғини чумчуқлар галасидан ажратиб бўлмайди, унинг чумчуғи чиройлидир, лекин чумчуқ барибир чумчуқда.

Одамнинг ўз уйи бўлиши ва ундаги ўчоққа ўт ёқиши керак. Бировнинг отини канча минма, барибир эгаридан тушиб отни эгасига берасан. Ўзгалар фикрларини эгарлагандан кўра, хамиша ўз фикринг бўлсин.

Адабиётни пандурга, ёзувчиларни унинг таранг тортилган торларига ўхшатишга жазм этаман. Ҳар бир торнинг ўз овози бор, улар бирлашса мусика яралади.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БЎЛАДИ, битта овчи фалон дарада катта тоғ такасини отибди деган гап тарқалади, ҳамма овчилар ўша дара томон шошилади. Бу вақтда ўша биринчи овчи бошқа дарада айиқ отгани маълум бўлади.

Энди овчилар тўдаси айиқ овланган дарага чопишади. Бу вақтда биринчи овчи бошқа дарада коплон овлайди... Шундай экан сўрагинг келади: улардан қайси бирлари ҳақиқий овчи? Ўзи ўлжа излаётганими, ёки омадли овчининг изидан чопаётганларми? Бундай изма-из чопаётган овчилар коплондан бировнинг ўлжасини олишдан ҳам тойишмайди.

Бундай чопагон овчилар баъзи бир ёзувчиларни эсимга солади. Истардимки, бир танишигилган овчи ишни бошқалар қилишмасин. У Корней Иванович Чуковский билан танишгандан кейин ўзини Абутолибни танимаганга олганди.

Истардимки, денгизгача етиб борган дарёлар чексиз мовий уммонга қўшилиб кетгандан кейин ҳам ўзининг йўли тоғдаги булоқдан бошланганини, босиб ўтган тошли сойларни, нишаб жилғаларни ҳеч қачон унутмасин.

Ҳа, мен – тоғ жилғасиман! Мен ўз йўлим бошланган булоқни, тошли сойларимни яхши кўраман. Мен сувим оқиб ўтадиган илон изи дараларни ҳам, сувимни сачратиб шаршара ҳосил қиладиган қояларни ҳам, сокин оқиб ўтадиган текис жойларни ҳам яхши кўраман, зеро, айнан тинч оққан сувда ён-атрофдаги тоғлар, осмон ва юлдузлар аниқ акс этади. Сув олдин секин, кейин тобора тезроқ оқади.

Бу билан менга битта даранинг ўзи этади, демоқчи эмасман. Мен оқаяпман, демак, олдда мақсадим бор. Мен олдимдаги манзилни ҳис қилибгина қолмай, уни кўраяпман. Олдда мени бепоён мовий денгиз кутаяпти! Бугун нафақат менинг, балки бутун доғистонликларнинг ҳам дунёқарашлари ўзгарди. Ўтган ўн йилликларда нафақат қабристонларнинг чегараси, балки ҳаёт, уфқлар ҳақидаги тасаввурларимиз чегараси ҳам кенгайди.

Мен авар шоириман. Лекин қалбан нафақат Аваристонга, Доғистонга, улкан мамлакатга, балки бутун сайёрага, XX асрга жавобгар эканимни ҳис қиламан. Бундан бошқача яшашим мумкин эмас.

ҲИКОЯ ҚИЛИШЛАРИЧА, мен дунёга келганимдан кейин отамни вақтинча Арадер овулига хизматга жўнатишган. Отам отига иккита хуржунни юклаган. Би-

ринчи хуржунга уйдаги лаш-лушлар, иккинчи хуржуннинг битта кўзига ун, толкон, китоблар солинган, иккинчи кўзидан эса менинг бошим чиқиб турган.

Йўл азобини кўтара олмаган онам оғир касал бўлиб қолибди. Биз борган овулда камбағал ёлғиз аёл бўлиб, чакалоги яқинда вафот этган экан. Шу аёл мени эмиза бошлабди. У менинг энагам – иккинчи онамга айланди.

Шундай қилиб, мен дунёдаги икки аёл олдида умрбод қарздорман. Умрим қанча давом этмасин, бу аёлларга қанча яхшилик қилмайин, бу аёллар учун қандай ишларни амалга оширмайин, улар олдидаги қарзимни ҳеч қачон уза олмайман. Чунки ўғилларнинг оналар олдидаги қарзи шунчалар кўп.

Бу икки аёл: бири – ўзимнинг онам, мени туккан, бешигимни тебратган, биринчи аллани айтган; иккинчиси ҳам... онам. Оч қолиб ўлим хавфи туғилганда, кўкрагини тутган, ундан сут билан менинг танимга ҳаёт оққан ва мен ўлимга олиб боровчи тор сўқмоқдан катта ҳаёт йўлига кайтганман.

Худди менингдек халқимнинг ҳам, мўъжаз мамлакатимнинг ҳам, ҳар бир китобининг ҳам иккита онаси бор.

Биринчи онам – жонажон Доғистон! Мен шу заминда туғилдим, шу заминда она тилимдаги аллани эшитдим, кейин шу тилда сўзлашни ўргандим ва шу тил томир-томиримгача сингиб кетди. Шу заминда она тилимдаги кўшиқларга кулоқ тутдим ва ўзим ҳам биринчи бор она тилимда кўшиқ куйладим. Шу заминда биринчи бор сув ва нон таъмини туйдим. Болалигимда тошли сўқмоқларда қанча йиқилиб, у ер-бу еримни шилиб олмай она заминимизнинг ноз-неъматлари, доривор ўсимликлари жароҳатларимни даволади. Тоғликлар айтишади: бизнинг тоғларда ҳар қандай касалликка шифо бўлувчи доривор ўсимликлар бор.

Иккинчи онам – буюк Россия, менинг иккинчи онам – Москва. Улар мени тарбиялади, қанот бағишлади, катта йўлга олиб чиқди, чексиз уфқларни, дунёни кўрсатди.

Бу икки онам олдида ҳам ўғиллик қарзим бор. Иккита гиламга туширилган Маҳмуд ва Пушкиннинг суратлари деворда уйимга файз бағишлаб турибди. Петербургнинг ойдин кечалари гўзаллигини куйлаган Блок шеърлар китобининг орасига Доғистон тоғининг баланд яйловида гуллаган гул солиб қўйилган.

Икки она, бу – икки қанот, икки қўл, икки кўз, икки кўшиқ. Иккала онамнинг ҳам қўллари бошимни силаган, керак пайтда кулоғимни бураган. Икки онам пандуримнинг биттадан торини тортишган. Улар қўлларида мени баланд кўтаришди, уларнинг елкасида дунёнинг кўп жойларини кўрдим. Агар улар мени кўтаришмаганда, эҳтимол, бу жойларни кўра олмасдим. Парвоздаги бургут қайси қаноти кўпроқ керак эканини билмагандай, мен ҳам қайси онамнинг меҳри баланд эканини билмайман.

Илгари тоғликлар барча касалликларни шифобахш сув ва доривор ўсимликлар билан даволашган. Беморлар табибларга қаттиқ ишонишган. Тўғри, ноинсоф табиблар ҳам бўлишган. Бу табиблар бош оғриғини даволаш учун қора қўчқорни сўйиш кераклигини айтишган.

Истаган авар қора қўйнинг гўшти жигарранг ёки оқ рангли қўйнинг гўшtidан мазали бўлишини билади. Табиб боши оғриган кишининг бошини қора қўчқор териси билан ўраган ва шу ҳолатда ўтиришни тайинлаган. Гўштни эса ўзи билан олиб кетган.

Бундай табиблар ҳақида бошқа гаплашмаймиз. Чунки доривор ўсимликлар ва улардан унумли фойдаланадиган билимдон табибларимиз кўпроқ.

Бир сафар отамни Москвадаги Кремль шифохонасига даволанишга ётқизишди. Отам шифохонада Доғистоннинг шифобахш суви ва доривор ўсимликларини эсга олиб, ўғилларидан Буцрах тоғидаги кичкина булоқ сувидан олиб келишларини сўради.

Отанинг гапи ўғил учун қонун. Ўғил Доғистонга қайтиб, Буцрах тоғига чиқди ва ўша кичкина булоқни топди. Булоқ сувидан идишларга солиб, Кремль шифохонасида ётган отасига олиб борди.

Отам булоқ сувидан ичгач, ўзини енгил хис қилгандай бўлди. Тузала бошлади. Лекин отам ўша кундан бошлаб хорижда тайёрланган янги доридан укол қилишаётганидан беҳабар эди.

Эҳтимол, отам жаҳон медицинасининг сўнги ютуғи бўлган дорининг ёлғиз ўзидан шифо топмагандир. Эҳтимол, отам миллий даволаниш воситамиз бўлган авар булоғи сувининг ёлғиз ўзидан ҳам шифо топмагандир. Аммо у шу икки дорини бирданига қабул қилиб соғайиб кетди.

Адабиётда ҳам худди шундай. Унинг асоси – она замин, она халқ, она тил. Лекин ҳеч бир ёзувчи фақат ўз миллатининг қувонч-ташвишлари билан чегараланиб қола олмайди. Унинг калбини ҳамиша умуминсоният ва умумжаҳон қувонч-ташвишлари ҳам безовта қилади.

*Йўлга чиқар пиёда шу чоқ,
Хуржунига борин солади.
Нон олади, вино олади...
Лекин бизга бўлади қўноқ.*

*Уйимизга дуч келган замон,
Эшик қоққин, тортинма асло.
Тоглик аёл дарҳол ёпар нон,
Тоглик йигит қўяди вино.*

*Йўлга чиқар пиёда шу чоқ,
Хуржунига борин солади.
Ханжарини қайраб олади...
Лекин бизга бўлади қўноқ.*

*Сир яширин тунги сукутда,
Бироқ хатар соломас соя.
Ханжар бордир тоғлик йигитда,
У тинчлигин қилар ҳимоя.*

*Йўлга чиқар пиёда шу чоқ,
Хуржунига борин солади.
Қўшиқларни эсга олади...
Лекин бизга бўлади қўноқ.*

*Тоғлик халқда кўп эрур қўшиқ,
Сен улардан истаганча ол.
Хуржунингни тўлдирсанг ҳам лиқ,
Кўтарганда келмайди малол.*

Шундай килиб, агар ёзувчини шифокорга ўхшатсак, у асрлар синовидан ўтган анъанавий табобатчилик воситаларидан ва замонавий медицинанинг энг сўнгги ютуқларидан унумли фойдалана билиши керак.

Агар ёзувчини пиёда саёҳатчига ўхшатсак, у ўзга халқлар орасига борганда юрагида миллий қўшиқларини олиб бориши ва ўша жойларда куйланган қўшиқларга юрагидан жой бера билиши керак.

Бир халқ уни кузатади, иккинчи халқ кутиб олади, қўшиқ эса ҳамма халқда бор.

Бизнинг овулларга дастлабки маърузачи ва нотиклар келишганда, Келеб овулидаги аёллар юзларига нотикнинг нигоҳи тушмаслиги учун тескари қараб ўтиришган. Нотикдан кейин хонанда қўшиқ бошлаганда, қўшиқ ҳурмати учун аёллар хонанда томонга қараб ўтиришган, ҳатто уларга бошидаги рўмолини туширишига ҳам рухсат этилган.

Онам бешигимни тебратиб айтган алла кулоғим тагида жарангламаган бирон кун, бирон дақиқа бўлмаган десам муболага эмас. Бу алла менинг барча қўшиқларимни аллалаб улғайтирди. У мисоли ёстик, чарчасам бошимни кўйиб дам оладиган, у мисоли от, дунё бўйлаб сафаримга йўлдош бўладиган, у мисоли булок, чанкоғимни хамиша кондирадиган. У шундай уйки, меҳр билан бағрига оладиган ва бу меҳрини олисларда ҳам соғиниб эслайдиган.

Аммо мен Шукумга ҳам ўхшаб қолишни истамайман. У соғлом ва бақувват бўлиб улғайса ҳам, онаси сутини кўмсаб туради, вакти-вакти билан эмиш учун онасининг кўкрагига ёпишади. Бундайлар ҳақида шундай дейишади: «Ўзи хўкиздай бўлса ҳам бузқочалик акли йўқ».

Ўз вақтида биз ҳар нарсага анкета тўлдириш кераклигига қўниқиб қолгандик. Ўтган йилларимда тўлдирган анкеталаримнинг саногига етиб бўлмайди. Аммо

хеч бир анкетада Ватанни қанчалик севасан, деган саволни учратмаганман. Албатта, бундан одамлар Ватанни севишмайдими, деган маънони келтириб чиқарманг.

Менинг фикри ожизимча, анкетага «Иттифоқ фуқаросиман» деб ёзиш билан кифояланиб бўлмайди, чиндан ҳам фуқаро бўлиш керак, «партия аъзосиман» деб ёзиш билан кифояланиб бўлмайди, чиндан ҳам партия аъзоси бўлиш керак, ёки «она тилим – авар тили» деб ёзиш билан кифояланиб бўлмайди, чиндан ҳам она тили авар тили бўлиши керак ва у бу сўзларни ҳамма жойда мағрур айта билиши шарт.

Қайдан келаётган бўлсангиз ҳам уйимда меҳмон бўлинг, ўз қўшиқларингизни тақдим этинг. Менинг ака-укамдай, опа-синглимдай бемалол уйимга келинг, барчангизга юрагимдан жой топилади.

Агар тоғлик илгари замонда Хунзах овулига қайтишда ўзга миллатга мансуб аёлни отига мингаштириб келса, бу уят ҳисобланган. Уни овул оқсоқоллари ўртага олиб қойишган. Ҳозир бундай ҳолатларга кексалар ҳам, ёшлар ҳам қўниқиб қолишган. Ҳа, энди авар йигитининг бошқа миллат вакилига уйланиши уят эмас. Эндиликда битта никоҳ, севишиб қурилмаган никоҳгина қораланади.

Чиндан ҳам гулдастада ҳар хил гул бўлса чиройли кўринади. Осмонда қанча юлдуз кўп бўлса, шунча чиройли. Камалак ҳам дунёнинг барча рангларини мужассам этгани учун гўзал товланади.

Мен Африкада жуда ажойиб гулни кўргандим. Унинг ҳар бир гулбарги ўзгача рангда, ҳар бир гулбаргининг ўзига хос ҳиди ва ўз номи бор. Қисқаси, битта новдада битта гулдаста, шу билан бирга у битта гул.

Истардимки, менинг аварлар тўғрисидаги китобим ўша гулга ўхшаса, ҳар бир ўқувчи ундан ўзига ёқимли ифори туйса, ўзига ёққан рангни кўра олса.

Хуллас, мен китобим қандай бўлишини батафсил баён этаяпман. Мисоли, қубачинлик уста ихтиёрида ҳамма нарса бор: олтин, қумуш, қирққич асбоб, тешгич, болғача, нақш андазаси ва ҳоказолар.

Энди устанинг олтин қўллари қачондир мўъжиза яратади. Менинг ихтиёримда ҳам ҳамма нарса бор: она тилим, ҳаёт тажрибаси, одамлар қиёфаси ва феъл-атвори, тарихий тараққиётни англаш, адолат тарозиси, она табиат, отам хотиралари... Олтин ёмби қўлимда. Аммо қўлларим олтинми? Истеъдодим, маалакам етарлими?

Қандай қилсам, қўшиғимни сизга худди қафтдагидай тутқиза оламан? Қандай қилсам, қўшиғимни худди булбул куйидай тинглайсиз? Қандай қилсам, қўшиқларим севги мисол огоҳлантириб ўтирмасдан юрагингиздан жой олади?

Яна ва яна ижод столимдаги ёзган қораламаларимни саралашга тушаман...

ДЕЙДИЛАР: Майли, оти йўқ йигитнинг хотини уни ташлаб кетсин.

ЯНА ДЕЙДИЛАР: Майли, отига эгари ва қамчиси йўқ йигитнинг ҳам хотини уни ташлаб кетсин.

ДЕЙДИЛАР: Бургутни пичан, эшакни гўшт билан бокишга уринманг.

ДЕЙДИЛАР: Чиройли қурилган уй ҳам кулайди, агар девори мустаҳкам бўлмаса.

ДЕЙДИЛАР: Тушимда товук бургутдай учмоқчи бўлибди, қоядан ўзини ташлабди ва канотларини синдирибди.

Тушимда жилға ўзини дарёман деб ўйлабди, кумлоқдан ўтаман дебди-ю, сингиб кетибди.

Т И Л

*Бунда ухлар, йиглар, кулар чақалоқ,
Бир сўз айта олмас ҳали одамга.
Вақт-соати келиб айтади бироқ,
У ўзи ким, нега келган оламга?!*

Бешикдаги ёзувлар.

*Агар дунёда сўз бўлмаганда
ҳозиргидай гўзал бўлмасди.*

*Шоир дунё яратилмасидан
юз йил илғари тугилган.*

Тилни ўрганмасдан шеър ёзишга уринган одам сузишни билмасдан чўмилиш учун ўзини саркаш дарёга ташлаган телбага ўхшайди.

Баъзан одамлар миясида фикр бўлгани учун эмас, шундай тилининг учи қичиб тургани учун гапиришади. Баъзан одамлар юрагига туйғулар сиғмаётгани учун шеър ёзишмайди, балки... Тўғриси, уларнинг нима учун шеър ёзишайётганини ҳам тушунтириш кийин. Ёзган шеърларининг чиқарган товуши курук ёнғоқ солинган копни думалатганда чиқадиغان шакиллашдан фарқ қилмайди.

Бундай одамлар шеър бошлашдан аввал дунёда нималар рўй бераётганига бир кур назар ташлашмайди. Дунё қандай мусика, кўшик ва охангларга йўғрилганини тушунишни иташмайди.

Шундай кезларда улардан сўрагинг келади: нима учун одамга кўз, қулоқ ва тил керак? Нега одамнинг кўзи иккита, тили эса битта? Негаки, шу битта тил қандайдир сўзни оғиздан ташқарига чиқариб юборишдан аввал иккита кўз атрофга қараши, иккита қулоқ атрофда нималар рўй бераётганини эшитиши керак.

Тилдан кўчиб оғиздан чиқиб кетган сўз тоғнинг эгри-бугри сўкмоғидан равон йўлга чиққан отга ўхшайди. Яна сўрагинг келади: тилдан кўчган сўзни юракда қўноқ қилмасдан оғиздан ташқарига чиқариб юборавериш мумкинми?

Сўз оддий нарса эмас. У – ё қарғиш, ё дуо; ё эзгулик, ё қайғу; ё сўқиш, ё олқиш; ё ёлгон, ё ҳақиқат; ё ёғду, ё зулмат.

*Сўз янграган ярамай олам,
Шундай дерлар келтириб имон.
У қандай сўз: тавбами, қасам?
У қандай сўз: ўтинчми, фармон?
Емирилиб бормоқда олам,
Демак, бир сўз керак бегумон.
Унда бўлсин тавба ва қасам,
Унда бўлсин ўтинч ва фармон.*

Менинг ёш танишим шундай деганди: айтган сўзимга, ичган қасамимга ўзим хўжайинман, хоҳласам амал қиламан, хоҳламасам амал қилмайман.

Эҳтимол, бундай йўл тутиш ўша танишим учун бўлаверар. Лекин ёзувчи ўз сўзининг, қасамининг, қарғишининг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Ахир, у битта нарса учун икки бор қасам ичмайди. Умуман олганда, кўп қасам ичадиган одамнинг ёлгончидан фарқи йўқ.

Агар бу китоб гиламга ўхшаса, мен уни авар тилининг турфа рангли ипларидан тўқийман, агар бу китоб қўй териларидан тикиладиган пўстинга ўхшаса, мен уни авар тилининг пишиқ иплари билан тикаман.

Айтишларича, жуда қадим замонда авар тилида кам сўз бўлган. «Ҳаёт», «озодлик», «мардлик», «дўстлик», «олийжаноблик» каби тушунчалар битта сўзда ифодаланган экан. Майли, бошқа бировлар менинг кам сонли халқимнинг тилини кашшок деб айтишса айтишар. Лекин мен ўз туйғуларимни, фикрларимни ўз она тилимда қандай хоҳласам шундай ифодалай оламан, бунинг учун мен бошқа тилнинг ёрдамига муҳтож эмасман.

Доғистонда кам сонли лак миллати бор. Лак тилида гаплашадиганлар эллик мингга етиб қолар. Уларнинг аниқ сонини айтиш қийин, чунки болалар бор ҳали гапиришни билмайди ва шундай лаклар ҳам бор, улар она тилини унутиб юборишган.

Тўғри, лаклар жуда кам, лекин уларни дунёнинг исталган бурчагида учратиш мумкин. Тошлок заминда яшаш қийинчилиги уларни бошқа жойлардан насиба излашга мажбур этган. Уларнинг бари уста хунарманд, заргар, этикдўз, мисгар, айримлари яхши хонанда. Доғистонда шундай гап бор: тарвузни эҳтиёт бўлиб кес, ичидан лак чиқиб қолиши мумкин.

Лак онаси ўз фарзандини олис сафарга йўллар экан шундай дейди: «Шахарда ликобда бўтқа еган вақтингда тагини қараб кўр, бўтқанинг тагида ўзимизнинг лак йўқмикин?»

ШУНДАЙ ҲИКОЯ ҚИЛИШГАНДИ: Москвадами ёки бошқа катта шаҳар кўчасида лак сайр киларди. Бирдан доғистонликка хос кийинган одамни кўриб қолди. Ўзига яқин олиб, суҳбатлашгиси келди. Йўлини тўсиб чикиб, юртдошига лак тилида муурожаат қилди. Юртдоши унинг гапини тушунмаганини англатиб, бошини чайқади. Лак унга қўмик тилида, лезгин тилида, тат тилида гапириб кўрди. Хуллас, лак қайси тилда гапирмасин доғистонликка хос кийинган одам унинг гапини тушунмади. Шунда лак рус тилида гапирди. Маълум бўлишича, ўша киши авар экан. Авар дарҳол лакни койишга тушди:

– Сен қандай доғистонликсан, сен қандай юртдошсан ўзи, агар авар тилини билмасанг? Сен доғистонлик эмас, ўқимаган туясан.

Мен бу баҳсда миллатдошим ёнини ололмайман. Албатта, бекордан-бекорга лакни койигани учун эмас. Чунки лак авар тилини билиши ёки билмаслиги мумкин эди. Муҳими, у ўз она тили – лак тилини биларди. Бундан ташқари, у Доғистондаги бошқа тилларда гапирган, авар эса ўша тилларни билмаган.

Абутолиб бир сафар Москвада катта кўчада келаётган йўловчидан бозор каердалигини сўрамоқчи бўлди. Бу йўловчи инглиз экан. Москва кўчаларида хорижликларнинг учраши оддий бир ҳол.

Албатта, инглиз Абутолиб гапини тушунмасдан инглизчалаб қайта сўраган. У кейин французча, сўнгра испанча ва ўзи биладиган бошқа тилларда гап нимадалигини сўраб кўрган.

Абутолиб эса инглизга максadini олдин русча, кейин авар, лак, лезгин, даргин, қўмик тилларида тушунтирган.

Хуллас, суҳбатдошлар бир-бирини тушунмасдан ажралишган. Бу воқеани эшитган жуда маданиятли доғистонлик икки яримта инглизча сўзни билгани учун Абутолибга ақл ўргатган:

– Кўраялсанми, маданиятлик шундай пайтда билинади. Агар сен озгина маданиятли бўлиб инглизчани билганинда, у билан гаплашардинг.

– Шундайликка шундай, – деган унга Абутолиб. – Нега сен инглизни мендан маданиятли хисоблайсан? Ахир, у ҳам мен гапирган биронта тилни билмади-ку.

Мен учун дунёдаги тиллар – осмондаги юлдузлар. Албатта, мен барча юлдузлар бирлашиб осмоннинг ярмини эгаллайдиган битта катта юлдузга айланишини истамайман. Бунинг учун Куёш бор. Майли, барча юлдузлар ўз холича чаракласин. Майли, ҳар бир халқнинг ўз юлдузи бўлсин. Мен ўз юлдузимни – она тилим авар тилини севаман. Мен пасткам тоғлар тагида ҳам катта олтин захираси бўлиши мумкин, деб айтадиган геологлар гапига ишонаман.

– Яратганнинг ўзи болаларингни она тилида гапиришдан бенасиб этсин, – бир аёл бошқа аёлни шундай қаргаган эди.

ҚАРҒИШЛАР ҲАКИДА. «Тоғлик киз» достонимни ёзаётган вақтимда, бад-жаҳл аёл образи тилидан бериш учун қарғиш сўзлар керак бўлиб қолди. Шунда

менга узоқроқ битта овулда кекса кампир яшашини, у қаргаганда ҳар қандай аёлни бир чўкишда қочиришини айтишди. Мен дарҳол ўша овулга равона бўлдим.

Сўлим тонгда, бир-бирини қарғаш, ҳақоратлаш ўрнига ҳаёт гўзаллигидан лаззат оладиган пайтда излаб келган уйимнинг остонасидан ичкарига кирдим. Мен соддадиллик билан кампирга нима мақсадда келганимни айтдим: «Бир-иккита қаттиқроқ ботадиган қарғишлар айтсангиз бўлди, мен уларни ёзиб олиб дostonимга киритаман».

– Сенинг тилинг қуриб танглайингга ёпишсин, севган кишингни тополмай қолгин, менинг олдимга жўнатган киши сенинг гапингни бошқа тушунмасин, узоқ сафарлардан туғилган овулингга қайтганингда салом беришга тилинг айланмасин, тишларинг битта қолмай тўкилиб оғзингда шамол ўйнасин. Эй, сен шоқолнинг боласи, мен шод бўлмасам қандай куламан (Илоҳим, сени шодликдан бебаҳра этсин). Агар уйда ҳеч ким ўлмаган бўлса, ҳақорат қилмаган бўлса, сenga қайси гўрдан олиб қарғиш тўкийман, ер ютгур. Қани тезроқ қорангни ўчир, бунақа бемаза гапларинг билан бошимни қотирма.

– Сизга катта раҳмат! – дедим ва бу хонадоннинг остонасидан узоқлашдим.

Йўлда кетар эканман ўйга толдим: «Агар бу кампир ҳеч бир сабабсиз, қутилимаганда кириб келган менга шунча қарғиш ёғдирган бўлса, у ўзини ранжитган ёки жаҳлини чиқарган одамни қандай қарғар экан?»

Эҳтимол, келажакда доғистонлик фольклоршунослардан бири қарғишларни ҳам ўрганар, уларни тўплаб китоб ҳолига келтирар, ўшанда одамлар сўзга топқирлик меъёрини, нозик фахмлилик чегарасини, қанчалар хаёлга эрк бериш мумкинлигини, тоғликлар сўзида ифодалаш кўламининг кенглигини билиб олишарди.

Ҳар бир овулга хос қарғиш бор. Ўзингизни қарғишларнинг куйдирувчи алангасидан сакланг. О, бу қарғишлар. Биттасида оёқ-қўлинг акашак бўлади, бошқасида жасадинг гўрда чириydi, учинчисида овқат еб турган вақтингда икки кўзинг косага ўйилиб тушади, тўртинчисида ўйилиб тушган кўзинг ўтқир қояларга урилиб, тубсиз жарда йўқолади... Умуман олганда, кўзга боғлиқ қарғишлар жуда ваҳимали. Лекин улардан ҳам ваҳимали қарғишлар бор. Мен битта овулда иккита аёлнинг бир-бирини шундай қарғаётганини эшитдим.

– Худойим, болаларингни тил ўргатадиган одамдан жудо қилсин.

– Йўқ, сенинг болаларинг бировга тил ўргатаман деса, Худойим, уларни болаларингдан мосуво қилсин.

Мана шунақа ёмон қарғишлар ҳам айтилади. Лекин тоғликлардан кимдир она тилини қадрлабмаса, унга қарғиш тегмаган бўлса ҳам ҳурматини йўқотади. Тоғлик она ҳеч қачон тил қодалари бузилган шеърни жигарбандига ўқимайди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Парижда доғистонлик расомни учратиб қолдим. У инқилбдан кейин Италияга кетган, ўша жойда уйланган ва юртига қайтмаган. Тоғлик-

лар анъанаси бўйича тарбия кўрган доғистонликнинг янги мамлакатга кўниқиши кийин кечибли. Дунё бўйлаб кезиб чиққан рассом охир гўзал пойтахт шаҳардан кўним топибди. Аммо қайда кезмасин соғинч ажралмас йўлдош бўлибди. Мен бўёқлар орқали суратларга кўчган соғинччи кўргим келди ва рассомдан ижод намуналаридан кўрсатишини сўрадим.

Рассом «Ватан соғинчи» суратини кўрсатди. Унда итальян аёл (рассомнинг хотини) қадимий аварликлар кийимида тасвирланган. Аёл тоғдаги булок ёнида, қўлида гоцатлилик усталар тайёрлаган қумуш кўза. Тошлар орасидаги овул қайғули – қора рангда, ортидаги гоғ ҳам қорамтир. Чўкқиларни туман қоплаган.

– Туман – бу тоғларнинг кўз ёши, – дея изох берди рассом. – Тоғ ён бағридан туман сузиб ўтганда, қоялар устида томчилар пайдо бўлади. Туман – бу мен.

Бошқа расмда тиканли бута шохида ўтирган қуш тасвирланган. Бундай тиканли бута – чангаллар, тошлар орасида ўсади. Қуш сайраяпти, уйнинг деразасидан ғамгин таниш аёл қараб турибди. Менинг суратга қизиқиш билан қараб турганимни кўрган рассом тушунтиришга уринди.

– Бу сурат қадимий авар афсонаси асосида яратилган.

– Қандай афсона?

– Қушни ушлаб, қафасга солишади. Қафасга камалган қуш кечаю кундуз фақат битта сўзни такрорлайверган: Ватан, Ватан, Ватан, Ватан, Ватан... Мен ҳам ўтган йилларда фақат шу сўзни такрорладим. Қушни ушлаб турган киши ўйга толди: «Унинг ватани қандай экан, қаерда экан? Эҳтимол, жаннат қушлари ва жаннат дарахтлари бор гуллаб яшнаган бир ўлкадир. Яхшиси, қушни кўйиб юбориб қайси томонга учинини кузатайин. Менга қушча мўъжизавий мамлакат йўлини кўрсатар». У олтин қафаснинг туйнугини очди, қуш озодликка чиқди. Қуш ўн қадамча учиб, силлиқ тошлар орасида ўсган чангал шохига кўнди. Шу чангал шохлари орасида қушнинг уяси бор экан... Мен ҳам ўз Ватанимга қафаснинг деразасидан тикилиб турибман, – дея хикоясини тугатди рассом.

– Нега унда ўз овулинга қайтмаяпсан?

– Энди кеч. Ўз вақтида мен Ватандан қайнок юрагимни олиб кетгандим, энди унга кексайган суюгимни олиб қайтаманми?

Париздан қайтганимдан кейин рассомнинг қариндошларини излаб топдим. Ҳайратланарлиси, унинг онаси ҳали ҳаёт экан. Онасининг уйига тўпланган қариндошлари ўз Ватанини ташлаб кетиб, уни ўзга ерларга алмашган ўғил ҳақидаги хикояни ғамгин тинглашди. Улар адашган ўғилни кечиргандай бўлишди, тирик эканидан суюнишди. Шунда бирдан онаси сўраб қолди:

– Сизлар аварча сўзлашдингларми?

– Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча.

Она юзига қора чодрасини туширди, бизда оналар ўз ўғлининг ўлганини эшитганда шундай қилишади. Уйнинг томига ёмғир томчиларди. Биз Аваристонда ўти-

рардик. Эхтимол, хозир дунёнинг нариги четидаги Париж шаҳрида Доғистоннинг адашган ўгли ҳам ёмғир томчилари овозини тинглаётгандир. Узок жимликдан кейин она деди:

– Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганда авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди.

ЭСДАЛИҚДАН: Авар театрида ишлаб юрган вақтларим эди. Тоғликларни драма санъатидан баҳраманд этиш ниятида спектакль декорациялари, кийимлари, жиҳозларни (бу лаш-лушларни эшакларга юклардик, айримларини актёрлар ўзи билан оларди) овулдан-овулга олиб ўтардик. Театрда ўтказган даврим тез-тез эсимга тушади.

Спектаклдаги оммавий сахналарда ижро этишим учун кичик роль ҳам беришарди, лекин асосан суфлёрлик вазифасини бажарардим. Мендай ёш шоирга роль ижро этишдан кўра суфлёрлик қилиш кўпроқ ёқарди. Чунки мен учун спектаклдаги актёрлар ҳаракати, ўз ролларидаги тимсолга кириши, юз қиёфаларини ўзгартириши, уларнинг кийиниши, гримлари, декорациялари иккинчи даражали нарса бўлиб туюларди. Мен учун спектаклдаги энг муҳими сўз эди. Шу боис актёрларнинг сўзларни тўғри талаффуз қилишларини диққат билан кузатиб борардим. Агар бирор актёр сўзларни ташлаб кетса ёки талаффузини бузиб қийматини тушириб юборса суфлёрлик ўрнимдан туриб, залга қараб ўша сўзни тўғри талаффузда баралла айтардим.

Ҳа, мен матн ва сўзни муҳим деб ҳисоблайман. Чунки сўз гримсиз ҳам, либоссиз ҳам яшай олади ва спектакль мазмунини томошабинга етказиб беради.

Бир кун спектакль давомида қизик воқеа бўлганди. Биз тоғликлар ўтмиши ҳақидаги «Тоғликлар» спектаклини намойиш этаётгандик. Мен одатдагидай суфлёрлик ўрниданман. Қонли қасосдан қочиб тоғда бекиниб юрган спектакль қаҳрамони Айгази тунда овулига келиб, севгилиси билан учрашаётган сахна эди. Севгилиси Айгазига (бу ролни актёр Магаев ўйнаётганди) тезроқ тоққа қайтишни, йўкса уни душманлари келиб ўлдириши мумкинлигини айтарди, у бўлса севгилисини пўстини билан пана қилиб, нақадар севишини, жуда соғинганини гапирарди.

Шу вақт қутилмаган воқеа юз берди. Сахнага Магаевнинг хотини югуриб чиқди. У бегона аёлга севги изҳор қилаётган эрига ғазаб билан ташланди. Магаев хотиннинг қўлидан ушлаб, сахна орқасига судради, бу спектакль эканини тушунтира бошлади. Актёр ўйлагандики, хотини айтган гапини дарҳол тушунади ва қайтиб келиб спектаклни тўхтаган жойидан давом эттираман. Аммо хотини унга ёпишиб олиб, сахнага қайтишига йўл қўймади. Севгилиси эса сахнада ёлғиз қолди, спектакль тўхтади.

Мен ўша вақтда суфлёрлик жойимда ўтирардим, ҳеч қандай гримсиз замонавий шим-қўйлақда эдим, бунинг устига қўйлагимнинг ёқаси очик, чамаси қулай бўлиши учун шиппак кийиб олгандим. Албатта, шу кўринишда актёр Магаев ўрнига сахнага чиқиш мумкин эмаслигини тушунардим. Ҳолбуки, Айгази ролининг

сўзларини ёддан билардим. Аммо мен спектаклда либослардан кўра сўзни муҳим ҳисоблаганим учун ўша кўринишда сахнага чиқдим ва кизга Айгази – Магаев ай-тиши керак бўлган сўзларни айтдим.

Билмадим, бу ишим томошабинларга ёқдими ёки улар буёғи масхарабозлик бўлиб кетди дейишдим, лекин ўзим қилган ишимдан мамнун эдим. Чунки томошабинлар спектакль мазмунини тушунишди, бирорта сўзини ҳам эшитмай қолишмади. Аслида, мен учун спектаклда муҳими шу.

Эсимда, театримиз билан тоғнинг юқори қисмида жойлашган Гуниб овулига бордик. Маълумки, илгари таниш бўлишмаса ҳам шоир шоирга меҳмон. Гуниблик шоир тўғрисида эшитгандим, лекин ҳали учрашмагандик. Мен ўша шоирнинг уйига меҳмонга бордим ва гастрол кунлари уларникида турдим.

Меҳмондўст мезбонлар мени шундай сийлашдики, ҳатто ўзимни ноқулай сеза бошладим. Айниқса, шоирнинг онаси менга жуда меҳрибонлик кўрсатди.

Бу меҳмондўст хонадондан кетар эканман, ташаккуримни изҳор қилишга сўз тополмадим. Хайрлашаётган вақтимда шоирнинг онаси билан бир муддат ёлғиз қолдик. Мен-ку тушунаман, онага ўғил ҳақида яхши гап айтсангиз ёқади. Шу боис гуниблик шоир ижодининг камтарона баҳосини билсам ҳам онасига уни макташга уриндим. Айтдимки, ўғлингиз жуда пешқадам шоирлардан, ҳар доим долзарб мавзуларда шеър ёзади.

– Эҳтимол, у пешқадам шоирдир, – дея гапимни бўлди онаси, – лекин унинг истеъдоди йўқ. Эҳтимол, унинг шеърлари долзарб мавзудадир, лекин шеърларини ўқисам уйқум келади. Расул, ўйлаб кўр, бу нима деган гап ўзи? Ўғлим сўзлашни ўргана бошлаганда уни тушунмасдим, тушунмасам ҳам овозини эшитганимдан қувонардим. Энди сўзлашнигина эмас, шеър ёзишни ҳам ўрганди, лекин шеърлари зериктириб уйқумни келтиради. Дейдилар, аёлнинг ақли кўйлагининг этагида бўлади. Ўтирса, ҳаммаси жойида, турдимиз бас, ақли этагидан думалаб пастга тушади. Менинг ўғлимда ҳам шундай: стол атрофида ўтириб овқатланаётган вақтида ажабтовур гапиради, ҳамма сўзлари тушунарли, овқатланиб бўлиб ижод столига ўтириши билан ўзгаради, оддий ва ёқимли сўзларнинг ҳаммасини унутади, кўяди. Ундан фақат сийқа, зерикарли, хом-хатала сўзлар чиқади.

Бу воқеани эслар эканман, Оллоҳдан ўз тилимни йўқотиб қўймасликни сўрайман. Мен шундай ёзайинки, улар онамга, опамга, ҳар бир тоғликка, китобимни қўлига олган ўқувчига тушунарли бўлсин. Мен уларни зериктиришни эмас, уларга қувонч бағишлашни истайман. Агар менинг тилим ўзгаларга тушунарсиз, ёқимсиз, зерикарли бўлиб қолса, бир сўз билан айтганда тилимни йўқотиб қўйсам, менга ҳаётда бундан ортиқ кулфат йўқ.

Эсимда, баъзан овулимиздаги кексалар масжид олдида тўпланиб, айрим масалаларни муҳокама қилишарди. Мен ҳамма тўплангунча отамнинг шеърларини ўқиб берардим. Бола бўлсам ҳам шеърларни жўшиб (айтиш мумкинки, ҳаддан зиёд

жўшиб), бор овозда, ўзимга ёққан сўзларни дона-дона қилиб талаффуз билан ўқирдим. Мисол учун отамнинг янги «Цадада бўри ови» шеърини ўқир эканман, «ц» ҳарфини тишларимнинг орасидан ўтказиб чийиллатиб талаффуз қилардим. Ўйлардимки, шундай ўқилса жарангдорроқ чиқади ва яхшироқ таассурот қолдиради.

Отам ҳар сафар сўзни равон талаффуз қилиб, дер эди:

– Сўз ёнғок эмас, уни тош билан қарсиллатиб чақадиган. Ёки сўз саримсоқ ҳам эмас, уни тош билан ҳовончада майдалашга ҳожат йўқ. Ёки сўз тошлок ер эмас, уни қийналиб шудгор қиладиган. Сўзни зўрикмасдан эркин айт, тишингни тишингга босиб ўзингни қийнама.

Мен сатрни қайтадан ўқидим, яна сўзни илгаригидай талаффуз қилдим. Шу вақт онам уйимизнинг тоmidан менга қараб турарди.

Отам жаҳл билан онамга бақирди:

– Ҳеч бўлмаса ўғлингга сен ўргат.

Онам мен учун қийин бўлган сўзни отам хоҳлагандай талаффуз билан айтди.

– Эшитдингми! Энди сен айт.

Мен яна тўғри талаффуз қила олмадим.

– Тфу, – деди отамнинг кайфияти тушиб. – Сўзни бузган битта жалатуриликни супурги билан савалагандим. Энди ўзимнинг ўғлимни нима қилсам экан?

Хафа бўлган отам йиғинга қатнашмасдан уйга қараб кетди.

НЕГА ОТАМ ЖАЛАТУРИЛИКНИ КАЛТАКЛАГАНДИ? Баҳор фаслидаги бозор куни. Маълумки, баҳорда ўтган йилдаги ҳосилнинг баракаси учади, янги ҳосилдан эса дарак йўқ. Шу боис бозордаги нарсалар кузга нисбатан баҳорда анча қиммат бўлади. Ҳатто, далада ўсмайдиган нарсалар, масалан, кулоллар ясайдиган туваклар ҳам.

Ҳали у вақтда навкирон бўлган отам бозор-ўчар қилишга отланди. Қўшнимиз унга йиғирма тийин бериб, супурги қўшиб олиб келишни сўрабди.

– Агар супургини арзонроқ олсанг, қолган пули сеники, – деган қўшнимиз ёш Ҳамзатга.

Отам бозорда супурги сотувчисини топган ва савдолаша бошлаган. Барчага маълумки, Шарқ бозорида биринчи айтилган нарх ҳеч нарсани англамайди. Чунки сотувчи беш тийинлик нарсага юз сўм сўраши мумкин. Хуллас, отам яхши супургини танлаб эгасидан сўраган:

– Сотасанми?

– Бўлмаса, нега шу ерда турибман.

– Қанча?

– Қирк тийин.

– Супурги от эмас, туянинг нархини айтадиган. Ҳақиқий баҳосини айтавер.

– Қирк тийин.

– Ҳазиллашяпсанми?

– Қирк тийин.

- Йигирма тийинга бер.
- Қирк тийин.
- Менинг фақат йигирма тийиним бор.
- Қирк тийин.
- Чиндан ҳам менинг бошка пулим йўқ.
- Пулинг бўлган вақтда келарсан.

Бугун супурги олиб бўлмаслигига кўзи етган отам бозор оралаб кетган ва савдо расталари охирида одамлар тўпланиб турганини кўрган. У ҳам яқинлашган, одамлар Ошиқ Маҳмуд айтаётган қўшиқларни тинглашаётган экан.

Ўртада Маҳмуд пандур ушлаб ўтирарди. Маҳмуд пандур чалар, кейин торлар устига кўлини қўйиб қўшиқ айтарди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, қўшиқни тингларди. Агар ҳозир бозордан асалари учиб ўтса, унинг овозини эшитса бўларди. Қандайдир бола секингина йўталган эди, сочига оқ оралаган киши (отаси бўлса керак) дархол болага даврандан четрокка чиқишини буюрди.

Бозорда Маҳмуд кўшиғидан бошка овоз эшитилмасди. Шу вақт қандайдир жалатурилик қўшнисига ниманидир тушунтира бошлади. Аслида, жалатуриликнинг нияти яхши эди: авар тилини тушунмаётган қўшнисига Маҳмуд қўйлаётган қўшиқнинг мазмунини айтаётганди. Ҳамма кулфат шунда эдики, унинг гўлдираб гапириши қўшиқни маза қилиб тинглашга ва ундан лаззат олишга ҳалакит бераётганди.

Жалатуриликнинг бефаҳмлиги ҳамма катори ёш Ҳамзатнинг ғазабини уйғотди. У секингина жалатуриликни туртиб қўйди. Бу фойда бермагандан кейин кулогига секингина жим бўлишни айтди. Лекин жалатурилик парвойига келтирмади. Ғазабни кайнаган ёш Ҳамзат атрофига қаради, супурги сотувчи ҳам қўшиқ тинглаётган экан. Чопиб бориб унинг халтасидан энг катта супургини олди ва кулксиз жалатуриликни калтаклашга тушди.

Жалатурилик қочар экан, ёш Ҳамзатга дўқ-пўписа қилди. Ёш Ҳамзат барибир қўшиқ тинглашга ҳалакит бераётган жалатуриликни бозордан ҳайдаб чиқарди. Кейин супурги сотувчининг олдига келиб, олган супургисини узатди.

– Ўзингга олиб қол, – деди сотувчи.

– Аммо менинг фақат йигирма тийиним бор, сен супурги учун қирк тийин сўраяпсан.

– Олавер, текинга бераяпман. Сенинг бу ишинг менинг барча супургимдан қиммат туради.

Ҳозир ҳам дунёда қўшиқ тинглашга ҳалакит бераётган жалатуриликка ўхшаш қимсалар кўп. Афсуски, уларни супурги билан калтаклаб даврандан ҳайдаб чиқарадиган одамлар йўқ.

Яхши, топиб айтилган сўз ҳақида гап кетганда тоғлиқлар шундай дейишади: «Бундай сўзнинг баҳоси эгарланган отга тенг».

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Махачқалъадаги кўшним Али Алиев зўр курашчи, тўрт марта жаҳон чемпиони. Истанбулдаги мусобақада туркиялик полвон билан олишибди. Туркиялик полвон ҳам кучли ва чаккон экан. Лекин менинг кўшним Али Алиев тажрибали бўлгани учун турк полвонини кураги билан гиламга йикитибди. Турк полвони ўрнидан турар экан секингина тоғликларга хос тарзда сўкиниб кўйибди. Али Алиев аварча сўзни эшитиб, ҳайратдан қотиб қолибди. Лекин ундан ҳам кўпроқ турк полвони ҳайратга тушибди. Чунки Али Алиев соф авар тилида шундай дебди: «Нега сўқиняпсан, юртдош. Бу спорт, кимдир ғолиб чиқади».

Полвонлар гилам устида бедарак кетган кондошини топган ака-укадай бир-бирини кучоклаётганини кўрганда томошабинлар улардан ҳам кўпроқ ҳайратга тушибди.

Маълум бўлишича, туркиялик полвон авар оиласи фарзанди экан, бобоси Шомил асир олингандан кейин Туркияга бориб қолган. Полвонлар кейинги мусобақаларда ака-укадай, кадрдон дўстлардай кучоклашиб кўришадиган бўлишибди.

ОТАМНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИДАН: 1939 йилда отамни Москвага орден топшириш учун чакиришганди. Бу унутилмас воқеа эди. У Москвадан кўкрагига орден тақиб қайтганда овул йиғилишида жамоат отамдан Москва, Кремль, мукофотларни топширган Михаил Иванович Калинин ва энг эсда қолган хотираси тўғрисида сўзлаб беришини сўради.

Отам тартиб билан ҳикоя қилди. Сўзининг ниҳоясида шундай деди:

– Муҳими, Михаил Иванович Калинин менинг исм-шарифимни русча эмас, аварча айтди. У менга Цадаса Ҳамзат деб мурожаат қилди, Ҳамзат Цадаса деб эмас.

Овул оксоқоллари ҳайрон қолишиб, мамнуният билан бошларини кимирлатиб кўйишди.

– Мана кўряпсизларми, – деди отам, – бу сўзларни мендан эшитиб қандай хурсанд бўлдинглар. Энди мен бу сўзларни Кремлда Калининдан эшитганимда қандай хурсанд бўлганимни ўзларинг тасаввур қилиб олаверасизлар. Чиндан айтаяпман, мен бундан шундай хурсанд бўлибманки, ҳатто орден топшираётган вақтида хурсанд бўлишим кераклигини ҳам унутиб кўйибман.

Отамнинг хурсандчилиги менга ҳам таниш хиссиёт.

Бир неча йил илгари мамлакат ёзувчилари делегацияси таркибида Польшага боргандим. Бир куни Краков меҳмонхонасида кимдир менинг хонамнинг эшигини тақиллатди. Эшикни очдим. Нотаниш киши соф авар тилида мендан сўради:

– Ҳамзатий Расул шу хонада жойлашганми?

Мен ҳайратдан қотиб қолдим, бироздан кейингина хурсандчилигимни изҳор қилдим:

– Отангинг уйи хамиша тинч-омон бўлсин! Сен авар фарзанди, нега Краковга келиб қолдинг?

Меҳмон билан кучоклашиб кўришиб хонага олиб кирдим, кун бўйи, ярим тунгача сухбат қурдик.

Меҳмоним авар эмас экан, Доғистон тили ва адабиёти билан шуғулланувчи олим бўлиб чиқди. У биринчи бор авар тилидаги сўзларни концлагерда, икки авар асири гаплашаётган вақтда эшитибди. Унга авар тили, айниқса, иккала авар ҳам жуда ёқиб қолибди. Поляк ўша кундан авар тилини ўргана бошлабди. Кейинчалик аварлардан бири ўлибди, иккинчисини аскарлар концлагердан озод қилибди ва Доғистонга эсон-омон қайтибди.

Биз поляк олими билан фақат авар тилида гаплашдик. Бу менга хайратланарли, ҳеч тасаввур қилиб бўлмайдиган ёқимли кайфият бағишлади. Албатта, мен поляк тилшуносини Доғистонга меҳмонга таклиф қилдим.

Ҳа, биз ўша кунни авар тилида сухбатлашдик. Лекин иккимизнинг талаффузимизда, сўзларимизда катта фарқ бор эди. У олимларга хос тарзда авар тилида жуда соф, айтиш мумкинки жудаям соф гапирди. Гапирганда тил грамматика қоидаларига қатъий амал қилди, у сўзларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида талаффузни ўзгартириш, сўзлар тартибини ўзгартириш, керакли бошқа сўзларни ишлатиш ҳақида ўйламасди.

Мен шундай китоб ёзмокчиман – унда тил грамматикага эмас, грамматика тилга буйсуниши керак.

Тасаввур қилинг, грамматика йўлда кетаётган пиёда, адабиёт хачирдаги йўловчи. Пиёда хачирдаги йўловчидан олиб кетишини сўради. Йўловчи пиёдани хачирга мингаштириб олди. Пиёда нафасини ростлаб олгач, хачир эгасини эгардан суриб туширди ва ўзи эгарга ўтириб деди: «Хачир ҳам, эгар ҳам, ундаги юк ҳам меники».

Авар тили – сен менинг она тилимсан! Сен менинг бойлигимсан, қора кунимда ҳам қоримга ярайдиган хазинамсан, барча дардларимнинг давосисан. Агар одам қўшиқчи юраги билан туғилса-ю, соқов бўлса, туғилмагани яхши эмасми? Менинг юрагим қўшиқлар билан лиммо-лим, шукурки, тилим-овозим бор. Бу овоз сенсан – авар тилим. Сен мени ёш бола сингари қўлимдан етаклаб дунёга олиб чиқдинг, мен одамларга ўз Ватаним, халқим ҳақида сўзладим. Сен мени етаклаб буюк рус тилига яқинлаштирдинг. У ҳам менинг она тилимдай бўлиб қолди, шу тил мени қўлимдан етаклаб дунё бўйлаб олиб юрди. Рус тилидан Арадер овулида мени эмизган онамдан қандай миннатдор бўлсам, шундай миннатдорман. Ва лекин жуда яхши биламан, мени туққан ўз онам бор.

ҲАР ҲОЛДА, уйдаги ўчоққа ўт ёқиш учун қўшнидан гугурт сўраб туриш мумкин. Лекин юрагингга олов ёқиш учун дўстларга гугурт сўрагани бориб бўлмайди.

Одамларнинг тиллари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларнинг юраклари бир хил тепса бас. Менинг баъзи ўртоқларим ҳам овулни ташлаб, шаҳарга яшаш учун кетишди. Бундан фожиа ясамаса бўлади. Чунки палапонлар ҳам канотлари қотгунча уясида яшайди. Лекин шаҳарда яшаётган айрим ўртоқларим бошқа тилда гаплашаётганига, ёзаётганига нима дейсиз? Албатта, бу уларнинг ўз иши, лекин мен уларга тушунтиргим келади. Назаримда, улар битта қўлтиғида иккита тарвузни ушламоқчи бўлган одамларга ўхшайди.

Мен бу бечоралар холига қараб сездимки, улар авар тилида ҳам ёзишмайди, лекин бу рус тили ҳам эмас. Улар ёзаётган нарсалар менга нўноқ ўрмончининг ар-ралашини эслатади, тўғри келган жойдан аралаб ташлайверадиган.

Ҳа, улар ўз она тилининг кашшоқ ва камрови торлигидан нолиб, ўзларига бой ва камрови кенг тил излаб йўлга чиқишган. Худди авар эртагидаги эчкига ўхшайди. Эртақда эчки бўрига ўхшаб дум ўстириш учун ўрмонга кетади ва ўрмонда иккала шохи синиб, тўқол бўлиб қайтади.

ЁКИ улар уй ғозларига ўхшашади – озгина сузиш ва шўнғишни билишади, лекин балиқ эмас, озгина учишни билади, лекин қуш эмас, озгина сайрашни билади, лекин булбул эмас. Хуллас, бирон нарсани кўнгилдагидай удалай олишмайди.

– Ишлар қалай? – деб сўрадим бир куни Абутолибдан.

– Ўртача, бўридай ҳам эмас, куённинг холидай ҳам эмас, – бироздан кейин Абутолиб давом этди: – Ёзувчи учун энг ёмони – ўртача кайфият. У ё ўзини куённи еган бўридай, ё ўзини бўридан қочиб қутулган куёндай сезиши керак.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Бир куни қўшни овулдан отамни кўргани келган йигитлар қўшиқчини калтаклашганини айтиб қолишди.

– Нега урдиларинг? – деб сўради отам.

– У қўшиқ айтганда қилиқ қилди, атай йўталди, сўзларни бузди, ё бирдан чийиллади, ё итга ўхшаб увиллади. Хуллас, у қўшиқни расво қилди, биз уни тутиб олиб калтакладик.

– Нима билан урдиларинг?

– Кимдир камари билан, кимдир тепкилади, кимдир мушт туширди.

– Уни қамчи билан ҳам уриш керак эди. Яна шуни сўраб қўяй: унинг қайси жойларига урдиларинг?

– Кўпроқ юмшоқ жойларига урдик, баъзан бўйни ҳам калтакдан бенасиб қолмади.

– Аммо барчасига боши айбдор эди.

ЭСДАЛИКДАН: Шу ўринда бир воқеани айтиб бермасам бўлмайди, чунки эсимга тушиб ҳеч хаёлимдан кетмай қолди. Маҳачқалъада бир авар қўшиқчиси бор. Исмини келтирмоқчи эмасман, қизикқанларнинг ўзлари билиб олишади. Чунки ҳикоямиз учун унинг исмининг аҳамияти йўқ. У отамнинг олдига келиб яратган

куйига мослаб шеър ёзиб беришини сўради. Отам илтимосни рад этолмасди ва кўшик пайдо бўларди.

Бир куни чой ичиб ўтирардик. Радиодан ўша кўшикчининг Ҳамзат Цадаса сўзи билан кўшик ижро этишини эълон қилишди. Биз кўшикни тинглай бошладик, отам ҳам жимгина қулоқ солди. Лекин кўшикни тинглаган сайин кўпроқ таажжубланардик. Чунки кўшикчи шундай куйлар эдики, сўзларни ҳеч тушуна олмасдик. Фақат қандайдир кичкирик эшитиларди, гўё кўшикчи донни кўриб чўкилаган хўрозга ўхшаб сўзларни чўкилаб кичкирарди.

Учрашган вақтида отам кўшикчидан нега сўзларни бузиб айтганини сўради.

– Мен буни атай бошқалар тушунмаслиги ва сўзларини ёдлаб олмасликлари учун қилдим. – деди кўшикчи. – Агар бошқа кўшикчилар сўзларини ёдлаб олишса, улар ҳам айтишади. Мен бу кўшикни фақат ўзим куйламоқчиман.

Бир муддат ўтганидан кейин отам дўстларига зиёфат берди, улар орасида ўша кўшикчи ҳам бор эди. Зиёфат сўнггида отам девордаги илгакдан торлари узилган, қолган битта тори бўш тортилган кўбизни олди. Ва шу ҳолича чалиб шеъри асосида яратилган кўшикни айта бошлади. Отам сўзларни тиник талаффуз этарди, лекин созланмаган кўбизда ижро этилаётгани учун куйдан ҳеч нарса қолмаганди. Жаҳли чиққан кўшикчи бузук кўбизда кўшик ижро этиш мумкин эмаслигини, бузук кўбиз куйни бера олмаслигини отамга қуёниб тушунтирди. Отам эса унга хотиржам жавоб қайтарди:

– Сенинг куйингни бошқалар илғаб, кейин чалиб юрмасликлари учун атай шундай қилдим. Бундан ташқари, нега кўшикнинг сўзини тушуниб бўлмайдиган қилиб айтиш мумкин-у, нега унинг куйини тушуниб бўлмайдиган қилиб чалиш мумкин эмас?

Доғистонликлар асарларини ўнга тилда ёзишади, лекин улар тўққиз тилда нашр этилади. Шундай экан, ўнинчи тилда ёзганлар нима қилишади? Умуман, бу ўзи қандай тил?

Ўнинчи тилда ўз она тилини (у авардир, лакдир, татдир...) унутганлар, лекин ҳали ҳам бошқа тилни тўлиқ ўрганмаганлар ёзишади. Улар ҳали у ёқлик ҳам, бу ёқлик ҳам эмас.

Бошқа тилни она тилингдан яхшироқ билсанг, майли ўша тилда ёз. Ёки бошқа тилни билмасанг она тилингда ёз. Лекин ҳеч қачон ўнинчи тилда ёзма.

Ҳа, мен ўнинчи тилга қаршиман. Тил халқнинг қунига бугун ҳам яраса қадимий ҳисобланади.

Тил ўзгариб туради, мен бу борада баҳслашмайман. Ахир, дарахтдаги барглр ҳам ўзгаради: битта япроғи сарғайиб тушади, ўрнига бошқаси япроқ ёзади. Лекин дарахт қолади. Йил ўтган сайин новдалари кўпаяди, йўғонлашади, мустаҳкамроқ бўлади. Ниҳоят, мевага ҳам қиради.

Мен сизга кичик ва лекин қадимий авар тили дарахтининг мевалари бўлган ўз кўшикларимни, ўз китобимни тақдим этайман.

ОНА ТИЛИМ

Ҳамиша тушимга кирар ҳар бало,
Бу тун ўлган куним кўрибман аён.
Доғистон жазира водийси аро,
Кўксимдан ўқ тешиб, ётибман бежон.

Ёнгинамда жилга оқар жўши уриб,
Ҳеч кимни ўртамас менинг фирогим.
Ўйлабман, тупроққа айланмай туриб,
Маҳкамроқ кучайин она тупрогим.

Жоним узиляпти, билмайди ҳеч зот,
Ҳеч зог жасадимга келмайди яқин.
Қайдадир бургутлар чекади фарёд,
Қайдадир кийиклар инграйди ҳазин.

Тепамда ҳеч киши йиғламайди зор,
Ёш кетди деб мени эсга олмайди.
Қошимда на онам, на дўст-ёрим бор,
Ҳаттоки йиғичи чуввос солмайди.

Ётибман, зўр-базўр оляпман нафас.
Шунда қулогимга чалинади сас.
Кимлардир келмоқда водий йўлида,
Улар гаплашишар авар тилида.

Доғистон жазира водийси аро,
Мен жон бераяпман, одамлар бўлса.
Сўзлашар: Али қув, гапга жа бало.
Ҳасан ҳам аямас ким тўғри келса.

Она тилимдаги сўзларни элас,
Эшитган дам кирди жасадимга жон.
Ва билдимки, менга табиблар эмас,
Фақат она тилим бағишлар дармон.

Кимгадир ўзга тил азиз-мўътабар,
Мен у тилда қўшиқ куйлашим гумон.
Эртан она тилим йўқолса агар,
Мен бугун тайёрман бўлишга қурбон.

*Айтсалар ҳам авар тили камбагал,
Менга она тилим суюкдан суюк.
Юксак минбарларда тегмаса ҳам гал,
Менга она тилим буюкдан буюк.*

*Наҳот, ошиқ Маҳмуд оташ шеърини,
Таржимада ўқир аварлик авлод.
Наҳот, она тилнинг туйган сеҳрини,
Сўнги шоирлардан бириман, наҳот?!*

*Шукурки, мен борман ҳаёт йўлида,
Мамлакатим бўйлаб ошуфта кездим.
Идроким этганча авар тилида,
Ҳаёт ва юртимнинг васфини ёздим.*

*Юртимдир – Болтиқдан Сахалин қадар,
Шу юртга фидоман, билиб қўйинглар:
Қайда юртим учун жон бермай магар,
Доғистонга олиб келиб кўминглар.*

*Рухим шод, мозорим ёнида бир зум,
Аварлар тўхташиб номим ёдласа.
Ва она тилимда айтишса маъсум:
Бунда ётар Расул Ҳамзат Цадаса.*

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Тоғлик ота-она ўғлининг рус кизига уйланишига карши чиқишди. Аммо киз авар йигитини жуда севар экан. Бир кун йигит киздан авар тилида ёзилган мактуб олди. Ўғил хатни ота-онасига кўрсатди. Ота-она хатни ўқишиб, дастлабки қароридан пушаймон бўлишди ва ўғлига рус кизига уйланишига розилик беришди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Ёзувчи учун тил – мисоли деҳқоннинг ҳосили етилиб турган буғдойзори. Энди буғдойзордаги бошоқларнинг, бошоқлардаги донларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди. Аммо деҳқон қачон бўлади деб қўл қовуштириб ўтираверганида, эҳтимол битта ҳам дон олмаслиги мумкин эди. Меҳнат килди, мана энди буғдойни ўриб олиб, янчиш зарур. Аслида, бошоқни янчиш ҳам ишнинг ярми. Янчишдан кейин бегона дон ва кумлардан тозалаш лозим. Донни тегирмонда торттириш, ундан ҳамир қориш, нон ёпиш керак. Асосийси, қанчалар ун керак бўлмасин, ҳамма ҳосилни ишлатиб юбормасдан, келгуси йил учун энг сара донларни уруғликка саклаб қолмоқ шартдир.

Аслида, тил устида ишлаётган ёзувчи дехконга ҳам ўхшаб кетади.

ДЕЙДИЛАР: Болалар қарға уя қурган дарахтни арралашди, йиқилган дарахтдан қарға уясини олишиб ёқиб ташлашди.

- Дарахт, нега сени арралашди?
- Чунки мен уларга ҳеч нарса дея олмадим.
- Қарға, нега сенинг уянгни ёқишди?
- Чунки мен жуда кўп қағилладим.

ДЕЙДИЛАР: Сўз – мисоли ёмғир: биринчи сафар – табиат инъоми, иккинчи сафар – яхши, учинчи сафар – чидаш керак, тўртинчи сафар – кулфат, ҳаммаёқ шалаббо.

МАВЗУ

Эшикни синдирма, у калит билан очилади.

Эшикдаги ёзувлар.

«Менга мавзу беринг», деб айтма,

«Менга кўз бергин», деб айт.

Ёш ёзувчига айтилган ўғит.

«Хурматли ёзувчилар, менинг ҳам жуда ёзгим келаяпти. Фақат нима ҳақда ёзишни билмаяпман. Менга бирор долзарб мавзунини айтинглар, ажойиб китоб ёзиб берардим».

Ёш қаламкашлар шундай илтимос билан Ёзувчилар уюшмасига, газета-журнал таҳририятларига, шахсан ёзувчиларнинг ўзларига мурожаат қилиб туришади. Бундай хатларни мен ҳам олиб тураман. Бундай хатларни отам ҳам олган. Шундай кезларда отам бошини чайқаб дер эди:

– Ёш йигит уйланишни хоҳлаяпти-ю, лекин кимга уйланишни билмаяпти. Кўз остига олиб қўйган қизи йўқ, кимга совчи жўнатишни билмасдан ҳайрон.

ЭСДАЛИҚДАН: Бир қуни Абутолибдан Доғистон Ёзувчилар уюшмасига ариза тушди. У олис овуллардан бирига ижодий сафарга жўнатишимизни сўрагани. Бошқарув аъзоларидан бири муҳокама пайтида Абутолибдан нима ҳақда ёзмокчисиз деб сўраб қолди. Кекса шоир ранжиб деди:

– Овга кетаётган овчи тоғда унга қуёнми ё ғоз, бўрими ё қизғиш тулки учрайдими, қаёқдан билади? Жангчи олдиндан жангда қандай қахрамонлик кўрсатишини биладими?

– Мен ҳам ўша мажлисда қатнашганим ва Абутолибнинг сўзлари хотирамга муҳрланиб қолди.

Хар доим мени ёзувчиларга яқин йилдаги режаларингизни сўзлаб беринг, дея қилинган илтимослар таажжубга солади. Албатта, ёзувчилар ҳам ёзмокчи бўлган нарсаларининг умумий йўналишларини чамалаб қўйишади. Эхтимол, роман ёки трилогия ёзишни режалаштириш мумкин, лекин шеърни... Шеърлар хар доим қутилмаганда, бир тухфадай келади. Шоирнинг иш тартиби бирон-бир катъий режага бўйсунмайди. Ахир, олдиндан қандай қилиб шундай режа тузиш мумкин:

«Бугун мен соат ўнда кўчада бир кизни учратиб, севиб қоламан. Ёки эртага кечкурун соат бешда қандайдир ярамасдан чексиз нафратланаман».

Шеър кўз олдинда турган тувакдаги ёки гулзордаги гул эмас. Агар у гул бўлса, тоғ яйловидаги гулга ўхшайди, хар қадамда янгиси, чиройлироғи учрайдиган.

Туйғулардан мусика тугилади, мусикадан туйғулар тугилади. Қайсисини биринчи ўринга қўйиш керак?

Худди кўпчиликни ўйлантирадиган саволга ўхшайди, нима олдин пайдо бўлган: тухумми ё товук? Худди шундай: ёзувчи мавзунини танлайди, ё мавзу ёзувчинини? Мавзу ёзувчининг дунёси, ёзувчининг ўзи. Ёзувчи мавзусиз мавжуд эмас. Хар бир ёзувчининг ўз мавзуси бор.

Фикр ва туйғулар – қуш, мавзу – осмон; фикр ва туйғулар – буғу, мавзу – ўрмон; фикр ва туйғулар – кийик, мавзу – тоғ; фикр ва туйғулар – йўл, мавзу – шаҳар, унда барча йўллар туташади.

Менинг мавзуим – Ватан! Ватанни танлашимга ва излашимга ҳожат йўқ. Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган. Самолёт бўлмаса аэродром қурилмайди. Худди шундан ёзувчи Ватансиз бўлиши мумкин эмас.

Бургут товуклар орасида бемалол юраверса, энди у бургут эмас. Тоғ такаси жамоа хўжалиги отарида ёйилиб юраверса, энди у тоғ такаси эмас. Гулмоҳи аквариумда сузаверса, энди у гулмоҳи эмас.

Самолёт музейда турган бўлса, энди у самолёт эмас, оддий экспонат.

Худди шундай, сайрамайдиган булбул асло булбул эмас.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Менга болалигимдан битта манзара ёқади. Отамакон уйимнинг деразаси очилиши билан тоғ ён бағридаги ям-яшил кенглик кўринади, гўё овул оёғи остига ёзилган пояндоз. Қоялар унга таъзим бажо қилишиб қараб туришгандай туюлади. Болалигимдан тоғ ён бағридаги сўқмоқлар илонларни, дарадаги ғорларнинг оғзи йирткичларнинг оғзини эслатади. Олис тоғларнинг қоялари бир-бирига суяниб олишган. Тепалари думалок, қорамтир, туянинг жунли ўрқачига ўхшайди.

Энди-ку биламан, Швейцария ёки Неаполь тоғларида бундан чиройли манзарали жойлар бор. Лекин қаерда бўлмай, қайси табиат гўзаллигига қарамайин кўрганларимни болалигимда отамакон уйимнинг деразасидан ҳаёлимни ўғирлаган манзарага солиштираман ва кўз олдимда қаршимдаги намоён табиат гўзаллиги ўрнида

ўша болалигимдаги манзара жонлана бошлайди. Агар қандайдир сабаб билан хотирамда овулим ва унинг атрофидаги манзара яшамаганда мен учун дунё юраксиз кўкрак кафасига, қорачиғи йўқ кўзга, тилсиз оғизга, кушсиз уяга ўхшарди.

Бу мавзуимни овулимнинг чегараси, ҳовлимнинг кегараси билан белгилайман ва шу чегара-кегараларда баланд девор тиклайман деганим эмас.

Шундай далалар бор, плугда чуқур шудгор қилганингдан кейингина юмшоқ тупрок бошланади. Шундай далалар бор, плугда устки қаватини шудгор қилишинг билан тошлоқ қисми кўринади. Шундай далалар бор, уларни шудгор қилиш шарт эмас. Чунки тошлоқ шундоқ кўзга ташланиб туради. Барибир бундай далаларда ҳосил олиб бўлмайди.

Она тупроғимга бўлган меҳримни энди беминнат ишлаган от каби боғлик ҳолда ушлаб турмоқчи эмасман, уни ям-яшил яйловга эркин қўйиб юбориш керак. Мен отнинг юганини оламан, бўйнига шапатилаб уриб силаб қўяман, майли, ўтласин, куч тўпласин. Менинг тупроққа, Ватанга бўлган меҳримда ҳам яйловда эркин ўтлаб юрган отга ўхшаш эзгулик бор.

Мен дунёдаги барча ҳодисаларни, Ватанга бўлган меҳримни факат ўз уйимда, ўз овулимда, ўз Доғистонимда ҳис қилиш билан кифояланмоқчи эмасман. Аксинча, дунёдаги барча ҳодисалар қаерда кезмай Ватанга бўлган меҳримда акс этишини истайман. Менинг мавзуимнинг, дунёқарашимнинг моҳияти шунда.

Эсимда, олис Сантьягода бўлганимда мени хўрозлар кичкириғи уйғотди. Кўзимни очдим, ўзимни бир лаҳза тоғлар орасидаги қадрдон овулимдан деб ўйладим. Ўшанда Сантьягодаги хўрозлар ҳақида ёзаман деб дилимга тугдим.

Япониядаги ажойиб Каманур шаҳридаги гўзаллар танловида иштирок этдим. Япон гўзаллари навбатма-навбат сахнадан ўтишди. Мен беихтиёр уларни овулимда қолган яғонамга қиёсладим. Қанча тикилмай, ҳеч қайсисида яғонамга ҳос фазилатни кўрмадим. Лекин япон гўзаллари ва гўзаллик танлови маликаси менинг мавзуимга кириб келди.

Непалдаги будда ибодатхонаси, қирол саройи, дунёдаги барча дард, афсун ва жодудан фориғ этувчи йигирма иккита булоқни томоша қилиб, тошли сўқмоқлар орқали Катаман тоғининг энг баланд нуқтасига кўтарилдим. Атрофга назар ташлаб, қадрдон Доғистонимни эсладим. Ҳолбуки, муқаддас булоқ, қадимий ибодатхона ва гўзал саройни томоша қилганимда қалбимда шундай ширин таассурот уйғонмаганиди. Шу оддий тоғ манзараси ажойиб архитектура ёдгорлигидан менга қадрлироқ туюлди. Ўйладимки, муқаддас булоқлар эмас, мана шу тоғлар одамларни барча дарддан, афсун ва жодудан фориғ этади. Шунда Непалда кўрганларим китобимга мавзу бўлиб кирди.

Катта ва сершовқин Калькутта шаҳридан унинг шундоқ яқинидаги кичкинагина қишлоққа келдик. Хирмонда хўкизлар билан буғдой бошоқларини майдалашаётган экан. Дунёдаги ҳеч бир музей, ёки улкан театрлардаги томошалар ҳам буғдой

пояларини секин янчаётган ҳўкизларнинг юришларидай завк бағишламагани. Гўё мен ўзимни овулимга, болалигимга қайтгандай хис қилдим. Шунда Калькутта яқинидаги кишлокни китобимга мавзу қилиб олдим.

ЎЗИМ ШОҲИД БўЛГАНМАН, Индонезия тоғларида ҳам ноғорани худди бизнинг тоғликларга ўхшаб чалишар экан, Нью-Йорк кўчаларида черкаска кийган кавказлик юрганди, Истанбул ва Парижда тақдир тақозоси билан бориб қолган кўнгли ярим тоғликлар ҳам яшайди. Лондонда балхар кулоллари тайёрлаган сопол идишлар кўрғазмаси бўлганди. Венецияда Цовир овулидан чиққан лак дорбозлари томошабинларни хайратга солганди. Питсбургдаги ноёб китоблар сотувчиси менга Шомил ҳақидаги китобни кўрсатганди.

Кайга бормай, қайда юрмай Доғистонимга хос воқеа-ҳодисаларга кўзим тушди.

Бир неча қиличбоз битта аскарга ташланса, унинг ҳимояланиши осон эмас. Аскар бир вақтнинг ўзида ҳам олдидан, ҳам ёнидан, ҳам орқасидан қилинаётган ҳужумларни бартараф этиши қийин. Агар аскарга елкаси билан суянадиган қоятош бўлса, шу қояга суяниб маҳоратини ишга солиб бир неча қиличбозга бас келиши мумкин.

Доғистон – мен учун шундай суянч қоя. Қийин дамларимда фақат унга суянаман.

Саёҳатчилар қайси мамлакатга боришса, ўша мамлакатнинг кўшиқларини олиб келишади. Лекин бу масалада менга қийинроқ, чунки мен қайси мамлакатга бормайин Доғистон ҳақидаги кўшиқларни олиб қайтаман. Ҳар бир янги кўшиқни эшитганда Доғистонимни қайтадан кашф қиламан, Доғистонимга бўлган муҳаббатим янада алангаланаяди. Жонажон Доғистоним, сенинг мадҳингни қуйлашга сўз этишмайди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН:

- Бургут, сенинг энг яхши кўшигинг қайси?
- Баланд тоғлар ҳақидаги кўшиқ.
- Чағалай, сенинг энг яхши кўшигинг қайси?
- Мовий денгизлар ҳақидаги кўшиқ.
- Қарға, сенинг энг яхши кўшигинг қайси?
- Жанг майдонида қолган мурдалар ҳақидаги кўшиқ.

Адабиётнинг ҳам ўз қушлари бор: бургутлар ва чағалайлар. Бири тоғларни, иккинчиси денгизларни қуйлайди. Ҳар бирининг ўз ватани, ўз мавзуси бор. Аммо қарғалар ҳам учрайди. Улар ҳаммадан кўра ўзларини яхши кўришади. Қарға жанг майдонидаги мурдаларнинг кўзларини ўяр экан ҳеч қачон ўйламайди: бу қаҳрамоннинг кўзими ёки кўрқокники. Мен шундай адабиётчиларни биламан, улар бугун фойда келтирадиган ишни бугун, эртага фойда келтирадиган ишни эртага қилишади.

ЯНА МАВЗУ ҲАКИДА. Мавзу – ҳазина солинган сандик. Бу сандикнинг қалити – сўз. Аммо сандикдаги ҳазина бировники эмас, ўзингники бўлиши керак.

Айрим адабиётчилар бор, битта мавзуда ёлчитиб ёзишмайди, лекин у мавзудан бу мавзуга сакрайди. Улар сандикнинг копкогини очишиб, устидаги нарсаларни тезгина кўриб, бошқасини очиб кўришга шошилишади. Агар сандикнинг эгаси бўлганда нарсаларни тартиб билан оларди ва тубида ўзи кидираётган дур солинган галадон борлигини биларди.

У мавзудан бу мавзуга ўтиб турувчилар кўп марта уйланган тоғлик Далағоловга ўхшашади. У йигирма саккиз марта уйланган, охир-окибат хотинсиз колган.

Аммо мавзуни никоҳдаги ягона хотинга ҳам ўхшатиб бўлмайди. Шунингдек, ягона онага ҳам, ягона фарзандга ҳам. Чунки бу менинг мавзуим, унга ҳеч қайсинг якин йўламанглар деб айта олмайсиз.

Бу мавзу меники, лекин хоҳлаган ёзувчи бу мавзуда ёзиши мумкин. Бир гал битта ёзувчининг иккинчи ёзувчини мавзусини «ўғирлаганликда» айблаётганини кўрганман. У куюниб дерди: «Сенга Ирчи Казак ҳақида ёзишга ким ҳуқуқ берди? Билмайсанми, бу мавзу меники, Ирчи Казак ҳақида фақат мен ёзаман. Сенинг бу ишинг ўғирликдан бошқа нарса эмас». Бу ёзувчи шундай ҳис-хаяжонга берилган эдики, гўё унинг севгилисини кимдир ўғирлаб кетган.

Жавоб тоғликларга хос бўлди:

– Кимнинг қиличи кескир ва довураклик куроли бўлса, ўша имомликка муносиб. Бўйга етган киз совчи юборганларники эмас, хотин қилиб олганники. Ирчи мавзуси ҳам бошқа исталган мавзу каби ким унда яхши ёзса, ўша ёзувчиники бўлсин.

Ҳа, бир неча ёзувчи ўзлари билмаган ҳолда битта мавзуда ёзишлари мумкин. Адабиёт – бу жамоа ҳўжалиги эмас. Унда ҳар бир ёзувчининг кичик бўлса ҳам ўзининг даласи, ўзининг марзаси аниқ қилиб белгилаб қўйилмаган. Аммо мен бир ўзим экинзоримни эплашга қувватим етмаётган вақтда, бошқаларнинг даламга келишини тақиқламайман. Менинг даламнинг чегарасида милтик кўтарган қоровул ҳам йўқ, ит ҳам боғланмаган. Ҳеч қандай чегара тортилмаган. Менинг мавзуим ман этилган яйлов ёки масжиддаги истаган одам бориб туриши мумкин бўлмаган тақиқланган жой эмас.

Доғистон ёзувчилари съездида баҳс қизиган пайтда битта нотик шундай деди:

– Доғистонлик ёзувчиларнинг бошқа мамлакатлар, бошқа халқлар ҳақида ёзишининг нима кераги бор? Испания ҳақида испанлар, Япония ҳақида японлар, Уралдаги улкан саноат қурилишлари ҳақида Уралда яшайдиган ёзувчилар ёзишсин. Агар қушнинг уяси бир боғда бўлса, бошқа бокка бориб сайрамайди-ку. Тоғнинг тошлок жойидан тупроқни олиб водийга ташиш шарт эмас, текисликда шундай ҳам унумдор тупроқ бор. Ахир, думба жизза емоқчи бўлган одам қозонга сариёғ сурмайди.

Съездда ўзга республикадан келган меҳмон ҳам қатнашаётганди. У ногикка шундай жавоб берди:

– Хайвонларнинг ўз ини, қушларнинг ўз уяси бор. Аммо Қуёш барча мавжудотга бирдай нур таратади, ёмғир барчасининг устига бирдай ёғади. Камалак барча кўзларни бирдай қувонтиради. Чакмоқ нури баланд қояларга ҳам, чуқур дараларга ҳам тушади. Момақалдирок овози ўша жойларга бир текис таралади. Ажойиб палов ўзга мамлакатдан келтирилган гуручдан тайёрланади. Мен съездингизга узоқдан габриклаш учун келдим. Шу жойга келганимдан кейин сизнинг тоғларингизга, денгизингизга, олийҳиммат эркакларингизга, гўзал аёлларингизга нисбатан меҳрим уйғонди. Агар мен уйга қайтгач, шу жойда кўрганларим ҳақида ёзсам юртдошларим факат хурсанд бўлишади. Агар сизнинг ёзувчиларингиз ҳам менинг юртим ҳақида ёзишса бунинг сира зарари йўқ. Севиш эркин бўлгандай, ёзувчининг ҳам нимани ёзиши эркиндир. Ахир, севги юракдан жой олаётган вақтда рухсат сўрамайди-ку!

Унинг сўзлари ўткир ўқдай нишонга теккани учун съезд катнашчилари меҳмонни олқишлади. Мен ҳам унинг фикрини маъқуллаганимни билдириш мақсадида қарсақ чалдим ва яна мавзу ҳақида ўйладим.

Ўзга мамлакатлар, ўзга халқлар ҳақида ёзган яхши, агар сен ўзлинггни топиб олган бўлсанг.

Менинг мўъжаз Доғистоним ва менинг чексиз-чегарасиз олашим. Икки дарё текисликка етганда бир-бирига қўшилади. Икки кўздан оққан ёш икки ёноқдан томчиласа ҳам, улар битта қайғудан ёки битта қувончдан пайдо бўлади.

*Безовта шоирнинг кўзларида нам,
Томчи ёшдан қолди ўнг-чап юзда из.
Бир томчиси севинч, бир томчиси ғам,
Бир томчиси севги, бир томчиси муз.*

*Улар икки томчи: тоза, бегубор,
Улар ожиз, бири-бирдан узоқ.
Агарда қўшилса тугилар ашъор,
Ёмғирлар қўяди, чакнайди чакмоқ.*

Менинг мўъжаз Доғистоним ва менинг чексиз-чегарасиз олашим. Мана менинг ҳаётим, мана менинг симфониям, мана менинг китобим, мана менинг мавзуйим.

Юксак қоялардан учган бургут бепоён водий осмонида парвоз қила олмаса, у ёмон бургут.

Бепоён водий осмонида парвоз қилган бургут ўзининг юксак қоясига қайта олмаса, у ёмон бургут.

Аммо бургутга яхши. Чунки у бургут бўлиб дунёга келган. Энди у хоҳлаган тақдирда ҳам чағалайга, қарғага айлана олмайди. Ёзувчининг бургут бўлиши

кийин, агар шу кушнинг довюраклиги ва улугворлик фазилатлари билан туғилмаган бўлса.

Бизнинг тоғликлар кўбиз чалишни ўргана олмаган одамларга шундай таскин беришади: ҳечкиси йўк, кўбиз чалишни нариги дунёда ўрганиб оласан.

Қанча ёзувчилар коғоз қоралаш учун қўлларига калам олишади, кўнгилларига муҳаббат ёки нафрат туйғусини жойлаб астойдил ёзишга киришишади.

Ахир, овулга келган меҳмон қайси уйга киришини билмай турганда димоғига мўрилардан таралаётган хид келади. Бири маккажўхори уни кўшилган нон хиди, бошқиси кўй гўштидан тайёрланаётган қайнатма шўрва хиди.

Ахир, уйланаётган йигит энгилтак ва ақлли қиздан бирини танлаш керак бўлса, бойлиги бўлгани учунгина энгилтак кизни танлайди.

Ахир, шундай ёзувчилар ҳам бор, улар учун қайси мамлакат ҳақида ёзишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўк. Улар олибсотарларга ҳам ўхшаб кетади. У товарни қанча узокрок олиб борсам, шунча қимматрок сотаман деб ўйлайдиган.

Улар менга Пархал овулидаги бир кизни эсимга солди. Ҳолбуки, у ўз овулимда менинг тенгим йўк деб, ўзга овулдан «шаҳзода» келишини кутарди. Бу воқеа қандай тугади, деб сўрарсиз. Охир-оқибат, у қари киз бўлиб қолди.

ЎРМОНГА БОРГАН ИККИ ТОҒЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Иккита тоғлик бўйинтурукка яроқли курук шох кесиб келиш учун ўрмонга борди. Демак, эскиси яроқсиз ҳолга келган.

Биринчи тоғлик дархол битта дарахтдан мўлжаллаб кўриб, бўйинтурукка ярайдиган иккита пишик курук шохни кесиб олди. Иккинчи тоғликка эса, кейинги дарахт яхшироқдай кўринди, яқинига борганда кейингиси яхшироқдай туюлди. Шу тарика у кун бўйи бир қарорга келолмай ўрмонда кезди. Ниҳоят, кош қорайгани учун иккита курук шохни кесиб олди, лекин улар биринчи учраганидан ёмонроқ эди. У уйга шом қоронғисида қайтди. Бу вақтда биринчи тоғлик янги бўйинтурукдан фойдаланиб, даласини шудгор қилиб бўлганди.

Бу ҳикояни менга битта доғистонлик шоир узок сафардан иккита бўш шеър ёзиб қайтган вақтда Абутолиб айтиб берганди.

– Қўшиқ айтишни ўз уйингда ўргана олмаган бўлсанг, уйингдан узокда қандай ўрганиш мумкин? – дея ўз ҳикоясини тугатганди кекса шоир ва фикрини шундай давом эттирганди: – Шоирлар ҳам баъзан кун бўйи тоғма-тоғ юриб ўз бўркини излаган тоғликка ўхшайди. ҳолбуки, бўрк кун бўйи тоғликнинг ковок бошида бўлган.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Туғилган уйимдан биринчи бор узок сафарга йўл олдим. Онам тоқчага чирокни ёқиб қўйди. Мен кетар эканман, орта қарадим, яна йўл босиб орта қарадим, туманлар аро деразамиз тоқчасидаги чирок ёғдусига кўзим тушди.

Шу кичкина деразадан таралган ёғду мамлакатлар оша, йиллар оша менинг йўлимни ёритиб турди. Мен туғилган уйимга қайтиб келгач, шу кичкина деразадан ташқарига қарадим. Кўз олдимда бепоеъ дунё, ўтган йўлларим, йилларим гавдаланди.

Ким ёзувчига мавзу беради? Унга бош, кўз, кулок, юрак бериш осонрок. Ёзувчи мавзунини муҳаббат ёки нафратига асосан эмас, таралаётган ифорига қараб танласа, ўз даврининг нафаси уфуриб турган асарни дунёга келтира олмайди. Улар даврининг эмас, айнан ўша бир куннинг фарзанди бўлади. Тўғрироғи, улар қар келинга ҳам ўхшаб кетади.

КАР КЕЛИН ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Бир овулда қар қиз бор эди. Бошқа овулдаги йигит бу қизнинг қар эканлигини билмасдан совчи жўнатди. Қизнинг ота-онаси ҳам бу ҳақда айтишмагани учун фотиҳа ўқилди, тўй бошланди. Тўйга кўп меҳмон келди. Келин кўпчилик олдида сир фаш бўлишини истамасди, дугонасидан ҳар доим ёнида ўтиришини сўради. Дугонаси агар қулғили гап айтилса, қулиш лозим бўлса чап елкасини, борди-ю қайғули гап айтилса, ғамгин тусга кириш лозим бўлса келиннинг ўнг елкасини туртиб қўйишига қелишиб олишди. Маълумки, тўйда келиннинг гапириши шарт эмас, агар умуман гапирмаса янада яхши. Шу бонис барчаси қелишгандай силлиқ кетди. Келин қаерда қулиш керак бўлса жилмайди, қаерда ғамгин қиёфага кириш лозим бўлса қайғули тусга кирди.

Аммо дугонаси қелишилган шартни унутиб қўйди ва чап елкани туртиш керак бўлганда ўнг елкани туртди ёки аксинча. Хуллас, барча ғамга ботганда келин қулиб сукунатни бузди, ҳамманинг кўзи қувончдан ёнганда келин афсус чекиб ух тортди.

Қуёв келинга ажабланиб қараб қўя бошлади ва келиннинг эси жойида эмас деган хулосага келди. Ўша заҳоти келинни қелган йўли билан изига қайтарди.

Хуллас, ҳақиқий ёзувчини қимдир қар келинга ўхшаб чап ёки ўнг елкасидан туртиб туриши шарт эмас. Унга фақат ўз юрагининг оғриғи, ўз юрагининг қувончи қўлига қалам тутказди. У ўзгалар қулаётгани ва қулаётганларга ўхшаш учун қуламайди ёки атрофдагилари қайғу чекаётгани учун ғамгин қиёфага қирмайди. Ёзувчининг ўзи «тўй»нинг об-ҳавосини белгилаши керак. Яъни ёзувчи, шоир қулганда атрофдагилар ҳам қувончдан яшнаб кетсин, ёки ёзувчи, шоир ғамга ботиб юрагини чангалласа атрофдагилари ҳам ғамдан юрагини чангаллашсин.

Қимки фикримга қўшилмаса, айтиб туришса ёзиш осон деб ўйласа, мен билан бўлиб ўтган қуйидаги воқеадан ибрат олсин.

ЭСДАЛИКДАН: Ўшанда мен Хунзах овулидаги бошланғич мактабнинг 2-синфида ўқирдим. Мен билан битта партада рус тили ўқитувчимизнинг мовий кўзли қизи Нина ўтирарди. У менга жуда ёқарди, лекин бу ҳақда унга айтишга сира журъат қилолмасдим. Ниҳоят, мен унга хат ёзмоқчи бўлдим. Аммо бу ишни амалга оширишим осон эмасди. Чунки мен ўша вақтда рус тилини умуман билмасдим. Мен битта танишимдан сўзларимни таржима қилиб беришини сўрадим. Танишим қандайдир нотаниш сўзларни айтиб турди, мен русча ҳарфларда уларни ёзиб олдим. Ўйладимки, мен севги баёни тўғрисида яхши мактуб ёздим. Ҳаяжонланиб, қўлларим қалтираб мактубни партадош қизга узатдим. У ҳам ҳаяжонланиб, қўллари қалтираб мактубимни олди, очиб ўқиб кўриши билан юзи қизарди, йиғлаганча

синфдан чикиб кетди ва мен билан бошка бирга ўтиришни истамади. Маълум бўлишича, менинг мактубим ҳақоратли ва уятли сўзлардан иборат экан.

Бошка бир воқеа. Мен Москвадаги Адабиёт институтида, рус тили ўқитувчимизнинг кизи педагогика институтида ўқирди. У билан учрашиб қолганимизда, декабрь ойининг аниқ бир кунини айтиб меҳмонга таклиф қилди. Ўша кун унинг туғилган куни эканини билардим. Албатта, унга совға олдим. Лекин унинг туғилган кунига бағишлаб шеър ёзиб, рус тилига таржима қилдириб, уни ифодали ўқиб бериб, тантанали равишда топширсам яхши совға бўларди деб ўйладим.

Шу тарика унга бағишлаб шеър ёздим, бирга ўқийдиган дўстимдан рус тилига таржима қилиб беришини сўрадим. Дўстим тун бўйи таржима устида ишлади. У эрталаб қилган таржимасини ўқиб берганда шеъримни таний олмадим. Таржимада кўнгил ҳаяжонлари, дил изҳори тўлқинлари бор, лекин ёқимли кизимга айтмоқчи бўлган гапимдан асар ҳам йўқ эди.

Энди мен осонгина алданиб қолмасдим. Яъни бир марта оғзим сутдан куйган эди ва дўстимга дедим:

– Майли, бу шеърни севгилингнинг туғилган куни бўлганда ўқиб берарсан. Чунки бу менинг шеърим эмас, сенинг шеъринг.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Мавзу ўлган баликка ўхшаб, сувнинг юзида тескари ҳолда қалкиб турмайди. У тирик баликдай сувнинг тубида, тез оқар жойида, энг тиник сувда, гирдобида. Сен уни жойида ушла, гирдобдан, шаршара остидан ушлаб ол. Ахир, оғир меҳнат қилиб топилган пул билан кўчадан топиб олинган пулнинг ўртасида фарқ бор-ку.

Тоғлиқлар айтишади: жуда кўп ҳайвон овлашинг мумкин, балки улар шokol ва куёндир. Яхшиси сен битта ҳайвонни овла, лекин у қора-кўнғир тулки бўлсин. Фақат уни қаердан овлашни билмайсан. Билиб қўй, ҳамма яхши ҳайвонлар олис дараларда яшамайди.

Бир овчи умри бўйи қора-кўнғир тулкини овлашни орзу қиларди. У шундай тулкини овлаш мақсадида неча бор тоғларни бўйи-эни бўйича кезиб чиқди. Қариган чоғида олис дараларга боришга кучи етмагани учун шундоққина ёнидаги жойларда ов қила бошлади. Тўсатдан овчининг қаршисидан бир умр орзу қилган қора-кўнғир тулки чикиб қолди. Овчи тулқидан сўради:

– Сени умрим бўйи изладим, шунча вақт қаерларда бекиниб юрдинг?

– Мен туғилганимдан буён шу дарада яшайман, – дея жавоб берди тулки. – Сен билмайсанми, керакли нарсани умринг бўйи изласанг ҳам уни омад қулиб боққан лаҳзада топасан.

Ҳа, ҳар бир ёзувчининг шундай омад қулиб боққан куни бўлади ва у ўша кунда ўзлигини кашф қилади, ўз мавзусини топади. Аммо ёзувчи топган мавзусини ўзгартирмаслиги керак. Агар у мавзусига бевафолик қилса, менинг битта танишимнинг холига тушиши мумкин.

МЕНИНГ ТАНИШИМНИНГ ПЬЕСАСИ ХАКИДА ХИКОЯТ. Доғистонлик битта ёзувчи жамоа хўжалиги тўғрисида пьеса ёзди. Мавзу канчалик долзарб бўлмасин театрдагилар пьесани муаллифга қайтарди ва ҳеч қандай узрли сабаблар айтмасдан оддий изох беришди: пьеса бизга ёқмади.

Эҳтимол, бу изох бошқа бировга тушунарли бўлиши мумкиндир, лекин драматургга эмас. Драматург хафа бўлди ва тегишли жойга ариза ёзди. Дарҳол масалани ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун комиссия тузилди. Комиссия масалани ўрганиш жараёнида пьесанинг мазмуни билан танишди: илғор бригада мўл бугдой ҳосилини йиғиш чоғида қувнок кўшиқлар айтиб мусобақалашади.

Албатта, пьесанинг бундай мазмуни комиссия аъзоларини қаноатлантирди. Пьеса театр сахнасида ҳам қўйиларди, лекин бу вақтда кўмик чўллариди (айнан қувнок бригада мусобақалашиб бугдой ҳосилини йиғадиган жойда) бугдой етиштириш ўрнига, пахта етиштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шубҳасиз, ғаллачиликка бағишланган пьесадаги шарт-шароитлар пахтачиликка тўғри келмасди. Драматург узок ўйлаб ўтирмасдан пьесани қайта ишлашга ўтирди. Айтиш мумкинки, драматург астойдил тер тўқди ва пьесада экилган чигитлар кийғос униб шоналади. Пьеса қайтадан театрда ўқилди. Ўқиш жараёни кизғин кетаётган вақтда янги қарор чиқди. Унда кўмик чўллариди пахта етиштириш бугдой ўстиришга нисбатан истикболсиз экани таъкидлангани ва бундан кейин кўмик чўллариди маккажўхори экишга кўрсатма берилганиди.

Ишчан драматург яна пьесани қайта ишлашга киришди. Бирок бу воқеа қандай тугашини билмай армонда қолдик, чунки драматург пьесани ёзиб тугатаётган вақтда театр биносига ўт кетди. Драматург ўзининг омадсиз эканидан нолиб, дарёнинг энг тез оқар жойига борди ва пьесаси кўлёмасини сувга улоқтирди. Энди у пьесасини сувга улоқтирганидан ачинмаяпти.

Яхшиси, бошқа пьесага боғлиқ воқеани хикоя қилиб берай. Уни рус драматурги ёзган бўлиб, «Жўшқин одамлар» деб номлаганди. Бу пьеса ғаллачилик-пахтачилик мавзусида эмас, балиқчилик ҳақида эди. Эҳтимол, фақат балиқчилик ҳақида ҳам эмасдир.

Азалдан тоғлиқлар ўзлари туғилган овуллари ташлаб, денгиз бўйидаги текисликда яшашга интилишади. Бу текисликка мослашиш дейилади. Ҳозир бу масалага боғлиқ барча муаммолар тўғрисида гапирмоқчи эмасман, фақат асрлар бўйи кўй боқиб чорвадорлик билан шуғулланган тоғлиқлар текисликка келиб жойлашгач, кўпчилиги балиқчилик билан машғул бўлишини айтмоқчиман холос. Денгизда ёмон балиқчи яхши чўпондан аъломи? «Жўшқин одамлар» пьесаси шу масалага, яъни олис тоғ овулларида Каспий денгизи бўйига келиб балиқчилик билан шуғулланаётган тоғлиқлар ҳаётига бағишланганиди.

Пьесада иштирок этувчи образлар авар бўлгани учун драматург уни авар театрига берди. Аммо авар театри пьесани қабул қилмади.

Энди драматург нима қилиши керак? Унинг ўрнида бошқа бўлганда кайфияти бузилиб, руҳи тушарди. Биласиз, шохмот ўйинида шундай вазиятлар содир бўлади: қора шох ҳар томондан қуршаб олинган, юришга катак йўқдай. Шу вақт қора от ажойиб юришни амалга оширади, энди ок доналар жуфтакни ростлашга жой излаб қолишади. Бундай туб бурилишдан кейин оклар ҳимоя чораларини излашга мажбур.

«Жўшқин одамлар» пьесаси муаллифи ҳам мана шундай «от юришни» амалга оширди. Пьесадаги аварча исмларни қўмиқча исмларга ўзгартирди ва уни қўмиқ театрига топширди. Афсуски, бу «от юриш» ўзини окламади. Қўмиқ театри ҳам балиқчиға айланган чўпонлар тўғрисидаги пьесани саҳналаштиришни истамади.

Бизнинг Доғистонимизда кўп миллат яшайди. Пьеса қаҳрамонлари даргин, лезгин бўлди-ю, лекин улардан ҳам яхши балиқчи чиқмади. Драматург пьесасини оч қолган итидай кўчага чиқариб юборди, ўйладики, бирон уйдан қорнини тўйғазиб қайтади. Ит ҳамма ховлига кириб чиқди, бироқ суяк тополмади.

Бир неча йилдан кейин драматург Москвадаги Адабиёт институтига ўқишга кетди. Маҳачқалъа га шундай гап етиб келди, унинг балиқчилари лўлига айланибди. Чунки «Ромэн» лўлилар театри пьесага қизиқиш билдирибди. Ниҳоят, чўлок қари кизга куёв топилибди. Ва лекин бу никоҳ узокка чўзилмади...

Мана мен икки танишимнинг пьесасини танқид қилдим. Ҳозир мен ёзувчилар мажлисининг минбарига турганимда, аллақачон лўкамалар ёғилган бўларди: ўз ўзини танқид ҳам бўлсин. яхшиси сен ўзинг ҳақингда гапир.

Ўзим ҳақимда нима ҳам дер эдим? Агар ҳозир ҳикоя қилган ёзувчиларимга ўхшаб хатолик қилган бўлсам, жон-жон деб кечирим сўрадим ва елкамдан тоғ ағдарилганидан ўзимни бахтиёр сезардим. Афсуски, мен кўксимда шундай гуноҳ юкни олиб юрибманки, унинг олдида «пахтачилик», «балиқчилик», ёшлик-гўрлик ва бошқа хатолар ҳеч нарса эмас. Мен ёшлигимда шундай иш қилганманки, ҳатто уни эслаш ҳам жуда оғир.

Кейин бу ишим учун дўстларим узок вақт койишди, улар мен учун жазо бўлди. Аммо энг оғир жазони ўзимга ўзим чиқардим, ҳеч киши менга бундай оғир жазо бера олмас эди.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Агар шарманда қиладиган айбли иш қилган бўлсанг, кейин қанча тавба қилма бўлиб ўтган ишни ортга қайтара олмайсан.

ЯНА ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Шармандали айбли ишни содир этиб, йиллар ўтгандан кейин тавба-тазарру қилган одам қарзини эски пул билан тўлашга уринган одамга ўхшайди.

ВА ЯНА ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Агар ёвузликка хоҳлаган ёмонлигини амалга оширишга йўл қўйиб берган бўлсанг, кейин уни индамай уйдан чиқариб юбориб, турган жойини тепганингдан фойда йўқ. Оғилхонадан ҳўкизларни ўғирлаб кетгандан кейин унинг эшигига қатта қулф осганингдан не фойда?

Худди шундай. Мен ҳам биламан, жанжал тугагандан кейин мушт ўқталишнинг кераги йўқ. Аммо ўқувчиларим ҳозиргача мактуб ёзишиб, яна битмаган ярамни янгилашади. Улар менинг деразамга тош отишиб, кўчамизни бошига кўтариб бакиришади:

– Қанисан Расул Ҳамзатов, ўзингни кўрсат-чи? Биз ўқувчиларингга нимага бундай бўлганини тушунтириб бер.

– Мен нимани тушунтириб беришим керак?

– Мана сен бир минг тўққиз юз эллик биринчи йил Шомилни коралаб шеър ёздинг, бир минг тўққиз юз олтмиш биринчи йил эса Шомилга мадҳия битдинг. Икки шеърнинг тагида Расул Ҳамзатов номи бор. Энди биз билмоқчимиз: Улар битта Расулми ёки бошқа-бошқа Расулми? Қайси Расулга ишонайлик?

Савол кетидан савол ёғилади. Агар баданга ўк тегса уни олиб ташласа бўлади. Лекин юракка теккан ўкни олиб ташлаб бўладими?

Менинг азиз ўқувчим, неча ёшдалигингни билмайман, балки жуда ёшдирсан. Ҳали катта умр доvonларидан, сарҳадларидан босиб ўтмагандирсан. Мен эса битта доvonдан ўтганман. Ҳа, мен севганман! Ҳозир ўз туйғуларимнинг бутун тафсилотини сўзлаб бермоқчи эмасман. Аммо кейин узок вақт афсус чекканлигим рост.

Кўпинча қўшнилари деразалари кичкина кўчада рўпарама-рўпара бўлади. Қўшнилари шу деразадан бир-бирига қараб болалари ёмон қилиқ қилишганини айтишиб, қарғашиб туришади. Мен ҳозир қарама-қарши деразаларда бир-бирини қарғаб турган қўшниларига ўхшайман. Фақат иккала деразада ҳам ўзимман: бири-да ёш пайтим, иккинчисида ҳозирги пайтим.

Чиройли қиз йигитнинг бошини айлантиргандай, давр нури менинг кўзимни қамаштирди. Мен ҳам даврга куёв қалликка қарагандай қараб, ҳеч бир нуқсонини илғамадим. Агар жиддий айтсам, мен даврнинг сояси бўлдим. Маълумки, таёқ қандай бўлса, сояси ҳам шундай бўлади. Шундай қарор чиқаришди: Шомил – Англия ва Туркия жосуси бўлган, унинг мақсади миллатлар ўртасига нифоқ солиш эди. Мен шундай қарор чиқарилган уйга ва унинг эгасига ишондим. Ўшанда ўзимизнинг Шомилни фош қилувчи шеърим ёзилди.

Энди баъзи бировлар менга таскин бергандай бўлишиб, шундай дейишади:

– Бизнинг эшитишимизча, сен бу шеърни махсус буюртма асосида ёзган экансан, сени шундай шеър ёзишга мажбур қилишганмиш.

Бу ёлғон! Мени шундай шеър ёзишга ҳеч ким мажбур қилмаган. Ўз хоҳишимга кўра Шомил ҳақида шеър ёздим ва уни ўзим таҳририятга олиб бордим. Фақат мен ўша вақтда араб тилини билмасам ҳам Куръонни варақлаб хайратга тушадиган тоғликларга ўхшардим.

Мен давр сояси эдим. Мен ўша вақтда шоир ҳеч қачон соя бўлиши керак эмаслигини билмасдим. Шоир ҳамиша олов-нур бўлиши керак экан, балки у шам бўлар, балки у Қуёш бўлар. Нур ҳеч вақт соя таратмайди, нурдан фақат нур таралади.

Афсуски, мен буни кечроқ англадим. Начора, олманинг ҳам хар хил нави бор. Биттаси эртапишар, иккинчиси кузақда пишади. Мен ўша кеч пишадиган олмага ўхшасам керак.

Хуллас, шундай бўлганди. Менинг жароҳатларимга келсак, улар хали битмаган.

Ш О М И Л

*Қалбимни қийнайди эски жароҳат,
Қачон эсга тушса қийналар юрак.
У ҳақда боболар айтган ҳикоят,
Кейин овулларда тўқилган эртак.
Тогда унинг номи бўлмайди унут,
Яшар эртакларда қаҳрамонга хос.
Тог аро қувлашиб ўтганда булут.
Унинг лашкарига айлайман қиёс,
У ҳақда тоғликлар куйлайди кўшиқ;
Ёдимда, даврада жўр бўлган онам.
Онам ҳам куйлаган меҳрини қўшиб,
Кўз ёшидан қолган юзида шабнам.
Хонамнинг тўрида қарар сурати,
Нақадар синчковдир ундаги қароғ,
Чап қўлида эди кучи, қудрати,
Шу боис ўнг ёнга тақарди яроғ.
Тўрдаги расмда кўргандим алам,
Акаларим жангга жўнаётган кун.
Тилла зийнاتини топширди опам,
Унинг номидаги танк яшаш учун.
Қариган чоғида раҳматли отам,
Қаҳрамонга битди қасида-достон.
Шомилга тўхматлар ёғарди у дам,
Ёлгончилар отда сурарди даврон.
Отамга бемаҳал ётишмаса дард,
Ҳали яшармиди... Кечиринг, ота!
Кечикиб бўлсада узр сўрашим шарт,
Менинг ўша шеърим хатодан-хато.
Ватан шаъни учун қилич тутган эр,
Чорак аср ёвларга бермади омон.
Мен-чи, қораладим замонасоз шеър,
Унда ўйламасдан сўз ёздим ёмон.*

Тунлар чирогимни ўчирган оним,
Кимдир дерамада бўлар намоён.
У – ўша тоғликлар севган посбоним,
Гуниб тоғларидан чиққан қаҳрамон.
У дейди: «Эй бола, уруш фалокат,
Қанча яраланмай миқ этганим йўқ.
Ўн тўққиз жойимдан олдим жараҳат,
Сен кўксимга отдинг йигирманчи ўқ.
Ё тигдан, ё ўқдан чекканман озор,
Вужудимда омон жойининг ўзи йўқ.
Аммо тоғлик илк бор қилди ярадор,
Шунинг учун доғи қуйдиради чўғ.
Тўғри, курашишга ҳожат йўқ энди,
Ҳурлик учун қилич ушладим, холос.
Гарчи қиличимнинг жаранги тинди,
Тоғлик ори учун саваганим рост.
Ҳаловат билмадим, курашдим фақат,
Кўнглимга сигмади ялла, тўй-ҳашам.
Жазоладим, кимки айтса ҳикоят,
Ҳатто қамчилатдим шоирларни ҳам.
Ўйлардим, ўжардай фикримда туриб,
Жазо бергандурман ноҳақдан-ноҳақ.
Сендай оғзи ботир шоирни кўриб,
Билдимки, ўшанда мен эканман ҳақ».
Тонггача тикилиб турар тенамда,
Кўраман бошида катта оқ салла.
Баъзан кезар гира-шира хонамда,
Хинога бўялган соқоли малла.
Нима ҳам дер эдим? Унинг олдида,
Элимиз олдида айбдорман, айбдор.
Бир вақт Ҳожимурод жаҳл отида,
Имомдан аразлаб кетгандай бекор.
У қайтмоқ истади бўлиб пушаймон,
Ботқоққа дуч келди ва топди жазо.
Мен ҳам қайтайинми? Аммо йўқ имкон,
Ахир, бу тамоман бошқача хато.
Ғўрлигим маҳсули торттирар сергак,
Ич-этимни ейман, ҳеч ким билмайди.
Имомдан кечирим сўрашим керак,

*Бироқ ботқоққа ҳам ботгим келмайди.
Энди узрим айтмай, у қабул қилмас,
Ҳеч ким гуноҳ ишни ёддан ўчирмас.
Ёмон сўз шеъримда янградими бас,
Қилич тутган одам асло кечирмас.
О халқим! Ёмондир ўзлинг аҳволи,
Сен ўзинг кечиргин, айла марҳамат.
Ўлидан ранжиган она мисоли,
Гуноҳкор бошимни силаб қўй фақат.*

Билмайман, аввалги шеърим учун мени доғистонликлар кечиршадими, билмайман, мени Шомил руҳи кечирадими? Лекин мен ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман.

Отам менга айтардилар:

– Шомилни тинч қўй. Агар унга тегсанг, сени кабрга киргунингча тинч қўймайди. Отам ҳақ гапни айтган экан.

*Тоғликлар болани ушлашар маҳкам,
Ҳар қадамда койир, туришар тергаб.
Мен ҳам гоҳо шўхлик, ё хато қилсам,
Отам қулогимни кўярди бураб.*

*Отамсиз ҳаётда қолмайин доғда,
Қулогимни буранг, турунғиз тергаб.
Ҳудди дутор тори бўшаган чоғда,
Унинг қулогини қўйгандай бураб.*

Вакт! Кунлардан йиллар, йиллардан асрлар пайдо бўлади. Аммо давр нима? У асрлардан пайдо бўладими? Ёки йиллардан? Ёки бир куннинг ўзи давр бўлиши мумкинми? Дарахт беш ой ям-яшил бўлиб туради, лекин бир кун ёки бир тунда барча барглари сарғаяди. Ёки аксинча, дарахт беш ой яланғоч, қорамтир ҳолатда туради. Бир кун иссиқ бўлса бас, ям-яшил тусга киради. Битта оппоқ тонг кифоя, оппоқ гулга ўранади.

Шундай дарахтлар бор, ойларга қараб ранги ўзгариб туради. Шундай дарахтлар бор ранги ҳеч қачон ўзгармайди.

Шундай кушлар бор, фасллар ўзгаришига қараб Ер шари бўйлаб кўчиб юради. Бургутлар эса ўз тоғини ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

Кушлар шамолга қарши учишни яхши кўришади. Яхши балиқлар окимга қарши сузишади. Ҳақиқий шоир эса, юрак амрига кўра «дунёнинг мавжуд фикри»га қарши исён кўтаради.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Менинг дўстим авар шоири. Яқинда янги шеърлар китоби чиқди. У шеърларини шаҳардаги уйи хоналарига ўхшаб бўлимларга ажратибди. Мана сиёсий, яъни гражданлик руҳидаги шеърлари – ижодхонаси, севги, ҳиссиётга доир шеърлари – ётоқхонаси, ҳар хил мавзудаги умумий шеърлари – меҳмонхонаси, кишлок ҳўжалиги, нон, чўпонлар ҳақидаги шеърлари – билмайман уларни қандай номласам экан? Эҳтимол, ошхона дейиш маъқулдир.

Мен Маҳачқалъа га тоғдан келган доғистонлик бахшининг гапи тўғри деб ўйлайман. Бизнинг шоиримиз ундан ҳар бир бўлимдан биттадан шеърни кўшиқ қилишни сўраган. Бахши кўбизини созлаган, бир неча дақиқа ўйланган ва кўшиқ бошлаган. У узок куйлаган. Тингловчилар хавотирга тушишган: агар у бир бўлимни шунча узок куйласа, тўрт бўлимни қачон куйлаб тугатади? Аммо бахши сози торларига қўлини қўйиб, қўшиқ айтишни тўхтатган, куйлашни давом эттирмаган. Маълум бўлишича, бахши шу битта қўшиққа шоирнинг асосий туйғуларини, асосий фикрлари берилган мисраларни тўплаган. Шоир ундан нега бундай қилганини сўрабди.

– Дўстим, – дея жавоб кайтарибди бахши, – мана менинг кўбизим, унинг учта тори бор. Мен олдин биринчисини, кейин иккинчисини, сўнгра учинчисини чала олайман.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Эҳтимол, ҳамма билар, шундай тоғлик бор эди, доим янги этиги ифлос бўлиб қолишидан кўркарди. Шу боис айрим жойларда этигини ечиб қўлига оларди ва пайпоқда юрарди. У бир куни тизза бўйи балчикка дуч келган. Бечора этигини ифлос қилмаслик учун боши билан балчиқда турган.

ШУНДАЙ ҲАМ БЎЛАДИ. Шоирлар айрим ҳолатларда санъат асари яратаётган рассомга эмас, дам олиш кунлари ўтказиладиган пойғаларда қатнашадиган чавандозларга ўхшайди. Отининг бўйинини беш дақиқа мукофот шойиси безаши учун отнинг сағринига аёвсиз қамчи тортишдан тойишмайди. Отнинг бўйнига ташланган шойи рўмол ўша кун олинади, лекин сағринига етказилган жароҳат узок вақт битмайди. Улар Телетли овулидаги Алибўлатга ҳам ўхшайди. Айтгандай, сиз Алибўлат билан бўлган воқеани билмайсиз.

Кунлардан бир куни Хунзах ноибни ўзининг Алибўлат навқарига шундай дейди:

– Тайёрлан, эртага эрталаб Телетли овулига борасан.

– Мен тайёрман, – деди топширикни бажаришга ўрганган навқар.

Тоғлардаги чўккилар ёришмасдан Алибўлат туриб отини эгарлади ва Телетли сари йўлга тушди. Тушга яқин у Хунзахга қайтди. Хунзахга қираверишда ундан таниши сўради:

– Оллоҳ ўзи сени асрасин, Алибўлат, узокқа бориб келаяпсанми?

– Телетли овулига бориб келишга улгурдим.

– Нима иш билан Телетлига боргандинг?

– Мен буни билмайман. Буни ноиб биледи. Кеча кечкурун у эрталаб Телетлига борасан деди. Мана мен бориб келдим.

Афсуски, адабиётимизда ҳам шундай алибўлатлар бор.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Шундай йигитларни кўп учраганман, улар уйла-нишдан олдин юрак амрига кулоқ тутмасдан амакилари, холалари, қариндошлари маслаҳатларига кулоқ солишади. Ёзувчи ва ижод ўртасида севгисиз никоҳ бўлиши мумкин эмас. Ҳаётда эса, холангиз билан маслаҳатлашиб уйланган бўлсангиз ҳам фарзанд туғилаверади. Айтишларича, оилادا севги қанчалик кучли бўлса, соғлом бола туғилиш эҳтимоли шунчалик кўпроқ. Агар ёзувчи ва ижод ўртасидаги никоҳ севги асосида қурилмаган бўлса, фақат ўлик китоблар дунёга келади. Шунинг учун ёзувчи бирор мавзунинг бошини тутар экан фақат юрак амрига кулоқ солиши лозим.

БИР ТАНИШИМНИНГ КИТОБИ ҲАҚИДА. Қайси йили эсимда йўқ, бирдан мамлакатимизга Гоголлар, Шедринлар керак деб айтила бошланди. Эҳтимол, ҳажвий асарларга эҳтиёж сезишгандир.

Бир танишим бор эди – бирозгина шоир, бирозгина ёзувчи, бирозгина муҳар-рир. Бир сўз билан айтганда адабиётчи. У қақриққа «лаббай» деб жавоб бериб, ҳажвий шеърлардан иборат китоб чиқарди. Ҳажвий шеърларида тухматчиларни, лаганбардорларни, текинхўрларни, кўп бор уйланганларни ва бошқа бир талай сал-бий хислатлари бор кишиларни танқид остига олганди.

Китоб савдо расталарига чиқиб улгурмасдан битта танқидчининг шу китоб ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Жумладан, у шундай ёзганди: «Бизга Гоголлар, Шедринлар керак деган чуқур мазмунли шиоримизни муаллиф жуда жўн ва ўзига мослаб тушунибди. Кўриб турибмизки, бизнинг орамизда шундай пасткаш ва қора юракли кимса яшаётган экан.

Билмадим, китобига киритган шунча салбий хислатли кишиларни у қаердан олди экан? Наҳотки, шундай одамлар бизнинг мамлакатимизда бўлса? Ахир, у ёз-ган салбий хислатли одамларнинг мамлакатимизда бўлишининг ўзи мумкин эмас. Бундай салбий хислатли кишилар қора юракли муаллифнинг бемаъни хаёллари маҳсули, холос. Тухмат-уйдирмаларга тўла бу китоб фақат душманларимизнинг тегирмонига сув қуяди».

Жаҳли чиқиб кетган катта амалдор Мухторбеков столни муштлади:

– Қани айт, ялқов, беҳафсала, бунинг устига пиёниста бригадирни сен қаерда кўргансан?

– Ўзимизнинг овулда кўрганман, – дея секингина жавоб қайтарди муаллиф.

– Бу тухмат. Мен яхши биламан, овулимиздаги хўжалик илғор жамоа хўжалиги. Илғор жамоа хўжалигида эса, сен ёзган бригадирнинг бўлиши мумкин эмас.

Гапнинг қисқаси, барча калтак ҳажвчининг бошида синди. Худди Польша жур-налида чоп этилган карикатурага ўхшаш ҳол юз берди. Унда шундай тасвир бор эди: Уйнинг биринчи қавати балқонидаги одам тўртинчи қават балқонида турган

одамга ғишт отаяпти. Лекин отган ғишглари тўртинчи каватга етмай ўзининг бошига қайтиб тушаяпти. Тўртинчи каватда турган ўша одам биринчи кават балконида турган одамга хотиржам ғишт отаяпти. Карикатура тагида шундай ёзилган: «Тепадан ва пастдан қилинган танкид».

Кимдир омадсиз ҳажвчига энг тўғри йўл айбингга иқроор бўлиш деб айтибди ва тайинлабди: Бир марта эмас, тўғри келган жойда айбингга иқроор бўлавер – газетадами, журналдами, мажлисдами, канча кўп айбингга иқроор бўлсанг шунча яхши. Шундан кейин ҳажвий китобнинг муаллифи тавба қилишга тушиб кетди. Лекин бу камлик қилар экан. Катта амалдор Мухторбеков деди:

– Тухмат тўла шеърларни ёзганидан кейин сенинг ҳеч бир гапингга ишонмай-миз. Сен амалий ишинг билан, қаламингнинг кучи билан бизга батамом тузалганингни исботлашинг керак.

Танишимга барибир эди: танкид қилиш керакми, танкид қиламан; тузалиш керакми, тузаламан. У ижод столига ўтириб «Мехнатсевар Маржона» дostonини ёзди. Дostonнинг қахрамони илғор ва фаол қиз, бирпасда жамоа хўжалигини илғорлар сафига қўшди, барча режа-мажбуриятларини ошириб бажаради, бу билан қаноатланмасдан бадий ҳаваскорлар танловида қатнашиб, ўзи тўқиган шеърни қуйлаб биринчи ўринни олади. Дoston журналда нашр этилди, алоҳида китоб ҳолида чоп қилинди. Бу вақтда замон ўзгарди. Ҳажвчини тухматчи, қора юрак деб ёзган танкидчилар энди ўз мақолаларида уни хаспўшловчи деб аташди. Катта амалдор Мухторбеков яна столни муштлади:

– Бизга айт, камчилиги бўлмаган жамоа хўжалигини қаерда кўргансан?

Айбдор бу гал жавоб бермай сукут сақлади. Чунки узун арконда шундай тугунлар борки, қўл билан ечиб бўлмайдди, тиш билан ечай десанг ахлат ёпишган. Менинг танишим ҳам тушундики, ундан ҳам шундай тугунни ечишни сўрашяпти. Шу боис у бошини қуйи солганча жим ўтирди.

У оз эмас, кўп эмас ўн йил сукут сақлади. Ҳатто бу даврда у Ёзувчилар уюшмасига ҳам кадам босмади. Фақат бир марта ёзувчиларга уй берилаётган вақтда келди. Тушуниб турибсиз, бундай пайтда келмаслик мумкин эмас.

Кўп ўтмай катта амалдор Мухторбеков кўзбўямачилиги учун ишдан олинди. Унга ҳеч ким ачинмади.

Айтгандай, у чўмилишни яхши кўрарди. Эрталаб ва кечкурун қора ЗИМ машинасида махсус чўмилиш жойига бориб, ёлғиз ўзи Каспий денгизининг намақоб сувига чўкиб ўтирарди. Уйи шундоқ денгиз қирғоғида эди. Аммо ишдан олингандан кейин ҳеч ким Мухторбековнинг денгизда чўмилаётганини кўрмади. Чунки умумий чўмилиш жойига боришга бўйни ёр бермасди. Эхтимол, у ҳамон кеккайиб юрган даврларини унутмагандир.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Кўчага чиққанда дарахтларни, буталарни, улар атрофида учиб юрган қушларни кўрасан. Қушларнинг айримлари баландрок, айримлари

пастрок учишади. Пастрокда: калдирғочлар, чумчуклар, зоғчалар, карғалар, факат битта куш осмону фалакда. Бу – бургут! У юксак осмонда, кўздан узокда. Лекин у қанча баландда бўлмасин уйдан чиққан одамнинг нигоҳи биринчи навбатда бургутга тушади. Эхтимол, юксакда ва узокда бўлган учун дарҳол кўзга ташланар. Кейин ўзингдан беш кадам нарида учиб юрган чумчуқларга назар соласан.

Лекин бургутни кўрганинг билан бургут бўлиб қолмайсан. Худди шундай қахрамон ҳақида ёзган ёзувчи қахрамонга айланмайди. Мен қахрамоннома ёзган кўплаб кўрок шоирларни биламан. Агар тоғликларнинг мард ўғлони Маҳач Доҳадаев қабридан бош кўтарса, у ҳақда диссертация ёзган «олим»га нима деган бўларди?

– Сен қандай қилиб менинг қахрамонлик йўлим ҳақида ёздинг, агар ўзинг муҳаррир олдида бирор иборангни химоя қила олмаётган бўлсанг? Тўғри келган муҳаррир сенинг фикрларингни ўзи хоҳлагандай ўзгартирапти. Сен уларга эътироз ҳам билдира олмаёсан. Сенинг Маҳач Доҳадаев ҳақида диссертация ёзишга ҳақкинг йўк! – дерди агар тоғликларнинг мард ўғлони қабридан бош кўтарса.

Айримлар ўйлайдики, катта мавзуларга қўл урсам бас, дарҳол буюк бўламан. Аммо буюкликнинг замини оддийликда. Ахир, бир томчи ёмғирда сел мудрайди. Буюк ва ҳақир одамлар ўртасида қандай фарқ бор? Ҳақирлар катта нарсаларни, улкан воқеаларни кўради, бурнининг остидаги нарсаларни пайқашмайди. Буюклар катта-кичик нарсаларни бирдай кўра олади, ўзгаларга қатрада Қуёш акс этишини тушунтириши мумкин.

ЭСДАЛИҚДАН: Баъзан шундай бўлади, истеъдодли ёзувчиларнинг иши юришмай гамгин кезади, истеъдодсиз, олғир қаламкашларга омад кулганидан босар-тусарини билмай қолади. Нега бундай бўлади, қачон шундай ҳол юз беради? Демакки, китобнинг бадиийлигига, қандай маҳорат билан ёзилганига эътибор берилмаган, аксинча, бошқа муаллифнинг ёзганларидаги хайрли ниятлари ҳаддан зиёд баҳолаб юборилган. Бундай ҳолларда ўргатувчилар ўрганувчилардан, товарлар харидорлардан, вайсакилар ёзувчилардан кўпроқ бўлади.

Айнан шундай олатасир замонда отам Шомил ҳақида катта дoston ёзди. Дoston энди чоп этилай деб турганда Шомилнинг Англия ва Туркия жосуси бўлгани тўғрисида гап чиқиб қолди. Бундан шундай хулоса чиқарилди: Шомил йигирма беш йил Доғистон халқлари озодлиги учун эмас, уларни қалғитиш учун жанг қилган.

Дарҳол отамнинг қахрамонлик достони устидан ҳукм ўқилди. Отамга шундай фаровон даврда қадим тарихни қовлаштирмасдан, ўқувчиларга манзур бўладиган замонавий мавзуларда асарлар ёзиш кераклиги тўғрисида маслаҳат беришди.

Ўша вақтда уйимизга отамнинг қувноқ дўсти Абутолиб тез-тез келиб турди. Ҳар гал у ўзи билан сурнай ва найини олиб келарди.

– Ҳамзат, кўпам хафа бўлаверма, – деди жойлашиб ўтирар экан Абутолиб ва сурнайини чалиб кўрди. – Ҳали шеър ёзмаган болалик давримда мен сурнай чалардим. Шу сурнайимни чалиб неча йил рўзгоримни тебратдим. Сурнайда сўралган мусикани чалиш мумкин. Кел, шеърятни бир лахза унутиб, ёшлигимизни эсга олиб мусика чалайлик. Мен сурнай чаламан, сен чилдирма чал, энгил тортасан.

– Нималар деяпсан, Абутолиб?! Агар биз чилдирмачилик ёки сурнайчилик килсак бунинг сира уят жойи йўқ. Чунки сурнайчининг чалган куйига раккос ёки дорбоз ўйнайди. Сурнайчи ерда куй чалади, дорбоз дорда ўйин кўрсатади. Айт-чи, Абутолиб қайси бирига кийинрок? Факат ўша дорбоз – биз иккимиз. Улар мусика чалишиб, бизни раккос ёки дорбозга айлантиришмоқчи.

Кувнок Абутолибни ғам босди, унга ҳамдард бўлиб сурнайи ғамгин нола тартди. У узоқ вақт индамасдан сурнай чалди, кейин бошини кўтариб деди:

– Шеър ёзиш – кийин иш экан!

*Пастдай кўринади азим чўққи ҳам,
Мисоли чўзилсанг етади кўлинг.
Аммо тикка сўқмоқ бўйлаб юрган дам,
Қанча кўтарилма тугамас йўлинг.*

*Кимгадир шеър ёзиш осон туюлар,
Қалам олсанг бас, шеър ўзи куйлар.
Аммо шеър ёзишдан, эй гофил инсон,
Гоҳ чўққига чиқиш минг марта осон.*

БУРГУТ БЎЛИШНИ ХАЁЛ ҚИЛГАН ҚУШЧА ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Отар тоғдан яйловга ҳайдалаётган пайт. Кутилмаганда осмондан бургут шўнғиди, битта кўзичокни чангаллаб кўтарганча кўздан йўқолди. Буни кичкина кушча кўриб турганди. У ўйлади: нега мен бургут ишини такрорлай олмас эканман, кўзичок нима бўпти, кўчорни ҳам кўтариб кета оламан. Кушча баландрок учди, канотини йиғиб пастга шўнғиди. Воқеа кушчанинг кўчор шохига урилиши ва ўша заҳоти ўлиши билан яқунланди.

– Қачондир пашша ҳам тошни юмалатмоқчи бўлган, – деди чўпон ўлган кушчанин кўлига олар экан.

Ўзини бургутга тенглаштирган кушчани, охир-оқибат, пашшага ўхшатишди.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА. Мавзу – муҳаббат, мавзу – касам, мавзу – тавба, мавзу – ибодат. Шарқликлар айтишади: ибодатни такрорлаган билан эскирмайди, ибодатни такрорлаган сайин имон бут бўлади. Мавзу ҳақида бундай фикр юритиш мумкин эмас. Чунки битта мавзун такрорлайверсанг у майдалашади ва кадрни тушади. Ахир, олмос канча катта бўлса, шунча киймати баланд. Кимга ҳам олмос кукуни керак?

Мен рус тили ўқитувчимиз Вера Васильевна ҳақида шеър ёзгандим. Кўрдимки, шеър ўқувчиларга ҳам, танкидчиларга ҳам ёқди. Хурсанд бўлганимдан шу мавзуда яна битта шеърни кораладим.

Бу шеърларимга энг тўғри киёс шу: дастлабкиси бочкачадаги етилган винога ўхшаган бўлса, кейингиси виноси ичиб бўлинган шу бочкачани ювиб, тўкиб ташланаётган чайиндига ўхшади. Бу чайиндида винонинг хиди бор, мазаси йўқ. Етилмаган винони эски бочкачага солиб ҳам кўп сақланган вино деб ишонтириб бўлмайди. Яхшиси, мен баъзан москвалик дўстларимизни вино билан қандай зиёфат қилганимизни сўзлаб берай.

Биз кавказликлар туғилган юртимиздан Москвага қайтар эканмиз, қўлбола тайёрланган виномиздан оламиз. Дўстларни чақирамиз, бочкача очилади ва зиёфат бошланади. Бочкачадаги вино узок сақланган, тоза узумдан тайёрланган, сифатли. Винодан ичган дўстлар макташади, бу ҳақда ўзларининг дўстларига сўзлаб беришади. Яхши винодан татиб кўришга эса, иштиёқмандлар кўп. Маълумки, ҳар қандай бочкачанинг туби бор. Шундай кезде уялиб қолмаслик учун гуноҳга ботишимизни билсак ҳам буфетдаги шишали винолардан сотиб олиб, бочкачани тўлатамиз. Кейин ҳақиқий қўлбола вино, ўзимизнинг боғдаги узумдан тайёрланган, деб мактаймиз. Бизнинг айбимизни ошкор қиладиган вино шинавандалари бўлмайди. Фақат битта меҳмон винони ичиб кўргач, менга қараган ва бошини чайкаган. Бошқалари қанча кўп вино ичса, шунча маст бўлган. Қанча маст бўлса, винони шунча кўп мактаган.

Менинг кейинги шеърим чекига ҳам шундай савдо тушди. Шеърни тушунадиган зукко ўқувчилар бошини чайкаб дейишди:

– Акаси бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди.

Яна улар дейишди:

– Битта овулга битта тентак етади.

Шунда тушундимки, мен ҳам кекса ёғоч ўймақори қилган ишни қилибман. Яхшиси, мен бу уч воқеани тартиб билан ҳикоя қилиб берай.

Болалигимда бизнинг овулга ҳар куни газета ва хатлар солинган сумкани орқалаб почтачи Қурбонали келарди. У Эбут овулидан бўлиб, жуда ҳазилкаш эди. Почтани эгаларига тарқатиб бўлгач, у албатта отамнинг олдига тамаки чекиш ва суҳбатлашиш учун келарди. Билмадим, нима учун у суҳбатдош сифатида айнан отамни танларди. Чунки суҳбат мавзуси доим бир хил – уйланиш тўғрисида бўларди. Тўғрироғи, янгисига уйланиш ҳақида. Негаки, у ҳафта сайин уйланадиган, ой ўтмасдан ажрашадиганлар тоифасига кирарди.

Эсимда, эндигина ажрашган ва янги бева излаётган вақти эди. Гўё бир умр излаётган аёлини энди топганди. Чунки ҳар куни суҳбат давомида унинг гўзаллигини, ҳали ёш эканлигини, хушмуомалалигини мактарди.

Бирдан ёш аёл ҳақидаги суҳбатлар тўхтади. Қурбонали ҳамон уйнимизга келар об-ҳаво ҳақида. Хўжалик ишлари тўғрисида гапирарди, ўртага жимлик чўкканда тўғри келган мавзуда сўзларди, лекин ёш аёл борасида мик этмасди.

– Сен ўйлаб юрган ёш аёлингга уйландинг, шекилли, – деб сўради бир куни отам.

– Нималар деясан. Ҳамзат. Мен шундай ўйлаб юрган эканман, аёл эса умуман бошқача ўйлаган экан. Энди мен ёш бева топаман деб, бутун Доғистонни айланиб чиқсам керак.

Шундан кейин Қурбонали узоқ вақт кўринмади. Овулма-овул юриб ўзига ёш бева излагани кетди, шекилли. Бу вақтда почтани ўғли таркатди. Ниҳоят, иши юришмайдиган хамиша бўйдоқ ёнимизга келди. Биз ундан ҳол-аҳвол сўрадик:

– Ишларинг қалай? Йўлинг равон, манзинг яқин бўлдимми?

– Эҳтимол йўлим равон бўларди, аммо ҳамма ёқни Далағолов дегани расво қилишга улгурибди.

– Қандай қилиб?

– Жуда оддий мен қаёққа бориб дардимни айтмай, жавоб бир хил бўлди: «Кечикдинг, оғайни. Бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди».

Дарбиш Далағолов аварлардан чиққан донжуан эди. У 1938 йилда йигирма саккизинчи марта уйланганди.

Почтачи Қурбоналининг бу гапи одамлар ўртасида бир зумда тарқалди ва бутун Доғистонда шундай ибора пайдо бўлди: «Бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди».

Энди битта тентак тўғрисидаги воқеа. Маълумки, ҳар бир овулда битта тентак бўлади. Бу бир ҳисобдан яхши. Агар овулда тентаклар кўп бўлса, бу ёмон. Агар тентак бўлмаса нимадир камдай туюлади. Тентаклар ҳам бир-бирини танийди ва бир-бириникига меҳмонга бориб туришади. Хунзах овулидаги тентак уйига Гортакол овулидаги тентак меҳмонга келибди.

– Тентакка, салом бердик.

– Тентакка, алик олдик.

Кейин меҳмондорчилик таомилига амал қилинган. Печка ёнига ўтиришган, ейишган, ичишган. Учинчи куни гортаколлик меҳмон уйига қайтмоқчи бўлган. Меҳмон тентак меҳмондорчилик таомилига кўра ҳурмат билан кузатган: совға берган, овулнинг чеккасигача бирга борган. Тентаклар қучоқлашиб хайрлашган.

Меҳмондорчилик таомили тўлиқ бажарилди. Собик меҳмон овули томон қадам ташлаши билан унга нисбатан истаган муомалани қилиш мумкин, чунки у энди меҳмоннинг эмас. Хунзахлик тентак гортаколлик тентакка бир сакрашда етиб олиб, қулочкашлаб туширган.

– Нега мени уряпсан, тентак?

– Менинг уйимга меҳмонга келма. Билмайсанми, битта овулга битта тентак нетади.

Баъзан шу воқеани эсласам, хаёлимга беихтиёр шундай фикр келади: эҳтимол, битта овулга битта доно етади.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Бадавлат хон бир камбағалдан сўради:

– Ўрдакнинг қайси жойидаги гўшти ширин бўлади? Агар тўғри маслаҳат берсанг, совға бераман. Агар нотўғри маслаҳат берсанг, камчилайман.

– Орқаси, – ўйлаб ўтирмай жавоб берди камбағал.

Ўрдак гўштини пиширишни буюрди. Хон татиб кўрди, гўшт ёқди, камбағалга совға берди. У иккинчи камбағалдан сўради:

– Буқа гўштининг қайси жойи ширин бўлади?

Иккинчи камбағал ҳам совға илинжида биринчи камбағалнинг гапини такрорлади:

– Орқаси.

Хон гўштни пиширтириб татиб кўрди ва маслаҳатчини камчиси билан савалади.

Афсуски, ҳар хил сабаб топиб, ўйлаб ҳам ўтирмай бир-бирини такрорлаётган ёзувчиларни камчилаш мумкин эмас.

ЭНДИ УНЦУКУЛ ҲАССАСИГА БИТИЛГАН ЁЗУВ ҲАҚИДА. Москвалик адабиётшунос Владлен Бахнов оқсагани учун ҳассага таяниб юрарди. Мен Доғистонга таътилга кетар эканман, унга унцукуллик усталар ясаган чиройли ҳассада олиб келишга ваъда бердим. Уйга келишим билан Унцукулдаги таниш ёғоч ўймакорига илтимосномани баён этиб мактуб йўлладим. Ўймакор отамнинг кадрдони, кекса усталардан бири эди, чиройли ҳасса тайёрларди. Энди мен ҳассага қандай ёзув ўйдириш ҳақида ўйлай бошладим. Шу даврда марказий газеталардан бирида адабиётшуносликка оид катта мақола эълон қилинди. Бу мақола «Танқид ўрнига калтак», деб номланарди.

– Ўҳў, – ўйладим мен, – москвалик адабиётшуносна шундай ёзув ўйдириш керак.

Икки ҳафтадан кейин ҳасса тайёр бўлди. У Унцукулда тайёрланган ҳассаларнинг сараси эди. Ҳассада қуйидаги ёзув яққол кўзга ташланиб турарди: «Вл. Бахновга. Танқид ўрнига калтак. Расул Ҳамзатовдан».

Сизга маълумот сифатида шуни айтишим керак, Унцукулда тайёрланган ҳассалар Маҳачқалъа, Пятигорск ва Кисловодскдаги ёдгорлик магазинларида, тоғдаги овулларнинг бозорларида сотилади.

Бир неча ой ўтгач, шу савдо шохобчаларида бир хил ёзувли ҳассалар пайдо бўлди: «Вл. Бахновга. Танқид ўрнига калтак. Расул Ҳамзатовдан». Эҳтимол, дам олувчилар бу ҳассани совға сифатида сотиб олар экан хайрон қолишгандир. Улардан кўра ўзим кўпроқ хайрон қолганим бор гап.

Маълум бўлишича, менга шундай ҳассани тайёрлаб берган кекса уста рус тилини умуман билмас экан. У ўйлаб ўтирмай мен қоғозга ёзиб берган сўзларни ўзи тайёрлаган ҳассаларга кўчираверибди. Уста ўйлаганки, шоир ҳассага шундай ёзув ўйдиришни истадим, демак унда қандайдир улуғ ҳикмат бор. Агар шундай бўлса, нега бошқа усталар ўзлари тайёрлаган ҳассаларга ўша ёзувни ёзишмади?

Кекса устани айблаш мумкин эмас. У соддадиллик билан меҳр қўйган шоирига ишонди. Аммо биз – тажрибали адабиётшунослар ўша соддадил устага ўхшаб колмаямпизми?

МАВЗУ ҲАҚИДА ХУЛОСА ЎРНИДА НИМА ДЕМОҚЧИМАН. Шундай мавзу борки, уни такрорлаганинг сайн ибодатдай имонингни бут қилади, кўнглингни ўстиради, маънавиятингни бойитади.

Бу мавзу – ибодат, бу мавзу – Ватан!

Агар болаларни шўхликлари учун жазоламоқчи бўлсангиз, тоғликлар одатига кўра истаган жойига уришингиз мумкин, лекин юзига қўл тегизиш мумкин эмас. Тоғликларнинг ёзилмаган қонуни шу: инсон юзи дахлсиздир.

Доғистон – менинг юзим. Ҳеч кимнинг менинг юзимга дахл қилишига йўл қўймайман!

Тоғликлар унча-мунча гапга жанжаллашмайди. Ҳақорат қилишса ҳам чидашади ёки ҳақоратли сўзларга ҳақоратли сўзлар билан жавоб қайтаришади. Агар ҳақоратли сўзлар ўзларига қаратилган бўлса, улар шундай айтишиб тураверишлари мумкин. Бироқ ҳақоратли сўзлар онасининг ёки опа-синглисининг шаънига тегиб кетса борми, қўллар ханжар томон чўзилади.

Доғистон – сен менинг онамсан! Мен билан бахшлашмоқчи бўлганлар, шуни доим ёдда тутинг. Мени хафа қилиш мумкин – барига чидайман. Бироқ менинг Доғистонимга тил тегиза кўрманг.

Доғистон – менинг муҳаббатим, менинг қасамим, менинг тавбам, менинг ибодатим! Доғистон – ҳаётимнинг мазмуни, барча шеърларимнинг бош мавзуси!

Баъзан мендан фақат сенинг ўтмишингни, анъана ва урф-одатларингни, афсона ва қўшиқларингни, байрам ва тўй-ҳашамларингни, жангнома ва кулфатда билинган дўстларингни, садоқатли муридлар ва вафодор беваларингни, катъиятли ўсмирларинг ва мушфик оналарингнинг кўз ёшларини сўзлаб беришимни сўрашади.

Баъзан мендан фақат ҳозирги кунингни, жамоа хўжалиқларинг ва завод-фабрикаларингни, кутубхоналаринг ва театрларингни, меҳнатда кўрсатаётган қахрамонликларингни ҳикоя қилишимни сўрашади.

Мен сенинг ўтмишинг ёки ҳозирги кунинг ҳақида алоҳида-алоҳида сўзлай олмаман. Мен учун битта Доғистон бор. У сен ўзингсан асрлар синовидан мардонавор ўтиб келган Доғистоним. Менинг юрагимда сенинг ўтмишинг, ҳозирги кунинг ва келажакнинг бирлашиб кетган.

Бошқа замин ва давлатлар тарихи қон билангина эмас, сиёҳ билан ҳам аскарлар ва саркардалар, ёзувчилар ва муаррихлар томонидан оппоқ қоғозларга ёзиб бўлинган. Доғистон тарихини эса, қиличлар билан тошларга ёзишган. Фақат йигирманчи асрдагина Доғистон қўлига қалам тутқазишган.

Доғистоннинг мард ўғлонлари қони тўкилган, хоки қўшилиб кетган қадимий жанггоҳлардан ўтдим. Жамоа хўжалиқларидаги бугдой ва бошқа дон сепилган май-

донлар мендан асло ранжиманг. Ахир, мен Доғистоннинг hozирги куни хақида ёзганимда ўтмишини сира ранжитган эмасман.

Мен узок давлатлардан қайтганимда тоғликлар кураша олишиб, кўрган-кечирганларим тўғрисида сўрашади. Улар атрофимда давра куришиб, сўзларимни диққат билан тинглашади. Франциями, Ҳиндистонми, Япониями, Туркиями, бошқа давлатми, улар хақидаги хотираларимни уч соатча сўзларман, кейин ўз-ўзидан Доғистон тўғрисида гапира бошламан. Мен Доғистон хақида сўзлайман, тоғликлар бу хақда биринчи марта эшитаётгандек кулок солишади. Қолбуки, уларнинг ўзлари мен сўзлаётган Доғистон!

Маҳмуд буюк шоиримиз эди. Шеърятининг бош мавзуси Марямга бўлган бахтсиз мухаббатидир. Қадрдон дўсти ўғил кўрганда Маҳмуддан алла ёзиб беришини сўради. Маҳмуд алла ёзишга уриниб кўрди. Афсуски, Маҳмуднинг алласини тинглаган чақалок ухлаш ўрнига баттароқ йиғлади. Бошқа дўсти хотини вафот этганда, Маҳмуддан марсия ёзиб беришини сўради. Маҳмуд марсия ёзишга уриниб кўрди. Афсуски, Маҳмуднинг марсиясини тинглаган одамлар кўзларига ёш олишмади, баъзи бировлари жилмайиб кўйишди.

Аммо одамлар Маҳмуднинг Марямга бўлган бахтсиз мухаббатига бағишланган кўшиқларини тинглашганда ҳамон кўзларига ёш олишади. Ҳа, Марям Маҳмуднинг бош мавзуси эди. Менинг бош мавзуим эса Доғистондир. Менинг мухаббатим чексиз ёки арзимасдир, мен билган хақиқат теран ёки соддадир, туйгуларим кўҳна ёки замонавийдир, аммо мен барибир сен хақингда ёзаман, Доғистон! Мен сен хақингда ёзиш учун қалам олсам ҳамон хаяжонланганимдан кўлим қалтирайди.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Агар полиз йўл устида бўлса, ўтаётган йўловчи пишман тарвузни ҳам ёриб кўради.

ДЕЙДИЛАР: Кўтаришга кўзинг етмайдиган тошни кўтаришга уринма, сузиб кайта олмайдиган жойгача сузиб борма.

ДЕЙДИЛАР: Агар сув тўпингидан келса, шимингнинг почасини тиззангача кўтарма.

Ж А Н Р

*Доно ҳикмат айтиб, тентак
эса бақириб ҳайрон қолдиради.*

*Баҳор келса – кўшиқ куйла,
Киш келса – эртак сўйла.*

Мана мен тоғ қаршисидаман, ундан ошиб ўтишга чоғланаяпман. Учкур тулпорим тоғнинг исталган сўкмоғидан олиб ўтишга кодир. Тоғ – менинг мавзуим, тулпор – менинг воситам, таъбир жоиз бўлса ифода тилим.

Мен тоғликман, аждодларим ҳар доим тўғри сўқмоқни танлашган. У тик, хавфли, аммо энг қисқа сўқмоқ бўлган... Бу сўқмоқдан ўтаётиб ҳалокатга учраш ҳам мумкин, бироқ мақсад манзилига тезроқ етказган.

Ёки мен қалъа қаршисидаман, уни забт этишга чоғланаяпман. Жанг пайтида панд бермаган ажойиб қуролим ҳам бор. Қалъа – менинг мавзуим, қурол – менинг воситам, таъбир жоиз бўлса ифода тилим. Энди метин қалъани талафотсиз эгаллаш йўлини танлашим лозим: ё кўкқисдан ҳужумга ўтишим, ёки қамал қилиб пайт пойлашим керак.

Айтайлик, тариқ экилган дала бор, тоғда эса жилға. Ана шу жилға сувини қандай қилиб далага олиб келиш мумкин?

Уйда ўтин бор. Гап тушликка қандай таом тайёрлашда қолган.

Мухаррир менга ёзган мактубида исталган жанрни танлашимга рухсат берганди: ҳикоями ё қисса, шеърми ёки мақола. Лекин танлаш имконияти қанча кўп бўлса, танлаш шунча қийин.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Адабиёт институтига кирганимда, биринчи босқичда йигирмата шоир, тўртта ёзувчи ва битта драматург эдик. Иккинчи босқичда ўн бешта шоир, саккизта ёзувчи ва битта драматург ва битта танқидчи бўлдик. Учинчи босқичда саккизта шоир, ўн та ёзувчи, битта драматург ва олтита танқидчига бўлиндик. Охириги – бешинчи босқичда битта шоир, битта ёзувчи, битта драматург қолдик, бошқалар танқидчи бўлиб кетишди.

Эҳтимол, бу бўрттириб тўкилган латифадир. Аммо унда ҳаёт ҳақиқати мужассам. Негаки, кўпчилик ижодини шеър тўқишдан бошлайди, кейин насрга, кейин драмага, кейин мақола ёзишга ўтади. Ҳозир киносценарий ёзиш урф бўлиб бораёпти.

Шоҳлар баъзан маликаларини фарзанд кўрмаганликда айблаб ўзгартиришади. Бир неча марта уйлангандан кейингина айб маликаларда ё фарзандсизликда эмаслигини тушуниб етишади. Чунки уларнинг кўзи тушади, шу атрофда яшаган дехқон умри бўйи бир аёл билан тирикчилигини ўтказаяпти ва лекин бир этак болалари ҳам бор.

Мен шундай ўйлайман: вино ич, лекин ўзингни нон ейишдан тийма. Қўшиқ куйла, лекин эртакларни ҳам тингла. Шеър ёз, лекин ҳикояни олдинга солиб ҳайдама.

НАСР. Эсимда, онам болалигимда ухлатишга ётқизар экан, алла айтарди. У битта аллани такрорларди, бошқасини билмасди. Отам таниқли шоир бўлса ҳам ўз болаларига атаб алла ёзиб бермаганди. Онам ҳар хил воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиб беришни хуш кўрарди. Агар аллани онамининг шеърляти деб айтадиган бўлсак, ҳикоялар унинг насри эди.

Отам шеърлят ҳақида суҳбатлашишни ёқтирмасди. Менимча, у шеър ёзишни жиддий иш ҳисобламасди. У томорқадаги ерни ағдаришга, уй-жойни тузатишга, мол-қолга қарашга, томдаги қорни қурашга, чақиришган пайт овул ва туманга боғлиқ ишларни бажаришга жиддий ёндошарди.

Отам шеърни ёзиб бўлгач, унинг қаерда чоп этилишига қизиқмасди. Марказий газетани ёки овулдаги деворий газетани, унга барибир эди. Ҳатто шеърларини деворий газетда чиқаришса кўпроқ қувонарди.

У Анасил Муҳаммаднинг севги куйчиси сифатида танилган ўгли Маҳмудга айтган гапини тез-тез такрорлаб турарди. Айтишларича, ёр ҳажрида саргардон кезиб қийналган, хижрон қўшиқларини ёзиб эзилган афтодаҳол Маҳмуд уйга келиб ейиш учун бирон нарса сўраган, отаси эса хотиржам жавоб қайтарган:

– Шеърларингни егин, севгини куйла. Мен сенинг ўрнингга томорқада ишлашдан чарчадим.

Албатта, қушлар сайраб туришлари керак, лекин уларнинг асосий вазифаси уя қуриш, овқат топиш, палапонларини боқишдир.

Гўё отам ўз шеърларига қушларнинг сайрашига қарагандай қарарди. Сайроқи қушнинг овози ёқимли, жарангдор, лекин бу жуда муҳим нарса эмас. Отам учун шеър эрталаб учрашганда айтиладиган «Ассалому алайкум», ухладан олдин айтиладиган «Хайрли кеч» сўзларидай, байрамларда билдириладиган табриклардай, бошга мусибат тушганда кўнгил сўрашдай одатий ҳолат эди. Ҳар бир шоир ўзига хос феъл-атворга эга, деган гап бор. Отам феъл-атворига кўра тоғлик эди. У тоғликларга ўхшаб давраларда шошилмай суҳбат қуради, даврадошлари айтиб бераётган воқеаларни, хикоятларни бўлмасдан охиригача тингларди. Барибир яна гап айланиб насрга келди.

Отам ўзининг ёзган дастлабки шеърларини машҳур шоир Маҳмудга кўрсатибди. Шеърларни ўқиб, ажабланиб, шоир шундай деган экан:

– Тушунмадим, сира тушуна олмасам керак, қандай қилиб сигирлар, тракторлар, кучуқлар, Хунзах овулидаги сўқмоқлар ҳақида шеър ёзиш мумкин?

– Унда нима ҳақида шеър ёзай, – деб сўрабди отам.

– Севги ҳақда, фақат севги ҳақда ёз. Севги қасрини қуришимиз керак.

МАҲМУДНИНГ ШЕЪРИ:

Замин узра севги қасрин айладим бунёд,

Фақатгина унга ўзим сигмадим, ҳайҳот.

Ёр кўнглига йўл тонай деб кўприқлар солдим,

Улар бир-бир қулаб тушди, қолдим бенажот.

Отам севги қасри қурмади, бундай бунёдкорлик ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг ўй-хаёлида уй, оила, болалар, овул, от, мамлакат, дунё, замин, осмон, Қуёш, ёмғир, майса бўлди ва улар шеърини мисраларга айланиб қоғозга кўчди.

Тўғри, у бир гал севги ҳақда, ёр ҳақда шеър ёзганди. Бироқ бу шеърни ҳеч ким ўқий олмаслиги учун араб тилида қоғозга туширганди. Чунки бу шеър ёлғиз ўзига ва ёрига бағишланганди.

Ҳа, отам шошилмасдан хикоятлар сўзлашни ёктирарди. Эсимда, кечки салкин тушган пайтлари тиззасига мени ўтказиб, пўстини билан ўрарди ва хикоясини бошларди. У узокларга кетиб қолган одамлар ва шу заминда яшаётган овулдошлар хақида сўзларди. У йўллар, дарёлар, кийгос бўлиб очилган гуллар ва уларга нима учун асаларилар учиб келиши хақида сўзларди. У Қуёш қандай чиқиши ва ботиши хақида сўзларди. У маънавият, урф-одатлар, жанг олди қасамёдлари хақида сўзларди.

Отам осмонга бирров қараб олиб, эртага ёмғир ёғадими ёки кун очиб бўладими, дарҳол айтиб берарди. Агар бизда ёмғир томчиси қўлобга айлана ҳосил қилиб тушса, Телега овулида Қуёш қарақлаб турганини, Хунзах овулида эса дўл ёғаётганини яхши биларди.

У менга тарик бошоғида қанча дон бўлишини, нима учун осмонда чиройли қамалак ҳосил бўлишини шошилмасдан тушунтирарди.

Агар овул четида йўловчи кўринса, у нима мақсадда йўлга чиққанини ва кимнинг уйида тунаб қолишини батафсил сўзларди...

Отам буларни нега айтиб берди экан? Ундан кўра қоғозга туширса бўлмасмиди? Улар шоир Ҳамзат Цадасанинг настри бўлиб қоларди.

Ҳаёт ва хикоя! Бу тушунчалар отам учун бир хил мазмунга эга эди. У фикрлаш деганда хикояни, хикоя деганда фикрлашни тушунарди. Шеърятни эса қайсар юракка ўхшатарди.

Отам ўз хикояларини қоғозга туширганда яхши бўларди. Чунки мен улғайганимдан кейин биринчи навбатда юрагимга қулоқ солдим. Агар осмонда қуш учиб ўтаётган бўлса, мен уни осмондаёқ ушлаб олгим, яъни шеърларимга кўчиргим келди. Отам ҳар қанча ҳаракат қилмасин болалигимда тинглаган ўша ягона аллани ҳамма нарсадан, барча хикоялардан яхши кўрардим.

Болалигим қўшиқ айтиб ўтди, ўсмирлигим қўшиқ айтиб ўтди, қўшиқ айтиб улғайдим, мана қўшиқ айтиб сочларимга оқ тушди.

Мени тақдир қайга бошламасин, қайси қўшиқларни қуйламай, бургутлар учиб келиб қўнишини қутаётган қояларни кўрдим, доим қушлар учиб келиб уя солишини қутаётган уйлар ёнидан ўтдим, шунингдек, шоир келишини қутаётган насрога ҳам кўзим тушди.

Мана, мени қутган қоя устидан тушдим, эшикни ҳам тақиллатдим, у очилиб уйга тақлиф этишларини истайман. Тушундимки, ҳаётда кўрганларимни, ўйлаган ва ҳис этган нарсаларимнинг ҳаммасини тўлалигича шеърда ифодалай олмайман.

Тушундимки, бу қўшиқ эмас, тик туриб айтиладиган, насл ёзиш учун енгни шимариш, столнинг ёнига стул қўйиб ўтириш лозим, кечаси уйқу босмаслиги учун аччиқ чой дамлаш ва соатнинг қулоғини бураб қўйиш керак.

Агар ниҳоллар аввалдан тартиб билан экилган бўлса, пойдевор тўғри қўйилган бўлса, уй қурилишида хавотирга ўрин йўқ. Мен эса ёзганларим кейинчалик нима

деб номланишини билмайман: ҳикоями, қиссами, эртақми, ривоятми, афсонами ёки оддий мақолами?..

Эхтимол, айрим муҳаррир ва танқидчилар ёзганларимни ўқиб чиқиб, бу роман ҳам, қисса ҳам, эртақ ҳам, умуман ҳеч нарса эмас, дея таъна қилишар. Бошқа муҳаррир ва танқидчилар эса, унисидан ҳам, бунисидан ҳам, умуман ҳаммасидан бир чимдим бор, дея кулиб қўйишар.

Ҳеч қайсингизга эътироз билдирамайман, олдин ўйлаганларимни ёзиб олай. Тугатганимдан кейин уни нима деб атасангиз ҳам майли. Мен китобий қонунлар асо-сида эмас, юрагим буюрганини коғозга тўқаяпман.

Ўзимча ўйлайман: агар қозонга гўшт, гуруч, мевани солиб қайнатсам, бирда-нига туз ва асални қўшсам таомнинг мазасини бузиб қўймайманми? Ёки аксинча, ўзига хос мазали таом бўладими? Яхшиси, бу ҳақда таомдан татиб кўрганлар ай-тишсин.

Менинг хотираларим, менинг орзу-армонларим, менинг эртақларим! Эсимда, болалигимда отамнинг, акаларимнинг уйга қайтишларини кутиб киш кечалари узоқ вақт ухлай олмадим. Мен эшик гирчиллаб очилишини кутиб ётардим. Худди соат тўхтаб қолгандай, вақт ўтмасди.

Шундай кечаларда бобом ёнимга ўтириб, секингина ҳикоя бошларди. Гоҳ қў-шиқ хиргойи қиларди, гоҳо эртақ айтарди. Гоҳ ибратли, гоҳ кизик, гоҳ кулгили, гоҳо қўрқинчли воқеаларни сўзларди. Мен вақтни унутардим, қулоғимга фақат бо-бомнинг овози кирарди, кўз олдимда у тасвирлаётган воқеалар гавдаланарди. Отам ва акаларимнинг қайтиши бобомнинг сўзини бўларди. Шунда мен воқеанинг кизик жойида бўлинганига ачинардим.

Кейинроқ ўзим ҳам улғайганимда, ўзга юртлардан отамдай, акаларимдай уйга шошиб қайтаётганимда юрагим тобора тезроқ ураётганини сезардим, хаёлимда олдда босиб ўтишим керак бўлган дараларни санардим. Шунда қайсидир йўлдош эртақ ёки ривоят, ўзи кўрган ёки бировдан эшитган кизикарли ҳикояни бошлаб ко-ларди. Мен тинглай-тинглай манзилга етганимда ҳикоячининг гапи охирига етма-ганига афсусланардим.

Отам саломимга алик олгач, сўрарди:

– Тоғдан эсон-омон ўтдингми, дараларни қор қопламабдими?

Шунда мен на тоққа, на дараларга, на қорга эътибор бермаганимни сезиб ко-лардим. Ёдимга сўзамол йўлдошимнинг гаплари келарди. Унинг ҳикояси менга тик довонни равон, қорли кунда мушқулимни осон қилган экан.

Менинг ҳикояларим, менинг таассуротларим! Сиз ҳам қачонлардир кишнинг узун кечаларида қорли сўқмоқлардан уйи томон шошиб кетаётган йўловчиларнинг манзилини яқин қила олармикансиз?

Шўрвани мазали қилиш учун хушбўй қўқатлар қўшилгандай, мен ҳам ўз эсда-ликларимга керакли ўринларда бир-иккита шеър, мақол, ҳикоят киритаяпман.

Танлух овулидаги кизлар лаби атрофига иккита кичкина хол кўйишади. Менинг насримдаги бу кўшимчалар кизлар юзидаги ўша холлардай ярашиб турган бўлсин.

Тошлардан текис қилиб терилган девор ёнига, гўё мен ён дафтарчамдаги хотираларни тераяпман. Маълумки, девор тиклашга ҳамма тошни ҳам ишлатиб бўлмайди. Мен кераксиз тошни ишлатиб ҳикояни давом эттираётганимда, баъзан диндорлар бошидан кечирадиган ҳолатга тушаман: таҳорат бузилган, лекин ибодатни тўхтатмаяпман. Начора, ҳикояни тўхтатиб ўша ўрнини топмаган тошни олиб ташлайман.

Шундай, мен суронли шеърият ва қўшиқлардан осойишта насрга ўтаётирман. Мен-ку вақтинча қўшиқлар билан хайрлашдим, лекин улар мендан ажралгиси келмайди. Агар мизгишга чўзилсам, улар мулоим мушук каби кўрпамнинг бир четидан кириб келади. Худди эрталабки қуёш сингари деразамни очишим билан уйимга нурларини сочади. Гўё қадаҳ тубидаги энг сўнгги тотли қултум каби менинг си-миришимни кутади. Гина қилиб сўзлашмай юрган аёлдай ҳар доим йўлимни пойлайди. Ниҳоят, сабри тугаб йўлимни тўсиб сўрайди:

– Сен мени шундай ташлаб кетмоқчимисан. Ўйлаб кўр, сен менсиз яшай олмайсан. Сен салкин ўрмонда яшашга ўрганган кўтоссан. Сен муздай ирмоқларда сузган лососсан. Наҳотки, сен ўзингга тинч қўл суви ёкиб қолади деб ўйласанг? Агар мендан жуда кетгинг келаётган бўлса, кел бир лаҳза юзма-юз ўтирайлик.

ШЕЪРИЯТ, мен сени ҳеч қачон ташлаб кета олмайман. Қандай қилиб, оғриқларимдан кейин кўз ёшларим билан куйилган шодлиқларимдан воз кечаман?!

Сен барча ўғил кутаётган пайтда туғилган киз боллага ўхшайсан. Ҳа, сен туғилиши билан яқинларига мурожаат қилган ўша киз боласан: «Яхши биламан, сиз менинг туғилишимни кутмагандингиз ва ҳеч қайсингиз ёқтирмайсиз. Илтимос, менинг улғайишимга, чирой очишимга, сочларимни ўстириб кокил қилиб тарашимга ва қўшиқлар куйлашимга имконият беринг, ўшанда кўраимиз, ер юзида мени севиб қолмайдиган одам топилармикан?»

ШЕЪРИЯТ!..

Ишлар бор, ишдан сўнг ўйламайсан ҳам.

Гоҳ оддий туюлар саёҳат-роҳат.

Сен менга саёҳат ва ундаги дам,

Сен менга оромсан ва оғир заҳмат.

Сен бошимда онам алласи бўлдинг,

Баҳор, мардлик бўлиб сингдинг шуурга.

Сен оташ ишқ билан бирга туғилдинг,

Ишқ эса туғилган мен билан бирга.

Ёш пайтим онамдай бўлдинг меҳрибон,

Навқирон давримда суюкли дилдор.

*Кексайсам, қизимдай асрашинг аён,
Агар ўлсам, мендан қолурсан ёдгор.
Сен гоҳо чўққисан, гоҳо лочиним,
Учсам қанотимсан, баҳсда исботим.
Сени ўйлаганда йўқолар тинчим,
Сенга бахшидадир борим, ҳаётим.
Қайда тугайди иш ва бошланар дам,
Қайда оз муддатли саёҳат-роҳат.
Сен менга саёҳат, чўққисан ҳар дам,
Сен менга оромсан ва оғир заҳмат.*

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Эзмани тўхтатиш учун сўз навбатини ҳурматли нуроний ёки меҳмон олиши керак. Шундай кейин ҳам у сафсатасини тўхтатмаса, кўшиқ бошланглар. Агар кўшиқ ҳам унга таъсир қилмаса, истиҳола қилмасдан ёқасидан олиб кўчага чиқариб ташлашингиз мумкин. Умуман олганда, кўшиқ куйлашга ҳалакит берадиган эзмага мушт туширса ҳам бўлади.

ШЕЪРИЯТ, ўзинг жуда яхши биласан, сен ҳақингда қанча гапирган билан бадийлигинг ошиб яхши бўлиб қолмайсан. Қандай қилиб, гаплар билан кўшиқни улуглаш мумкин? Қандай қилиб, чойнак жўмрагидан сув куйиб тоғ жилғасининг шиддатини ошириш мумкин? Қандай қилиб, пуфлаб шамолни кучайтириш мумкин? Қандай қилиб, бир бўлак қор ташлаб қорли тоғни улугвор қилиш мумкин? Нахотки, кийим бичимини ўзгартириш ёки мўйловни тарашлаш билан онанинг ўғлига бўлган меҳрини ошириб бўлса?!

ШЕЪРИЯТ, сенсиз мен етим бўлиб қолардим.

ШЕЪРИЯТ!..

*Сенсиз дунё ўхшарди гўё,
Қуёш нури тушмаган горга.
Ё юлдузсиз сим-сиё само,
Ё бир ошиқ зору зор ёрга.
Сенсиз дунё ҳаёт йўқ уммон,
Суви музлаб гезариб қотган.
Сенсиз дунё гулсиз бир макон,
Булбулларсиз ҳувиллаб ётган.
Сенсиз дунё баргсиз бир дарахт,
Бошида қиш, унга ёт баҳор.
Сенсиз башар гариб ва бебахт,
Қуйламас, куй бўлмайдди зинҳор.*

АВАРЛИКЛАР АЙТИШАДИ: «Шоир дунё пайдо бўлмасидан юз йил аввал яралган». Бу билан улар агар шоир дунёни яратишда иштирок этмаганида бунчалар гўзал бўлмасди, дейишмоқчи.

Биз оилада беш фарзанд – опам ва тўртта ака-ука эдик. Опам ҳаммамиздан катта бўлгани учун барча тоғлик аёллар каби унинг пешанасига ҳам меҳнат, ташвиш ва кўз ёш тўкиш ёзилган экан. Шу боис отам бизга тез-тез такрорлаб турардилар.

– Сиз тўрттасиз, опангиз эса ёлғиз. Уни асранглар, ҳар доим ғамхўри бўлинглар. Ер юзида сизга опангиздан яқинроқ одам йўқ.

Ҳақ гап, опам – менинг энг яқин меҳрибоним. Бирок менинг иккинчи опам ҳам бор. Билмайман, уларнинг қайси бири менга кадрдонроқ. Менинг иккинчи опам – ШЕЪРИЯТ. Мен усиз яшай олмайман.

Баъзан ўз-ўзимдан сўрайман: унинг ўрнини нимадир боса оладими? Мен учун дунёда бошқа кадрдон нарсалар ҳам бор: тоғлар, қор ва жилға, ёмғир ва юлдузлар, Қуёш ва нон... Бирок тоғлар, ёмғир, Қуёш шеърият билан, шеърият эса улар билан улугвордир. Чунки шеъриятсиз тоғлар тошлар уюмидан иборат тепаликка, ёмғир намликни орттирадиган ва қўлмақ ҳосил қиладиган суюқликка, Қуёш эса иссиқлик таратувчи осмон жисмига айланиб қоларди.

Яна ўз-ўзимдан сўрайман: шеъриятнинг ўрнини бошқа бирон нарса боса оладими? Тўғри, чексиз замин, қушлар сайроғи, мовий осмон, безовта юрагимнинг дук-дуклаши бор. Бирок шеъриятсиз улар ўзларининг гўзал кўринишини намоён этишармиди? Ахир, шеъриятсиз олис мамлакатлар ўрнида географик ҳудудлар, қушлар сайроғи ўрнида нарнинг макиёнига табиий эҳтиёж юзасидан қилган изхори, мовий осмон ўрнида турли газлар аралашмаси, безовта юракнинг дук-дуклаши ўрнида организмда қон айланиши деган тушунчалар қоларди, ҳолос.

Тўғри, нафосат, яхшилик, раҳмдиллик, муҳаббат, гўзаллик, ватанпарварлик, ифтихор, нафрат каби тушунчалар бор. Бирок шу тушунчалар туфайли шеърият пайдо бўлганидай, бу тушунчалар шеърият туфайли улугвор. Улар шеъриятсиз, шеърият уларсиз мавжуд эмас.

Менинг шеъриятим ўзлигимни яратаяпти, мен эса шеъриятимни яратаяпман. Биз бир-биримизсиз ўликмиз, аниқроғи мавжуд эмасмиз. Менинг танимда ҳам суяклар ва мушаклар бор. Ташқаридан қараган одам қайси суягим бутун ва мустаҳкам, қайсиси синган ва битиб кетганини билмайди. Аммо рентген нурлари танамдан ўтганда менинг суякларим тўғрисида бегоналарга ҳам тўлиқ маълумот беради.

Менинг қалбим ҳис-ҳаяжонлари қовурғамга, умуртқамга, ёки ўпкамга нисбатан янада ичкарироқда ва янада мустаҳкамроқ химояланган. Лекин шеърият нурлари қалбимни ёритади ва ундаги ҳар бир ҳис-ҳаяжон ўзгаларга ошқор бўлади. Ҳа, менинг қалбим сизга қафтдагидай намоён, шеъриятнинг сеҳрли нурлари туфайли ўзгалар уни аниқ-тиниқ кўришади.

Компьютерда минглаб кистм ва симлар бор. Унинг дастурига кўплаб сонлардан иборат мураккаб масалани ечишни жойлаштирингиз. Электр токи компьютернинг сон-саноксиз кистм ва симлари бўйлаб ҳаракатга тушади. Компьютерда кечаётган бу жараёнларни ҳеч бир кўз кўрмайди, ҳеч бир ақл тасаввур килолмайди. Бирок мониторда жавоб – масаланинг ечими пайдо бўлади.

Худди шундай менинг танамдаги сон-саноксиз томирларимдан қандай таассурот, қандай муҳаббат, қандай нафрат оқаётганини ҳеч ким билмайди. Ижодкор қалбимда кечган мана шундай минглаб туйғуларимнинг ҳосиласи охир-оқибат қоғоз узра шеърга айланади.

Мен кўп мамлакатларда кезганман. Баъзан пиёда, баъзан отда, баъзан поезд купесининг юкори полкасида ухлаш учун чўзилдим, баъзан автомобилда йўлимни давом эттирдим.

Мени отда ёки пиёда кетаётганимни кўрган одамлар шундай ўйлаган бўлишлари мумкин: Мана Расул Ҳамзатов. Бир ўзи кетаяпти. Ёлғизликдан зерикаётгандир. Бирок мен ҳеч қачон ёлғиз ўзим қолмаганман. Ҳар доим мен билан бирга опам – ШЕЪРИЯТ бўлган. Биз бир-биримиздан бирон лаҳзага ҳам ажрала олмаймиз. Ҳатто тушларимда ҳам шеър тўқийман, ё аввал ёзган шеърларимни эслайман, ё бошқа шоирларнинг шеърларини ёддан ўқийман.

Аваллари дунёда шоирлар жуда кам деб ўйлардим. Шубҳасиз, шоирларга ўзгалар даврасида бўлиш кийин. Ҳар кимнинг ўзига яраша ташвиши бор. Таниш ва қўшнилар билан нима ҳақда гаплашиш мумкин: иш, маош, уй-рўзғор, хотинлар ғалваси, дам олиш, балиқ ови, кино, касалликлар ва шунга ўхшаш бир талай мавзулар. Албатта, шоир ҳам бу мавзуларда ўзгалар билан гаплаша олади. Аммо ким у билан шеърый қарашлари, шеъроят ҳақида дардлашади?

Энди тушундимки, дунёда шоирлик хусусияти йўқ одамнинг ўзи йўқ экан. Ҳар бир одам қалбан шоир. Ҳар ҳолда, кадрдонлар бир-бирининг уйига бориб йўқлаб тургандай, шеъроят ҳам ҳар бир одамнинг уйига меҳмон бўлиб борган.

Халқимиз болаларни севгандай қўшиқларни ҳам севади. Ҳа, бизнинг ҳаммамиз шоирмиз. Фақат бизнинг фарқимиз шундаки, айримларимизгина шеър ёзади. Чунки улар шеър ёзишни билишади. Бошқа бировлари ҳам шеър ёзади, фақат улар шеър ёзишни биламан деб ўйлашади. Учинчи тоифадаги одамлар эса умуман шеър ёзишмайди. Эҳтимол, ҳақиқий шоирлар ана шу учинчи тоифадаги одамлар орасидадир.

Менинг шеър ёзмаган вақтим ҳам бўлган. Наҳотки, мен ўшанда шоир эмас эдим? Наҳотки, ўшанда менинг юрагим секин урган, қоним совуқ бўлган? Наҳотки, ўшанда мени аламлар кийнамаган, хурсандчиликлар шодлантормаган? Наҳотки, ўшанда дунёни билиш иштиёқи менда суст эди? Наҳотки, ўшанда кўзларим дунё гўзалликларини ҳозиргидай кўра олмаган? Наҳотки, ўшанда қора булутлар орасида чарақлаган юлдузни кўрганымда ҳозиргидай ҳаяжонланмаганман? Наҳотки, ўшанда турналар ноласи ва тулпорлар кишнаши мени ўйга толдирмаган? Наҳотки,

ўшанда кадимий кўшиқларимиз ва ота-боболаримизга бағишланган касидаларни тинглаганимда кўзларимга ёш келмаган бўлса?..

ЭСИМДА, болалигимда кўшнимизнинг отини уч кун ўтлатиб келгандим. Кўшнимиз бу хизматим эвазига менга битта эртақ айтиб берганди.

ЭСИМДА, болалигимда тоғдаги чўпонлар хузурига қатнардим. Ярим куним боришга, ярим куним қайтишга кетарди. Мен тоққа битта шеър тинглаш учун борардим.

Ахир, бежизга Унсукул ноқлари, Имрин узумлари, Буцра асали, аварлиқлар кўшиқлари дейилмайди.

ЭСИМДА, иккинчи синфда ўқиётган вақтимда ўзимизнинг Цада овулидан тоғ сўкмоқларида 20 километрча юриб, Буцра овулига борганман. Ўша овулда отамнинг кекса кадрдон дўсти яшарди. У кўплаб кадимий кўшиқ, шеър ва афсоналарни биларди. Қария тўрт кун давомида эрталабдан кечгача билган шеърларини ўқиди ва кадимий кўшиқлардан куйлади. Мен уларни мумкин қадар ёзиб олишга ҳаракат қилдим. Мен шеър ва кўшиқ ёзилган қоғозларни хуржунимга солдим, уни елкамга ташлаб хурсанд ҳолда йўлга тушдим.

Буцра овули тоғ бағрида жойлашган. Мен тоққа чиқаётган вақтимда бир тўда қопагон итлар қувлаб қолишди. Улар ўнтадан кўп эди. Улар ортимдан майса тўлқинлари узра худди кемага йўналтирилган торпедалардай учишарди. Мен итларнинг катта оғизларидаги ўткир тишларини аниқ кўрдим. Яна бир лаҳза ўтса бас, итлар мени ғажиб ташларди. Шу пайт чўпоннинг хайкириги янгради:

– Ёт! Қимирлама!

Мен ерга юзтубан ётиб тошдай қотдим. Қимирлашга ҳолим йўқ, ҳатто нафас олишга кўрқардим. Фақат юрагим дук-дуклаб урарди, унинг овози ён-атрофда акс садо берарди. Итлар атрофимда тўхтаб, мени ва шеърлар солинган хуржунимни ҳидлашди. Янглишганини сезишгандай бир-бирига қарашди, кейин хаёлларида пайдо бўлган янги ўлжани қувлаб чопиб кетишди ва бир зумда тепалик орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлишди.

Мен чўпон кўйларини ҳайдаб ёнимга келгунча ётавердим.

– Ҳой, кимнинг ўғлисан?

– Мен цадалиқ Ҳамзатнинг ўғли Расулман.

Атайин отамнинг исмини айтдим. Чўпон отамнинг исмини эшитгач, менга каттиқ ботадиған гаплар айтмайди деб ўйлагандим.

– Сен бу тоғларда нима қилиб юрибсан?

– Мен Буцрага шеър-кўшиқ ёзиб олгани боргандим, мана улар хуржунимда.

Чўпон шеър ёзилган қоғозларни олиб кўздан кечирди.

– Демак, сен ҳам шоир бўлмоқчисан. Нега унда итлардан кўрқдинг? Танлаган йўлингга ҳали сенга итлар кўп бор ташланишади. Улар менинг итларимга ўхшаб шеърларингни ҳидлагач, олдиндан тезда кетишмайди. Аммо сен кўрқма, ҳеч нар-

садан кўркмаслигинг керак. Сен бу тоғ қандайлигини биласанми? Айнан шу тоғда Ҳожимурод тошдан-тошга сақраган ва таъқибчиларини доғда қолдирган. Билиб қўй, ўз юртингда сени тоғлар ҳам суйайди.

Илгари мен ақл-хушимни олган шеърий ҳаяжонлар, калбимдаги безовталиқ, юрагимни забт этган муҳаббат ўткинчи, вақт ўтиши билан унутилади деб ўйлардим. Мана сочимга оқ тушди, болаларим улғайди, китобларим сарғайди, лекин ўша туйғулар мени тарқ этгани йўқ. Тўғрироғи, улар шеърият бўлиб ҳамон менга йўлдош. Шу боис шеърият сенга арзимни айтаман.

ШЕЪРИЯТ, турмуш сўқмоқларида, олис сафарларда мен билан бирга бўлдинг. Насрнинг чексиз уммонига чиқишга тайёргарлик кўраётган вақтимда ҳам мен билан биргасан. Мен ҳам биламан, ҳикояни қофияга солиш ақлдан эмас. Шундай ижодга уриниш эса, яхши ҳикояни ёмон шеърга айлантиради. Аммо шеър ҳикояда мисоли таомга маза берадиган туздай бўлиши керак. Менинг ҳаётимда шеърият худди таомдаги туз. Шеъриятсиз умрим тузсиз ва бемаза бўларди. Тоғлиқлар мехмонга таом тортганда, дастурхонга туздон қўйишни ҳеч қачон унутишмайди.

Наср узоқроққа учайди, лекин шеърият баландроққа кўтарилади. Наср ер юзини бемалол айланиб уча оладиган оғир самолётга ўхшайди. Шеърият эса, қирувчи-тутувчи самолёт, насрнинг оғир самолёти қанча баланд учмасин унга бир зумда ўқдай етиб олади.

Мен бу китобни турли жанрларда ёзаман, тугатганимдан кейин уни ўзга ўлкаларга сафарга йўллайман. Бунинг ажабланишлиги жойи йўқ. Ахир, шеърларимиз Доғистондан ташқарида яшаётган одамлар юракларига ҳам аллақачон йўл топишди. Айрим ҳикояларимиз ҳам аллақачон четдан ташриф учун таклифномалар олишди. Фақат драматургиямиз уйдан чиқмай ўтирибди. Эҳтимол, у анкета саволларига қараб четда ўзини қандай тутиш амалларини ўрганаёпти.

Агар мен драма ёзишни ўйлаганимда, унда воқеалар кечадиган жойлар Доғистон, овуллар, шаҳарлар, шунингдек, бутун мамлакат ва бутун дунё бўларди. Унда тоғлар, дарёлар, денгизлар, осмон ва ер шари декорация вазифасини ўтарди. Воқеа рўй берадиган вақт – ўтган асрлар, ҳозирги замон ва келажак минг йилликлар бир лаҳзада намоён бўлишини назарда тутардим. Бу драманинг образларини ўзим, отам, болаларим, дўстларим дунёдан аллақачон ўтган одамлар, дунёга ҳали келмаган одамлар яратишарди.

Бу драма менинг «Уруш ва тинчлик»дай, «Дон Кихот»дай ёки «Илоҳий комедия»дай асосий китобим бўларди. Мен ана шундай драма ёзишга чоғланаёпман, ҳозирча ушбу китобимга «драматик гишт»лардан қўйишга ҳаракат қиламан. Ҳа, драма ёзишни кечроққа қолдираман. Тўғрироғи, шундай драмани бошқа ёзувчиларимиз ёзишига ишонаман. Ҳозирча мен шеър ва наср ёзиш билан қаноатланаман, улардан ўз ўрнида галма-галдан фойдаланишга уриниб кўраман. Шеърият – отда елмоқ, наср – пиёда юриш. Пиёда юрсанг узоққа борасан, отда манзилга тезроқ

етасан. Отимни етаклаб йўлга тушдим, агар шошсам эгарга сакраб минаман. Йўлда кўрганларимни ҳикоя қиламан, агар ҳикоя қилишнинг уддасидан чикмасам куйлайман. Менда ёшликнинг гайрати ҳам, кексаликнинг андишаси ҳам бор. Майли, ёшлик куйласин, кексалик ҳикоя қилсин.

Менинг қалбимда ҳам ҳар хил одамлар яшайди: бири олдига оппоқ салфетка тутиб, чап қўлида санчки ушлаб зодагонларга ўхшаб тушлик қилади, бири майса устида тоғлиқлар билан бирга ўтириб, бўзадан симириб, қўйнинг яхши пиширилган курагини икки қўллаб ушлаб кемиради.

Шаҳардан токка йўл олар эканман, шаҳарликларга ўхшаб мева ва узун бўйинли шишадаги винодан оламан. Мехмондўст чўпонлар ҳузуридан шаҳарга қайтар эканман, улар отимнинг эгарига янги сўйилган қўйнинг битта сонини ўраб осиб қўйишади.

Ахир, денгиз ҳам гоҳ сокин, гоҳо тунд, гоҳо безовта, гоҳо дарғазаб бўлади. Менинг қалбимда ҳам ҳар хил феъл-атворлар шундай ўрин алмашади.

Бир гал қоя четида кучоклашиб ўтирган йигит-кизни кўргандим. Улар бир-бирининг бағрига шундай сингиб кетгандики, узоқдан қараган одам қайси йигит, қайси киз эканлигини ажрата олмасди.

Ҳудди шундай менинг қалбимда ҳам шодлик ва қайғу, табассум ва кўз ёш, қудрат ва ожизлик ёнма-ён яшайди.

*... Чавандози минмади сакраб,
От депсинмас сувлиқни чайнаб.
Унинг оппоқ тишига қараб,
Туриб қолдим қўлди деб ўйлаб.*

*Шу ҳолати ростдан этди лол,
От куларди ўхшаб инсонга.
Убош эгди, ерга тегди ёл,
Елда ёллар тўзди ҳар ёнга.*

*Ажабландим, кетолмай йироқ,
От олдига бордим яқинроқ.
От қўлмасди, эгиб бошини
Тўқар эди кўздан ёшини.*

*От ҳолини кўзи қилди фош,
Қўйларди селоб-селоб ёш.
Мен жилмайсам, яқинроқ кел ёр,
Қўзларимга тикилгин бир бор.*

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Сиюх овулида яшовчи тоғлик қоя ёнидан сузиб ўтаётган оппоқ булутни кўрганда момик жун деб ўйлаб ўзини тошдан ташлаган экан. Лекин оппоқ булут канчалик момик жун ёки пахтага ўхшамасин ҳеч қачон жун ёки пахта бўлиб қолмайди.

Агар китобнинг шакли канчалик янги бўлмасин, бу китоб шакл учунгина ёзилган бўлса ўқувчилар юрагига йўл топа олмайди.

Фақат шаклга қараб ҳулоса чиқармаслик керак. Умри денгизда ўтган балиқчи бир куни ўрмонда чумолилар тўдасини кўрганда, бу ерга қора икра қандай келди деб ўйлаган. Ёки ҳеч қачон денгизда сузмаган тоғлик қора икрани кўрганда, нега чумолиларни банкага солиб қўйибди деб ажабланган экан.

ЯНА ЁН ДАФТАРЧАДАН:

*Ўқ ҳам, орден ҳам интилади битта қўкракка,
Сор ҳам, қаптар ҳам учса сигар осмон-фалакка.*

*Ёш ҳам, қулги ҳам ёғилади битта афт-юздан,
Бол ҳам, заҳар ҳам эриб ўтар битта бўғиздан.*

*Сув ҳам, олов ҳам жо бўлгандир битта абрга,
Тор ҳам, ханжар ҳам яккамихга илинар бирга.*

ЯНА ЁН ДАФТАРЧАДАН: Илк бор ишқ дардига мубтало бўлган тоғлик қиз тонгда деразага қараб ҳаяжонланиб деди:

– Вой-бўй, дарахт қачон бўлиб гуллабди!

– Гуллаган дарахтни қаерда кўрдинг? – эътироз билдирди кекса онаси. – Бу дарахт шохларига қор қўнган. Ахир, ташқарида қиш.

Ҳа, икки ёшга мансуб аёллар қўз олдига бир вақтнинг ўзида ҳам баҳор, ҳам қиш намоён бўлди. Менинг қалбимда эса, икки ёшга мансуб ҳислат мужассам: ёшлиқ ва кексалиқ, гулзор ва қор, баҳор ва қиш. Шу китобимда гоҳ шеърни, гоҳ насрни кўрсангиз ажабланманг.

– Ишқилиб, битта қўлтиғингда иккита тарвузни ушламоқчи эмасмисан!

– Йўқ, – дейман мен. – Ножўя ишга уринмайман. Мен ҳар хил жанрлардан фойдаланаман деганда, айтайлик, турли меваларни тўграб, аралаштириб, мазали мева салати тайёрлашни назарда тутаяпман. Зинҳор-базинҳор, мен боғбонга ўхшаб у дарахт қуртагини бу дарахтга пайванд қилиб янги нав яратмайман.

Ҳозир ёзаётганларимдан охир-оқибат нима пайдо бўлади, билмайман. Бундай фикр ҳар бир ижодий ишимни бошлаган пайтда ҳаёлимдан ўтади.

Ахир, гугуртни ўт олдирганда унинг ҳамма оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Бу ҳар гал гугуртни ўт олдирганда унинг оқибатларини ўйлаб хавотирга ту-

шиш керак дегани эмас. Мана мен гугуртни ўт олдирдим, тутантирик билан ўтинни ёқдим. Гулханим ёнапти. Мен унинг алангаланиб кутурган хайвонга айланишидан, кейин бўйсундириб бўлмаслигидан хавотирланаётганим йўк. Гугуртни ўт олдирётганимда, буни хаёлимга ҳам келтирмайман.

Шомил киличига шундай сўзларни ўйиб ёздирган экан: «Ким жангга кираётган вақтда окибатини ўйласа, ботирлик кўрсата олмайди».

ДЕЙДИЛАР: Донишманд табиб кўлидаги захар ҳам фойдали. Агар аҳмок кўлидаги асал бўлса ҳам бу асалдан синаб кўриб фойдалан.

ДЕЙДИЛАР: Агар ҳикоя килишни билмасанг, куйла. Агар куйлашни билмасанг аххиси ҳикоя қил.

УСЛУБ

*Кўшиқчини машқидан,
Заргарни нақшидан билишади.*

Кубачинликлар ёдгорлигидаги ёзувлар.

– *Нега менга бақираяписиз?*

– *Бақирмаяпман, мен ўзи шундай гапирман.*

Эр-хотин суҳбатидан.

– *Шеърларинг ҳеч шеърга ўхшамаяпти.*

– *Мен ўзи шундай ёзаман.*

Шоир ва хаваскор суҳбатидан.

Биз болаларни оқсоқолларнинг маслаҳат йиғини яқинига йўлатишмасди. Баъзан катта тошларнинг устига чиқиб, узоқдан оқсоқолларнинг давра суҳбатини кузатардик.

Бир гал Анди овулидан келган меҳмон бир соатча нима ҳақдадир гапирди, оқсоқоллар унинг сўзини бўлмасдан тинглашди. Биз ўзимизча ўйладик, оқсоқоллар шунча вақт давомида диққат билан тинглашдими, демак андилик меҳмон муҳим хабар тўғрисида гапирган бўлиши керак.

Уйда отамдан сўрадим:

– Андидан келган меҳмон қандай янгилик тўғрисида гапирди?

– Эҳа, у бугун айтган гапларини бизнинг цадалиқлар ҳам йигирма мартача эшитгандир. Лекин у шундай сўзладик, яна диққат билан эшитгинг келади. Роса сўзамол экан, Оллоҳ унинг умрини узун қилсин.

ЯНА УСЛУБ ҲАҚИДА. Ҳар бир хайвон ўзига хос ҳийла-найранг ишлатиб овчини доғда қолдиради. Ҳар бир овчи ўзига хос усулда хайвон овлайди. Худди шундай ҳар бир ёзувчининг ўз услуби, ўз ижод вақти, ўз феъл-атвори, ўз йўналиши бор.

Ёш шоир-ёзувчилар каторида Адабиёт институтига қабул қилинганида, мен бутунлай янги муҳитга тушдим. Менга ҳамма ўргатарди – Москванинг ўзи, семинарлар, семинарларда сўзга чиққан таниқли шоирлар, дарс пайтларида профессорлар, талабалар уйида курсдошлар, ҳар тарафдан ўргатавергандан кейин қанчадир муддат ҳушимни жамлай олмай гангиб қолдим. Ҳатто, янги ғалати услубда ижод қила бошладим. Ҳолбуки, бу услуб авар адабиётида умуман бўлган эмас.

Яшириб нима қиламан, ўша кезларда шеърларим рус тилига тезроқ ўгирилишини жуда-жуда истардим. Мен рус ўқувчилари томон интилардим. Ўйлардимки, менинг янги услубим рус ўқувчиларига яқин ва таниш. Ўша кезларда авар тилининг, шеърятнинг оҳангларига умуман эътибор бермай кўйдим. Шеърларимда ялтирок тузилиш, баёнчилик бўртиб борарди. Ўзимча қандай ёзишни энди ўргандим деб ўйладим. Аслида эса, ўшанда ўзимга ўнғайроқ жой излаган эканман.

Яхшиямки, шеърят ва сафсатабозлик бошқа-бошқа нарса эканлигини тезда англадим. Буни мендан аввалроқ кўпни кўрган отам пайқабди. Отам янги шеърларимни ўқиши билан мен бир туюр қуйрук ейман деб қўйларни сўйиб ташлаётганимни, ҳеч нарса унмайдиган тошлок ерни шудгор қилиб экин экаётганимни, осмонда булутни кўрмай ёмғир кутаётганимни дарҳол тушуниб етибди.

Отам буни билса ҳам мулоҳазали одам бўлгани учун бир суҳбат пайтида эҳтиёткорлик билан деди:

– Расул, кейинги пайтларда сенинг хатинг ёмонлашиб бораётгани мени ташвишга солаяпти.

– Ота, хат ёзишнинг яхши-ёмонлигини мактабда текширишади, мен у ёшдан ўтганман. Катталардан эса, қандай ёзганини эмас, нима ёзганини сўрашади.

– Эҳтимол, маълумотнома ёзиб берадиган милициячи ёки Қишлоқ кенгаши қолиби учун шундайдир. Шоир учун унинг хати, унинг услуби – ижодий ишининг ярми дегани. Шеърда қандай янги фикр бўлмасин, албатта у жозибали бўлиши керак. Жозибали бўлганда ҳам ўзига хос жозибали бўлиши шарт. Шоир учун ўз услубини топиши ўзлигини топишидир, демакки, чинакам шоир бўлишидир.

Сен шошяпсан, аммо шошқин жилғалар ҳеч қачон денгизгача етиб бормади, улар вазини оқувчи ирмоқ ёки дарёларга қўшилиб кетади.

Уясини тез-тез ўзгартирадиган қуш қайси бирини танлашини билмай охир-оқибат уясиз қолади. Агар у ўз вақтида уясини қурганда, танлашнинг ҳожати йўқ эди.

Ҳозир ёшим қирқдан ошганда, қирқдан зиёд китобимни варақлаб кўрдимки, буғдой сепилган экинзоримда бошқа экинзорларнинг ҳам донлари униб чиқибди. Тўғри, улар ёввойи ўт эмас, тўғри, улар арпа, сули, жавдар каби керакли донлар, лекин улар менинг буғдойзоримга бегона.

Мен ўз отаримда бегона қўйларни кўрдим. Улар баландлик ва тоғ ҳавосига қўника олмайди.

Баъзан менга ўзгаларнинг феъл-атвори ўтиб қолганини сезаман. Лекин мен ушбу китобимда ўзлимни сақлаб қолмоқчиман. Яхшиманми-ёмонманми, мени қандай бўлсам шундайлимча қабул қилинг.

Тоғликлар тўйга борганда мезбонлардан аввалроқ сўз бошлайди.

– Даврангиз тўқисми, ёки мен ҳам унга қўшилаими?

Тоғлик мезбон шундай жавоб қайтаради:

– Агар сен чиндан ҳам бор бўлсанг, меҳмонимиз бўл.

Мана менинг китобим. Унда сизга мен аслида ўзим эканлигимни исботлашим керак. Унда мен ёзувчиман, зинҳор-базинҳор ёзувчи ролини ижро этаётганим йўқ. Қаранг, актёр сахнада коньяк ичяпти. У маст бўлди, тили ғулдираб қолди, боши кўкрагига осилиб қолди. Аммо сахнадаги шишага коньяк эмас, чой қуйилган. Биламизки, чойни ичиб ҳеч ким маст бўлмайди. Ўйлашимча, бу фикримга умрида коньяк ичмаганлар ҳам эътироз билдирмайди.

Маълумки, агар драмада шоир образи бўлса, драматургнинг энг қийин вазифаси шоир образига шеър ёзишдир. Шунинг учун спектаклда шоир образи бўлса, у кўпинча ўзининг эмас, таникли шоирларнинг шеърларини ўқийди. Шеърсиз шоир бўлар эканми? Бундай шоирнинг ойнаванд магазиндаги чиройли кийим кийдирилган манекендан нима фарқи бор?

Мен ҳеч кимга ўхшашни истамайман – ҳатто Умарга ҳам, Пушкинга ҳам, Байронга ҳам.

Айрим ўғрилар буйвол ўғирланса, эгаси таниб қолмасин деб буйволнинг шохини уриб синдиришади ёки думини кесишади. Айрим ўғрилар автомобиль ўғирланса, эгаси билиб қолмасин деб автомобилни бошқа рангга бўяшади. Лекин ўғрилар қанчалик айбини яширишмасин, ўғрилик ўғрилик бўлиб қолаверади.

Китобимни ўқиган китобхонлар суҳбатлашишганда, «Расул китобини Расулга ўхшаб, ўзлигига хос ёзибди», дейиша қоят хурсанд бўлардим.

Мен чиркиллаётган қушлардан кўра сайраётган қушларни яхши кўраман. Бандаргоҳда турган кемадан кўра мовий денгизда сузаётган кемани кўпроқ яхши кўраман.

Қаранглар, енгил қайиқлар ҳар битта тўлқинда чайқалапти. Қаранглар, улкан кемалар бўронларни ҳам писанд қилмай сузаяпти.

Довдирлар ҳатто култур вино ичса ҳам худди маст бўлиб қолгандай шовкин солади, тўполоқ қилади. Донолар қатта шишасини бўшатишса ҳам вазмин, дўстона ва зийрак суҳбат қуришади.

Китобим, сен Расулнинг китобисан! Одамлар орасида ҳам Расулнинг китоби эканлигини унутма.

Тоғликлар уйига нотаниш меҳмон келса, уч қунгача унинг исмини ва қаердан келганини суриштирмайди.

Сиз ҳам менинг китобимни таг-тугини суриштирмай қабул қилинг. Ўқиб чиқсангиз, у сизга ўзини таништиради.

Мен сизга яхши кўринишни ҳам, ёмон кўринишни ҳам истамайман. Ҳаддим сиккани учун кўнглимни қоғозга тўқдим. Рус халқида шундай нақл бор: Агар йиғирма ёшгача кучга тўлмаган бўлсанг, энди билагинг кучга тўлишини кутма. Агар ўттиз ёшгача ақлинг кирмаган бўлса, энди ақлинг қуюлишини кутма. Агар қирк ёшгача чўнтагингда пул турмаган бўлса, энди чўнтагингни пул тешишини кутма. Тоғликларда эса шундай нақл бор: Агар одам қирк ёшгача лочин бўлмаса, энди у уча олмайди. Майли, менинг аравам ўз йўлидан қолмасин.

Тоғда, овулимизда ёмғир ёрса, кўплаб жилғалар ҳосил бўлади. Жилғалар куйида тўпланиб қўл ҳосил қилади. Бу қўлдан эса, фақат битта ирмоқ оқиб чиқади. Тоғдан жуда кўп сўқмоқлар орқали бизнинг овулимизга тушиш мумкин. Улар худди жилғалар каби овулда туташади. Агар овулдан туман марказига, шаҳарга ёки дунёга чиқмоқчи бўлсангиз, фақат битта равон йўл бор.

Билмадим, балки ўзимни дарёга ёки йўлга қиёслашим ноўриндир. Бирок шуни яхши биламанки, юртдошларимнинг орзу-ўйлари, юртдошларимнинг дил сўзлари, юртдошларимнинг тоза туйғулари, худди тоғдаги сўқмоқлар ёки жилғалар овулимизда туташган каби менинг онгимга болалигимдан сингди. Овулдан эса, мени ўз сўқмоғим, ўз йўлим шеърят сари етаклади.

Мен дунёнинг турли бурчакларида, кўплаб мамлакатларда бўлдим, ҳар хил одамлар билан учрашдим. Сафарларим давомида президент ёки қиролларнинг, бош вазир ёки оддий вазирларнинг, элчиларнинг тантанали қабул маросимларида иштирок этдим. Бундай қабул маросимларида сийрак сочли бошлардан қора туфлиларгача ялтирайди, ёқаси очик бурама кўйлақларга кўзни қамаштирувчи тугмалар қадалади, чиройли галстуклар дид билан тақилади, ҳар ёнда мулоим таъзим-тавозелар, чехралардан табассум аримайди, ҳар бир айтиладиган сўз ва ҳар бир бажариладиган ҳаракат рисоладагидай бўлади. Қабул маросимларида артистлар амалдорларга, амалдорлар эса артистга ўхшайди.

Бундай қабул маросимларида мен ҳам ўзимга ўхшамайман. Ўзим бажаргим келмаган ҳаракатларни тавозе билан бажараман, ўзим айтгим келмаган сўзларни мулоимлик билан айтаман. Қабул маросимлари чоғида баъзан кўз олдимда туғилган юртим Цада ва давра қуриб ўтирган кадрдонларим намоён бўлади ёки бирор меҳмонхонанинг хонасида чақчаклашиб улфатчилик қилаётган дўстларим хаёлимдан ўтади. Шундай кезларда столдаги юз хил ажнабий таомлардан татиб кўришни эмас, кўнглим ўзимизнинг аччиқ пиёз тўғралган қовурмаларни тусаб қолади. Ўз уйингда, яқинларинг даврасида энгни шимариб, бармоқларинг орасидан ёғини оқизиб қовурмани аччиқ пиёз билан ейиш қандай маза?!

Айрим китобларни ўқисам, уларни тантанали қабул маросимларидаги кишиларга ўхшатаман. Уларда эркин ҳаракат, эркин мулоқот, эркин сўз йўқ.

Китобим, сен тантанали қабул маросимларидаги кишиларга ўхшама. Сенда таомилдаги сўзлар эмас, майли, фақат ўз феъл-атворингга хос сўзлар бўлсин.

Мен шундай одамларни кўп кўрганман, улар уйида, оиласи, хотини, дўстлари даврасида одамга ўхшайди, одамга ўхшаб гапиради. Бориб амалдорлик курсисига ўтирдими бас, курук савлат, дағал, жажлдор, гўё уларни кимдир алмаштириб қўйгандай. Улар ҳар бир амал курсисига қараб, киёфасини, сўзлаш оҳангини, юриш-турушини ўзгартиради.

Китобим, мен ўзлимга содиқ бўлгандай, сен ҳам ўзлигингга содиқ бўл. Сен тантанали қабул маросимларига эмас, ўз уйингга, дўстлар даврасига интил, дабдабали концерт залларини эмас, бепоён далаларни сев, мажлисларнинг шовқин-суронини эмас, замин нафасини тингла. Баъзан шундай бўлади, мажлисда битта гапни сўзлайди, мажлисдан кейин умуман бошқача гапиради.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Доғистонда Сулаймон Стальскийнинг катта бўркини, қўй терисидан тикилган иссиқ пўстинини ва унинг бузук терисидан тайёрланган енгил чорик кийиб юрганини билмайдиган одам топилмаса керак. Менимча, фақат доғистонликлар эмас, бошқалар ҳам Стальскийни бўркисиз, пўстинсиз, чориксиз, яъни бошқача кийим кийган ҳолда тасаввур қилолмайди.

Максим Горький Сулаймон Стальскийни XX асрнинг Гомери деб атаган, унинг хизматлари эътироф этилиб орден билан мукофотланган. Орденни топишириш учун Сулаймонни Москвага чакиришган. Вокзалда уни доғистонлик министр кутиб олган.

– Войбўй, ҳурматли Сулаймон, – деган министр шоирга, – Москвада овулдаги кийимда юриб бўлмайди. Кийимларингизни ўзгартиришимизга тўғри келади.

Доғистон ҳукумати топиширигига биноан Сулаймон учун костюм тикилди, дўкандан туфли ва қорақўл ёқали пальто сотиб олинди. Сулаймон уларни бирма-бир синчиклаб текширди: пальтони ёзиб, оғирлигини чамалади, туфлини олиб, тагчармини чертиб кўрди. Кейин барини яхшилаб тахлаб, чамадонига жойлади.

– Яхшилар, янги кийим-бош учун раҳмат. Бу кийим-бош ўғлим Мусоибга жуда мос экан. Мен Сулаймон бўлиб қолишни истайман. Ўз номини туфлига ҳам, костюмга ҳам алишмайман. Мендан чорикларим хафа бўлиб қолади.

Отам ҳар сафар Сулаймоннинг ўзлигини саклаб қолиш учун ташки киёфасини бир лаҳзага ҳам ўзгартирмаганини эслаганда, меҳр билан унга таҳсин айтарди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Сулаймоннинг ўғиллари уни хат-саводли қилиш учун кўп бор уриниб кўришди. Ҳар гал Сулаймон хат-савод чиқаришга иштиёқ билан киришарди, кейин ҳафсаласи пир бўлиб қоғозни бир четга суриб дерди:

– Болаларим, бекорга овора бўлманглар. Қаламни қўлга олишим билан мендан шеърларим қочиб кетаяпти. Чунки мен шеър ҳақида эмас, шу ярамас қаламни қандай ушлаш ҳақида ўйлайман.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Эфенди Капиев Сулаймон Стальскийнинг калин дўсти эди. Айнан у шоирнинг шеърларини рус тилига таржима қилганди. Бу дўстлик, бу ижодий ҳамкорликка айрим қўлидан фойдали иш келмайдиган кимсалар ҳасад билан қарашарди. Улар Капиевни машхур шоир кўзига ёмон кўрсатиш учун ҳар хил уйдирмалар тўқишарди. Ҳасадчилар Сулаймоннинг хат ўқий олмаслигидан фойдаланиб қолишга уринишди.

– Сулаймон, сен рус тилида ўқий олмайсан. Биз билганимиз учун айтаяпмиз, Капиев шеърларингни рус тилига бузиб таржима қиляпти. Қаерда хоҳласа қўшаяпти, қаерда хоҳласа қискартираяпти, кўплаб мисраларингни ўзича қайта ишлаяпти.

Бир куни бафуржа суҳбат чоғида Сулаймон гап бошлади.

– Дўстим, – деди у вазмин, – эшитишимга қараганда сен менинг болаларимни ураётган эмишсан.

Капиев гап нима ҳақда кетаётганини дарҳол англади.

– Сулаймон, сенинг шеърларинг сенинг болаларинг эмас. Улар сенинг ўзинг, ҳар бири Сулаймон Стальский.

– Ундай бўлса, мен қария болаларимга нисбатан кўпроқ ҳурматга сазоворман.

– Сулаймон, сен учун нима муҳим: шеърларингдаги мисралар соними ёки услуб ва руҳият? Мана қаршимда вино турибди. Агар унинг хиди учиб кетса, биз маза қилиб ичаётган винога ўхшайдим? Гап винонинг микдорига эмас, гап унинг хушбўй хидида, ширин таъмида, сифати ва сақланганида.

– Нима ҳам дердим, сен ҳақсан.

Эндиликда шунга аминмиз: Сулаймон Стальскийни рус ўқувчиларига Капиев таништирди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Эфенди Капиев Ҳамзат Цадасанинг шеърларини ҳам рус тилига ўғирган. У бир куни менга кўнглини очди:

– Отангнинг шеърларига сира қалит топа олмаяпман, отанг мисоли ўзига хос қулф. Ўйлайсанки, у куляпти, аслида қайғуга ботган. Ўйлайсанки, у роса койи-япти, аслида мақтаётган бўлади. Нима демокчи эканини тушунаман, фақат уларни рус тилида ифода эта олмаяпман, унинг шеърий услубини ва шеърларининг мазмунини сақлашим қийин кечаяпти. Таржималарим ҳам Ҳамзатга ўхшашини, рус ўқувчилари ҳам Ҳамзатни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишини истайман. Ҳозирча таржималаримда Ҳамзат бошқа одамларга ўхшаб қоляпти. Ахир, у ҳеч бир одамга ўхшамайдику.

Ҳа, ҳар бир шоирнинг шеъри шундай бўлиши керак.

ЭСДАЛИКДАН: Ҳозир мени овулда ҳамма шоир Расул Ҳамзатов сифатида биллади. Бир вақтлар мен ҳам лаллайган бола эдим. Қўйлагимни тескари кийиб, пальтомнинг тугмаларини нотўғри қадаб кўчага чиқиб кетардим. Ботинкамнинг ипи боғланмаган ёки боғланган бўлса ҳам тезда ечилиб кетарди. Бир ишни ўйлаб туриб, бошқа ишни қилардим. Ўша вақтда мен ҳақимда айримлар шундай дейишарди:

– Нахотки вазмин, саранжом-саришта ва ҳар бир ишни тартибли бажарадиган отадан шундай питир-питир ва пойма-пой иш қиладиган ўғил дунёга келган бўлса? Қайси бири ёш, қайси бири катта: ботинкаси ипини боғлаб юришни ҳар доим унутётганими ёки буни беками-кўст бажараётганими?

– Нима бўпти, – деб жавоб қайтарардим мен шундай ёқмайдиган фикр-мулоҳазаларга. – Мен ўзимга отамнинг кексалигини олдим, отамга эса ўзимнинг ёшлигим-ни бердим.

Аслини айтганда, отам умрининг охиригача ёшларга хос тетиклик ва бардамликни саклаб қолди. Юриш-туришда, ҳар бир ишни бажаришда тартиб, интизом ва аниқликка амал қилди. Овулдошларимизнинг ҳаммаси отам эрталаб пўстинини кийиб қайси соат, қайси дақиқада уйнинг томига чиқишини яхши биларди. Отамнинг томга чиқишига қараб соатни тўғрилаш мумкин эди. Ҳатто, овулимиздан армияга кетган бир йигит ота-онасига шундай хат ёзибди: «Жуда вақтли турамиз. Бизни Ҳамзат томга чиқадиган вақтда уйғотишади».

Кимдир Ҳамзат билан эрталабдан учрашгиси келса, қайси соат, қайси дақиқада Хунзах йўлига чиқишини биларди. Чунки отам ишга бориш учун ҳар доим бир вақтда йўлга тушарди.

Одамлар отам ҳақида ҳамма нарсани биларди: отини қайси жойгача етаклаб боради, қайси жойда отга минади, унинг оддий қора қўйлагини, галифе шимини, ўзи тиккан, ҳар куни эрталаб чўткалайдиган этигининг қандай ялтирашини. Улар отамнинг таранг қилиб тортилган камарини, устара кўрмаган соқолини, бир хил тартибда кийиладиган бўркини ҳеч қачон янглиштирмасди. Қоракўлли бўркининг бир томонидаги жуни андак буралган, бир томонидаги жуни пича осилган эди.

Отам шундай кўринишга, шундай турмуш тарзига ҳайратланарли даражада қаттиқ амал қиларди. Ҳамзат Цадасани бошқача кийим-бошда, бошқача турмуш кечириши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмасди.

У ўзгаришларни ёқтирмасди. Агар кийими эскириб яроқсиз ҳолга келса, худди шунга ўхшаш кийим изларди. Янги кийим ўша ўлчам, ўша бичим, ўша рангда бўлишига қарамай, дастлабки кунларда отам бу кийимда ўзини бегонадай сезарди.

Бир куни унинг камари узилди. Янгисини сотиб олиши мумкин эди, лекин Ҳамзат камарини дид билан тикди ва бир қанча муддат тақиб юрди. У хасис эмасди. Отамда ҳар доим пул бўларди, аммо ўрганиб қолган нарсасидан воз кечолмасди. Барибир камар яна узилди. Отам худди шунга ўхшаш камар сотиб олди. Бирок, янги камар тўқасини олиб ташлаб, эски камарининг тўқасини қўйиб тикди.

Отам бўркини худди тирик кўзичокни силагандай силарди. Энди оддий камарини авайлаган одам бўркини қандай эъзозлашини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

1941 йилнинг ёзида уруш бошлангандан кейин Доғистон ҳукумати отамни тоғдан Маҳачқалъага кўчиб ўтишга кўндирди. Тоғнинг салқин ҳавосига ўрганган

отамни шаҳарнинг дим ва иссиқ ҳавоси қийнаб қўйди. Тоғнинг сўкмоқларида енгил туюлган кийимлар шаҳарнинг равон кўчаларида оғирлик қила бошлади. Айниқса, бўрк шаҳар ҳавосига умуман мос эмас эди. У бир қанча шапка ва шляпаларни кийиб кўрди, биз фарзандлари уларни ҳарчанд маъқулламайлик бу бош кийимлари гаши киёфасини ўзгартириб юборгани учун кийишни истамади.

Ҳамзат Маҳачқалъа да бўркини қўлида ушлаган ҳолда юрарди. Аҳён-аҳёнда киярди, боши исиб кетиши билан ечарди, лекин бир зум ҳам бўркидан айрилмасди.

Уруш аталмиш офат ҳаётни издан чиқаради, одатий турмуш тарзига таъсири ни ўтказди. Отам эса ҳамон вақти-вақти билан тоққа чиқиб келарди. У тоғларда эркин нафас олиб, кадрдон бўркини маза қилиб киярди. Шундай кезларда у чекиш тақиқланган жойдан чиқиб, енгил нафас олганча гамаки халтасини ёзиб, ҳафсала билан коғозга ўраб, сўнг бурксиратиб чекиб роҳатланаётган одамга ўхшарди.

Бу бир ўхшатиш холос. Отам ҳеч қачон чекмасди, лекин ҳаётдан роҳатланишни турмушнинг бошқа нарсаларидан гуярди. Она юртни севиш роҳати, она юртни куйлаб завқланиш роҳати Ҳамзат Цадаса ҳаётининг мазмуни эди.

ОТАМНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИДАН: «Ражаб дўстим бўлса ҳам менга душманим қилмаган ёмонликни қилди. У шериклари билан бирга менинг соқолимга устара кўтарди», деган сўзларни отам ён дафтарчасига ёзиб қўйган экан. Бу воқеа отам 1934 йили Москвага Ёзувчиларнинг биринчи съездига борган вақтда рўй берган. Москвага отамнинг дўсти авар ёзувчиси Ражаб Динмагомедов ҳам борган. У отамнинг соч-соқолини бироз тўзтиратиш учун сартарошхонага олиб кирган. Ражаб атайин қилганми ёки русчалаб мақсадини тўғри ифода қила олмагани ишқилиб, саргарош отамнинг устара кўрмаган соқолини қиртишлаб олиб қўйган. Отам пинакка кетганми, буни кечроқ билган. Ойнага қараб бегона одам киёфасини кўрганда бақириб юборган, қўллари билан юзини бекитганча сартарошхонадан отилиб чиққан. Шу қўйи съезднинг бошқа мажлисларида қатнашмаган. Одамлар кўзига шундай киёфада кўринишга уялган.

– Мен шунча йил яшаб ўз киёфамни ўзгартирмадим, – деган эди кейинчалик отам. – Қандай қилиб шеърларимда ўз киёфамни ўзгартиришим мумкин?!

Отам ҳаётда ҳам, шеърларида ҳам ортикча дабдабани ёқтирмасди. Фақатгина бу муддат ўзгача одатни ихтиёрсиз равишда бажарган.

ЭСДАЛИҚДАН: Маҳачқалъа га отамни кўргани овулдан кадрдонлари келди. Улар отам бошқачароқ ҳолатда беўхшов ўтирганини дарҳол пайқашди. Чунки Ҳамзат Цадаса учта бармоғини иягига тираганча ўтирарди. Тоғликлардан бири ундан сўради:

– Биз сенинг учта бармоғингни иягинга тираб ўтирганингни ҳеч кўрмагандик. Қачон бундай одатни ўргандинг, нима учун бундай қилаяпсан, билмадим. Лекин сенга бундай ўтириш ярашмайди. Ҳамзат, бу одат сенга ўхшамабди.

– Сен хаксан, – деди отам. – Қанийди, бу одатимни тезроқ унутсам. Бунга Муҳиддин Жамол деган рассом сабабчи бўлган. У уч ой давомида менинг расмимни чизди. Мен шу уч ой давомида унинг каршисида учта бармоғимни иягимга тираганча ўтирдим. Рассом шундай ўтиришим кераклигини айтди, мен унинг истагини бажардим.

– Сенга жуда кийин бўлгандир?

– Чордона куриб канча ўтирсам чарчамас эдим, лекин иягимга учта бармоғимни тираб туриш роса чарчатди. Баъзан учта бегона бармоқ менинг иягимни ниқтаб тургандай туюлди. Баъзан менинг учта бармоғим бегона иякни ниқтаётгандай туюлди. Уч ой бир ҳолатда ўтираверганимдан кейин кўникдим. Сурат аллақачон битди, уни деворга ҳам осиб қўйдик. Лекин мен ҳамон иягимга учта бармоғимни тираб ўтириш одатимни унута олмаяпман. Юраги оғриб гурадиган одам, юраги санчмаса ҳам гоҳ-гоҳ кўлини юраги устига қўйишга одатланиб қолгандай. Мендан хавотир олманглар, албатта, бу одатни ташлайман.

ОТАМНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИДАН: Мен дафтарчани варақлар эканман отамнинг сунъий тиш қўйдиришга бағишланган хотираларига кўзим тушди.

Доктор Ҳамзатдан қандай тиш қўйганим маъкулроқ, деб сўраган: олтинми, кумушни ёки пўлат? Бу саволдан ўйланиб қолган отам жўяли маслаҳат олиш илинжида ёнидаги дўстларига қараган.

– Олтин яхши, – дея маслаҳат берган битта дўсти. – Олтин – хосиятли металл.

– Пўлат мустаҳкам, – дея маслаҳат берган иккинчи дўсти. – Пўлат қаттик, ёйилиб кетмайди, кўпга чидайди.

– Нима деяпсизлар? – эътироз билдирган Ҳамзат. – Агар мен овулга олтин ёки пўлат тиш билан қайтсам, одамлар оғзимга қараб «Бу тишми ёки фонус?» дейишмайди. Бундай тишлар менинг юзимга соя салади. Суякли тиш қўйиш мумкин эмасми, одамлар менинг янги тиш қўйганимни билишмасди. Шундай тиш қўйдиришга розиман.

Доктор отамнинг илтимосини инobatга олиб, ўзининг тишларига ўхшаш сунъий тиш қўйган.

Кейинчалик шеърларида ўзгачароқ руҳдаги ёки бошқаларникига сал ўхшаб кетадиган мисралар пайдо бўлганда, отам шундай деганди:

– Бу мисраларга сунъий тишларимнинг нуқси урган.

Албатта, олтин тишлар билан ҳам олмани чайнаш мумкин, лекин табиий тишингдай олмани қарсиллатиб тишлаб, мазасини туя олмайсан.

ЭСДАЛИҚДАН: 1947 йили Маҳачқалъа театрида Ҳамзат Цадасанинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан қатта тантанали кеча ўтказилди. Кўплаб табрик нутқлари сўзланди, кўплаб шеърлар ўқилди, кўплаб совғалар тақдим этилди. Ниҳоят, таваллуд гўйини нишонлаётган отамга сўз навбати берилди. Ҳамзат хотиржам минбарга яқинлашди, хотиржам кўкрак чўнтагига қўл солиб бир кун аввал тайёрлаб қўйган нутқи матнини олди, хотиржам кўзойнагини олиш учун иккинчи чўнтагига қўлини солди...

Хотиржам турган отам бирдан безовталанди, шошиб-пишиб, бошка чўнтаklarини ковлай бошлади. Ҳамма билдики, Ҳамзат кўзойнагини уйда унутиб қолдирган.

Дарҳол кўзойнакни олиб келиш учун одам жўнатилди. Лекин Ҳамзат минбарда, нима килишини билмай қараб турарди. Вазиятдан чиқиш учун дўсти Абутолиб унга ўзининг бир мунча мос келадиган кўзойнагини берди. Отам Абутолибнинг кўзойнагини тақиб, маттни ўқиб бошлади. У ўзининг шеърини ўқирди, аммо овозида, туришида қатъиятсизлик яққол сезиларди. Гўё отам ўзининг шеърини эмас, бировнинг шеърини ўқийтгандай, гўё биринчи бор шеърни кўриб тургандай ҳаяжонланарди. Отам иккинчи шеърини ўқишга чоғланаётган вақтда кўзойнакка кетган бола залга кириб келди. Ҳамзат дарҳол Абутолиб кўзойнагини ечиб, ўзининг кўзойнагини тақди. Бирдан отамнинг комати ростланди, овози дадил жаранглади. Залдагилар отам ҳозир минбарга чиқиб шеър ўқигандай, гулдурос қарсақлар билан олқишлашди. Гўё бунгача минбардан Ҳамзат Цадаса эмас, унга ўхшаш одам турганди.

– Кўзойнагим тўйимни бузишига сал қолди, – деди жилмайиб Ҳамзат.

– Менинг кўзойнагим сенга ёқмадимми? – дея гапини бўлди Абутолиб.

– Сенинг кўзойнагинг ҳам яхши экан. Лекин у сенинг кўзойнагинг-да. Ҳар бир одамнинг ўз кўзи бор, демак кўзойнаги ҳам ўзиники бўлиши керак.

Отам кўзга ярқ этиб ташланадиган рангни ҳам, эътиборни тортмайдиган кўримсиз рангни ҳам ёқтирмасди. У жуда куюкни ҳам ва жуда суюкни ҳам, жуда қоқоқни ҳам ва жуда илғорлаб кетганини ҳам ёқтирмасди. У бўридаги ваҳшийликни ҳам ва қуёндаги кўрқокликни ҳам, зулмкор бошқарувни ҳам ва қулдай тобеликни ҳам ёқтирмасди. Баъзан у тақрорлаб кўярди:

– Ҳасдай қуриб қолма, синдиришади. Пол латтадай жуда ҳўл бўлма, сиқиб сувингни олишади.

Менинг отам бир томчи ёмғирга шалаббо бўладиганлар ёки бир пуфласа қуриб қоладиганлар тоифасига кирмасди. Ҳамзат Цадаса оддий меҳнаткаш эди, унинг қалбида авар халқининг шаъни ва кадрятлари яшарди, у шу фазилатларни пок сақлашни ўзига шараф деб биларди.

ЭСДАЛИҚДАН: Бир куни биз отам билан Маҳачқалъа дан овулдаги касал қариндошимиздан кўнгил сўрагани борадиган бўлдик. Бизнинг тоққа отланаётганимизни эшитган Доғистон ҳукумати бошлиғи Абдурахмон Дониёлов қора рангли ЗИМ хизмат машинасини берди.

Шаҳар кўчаларида кетаётган вақтимизда отам хотиржам эди. Аммо машинамиз шаҳардан ташқаридаги йўлда пиёдаларни, эшакда, аравада, отда кетаётган тоғликларни қувиб ўтаётганда отам юмшоқ ўриндикда ўтирган бўлишига қарамай безовталана бошлади. Мен ёш бўлганим учун ойнадан бошимни чиқариб қандай машинада кетаётганимни кўрсатиб қўйгим келар, отам одамларнинг кўзига кўринмаслик учун ўриндикка тобора чўқарди.

Ёмғир ёғарди. Сойга яқинлашганимизда бир чолнинг араваси сувнинг ўртасида тикилиб колганини кўрдик. Отам дарҳол машинани тўхтатди, сойга тушиб чолга ёрдамлашди. Улар биргаликда ҳўкизларга хай-хайлашди, араванинг ғилдиракларидан итаришди. Тезда аравани текис йўлга чиқаришди, биз йўлда давом этдик. Бир неча километрдан кейин яна битта сойга дуч келдик. Отам машинани тўхтатиб аравада келаётган чолни кута бошлади.

– Чолнинг араваси бу сойда ҳам ботиб қолади. Мен бу сойдан аравани қандай ўтказиш кераклигини биламан, чолни кутиб унга ёрдамлашаман.

Чиндан ҳам чолнинг араваси сойнинг ўртасига борганда тўхтаб қолди. Отам ҳўкизларни усталик билан бошқариб аравани сойдан ўтказди.

– Бўйноқдан токка юк ташиганимда бу сойдан кўп кечганман, – деди отам кўлини кийимига артиб машинага чиқар экан. Кейин худди шу арава билан ўтган умри, ёшлиги бирга кетаётгандай унга қараб маънос жилмайди.

Хунзах овули тепалигига кўтарилаётган вақтимизда машинамизга юк машинаси урилиб кетди. Отам бахтсиз ҳодисадан озор чекмади. Машинадан тушиб, овулга шахдам қадамлар билан пиёда жўнади. Биз бироз кутиб туришини, ғилдиракни алмаштиришимизни айтдик.

– Ҳатто овулдаги тўйга ҳам бундай машинада боришим ярашмасди, касал қадронимни кўргани бораётганимда бундай томошанинг ҳожати йўқ. Мен машинанинг бузилиб қолганидан хурсандман, овулга пиёда бораман.

Отам болагидан таниш, тоғликларнинг қанча авлоди ўтган сўқмоқ бўйлаб овулга йўл олди. Биз машинанинг ғилдирагини алмаштириб, қатта айланма йўл билан овулга жўнадик. Машинада бўлсак ҳам отам билан бир вақтда овулга кириб бордик.

Маҳачқалъа га келган вақтимизда Абдурахмон Дониёлов йўлдаги ҳодиса тўғрисида ташвишланиб сўради. Отам ҳазил аралаш деди:

– Машинанг жуда яхши экан. Кўз тегди, шекилли. Сал бундайроқ бўлганда, ҳеч нарса рўй бермасди...

ЭСДАЛИҚДАН: Отам умрининг охириги йилларида оғир касал бўлиб қолди. Қасалик унга ҳеч қутилмаганда, токка сайловчилар билан учрашувга борган вақтида ёпишди. Навбатдаги сайлов яқинлашаётгани, Ҳамзат Цадасанинг ҳам номи депутатликка номзодлар рўйхатига киритилгани.

Туман марказигача машинада кетдик, тоғдаги овулга оғда боришимиз керак эди. Отам ювош, бўйсунадиган отларда юришни ёқтирарди. Одатда у пиёда, отни етаклаб юрарди. У кўпроқ пиёда юришни афзал кўрарди.

Маҳаллий ҳукумат жиддий ҳозирлик кўрганди. Бўлажак депутатга энг чопқир отни рўпара қилишди. Уларни айблаб бўлмайди. Ҳўрматли меҳмонга тумандаги энг чопқир отни муносиб кўришганиди.

Етмиш икки ёшга кирган отам мезбонларни ранжитиб кўймаслик учун ёшлик йилларини эслаб, отга сакраб минди. Ёш чавандозлар қуршовида турган от минган оппок соқолли шоир ҳудди ноиблари орасида турган имомга ўхшарди.

Буйруқ берилиши билан ёш чавандозлар Ҳамзат Цадасанинг келаётганини билдириш учун турли овулларга от чоптиришди. Отлар бирдан ҳаракатга келганини кўрган Ҳамзат Цадасанинг оти ҳам уларга кўшилиб чопиб кетди. Отам отни бошқара олмай колди ва телба пойга бошланди. Ҳамзат Цадасанинг олдин кўнгли айниди, кейин аҳволи тобора ёмонлашди, охири отдан кулаб тушди. У Маҳачқалъа га касал ҳолда кайтди ва бу касаллик отамни умрининг охиригача кўйиб юбормади.

– Шеърда ҳам баъзан шундай бўлади. – деди отам йўталиб. – Шоир ўзи билган, ўрганган отида юриши лозим. Ўзи билмаган, синалмаган тулпорга минмаслиги керак. Ўзганинг тулпори эгардан улоктириб ташлайди.

Отам хақида узок ҳикоя қилишим мумкин. Энди унинг дўсти Абутолиб хақида ёзгим келаяпти. Тўғрироғи, Абутолиб билан ўтказган бир куним хақида ҳикоя қиламан.

АБУТОЛИБ БИЛАН ЎТКАЗГАН КУНИМ. Қандайдир сабаб билан охиригача ёзилмаган ёки тугамай қолган шеърни ниҳоясига етказиш учун қайтадан ижодхонага келиб ўтириш қийин кечади. Тоғлиқлар бежиз айтишмайди: қолган ишга қор ёғади. Яна улар айтишади: бақанинг думи йўқлигининг сабаби – унга дум кўйишни эртанги кунга қолдирилганида.

Эрталабдан икки ҳафта илгари бошлаган узун шеъримни ниҳоясига етказишни ният қилдим. Олдинда машаққатли ижодий меҳнат тургани учун уй хизматчимиз Фросяни огоҳлантирдим: агар қимдир сўраб келса, мен уйда йўқман. Зарур иши бўлса тушдан кейин келсин.

Вазифани топшириб хотиржам болохонага чиқдим ва ижодни бошлашга чоғландим. Барибир, кўчанинг шовқини эшитилиб турарди. Мана дарвозамиз ғийкиллаб очилди. Бироздан кейин уй кўнгироғимиз жиринглади. Мен Фросянинг овозини эшитмадим, лекин Абутолибнинг баланд товуши қулоғимга келди. Ўша захоти ўтирган стулим мисоли қизиган товага ёки тиканакка айланди. Ҳали Абутолиб Ҳамзат Цадаса уйдан, ҳозирда Расул Ҳамзатов уйдан йўқ жавоби эшитмаган ва азиз меҳмон бўлмасдан қайтиб кетмаган. Бундай бўлмаган ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен қийин аҳволда қолдим: Абутолибнинг қайтиб кетишига йўл кўймаслигим шарт ва Фрося ҳам ёлғончи бўлиб қолмаслиги керак. Ахир, Фрося илтимосимни сидқидилдан бажариб, Абутолибга уйда йўқлигимни, факат тушдан кейин келишимни айтиб бўлганди.

Мен ортикча фикр-мулоҳаза қилмай юрак амрига бўйсундим. Деразадан бошимни чиқариб, отамнинг қадрдонига овоз бердим:

– Абутолиб, кираверинг, мен шу ерданман.

– Мехрибон, Оллоҳим! Наҳотки, Ҳамзат Цадасининг ўгли қарзини сўраб келганлардан бекинса, – дея Абутолиб бўркини қўлига олди ва Фросянинг ёнидан ўтар экан унга урилиб кетди. – Расул, мана бу аёлга айтиб қўйгин, Абутолиб бу уйга келганда дарвоза ўз-ўзидан очилади ва сен Расул доим уйда бўласан. Агар сен бўлмасанг ҳам Абутолибга еб-ичишга, керак бўлса дам олишга жой берилади.

– Фросянинг айби йўқ. Фотимат ишга кетаётганда, унга мени уйда йўқ деб айтишини тайинлаб кетган.

– Яхшиям, хотинлар бор. Керак пайтда ўз айбингни унга ағдаришинг мумкин. Наҳотки Фотимат, бугун пайшанба эканлигини унутган бўлса, – деди Абутолиб жингалак жули бўркини силар экан.

– Пайшанбанинг бошка кунлардан қандай фарқи бор?

– Пайшанба – менинг ҳаммомга борадиган куним. Эътибор бермаганмисан, ҳар пайшанба ҳаммомга келаман. Ҳаммом эса сенинг уйингнинг ёнида. Истаган вақтимда шундай суҳбатлашиб ўтиришга ёки тамаки чекиш учун киришим мумкин.

– Абутолиб, ҳаммомга тушишингизга ҳожат йўқ-ку. Уйингизда иссиқ сув, ванна бор.

– Ванна ва душ – мисоли қора нон бўлаги. Ҳаммом – мисоли шоҳона зиёфат. Минг йиллардан буён тоғдан оқаётган жилга менинг боғимдан ҳам ўтган. Сувни дарахтлар тагига бошқараман. Мен шунча дарахтни гулчелак ёки чўмичда сув ташиб суғора олармидим? Ҳаммом тоғдан оқаётган жилгага, ванна ва душ эса гулчелак ва чўмичга ўхшайди. Расул, сен бу гапларингни болалар шоири Нуриддин Юсуповга айт. Айтишларича, ҳозир у кўгирчоқ театри учун сценарий ёзаётган экан. Кўгирчоқлар учун жуда кетади.

– Ҳаммомдан кейин аччиқ чой ичиш ховурни олади. – дедим Абутолибни йўлакдан уйга таклиф қилар эканман.

– Аччиқ чой ичиш яхши, ёнида қайнатма шўрва бўлса ундан ҳам яхши, вино бўлса ҳам ортиқчалик қилмайди, агар тоза ароқ бўлса янада яхши.

– Қайнатма шўрва бор, фақат кечаги. Эрталаб бўлгани учун янгисини бошлашга ҳали уринишмаган.

– Кечагисидан бошлаб турамиз, унгача янгиси ҳам тайёр бўлиб қолади.

Фрося дастурхонни тузаётган вақтда мен ичкилик терилган буфетимни очиб мактандим. Унда хориждан олиб келинган турли чиройли шишаларда ром, коньяк, жин, виски, кальвадос, абсент, вермут, уникум каби тоза ичкиликлар бор эди. Коньякнинг бир неча хили қаторлашиб турарди.

– Абутолиб, танланг. Қайсинисидан ичасиз?

– Расул, сен бу нотаниш шишаларингни қўтур. Агар қуйиб бериш ниятинг бўлса, ўзимизнинг ароқдан оч. Ароғимизнинг нимаси яхши: биз уни биламиз, муҳими у бизни билади. Эҳтимол, сен кўрсатаётган бу ичимликларнинг мазаси яхшидир, лекин бу шишадагилар узоқдан келтирилган. Улар менга тушунарсиз тилда гапи-

ришади, мен ҳам улар тушунмайдиган тилда гапираман. Сийратимиз ҳам, сура-тимиз ҳам ҳар хил. Биз бир-биримизни умуман билмаймиз. Бу шишалар нотаниш меҳмонга ўхшайди. Улар билан аввал танишишимиз, суҳбат қуришимиз, дастурхон атрофида бир муддат туз тотимиз керак. Барибир, бир-биримизни тўлиқ тушун-масак ажабланмайман. Яхшиси, сен бу шишаларингни москвалик дўстларингга асраб қўй. Ёки уларни туғилган уйда онаси тайёрлаб берган овқатларнинг ширин тотини унутиб юборганларга қўйиб берарсан.

Аксига олиб уйимизда оддий ароқ қолмаган экан. Мен ўзимни худди магазинга ароқ олиб келишга чиқиб кетаётган кишига ўхшаб тутдим. Ўйладимки, ташқарида ёмғир ёғиб совуқ шамол эсаётгани ва уйда ичкилик сероб бўлгани учун Абутолиб йўлдан қайтаради. Ахир, уйда француз асл коньяклари қаторлашиб турганда, шун-дай хавода кўчага ароқ олиб келишга чиқишга ҳожат борми?

Чиндан ҳам Абутолиб мени шаштимдан қайтаришга уринди:

– Расул, сочингга ок тушган бўлса ҳам ҳали ғўр экансан. Ароққа ўзинг боришинг шартми, ё бу жойда сендан ёшроқ йўқми? Ташқарига чиқиб, қўшнингнинг боласига айт, олиб келади. Мен ҳеч қаёққа шошаётганим йўқ, олиб келишини бемалол қутаман.

Абутолиб маслаҳатига кулоқ солдим. Чиқиб қўшнимизнинг боласига пул бердим, у магазинга чопиб кетди. Шу вақтда Абутолиб ён-атрофга зимдан назар ташлади.

– Уйингда тоғлик меҳмонлар кўринмайди. Наҳотки, уйингда битта ҳам меҳмон бўлмаса?

– Бугун ҳеч ким йўқ.

– Менинг дўстим, сенинг отанг Ҳамзат бор вақтида бу уйдан меҳмонларнинг қа-дами узилмасди. Меҳмонларнинг борлиги нима учун яхши? Чунки уларда ҳаминша тамаки бўлади.

– Уйда чекимлик бор, – дедим-да, сигарета ва папиросларнинг турли хиллари-дан олдим.

– Бу оппоқ найчали сигареталаринг хуморимни босмайди. Буларни москвалик танишларингга асра. Менга бўлса ўзимизнинг аччиқ тоғ тамакисидан бер. Начора, ўзимнинг тамаки халтамни оламан, шекилли.

Абутолиб белига кистирилган тамаки халтасини олиб очди. Қоғоз парчасига та-макидан эзгилаб солди, шошмасдан силаб айлантирди, қоғоз чеккасини тили билан ҳўллаб, дид билан ёпиштирди.

– Бу қўлбола ўралмани сенинг сигареталарингга алишмайман. Ҳар ким ўзига мос ўралма тайёрлайди. Шундай ўралмани фақат мен ўрайман. Сенинг сигарета-ларинг бир-бирига ўхшайди. Энди ўзинг айт: қайси биридан кўпроқ ҳузур қила-сан? Тайёр сигарета олиб чекишданми, ё ўзинг ўраган тамакини чекишданми? Мен тамакини ўраётган вақтдаёқ шавқ туя бошлайман. Нега мен ўзимни-ўзим шундай шавқ туйишдан маҳрум этишим керак?

Мен хориждан олиб келган ўт олдиргичимни чиркиллашиб ёқдим. Абутолиб олов тутган қўлимни сурди. Чўнтагидан бир бўлак пўлат ва октош олди. Пиликни тош устига қўйиб, мўлжаллаб пўлат билан ура бошлади, учқунлар сачради. Кейин пуфлаб пиликни чўлгантирди ва ўралмани тутатди. Тутаётган пиликни бурнимга яқинлаштириб деди:

– Ҳидла, қандай хиди бор-а? Яхшими? Сенинг ўт олдиргичингнинг қанака хиди бор?

Абутолиб бир муддат тамаки тутуни орасида йўқолди. Тутун таркагач, секин сўради:

– Айт-чи Расул, нима учун сочинга оқ тушган?

– Билмайман, Абутолиб.

– Мен нима учун сочимга оқ тушганини биламан.

– Билсангиз, айтинг.

– Менинг сочим болаларимнинг магазиндан ароқ олиб келишини кута-кута оқарган. Ҳа, Расул, болалар ота-оналарининг хавотир олишганини ўзлари ота-она бўлишмагунча тушунишмайди. Худди шундай ҳозирги ахволимни ичмайдиган одамга тушунтиришим кийин. Ҳар доим ароқка ичадиган одамни жўнатиш керак, шунда узок куттирмайди.

Бу вақтда Фрося дастурхонни тузатиб бўлди. Кечикиб бўлса-да, дастурхон ўртасидан ароқ жой олди.

– Уф, – деди Абутолиб, – бунинг дехконлар орасида турган сурхинлик раисдай савлат тўкишини қара. У шишани қўлига олиб эркалади: – Оҳ-оҳ, бунинг гердаиб туришини қара. Буни олиб келган йигитнинг ҳам диди чакки эмас экан.

Бирдан Абутолибнинг столга қўйилган кичик рюмкаларга кўзи тушиб, уларга тикилиб қолди. Кейин тиш оғриғи зўрайган одамга ўхшаб, пешанасини тириштирди. Битта рюмкани қўлига олиб, у ёқ-бу ёғига обдан қаради. Рюмка ёкмаётганини ошкор билдириш учун унинг ичига тамаки қолдиғини солгиси келаётгани шундок юзидан кўриниб турарди.

Мен грузиялик дўстим совға қилган шохни олиб, Абутолибга узатдим. Кекса шоир шохни диққат билан кўздан кечириб, охири баҳосини айтди:

– Яхши шох экан. Агар унда кумуш безак бўлмаганда бундан ҳам яхшироқ кўринарди. Худди куёвнинг зар белбоғига ўхшаш ортиқча даҳмаза. Ахир, шу кумуш безак билан шохнинг ичидаги ароқ ўткир, ичимлироқ бўлиб қолмайди. Расул, бунингни жойига қўй, менга қўлим ушлашга ўрганган битта оддий стакан бер. Мен стаканда неча қултум борлигини ва қаерда тўхтатиш кераклигини биламан.

Абутолиб истагини бажо келтирдим. У ароқни қўйди, стаканга бир бўлак нон ташлади ва даргин тилида деди:

– Дерҳаб!

Кейин бир кўтаришда стаканни бўшатди ва қўшиб қўйди:

– Ичишдан олдин, албатта, «дерҳаб» дейиш керак. Бу сўзнинг маъносини тушунтириш кийин. Эҳтимол, жуда чуқур маъноси ҳам йўқдир. Лекин «дерҳаб» нима ни англиштириш шундай ҳам тушунарли.

Стулга қулай ўтириб олгач, Абутолиб шўрвали тарелкани ўзи томон тортди. Гўштини олиб бошқа тарелкага солди, шўрвасига нон тўғради. У шошмасдан ҳар бир қошиқдаги овқатнинг таъмини туйиб тановул қила бошлади. Вақти-вақти билан гўштни қаламтарошида кесиб, бўлакчасидан оғзига ташлаб турди. Ўйлашимча, Абутолиб гўштни чўнтак қаламтарошидан бошқа нарсада, масалан, тилла санчқида оғзига ташлаган тақдирда ҳам бундай маза қилмасди.

Шўрва ва гўштни еб тугатгандан кейин Абутолиб дастурхонга тўкилган ушоқларни териб оғзига солди. Яна озгина ичди ва мўйловини бураб қўйди.

– Энди чой куйиб берайми?

– Энди менинг чойим – яна тамаки. Қани, Расул, айт-чи, папирос бошқа нарсалардан нимаси билан фарқ қилади?

– Билмадим.

– Бошқа нарсалар тортсанг узаяди, папиросни тортсанг кискаради, – деди у ва ўзининг жайдари фалсафасидан мамнун ҳолда жилмайди.

– Абутолиб, кўп чекиш соғлигингиз учун зарарли.

– Қорни тўйгандан кейин ҳоқонлар ҳам чекишади, дейишади.

Чекиб бўлгач, у дабдурустдан сўради:

– Бошқарув йиғилиши қачон бўлади?

– Эртага.

– Билмайсанми, бу сафар Зайниддиннинг Адабиёт жамғармасига берган ариза-си кўриб чиқиладимиз?

– Билмадим, бунинг сизга нима қизиғи бор?

– Сенга бир воқеани сўзлаб берайин. Болалик пайтимда бузук боқардим. Мен қарайдиган бузуклар жуда ювош эди. Яйловда яшил майсада Куёшга қараб ётардим, бузуклар узокка кетмасдан ўтларди. Хуллас, ҳамма хурсанд: мен ҳам, бузуклар ҳам, уларнинг эгалари ҳам. Бир куни кўзим илинганда ярамас бузук қўшилиб қолиб, бузукларни сулизорга бошлаб кетибди. Шу билан менинг осойишта кунларим тугади. Кунларим бузукларни сулизордан қайтариш билан ўтди. Худди шундай шоирларимиз Адабиёт жамғармасининг ёрдам пулига мазахўрак бўлиб қолишмадимиз? Улар Адабиёт жамғармаси ёрдам пулининг ҳидини билишмагунча тинчгина шеърларини ёзишарди, китобларини чиқаришарди. Қайси бири аввал бу ишни бошлади, билмайман, бузуклар сулизорга интилгандай, ҳозир ҳаммаси Адабиёт жамғармасининг ёрдам пулига кўз тикишган. Ҳозир улар шеър ёзишни эмас, кўпроқ Адабиёт жамғармасини ўйлашади. Эрталаб уйқудан туриши билан хаёлида шеър ёзиш эмас, моддий ёрдамга ариза ёзиш бўлади. Хулласи калом, мен ҳам шунга ўхшашроқ ариза ёзмокчиман, уни эртага Бошқарув йиғилишида муҳокама этинглар.

- Абутолиб, сиз нимага мухтож бўлиб қолдингиз?
- Биласан, сани менинг танамни бирор доктор кўрган эмас. Барибир соғлигимни тиклаш учун санаторийда дам олиб келмокчиман.
- Санаторийга бериладиган йўлланма чўнтагимда, деб хисоблашингиз мумкин. Лекин Ёзувчилар уюшмасига ариза ёзганингиздан кўра Доғистон Олий Кенгашига мурожаат қилганингиз яхши эмасми? Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси бўлсангиз. Ҳукумат санаторийсининг шароити ёзувчилар санаторийсиникидан яхшироқ.

У бошини чайқаб, тили билан тақиллатди. Одатда у бундай тил тақиллатиши билан хурсандчилигини, ранжиганини ёки хайратини ифодаларди. Айни пайтда у норозилигини ифодалаётган эди:

- Расул, бундай қилиш яхши эмас. Биринчидан, мени Олий Кенгаш депутатлигига вақтинчаликка – тўрт йилга сайлашган. Ёзувчилик эса бир умрлик хунарим. Иккинчидан, ҳар қандай санаторийнинг ҳам ўзига хос камчилиги бор. Шундай экан, кейин мен камчилигини айтиб қайси бирини сўкканим афзал: Ёзувчилар уюшмасинини ёки Олий Кенгашини?

- Унда аризангизни ёзиб беринг, эртагаёқ муҳокамага қўяман.
- Мен ҳеч қачон ариза ёзмаганман. Аризани Мирза ёзиб беради. Сизлар йўлланмани тахт қилиб қўйинглар.

У шу сўзларни айтиб, ўрндан турди ва кетишга чоғланди.

- Абутолиб, энди йўл бўлсин.
- Нашриётга бораман. Айтишларича, китобим чиқибди. Кўрай-чи: ўғилми, киз?
- Кечкурун педагогика институтига келинг. Ёзувчиларнинг талабалар билан учрашуви ўтказилади.
- Яхши, бораман. Сурнайимни ҳам олайми?
- Оббо, Абутолибей. Сиз сурнайчи эмас, шоирсиз. Яхшиси, китобларингиздан олинг.

– Кўришгунча, – деди Абутолиб ва индамай кетди.

Қизлар ўқийдиган педагогика институтидаги адабий кеча кечкурунги соат еттига белгиланди. Унга Доғистондаги турли миллатга мансуб шоирлар таклиф этилганди. Роппа-роса соат еттида атрофга қарадим, Абутолиб кўринмади. Адабий кечани бошладим. Минбарга бирин-кетин шоирлар чиқишди, ўз тилларида шеър ўқишди. Кимдир лак, кимдир қўмик, кимдир лезгин, кимдир авар тилида. Қайсидир ёш шоир шеър ўқийдиган вақтда ҳеч қутилмаганда қарсақ янгради. Саҳна пардаси четидан Абутолиб Гафуров кўриниш берибди, қизлар уни олқишлаётган экан.

Яна иккита шоирга навбат бергач, Абутолибга тайёрланинг дегандай ишора қилдим. Абутолиб худди суратга тушаётган одамга ўхшаб бирдан жиддий киёфага кирди, мўйловини бураб қўйди. «Кўряпсанми, тайёрланыпман», дегандай менга қаради.

Абутолиб Доғистондаги барча миллат тилларини оз-оздан биларди, қизларга русча, аварча ва лакча сўзлади. Кейин лак тилида иккита шеърини ўқиди. Шу би-

лан ўз чиқишининг адабий қисмини тезгина, созгина тугатди. Ахир, асосий қисмга кўпроқ вақт қолиши керак-да. Абутолиб қўлларини ёзиб кизларнинг олқишини тўхтатди ва сўради:

– Истайсизларми, мен сизларга сурнай чалиб бераман.

– Сурнай чалиб беринг, – дея кизлар хар томондан қийкиришди.

Шуни кутиб турган Абутолиб парда орқасидан сурнай ва найини олиб келди. Уларни бир-бир секин чалиб кўрди. Барча бу созларни текшириш машки эканлигини сезиб турарди. Созларининг сайрашига амин бўлган Абутолиб столдаги сув солинган стаканни олиб сурнайига куйди ва деди:

– Ўзинг сув ичишдан олдин отингнинг чанкогини кондир, дейишади тоғликлар.

Ўзинг ичишдан олдин сурнайингни тўйдир, дейишади тоғлик сурнайчилар.

Абутолиб у томонга-бу томонга муком қилиб сурнай чала бошлади. Сурнай навосига кизлар қийкириги ва шўх ракси уланиб кетди. Ўша кечқурун бутун Маҳачқалъага Абутолиб сурнайининг товуши етган бўлса ажаб эмас.

У саҳнадаги жойига келиб ўтирар экан соддадиллик билан сўради:

– Яхши чалдимми?

– Яхши.

– Нега унда номига қарсақ чалдинг? Қани, бошқатдан яхшилаб қарсақ чал.

Абутолибнинг бу сўзи залда хандон кулги уйғотди. Тўғриси, адабий кечани олиб борувчи сифатида Абутолибдай ажойиб шоирнинг сурнайчи ролида чиқиши ёкмаганди. Бу рус шоири Сергей Есениннинг адабий кечада шеър ўқиш ўрнига ракс тушишидай бир гап. Балки Есенин ракс тушишни ҳам котиригандир. Лекин ҳамма нарсанинг ўз вақти бор. Менинг қовоқ солиб ўтирганимни кўрган Абутолиб хазил аралаш шундай лўкма ташлаганди.

Биз кизлар олқишлари остида кенг зинаюдан гардеробга тушдик. Мен пальтомни кийиб, ойнага яқинлашдим. Ўша йилларда кенг елкали пальтолар урф бўлганди, менда айнан шундай пальто эди. Абутолиб менга қараб бошини чайқади:

– Илгари елкалар думба ейишдан, яъни яхши таомлар тановул қилишдан кенгайган, ҳозир елкаларни пахта тикиб кенгайтиришга ўтишди. Илгари шеърлар соз жўрлигида қуйланган, ҳозир қоғозга қараб ўкилаяпти. Дунёда кўп нарса ўзгариб кетди. Бу менга ёкмайди.

– Абутолиб, нега адабий кечага кеч қолдингиз?

– Энди йўлга чиқай деб турганимда авар театридан бир артист ховликиб кириб келди...

– Сиз авар театрига нега керак бўлиб қолибсиз?

– Уларнинг бугунги кўядиган спектаклида тўй саҳнаси бор экан. Биласан, ҳозир хар бир спектаклга тўй саҳнаси қўшилаяпти. Театрнинг сурнайчиси касал бўлиб қолибди. Сурнайсиз тўй, тўй бўлармиди?! Улар мени сурнай чалиб бериш учун чақиришибди. Атиги ўн дақиқага. Спектакль бошлангунча, тўй саҳнаси келгунча вақт ўтиб

кетди. Шундай иккита кўшиқ айтдимки, томошабинлар спектаклни унутиб фақат мени тинглашди. Агар тун бўйи куйласам ҳам улар мени тинглашга тайёр эди.

– Мен машҳур шоир ва Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси Абутолиб Ғафуров ўрнида бўлганимда, театрга сурнайчи ролини ижро этиш учун бормасдим.

– Абутолиб нима қилиш кераклигини, нима қилмаслик кераклигини сендан яхшироқ билади.

– Нашриётга бордингизми, китобингиз чиқибдими?

– Оллоҳга шуқур, китобим чиқибди. Оллоҳга шуқур, озгина гонорар олдим. Оллоҳга шуқур, қарзларимдан қутулдим. Оллоҳга шуқур, бозордан фоз сотиб олдим.

– Зиёфат қилиб бермоқчимисиз?

– Кимга?

– Мухаррирга, рассомга, ҳисобчига, умуман, китобингизни нашрга тайёрлаганларга.

– Мухаррирга зиёфат, – деди истехзо билан Абутолиб, – унга чалпак эмас калтак бериш керак.

Абутолиб халқ иборасини ўз ўрнида қўлаганидан мамнун ҳолда жилмайди ва деди:

– Расул, эшитишимга қараганда, ўглини суннат қилиш учун ётқизган раҳбарларни ишдан олишгаётган эмиш, партиядан ўчираётган эмиш. Нега шеърни бурда-бурда қилиб, бўлақларга ажратаётган муҳаррирларни ишдан ҳайдашмайди? Шеърларимга қандай муҳаррирлик қилганига қараб, мен уларнинг қайси овулдан эканини бемалол айта оламан. Биз лакларда, ҳар қайси овулнинг ўз шеvasи бор. Хуллас, муҳаррир шеърларимни ўз овулининг шеvasига таржима қилибди. Кейин Абутолиб бир муддат тин олди ва яна жилмайди: – Менга шартномани қўл қўйдириш учун берган аёл гўзал экан. Жуда гўзал! Мен шу аёлга катта раҳмат айтдим.

– Яна бирон нима дегандирсиз, ё совға бергандирсиз?

– Унга уйда кийшайган идишлари бўлса менга олиб келишини тайинладим. Янгидай қилиб таъмирлашга ваъда бердим.

Абутолибнинг бу гапи адабий кечада сурнай чалганидан ҳам ошиб тушди. Мен девор тагида тўпланган металл қолдиқлари уюмига қараб, истехзоли тарзда қариядан сўрадим:

– Илгаригидай мисгар бўлганингизда, металл қолдиқлари уюми бу ерда ётмасмиди? Сиз уларни йиғиб, уйингизга олиб кетармидингиз.

– Мен уларни олиб кетишга улгурмасдим, – деди соддадиллик билан Абутолиб, – бу металлларни мен келгунча олиб кетишган бўларди.

Қаршимиздан кечга қолган йўловчи келарди. Абутолиб ўйлаб ўтирмай ундан тамаки, гугурт сўради ва чекди.

Нима ҳам дердим, менга Абутолибнинг бугун кўрсатган «томоша»лари ёқмади. Доғистон халқ шоири, Олий Кенгаш Бошқаруви аъзоси, бутун ўлкага машҳур одам саҳнага чиқиб сурнай чалса, нашриёт қотибасига кийшайган идишларингни таъмирлаб бераман деса, ярим тунда Маҳачқалъа кўчасида учраган ўтқинчи йўловчи-

дан тамаки сўраб чекса? Албатта, дилимдан кечган гапларни айтмадим, уни ранжи-тиб қўйишдан чўчидим. Бу гапларнинг ўрнига мулозамат қилдим:

– Абутолиб, қартайиб колдингиз, чекишни ташласангиз саломатлигингиз учун яхши бўларди.

– Ана шунақа-да, бугун тамаки чекишни ташла дейсан, эртага мисгарликни йиғиштир, дейсан, индинга сурнай чалишни тўхтат, дейсан. Бунақада юрагимдан чиқариб ёзмаётганимни сезган шеърларим мени ташлаб кетади. Улар Абутолибнинг мисгар, кашанда, сурнайчи эканини билишади ва шу ҳолимда севишади. Агар мен Абутолибга ўхшамай қолсам, сен айтгандай бошқа одамга айлансам, шеърларимга керакманми? Мен – Абутолиб Ғафуровман! Мен Расул Ҳамзатов эмасман, тамаки чекишни истамайдиган, мисгарликни эплай олмайдиган, лекин Ёзувчилар уюшмасини бошқаришни уддалайдиган. Шунингдек, мен Юсуф Хаппалиев ҳам, Нуриддин Юсупов ҳам, Максим Горький ҳам ва хатто Зошченко ҳам эмасман...

(Ўша вақтда Зошченкони роса танқид қилишаётганди, шунинг учун Абутолиб унинг номини тилга олганди).

– Тоғ такасига тоғдан бошқа бекинадиган жой борми? Жилға дарадан бошқа қаёққа оқарди? Сен менинг бошимга ўзганинг бўркини кийдирма. Нега сен менинг ўтмишимни қовлаштириб колдинг? Ҳа, мен илгари сурнайчи, чўпон ва мисгар бўлганман. Мен шундай ишлар қилганимдан уялмайман. Ахир, мен ўша вақтда ҳам Абутолиб эдим. Расул, ҳозир сенга айтадиган гапимни эслаб қол: агар ўтмишга тўптончадан ўқ узсанг, келажак сени тўлга тутади! Мен хотинларимни ташлаб кетдим, ёки хотинларим мени ташлаб кетишди. Лекин уддасидан чиқадиган ишларим мени ташлаб кетмайди, мен ҳам уларни ташлаб кета олмайман.

Ҳа, у отамнинг кадрдон дўсти, кекса шоир Абутолибдир. Унинг феъл-атвори шундай ва шундай феъл-атвори билан ҳурматимизга лойиқдир. Агар у феъл-атворини ўзгартирса Абутолиб ҳам, шоир ҳам бўлмай қоларди.

Яхшиси, мен сизга бу ажойиб инсон ҳақидаги бошқа бир воқеани сўзлаб берайин.

АБУТОЛИБНИНГ ЯНГИ УЙИ. Бу воқеа мен Доғистон Ёзувчилар уюшмаси раслигига эндигина сайланган кезларим бўлганди. Раис лавозимининг мажбуриятидан кўра ҳуқуқи кўпроқ, агар ўзингга саргузашт изламасанг, бемалол асосий ишинг – шеър ёзиш билан шуғулланишинг мумкин. Мен ўша вақтда ёш, ғайратли бўлганим учун ташаббус кўрсата бошладим ва янги лавозимга боғлиқ ишларни топдим.

Ўйладимки, ўз уйининг мустаҳкамлигини билмоқчи бўлган одам тўсинларни, устунларни, умуман, таянч қисмларни бир-бир кўздан кечиради. Англадимки, Доғистон Ёзувчилар уюшмасининг таянчи тўрт миллатга мансуб тўртта шоир экан: лезгин Тагир Хрюгский, қўмиқ Али Қозиев, авар Зоҳид Гаджиев, лак Абутолиб Ғафуров. Шунга боғлиқ тадбир ўтказишни режалаштирдим ва тўрт оксоқол шoirнинг Доғистон ҳукумати раҳбари билан учрашувини ташкил қилиш ҳаракатига

тушдим. Шоирлар ҳукумат раҳбарига ўз илтимосларини айтишади, ҳукумат раҳбари шоирларга ўз истакларини билдиришади.

Мана, ҳукумат раҳбари Абдурахмон Дониёлов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Давра суҳбатида расмиятчилик йўқ, бир пиёла чой устида давом этапти. Шоирлар хурсандчилигидан еттинчи осмонда, улар уюшманинг янги раиси Расул Ҳамзатов яхши одам эканлигини тўртта тилда гапиряпти. Дониёловга ҳам машҳур шоирлар давраси ёкиб тушган. У ҳам шундай учрашувни ташкил қилган Расулдан миннатдор.

Жуда ёзилиб Доғистон, ҳаёт ва шеър ҳақида қизгин суҳбат қурдик. Ниҳоят, ҳукумат раҳбари эриб кетиб, ҳар бир шоир ўзининг бирор илтимосини айтсин, деди. Биринчи бўлиб Тагир Хрюгский бошлади.

– Ўрток Дониёлов, ҳар йили қаҳратон киш бошланиши билан тоғдаги қўтонларда кўйларнинг кўпчилиги очликдан, совуқдан ўлиши мени ранжитади. Нахотки, ёзда чўпонларга ёрдамчилар юбориб, кишга кўпроқ пичан ғамлаш мумкин эмас.

Дониёлов шоир гапларини дафтарига ёзиб олиб, яна сўради:

– Бошқа илтимосингиз йўқми?

– Яна, Хрюг овулидаги хўжаликка битта автомашина ажратишнинг иложи борми?

Сўз навбати Али Қозиевга келди. Қозиев оғзини очиб бизга, шу жумладан ҳукумат раҳбарига чирик тишларини кўрсатиб деди:

– Овқатни чайнашга ҳам қийналяпман. Менга яхши, янги тиш қўйдиртириб бериш мумкинми? Тишсиз оғиз билан яхшилаб кўшиқ айтиб бўлмаса. Шеър ўқисам, оғзимдан сўзларнинг харфи тушиб кетяпти.

Шу захоти Қозиев тиши тушган оғиз билан шеър ўқиш қийинлигини намойиш этди. У Ҳасавюрт шаҳар бошлиғига мурожаати битилган шеърини ўқиди. Шеърда кекса шоирнинг уйига кўмир сўраб ёзган илтимосномаси таъсирчан сўзларда ифодасини топганди.

– Сизга кўмир беришдими? – сўради Дониёлов.

– Бу ишни ўтган йилдан бери чўзиб келишяпти.

Дониёлов дафтарига ниманидир қайд этди ва биз Зоҳид Гаджиевни тинглашга тайёрландик.

– Ҳозирги ёшлар концертларда қуйлаш ўрнига, нукул бақаришади. Улар бу бақаришлари билан жуда яхши халқ кўшиқларимизни бузишяпти. Янги кўшиқлар ашулаларнинг бақаришига мослаб ёзилапти. Бунга чек қўйиш керак. Айримларида фақат афсоналардаги пари чиройи макталади. Ўрток Дониёлов, уларга айтинг, афсоналардаги пари чиройини эмас, кишлоқ хўжалиги илғорларини мактаб кўшиқ қуйлашсин.

Ўз нутқини тугатган Гаджиев мен томонга энгашиб, қулоғимга шивирлади:

– Эшитишимга қараганда кеча кечқурун Шахтамонов ва Сулаймонов ресторанда вино ичишибди. Ёзувчиларга ичкилик ичишни тақиқлаш керак. Бу масала бўйича сенинг олдинга алоҳида кираман.

Навбат Абутолибга етиб келди.

– Хурматли Абдурахмон, – дея сўзини бошлади Абутолиб, – менинг охирги хотиним яқинда ўғил туҳфа килди.

– Нега энди охирги хотиним?

– Менинг хотинларим кўп бўлган. Нима қилай, газеталарда суратимни босишадди, радиода Доғистоннинг орден олган, депутат шоири деб макташадди. Енгилтабиат аёллар бу мактовларга учади. Маншхур шоир экан, демак, касрда яшайди, сандиғи тўла бойлик, деб ўйлашадди ва менга тегишадди. Кейин кўп қаватли уйнинг ертўласида кун кечираётган қашшоқ Абутолибни кўришадди. Бу уларга ёқмайди ва ташлаб кетишадди. Шунинг учун мен кўп бор уйланганман. Ҳа, хурматли Абдурахмон, менинг қўшиқларим тўрғайлар каби қўкка интилишадди, ўзим эса ҳамон ертўладанман. Мана шу ертўладан қўшиқларимни қўкка учираяпман. Менга ўғил туғиб берган охирги хотиним ҳам агар янги уй олмасам ташлаб кетишини айтди. У ўғлимни бағрига босганча кетади... Абдурахмон, у хали кетмасидан юрагимнинг бир парчаси узилиб тушгандай бўляпти. Менинг оиламнинг бузилиб кетишига йўл қўйма, менга уй бер, токи кастрюлимни плитага миндириб, бемалол овқат қилайин. Ёшим ҳам етмишдан ошди, менинг умр аравам тепага эмас, тоғдан пастга шитоб билан тушаяпти. Агар менга янги уй ажратсанг, унга сени ҳам меҳмонга таклиф қилардим.

Ҳафта ўтмасдан Абутолиб янги уйнинг ордерини қўлига олди. Алвидо, жонажон ертўла! Абутолиб Пушкин кўчасида янги қурилган уйнинг учинчи қаватидаги уч хонали уйга кўчиб ўтди.

Бир куни кўчада Абутолибни учратиб қолдим. У мени кўриши билан ўзини металл уюмидан ниманидир излаётган одамга ўхшаб тутди.

– Ассалому алайкум, Абутолиб! Янги уйда қандай яшаяпсиз, ёқдимиз?

– Неча қундирки қўнғирок излаяпман, уни уйимга осиб қўйиб чалганча Цада овулилик Ҳамзатнинг ўғлини меҳмонга чорлайман. Мен денгизга қараган деразамни уч марта очиб сурнайимни чалдим, сен сурнайимнинг овозини эшитиб меҳмонга келишинга умид қилгандим. Катта қўнғирок топиб чалмасам, чорловимни эшитмайдиганга ўхшайсан. Қани, қўнғирок излагани кетдик.

Мен ўша заҳоти Абутолиб билан унинг уйини кўргани бордим. Янги уйда тўртта девор бор эди, холос. Полда Абутолибнинг ертўладан олиб келган лаш-лушлари ётарди: эски сурнай ва най, темирчилик эски териси (Худо билади, энди нимага керак бўлади), эски керосинка, тоғора, кастрюль, челақ, кўза, этик ва пўстин. Уйига тоғлик эски кадрони меҳмонга келганга ўхшайди, бир четда унинг эски хуржуни. Албатта, тоғликлар шаҳарга фақат меҳмон бўлиш учун эмас, бирор ишини битиришга келишадди. Абутолиб, бўш хуржунни қўлига олиб қойий кетди:

– Ярамас хуржун, нега бўм-бўшсан? Агар сен қўй гўшти билан тўла бўлганигда, менинг меҳмонимнинг иши тезроқ битарди. Сен бўш бўлганинг учун қанча одам Чанг тоғидан шаҳарга бекорга келиб кетишадди.

Абутолиб бўш хуржунни койир экан, мени ўтказишга жой излади. Ўтказишга таклиф этадиган жойи йўқлигини билгани учун кўлимга пичок бериб, деразадан ховлидаги хужрасини кўрсатди:

– Анави хужрада ғозим бор, уни сўйиб тур. Бизнинг тушлигимиз бўлади.

Хужрага кириб, бир амаллаб ғозни ушладим. Ғоз типирчилаб кўлимдан чиқишга уринарди, мен ишга киришдим. Юкоридан Абутолибнинг овози келди:

– Ким жонлиқни бундай сўяди? Ғознинг бошини бошка томонга бур. Сен Макка қайси томонда эканини билмайсанми?

Мен топширилган вазифанинг уддасидан чиқдим ва кейинроқ Абутолибнинг мактовини эшитдим.

Абутолиб ўзи айтгандай, кастрюлни плитага миндирди ва узок вақт тушлик тайёрлаш билан банд бўлди. Мен бу вақтда уйни кўздан кечирдим. Кекса шоир ертўладан кўчган бўлса ҳам янги уйига ертўладан эски кастрюлидан тортиб турмуш тарзигача барини кўчириб олиб келибди. Уйда стул, стол, шкаф, каравот, умуман биронта мебель йўқ эди.

– Абутолиб, қаерда шеър ёзаяпсиз?

– Ҳали бу уйда биронта тайинли шеър ёзганим йўқ. Бир қанча вақт шеър ёзиш учун эски ертўлага бориб юрдим, уни ҳам рассомга устахона учун бериб юборишди. Оллоҳга аён, бу уйда ертўладагидай хотиржам ухлай олмаяпман. Ертўламда тушум кам бўлса ҳам, вақтим кўп эди. Одамлар ҳам тинчимни бузавермасди. Ҳамма ҳам ертўлага мени йўқлаб келавермасди. Тўғри, ертўладан денгиз кўринмасди. Оллоҳга шукур, энди денгиз кекса Абутолибнинг шундоқ кўз олдиди.

У оқиш-кўкиш тусда тўлқин ҳосил қилиб чайкалаётган денгизга узок тикилиб қолди. Мен унга халақит бермадим, биз сукут сақладик. Ниҳоят, Абутолиб секин гап бошлади:

– Расул сенга икки куним: энг хурсанд куним ва энг ғамгин куним ҳақида гапириб берайми?

– Гапиринг, – дедим мен секингина.

– Ўзинг ҳам биласан, менинг қувонган кунларим кўп бўлмаган. Орден беришди – қувондим, ордер беришди – қувондим, йигирманчи йилларда жанговар от беришди – қувондим. Отлиқ аскарларда сурнайчилик қилдим. Бир куни отим командирнинг оти сағринига калла қўйди. Ўшанда ҳам қувондим. Барибир энг хурсанд бўлган куним улар эмасди. Мен ўн бирга киргандим, бузоқ боқардим. Отам умримда биринчи бор менга чорик совга қилди. Шу янги чорик қалбимга солган туғённи, хурсандчиликни ҳозир ҳам сўз билан ифодалай олмайман. Ўша куни мен кечагина учкур тошлари оёғимни шилган сўқмоқларга, дараларга дадил қадам қўйдим. Учқир тошларга қадам қўйганимда оғрикни ҳам, совуқни ҳам сезмадим. Менинг хурсандчилигим уч кун давом этди ва умримнинг қайғули кунлари бошланди. Тўртинчи кун отам ёнига чакириб деди: «Абутолиб, мана энди сенинг янги, пишиқ чоринг бор, қўлингга

таёгинг бор, ер юзини тепкилаб ўн бир йил яшаб кўйдинг. Энди ўзинг насибангни топиб ейиш учун йўлга тушадиган вақтинг бўлди». Сўнгра отам овулма-овул юриб, хайр-эхсон сўрашимни айтди. Кейинги бутун умрим давомида ўша кундагидай кўнглим чўкмаган. Тўғри, кейин кўзларимдан кўп ёш оқди, лекин улар ўша кундагидай жуда аччиқ эмасди. Бир ёзувчи мен ҳақимда шундай дебди: «Абутолиб, янги уй олди. Кўрамир, энди у қандай шеър ёзар экан?!» У ўзича шеър ёзиш уйга боғлиқ эмаслигини тушунтириб қўймоқчи. Мен ҳам яхши биламан, шоир – ўз шеърларининг уйи, шоир юраги – шеърят истироҳат қиладиган жой. Умримнинг яхши ва ёмон кунлари менда яшайди. Мен ўзим қаерда яшайман, бу улар учун муҳим эмас.

Абутолибнинг уйидан оғир таассурот билан чиқдим. Бу ҳақда Доғистон ҳукумати раҳбарига сўзлаб бердим ва Абутолибнинг нашрга тайёрланаётган «Кушлар жанубга учад» китобига бериладиган гонорар ҳисобидан унинг уйига мебель сотиб олишга қарор қилинди. Бу вазифани бажарадиган уч кишидан иборат тезкор ишчи гуруҳи тузилди: Доғистон нашриёти директори, савдо вазири ва мен. Бизга керакли мебелларни топиш, уларни харид қилиш ва Абутолиб уйига етказиб бериш вазифаси юклатилди. Менга вазифамизга доир барча келишувларни амалга ошириш топширилганди.

Учаламиз Маҳачқалъа даги барча савдо омборларини кўриб чиқиб, керакли мебелларни танладик: ухлаш учун юмшоқ мебель – майли, халқ шоири маза қилиб ором олсин; ижод столи – халқ шоири унда ажойиб шеърларини ёзсин; ошхона жиҳозлари – халқ шоири уларда мазали таомлар пишириб, ҳузур қилиб овқатлансин. Мебелларни уйга жойлаштиргандан кейин Абутолиб бизни ташаккурномага кўмиб ташлаш учун олдимизга чопиб борган, деб ўйлаяпсиз. Аммо у чопиб ҳам келмади, кўнгили учун раҳмат ҳам айтиб кетмади ва ҳатто мебелларни жойлаштиргани тўғрисида хабар ҳам бермади. Шунда биз ўзимиз унинг уйига бориб, Абутолиб мебелларни қандай жойлаштирганини ва улардан қандай фойдаланаётганини кўрмоқчи бўлдик.

Эшикни тақиллатишга ҳожат қолмади, чунки у очик экан. Тушлик столи ёнига тўшалган гиламда Абутолиб оиласи билан чўккалаб ўтирарди. Олдида ёзилган газетага овқат ва чой учун кружка қўйилган. Абутолиб тарелкада катик ҳўпларди. Албатта, яп-янги силлиқ тушлик столи тўлишган қиздай кучоғини очиб турарди, фақат Абутолибнинг уни кучоклашга ҳуши йўқ эди.

Бошқа хонада ажойиб ижод столини кўрдик. Унинг устига қўйилган сиёҳдон, ручка ва қоғозга қўл тегизилмаган. Шу туришда у ижод столига эмас, музей экспонатига ўхшарди. Хонанинг бир четиди полда араб алифбосида ёзилган қоғозлар ётарди.

– Абутолиб, сиз ҳозирги имлода ёзишни билмайсизми?

– Биламан, эскича ёзишга ўрганиб қолганман. Олдин шеърларимни араб алифбосида ёзаман, кейин уларни муҳаррирлар тушуниши учун ҳозирги алифбода қайта ёзиб чиқаман, мисоли ўзимни ўзим таржима қиламан.

– Каравотда ҳам бирор марта ухлагани йўқ, – дея чақмачақарлик килди хотини.
– Бекорга шундай киммат мебелларни сотиб олибсизлар.

– Яна каравот дейди. Мен шаҳарга келган биринчи йилимда бошимга тош қўйиб ётардим, ёстик ўрнига тош қўйиб ётсам қаттиқроқ ухлардим. Болалигимда бузук бокқанимда, бошимга тош қўйиб ухлашга ўрганганман.

– Демак, биз сизга кўнглингиздагидай мебель танлай олмаганмиз. Сизга каравот ҳам, шкаф ҳам, стол-стуллар ҳам ёкмаяпти, тўғрими?

– Нега, мебеллар яхши. Улар менинг кўшим Голфрид Ҳасанов уйига жуда мос экан.

– Қўшнингиз Голфрид Ҳасанов яхшими?

– Балки у яхши одамдир, лекин биз тоғув эмасмиз.

– Нимага?

– У жудаям маданиятли. Нима десам экан, мен жуда қишлоқиман, у жуда шаҳарлик. Мен жуда тоғликман, у жуда текис жойдан. Бизнинг бош кийимларимиз ҳам ҳар хил. Эҳтимол, бошларимиз ҳар хил бўлса керак. Мен ўз юртимнинг ўғлиман, у ўз касбининг ўғли. У менинг сурнайим ва куйларимга тоқат қилолмайди, мен унинг пианиноси ва симфониясига. Чалаётган мусикасидан роҳатлангим келади, лекин буни уддалай олмаяман. У ҳам шундай, сурнайимни кўлимга олишим билан эшигимни тақиллатади: «Абутолиб, ишлашга халакит бераялсан». Мен унга атайин сурнай чалаётганим йўқ, радиода беришаяпти дейман. Чиндан, радиода беришса ҳам эшигимни тақиллатиб келаверади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, у ўзимнинг сурнай чалишимнигина эмас, радиодан сурнай тинглашимни ҳам тақиқламоқчи. Бир сўз билан айтганда, биз бошка-бошка одамлармиз. Менинг уйимга тоғдан хуржун кўтарган меҳмонлар келади. Унинг уйига Москвадан портфел кўтарган одамлар. Мен меҳмонларимни бўза, коворма, аччиқ-чучук билан сийлайман, у меҳмонларининг олдига кофе ва коньяк қўяди. Мен бозорга бораман, у магазинга. Мен ухлаётганда у ёзади, у ухлаётганда мен ёзаман. Унга тувакларда ўсган гуллар ёқади. менга баланд тоғлардаги яшнаган майсалар. Эшитаяписизларми, ҳозир у ўзининг қандайди симфониясини чалаяпти.

Биз Абутолибнинг кўшнисини билардик, у Россияда ва Доғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Голфрид Алиевич Ҳасанов эди. Ўша вақтда у фортепяно учун ёзилган симфонияси устида ишларди. Мен унинг илҳомбахш, нозик ижросини тинглар эканман, ўйлаб қолдим: «Қандай ажойиб симфония яратиш мумкин эди-я, агар унда халқдан чиққан Абутолибдай истеъдод ва махсус даргоҳларда билим олган Ҳасановдай истеъдод жўр бўлишса».

Мен яна ўйладимки, қандай бахтли шоир бўлардим, агар шеърларимда, китобларимда икки фазилатни: соддадил халқимнинг мулоим феъл-атворини ва замонлар синовидан ўтган бағрикенглигини маҳорат билан бирлаштира олсам. Истайманки, шеърларимда Абутолиб ва Голфрид кўлни қўлга берсин. Истайманки, шеърларимда уларнинг кўшничилиги ҳаётдагидай эмас, аҳил-инок бўлсин.

Мен уларнинг қачондир ҳамкорлик қилишига ишонгим келди. Агар шундай ҳамкорлик пайдо бўлмаса, ёки менга бу ишга аралашиш ҳуқуқи берилса... Эҳтимол, энг сўнги техника ютуқлари асосида тайёрланган мазали ичимликка тоғдаги жилғанинг шаффоф, совук сувидан кўшиб ичишга таклиф қилардим. Нима ҳам дердим, маданият, тараққиёт, касб маҳорати вақт ўтиши билан сингади. Демокриманки, агар улар йўқ бўлса ўзлаштириш мумкин, лекин миллий туйғу одамга туғилиши билан берилади. Халқ шоири ва сурнайчи Абутолиб бошқа шайроитда, эҳтимол, бастакор ва хатто етук композитор бўлиши мумкин эди, лекин маҳоратли композитор ва созанда Голфрид ҳеч қачон оддий халқ бахшиси бўла олмади.

Абутолиб хайрлашаётган вақтимизда сўради:

– Расул, уйимга телефон ўтказишга ёрдам бера оласанми?

– Телефонни нима қиласиз? Ёзув столидан, қаравотдан фойдаланмаётган одамга телефоннинг нима кераги бор?

– Телефон орқали, баъзан Москвадаги Николай Тихоновга, баъзан жамоа хўжалиги раисимизга сурнай чалиб берардим. Ахир, раисимиз менинг тирик эканимни ва сурнайим ҳамон қадим наволарни куйлаётганини билиб туриши керак. Сурнайимнинг навосини телефон орқали тинглаган раисимиз шаҳардаги уйимда ҳам тоғларнинг муаттар исси ва оҳанги таралаётганини биларди.

– Абутолиб, тоғнинг муаттар хавосига тўйинган сизнинг куйларингиз телефонсиз ҳам Москвага, туғилган овулингизга, Доғистоннинг бошқа овулларига, дунёнинг барча жойларига учиб боради. Чунки куйларингиз тоғлардан ҳам баланд учади.

Энди мен шу ерда Абутолиб билан хайрлашаман ва отам билан менинг ўртамда бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб бераман.

ЭСДАЛИКДАН: Негадир отам билан мен бир-биримизга шеърларимизни ўқиб бермасдик ва бу мавзуда суҳбатлашмасдик. Мен отамнинг янги шеъри тўғрисида чоп этилганда, радиода ўқилганда ёки дўстлар айтишганда билар эдим. Отам ҳам мен янги шеър ёзганимни ҳудди шундай биларди.

1949 йилда авар газетаси «Туғилган йилим» дostonимни чоп этди. Ўз-ўзидан аён, бу газетадан отам ҳам олибди ва унга қалам билан қайдларини ёзиб қўйибди. Мен бу газетани кўздан кечирар эканман, отам дostonимни диққат билан ўқиганини сездим. Чунки айрим мисраларим устига мазмунга монанд мисралар ёзиб чиқибди. Отам менинг дабдабали мисраларимни, мураккаб ташбихларимни, кўзни камаштирадиган ўхшатишларимни ўзгартирганини дарҳол англадим. Менинг мисраларим устига ёзилган мисраларга отам самимий, оддий ва тушунарли сўзларни ишлатганди.

Ҳозиргача мен отам тузатишлар киритган шу газета нусхасини сақлаб қўймаганим учун афсусланаман. Менинг бир одатим бор: шеърим чоп этилиши билан қораламаларни, қўлёзмаларни дарҳол ёқиб юбораман.

Ўшанда кўплаб тузатишларни кўрганда хурсанд бўлдим, улар дostonимни кучайтирарди. Айрим тузатишларни эса, сира хазм қилолмадим ва отамга эътирозимни билдирдим:

– Тўғри, сиз мендан кўра кўпни кўргансиз, иктидорлисиз, акллисиз. Лекин мен ўзга давр шоириман. Менинг мактабим бошқа. Адабий қизиқишларим бошқа, услубим бошқа, ҳаммаси бошқа. Сизнинг бу тузатишларингизда Ҳамзат Цадасанинг шеърий услуби акс этган. Ахир, мен Ҳамзат Цадаса эмасман, бор-йўғи Расул Ҳамзатовман. Менинг ўз услубим, ўз йўналишим бор.

– Ўғлим, сен унчалик ҳақ эмассан. Сенинг услубинг ва йўналишинг, сенинг феъл-атворинг ва ахлоқинг шеърларингда иккинчи даражали бўлиши керак. Биринчи ўринга эса, халқингнинг феъл-атвори ва ахлоқи чикиши шарт. Аввало, сен аварсан, тоғликсан, кейин Расул Ҳамзатовсан. Мисраларингда шундай ифода қўллагансанки, ҳеч бир тоғлик ҳаётда фикрини шундай ифодаламайди. Агар сенинг шеърий мисраларинг тоғликлар руҳига, феъл-атворига бегона бўлса, сенинг йўналишинг йўналишлигича қолиб кетади. Ёзганларинг чиройли кўринар, эҳтимол, кўғирчоқлардан ҳам чиройли кўринар. Ўзинг яхши биласан: Агар булут бўлмаса, ёмғир пайдо бўладими? Агар осмон бўлмаса, қор қаёқдан ёғади? Агар Доғистон ва авар халқи бўлмаса, Расул Ҳамзатов дунёга келармиди? Халқимизнинг асрлар синовидан ўтган урф-одатлари бўлмаса, сенинг урф-одатларинг шақлланармиди?!

Ҳа, бир замон отам билан менинг ўртамада шундай суҳбат бўлиб ўтганди. Кейин эса, ўшанда отам нақадар ҳақ эканлигига кўп бор имон келтирдим.

УЧИНЧИ ХОТИН ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Доғистонлик ёш шоир Москвадаги Адабиёт институтида ўқий бошлади. Бир йил ўтмасдан бизнинг талабамиз олис тоғлик овулдан уйланган хотини билан ажрашишини эълон қилди.

– Нима учун ажрашяпсан? – дея ундан сўрадик биз. – Яқинда уйлангандинг, севишиб оила қургандинглар, шекилли. Нима бўлди?

– Ўртамазда яқинлик йўқ экан. У Шекспирни билмайди, «Евгений Онегин»ни ўқимаган, Мериме тўғрисида ҳатто эшитмаган.

Тез орада ёш шоиримиз москвалик хотини билан Маҳачқалъага келди. Кўришиб турибдики, янги хотини Шекспирни билади, Мериме тўғрисида эшитган. Орадан бир йил ҳам ўтмади, у ўз шахрига қайтишига тўғри келди. Чунки эри ажрашишга ариза берганди.

– Нима учун ажрашяпсан? – дея ундан сўрадик биз. – Яқинда уйлангандинг, севишиб оила қургандинглар, шекилли. Нима бўлди?

– Ўртамазда яқинлик йўқ экан. У аварча битта ҳам сўзни билмайди, бизнинг урф-одатларимиз унга ёқмайди, тоғликлар, юртдошларимиз феъл-атворини тушунмайди, уларнинг уйимизда меҳмон бўлишини истамайди. Биттаям аварча мақолни, матални, қўшиқни билмайди.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Эҳтимол, учинчи марта уйланишимга тўғри келар.

Менимча, ёш шоир учинчи хотин излагандан кўра, аввало ўзлигини топиши керак.

Майли, менинг китобимда Доғистон тоғлари ва Шекспир сонетлари ёнма-ён турсин. Майли, менинг китобимда доғистонлик ёш шоир орзу қилган ва лекин ҳамон қидириб тополмаётган ўша учинчи хотиннинг сифатлари намоён бўлсин.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Маҳачқалбада қиркга оилага мўлжалланган ёзувчилар уйи қуриб битказилди. Уй тақсимоги бошланди. Айрим ёзувчилар уйни истеъдодга, бошқалари болалари сонига қараб тақсимлашни талаб қилишди.

Тан олишимиз керак, ёзувчилар ўртасида уй тақсимлаш – энг оғир иш. Ҳар қалай, бу ишнинг уддасидан чиқдик. Қиркга ёзувчининг оиласи янги уйга кўчиб ўтишди ва буни нишонлашга ҳам улгуришди. Эртаси кун йигирмата ёзувчининг хотини Москвага йўл олишди. Хотинлар бир неча кундан кейин урушда катнашган одамлардай озган ва чарчаган ҳолда қайтиб келишди. Бир муддат ўтгандан кейин Москвада харид қилинган мебеллар жойланган контейнерлар етиб келди.

Маълум бўлишича, хотинлар узоқ вақт магазинма-магазин юриб мебель танлашган. Ниҳоят, биттаси харид қилишга жазм этган. Албатта, бошқа хотинлар ўз харидларининг ундан ёмонроқ бўлиб қолишини исташмаган. Яхшиямки, биринчи хотин энг қиммат мебелни сотиб олган экан, ундан ўтказишнинг иложи бўлмаган. Натижанда, йигирмата хонадонга тароқнинг тишларидай бир хил мебеллар жойлаштирилди, факат бу хонадонларга кирган вақтингизда, уйнинг эгаси авар эканига дарҳол ишонмайсиз.

Бошқа хонадонга кирган вақтингизда, остонадаёқ димоғингизга қоклашга кўйилган гўшт, қазӣ, албатта, бўза, думба ёғида доғланган овқат ва ниҳоят пўстин хиди урилади. Ҳа, бу хонадонда авар туриши билинади. Лекин давр руҳини ҳис қилган ёзувчи яшаётгани сезилмайди.

Истайманки, менинг китобимни ўқиган китобхон саҳифаларида аварликлар яшаётганини билсин ва яна саҳифаларда унинг замондоши – XX аср одами яшаётганини ҳам дарҳол англасин.

Мен доим сояда туришни ёки доим Қуёш чарақлаб туришини истаётганим йўқ. Майли, менинг уйимда Қуёшга қараган деразалар кўп бўлсин ва лекин унда нур кўзни камаштирмайдиган жойлар ҳам қолсин. Истайманки, уйимга келган меҳмон ўзини ноқулай сезмасин, эркин нафас олсин, тезроқ чиқиб кетишни ўйламасин. Агар зарур иши бор меҳмон бўлса тез чиқиб кетаётгани учун афсуслансин ва яна қайтиб келишни дилига тугсин.

Бир сафар Японияда турли давлат вакиллари таассуротларимиз билан ўртоқлашдик. Биз фаввора атрофида эдик. Бу жой Доғистондаги овул оксоқоллари давра қурадиган тошлардан терилган булокбошига ўхшарди.

– Ажойиб мамлакат экан, – деди биринчи бўлиб америкалик композитор. – Мен Япония киёфасида ривожланган Американи кўраяман.

– Нималар деяпсиз? – эътироз билдирди гаитилик журналист. – Ҳозиргина японлар яшайдиган кишлоклардан келдим. Менимча, Япония бизнинг оролимизга ўхшайди.

– Жаноблар, тортишманглар, бу жойда Париж шодиёналари ва ташвишлари му- жассам экан, – дея суҳбатга қўшилди франциялик архитектор.

Мен Доғистон овулларидаги булокбошиларга ўхшаш тошлардан терилган фавворага қараб ўйга толдим: «Япония – ажойиб мамлакат. Унда бошқа мамлакат- ларга ўхшаш ҳамма нарса бор, шу билан бирга Япония ҳеч бир мамлакатга ўхша- майди. Чунки у – Япония».

Менинг китобим! Майли, сендан ҳар ким ўзи кидирган нарсасини топсин, ле- кин сен ўзлигингни сақлаб қол, ҳеч бир китобга ўхшама. Сен мен учун аварликлар, доғистонликлар уйисан. Майли, бу уй бағрида асрлар синовидан ўтган урф-одатла- римиз, замон руҳи ва келажак ёнма-ён яшасин.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Агар адабий асарда муаллифи кўзга ташланмаса, у йўл- да чолиб кетаётган чавандозсиз отга ўхшайди.

ДЕЙДИЛАР: Бир тоғлик ўғил гуғилишини кутарди, хотини эса киз туғарди. Ҳар ким омадсиз отани юпатишни ва унга маслаҳат беришни бурчи деб биларди. Тоғлик эркакка шунчалик кўп маслаҳат беришдики, ахир тоғликнинг сабр косаси тўлиб деди:

– Бас қилинглар, сизларнинг маслаҳатларингни тинглайвериб, ўзимнинг бил- ганларимни ҳам унутиб қўйдим.

КИТОБИМНИНГ БИНОСИ. МУНДАРИЖА

Биз тошлармиз. Тезда усталар келар,

Қаср ё уй, эҳром ё зиндонга терар.

Тошлардаги ёзувлар.

Қимматбаҳо тошнинг ташига қараб,

Одамни уйида қўриб билишади.

Тўй бўлди, энди уй қуришни бошла.

Қасрларга сиғмаган ўйлар, миноралардай вазмин фикрлар, кизгин давра учун шийпонлар, шеъриятнинг баланд гумбазлари... Мана мен тошларни олиб келдим, гўсинларни тайёрладим, янги бино учун жой танладим. Энди мен бироздан уста, муҳандис, тош терувчи, дурадгор, ҳисобчи бўламан.

Бу қандай бино бўлади? Қараган кўзлар қувониши учун нима қилишим зарур? Истайманки, бино гўзал ва салобатли, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлсин, лекин ҳаммага танишдай туюлсин. Унинг шифтига қараганда ҳеч кимнинг бошидаги бўрки тушиб кетмасин ва яна айрим кичик хужрали уйлардагидай шифтига боши тегмасин. Эшигига оддий стол сиғмайдиган ҳам, эшигидан туя миниб қирадиган даражада ҳам бўлмасин. Қурадиган уйим қўниб ўтиладиган қарвонсаройга, концерт кўриб кетиладиган клубга, фақат ибодат қилиш учун келинадиган масжидга ўхшаб қолмасин. Уйим маълумотнома берадиган ёки ариза қабул қиладиган маъмурий бинога ҳам ўхшамасин, худди Алининг тегирмонидай гавжум ва ҳаракатда бўлсин.

Отам тоғлик йигитнинг дostonини ўқиб деди:

– Бу дostonнинг деворлари чиройли экан. Беихтиёр Алибек қурган товукхонанинг деворини эсга солади. Лекин қаср ҳеч қачон товукхонани, товукхона эса ҳеч қачон қасрни эсга солмаслиги керак.

Отам бошқа ёзувчининг узун ҳикоясини ўқиб, асарини сира тугата олмаётган муаллифга деди:

– Сен ҳеч қачон ўзинг ёпа олмайдиган эшикни очибсан. Сен ҳеч қачон ўзинг қайта бурай олмайдиган жўмакни бурабсан. Сен тугун боғлашдан олдин арқонни кўпроқ сувда ивтибсан.

Эсимда, болагимда овулимизга қўшиқчилар келиб туришарди. Мен томимизнинг чеккасига ётганча кўчага қараб, уларнинг қўшиқларини тинглардим. Қайси биридир чилдирма, қайси биридир скрипка, лекин улар кўпроқ қўбиз жўрлигида қўшиқ қуйлашарди. Улар кўчама-кўча юриб, навбатма-навбат қўшиқ айтишарди. Аммо ҳеч қачон битта қўшиқни иккинчи марта такрорламасди. Айниқса, уларнинг битта қўшиқни басма-бас қуйлаши менга ёқарди.

Қўшиқлар матни узун бўлгани учун бирортасини ёддан эслаб олмаман. Лекин ҳар бир қўшиқнинг саккиз, тўрт ёки икки мисраси қулоғимда қолган. Ўша эсда қолган мисралар, эҳтимол, жуда жозибадордир, эҳтимол, жуда шўхчандир, эҳтимол, жуда хикматлидир, эҳтимол, жуда ғамгиндир.

Нима учун бошқа мисралар эмас, ўша мисралар эсда қолганини билмайман, лекин ҳамон дилда такрорлаб тураман.

Нима учундир бошдан охиригача ёддан биладиган қўшиқларимда ҳам бошқаларга нисбатан менга жуда ёқадиган мисралари бор.

Қўшиқларни қўйиб турай, ўзимнинг шеърларимдан ҳам айрим мисраларини қандайдир меҳр билан такрорлаб тураман. Назаримда, у мисралар жозибадор, қуйма, қисқаси жуда зўр чиққан. Сизга сиримни очишим керак, айрим узундан-узок шеърларимни ўзимга ёқадиган бир нечта мисра бўлгани учунгина ёзганман.

Бу мисралар – агар шеърни камар десам, ундаги осилган ханжар, агар шеърни буғдой десам, ундаги бўлик пишган бошок, агар шеърни қуш десам, улар қушнинг

канотлари, агар шеърни кийик десам, улар коя устида олисларга караб турган шу кийикнинг кўзлари.

Бир кун ўйлаб колдим, агар шеърларимдан саккиз мисраси ўзимга ёқадиган бўлса, нега уларнинг ёнига яна саксон мисра қўшиб ёзишим керак? Нега шу ёққан саккиз мисранинг ўзинигина ёзиб қўя колмайман? Шу боис мен фақат саккизликлардан иборат китоб ёзганман.

Меҳмон келганда тоғлик хурсанд бўлиб буқа сўяди. Ҳолбуки, меҳмонни кутиш учун бир бўлак гўшт кифоя. Ҳеч бир меҳмон битта буканинг гўштини бир ўзи еб тугата олмайди. «Менга битта хўрознинг гўшти етса, – деб ўйладим мен, – нега буқа сўйишим керак!?»

Мана шунинг учун ҳам ёзадиган китобимдан фақат ўзимга ёқадиган мисраларни колдириб, ортикча гап-сўзларни олиб ташламоқчиман. Майли, китобимнинг ҳажми шу гап-сўзларсиз бир неча марта қисқарса қисқарар. Бир куни менинг иштирокимда Абутолибга лаклик ёш шоир ўнта шеърини ўқиди. Ёш шоир кетгач, Абутолиб менга караб деди:

– Бу боланинг келажигага умид қилса бўлади.

– Сизга унинг шеърлари ёқдими?

– Шеърлари ҳали хом. Лекин уларнинг ичида саккиз мисраси бор экан, бу мисраларга шахар берсанг арзийди. Бундай саккизликни лак тилида ҳали ҳеч ким ёзмаган.

Агар шеър-кўшиқда ёддан чикмайдиган тўртлик ёки саккизлик бор экан, демак, одамнинг умрида ҳам унутилмас кунлар ва учрашувлар, мамлакат ҳаётида ҳам унутилмас воқеалар ва қаҳрамонликлар бўлади. Мен уларни ҳам янги китобим деворига ишлатишни, пайвандлашни истайман. Уларни чиройли сўзлардан иборат изоҳлар билан алмаштирмайман, чунки улар ўзлари ҳақида ўзлари гапира оладилар.

Март ойида денгиз бўйида бўрон бўлиб туради. Бир йил март ойида Маҳачқалъада кучли бўрон бўлди. Айтишларича, икки шамол тўқнашган: бири Каспий денгизи томондан, иккинчиси тоғдан эсган. Бири денгиз кенглигида тезлигини ошириб шахарга урилган, иккинчиси баланд тоққа тўқнашиб қулаган. Кейин иккала шамол аёвсиз курашга тушган, силташган, қаттиқ беллашган. Икки паҳлавон беллашганда, уларнинг оёқлари тагида ўралашмаган маъкул. Ўша сафар икки паҳлавон беллашган жой Маҳачқалъа бўлганди.

Нимаики қаровсиз ётган бўлса, нимаики заминга қаттиқ туташмаган бўлса, ҳаммаси шамолда учди. Қуриган шохлар, бўш қутилар, уйларнинг енгил-елпи ўрнаштирилган томлари, дўконларнинг фанерлари, супуриндилар тўзондай осмонга кўтарилди.

Заминга илдиз отган дарахтлар, мустаҳкам уйлар бўронни писанд қилмай мағрур туришди. Хуллас, шамолда енгил ва қаровсиз нарсалар учди, пишиқ ва мустаҳкам нарсалар жойида колди.

ХУДДИ ШУНДАЙ. баъзи бир туйғулар, фикрлар, учрашув таассуротлари борки, уларни вақтнинг энгилгина шамоли ҳам учириб кетади, баъзи бирларини эса хаётнинг кучли бўронлари ҳам жойидан кўзгата олмайди.

Менинг китобимнинг биносида ҳам фақат собит фикрлар, туйғулар ва воқеалар бўлиши керак. Уларни авар аъёнларига риоя қилган ҳолда, шу билан бирга замон талабларига мос равишда жойлаштиришим лозим. Бу бинода яшаган оила ҳам, кўргани келган меҳмон ҳам хурсанд бўлсин. Аслида, бино шундай бўлиши керакки, унда болалар бахтини, ёшлар муҳаббатини, кексалар иззат-хурмат топсин.

Менинг китобим – менинг Доғистоним! Мен унинг қандай бўлишини истайман? Нимага ўхшатишим мумкин? Осмонда парвоз қилаётган бургутгами? Аммо бургутни одам эмас, табиат яратган, у одамзот фикр-ўйларидан холи бўлишни истайди. Эҳтимол, самолётга ўхшатарман. Аммо самолёт жуда баланд учади, ерга кўнаётганда фақат аэродром манзарасигина кўзга ташланади. Рости, мен замин тўғрисида осмондан келиб гапиришларини хушламайман.

Мен шундай замонавий машинани тасаввур қилаяпман, у самолётдай учади, поезддай юради, кемадай сузади. Унда мен учувчи, машинист ва дарғаман. Бу машинанинг аэродроми, депоси ва бандаргоҳи – қадимий Доғистон! Шу ердан истаган жойга учамиз, темир йўлда борамиз ёки сув оркали сузамиз. Агар қаергадир етиб бора олмасам, у жойларга орзуларим албатта етади.

Биз юрамиз, сузамиз, учамиз. Ойнадан оппоқ қорли тоғлар, ям-яшил ўтлоқлар, кенг дарёлар, чексиз уммон кўринади. Шунингдек, ойнадан яшнаган баҳор, жазира-ма ёз, соқин куз, қаҳратон киш ҳам бир-бир ўтади... Атрофимда канча йўловчилар бор. Улар жароҳатларини боғлаб олган Шомил муридлари, хурлик учун курашган партизанлар, замондошларим – турли касб эгалари. Уларни қаергадир кўрганман, қачонлардир суҳбатлашганман, менда чуқур таассуротлар қолдиришган.

Ҳа, китобим – самолёт, китобим – поезд, китобим – кема, мен уларга ўтадиган ягона билет ва рухсатномани ёддан чиқармайин. Улардаги йўловчилар ва рўй берадиган воқеалар ҳам болалигимда кўшиқчилар айтган узун кўшиқларнинг саккиз мисрасидай ёдимда қолсин. Шу саккиз мисрасидай мактовга лойиқ бўлсин. Улар кузги ҳазон ва қаровсиз нарсалардай сал эсган шамолда учиб кетмасин, балки Маҳачқалъа дан бўрон ўтган вақтида дош берган азим дарахтлардай, мустаҳкам бинолардай собит турсин.

Йўкса, мен ҳам Қазаниши овулидаги Муслим аҳволига тушиб қоламан. Ях-шиши, унинг тилга тушган саргузаштини ҳикоя қилиб берайин.

Ҳар йил майда сурув овулидаги текисликдан тоғдаги салқин яйловга ҳайдалади. Қазаниши овулидан чиққан ижодкор Муслим Ёзувчилар уюшмасига ариза ёзиб, сурув кўчиши тўғрисида очерк тайёрлаши учун ижодий сафарга жўнатишимизни сўради. Биз уни сентябрь ойида сурув тоғдаги яйловдан овулидаги текисликка ҳайдаладиган даврда сафарга йўлладик. Ўз хохишига кўра сафарга отланган Муслим

топширикни астойдил бажариш максадида чўпонлар ва сурув билан барча йўлни бирга босиб ўтибди. У сафардан қайтган вақтида йўл хотиралари ёзилган дафтарларни битта отга юклаб олиб келишди.

Маълум бўлишича, у ҳар куни йўлда нимани кўрса дафтарига батафсил ёзверибди. Ҳатто арзимас нарсалар ҳам унинг қаламидан қочиб қутула олмабди. Отга кўзи тушса от хақида, чўпонни кўрса чўпон хақида, қўйга қараса қўй хақида қоғоз коралабди. Энди ўзингиз тасаввур қилинг, кўчиш даврида қанча чўпон ва қанча қўй бўлган. Нимани кўрганини ёзгани етмагандек, нимаики эшитса барини қоғозга туширибди. Бунда ҳам ҳеч бир лавҳани эрдан чиқармабди. Қайси қўйнинг илгарилаб кетганидан қайси қўйнинг қандай таёқда хайдалганича – ҳаммаси бор. Хуллас, хотирада тасвирланган йўл ҳаётдаги йўлдан узоқ бўлиб кетган. Бу хотира қўлёмасини ўқиш учун Муслим сафар вақтида қанча кун юрган бўлса, шунча вақт сарфлаш керак. Кейинроқ бизга чўпонлар ҳикоя қилиб беришди. Гимрин тепалигига кўтарилиш вақтида йўлда ҳачир учраган. Албатта, Муслим ҳачирга бир қараб қўйиш билан кифояланмасдан бечора ҳачир тўғрисида ёзишга киришган. Ташқи кўринишини тасвирлаш қандай ҳачирнинг туёқлари таги хақида ёзгиси келиб қолган. Фурсатни ўтказмай Муслим ҳачирнинг орқа оёқларига ташланган, уларни кўтариб туёқларининг остини кўрмоқчи бўлган. Аммо ёзувчининг холис ниятидан ва туёқлари ости тафсилотини ёзиш муҳимлигидан беҳабар бефаҳм ҳачир уни тепган, туёғи Муслимнинг нақ бурнига теккан.

Атрофида турган чўпонлар мийиғида қулиб сўрашган:

– Муслим, шу ҳақда албатта ёзишинг шартмиди?

На илож, ҳачир – қайсар ва тарбия кўрмаган ҳайвон. Лекин ўша вазиятдаги ҳачир ҳаракатини қоралаб бўлмайди. Чунки ортиқча эзмалик жазога лойик. Кейинроқ Ёзувчилар уюшмасида Муслимнинг меҳнатлари махсули муҳокама қилинганда, у билан ҳазиллашдик:

– Муслим айтчи, қўлёмангга ҳамма тафсилот киритилганми? Харикол овулидаги ҳўтиқдан бошланиб, ҳачир туёғи билан тугаганми? Нега, сен шохсиз эчки хақида ёзмагансан?

– Нималар деяпсизлар, қандай қилиб бу ҳақда ёзмаслигим мумкин? Шохсиз эчки хақида ҳам ёзганман, фақат шевадаги номини ишлатганман. У менда «тўқол» деб номланган.

Биз қулиб юбордик ва Муслимга ёзувчи кўрган ҳамма нарсаси тўғрисида ёзиши шарт эмаслигини, улардан энг кераклиларини танлаб олиши лозимлигини тунантиришга ҳаракат қилдик. Битта ифодада қатта фикрни бериш мумкин. Битта сўз улуг туйғуни ифодалай олади. Битта лавҳа бутун воқеани кўз олдингизга келтиради.

Бизда янгилинишлар бўлиб ўтганига қўп бўлгани йўқ. Ҳозир ҳам янгилинишлар давом этапти. Мен ҳам бу янгилинишлардан четда тургим келмади. Ўзим ўрганган

жанрларни янгилашга киришдим. Барча жанрларни битта китобга жамлаб, умумий раҳбарликни зиммага олдим. Битта жойда ўринларни қисқартирдим, бошқа жойда эса кўпайтирдим. Жанрларнинг жойларини ўзгартирдим. Иккитасини қўшиб биттага айлантирдим ёки биттани иккига бўлдим. Агар янгилианиш қилинаверса, қачондир тасодифан бирон янгилианиш муваффақиятли чиқиб қолиши мумкин.

МАХАЧҚАЛЪА ГА КЕЛГАН ТОҒЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Тоғлик Маҳачқалъага сафарга жўнатилди. Унинг пули кўп эди, яна бу пуллар сафар харажатлари учун берилганди. Тушлик ва кечки овқатни ейиш учун ресторанга борди. Биринчи кун бор овозда тез-тез официантни чақирди:

– Официант, яна тоза коньякдан олиб келинг.

Ҳамма овоз чиққан тарафга қараб, ким қиммат коньяк учун пулини аямай сарф-ляпти экан деб унга зимдан тикилишди.

Сафарнинг охириги куни бизнинг тоғлик официантдан шивирлаб сўради:

– Сизнинг ресторанингизда угра қанча туради?

Хуллас, ҳўкизни яйловда пишқиришига қараб эмас, бўйинтуруқда юришига, шудгорнинг бошида эмас, охирида билишади. От ҳақида минаётган вақтда эмас, эгардан тушгандан кейин гапирилади.

Мен китобимни ансилтинликлар трубани шиширгандай шишириб юбормаяпманми? Ёки Сиюх овулидагиларга ўхшаб ёғочдан печка қилмаяпманми? Ёки цадалик овулдошларимга ўхшаб бўри деб ўйлаб итни отиб қўймадимми?

Манзил томон йўлга тушган вақтингда, узоқдай туюлади. Кўзлаган манзилга етишим учун бардошим, ғайрат ва иродам стармикин? Ёки манзилга етай деганимда, «Угра қанча туради?» деб бош қашиб қоламаним?

ЭСДАЛИҚДАН: Бир йил Догистонда киш қаттик келди. Кутилмаганда қалинлиги бир метр қор ёғди. Қўй-қўзиларга пичан етмади, очликдан ўла бошлади. Мени партия бошлиқлари йўқлашди.

– Расул, қўтонларга борасан, қўй-қўзиларни сақлаб қолишимиз керак.

– Менинг қандай ёрдамим тегиши мумкин?

– Боравер, буни жойида ўйлаб кўрасан. Қўйларни сақлаб қолишнинг бирор чорасини топарсан.

Гапнинг пўскалласи, мен очиқ ҳавода ҳам қўтонни топиб бора олмасдим, бундай бўронда қўтоннинг йўлини қайдан излайман? Лекин партия интизоми баридан баланд, бўронда қор кечиб қўтонни ахтардим. Ниҳоят, битта қўтонга дуч келдим. Мени қайғуга ботган чўпонлар қарши олишди. Уларнинг кўз ёшлари сокол-мўйловларида музлаб қолганди. Тумшуклари қонаб кетган қўйлар муз қотган ерни ўт-ўлан топиш илинжида ялашарди. Муз қатламини теша олмай, очликдан ўлишаётганди. Итлар ҳам ўғрилар, бўриларни унутиб пана-панага бекинишганди. Бир сўз билан айтганда, бу жойда табиий офат ва ночорлик ҳукмрон эди. Чўпонлар алам билан менга ҳасратини тўкишди:

– Ўзи бизга сен, шеър ва кўшиқ етмай турувди. Эй, цадалиқ Ҳамзатнинг ўғли, сен бизга шеър ўқиш, кўшиқ куйлаш учун келгансан. Яхшиси, сен марсия айт, биз кўшилалик.

Чўпонлар кўрасида уч кун бўлдим. Кўрдимки, мenden уларга ҳеч қандай наф йўқ. Хайр-маъзурни насиё қилиб, Маҳачқалъа га қайтдим.

– Қўйларни саклаб қолдингми? – дея сўроққа тутди партия бошлиғи.

– Атиги учтасини.

– Қандай қилиб? Тажрибангни айт, оммалаштирамиз.

– Жуда оддий, чўпонлар уч кун ичида учта қўйни сўйишди. Биз уларни едик. Ўйлашимча, биз шу учта қўйни очликдан саклаб қолдик.

– Майли, – деди хафсаласи пир бўлган партия бошлиғи. – Бориб шеърларингни ёз. Мана биз, сенинг ўрнингга ҳам қўйларни саклаб қоламиз. Бундан кейин яхшироқ шеърлар ёзишинг учун ҳар эҳтимолга қарши сенга қаттиқ ҳайфсан берамиз.

Ишқилиб, китобимнинг бошига шундай кун тушмасин. Яна сурувни саклаш учун йўлга чиқдим, аммо нима қаромат кўрсатаман? Ахир, бошланган кун ҳар доим ҳам сен ўйлагандай омадли бўлавермайди.

ЭСДАЛИҚДАН: Москвадаги Адабиёт институтида ўқиш бошлаган куним ҳамон ёдимда. Ўқиш бошланган кун менинг туғилган куним эди. Бу ҳақда ҳали ҳеч қим билмагани учун табриклашмади. Отам пальто олишим учун пул берганди.

«Қани Расул оғайни, – дедим ўзимга-ўзим, – сенинг туғилган кунингга совға қилиш учун пальто оламиз». Хонадан пулни олиб, бозорга жўнадим.

Урушдан кейин гавжум бўлиб қолган бу бозорнинг ҳам ўз қонунлари, ўз чайқовчилари, ўз милициячилари бор эди. Бу бозордан эшак ва хўтиқдан бошқа ҳамма нарсани топса бўларди.

Бозор худди бузилган чумоли инига ўхшарди. Бир соатча одамлар орасида туртиниб-суртиниб бозор айландим. Неча бор сотувчилар нақ бурнимнинг қаршисида костюмини, қўйлак, ичқўйлак, фуражка, этик, туфли ва бошқа молларини кўрсатишди.

Ўша вақтларда министрларга ўхшаб қийиниш ҳақида ўйлардим. Мен тикилинча шундай пальто қидираётган эдимки, уни қийган заҳотим министрга айланиб қолишим керак. Охири шундай пальтони битта чайқовчининг елкасида кўрдим. Омадни қаранг, унда пальто рангига мос фуражка ҳам бор экан.

Авал фуражкани қийиб кўрдим, қаршимда тутилган ойнага қарадим – тап-тайёр министрнинг ўзими. Савдолаша бошладим, қатъий ва дадил овозда кичикроқ нархни айтдим. Гўё чайқовчи менинг гапимни эшитмади. Кейин шивирлаб ҳақиқий баҳосини айтдим, чайқовчи энг нозик товушларни илғаб оладиган истеъдодли артистдай дархол мени эшитди. Қўл беришиб, савдони пишитдик. Мен учталиқ ва бешталиқ пулларимни санаш қулай бўлиши учун пальтони яна чайқовчининг елкасига ташладим. Икки минг икки юз эллик сўмни қуртдай санаб бердим. Министрға

ўхшаб ётоқхонага кириб келдим ва шундагина пальто чайқовчининг елкасида колгани эсимга тушди. Мен қанча савдолашиб, икки минг икки юз эллик сўмга бор-йўғи битта фуражка сотиб олибман.

Хуллас, министрға ўхшайман деб ҳам пальтосиз қолдим, ҳам пулдан ажралдим. Ишқилиб, китобимнинг бошига шундай кун тушмасин.

Ҳар ким ўзига нима кераклигини яхши билади, лекин ҳаммада истагига эришиши учун имконияти йўқ. Ҳар ким борар манзилини билади, лекин ҳамма ҳам манзилига ета олмайди. Шундай одамлар бор. Китоб ёзишни биламан деб ўйлайди, лекин уларнинг қўлидан китоб ёзиш келмайди.

ДЕЙДИЛАР: Битта қайчи тўй кўйлаги ҳам, кафанлик ҳам бичиши мумкин.

ДЕЙДИЛАР: Ёпа олмайдиган эшигингни очма.

ИСТЕЪДОД

Атрофим ёруғ бўлиши учун ёнаман.

Чирокдаги ёзувлар.

ШОИР ВА ТИЛЛА БАЛИҚЧА ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ. Айтишларича, иши юришмаётган шоирнинг қармоғига Каспий денгизида тилла балиқча илинибди.

– Шоир, шоир мени денгизга қўйиб юбор, – дея ялинибди тилла балиқча.

– Бунинг эвазига сен менга нима берасан?

– Дилингдаги ушалмаган барча орзу-ниятларингни рўёбга чиқараман.

Шоир хурсанд бўлди ва тилла балиқчани денгизга қўйиб юборди. Бирданига шоирга омад кулиб бока бошлади. Кетма-кет шеърини китоблари босилиб чиқди. Шаҳар ўртасидан уй берилди, яқин тумандан дала ховли олди. У жуда машҳур бўлиб кетди, танимайдиган одам қолмади. Гўё дунё унинг қаршисида кўмир чўғида сингдириб пиширилган, устидаги пиёзига саримсок қўшилган сирка суви сепилган ликопчадаги кабобдай турарди. Қўлларини чўзса бас, маза қилиб ейиши мумкин.

У академик, депутат, лауреат бўлди. Кунлардан бир кун хотини унга дашном берди:

– Тилла балиқчадан шунча нарса сўрадинг, энди ундан ўзингга бирозгина истеъдод сўрасанг бўлармиди?

Шоир бирдан сергак тортди. Бирдан ўзига ўтган йилларда нима етишмаганини англади. Дарҳол денгиз томон йўл олди ва тилла балиқчага ёлворди:

– Тилла балиқча, тилла балиқча, менга бирозгина бўлса ҳам истеъдод бер.

Тилла балиқча жавоб қайтарди:

– Шу вақтгача нима сўрасанг ҳаммасини рўёбга чиқардим. Бундан кейин ҳам нима сўрасанг ҳаммасини бераман. Лекин истеъдод бера олмайман. Чунки менда шоирлик истеъдоди йўқ.

Алкисса, истеъдод ё бор бўлади, ёки йўк. Истеъдодни ҳеч ким бера олмагандай уни ҳеч ким ололмайди ҳам. Истеъдодли бўлиб туғилиш керак.

Тилла баликча томонидан сийланган товус патида шеър ёзадиган бизнинг шоир қарға эканлиги аён бўлиб қолди. Чунки санъатга алоқаси йўк сунъий ялтирок бўёқлар вақт ўтиши билан кўчиб тушди, бунинг устига у аввал билганларини ҳам унутганди ва ўзини илгаридан ёмонроқ аҳволда эканлигини сезди.

Ҳикматларни қанча айтган билан кадри камаймайди, шу боис яна такрорлайман: ёзиш учун истеъдод керак. Уни бировдан олиб бўлмайди, истеъдод ҳатто тилла баликчада ҳам йўк.

ОТАМ АЙТГАНДИЛАР: Олис овулдан келган тоғлик отамга ўзининг шеърларини ўқиган. Отам тоғликни диққат билан тинглаб, машқларидаги камчиликларни тушунтирган. Кейин шу мавзуда ўзи қандай шеър ёзиши мумкинлигини айтган.

– Хурматли, Ҳамзат, – деган хайратланиб тоғлик, – сиз айтгандай ёзиш учун истеъдод бўлиши керак.

– Нима ҳам дердим, сен ҳақсан. Бирозгина истеъдоддан бўлса ҳам зиён қилмасди.

Ҳамзат Цадасанинг киноясини тушунмаган тоғлик сўраган:

– Маслаҳат беринг, истеъдодни қаердан топсам бўлади?

– Бугун магазинга боргандим, у ерда кўрмадим. Балки бозорда бордир, қидириб кўриш керак.

Билмаймиз, одамда истеъдод қандай пайдо бўлади? Билмаймиз, уни Ер берар, балки осмондан тушар. Эҳтимол, Ер-осмон инъомидир. Билмаймиз, истеъдод одамнинг қаерида жойлашади: юрагидами, қонидами, миясидами? У туғилган вақтдаёқ одам юрагида бўладими, ёки ҳаёт йўлларида юрилгандан кейин дуч келинадими? Унга нима кўпроқ қуч бағишлайди: муҳаббатми ёки нафрат, қувончми ёки аянч, кулгимми ёки кўз ёши? Ёки истеъдод улғайиши ва бўй кўрсатиши учун у ҳам, бу ҳам, учинчиси ҳам керакми? У наслдан-наслга ўтадими, ёки одам ҳаёти давомида кўрганларини, эшитганларини, ўқиганларини, бошдан кечирганларини, тушунганларини тўплаб пайдо қиладими?

Булардан қайсиси меҳнат самараси, қайсиси табиат ҳазили? Одам туғилгандаги кўзларининг ранги ва қундалик жисмоний машқлар натижасида пайдо бўлган мушаклари, ёки боғбоннинг заҳматли меҳнатлари туфайли ўсган олма дарахти ва тўппа-тўғри боланинг қўлига тушган олма меваси?

Истеъдод – сирли бир олам! Одамзот Ер, Қуёш, юлдузлар, олов, гуллар ҳақида ҳамма нарсани билгандан кейин охирида истеъдод сирларини ҳам очади. Истеъдоднинг ўзи нима, қандай пайдо бўлади, қасрда жойлашади, нега у одамга эмас, бу одамга берилган? Албатта, бу саволларга жавоб топилади.

Дунёда бир-бирига ўхшаш иккита истеъдод бўлмайди, агар бир-бирига ўхшаса истеъдод аталмайди. Истеъдод одамларнинг ташки кўриниши, умуман қиёфага

боғлиқ эмас. Мен отамнинг ташки кўринишига ўхшайдиган одамларни кўп учратдим, Лекин отам истеъдодига ўхшайдиган истеъдодни ҳеч қаерда учратмадим.

Истеъдод кўп ҳолларда наслдан-наслга ўтмайди. Йўкса, санъатда фақат санъаткорлар сулоласи ҳукм юргизарди. Баъзан донишманддан оддий фарзанд туғилади, баъзан оддий одамнинг фарзанди донишманд бўлиб вояга етади.

Истеъдод одамдан жой олганда, ундан қайси давлатнинг фукаросисан, қайси миллатга мансубсан деб сўрамайди. Ҳар доим истеъдоднинг пайдо бўлиши шон-роҳа хайрат уйғотади, худди тиниқ осмондаги чакмоқдай, қақраган саҳрога ёккан ёмғирдай, уфқларда товланган камалакдай!

НЕГА ҚАДРОНИМ МЕНДАН АРАЗЛАДИ? Бир кун стол атрофида дам олиб ўтиргандим, уйимизнинг олдида от минган йигит келиб тўхтади.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом!

– Расул, мен сизнинг олдингизга кичкина илтимос билан келгандим.

– Уйга кир, илтимосингни столга қўй.

Чиндан ҳам йигит чўнтагидан қоғоз варақларини чиқариб, столга қўйди. Биринчи қоғоз уйимизда тез-тез меҳмон бўлиб турадиган отамнинг қадрони илтимоси битилган мактуб экан. Унда оиламизнинг қадрони шундай ёзибди: «Қадрдоним Расул, бу йигит бизнинг яқин қариндошимиз бўлади. Ўзи яхши йигит. Унга ўзингиздай машҳур шоир бўлиши учун ёрдам бер».

Қолган қоғозлар: Қишлоқ кенгашидан маълумотнома, жамоа хўжалигидан маълумотнома, партия ташкилотидан маълумотнома ва тавсифнома.

Қишлоқ кенгаши маълумотномасида йигитнинг ҳақиқатан ҳам Каҳоб-Расода яшаган машҳур шоир Маҳмуднинг жияни эканлиги ва Қишлоқ кенгаши уни Доғистонда таниқли шоир бўлишга муносиб номзод деб ҳисоблаши битилганди.

Бошқа маълумотномаларда Маҳмуднинг жияни тўққизинчи синфни битиргани, соғлом ва йигирма беш ёшда эканлиги тасдиқланганди.

– Жуда яхши, қани ёзганларингни кўрайлик, – дедим мен. – Балки сен истеъдодлидирсан. Йиллар ўтиб таниқли шоир бўлиб кетарсан. Мен қадрдонимизнинг илтимосини ерда қолдирмайман, сенга қўлимдан келганча ёрдам бераман.

– Нима? Ўзи мени сизнинг олдингизга шеър ёзишни ўргатишингиз учун жўнаштиди-ку. Ҳали бирон нарсга ёзишга уриниб ҳам кўрмаганман.

– Ҳозир нима иш қиласан?

– Хўжаликда ишлайман, лекин бу ишдан тушум кам. Оиламиз эса катта. Шунинг учун мени шоир қилишмоқчи бўлишяпти. Маҳмуд амаким шоирликдан мен хўжаликда ишлаб топгандан кўра кўпроқ пул топган. Расул, айтишларича, сизнинг топишингиз ҳам яхши экан.

– Олдиндан айтиб қўяй, жуда хоҳлаган тақдиримда ҳам сени шоир қила олмасам керак.

– Нима? Мен Маҳмуднинг жияниман. Маълумотномаларимда бари ёзилган. Қишлоқ кенгаши, партия ташкилоти мени шоирликка тавсия этишган.

– Маҳмуднинг ўғли бўлганинда ҳам бу иш қўлимдан келмайди. Сен ўзинг яхши биласан, Маҳмуднинг отаси шоир эмас, оддий ўтёкар бўлган.

– Ҳақиқат йўқ эканда. Сиз шоир-ёзувчилар Маҳачқалъа да адабиётнинг ёғли тўшини ўзларингиз еб ётибсизлар, менга калла-почани ҳам раво кўрмайсизлар. Мен калла-почага ҳам рози эдим. Энди нима иш қиламан? Бирор ишга жойлашишимга ёрдам беринг. Маълумотномаларим бари жойида.

Биз унга Маҳмуднинг жияни сифатида Адабиёт жамғармасидан бирозгина моддий ёрдам пули ажратдик. Илтимосимга кўра, уни Доғистон электромаш заводига ишга олишди.

Барибир машхур шоирликка даъвогар йигит мендан хафа бўлиб кетган экан. Чунки кўп ўтмай оиламиз кадрдони мендан ранжиганини билдириб хат ёзди:

«Отанг Ҳамзат менинг барча илтимосларимни бажарганди. Ҳеч қачон раъйимни қайтармаганди. Сен Ҳамзатнинг ўғли бўла туриб, яқин қариндошимизни шоирликка жойлаштириб қўйгин деган кичкинагина илтимосимни бажаргинг келмади. Сен бола, босар-тусарингни билмай қолибсан. Расул, сен отангга тортмабсан. Мен ҳеч қачон кадрдонларимдан юз ўғирмагандим, энди шундай қиламан. Хайр».

Истеъдод сабаб, тўғрироғи истеъдод йўқлиги сабаб мен эски кадрдоним билан шу тариқа хайрлашдим. Лекин ўша кадрдоним яхши одам эди. Фақат у ҳеч ким – ёзувчилар уюшмаси раиси ҳам, партия ташкилоти котиби ҳам, ҳукумат раҳбари ҳам истеъдод деб аталмиш ноёб фазилатни столга тортилган қўй гўштидай даврадагиларга бўлиб бера олмаслигини тушунгиси келмади.

Доғистон йўлларида юрган вақтимда кўп бор кўрганман. Юк ортилган аравани тепаликка чиқариш пайтида кимдир олдидан тортади, кимдир орқасидан итаради. Ёки юк машинаси тросда енгил машинани тортиб кетаётган бўлади. Ёки оғир қарвон юк машинаси тоғнинг тор йўлида учқур енгил машинага сира йўл бўшатмайди.

Мен йўл хотираларимни бежиз эсламадим. Истеъдод – юк ортилган арава эмас, уни тепага чиқариш учун кимдир олдидан тортишига, кимдир орқасидан итаришига ҳожат йўқ. Истеъдод – енгил машина ҳам эмас, уни юк машинасида ҳам тросда судраб бўлмайди. Истеъдод – юк машинасини қувиб ўтолмайди енгил машина ҳам эмас, унинг йўлини ҳеч ким тўса олмайди.

Ҳа, истеъдоднинг орқасидан итариш ва қўлидан тортиш шарт эмас, у ўзига-ўзи йўл топади ва ҳаммадан илгарилар кетади. Ҳаётда эса кўпчилик одамлар кимдир унинг қўлидан тортишини, кимдир унинг орқасидан суришини қутиб туришади. Шу ўринда сизга қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб беришим керак.

ЁШИ ЎТГАН БЎЛСА ҲАМ ИСТЕЪДОДЛИ АЁЛ БЎЛСИН. Москвадаги Адабиёт институтида ўқиб юрган давримда талабалардан ташқари қўплаб рус шоирлари билан дўстлашдим. Улар менинг шеърларимни таржима қила бошлашди. Бу таржи-

малар газета-журналларда пешма-пеш босилиб турди. Айнан шу таржималар туфайли Доғистондаги бошқа миллат вакиллари ҳам менинг ижодим билан танишишди.

Ўша йилларда тилида суяги йўк одамлар дарҳол гап таркатишди: Расул Ҳамзатов авар тилида шеър ёзишни умуман билмайди, уни истеъдодли рус таржимонлари шоирлар қаторига қўшди. У рус китобхонлари дидига мослаб ёзади, таржимонлар эса яхшилаб ўгиришади.

Шу ҳақда гап кеганда, менинг эсимга доғистонлик бир шоир тушаверади. Бизда тат деган элат бор. Уларнинг сони ўн беш мингга етиб қолар. Лекин татлар орасидан бутун Доғистонга машҳур беш-олтита ёзувчи чиққан. Уларнинг асарлари Маҳачқалъада тат тилида нашр этилади ва рус тилига таржима қилинади. Мен бир тат шоири ҳақида ёзмоқчиман. Унинг ҳақиқий исмини ёзишим шарт эмас.

Адабиёт институтида ўқишни тугатиб, Маҳачқалъага қайтгандим. Биринчи бўлиб мени ўша тат шоири меҳмонга чақирди. У мени ховлига жой қилиб кутиб олди. Шоир ўз шеърларини тат тилида ўқиди. Мен уларнинг мазмунини тушунмаганим учун мисрама-мисра рус тилига таржима қилди.

Ҳозир мен меҳмон, у мезбонлигини, шундай тўкин дастурхон атрофида ҳар қандай доно фикр бефойда эканини ҳисобга олиб, барча шоирларга мактов ёқишини унутмаган ҳолда, Москвада олган билимини кўрсатиб қўймоқчи бўлаяпти демаслиги учун ва ниҳоят у менинг ҳар бир шеъримни, ҳар битта мисрамни осмонга чиқариб мактаётгани сабабли мен ҳам унинг шеърларини мактадим.

Тан олишим керак, унинг айрим шеърлари менга ёқди. Улар ҳақида чин юракдан фикр билдирдим, аммо ёқмаганлари тўғрисида гапирганда виждонимни қийнаб қўйдим. Ўша кезларда хаёлан Каспий денгизи тўлкинларига қўлимни чўзиб, ҳатто улар пойида тиз чўкиб дедим: «Бу ёлғон гапларни айтганим учун мени кечиринглар». Кейин хаёлан ортимдаги тоғларга ўгирилиб қўлимни чўздим ва улар пойига тиз чўкиб дедим: «Бу ёлғон гапларни айтганим учун мени кечиринглар».

Биз бир-биримизга шеър ўқиб, мактов айтиб чарчаганимиздан бир муддат жим қолдик. Мен денгизни тингладим, дўстим эса ўз хаёли билан банд экан. Ниҳоят, у менга дардини очди.

– Расул, сен билан жуда муҳим масала юзасида маслаҳатлашмоқчи эдим. Лекин ваъда бер, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсан.

Мен ваъда бердим.

– Биласанми, – дея сўзида давом этди у, – биз татлар жуда озчиликмиз. Шеърларимга тилимиз доираси торлик қилиб қолди. Сен Москвадан ўз ўқувчиларингни излаб тўғри қилаяпсан. Мен ҳам сендан ибрат олиб, Москвага бориб яшамоқчиман. Лекин Москвада на танишим, на дўстим, на қариндошим, на туришга жойим бор. Агар янги чиққан китобимга бериладиган гонорарни олиб Москвага борсам, яшаш учун ўзимга паноҳ топа оламанми?

– Нега топмас экансан? Пулинг бўлса бас, ижарада турасан.

– Мен сенга боядан бери уй хакида эмас, уйи бор хотин тўғрисида гапираяпман. Майли, у ёши ўтган, бадбашара ва бошка нуксонлари бор аёл бўлсин, лекин истеъдодли бўлса бас. Шеърларимни рус тилига таржима қилиб, мени одамлар каторига қўшса бўлди. Оёққа туриб олсам, кейин ўзим йўлимни топаман. Йўкса, мен ўз тилимиз қобиғида қолиб кетаман.

Мен унинг ташки қиёфасига диққат билан назар ташладим. Йигирма беш ёшли, мушаклари бўртиб турган кавказлик. Қўллари катта, чайир бармоқлари устини жун коплаган. Кўкрагидаги жунлари деворга қоқилган михлардай катган. Юзи қорачадан келган, лаблари қалин, кўзлари кўл сувидан кўм-кўк. Сочи типратикандай тикка. Тишлари оппок, катта-катта. Оёқлари хоодай-хоодай. Бутун танасида мушаклари бўртиб кўринади. Мисоли табиатнинг сийланган фарзанди. Ўйлашимча, шундай йигит каттакон шаҳарда ўзига муносиб хотин топмаслиги мумкин эмас. Мен катъий дедим:

– Сен кўчанинг ўртасида тўхтаб хуштак чалсанг бас, хотинларнинг ўзи олдингга чопиб келади, хоҳлаганингни танлаб оласан.

Дўстим ёш боладай хурсанд бўлди. Хурсандчилигидан икки кўлини ерга қўйиб оёқларини осмонга кўтариб ростланди ва шу кўйи денгиз томон кетди. У сувга шўнғишдан олдин яна сўради:

– Сен қандай маслаҳат берасан: Москвага самолётда бораёми, ёки поездда?

Орадан ярим йил ўтди. Москвадан. Бинога кириб телпагимдаги корни қокдим ва тўртинчи қаватдаги «Молодая гвардия» нашриёти сари зинапоя бўйлаб кўтарила бошладим. Қаршимдан Каспий денгизи соҳилида мени роса меҳмон қилган тат шоири катта портфелни қўлтиклаб тушиб келарди. Мен биринчи навбатда унинг портфелни ёзувчиларга ўхшаб дастагидан ушлаб кўтармаганига, худди хисобчи ёки кассирлардай қўлтиклаб олганига эътибор бердим. У ўтган ярим йил ичида жуда ўзгариб кетибди. Типратикан сочини ўстирган, бошининг бир четидан икки томонга силлик қилиб тараган. Декабристларга ўхшаб бакенбард (икки кулоғининг ёнида сокол) қўйган. Жимжилоқларидаги тирноқлари ўстирилган, эговланган, худди наштарга ўхшайди. Бармоқларида катта тошли узуклар. Бўйнида галстук ўрнида, май кўнғизини эслатувчи бўйинбоғ. Ҳаракатлари чаккон, сермулозамат. Саломлашиб бўлгач, у менга мулозаматини кўрсатиш мақсадида галстугимни тўғрилаб қўйди. Мен ҳам ташаккуримни изҳор қилдим.

Ахмад ёнида турган хотини билан таништирди.

– Танишганимдан гоят хурсандман, – деди у ва мен томонга учта бармоғини ёзиб кўлини узатди.

Доғистонда аёлларнинг кўлини ўпиш ододдан эмас. Шу боис мен унинг бармоқларини энгилгина ушлаб қўйиш билан кифояландим. У бўлса худди мен бармоқларини майда-майда қилиб ташлагандай, бутун танаси кучли оғриқдан зиркираётгандай кичкириб юборди.

– Мендай кўпол тоғликни кечиринг, бундай бўлишини сира истамагандим.

– Маданиятлик бўлиш керак эди, – деди у ва кўзгу томонга кетди. Худди кўзгуга караса ташки киёфаси чиройлик бўлиб қоладигандай.

Ҳа, унинг ёши ўтган ва бадбашара эди. Юзига чаплаган упа-элиги кичикрок хонани сувашга етарди. Мен ёнимизда Абутолиб бўлмаганига ачиндим, у ажойиб ўхшатиш топган бўларди.

ДЕЙДИЛАР, тулқидан айёрокни учратиш мумкин эмас. Агар чиндан шундай бўлса, нега тулқининг қора-кулранг думи бу хонимнинг ёкасида бўлиб қолди? Хоним газета-журнал кўшкис томон кетди. Биз бир муддат Аҳмад билан ёлғиз қолдик.

– Аҳволларинг қалай, ишларинг жойидами? – деб сўрадим Аҳмаддан.

– Нима десам экан? Мен мисоли ясимқ донини янчиш учун қўшилган ҳўкирман. Барча ишларимни хотиним бошқаради. Сен унинг қанчалар ақлли эканини билмайсан. Мияси зўр ишлайди. Блок ва Маяковский билан шахсан таниш бўлган. Сергей Есенин уни яқин дўсти деб билган. Парижга бориб келган. Инглизчани суздай билади. Тўрт хонали уйимиз бор, ёлғизимиз. Тарзан лақабли кучукчани асраймиз. Япониядан келтирилган, мушукдан кичикрок.

– Ҳа, кўришиб турибди, ўйлаган ниятингга эришибсан. Ҳозир қаёққа кетаяпсан? – «Мурзилка»га шеър олиб келгандим. Болаларга оғирлик қилади дейишяпти. Шеъримни ёш деҳқонлар журналига берсаммикан, деб турибман. Уларга шеър ёқди, фақат қаеридадир деҳқон сўзини ишлатишимни сўрашяпти. Бугун кечкурун уларга мослаб ёзиб, эртага олиб келиб бераман. Расул, шундай яшаш ва ишлаш керак экан. Хотиним менга айтадики: болалар ҳам юришдан олдин эмақлайди. Кейинрок ҳақиқий асар ёзарман.

– Алёша, – деди бизга яқинлашган хотини мулойимлик билан ва буйруқ оҳангида давом этди. – Кетдик, «Тарзан»ни овқатлантирамыз. Кейин «Крокодил» ва «Работница» журналларига борамиз.

Шу учрашувдан кейин Аҳмад билан узок вақтгача кўришмадик. Бир куни ундан хат олдим. У мендан Балхар кулолларига «Менинг суюкли хотинимга» деган ёзувли кўза буюртма беришимни сўраганиди. Мен кулолларга шундай кўза тайёрлаб беришларини айтгач, ўйлаб қолдим: «Чиндан ҳам унга хотинининг ёрдами тегайяпти». Чунки унинг шеърлари хотинининг таржимасида «Мурзилка», «Пионер», «Крокодил» ва бошқа нашрларда босилиб турарди. Фақат унинг шеърлари Маҳачқалъада, ўзининг она тили бўлган тат тилида чикмаётганиди. Биз ундан бир неча марта шеърларидан жўнатишини сўрадик ва лекин жавоб бўлмади.

Биринчи учрашувимизга ўн беш йил бўлганда биз яна Москвада кўришдик. Ўша даврда Москвада Доғистон адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтаётганиди. Доғистондан Москвага қирқгача шоир келганиди. Биз Кремль театри, Колонналар зали, маданият саройлари, заводларда бўлган ижодий учрашувларда турли тилларда шеърларимиздан ўқидик.

Декаданинг яқунловчи тантанасида саҳна ортида ёнимизга Аҳмад келди.

– Расул, – деди у ўтинч оҳангида. – Мени Москвадан Доғистонга олиб кет. Мен бу жойга одамлар соямга салом берадиган мартабага эришиш учун келгандим, аксинча ўзимни ҳеч киши назар-писанд қилмай қўйди.

Аҳмад Доғистонга қайтди. Аммо сира созини созлай олмади, созини созласа ўзи излаган пардани топа олмади. У виноси ёриғидан оқиб кетган идишга ўхшаб қолганди. Энди бу идишга қанча қуйма, вино ёриғидан оқиб кетаверади.

Хуллас, таржимон ўзида йўқ одамга истеъдод бера олмайди. Айримлар айтади, Эфенди Капиев Сулаймон Стальскийни танитди. Бошқалар айтади, Стальский Капиевдай таржимонни кашф қилди. Аслида эса, иккаласи ҳам истеъдодли эди. Эфендининг истеъдоди Эфендини, Сулаймоннинг истеъдоди Сулаймонни элга танитди.

МЕН ИЗАГА АЙТИБ ҚЎЯМАН. Сизга ҳикоя қилиб бермокчи бўлган навбатдаги хотиротимни шундай номлаш мумкин.

Авар педагогика институтида мен билан ҳозирги кунда таникли ёзувчи Магомед Сулаймон ҳам бирга ўқиганди. У кўп киррали истеъдодлар каторига кирарди, яъни яхши расм чизарди, халқ ўйинларини яхши ижро этарди, шеър ёзарди. Айникса у «Евгений Онегин» асарини яхши кўрарди. Деярли китобни ёддан биларди. Унинг орзуси — «Евгений Онегин» асарини авар тилига таржима қилиш эди. Ҳатто у бу китобни урушга ҳам ўзи билан олиб кетганди.

Уруш охирида яраланган Магомедни даволаниш учун Москвадаги госпиталга жўнатишган. У госпиталда москвалик Валя билан танишган. Соғайиб кетгач, Валяга уйланган ва Москвада қолган.

Мен Москвага ўқишга келганимдан кейин сўраб-суриштириб унинг манзилни топдим. Биз бир-биримизни жуда соғингандик. Валя бизнинг дўстона суҳбатимизга ҳалақит бермади. Учаламиз ширин вино ичиб узок ўтирдик. Магомед уруш ҳақида, мен Доғистон, овулимиз ва эски қадрдонлар ҳақида сўзладим. Мен уларга ўзимнинг, дўстларимнинг ва доғистонлик ёш шоирларнинг шеърларидан ўқидим. Кейин мен ундан энди умрингни нимага бағишламоқчисан, деб сўрадим.

– Мен нима иш қилишни узок ўйладим, – деди у. – Аммо Валянинг битта ҳоласи бор, ҳоласининг эса Иза деган таниши бор. Изанинг обрўси баланд, уни кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Бир қарорга келолмай юрган кунларимда Валянинг ҳоласи деди: «Магомед, ўзингни кўпам қийнама. Мен Изага айтиб қўяман, у сенга яхши жой топиб беради». Чиндан ҳам Иза мени Фанлар академиясига масъул лавозимга ишга жойлаштириб қўйди. Ҳозир ўша жойда ишлаяпман.

– Расм чизмаяпсанми?

– Урушнинг танимга чизган «расм»лари етиб-ортади.

– Шеър ҳам ёзмаяпсанми?

– Расул, шеър ёшликдаги хавас эди. Энди мен улғайдим, жиддий иш билан шуғулланишим керак.

– «Евгений Онегин» таржимаси нима бўлди?

Дўстим чуқур ўйга толди. Мен билмасдан унинг оғрикли нуктасига тегиб қўйибман.

– Нега Доғистонга кайтмаяпсан?

– Валянинг холи нима бўлади?

– Ўзинг билан олиб кетасан.

– Менинг овулдаги уйимдан бошка уйим йўқ. Мен Валя билан овулга қандай бораман? Ахир, Валя менинг онам билан гаплаша олмайди. Онам Валянинг, Валя онамнинг гапини тушуниши учун ўзим билан таржимон олиб кетолмайман-ку.

Мен Магомед учун оғрикли суҳбатни тўхтатиш мақсадида Валя учун, «Евгений Онегин» учун қадах кўтаришни таклиф килдим.

Кейинги сафар дўстимни йўқлаб борганимда Валя менга унинг жуда ўзгариб колганини айтди. Кун-тун демай бўш қолиши билан дам олишдан, овқатдан, уй-кудан воз кечиб ниманидир тинмай ёзаётганини, кейин ёзган қоғозларини йиртиб ташлаётганини, яна ёзаётганини, яна йиртиб ташлаётганини гапириб берди.

Валянинг холаси Магомедни кузатишдан чарчаб, ундан нима ёзаётганини, нимага ёзган қоғозларини йиртиб ташлаётганини сўрабди.

– Шоир бўлмоқчиман, – деб жавоб берибди Магомед. – Мен «Евгений Онегин»-ни таржима килмоқчиман.

– Шунга шунчами, ўзингни кийнама. Мен Изага айтиб қўяман, сенга бу масалада ёрдам беради.

– Йўқ, меҳрибон холажоним! Бу масалада менга Иза ҳам, унинг танишлари ҳам, танишларининг танишлари ҳам ёрдам бера олмайди. Фақат ўзим интилиб шоир бўлишим мумкин.

Тез орада Магомед менга «Евгений Онегин»нинг биринчи бобини авар тилида ўқиб берди. Уч йилдан кейин аварликлар «Евгений Онегин» романини ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлишди.

КИМНИНГ СУРАТИНИ ҚЎЙИШНИ БИЛМАДИК. Дейдилар, шаддод хотин эрининг ишини юриштириб юбора олади. Ҳа, биз шундай шаддод хотинлардан биттасини кўрганмиз. Номи унча-мунча танилиб қолган доғистонлик шоирнинг шундай шаддод хотини бор эди. Унинг номини эшитиши билан Ёзувчилар уюшмаси, барча нашриёт, газета-журналлар тахририятлари ходимлари хавотирга тушишарди. Мен ҳам ундан ҳайқардим. Шу боис унинг шаштини тушириш мақсадида хонамга эрининг портретини ҳам осиб қўйгандим. Ўйлардимки, бундан унинг кўнгли юмшайди ва мен билан қаттиқ муомала қилмайди. Афсуски, бу тадбирим камдан-кам ҳолларда иш берарди. Ахир, у хонамда эрининг портретини осиб қўйганимдан бир тийинлик ҳам фойда кўрмасди.

Бир куни у нашриётга келиб, эрининг шеърлар тўпламини чоп этишларини талаб килбди. Директор кўрка-писа бу йилги режа тасдиқланганини, қоғоз камлигини, келгуси йил албатта чоп этишини айтибди.

– Сен виждонсиз одамсан, – дея кичкирибди жанжал килиш учун келган шаддод хотин. – Менинг эримнинг шеърлари сенинг шеърларингдан яхши эканлигини халқимиз билиб қолишидан кўрқаяпсан, холос. Шунинг учун менга қоғозлар, режалар тўғрисида эртак айтаяпсан. Мен эса сенинг ичингдагини кўриб турибман. Бекорга овора бўлаяпсан, мени алдай олмайсан. Мен сенга кўрсатиб қўяман, эримнинг шеърлар китобини босиб чиқаришга мажбур қиламан.

Шу сўзларни айтиб, хотин нашриёт эшигини каттик ёпди.

Икки соат ўтмасдан директор столидаги телефон жиринглади. Телефондан вилоят партия кўмитаси котибининг ташвишли овози келди.

– Худо ҳаққи бирор чорасини топ, – дея илтимос килди партия кўмитаси котиби. – Ишқилиб, бу хотин бошқа қабулимга келмасин. Мен столим устидаги ойнани янгилашга улгурмаяпман, у столни муштлаб ойнани синдиришдан чарчамаяпти.

Бу жанжал нима билан туғади дерсиз? Лев Толстойнинг «Ҳожимурод» киссаси ва Ҳамзат Цадасанинг ёшларга бағишланган китоби чоп этилмайдиган бўлди. Шу икки китобга ажратилган қоғоз ҳисобидан шаддод хотин эрининг китобини босишга келишилди.

Шу билан жанжал туғаб, тинчлик ўрнатилгандир дерсиз? Қайда, кўп ўтмай жанжал янгидан бошланди. Маълум бўлишича, тўплагма шоирнинг портретини қўйишмаган экан.

– Виждонсизлар, – дея кичкирди кони кайнаб турган шаддод хотин. – Одамлар менинг эрим сенлардан чиройли эканини билиб қолишдан кўрқаяпсизлар. Шунинг учун эримнинг портретини китобга қўймагансизлар.

– Ундай эмас, – дея кўрка-писа эътироз билдирди нашриёт директори, – биз тўплагма кимнинг суратини қўйишни билмай турибмиз: сенинг суратингними, ёки эрининг суратиними?

– Нима эди? – бироз шаштидан тушди шаддод хотин. – Агар мендай хотини бўлмаганда, у шоир бўлармиди ёки йўқми, буни ҳеч ким билмайди.

АБУТОЛИБ ВА ХОТИМАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Абутолиб аввал чўпонлик килди, кейин мисгарликка кизиқиб қолди. Лекин чўпонликдан ёдгор найини ёнида олиб юрди, бўш қолди дегунча чалиб турди. У ҳам бошқа усталарга ўхшаб, овулма-овул юриб мисгарлик килди. Кунлардан бир кун, айримларнинг айтишича Кули овулида, бошқаларнинг айтишича Кумухи овулида Хотимат исмли киз унга тузатириш учун ёрилган кўзасини олиб келди.

Абутолиб кўзани узоқ таъмирлади. Ё кўзани у ёнига қўйиб тамаки тутатди, ё кўзани бу ёнига қўйиб найини чақди, ё таъмирлашни тўхтатиб Хотиматга бўлган-бўлмаган воқеалар тўғрисида сўзлади.

Хотимат ишни тезроқ битирар деган ниятда мисгарга луқма ташлади:

– Ўралмани калтароқ қилсангиз бўлармиди?

– Нималар деяпсан, Хотимат. Энди мен узокрок чекишим учун ўралмани олдингидан узунрок ўрайман.

Қизнинг токати-ток бўлиб, жахли чиққандан кейингина Абутолиб унга кўзасини берди. Кўза янгидай ялтирарди. Аммо киз кўзасига сув тўлдирмасидан ёригидан оқа бошлади. Аччиғи чиққан киз йиғламоқдан бери бўлиб яна Абутолибнинг олди-га келди.

– Қанча вақт кўзани таъмирладинг, ундан илгаригидан кўпроқ оқаяпти-ку.

– Қанийди, шўх йигитлар сенинг кўзанга ҳар куни тош отишса. Нега аччиғинг чиқаяпти, Хотимат? Ахир, мен сени яна кўриш учун атай кўзада ёрикни колдирдим.

– Шўх йигитлар менинг кўзамга эмас, сенинг бошинга тош отишсин, – деди жахл билан Хотимат ва орқасига қарамай кетди.

Абутолиб кизни соғина бошлади. Соғингани сайин севгиси аланга олди, қайғуга ботди. Қайғуга ботган Абутолиб беихтиёр Хотимат ва унга бўлган севгисига бағишлаб қўшиқ ёзди. Кейин иккинчисини, кейин ўнинчисини, кейин йигирманчисини ёзди. Йиллар ўтиб Абутолиб мисгардан таникли шоирга айланди.

Ўтган даврда Хотимат Гаджи исмли кишига турмушга чиқди. У билан ажрашгандан кейин Мусо исмли кишига эрга тегди.

Таникли шоир Абутолиб бир куни бозорда юганда унга кимдир гап ташлади:

– Абутолиб, кўзамни тузатиб бермайсанми?

Шоир овоз чиққан тарафга қараб, юзи бужмайган, мункиллаб қолган, касалманд Хотиматни кўрди.

– Сен жуда кеккайиб кетибсан, Абутолиб. Ҳатто, мени танимадинг. Тўғрида, депутатсан, кўрагинга орден тақиб олгансан. Кўриб турибман, мисгар бўлганингни ҳам унутиб юборгансан. Агар гапни қовласак, аслида мен сени шоир қилганман. Ўшанда сенга кўзамни тузатишга олиб бормаганимда, ҳозиргача бозорда мисгарлик қилиб ўтирармидинг.

– Хотимат, агар сен шундай қудратга эга бўлсанг, агар сен чиндан ҳам истаган одамни шоир қила олсанг, нега биринчи эринг Гаджини шоир қилмадинг? Нега ханузгача иккинчи эринг Мусонинг қўшиқлари таралмаяпти?

Абутолиб аллақачон кетиб бўлди. Хотимат эса, нима қилишини билмай оғзини очганча узок вақт бир жойда туриб қолди. Уни ёға бошлаган ёмғир томчилари ўзига келтирди.

Шундай, ҳеч ким бировни шоир қила олмайди, ҳар ким ўзигина шоир бўлиши мумкин.

ОТАМ АЙТГАНДИЛАР: Мен дастлабки шеърларимни ёза бошлаганимда бутун Доғистонда ҳурмат-эътиборда бўлган отамнинг дўсти унга дебди:

– Энди Расул бир кизни севиб қолса яхши бўларди. Унга севги бахт келтиради-ми ёки бахтсизлик, бунинг аҳамияти йўқ. Агар севган кизи унга қайрилиб ҳам қарамаса, муҳаббати фақат қайғу-ҳасрат келтирса янада яхши. Шунда у дарҳол катта шоирга айланарди-қоларди.

Отамнинг дўсти шундай ёш ва гўзал кизнинг номини ҳам айтибди, яъни у мени севгида бахтсиз қилади, лекин катта шоирга айлантиради.

Отам дўстига дебди:

– Қара, ҳаётда қанча севишганлар бор, уларнинг ҳаммаси шоирми? Билсанг, севиш учун ҳам истеъдод керак. Эҳтимол, истеъдодга севги эмас, севгига истеъдод кўпроқ керакдир. Тўғри, севги истеъдодга йўлдош, лекин севги истеъдоднинг ўзи бўла олмайди.

– Севги куйчиси Ошиқ Маҳмуд-чи?

– Дарҳақиқат, биз билган Маҳмуд севги туфайли шундай севимли шоир даражасига эришган. Лекин менинг фикримча, агар Маҳмуд ўша кизни севмаган тақдирда ҳам барибир улуғ шоир бўлар эди. Майсалар зах, совуқ ва қоп-қора тупроқдан Куёш сари йўл топгандай, унинг безовта, жўшқин туйғулари ўз ўзини топмасдан кўймасди. Ахир, баъзан майсалар тошни ҳам тешиб ўтади.

Ҳа, олов қуруқ хас-хашакни тез аланга олдиргандай истеъдод ҳам муҳаббати ёки нафрати кучли кишиларга тез таъсир қилади, шеърлар ширин табассумдан ёки аччиқ кўз ёшдан туғилади, дегувчиларнинг фикрини маъқуллашдан осони йўқ. Шу боис мен сизга ҳаётдан олинган иккита мисолни келтирмоқчиман.

Дунёда ўз ўғлидан жудо бўлган она қайғусидан ортиқроқ қайғу борми? Ўғлини дафн этиш учун одамлар тўпланган. Она унсиз кўз ёш тўқаяпти. Она ўз қайғусини сўзда ифодалашга ожиз. Агар овоз чиқариб йиғлаган тақдирда ҳам айтган сўзлари дафнга тўпланганларни унинг қайғусига шерик қилиб, ўзидай йиғлата олмайди.

Шундай пайтда ўртага йиғичи чиқади. Унинг кўзларида ёш йўқ, чунки унга она қайғуси бегона. Аммо у ўзининг ёвуз санъатини ишга солиб ёлғондакам уввос тортади, тўпланганларнинг бари йиғлашга тушади.

Мен бу санъатни ёвуз деб атаيمان. Чиндан ҳам бундай қилиш ёвузлик, қаҳри каттикликдир. Бекорга ислом динининг муқаддас китобида йиғичиларга нариги дунёда мунофиқлар, товламачилар, ғийбатчилар каби абадий жазо берилади деб ёзилмаган. Афсуски, одамларни йиғлашга мажбур этадиган бу санъатга қарши чора кўриб бўлмайди.

Энди бу ҳолатнинг умуман акси бўлган мисол. Дунёда ўғли балоғатга етган, уни уйлантириш тараддудига тушган ота-онани бахтиёрроқ одамлар борми? Тўй – қувончли тантана! Унда кўшиқлар айтилади, рақсга тушилади. Албатта, куёвнинг ота-онаси ҳаммадан кўпроқ қувонади. Лекин ким бахтиёр ота-онанинг қувончини кўшиқ қилиб қуйлай олади? Демак, шундай хонандани топиш

керак-ки, унинг айтган кўшиқлари барчани тўй эгаларининг қувончига шерик қилса, барча тўй эгаларидай қулса, яйраса.

Шунинг учун ота-оналар аввалроқ овулма-овул кезишиб энг маҳоратли кўшиқчиларни тўйга таклиф қилишади. Кўшиқчилар айтилган вақтда тўйга келишади. Кеча улар бошқа тўйда қуйлашганди, эртага бошқа тўйда қуйлашади. Уларга барибир, лекин кўшиқчиларнинг истеъдоди одамларга кўтаринки кайфият бағишлайди, чинакам қувонч улашади.

Шундай экан, эхтимол, истеъдод ҳаётий тажрибалардан, тинимсиз меҳнатдан куч олар? Ахир, ҳар бир истеъдоднинг кўз очиши билимга ташналик, мураккаб такдир, буюк ўзгаришлар самараси эмасми?

Агар шундай ўйласак, нега унда ўн тўрт ёшли ва кўзи ожиз аварлик ўсмир овуларда пандур чалиб, ҳаммани ҳайратга солади?

Бошқа ўсмир, Муҳаммад Ражабов. Касаллик уни болалигидан ўрнидан қимирлатмай қўйган. Лекин у она ҳақида шундай кўшиқ ёзганки, бу кўшиқни Доғистонда билмаган ва қуйламаган одам йўқ. Бу кўшиқнинг мусикасини иккала оёғи ҳам фалаж бўлиб қолган Аҳмад Цурмилов ёзган. Мен бир вақт унга бағишлаб шундай шеър битгандим:

*Созимнинг бор саккизта тори.
Бордир саккиз мингта изҳори.*

Ҳа, истеъдодли кўзи ожиз мудраб юрган кўзи очикларга нисбатан кўпроқ нарсани кўради. Кимдир айтган экан: уйда ўтирган ақлли одам бутун дунёни айланиб келган тентакка нисбатан кўпроқ нарсани билади.

Тавба, кўзи ожиз Муҳаммад кун бўйи бозорда ўтириб топган садақасини санаганда ҳеч қачон адашмасди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Агар истеъдоднинг кучи фақат кўришда бўлса, хон амри билан икки кўзи ўйиб олинган лезгин шоири Кочхурский қандай қилиб кўшиқлар тўқиган? Агар истеъдоднинг кучи фақат бойликда бўлса, етимлик ва қашшоқликда ўсган лезгин шоири Етим Эмин қандай қилиб машҳур бўлди? Агар истеъдоднинг кучи фақат билимда бўлса, ёзишни билмаган, имзо қўйиш ўрнига бармоғига сиёҳ суриб босган Сулаймон Стальский қандай қилиб «XX аср Гомери»га айланди? Агар истеъдоднинг кучи фақат кўп ўқиш ва билимдонликда бўлса, нега кўп ўқиган ва жуда билимдон айрим кишилар ҳатто эсда қоладиган бирон шеърини мисра ҳам ёзишмаган?

Авваллари тоғликлар ўзаро қизиқарли баҳс-айтишувлар ўтказиб туришган. Бир томондан авар тилида ўқиш ва ёзишни биладиган саводли кишилар, иккинчи томонда ўз иши билан банд бўлган хунармандлар, чўпонлар, яъни «саводсиз» кишилар. Улар шеърини баҳсга, айтишувга киришган. Бу айтишувларда кўпроқ чўпонлар ғолиб чиқишган. Чунки саводли кишиларнинг ҳамма жиҳати ҳисобга олиниб, ақл

тарозисида ўлчанган қўшиқларини, чўпонларнинг тоғдаги шамолдай эмин-эркин эсадиган қўшиқлари босиб кетган.

Бирок, айтишувда қайси томон ғолиб чиқишидан қатъи назар, ғолиб албатта шоир бўлган. Яъни, ғолиб – ё ўқиш ва ёзишни биладиган томондаги шоир, ёки чўпонлик қилиб юрган шоир. Агар бундай айтишувларда Маҳмуд ва менинг отам Ҳамзат ҳам иштирок этишса, улар ўзаро баҳсга киришган. Қолганлар бундай юқори пардадаги айтишувга қўшила олишмаган.

Эхтимол, истеъдоднинг кучи ақлдадир. Мен Москвада ва бошқа кўплаб мамлакатларда бўлганимда жуда ақлли одамларни учратганман. Агар уларнинг ақли шеърга, хикоя ёки романга айланганда эди, улар бебаҳо асарлар саналарди. Лекин улар ақлининг перо орқали қоғозга кўчишига нимадир халакит беради ва айтган доно фикрлари ҳавода қолиб кетади, айта олмаганлари эса ўзи билан бирга қабрга кўмилади.

Шундай экан, эхтимол, истеъдоднинг кучи тер тўкиб ишлашдадир. Ахир, биз истеъдоднинг ўзи ҳали ҳеч нарса эмас, тер тўкиб ишласагина юзага чиқади, деган гапни кўп бор эшитганмиз. Аммо гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолай: менга оғир юк кўтариб терлаб келаётган эшакнинг ханграшидан кўра, новдада шундай кўниб сайраётган булбулнинг овози кўпроқ ёқади.

Айтадиларку, аравани тортиб келаётган эмас, араванинг устида ўтирган қўшиқ айтиди.

Қудратли Оллоҳим, ерда биз тушунмайдиган нарсалар бунча кўп. Агар қўшиқ аравада маза қилиб кетаётган одам роҳатининг меваси бўлса, эхтимол, санъат моддий жиҳатдан таъминланган ва ҳеч қандай ташвиши йўқ кишилар кўнгил очишининг маҳсулидир?

Ахир, ғариб кулбаларда яратилган қўшиқларни қасрларда яшаётганлар ҳам айтишадилар-ку. Хонлар ва бадавлат кишилар ҳақидаги эртақларни камбағаллар тўқишган-ку. Шамхол Ирчи Казакни Сибирга сургун қилди. У сургунда ҳам ёниб шеърлар ёзди. Эндиликда Ирчи Казак шеърларини ўқиган борки, кўмиклик Шамхол тўғрисида билади.

Ёш гуржи князи Давид Гурамишвилини тоғликлар ўғирлаб кетишди. Уни Унцукулдаги чуқур ўрага ташлашди. Зах ўрада осмонга қараб ётган князь ўзининг ям-яшил Гуржистонини соғинди ва шеър ёза бошлади.

Хунзах хонининг қизи Ойша ёш чўпон йигитни севиб қолди. Отаси бу ҳақда хабар топиб, қизини уйдан ҳайдаб чиқарди. Қаҳратон киш кечаси эди. Енгилгина кийинган, совуқ шамолда дийдираб тизза бўйи қор кечиб кетаётган Ойша ўзининг дастлабки қўшиқларини тўкиди.

Шундай экан, эхтимол, истеъдоднинг кучи одамнинг қорасиз қолишида ёки камбағаллигидадир? Эхтимол, бахтсизлик ва қайғу-ғам энг сара қўшиқлар яратилишига туртки берар? Шеър ўзи нима, унга ким керак? Шеър Батирайни кексайган,

касалманд ва оч-юпун ҳолда ўчоққа тикилиб ўтирган пайтда йўқлади. Шеър Маҳмуд ҳолидан Карпат окопларида муз котиб ётганида хабар олди. Ҳолбуки, у вақтда куёшдан, дунёдан, ҳаётдан азиз бўлган ёри ўзгага турмушга чикиб кетганди. Шеър Абутолибни севган кизи Хотимат ундан юз ўгириб ўзгага эрга текканди, овулма-овул хуржунини орқалаб сарсон юрганида сўроқлаб толди. Шеър Элдарилав олдига қотил кўлидан захар ичиб бўлгандан кейингина етиб келди. Золим Зунти ноиб Анхил Марин оғзини тикишга буюрди. ўшанда Марин энг яхши кўшигини қуйлади. Бу кўшиқ ноиб ҳаловатини ўғирлади, қолган умрида неча марта тушларига кирди.

Истеъдод ўзинг айт, кучинг нимада? Сен ўзи нимасан – виждонми, ор-номусми, мардликми ёки кўркув? Ахир, кўрққан одамлар ҳам қоронғи тунда ёлғиз кетаётган вақтда ўзига-ўзи далда бериш учун кўшиқ айтади.

Сен бахтмисан ёки кулфат, сен мукофотми ёки жазо? Эҳтимол, сен одамлар етолмай қийналишлари учун яратилган гўзалликсан ёки гўзаллик яратиш учун берилган азобсан? Эҳтимол, сен давр ва воқеалар маҳсулисан? Ахир, тошни тошга урсанг учкун сачрайди. Уруш ҳеч қачон дунёда одамлар сонини кўпайтирмайди, лекин у ердаги қаҳрамонлар сонини оширади.

Мен шеърят нима эканлигини билмаганимдай, истеъдод нима эканлигини ҳам билмайман, улар ҳақида аниқ бир нарса дея олмайман. Лекин баъзан йўлда кетаётганимда, ё уйга қайтаётганимда, ё тушимда (чакмонимга ўраниб ётган бўлсам ҳам), ё ям-яшил майсазорга қадам қўйганимда (хулди яшнаётган майсалардан томиримга қон қуйилгандай), ё овқатланаётганимда, ё мусиқа тинглаётганимда, ё сокин оила, ё сершовкин дўстлар даврасида ўтирганимда, ё болаларни кўтарганимда, ё уларга узок умр тилаб дуо қилганимда, ё дўстлар тобутини елкамда кўтариб сўнги манзилига кузатаётганимда, ё севгилим юзига мамнуният билан тикилганимда тўсатдан ҳаёлимга ажиб, ҳайратланарли, сирли ва қудратли бир нарса келади. Баъзан у ғамгин, баъзан у фараҳбахш бўлади, лекин доим мени ҳаракатга келтиради, сўз айтишга, ниманидир ёзишга мажбур қилади. Улар тақлифсиз ва ҳеч қутилмаганда келишади.

У келганда Маҳмуд кўлига пандурини олиб гирдикапалак бўлади, севги кўшигини охиригача қуйлайди. У келганда Элдарилав захар томизилган қадахни кўлига олади, Марин ноиб амри билан тикилган лабларидан қон оқса ҳам кўшиқ бошлайди. У келганда Данте, Толстой, Шиллер, Блок, Гёте, Бальзак, Достоевский каби буюқлар ҳам ҳаловатини йўқотади. Баъзан у менга Худонинг туманли зулматни ёриб ўтган ёп-ёруғ нурли тимсолидай туюлади.

- Сен ўзи қандай хилқатсан? – сўрайман мен ўша нарсадан.
- Мен сенинг истеъдодингман, сенинг шеърятингман.
- Манзилингни айт.
- Мен ҳамма жойдаман.
- Сенинг ёшинг нечада, тенгдошми?

– Э, йўк, мен мисоли лаҳзаман, ёки минглаб асрдаман. Менда болаларнинг беғуборлиги, ёшлик ғайрати ва кексаларнинг донолиги бор. Мен гулханман, ҳеч қачон сўнмайдиган. Мен кўшиқман, ҳали ҳеч ким охиригача айта олмаган. Мен парвозман, ҳеч ким охиригача учиб етолмайдиган. Мен сендан жуда узоқдаман ва сенинг ўзингдаман. Мен бахтиёр ва тантанали кунларингда ҳам, қайгули дамларингда ҳам ёнингдаман. Мендан осон нарса ҳам, мендан мушкул нарса ҳам бу оламда йўк.

Агар мен бўлсам, скрипка торининг титрашидан улкан қояларга дарз кетади. Агар мен бўлсам, сурнай ноласини эшитганда тоғ такалари ҳам водийда рақсга тушади. Агар мен бўлсам, қотил қўлидаги қиличини ташлайди, севишганлар бир-бирдан қайноқ бўса олишади.

Ёвқур ёри Марямни отда олиб қочганда, мен бор эдим. Жанна д’Арк ўзига эргашган лашкар олдида қилич яланғочлаганда, мен бор эдим. Колумб ёки Магеллан олис сафарга чиқиш учун кемаларининг елканларини кўтарганда, мен бор эдим. «Мона Лиза» асари чизилаётган вақтда ҳам мен бор эдим.

Менинг фалсафам майдони – барча даврлар ва бутун коинот. Менинг қаҳрамонларим – одамлар. Одамларда ақл ва қалб бор. Материядаги барча одамларга муҳаббат ва нафрат, мардлик ва қўрқув, олийжаноблик ва айёрлик, фидокорлик ва ёлғончилик, самимийлик ва ғийбатчилик ҳос хусусиятдир. Одамлар ақли ва қалби – менинг жанг майдоним. Шу майдонда мағлубиятга учрайман, ғалаба қозонаман ва яратувчанликка замин қўяман.

– Унда ҳақиқатни очик айт: мен нимага ярайман? Эрта-индин эриб кетадиган қорга ўхшашга ҳаракат қилмаяпманми? Менинг қалбимга сенинг сўнмас гулханингдан учқун тушганми ёки сенинг ширин бўсаларинг тотини лабларим хис этганми?

Менинг кўзларимдан қувонч ва қайғу ёшлари оқади. Лекин яна шундай кўз ёшларим ҳам борки, улар овчининг келаётганини сезиб пусиб олган қушлардай кўзимнинг тубига бекинган. Бу бекиниб олган кўз ёшлар бири севгидан, бошқаси аламдан, бири бахтдан, бошқаси кулфатдан. Бошимдаги сочим ҳам икки рангда: қора ва оқ. Иқрорман, бир оёғим ёшлиқда, бир оёғим кексалиқда. Кексалиқ ва ёшлиқ, улар ўзаро доимо курашадилар, кураш майдони – менинг қалбим!

Менинг севгим – чинор, унда қўш шох бор,

Бири қуриб борар, бири гуллайди.

Менинг севгим – бургут, гўё икки сор,

Бири парвоз этар, бири қулайди.

Менинг қалбим қийнар икки жароҳат,

Биридан қон оқар, бири битади.

Умрим бўйи шундай: навбатма-навбат,

Гоҳ қувонч, гоҳ қайғу қўлим тутади.

Одамзотнинг умри чегараланган. У жуда киска, лекин орзулари чегара билмайди. Мен йўлдаман, орзуларим эса уйда. Мен севгилим билан сайр қилаяпман, орзуларим эса ёрим билан тотли висол кучоғида. Мен шу кунда яшаяпман, орзуларим эса бир неча йиллар илгари кетган. Орзулар одамзот умр риштаси узиладиган чегарадан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади.

ШОМИЛ ЕЧҒАН ЖУМБОК. Унинг кўлига учта тугуни бор аркон беришди. Бир четигаги икки тугун яқин, учинчи тугун арконнинг нариги охирида. Бу қандай жумбок бўлди экан?

Шомил арконни икки кўлида ушлаб ёзди ва деди:

– Биринчи тугун – бу мен. Иккинчи тугун – бу менинг ўлигим. Мана бу узокдаги учинчи тугун – умрим бўйи интилиб етолмаган, ўйларим, орзуларим яшаётган жой.

Орзуларим ишлов бераётган майдон айни пайтда ўзим ишлов бераётган майдондан жуда ҳам катта. Шундай экан истеъдод кимга хизмат қилиши керак? Менгами ёки мендан узокларга учиб кетган орзуларимгами?

Ҳа, сен сўнмас гулхансан. Сен қўшиқсан, ҳеч ким охиригача қуйлай олмайди. Сен парвозсан, ҳеч ким охиригича етиб бора олмайдиган. Мен сенинг умрбоқий қўшиқларинг орасига ўзимнинг битта бўлса ҳам аварча қўшиғимни қўша оламанми? Эҳтимол, ўшанда сенинг қўшиқларинг тўқис бўлар.

Мен сенинг сўнмас гулханидан учкун олиб, Доғистон чўққиси узра кичкина бўлса ҳам ўз гулханимни ёқишни уддалайманми? Бир қоядан иккинчи қоя томон давом этаётган парвозимни салгина бўлса ҳам чўза оламанми?

Менинг овулим – Цада! Бу сўзнинг маъноси – олов. Бир куни мендан бошқа овуллик киши сўради:

– Йигит, қаерликсан?

– Цададан.

Сухбатдошим дарҳол кесатди:

– Олдин шеърларингни ўқи, ўшанда биламиз, уларда олов тафти борми ёки музнинг совуғи.

Оғир ўйлар исканжасида қийналаман. Ташқарида ҳаво аллақачон очилиб кетган, кўёш чарақлаб турган бўлишига қарамасдан иссиқ чакмонимни кийиб кўчага чиқмаяпманми? Хўқизни ўғрилар ўмариб кетгандан кейин оғилхона эшигини махкам танбаламаяпманми? Одамлар аллақачон эшитиб бўлган воқеаларни ҳикоя қилмаяпманми? Тантанали базмдан эндигина чиққан одамларни меҳмонга таклиф этмаяпманми? Умуман, шу китобни ёзишим шартми?

– Агар ёзмасликнинг уддасидан чиқсанг, ёзма.

– Қандай қилиб ёзмасдан жим яшай оламан? Оғриқ зўрайганда бемор индамасдан жим тура оладими? Бахтиёр одам жилмаймаслиги мумкинми? Сокин ойдин кечада булбуллар сайрамасдан жим тура оладими? Зах ердан ёриб чиққан майса

энди ўсмаслиги мумкинми? Баҳор куёшидан нур эмган гунчалар очилмасдан тура оладими? Куёш нуридан қор-музлар эриётган пайтда тоғ дарёлари денгиз томон шарқираб окмаслиги мумкинми? Чарсиллаб қуриган шох-шабба ўт тушганда гуп этиб аланга олмайдами?

Болалигимдан чўпонлар кечаси дарё бўйида, қоялар ёнида, водийда ёки қўраси яқинида ёккан гулханларда исинишни яхши кўраман. Мен-ку биламан, гулханни ўт олдириш ташвишнинг бошланиши, уни совук узун кечада ўчирмасдан ёкиб чиқиш мушкул иш.

Мен сезиб турибман, юрагимда ўт-олов бор. Фақат шу ўт-олов бевақт ўчиб қолмаслиги учун, қачонлардир қоронғи кечаларда кимларнингдир йўлини ёритиш ва келиб исиниш учун уни қандай асрай, янада аланга олдириш учун нима қилай? Хуллас, истеъдодимни асраш ва уни қамолга етказишим учун нима қилишим керак?

ОТАМНИНГ ЭСДАЛИГИДАН: Бир тоғлик отамнинг олдига келиб сўради:

– Мен ёзиб кўрдим ва қаттиқ ишонч ҳосил қилдим: шеър тўқий оламан. Аммо зўр шеър ёзиш учун нима қилиш кераклигини билмаяпман.

Отам жавоб берди:

– Скрипкани созлаш билан иш битмайди, унда куй чала олиш керак. Даланинг борлиги яхши, унга ишлов бериш ва дон сепи билиш керак.

– Зўр шеър ёзиш учун нима қилиш керак?

– Нима қилиш керак? Ишла!

ИШ

*Бизнинг ишни қимқи деса: жонингга роҳат.
Майли, келиб роҳатидан тотсин, марҳамат!*

Кубачинликлар ёдгорликларидаги ёзувлар.

*Мен – шеърга бандаман. Худо берган кун,
Ишлайман, тинмайман тонгдан шомгача.
Хожамга бу ҳам кам, баъзан ярим тун
Уйғотар, ишлатар яна тонггача.*

*Арава тортаман, елкамга тиркиш
Арава силкинса қаттиқроқ ботар.
Хожам аравага кўпроқ юк ортар,
Нетай, тақдиримга ёзилган шу иш.*

Бу воқеа неча йиллар илгари бўлганди. Лекин мен ўша кун тафсилотини, худди кеча бўлгандай ханузгача яхши эслайман. Мен бу воқеани эслашни лозим топдим.

Мен шоир Ҳамзат Цадасанинг ўғли бўлсам ҳам, ҳали у вақтларда ўзимни ҳеч ким танимасди. Овулдан олдин Маҳачқалъага, кейин Москвага кетдим. Йиллар ўтди. Адабиёт институтини тугатдим, ўн та китоб чиқардим. Битта китобим учун Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бир сўз билан айтганда шоир Расул Ҳамзатов бўлиб ганилдим. Уйландим. Ўшанда яна кадрдон овулимни кўриб келишни ният қилдим.

Кун бўйи болалигимда шаталоқ отиб чопган кенгликларда, тенгдошлар билан қизгин суҳбат қурган, қояларга текилиб турган жойларда, ғорларда, сувнинг шилдирашини тинглаган сой бўйларида кездим, мозорларда сукут сақлаб тин олдим, кейин охиста далаларда юрдим.

Америкада бўлганимда Форд заводиди автомобилларни синовдан ўтказадиган тепаликни кўргандим. Менимча, ёзувчи учун мана шундай синов тепалиги ўзининг туғилган юрти ҳисобланади.

Аёллар бугдой ўримидан қайтишаётган экан. Бугдой пояларини тутамлайвериб қўллари қаварган, ўрокни ҳар серпаганда эгилавериб чарчаган аёллар дам олиш учун шундоқ йўл ёқасига ўтиришди. Мен уларга яқинлашдим.

Улар бу мавзуда аввалдан суҳбатлашиб келишаётганмиди ёки мени кўришганидан кейин суҳбат бошланганими, билмадим, аёллардан бири пешанасидаги терни артиб деди:

– Агар мендан дунёда нимани хоҳлайсан, тила тилагингни дейишса, Расул Ҳамзатовнинг енгил турмуш тарзини ва унинг ташвиш билмайдиган юрагини сўраган бўлардим.

– Сен Расулнинг юраги ўрнида бир бўлак пишлок бор, ҳеч қачон оғринмаган деб ўйлайсанми, – дея менинг тарафимни олди қариндош аёл.

– Эҳтимол, унинг юраги бир бўлак пишлок эмасдир. Лекин унинг бугдой ўримида қатнашмаслиги бор гап. Уни хўжаликда уриладиган занг меҳнат қилишга қорламайди, тушлик вақти бўлганини билдирмайди. У иш куни нималигини, унга қанча ҳақ ёзилишини, пул қандай ишлаб топилишини билмайди. Хаёлига нима келса шеър қилиб тўқийди, кўнгли тусаса кўшиқ айтади. Нега у ташвиш чекиши керак? Нимадан ҳам юраги безовта бўларди? Шунинг учун мен унинг тақдирига ҳавас қиламан.

О, илтифотли аёллар! Мен сизга ўз ишимнинг машаққатини ва тўхтовсизлигини қандай тушунтирсам экан?

Мен оғир ўйлар билан овул томон йўл олдим. Овулдаги тош супачаларда оксоқоллар суҳбатлашиб ўтиришган экан. Улар экинзор, келгуси йил ҳосили, тоғлар, яйловлар, ўсимликларнинг касалликлари, овулнинг ўтмиши тўғрисида хотиржам суҳбат қуришарди. Мен улар ёнига келиб салом бердим ва бўш тош супага ўтирдим.

Битта оксоқол қўйнидан янги газетани олиб варақлади, унда менинг шеърларим ҳам чиққанди. Суҳбат мавзуси шеърга кўчди. Чавандозга отига айтилган мактовлар ёқади. Мен ҳам овулдошларим шеърларимни макташларини умид билан кута

бошладим. Ахир, Москвада, Маҳачкальда мақтовлар айтилишига кўникиб бўлган-дим. Лекин газетани ушлаб турган оксокол деди:

– Сенинг отанг Ҳамзат ҳам шеър ёзарди. Энди сен Ҳамзатнинг ўғли ҳам шеър ёзаяпсан. Қачон ишламоқчисан? Ёки умринг бўйи нон топиш канақа кийин эканлигини билмасдан ўтиб кетмоқчимисан.

Сухбат авзойи бундай ўзгаришини кутмаганим учун руҳсиз ахволда жавоб кайтардим:

– Шеър ёзиш – менинг ишим.

– Агар шеър ёзиш иш бўлса, унда бекорчилик нима? Агар кўшиқ айтиш меҳнат бўлса, унда дам олиш нима?

– Ким кўшиқ хиргойи қилаётган бўлса, бу унинг учун дам олиш. Лекин шу кўшиқни ёзган шоир учун бу иш бўлган. Бундаини иш хордиқсиз ва уйқусиз, дам олиш ва таътил кунлари нималигини билмай давом этади. Айтайлик, мен учун коғоз сизнинг экинзорингизга ўхшайди. Ҳарфлар мисоли дон, шеърлар эса бошқоқлар.

– Бу гапларингнинг ҳаммаси курук сафсата. Ҳеч қачон экинзор мени кўриш учун уйимга келмайди. Мен ўзим ишлаш учун далага чиқишим керак. Кўшиқ эса, сени ўзи келиб йўқлайди, ҳатто иссиқ ўринда ётган бўлсанг ҳам. Ҳар бир кўшигинг – бу эшигингни тақиллатиб кириб келадиган меҳмон. Демак, ҳар бир кўшиқнинг ёзилиши – байрам. Бизнинг экинзоримиз эса, кундалиқ ҳаётини юмуш.

– Аммо шеърят, кўшиқ – бу менинг ҳаётим.

– Демак, сенинг ҳаётинг ҳамиша байрам. Кўшиқ ёзиш – бу истеъдоднинг иши. Истеъдоди бор одам кўшиқни тез ёзиб ташлайди. Агар кимда-ким истеъдоддан бебахра қолган бўлса, кўшиқ ёзиш учун ишлашига тўғри келади. Лекин бу масалада ишлаш жуда катта аҳамиятга эга эмас.

– Сиз бу борада ноҳақсиз. Негаки, кимки истеъдодсизроқ бўлса, санъатни энгил иш деб ўйлайди. Кўшиқ кетидан кўшиқ ёзаверади. Бошқача айтганда, кўпроқ пул топиш учун энгил-елпи иш қилади. Ҳақиқий истеъдод эса, зиммасидаги масъулиятни ҳеч қачон унутмайди, ҳар бир шеър ижод маҳсули бўлгани учун унга энг муқаддас, энг муҳим ишдай қарайди. Бу сизга тайёр кўшиқни қўйлаш ёки ҳикояни ўқиб мазмунини сўзлаб бериш эмас.

– Унда сен бизга қандай ишлашингни, хунарингнинг машаққатли жиҳатлари тўғрисида сўзлаб бер.

Даврада, асосан, кекса деҳқонлар ўтиришганди. Мен юксак шеърят ҳақида гап очдим ва тез орада англадимки, ўзим учун жуда оддий туюлган гапларни уларга тушунтиришим кийин. Охир-оқибат, сўзимни йўқотдим, бундан ўзим хижолат бўлдим, фикримни охирига етказмай гапимни тугатдим ва ҳаёлга толдим. Ўша кунги сухбатда овул оксоқолларининг қўли балинд келди. Мен уларга нима учун шеър ёзиш кийинлигини, умуман шеър ёзиш канақа иш эканлигини тушунтириб бера олмадим.

Ўша суҳбатга ҳам кўп йиллар бўлди. Лекин кимдир мендан ўша саволга жавоб сўраса, ҳозир ҳам унга ишим нимадан иборат эканлигини, бошқа ишлардан нима-си билан фарқ қилишини ва нима учун шеър ёзиш қийинлигини тушунтириб бера олмасам керак.

Менинг иш жойим ўзи қаерда? Албатта, стол атрофида, тўғрироғи, ёзув столим атрофида. Лекин мен тоғ сўкмоғида сайр этаётганимда ҳам шеър устида ишлайман, сатрларимга макбул сўзлар, оҳанглар излайман, айримларидан воз кечаман. Балки поездда кетаётганимдадир, чунки ўзга мамлакатларга сафарга йўл олганимда Ватан хақидаги шеърларимнинг ғоялари кела бошлайди. Самолётда ҳам, трамвайда ҳам, шаҳарнинг марказий хиёбонида ҳам, ўрмонда сайр этганимда ҳам, соҳил бўйида ҳам, вазир қабулида ҳам, хуллас, ер юзининг қаерида бўлсам ўша жой менинг экинзорим – менинг иш жойим ҳисобланади.

Мен қачон ишлайман? Эрталабми ёки кечкурун? Менинг иш вақтим қанча давом этади? Саккиз соатми, ёки олти соат? Эҳтимол, ўн икки соатдир, ёки ундан ҳам кўпдир? Агар иш соатим шунча кўп экан, нега мен иш ташлаш эълон қилмаяпман? Нега саккиз соатлик иш куни учун курашмаяпман?

Ҳамма гап шундаки, мен эсимни таниган кундан ҳар доим ишлайман. Овқатланган вақтимда ҳам, театрда ҳам, мажлисда ҳам, овда ҳам, тўйда ҳам, мотамда ҳам, транспортда кетаётганимда ҳам, байрамда ҳам... Ҳатто ишим тушимда ҳам давом этади. Бундай ўйлаб кўрсам, ўзи аллақачон иш ташлаш эълон қилишим керак экан?

Қандай ишлайман? Бу саволга жавоб бериш ҳаммасидан қийин. Баъзан менинг ишим ҳам бошқа ишларга ўхшайди деб ўйлайман. Баъзан эса ишим фақат ўзимга хослигини сезаман, уни ер юзида яшаётган одамларнинг бошқа бирон ишига ўхшатиб бўлмадлигини тушунаман.

Баъзан менга шундай туюлади, атрофимдаги ҳамма одамлар ишляпти, мен бекор юрганга ўхшайман. Баъзан эса, фақат мен ишляпман, атрофимдаги бошқа одамлар бекор юргандай туюлади.

Қушларга нима? Ҳаёти давомида битта кўшиқни куйлайди, уни ҳам катта қушлардан ўрганган. Жилгага нима? Минг йиллардан буён бир хил овоз чиқариб жилдирайди. Мен эса ўзимнинг қисқа умримда яна узок йиллар янграб турадиган кўшиқлар яратишга интилишим керак.

Шубҳасиз, биринчи бор далани шудгор қилган одамга осон бўлмаган.

Агар далани мингта одам шудгор қилган бўлса, минг биринчи одамнинг шудгор қилиши осонроқ кечади. Агар мингта одам шеър ёзган бўлса, минг биринчи одамга шеър ёзиш қийин кечади.

Ҳа, бободехқоним, менинг ишим қайсидир жиҳатлари билан сенинг ишингга ҳам ўхшайди. Шунинг учун сен менга ҳар куни дам оладиган, ҳар куни байрам қилдиган бекорчиларга қарагандай қарама. Мен ҳам уйқусиз узун кечаларда сен ўз далангни ўйлагандай ўз экин майдонимни ўйлаб чиқаман. Сен экиш учун энг сара

уруғларни танлайсан. Мен ҳам шеърим учун дунёдаги барча сўзлар орасидан энг маъқулларини излайман. Бундай сўзлар мингтадан битта бўлади. Мен ҳам ишга киришадиган, сўзлар майсадай унадиган ва мўл-кўл ҳосилни кўтарадиган дақиқаларни орзиқиб кутаман. Менда ҳам ишлов бериш ва чопикка тушадиган вақт бор, чунки сенинг даламга ўхшаш менинг экин майдонимда ҳам ёввойи ўтлар ўсади. Ахир, энг замонавий машиналарда ҳам донни ёввойи сулидан тозалаш қийин. Керакли сўзлар орасидан ёввойи сўзларни ажратиш ва уларни олиб ташлаш эса бундан ҳам қийинроқ.

Сен экинзорим совуқдан, дўлдан, курғокчиликдан зарар кўрмасин деб куюнасан. Мен шундай қўшиқлар яратиш истайманки, улар энг хавфли душман – вақтни писанд қилмасин. Истайманки, улар яна юз йиллар янграсин.

Менинг ижод маҳсулимга ҳам бит, чигиртка, кемирувчиларга ўхшаш зараркундалар хавф солади. Улар ижод маҳсулимни ғажиж, бутунлай йўқка чиқариши ёки одамлар кўрганда юз ўгирадиган даражага солиши мумкин. Бу кемирувчилар сенинг экинингга хавф солувчи сичкон ва юмронқозиклардан жуда катта, уларга қарши курашиш ҳам қийин, эҳтимол, уларга қарши курашишнинг ўзи бефойда.

*Печкада ўт ёнар, ўтирмай ёвуқ,
Жунжийман, тирқшидан уради шамол.
Игнадай тешиқдан туюдай совуқ
Қиради деб, бежиз айтишмас мақол.*

*Қўшигимда қолса бирон-бир бўшлиқ,
Тинчим йўқолади этгунча барҳам.
Чунки одам каби жунжикар қўшиқ,
Сўзлар аро ўтса қилдай шамол ҳам.*

Мен ижод маҳсулимни одамларга тақдим этаман. Доғистоним ва бошқа эллардаги одамлар унинг мазаси ёки талхини, ўзига хос таъмини билишлари керак. Ишкилиб, унинг таъми бошқа ижод маҳсулларининг таъмига ўхшаб қолган бўлмасин.

Эсимда, болалигимда отам боғламга боғлиқ боғлашни ўргатганди. Мен боғламни тиззамда босиб, боғлиқни қаттиқ тортиб боғлаётган вақтимда отам уқтирганди:

– Расул, кўзингга қара, боғлиқни қаттиқ боғлама.

Энди ёзаётган мисраларимдан кўнглим тўлмай, мос сўзларни тополмай қайта-қайта ўчириб ёзаётган кезларимда, барибир, шу шеърни тугатиб қўйишим керак деб қийналиб турган вақтимда, баъзан отамнинг ўша ўгити ёдимга тушиб менга далда бўлади: «Расул, кўзингга қара, боғлиқни қаттиқ боғлама».

Ҳар йили бир хил ҳосил олиб бўлмайди. Бир йил бугдойдан шундай ҳосил кўтариладики, ташишга машина етишмайди, қўйишга омбор топилмайди. Кейинги уч

йилда эса, далада майса кўкармайди. Менинг иш унумим ҳам шундай. Баъзан ёзиш учун жиддий тайёргарлик кўраман, сара сўзларни олдиндан мўлжаллаб кўяман, лекин кўнгилдагидек шеър ёзила қолмайди. Шунда таржимага мурожаат қилишга тўғри келади, на илож, Канададанми, Австралияданми ёки бошқа мамлакатданми бугдой сотиб олишимиз керак. Ахир, юрагимдаги шеър қоғозга кўчгиси келмаётган бўлса, бу масалада ҳеч қандай техника, ҳеч қандай кимёвий ишлов ёрдам бермайди.

Нима ҳам қила олардик? Агар ҳар бир саёҳат, ҳар бир уриниш муваффақиятли яқунланаверганда эди ҳамма бахтиёр, ҳамма уйда хурсандчилик бўларди. Агар ҳар йил замин мўл-кўл ҳосил тутаверганда ҳамма тўк-фаровон яшарди. Агар қоғозга ёзилган ҳар бир нарса кўшиққа айланаверганда, одамлар аллақачон оддий сўзларда суҳбатлашишмасди, бир-бирига қараб кўшиқ айтишарди. Афсуски, кўшиқ ёзиш жуда кийин иш.

Мен Доғистондаги, Грузия, Арманистон ва Болгариядаги вино заводларида, Пльзень пиво заводида бўлганман. Назаримда, шоирлар ва вино тайёрловчилар ишларида қандайдир ўхшашликлар бор. Ўзига хос жиҳатлар, топқирликлар уйғундай. Худди вино бочкаларда саклангани каби шеър ҳам қалба маромига етказилиши лозим. Маромига етган шеърда эса, яхши вино каби қалбга кўтаринки қайфият бағишловчи сирли бир нарса бўлади. Эҳтимол, шу жиҳати билан шеърят ва вино бир-бирига ўхшаб кетади.

Баъзан овуллардаги магазинларга вино бочкаси билан машиналарда олиб келинади. Худди шундай Бўйнок заводи винолари овулдаги магазинларга бочкаларга тарқатилади.

Бочкада вино олиб келаётган машиналарни кўришлари билан йигитлар овулнинг ҳар томонидан бир-бирларига сир бой беришмай гўё хотиржам, аслида эса шошилиб магазин томонга оқиб кела бошлайди. Улар чўпон новга туз солганда кўйлар қуршаб олгандай, виноли бочкалар атрофида гирдиқапалак бўлишади.

Вино кўзаларга қуйилади. Шубҳасиз, ҳамма винодан ҳўплаб кўради. Ўша заҳотиёқ уларнинг винодан ҳафсалалари пир бўлади ва эътирозлари тилга кўчади.

– Шу ҳам виноми, сувдан фарқи йўк.

– Сойдаги сув деяверинг.

– Нега мени айблайсизлар? – дея ўзини химоя қилади сотувчи. – Кўрдинглар, виноли бочкаларни машинада олиб келишди. Ўзларинг виноли бочкаларни туширишга ёрдам бердинглар. Менинг айбим нима? Менга қандай вино олиб келишса, ўшани сотаман. Хоҳламасанглар, сотиб олманглар.

Маълум бўлишича, шаҳардаги омбор мудирини туманларга тарқатишдан олдин бочкадаги винодан қуйиб олиб, ўрнини сув билан тўлғазиб дер экан: «Тумандагилар шундай вино бераётганимизга ҳам шукур қилишсин».

Туман омборидагилар ҳам бочкаларни овулларга тарқатишдан олдин ўша ишни такрорлашиб, дер эканлар: «Овулдагиларга шундай вино ҳам бўлаверади». Йўлда

шофёр ва хизматчилар чанковбосди килишиб, ўз насибаларини идишларига куйиб олишиб, ўрнини жилға суви билан тўлатишади. Натижада, бочкада сув қўшилган вино эмас, сувга вино қўшилган аллақандай бемаза аралашма пайдо бўлади.

Баъзан шеър деб тақдим этилган нарсаларни ўқиганда ҳайрон коласан. Уларда нима кўпрок: шеъриятми ёки сўзбозлик? Бундай тизмаларни ижодхонасида ўтириб ишлашга тоқати йўқ шоирлар қоралашади. Аммо шалдираган жилға денгизга, ялков пиёда Маккага етиб бормади. Агар икки чавандоз битта отга мингашса, улар бир-бирини ушлаб олишади. Истеъдод ва иш битта отда шундай кетишади.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ: Истеъдод ва иш шеърда бирлашиши керак, худди ханжар кинга жойлашгандай.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Мен ҳам болалигимда кўчадан бери келмасдим. Мактабда ўқиб юрганамда шеър ёза бошладим. Лекин ўтириб шеър ёзишга ҳам, адабий китоб ўқишга ҳам, уй вазифаларини бажаришга ҳам сабрим чидамасди. Стулга ўтир дейишса, бир жойда тинч ўтира олмасдим. Пайт пойлаб кўчага чопардим. Ҳозир ҳам столга ёпишиб ўтириб, сабр-бардош билан ишлайман деб айтишим кийин.

Бир куни отам мени дарс тайёрлатиш учунми, ёки шеър ёздириш учунми стулга ўтказиб бир дақиқага уйдан чиқди. Отам эшикни ёпишга ҳам улгурмади. Мен студан сакраб тушиб томнинг устига чопдим. Мени томнинг устида кўрган отам онамга буюрди:

– Илгакка осилган арқонни олиб кел.

– Нима киласиз?

– Расулни стулга боғлаб қўймоқчиман, бўлмаса ундан одам чиқмайди.

Отам шошилмасдан мени стулга боғлади ва пешанамга секин чертиб деди:

– Мана шу ердагини коғозга кўчир!

Қанийди, биз ёзувчиларни кимдир вақти-вақти билан ижод столимиз ёнига шундай боғлаб қўйса.

Эҳтимол, бош яхши ишлар. Лекин бош ишлаганда қўл ишламаса, бу буғдой майдаламасдан қуруқ айланаётган тегирмонга ўхшайди.

ШАНГРЕЙ, УНИНГ ЎҒЛИ ВА БЕШ СЎМЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Яқин ўтган замонда, Хунзах томонда Шангрей деган бадавлат ва ҳурматли киши яшаган экан. Унинг фаровон турмушдан талтайиб кетган ёлғиз ўғли бор экан. Шангрей ўғлининг овулдаги бошка кишиларга ўхшаб ишлашини, меҳнатда суягй қотишини истар экан. Қариндошлари ва отасининг кадрдонлари уни жуда эркалатиб юборган экан. Унга кимдир от, кимдир ханжар, кимдир камзул совға қилса, кимдир пул берар экан.

Бир куни Шангрей каттик касал бўлиб қолибди. Ҳеч қандай дори-дармон унга таъсир қилмабди. Қариндошлари ва кадрдонлари унга парвона бўлиб сўрашибди:

– Сенинг соғайиб кетишинг учун яна нима қилайлик?

– Мен дардимга нима дармон бўлишини биламан. Лекин сизлар бу орзу-ниятимни рўёбга чиқара олмайсизлар.

– Айт, кўлимиздан келган барча ишни қиламиз.
– Агар ўғлим ўзи меҳнат қилиб беш сўм топса ва уни менга узатиб «Ота, шу пулни олиб қўйинг» деса, ўшанда соғайиб кетаман.

Икки кундан кейин ўғил отаси ёнига келиб беш сўм узатиб деди:

– Ота, шу пулни олиб қўйинг. Мен бу пулни Қайсу дарасида дарахт кесиб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни оловга ташлади. Ўғли сесканиб ҳам қўймади. Фақат юзига тарсаки тортилгандай, оқариб кетди.

Аслида, бу пулни унга ёш бола нарса қийналиб юрмасин деб тоғаси берганди.

Бир неча кундан кейин ўғил яна касал отаси ёнига келиб, пул узатди:

– Гунибдаги янги йўл қурилишида ишлаб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни ғижимлаб, деразадан улоқтирди. Ўғил сесканиб ҳам қўймади. Маълум бўлишича, бу пулни унга отасининг кадр-дони берган экан.

Ўғил учинчи бор отасининг олдига келди ва учинчи бор беш сўмликни узатди. Отаси ўғлининг юзига ҳам қарамасдан беш сўмликни икки бўлак қилиб йиртиб, ерга ташлади. Шу заҳоти ўғил лочиндай ташланиб, ердан пул бўлақларини олди ва силаб-сийпаб тўғрилади. Отасига таъна қилди:

– Мен бу пулни оддий қоғоздай йиртиб ташлашингиз учун отхона тозалаб топганим йўқ. Қаранг, қўлларим қавариб кетди.

– Билдимки, сен бу пулни чиндан ҳам ишлаб топган экансан.

Шангрейнинг кайфияти кўтарилди, соғая бошлади ва тез кунда бутунлай тузалиб кетди.

Шундай, пулнинг кадрилини уни ҳалол меҳнат қилиб топган одам билади.

Эхтимол, шеърда ҳам шундай. Агар шеърни қийналиб ёзган бўлсанг, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир ўхшатиш сен учун азиз. Агар сен ғояни кўчадан топиб, йўл-йўлакай ёзган бўлсанг, ундан бебаҳо шеър чиқмайди.

Тан бераман заргар қўшимга,

Ўз ишини билади чиндан.

Бир зумгина қараб буюмга,

Ажратади мисни олтидан.

О ўқувчим, ўзингсан зукко,

Менда бўлса эди зийрак кўз.

Аниқлардим сатрлар аро,

Қайси бири миси чиққан сўз?

Агар мазали балиқ таом егинг келса, ўзинг қўлга бориб балиқ тут. Бургут шамолга қарши учади, балиқ оқимга қарши сузади. Шоир ҳам хоҳ у қувончли, хоҳ у

гамли бўлсин уйғонган туйғулари асосида шеърлар ёзади. Бир куни Абутолиб шундай воқеани сўзлаб берганди.

БАЛХАР КУЛОЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУВАКЛАРИ ВА ЯРАМАС ХАРИДОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Балхарлик кулоллар тайёрлаган сополларини хуржунларига солишиб, эшак ва хачирларига юклашди. Кейин сотиш учун шаҳарга йўл олишди. Йўлда яқин овулдаги шумтака йигитлар дуч келишди.

– Туваксоларга йўл бўлсин, узоққа бораяпсизларми?

– Шаҳарга тувакларни сотгани кетаяпмиз.

– Қанчадан?

– Кичкина туваклар ўн тийиндан, катта туваклар беш тийиндан.

– Нега бундай?

– Чунки кичкина тувакни тайёрлаш каттасини тайёрлашга нисбатан кийинрок.

Шумтакалар балхарлик кулолларнинг барча сополларини сотиб олишди.

– Ишимиз ҳалол, бизда фирромлик йўқ, – дейишиб кулоллар уловларини оркага буришди. – Ҳали бу туваклар неварангизга ҳам хизмат қилади.

Кулоллар довонга кўтарилганда дам олиш учун ўтиришди. Улар тепадан тоғ сўкмоғига қарашди ва ўзларидан тувак сотиб олган йигитлар нима билан шуғулланаётганларига кизикиб қолишди. Йигитлар тувакларни жар ёқасига териб қўйиб, йигирма метрлар узоқликдан мўлжаллаб тош отишаётган экан. Афтидан, улар ким кўп тувак синдириш бўйича мусобақа ўтказишаётганди. Тувакка тош текканда чарсиллаб синар ва жарликка қуларди. Бу ҳолат йигитларга завқ бағишларди.

Кулоллар буйрук берилгандай сакраб туришди. Ханжарларини кинидан чиқаришиб безорилар томон ўқдай учишди.

– Ярамаслар нима қилаяпсизлар? – дея ҳайкиришди кулоллар. – Биз сизларга энг сифатли сополларимизни сотган эдик. Сизларда виждон деган нарса борми ўзи?

– Нега биздан ранжияпсизлар? – хайрон қолиб сўрашди йигитлар.

– Сизлар ўз махсулотларингни бизга сотдинглар. Биз сополларингиз учун яхшигина ҳақ тўладик. Туваклар энди бизники, уларни синдираётганимиз билан нима ишларинг бор? Хохласак уларни синдирамиз, хохласак уйга олиб борамиз, хохласак йўлга ташлаб кетамиз.

– Тувакларни сизга сотган бўлсак ҳам улар бизга бегона эмас. Биз оддий тупрокни тувакларга айлантириш учун қанча меҳнат сарфлаганмиз. Шундай чиройли, кўзни яйратадиган тувакларга айланиши учун қанча меҳримизни берганмиз. Бу тувакларни ясаганимизда, улар одамлар корига ярайди, кимларгадир фойдаси тегади деб ўйлаганмиз. Тувакларни сизга сотаётганимизда, уларга бўза қуясиз, булок сувидан тўлдирасиз ёки гул ўстирасиз деган ниятда бўлганмиз. Сизлар эса бизнинг қанча меҳнатимизни, қанча яхши ниятларимизни тош билан ваҳшийларча уриб, майда-майда қилиб жарга қулатдингиз. Сизлар ҳеч нарсанинг фарқига бор-

майдиган безори болалар сайроки кушларга тош отгани каби бизнинг меҳнатимиз ва меҳримиз сингган сополларимизга тош отдинглар.

Кулоллар йигитларга пулларини кайтиб беришиб, бутун қолган тувакларни йиғиштириб олишди ва ғамгин ҳолда уйларига кайтишди.

Дунёда бирор нарсани яратиш учун бутун кучини, зехнини, меҳрини берган ва меҳнати маҳсулини кўрганда кувонган одам борки кулолларнинг ғамгин ҳолатини тушунади.

Абутолибнинг бу хикояси менга олис Японияда кўрган денгиз тубидан марварид излаётган қизларнинг заҳматли меҳнатини эслатди. Чиройли, келишган қизлар денгиз тубига шўнғиб, мумкин қадар кўпроқ моллюска чиғаноқларини териб белидаги халтачаларга солишиб олиб чиқишарди. Олиб чиқилган чиғаноқларнинг биттасидагина марварид бўлиши мумкин. Лекин марваридли чиғанок бўлиши учун минглаб чиғаноқларни олиб чиқиш керак. Ўша марваридли чиғанокни олиб чиқиш ва улардан шода пайдо қилиш учун неча марталаб денгиз тубига шўнғишга тўғри келади.

Худди шундай оддий суҳбатларда ишлатиладиган сўзлардан саралаб олиб, улардан марварид-кўшиқ яратиш осон эмас. Барча оддий сўзлар, барча воқеалар, барча туйғулар, барча ҳаётий тажрибалар мисоли денгиз тубидаги сочилган марваридли чиғаноқлар. Денгиз тубига тўхтовсиз шўнғиётган марварид изловчиларнинг иши оғир. Бунинг учун қанча саломатлик, бардош, интилиш, ирода ва тажриба керак. Шунингдек, бундай ишда омад жуда ҳам зарур. Марварид изловчиларнинг сабр-бардоши, кумуш идишга безаклар чизаётган кубачинлик мисгарларнинг сабр-бардоши – булар бир вақтнинг ўзида ҳам истеъдод, ҳам меҳнат.

Қачон учса толмас шеърнинг қаноти?

Жавоб берар тоғликларнинг ҳикмати:

Шеърда бўлса кубачинлик саботи,

Шеърда бўлса усталарнинг санъати.

ҲАР БИР ТОҒЛИК БИЛАДИГАН ҲИКМАТЛАР:

Балогатга етмаган қизингни турмушга берма.

Дарёга яқинлашмагунча чоризингни ечма.

Ўрмонда учаётган илвасинни овламасдан олдин, уни пишириш учун қозонга олов ёқма.

Қора-кўнғир тулки териси биринчи бўлиб кўрганники эмас, уни овлаган овчиники.

ЭСДАЛИКДАН: Бошимдан ўтган бу воқеани сўзлаб бергим келмаяпти. Чунки унда мақтанадиган жойнинг ўзи йўқ. Лекин воқеаларни бир бошдан сўзлаяпманми,

уни бир чеккага суриб кўя олмайман. Тоғликлар бекорга айтишмайди: «Агар киндигингача сувга тушган бўлсанг, тўла чўмилиб чик», «Агар халтани очсанг, уни охиригача кок, нима ичида бўлса тушсин».

Мен ҳозир ёзаётган китобимни, агар кўнгилсиз воқеа юз бермаганда аллақачон тутатган бўлардим. Ҳозир айнан шу ҳақда ёзмокчиман.

Одатда, туркум тўплашга киришсам ёки китоб ёзишни бошласам касрга борсам ҳам кўлёмаларни ўзим билан олиб юраман. Шу тарика кўлёмалар мен билан бирга кўллаб мамлакатларда бўлган. Албатта, кўлёмаларни йўлга шундай кўтариб юриш учун олмайман. Меҳмонхоналарда тонг пайтида уларни кўздан кечиришга, бир-иккита янги саҳифа ёзишга вақт бўлади. Бу асар кўлёмаси ҳам денгиз орти мамлакатларида ҳам бўлиб кайтган.

Бир гал Брюсселдан кайтар эканман Москвадаги «Москва» меҳмонхонасининг саккизинчи қаватидан жой олдим. Гап очилдими, айтиб кўяй, мен учун «Москва» меҳмонхонаси оддий меҳмонхона эмас. Айнан шу меҳмонхонада Москвада кечган умримнинг ярми ўтган десам сира муболага килмайман.

Бу меҳмонхонадаги маъмурлар, қаватдаги навбатчилар, хизматчиларнинг бари менга таниш, улар ҳам мени танишади. Менинг айнан «Москва» меҳмонхонасидан жой олишимни Москвадаги танишларим яхши билишади. «Расул Москвада» деган сўз, улар учун меҳмонхонага келишлари учун бир сабабдай бўлиб туюлади.

Меҳмонхонадаги хонамга кириб юз-кўлимни ювмасимдан телефон жиринглайди, эшик тақиллайди. Тезда хонада ўтиришга ва хатто эмин-эркин юришга жой қолмайди. Тўғри, меҳмонхона хонаси ўз уйинг эмас, лекин биз тоғликлар кадимий одадимизга кўра меҳмондан учинчи куни ким эканлигини сўраймиз. Ҳамма келганлар ҳам уч кунини хонамда ўтказмаганлигини хисобга олсак, айрим меҳмонларнинг ким эканлигини кейинчалик ҳам билмаганман.

Шундай қилиб, кунлардан бир куни мен Брюсселдан қайтишда ҳар доимгидай «Москва» меҳмонхонасидан жой олдим, ҳар доимгидай хонада меҳмонларим кўп эди. Баъзи бирлари хориж сафаридан эсон-омон қайтганим билан табриклаш учун, бошқалари шундай ҳеч қандай сабабсиз келишганди. Уларнинг айримларини ўзим чақиргандим, айримлари таклифсиз бостириб киришганди.

Хонада шовкин-сурон солиб аввал кимнидир роса мактадик, кейин шовкин-сурон солиб кимнидир кораладик. Кулишдик ва ичдик. Қўшиқ айтдик ва яна ичдик. Бу вақтда хона кимдир стол остида ҳўл гўла ёккандай сигарета тутунига тўлганди.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ, уни учта сабаб эрта қаритган. Биринчиси, таклиф этилганлар келиб бўлишган, барча бир кишини кутаяпти, у бўлса кечиккандан кечикаяпти. Иккинчиси, хотин аллақачон овқатни стол устига қўйиб бўлган, арок олиб келишга кетган ўғлининг қораси сира кўринмайди. Ниҳоят, учинчи сабаб: ҳамма меҳмон кетиб бўлган, базм давомида мик этмай ўтирган битта меҳмон осто-

нада тўхтаб тинмай гапиряпти. Гўё у сукут саклаганининг хиссасини чиқариш учун гапиришдан тўхтамайди, хайрлашишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Қанча чарчаган бўлмагин, қанча уйку босмасин унинг бўлмагур гапини тинглашга мажбурсан. Ишқилиб, тезрок гапини тугатсин, тезрок кетсин деган ниятда барча гапини маъқуллайсан. Лекин сенинг маъқуллашларинг унга илхом бағишлайди, янги-янги бўлмагур гапларни топади.

Ўша кечаси менинг хонамда худди шундай меҳмон бўлганди. Ҳозир мен у ҳақда ва жуда хунук оқибатлар билан тугаган ўша кеча ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Ҳаммадан кеч қолган ва кўп ичиб қўйган бу меҳмон гандирақлаб менинг елкамга осилди, кетма-кет чекиб сигарета қолдиғини тўғри келган жойда – стулнинг суянчиғида, деразанинг тоқчасида, қоғозларим тахланган стол устида, чамадонимнинг металл қисмида эзгилаб ўчирди ва сигарета қолдиғини тўғри келган томонга иргитди.

Аввал у мени мактади, эътироз билдирмадим. Кейин у ўзини мактади, эътироз билдирмадим. Сўнгра у хотинини мактади, жим кулоқ солдим. Ниҳоят, у мени ҳар хил бўлмагур гаплар билан ҳақорат қилишга ўтди, мен индамай чидадим. Фақат ҳорғин ўйга толдим: «Ҳозир у ўзини сўқади, кейин боплаб хотинини сўқади». Чунки, унинг гапи мантиқан шундай давом этиши керак эди. Аммо у гапининг ўзини сўқиши керак бўлган жойига келганда бирдан тўхтади ва гандирақлаб ўз хонасига ухлагани кетди. Тўғри, унинг кетгани мени ранжитмади. Лекин у кетар экан, эртага албатта келиб гапини давом эттиришини айтди.

Баъзан айтишади: меҳмонга қайси томондан қарасанг ҳам чиройли кўринади, лекин меҳмоннинг елкаси ҳаммасидан гўзал. Шу кеча бу гапнинг нақадар тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Хонамдан кетаётган меҳмоннинг елкаси менга жуда гўзал кўринди.

«Хайрият, – дедим енгилгина нафас олиб, – барча галвадан қутулдим. Энди хотиржам дам олсам бўлади». Мен эшикни ёпиб, ўринга чўзилдим ва кўрпани устимга тортдим. Ўша захоти қаттиқ ухлаб қолибман. Жуда хотиржам ухлардим, гўё ташқарида ёмғир томчилаяпти, мен эса иссик чакмонга ўраниб олганман. Туш кўрибман, тушимда гулхан ёнида чакмонга ўраниб ётибман, чўпонлар гулханга ўтин қалаб туришибди. Гулхандан қуюқ тутун кўтарилибди, кўзларим ёшланибди, кўзим ачибди. Кейин бирдан новвойхонада юрибман, ҳаммаёқ иссик, қуйган хид келяпти. Кейин бирдан дўстларим билан шаҳар ташқарисида қабоб пишираётган эканмиз.

Кўзларим тутундан ачишиб уйғондим. Ўрнимдан турдим, ҳеч нарсани кўрмадим. Хона тутунга тўлган, гилам, парда, эшик ёнаяпти. Дераза томонга интилдим. Қарасам, чамадон ловиллаб ёнаяпти, қўлёзма кулга айланганди.

Бу чамадон мен билан дунёнинг барча биринчи тоифали меҳмонхоналарида бўлганди. Қанча мамлакатларни бирга кезгандик. Қанча божхоналардан ўтгандик.

Тўғри, унинг ичида кўп нарса бўлмасди. Дўстларга совға сифатида олинган бир шиша арок ёки бирор кути ортиқча сигарета, ёки хотинимга олинган кофта. Лекин шу арзимас нарсалар ҳам баъзан божхона хизматчиларида қизиқиш уйғотиши мумкин эди.

Не қилайки, бирон божхонада куйиб адо бўлмаган чамадоним Москвадаги сокин меҳмонхона хонасида куйиб кул бўлганди.

Мен шошганимдан ёниб турган чамадонимни қўлим билан олиб ваннага ташладим ва сувни очдим. Вишиллаб тутун кўтарилди. Шундагина чамадонни олганда қўлимни, юзимни куйдирганимни сездим. Лекин чамадон турган стулни, ёнаётган пардани, гиламни ўчиришим керак эди. Мен меҳмонхона навбатчисига телефон қилдим.

– Мен ёнаёпман, – дея гўшакка кичқирдим. – Мени кутқаришга келинглар.

Навбатчи аёл Расул севги ўтидан бошқа нарсадан ёниши мумкин эмас деб ўйлади шекилли, оналарга хос меҳрибонлик билан овутиди:

– Расул, жўшқинсиз. Ухланг, эрталабгача ҳаммаси ўтиб кетади.

О, аёллар! Сизга неча марталаб ёлғондакам ёнаёпман дедим, сўзларимга дарҳол ишониб ёрдамга келдингиз. Ҳаётимда биринчи бор чинакам олов ичида қолганимда, менга ҳеч қайсингиз ишонмадингиз. Мен жасур ўт ўчирувчи каби ёлғиз ўзим олов билан курашдим. Ниҳоят, бир амаллаб ёнаётган стулни, пардани, гиламни, полни ўчирдим.

Тўғри, мен олов устидан ғалаба қозондим. Лекин ёнгин ўчғунига қадар менга энди ҳеч қачон қайтариб бўлмайдиган зарар етказишга улгурганди.

Ўша маст меҳмон сигарета қолдиғини тўлик ўчирмасдан отган экан, у чамадонимга тушибди. Ёнгин сигарета қолдиғидан бошланибди. Чамадондаги қўйлақларим, костюмим, Брюсселдан олган совғаларим ёниб кетибди. Меҳмонхона маъмурияти ёнган стул, парда, гилам ва етказилган бошқа зарарлар учун менга жуда катта миқдордаги жарима ёзди. Ўзим эса шифохонага даволаниш учун ётдим. Уйга телефон қилиб, хотинимга муҳим иш билан ушланиб қолишимни айтдим. Тузукрок баҳона тополмаганим учун сабабини кейинги сафар телефон қилганимда айтаман дедим. Битта сигарета қолдиғи менга шунча ташвиш келтирди.

Ёнган нарсаларим асосий йўқотишим олдида арзимасдир. Чунки ўша чамадонда қўлёмаларим ҳам бор эди. Мен уларни икки йилдан буён тузатиб, тўлдириб келаётгандим.

ДЕЙДИЛАР, энг катта балиқ қармоқдан чиқиб кетган балиқ, энг семиз така ўқ тегмаган така, энг чиройли хотин сени ташлаб кетган хотин.

Қўлёмаларнинг кўплаб саҳифалари қулга айланганди. Энди мен тушундимки, айнан ўша қулга айланган саҳифалар энг яхши саҳифалар эди.

Бундан ташқари, қармоқдан чиқиб кетган балиқ меники эмасди, отилган ўқ тегмаган така ҳам меники эмасди, ташлаб кетган аёл ҳам менга тааллуқли эмасди. Ён-

ган саҳифалар эса фақат меники эди. Уларни ўзим ўйлаб топдим, қалбимдан ўтказдим, ёзиш азобини чекдим. Ҳар бир саҳифа устида қанча тунларни бедор ўтказдим, уларга қанча кунлар қалбим кўрини бердим. Шу боис кўлёмалардан айрилганда жуда қийналдим. Энди армон билан ўйлайман, агар кўлёммам куйиб кетмаганда айнан шу китобим менинг энг яхши китобим бўлар эди.

Мен етим боладай мунғайиб қолдим. Гўё экинзордан буғдой ўриб олинган-у, йигиб кетилган, фақат бир боғламни олиш эсдан чиққан. Мен ўзимни далада сўп-пайиб турган ўша боғламдай сездим.

Куйган саҳифалардаги ҳар бир ҳарф менга дурдай туюларди. Хотирамда қолган мисралар қимматбаҳо марвариддай нур тарата бошлади.

Тақдир зарбасидан шу қадар эсанкираб қолгандимки, икки йилгача ёниб кетган саҳифаларни қайта ёзишга жазм эта олмадим. Бироз ўзимга келиб қайта ёзиш учун стулга ўтирганимда сездимки, албатта, илгаригидай ёзишга қурбим етади ва лекин куйган саҳифаларни қайтариш энди ҳеч қачон кўлимдан келмайди.

Агар эр-хотиннинг эркатойи боласи вафот этса, улар яна фарзанд кўришади, яна аввалгидай эркалашади, лекин у бошқа бола бўлади, ҳеч қачон вафот этган боланинг ўрнини боса олмайди.

ДЕЙДИЛАР, шеър сувдан холи бўлишни истайди. Дейдилар, шеър оловдан яралган, шоир ижод пайтида ёниши керак. Тўғри, шеърда сув бўлмаслиги лозим. Бироқ, Яратганининг ўзи шеърини кўлёмаларни мен меҳмонхонада бошимдан кечирган оловдан асрасин.

АБУТОЛИБНИНГ УЙИГА ЎҒРИ ТУШДИ. Бу қандай юз берган билмайман. Бир куни ҳеч ким йўқ пайтида Абутолибнинг уйини ўғри уриб кетибди. Дарҳол нималар йўқолганини текшириб кўришган: кизининг тилла соати, тилла узуги, тилла сиргаси ва бошқа тақинчоқлари ўғирланган. Жунли пальто, кўйлақлар, туфли, пул ҳам йўқ... Абутолибнинг хотини ўзидан кетишига оз қолди, кизи кўрпачага ётиб юм-юм йиғлади. Абутолиб бошқа хонага ўтди, полга ўтириб сурнайини чала бошлади.

Хотини хонага кириб Абутолибга дағдага қилди:

– Бошимизга шундай кулфат тушиб турганда, сурнай чалишга қандай ҳаддингиз сизди? Тезроқ милицияга, прокурорга чопинг...

– Қанақа кулфат? Шеърларимнинг ҳаммаси жойида. Ёзган қоғозларимни қандай кўйган бўлсам, шундай ҳолича ётибди. Ўғрилар уларга қўлини ҳам тегизишмабди. Нега энди ўғрилардан ранжишим керак?

– Сизнинг шеърларингиз қимга ҳам керак? Бунинг устига лак тилида ёзилган бўлса.

– Сен ҳеч нарсани билмайсан-да. Шундай одамлар бор ўзларини шоир санашади, қилган ишлари бошқаларнинг шеърларини ўғирлаш. Оллоҳга шуқур, ёзган шеърим жойида. Бу шеърни ёзиш учун бир йилдан кўпроқ меҳнат қилгандим. Агар шу

шеърим йўқолса, буни кулфат деса бўларди. Бунинг устига эски сурнайимга ҳам тегишмабди. Нега хурсандлигимдан сурнайимни чалмаслигим керак экан? Абутолиб хотини ва кизининг гиди-бидисига эътибор бермай сурнай чалишда давом этди.

ЭФЕНДИ КАПИЕВ АЙТГАНДИ: Иссик ёз кунларидан бирида Сулаймон Стальский уйининг томида осмонга тикилганча ётарди. Атрофда кушлар сайрарди, жилгалар жилдираши эшитиларди, кўрган одам Сулаймон дам олаяпти деб ўйларди. Сулаймоннинг хотини ҳам шундай ўйлади ва томга чикиб уни чақирди:

– Овқат пишиди, сузиб столга қўйдим, тушлик қилиб олинг.

Сулаймон жавоб бермади, хатто қайрилиб ҳам карамади.

Бир муддат ўтгандан кейин хотини яна томга чикиб эрини чақирди:

– Овқат совиб қолди, тушинг.

Сулаймон кимирлаб ҳам қўймади.

Шунда хотини эрим томда тушлигини қилиб олсин, деган ниятда патнисга егуликни солиб томга кўтарилди ва деди:

– Эрталабдан буён туз тотганингиз йўқ. Татиб кўринг, мен сизга қандай мазали овқат тайёрладим.

Сулаймоннинг сабри тугаб, жойидан сакраб турди ва хотинини койиди:

– Ҳар доим шу, ишлашимга халакит берганинг берган.

– Сиз кимирламай ётганингизга, мен ўйлабманки...

– Йўқ, мен ишлаётгандим. Бошқа бундай халакит берма.

Маълум бўлишича, чиндан ҳам ўша куни Сулаймон Стальский янги шеърини хаёлида пишитаётган экан.

Демак, шоир осмонга қараб кимирламай ётган вақтида ҳам ишлайди.

Шоир хотинига бағишлар ашъор:

«Сен ўзинг қуёшим, ойим, юлдузим.

Сен ёнимда бўлсанг жўшади баҳор,

Агарда йўқ эрсанг бошланар қузим...»

Мана остонада турар ўша нур,

Ижозат сўрайди уйга киришга.

«Сенми? – жерқир шоир, – Худо хайр бергур,

Халақит бермагин ижод қилишга».

ОТАМ АЙТГАНДИЛАР: Севги куйчиси сифатида ном қозонган Маҳмуд бир куни хурматли одамнинг уйида меҳмонда бўлибди. Ундан бошқа меҳмонлар ҳам бор экан. Ярим тунгача ўзининг шеър-қўшиқларини айтиб, барчани хушнуд этибди. Кейин ухлаш учун тарқалишибди. Маҳмудни энг яхши хоналардан бирига жойлаштиришибди. Мезбон унинг эрталаб таҳорат олиши учун кўзада сув ва тоғора қўйибди. хайрли тун тилаб ўз хонасига кетибди.

Тонгда мезбон Махмуд ухлаб қолмадимикан деган хавотирда у ётган хонага мўралабди. Шоир ҳали ўринга ётмаган экан, гиламга чўк тушганча шеър ёзарди ва овоз чикариб ўқиб оҳангини пишитиб оларди:

*Чекдим аччиқ ҳижрон догини,
Қандай мақтай жаннат богини.
Майли, жаннат боғлари сенга,
Оҳу кўзли ёрим бер менга.*

– Махмуд, бомдод намози вақти бўлди, шеърларингни кўйиб тур, ибодат қилиб ол, – деди секингина мезбон.

– Бу менинг ибодатим, – деб жавоб қайтарди Махмуд.

Демак, шоир ибодат вақтида ҳам ишлайди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Энди ўзим битта авар шоири билан бўлган воқеани сўзлаб бераман. Унинг исмини ёзмайман. Кейин ҳамма уни бармоқ билан кўрсатиб, устидан кулишларини истамайман. Чунки бу мириқиб куладиган воқеа.

Шоир уйланди. Тўй бўлиб ўтди. Меҳмонлар янги келин-куёвни улар учун жиҳозланган хонада қолдириб, уй-уйига таркалишди. Келин тайёр ўринга ётиб куёвнинг келишини кута бошлади. Бироқ куёв келиннинг олдига келиш ўрнига стулга ўтириб шеър қоралашга тушди. Тун бўйи ёзиб-чизиб севги, ёр ва никоҳ кечаси тўғрисидаги узундан-узук шеърини тугатди.

Бундан биз шундай хулоса чикаришимиз керакдай: «Демак, шоир никоҳ кечасида ҳам ишлайди». Агар мен шу авар шоиридай ишласам эди, эхтимол, китобларим сони ҳозиргидан эллик баравар кўпроқ бўларди. Лекин ўша ҳозиргидан кўпроқ китобларимда самимиятим сақланиб қолармиди?!

Янги келин ўринда кучоғини очиб кутиб турганда, қайси шоир ижод қилиш учун ўтиради? Бу мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Майли, у ўн қарра, йиғирма қарра кўпроқ ёзар, лекин ёзганлари самимий чикишига ишониш қийин.

Ҳа, ишлаш керак! Бир зиёлинома киши дарахт тагида «олма пиш, оғзимга туш» деб қанча ётмасин, оғзига олма тушмаган экан.

Аммо шоирга ишлашдан ҳам, истеъдоддан ҳам кўпроқ керакли нарса, бу унинг ўз виждони олдига, одамлар олдига ҳаммиша самимий бўлишидир.

ДЕЙДИЛАР: Мард ё эгарда, ёки мазорда.

ДЕЙДИЛАР:

– Дунёдаги энг бадбашарани айт.

– Қўрқувдан титраётган эркак.

– Ундан ҳам бадбашара, ундан ҳам ёқимсизчи?

– Қўрқувдан титраётган эркак.

*«Доно, зийрак имом бўлиши керак»,
Шундай таклиф айтди билимдон ноиб.
«Мард, доворак имом бўлиши керак»,
Фикрини билдирди навқирон ноиб.*

*Мен билдимки, шоир бўлишдан кўра,
Ҳаттоки дунёни бошқариш осон.
Шоирликка етмас тўрт хислат сира,
Унга керак юзлаб хислат безумон.*

АВАРЛАР АЙТИШАДИ, асрлар ўтмасин ҳақиқат ва ёлғон ёнма-ён яшайди. Улар ўзаро асрлар оша қайси бири кучли, керакли ва фойдали эканлиги тўғрисида баҳслашиб келадилар. Ёлғон айтади – мен, ҳақиқат айтади – мен. Бу баҳснинг охири йўқ.

Кунлардан бир кун улар бу ҳақда дунё кезиб одамлардан сўрамоқчи бўлишибди. Ёлғон олдинда чопиб ҳар бир эгри сўкмоқ, жин кўчага кириб чиқиб, учраган туйнукка бошини суқиб мўралабди. Ҳақиқат эса, кенг ва тўғри йўлдан бошини тик тутганча мағрур ҳолда вазмин кадам ташлабди. Ёлғон ён-верига қараб, тинимсиз хи-хилаб кулиб кўярди, ҳақиқат эса ўйчан ва ғамгин кетиб борарди.

Улар узок йўл босишди, шаҳарлару овулларга киришиб шоҳлар, хонлар, қозилар, шоирлар, савдогарлар, фолбинлар ва оддий халқ орасида бўлишди. Қаерда ёлғон пайдо бўлса, одамлар енгил нафас олишиб, ўзларини эркин тутишди. Улар ёлғон мулозамат кўрсатишаётганини билиб туришса ҳам бир-бирининг кўзига тик қарашарди, жилмайиб кўйишарди. Лекин улар бир-бирини алдаётганини билиб туришарди. Барибир улар ташвишларни унутиб бир-бирини кучоклашар, ҳеч уялмасдан яна бир-бирига ёлғон гапиришарди.

Ҳақиқат пайдо бўлиши билан одамлар маънос тортишарди, бир-бирининг кўзига тик қарай олмай ер қизишарди. Одамлар «Ё, Ҳақ!» дея қўлларини ханжарга чўзишарди, ранжиган ранжитган кишига, харидор сотувчига, оддий халқ хонга, хон шоҳга қарши бош кўтарарди. Эр эса, хотини ва унинг жазманини гуноҳ иш устида ушларди, қон тўкиларди.

Шу боис кўпчилик одамлар ёлғонга ёлворибди:

– Бизнинг орамиздан кетма. Сен энг яхши дўстимизсан. Сен бор бўлсанг эркин ва тинч яшаймиз. Ҳақиқат, сен фақат ҳаловатимизни бузасан. Сен бор бўлсанг ўйлаб иш қиламиз, виждонимиз кийналади, ўзгалар учун қуюнишимиз, курашишимиз керак. Ҳақиқат, сен учун қанча йигит, жангчи, шоир навқирон ёшида ҳалок бўлишгани камми?!

– Бунга нима дейсан? – деди ёлгон ҳақиқатга. – Ўзинг кўрдинг, одамларга менинг фойдам тегаяпти, мен кераклирокман. Қанча уйларга кириб чиқдик, ҳамма жойда сени эмас, мени олқишлашди.

– Ҳа, биз одамлар оёғи етган кўп жойларда бўлдик. Юр, энди чўккиларга чиқамиз! Тоза булоқлардан, тоғдаги ўтлоқзорда очилган гуллардан, ҳамиша оппоқ бўлиб товланиб турувчи қорлардан ҳам сўраб кўрамиз. Тоғлар минг йиллардан буён турибди. Уларда қаҳрамонларнинг, ботирларнинг, шоирларнинг, донишмандларнинг, пир-авлиёларнинг барҳаёт ишлари, фикр-сўзлари, кўшиклари, васиятлари мужжасам. Чўккиларда ер ташвишларини писанд қилмайдиган абадиёт яшайди.

– Мен у ёққа бормайман, – деди ёлгон.

– Сен баландликдан кўрқаяпсанми? Ахир, қарғаларгина пастда учишади, бургутлар эса чўккилар билан бўйлашиб парвоз қилишади. Наҳотки бургут бўлишдан қарғаликни афзал кўрасан? Ҳа, билиб турибман, сен кўрқаяпсан. Тўғри, сен кўрқоксан! Сен никоҳ базмлари авж олган, винолар қуйиладиган жойларни яхши кўрасан, қадахлар жаранги эшитилмаса, ҳатто кўчага чиқишга ҳам кўрқасан, агар ханжарлар жарангини эшитсанг уйга бекиниб оласан.

– Мен баландликдан кўрқмайман. Чўккиларда менинг қиладиган ишим йўқ. Чунки чўккиларда одам яшамайди. Билиб қўй, менинг ҳукмим пастда – одамларга ўтади. Уларнинг бари менга тобе. Фақат бир-иккита довураклари менга қарши бош кўтаради, сенинг йўлингни – ҳақиқат йўлини танлашади. Улар бир-иккита холос.

– Ҳа, улар жуда оз. Шунинг учун одамлар уларни қаҳрамонлар деб шарафлашади. Шоирлар уларнинг мадҳига энг яхши шеърларни бағишлашади.

ЯГОНА ШОИР ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Бу воқеани менга Абутолиб айтиб берганди. Қайсидир хонликда кўлаб шоирлар яшаган экан. Улар овулма-овул юриб, қайси бири скрипка жўрлигида, қайси бири чилдирма, қайси бири сурнай чалиб, қайси бирлари шундай кўшиklarини қуйлашар экан. Хон давлат ишларидан, хотинларидан бўшаган вақтларида кўшиқ тинглашни яхши кўрар экан.

Кунлардан бир кун хон ўзининг адолатсизлиги, очкўзлиги ва шафқатсизлиги тўғрисида тўкилган кўшиқни эшитиб қолди. Хоннинг ғазаби қайнади. Дарҳол, бу кўшиқни ёзган исёнкор шоирни тутиб, саройга келтиришни буюрди.

Кўшиқни ёзган шоирни топа олишмади. Шунда хон вазир ва навкарларига мамлакатдаги барча шоирларни тутиб келтиришни буюрди. Навкарлар барча овул, дараларга ёпирилиб боришди, сўқмоқлардан чиқишди, ким шеър ёзса, кўшиқ айтса тутиб хоннинг зиндонига ташлашди. Эрталаб хон зиндонбанд этилган шоирларга қараб буюрди:

– Қани, ҳар бир шоир ўзининг биттадан кўшиғини айтсин.

Шоирлар навбатма-навбат хонни шарафлаб кўшиқ айта бошлади. Улар хоннинг донолигини, юраги меҳрга тўлалигини, қудратли ва буюк эканини тўлиб-тошиб

макташди. Улар хали ер юзида сиздай улуғ ва адолатли хон бўлмаган деб роса шарафларга буркашди.

Хон кўшигини айтиб бўлган шоирларни бирин-кетин бўшатди. Ниҳоят, зиндонда кўшиқ айтишни истамаган учта шоир қолди. Уларни зиндонда қолдириб, эшиклар танбаланди.

Ҳамма ўйладики, хон уларни унутиб юборди. Бирок хон уч ойдан кейин зиндон олдига келиб эшикни очдирди ва шоирларга буюрди:

– Қани, ҳар бир шоир ўзининг биттадан кўшигини айтсин.

Улардан бири дарҳол хонни шарафлаб кўшигини бошлади. У хоннинг донолигини, юраги меҳрга тўлалигини, хотинларининг бари гўзаллигини, қудратли ва буюк эканини тўлиб-тошиб қуйлади. Ҳали ер юзида сиздай улуғ ва адолатли хон бўлмаган деб роса шарафларга буркади.

Бу кўшиқчи ҳам озод этилди. Кўшиқ айтишни истамаган икки шоирни ёқиш учун ўтин тахланиб қўйилган майдонга олиб чиқишди.

– Ҳозир гулханда ёнасишлар, – деди хон. – Охирги марта айтаёйман, ўзларинг тўқиган биттадан кўшиқни айтинглар.

Улардан бири чидай олмади, дарҳол хонни шарафлаб кўшиқ бошлади. Кўшиғида хоннинг донолигини, юраги меҳрга тўлалигини, хотинларининг бари гўзаллигини, қудратли ва буюк эканини тўлиб-тошиб қуйлади. Ҳали ер юзида сиздай улуғ ва адолатли хон бўлмаган деб роса шарафларга буркади.

Дарҳол бу кўшиқчи ҳам озод этилди. Кўшиқ қуйлашни истамаган битта қайсар шоир қолди.

– Уни ҳодага боғлаб, гулхонни ёқинлар, – деб буюрди хон.

Қаланган ўтинга ҳар томондан ўт қўйилди. Ҳодага боғланган шоир аланга орасида қолди, шунда у хоннинг адолатсизлиги, очкўзлиги ва шафқатсизлиги тўғрисидаги ўзи тўқиган кўшиғини мағрур қуйлади. Дарвоқе, барча кўргиликлар хоннинг шу кўшиқни эшитгандан кейин бошланганди.

– Тезроқ шоирни бўшатинглар, оловдан қутқаринглар, – дея бақирди хон. – Мен ўз хонлигимдаги ягона ҳақиқий шоирдан ажраб қолишни истамайман.

– Албатта, қаердадир шундай доно ва ҳимматли хон бор бўлса бордир, – дея хикоясини яқунлади Абутолиб, – лекин оз бўлса ҳам ўшандай шоирлар керак.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Бир кун Шомилдан ноиблари сўрашибди:

– Имом жаноблари, тушунтириб берсангиз, нега шоирларга шеър ёзишни ва кўшиқ қилиб қуйлашни тақиқладингиз?

Шомил жавоб кайтарди:

– Мен ҳақиқий шоирлар шоир бўлиб қолишини истадим, холос. Ахир, ҳақиқий шоирлар барибир шеър ёзаверишади. Ёлғончилар, ўзини шоир деб ҳисобловчи иккиюзламачилар эса менинг тақиқловчи қароримни эшитишлари билан овозларини ўчиришади. Шу билан ўзларини ҳам, халқни ҳам алдашмайди.

– Имом жаноблари, айтингчи, нега Саид Араканский шеърларини дарёга ташлаб юбордингиз?

– Ҳақиқий шеърларни дарёга ташлаб оқизиб бўлмайдим, ҳақиқий шеърлар юракларда яшайди. Агар шеърларнинг оддий қоғозчалик қиймати бўлса, майли, улар дарёда оқсин. Унинг енгил-елпи шеърларини дарё оқизиб кетса, Саид Араканский, яхшиша бошқа фойдали иш билан шуғуллансин.

ДЕЙДИЛАР: Севги куйчиси Маҳмуд ҳалок бўлганда, оғир кайғуга ботган отаси унинг қўлэмалар тўла чамадонини оловга ташлаган экан.

– Ёнинглар, ярамас қоғозлар! Сизни деб менинг ўғлим бевакт ҳалок бўлди.

Қоғозлар ёниб кулга айланди, лекин Маҳмуд шеърлари яшаяпти. Унинг ёзган ҳеч бир сўзи, ҳеч бир кўшиғи унутилгани йўқ. Бу кўшиқлар одамлар юрагидан жой олган. Уларга на сув, на олов таъсир қила олди. Чунки улар ҳақиқий шеърлардир.

ОТАМ ёмон кўзлардан ирим қилиб тунда пинҳон эшикдан чиқиб йўлга тушганларни эшитганда, хуржунини тошга тўлдириб ўзини мева-чева олиб келаётган одамдай ўзини тутганларни кўрса, каклик ўрнига уйига қарға кўтариб келган овчилар хабарини айтишса қулиб қўярди.

АБУТОЛИБ ҲИКОЯ ҚИЛГАНДИ: Бир камбағал бор экан. У ўзини ҳаммага бой қилиб кўрсатишни истар экан. Ҳар куни одамлар тўпланадиган гузарга хурсанд қилиб чиқар экан. Гўё ҳозиргина қовурилган кўзичок гўштини еб чиққандай мўйловида мой ялтирар экан. Камбағал баланд овозда мактаниб қўяр экан:

– Бугун тушликка семизгина кўзичокни сўйдим. Гўшти жуда юмшоқ, мазали экан.

– У ҳар куни кўзичокни қаердан олади? – ҳайрон қолибди овулдошлари. – Текшириб кўриш керак.

Эпчил бир-иккита йигит томга чиқиб, мўрининг тешигидан уйнинг ичига қарашди. Кўришдики, камбағал қотган суякнинг илигини киртишлаб олиб, мўйловини мойлади. Кейин уйда ейиш мумкин бўлган зира уругидан озгина олиб тановул қилди.

Йигитлар томдан сакраб тушиб уйга киришди.

– Ассалому алайкум! Шу ердан ўта туриб, бойнинг уйда ҳам бир меҳмон бўлай деб кирдик.

– Бирозгина кечикдинглар. Ҳозиргина битта семиз кўзичокнинг гўштини еб тугатдим. Энди кўчага чиқай деб тургандим.

– Яхшиси, сен бизга айт, қаердан бундай мазали мазали ва хидли зира уругини тердинг.

Камбағал тушундики, йигитлар ҳамма нарсадан хабардор, индамасдан бошини куйи солди. Ўша кундан кейин унинг мўйлови майдан ялтирамади.

ЭСДАЛИҚДАН: Бир куни болалигимда отам мени каттиқ жазолаганди. Қалтақлар зарбасини аллақачон унутдим, лекин отам нима учун қалтақлагани ҳамон ёдимда.

Эрталаб мактабга кетаётган болага ўхшаб кўчага чиқдим, муюлишга етганда бурилдим, кейин бошқасига, хуллас, ўша куни мактабга бормадим. Кечгача

болалар билан чертмак ўйнадим. Отам китоб олиш учун пул берганди. Пулни довга тикиб ўйинга берилиб кетибман. Албатта, бор пулимни тезда ютқиздим ва каердан пул топиш ҳақида ўйлай бошладим. Қимор ўйнаган боланинг ҳоли шу: бор пулини ютқизгандан кейин каердандир 5–10 тийин топса, омади келиб ҳамма пулини қайтариб оладигандай туюлаверади. Менинг хаёлимда ҳам озгина майда пул топсам барча ютқизганимни қайтиб оламан деган илинж пайдо бўлди. Бирга ўйнаган болалардан қарз сўрашга тушдим. Ҳеч қайсиси қарз беришни ис-тамади. Бу ўйинда шундай ирим бор: ютқизган ўйинчига пул берсанг ўзинг ҳам ютқизасан.

Мен ўйлаб-ўйлаб пул топиш режасини туздим. Овулдаги уйларга бирин-кетин кириб, эртага полвонлар келишини ва катта кураш учун пул йиғиш менга топширилганини айтдим. Менинг бу ахволим дайди итнинг у эшик бу эшик олдига келишига ўхшарди: ё суяк ташлашади, ё калтак билан қувлашади. Худди шундай менга ҳам кимдир ҳеч нарса бермади, кимдир пул тутқазди. Пул берганлар ҳам отамнинг хурмати учун менга ҳиммат кўрсатишганди.

Уйма-уй юриб йиққан пулимни санадим, бемалол ўйинни давом эттирсам бўлади. Аммо бу пул ҳам кўпга чидамади. Кейин ҳар ютқизиқ учун эмаклашимга тўғри келди. Шу тариқа кечгача эмаклайвериб, чолворимнинг тизза қисми йир-тилиб кетди.

Бу вақтда уйдагилар хавотир олишган. Акаларим мени овул бўйлаб излаб юришган. Мен алдаб пулини олган овулдошлар уйимизга кириб қайси полвонлар келишини, қачон кураш бошланишини суриштириб кетишган. Хуллас, мени кулоғимдан ушлаб уйга олиб келишганда бугунги саргузаштим ҳаммага маълум бўлган.

Мана мен отам ҳукм чиқаришини кутиб жим ўтирибман. Аслида, мен шундай кўйга тушишдан жуда кўрқардим. Отам бошдан оёғимгача разм солди. Шилиниб, кизариб кетган тиззаларим чолворимнинг йиртигидан кўриниб турарди.

– Бу нима? – деди мумкин қадар мулоимрок оҳангда отам.

– Бу тиззаларим, – деб жавоб берар эканман қўлларим билан йиртиқларни бе-китдим.

– Тиззаларим дегин, нега улар кўриниб турибди? Айт, каерда чолворингни йиртдинг?

Мен чолворимнинг йиртигини энди кўриб тургандай қарадим. Ёлғончи ва кўрқок болаларнинг тушуниб бўлмайдиган одати бор: катталар ҳаммасидан хабардор эканини ва баҳона топиш бефойдалигини билишса ҳам, тўғрисини айтиш ўрнига, худо билади, яна қандайдир ёлғон тўқишади.

Отамнинг ғазаби қайнади, энди каттиқроқ гапирди. Уйдагилар отамнинг феълини билишгани учун мени химоя қилишмоқчи бўлишди. Аммо отам уларни мендан четроққа суриб, янада каттиқроқ сўради:

- Нима учун чолворинг йиртилди?
- Мактабда... михга илиниб қолди.
- Қандай, қандай? Яна қайтар-чи.
- Михга.
- Қаерда?
- Мактабда.
- Қачон?
- Бугун.

Отам кулочкашлаб юзимга шапалок тортиб юборди.

– Энди айт-чи, қандай қилиб чолворингни йиртдинг?

Мен гапира олмадим. Отам юзимнинг иккинчи томонига шапалок тортди.

– Энди айт-чи.

Йиғлашга тушдим.

– Жим бўл! – деди отам қатъий ва қўлини камчи томонга чўзди.

Йиғлашдан тўхтадим. Отам камчини ҳавода айлантириб, қарсиллатди.

– Агар ҳаммасини бир бошдан айтиб бермасанг, аямай камчилайман.

Мен учи тугилган камчининг зарбаси қанақалигини яхши биламан. Муқаррар камчиланиш қўркуви ҳақиқатга иқроор бўлиш қўркувидан устун чиқди. Эрталабдан бошланган саргузаштимни пиқиллаганча айтиб бердим.

Суд тугади. Уч кунгача ўзимга келолмай юрдим. Гўё уйдаги ва мактабдаги ҳаёт аввалгидай давом этарди. Лекин кўнглим хотиржам эмасди. Билардимки, отам мени ҳузурига чакиради. Барчасига нукта қўйилишини истай бошладим. Отамнинг мен билан гаплашишни истамаётгани баттар қалбимни эзарди.

Учинчи кун отам мени чакираётганини айтишди. Отам мени ёнига ўтказди, сочимни силади, мактабда ўқишларим қандай кетаётганини ва неча баҳо олаётганимни суриштирди. Кейин кутилмаганда кескин сўради:

– Сени нима учун урганимни биласанми?

– Биламан.

– Нима учун урди деб ўйлайсан?

– Пул тикиб ўйнаганим учун.

– Йўқ, бунинг учун эмас. Болалиқда ҳаммамиз шунақа ўйин ўйнаганмиз. Мен ҳам, акаларинг ҳам ўйнаган.

– Чолворимни йиртганим учун.

– Йўқ бунинг учун эмас. Қайси биримиз болалигимизда чолвор ёки кўйлагимизни йиртмаганмиз? Бошимиз омон бўлса бас. Сен қиз боламининг, оёқ учуда юрадиган.

– Унда мактабга бормаганим учун.

– Албатта, бу сенинг катта айбинг. Ҳамма саргузаштинг мактабга бормаганиндан бошланган. Бунинг учун ҳам, чолворингни йиртганинг учун ҳам, пул

тикиб ўйнаганинг учун ҳам уришиб қўйса бўларди. Нар и борса, қулоғингдан чўзардим. Ўғлим, мен сени ёлгон гапирганинг учун урдим. Ёлгон – бу хато ёки тасодиф эмас, у инсон феълидаги қусур. Вақтида олди олинмасга газак олади. Қалб даласидаги бундай хавфли ёввойи ўтқи илдиз-пилдизи билан сугуриб ташланмасга, қалб даласида маданий экинлар ўсишига жой қолдирмайди. Дунёда ёлгондан хавфлироқ нарса йўқ. Вақтида олдини олмасанг, кейин уни хайдаб ҳам, қалтақлаб ҳам йўқотиб бўлмайди. Қулоғингга қуйиб ол, яна ёлгон гапирсанг ўлдираман. Шу лаҳзадан бошлаб фақат рост гапирасан. Қийшиқ такани қийшиқ, кўзанинг қийшиқ ушлагичини қийшиқ, қийшиқ дарахтни қийшиқ дейсан. Сен мени тушундингми?

– Тушундим.

– Унда бор болам.

Мен кетар эканман ичимда энди ҳеч қачон ёлгон гапирмасликка қасам ичдим. Бундан ташқари, мен жуда яхши билардим: отам мени қанчалиқ яхши кўрмасин, агар ёлгон гапиргудай бўлсам чиндан ҳам ўлдиришдан тоймасди.

Неча йиллар ўтгач, бу воқеани битта дўстимга айтиб бергандим.

– Нималар деясан? – хайрон қолди у. – Сен ҳозиргача ўша арзимас ёлгонни унутмадингми?

Мен охишта жавоб бердим:

– Ёлгон ҳар доим ёлгон, ҳақиқат ҳар доим ҳақиқат. Улар ҳеч қачон арзимас ва улканга ажратилмайди. Улар ҳаёт ва ўлимга ўхшайди. Агар ўлим келса, демак ҳаёт тугайди. Агар ҳаёт экансан, демак ўлим хали келмаган. Улар бирга бўла олмайди, улар бир-бирини инкор этади, худди ҳақиқат ва ёлгон каби.

Ёлгон – бу ювинди, ифрослик, шармандалиқ. Ҳақиқат – бу гўзаллик, поклик, мусаффолик. Ёлгон – кўроклик, ҳақиқат – мардлик. Ё у томон, ё бу томон бўл, ўртада жой йўқ.

Негадир, ёлгончи ёзувчиларнинг ёлгон асарларини ўқиётган вақтимда отамнинг ўша қамчиси эсга тушаверади. У нарса ҳозир ҳам керак! Қанийди, ҳақиқатгўй ва талабчан отам керакли лаҳзада қамчисини ўйнатиб пўписа қилса: «Агар ёлгон гапирсанг – ўлдираман».

Қанийди, ёлгон ҳеч қачон жазосиз қолмасга?! Афсуски, баъзан ҳақиқатни ёқлагани учун жазо олишади. Бунга тарихдан мисоллар келтириш мумкин, айрим шахслар айни ҳақиқатни айтгани учун жазоланган, боши узра қамчи кўтарилган.

Менга ҳам болалигимнинг ўша кунидан кейин ёлгондан тилимни тийиш, фақат ҳақиқатни айтиш осон бўлмаган. Лекин ҳақ гапни айтгач, ўзимни енгил ҳис қилганман.

Ҳақиқатдан кўз юммаслик учун эса, ҳақиқатни айтишдан кўра кўпроқ мардлик керак. Агар ҳақиқатдан қачондир кўз юмсанг, кўнглинг беҳаловат бўлади, бир умр виждон азобида қийналасан.

Мардлар айтган гапидан, дунёқарашидан қайтишмайди. Улар Ер ўз ўқи атрофида айланишини билишади. Улар Қуёш Ер атрофида эмас, Ер Қуёш атрофида айланишини билишади. Улар тундан кейин тонг келишини, ундан кейин кундуз, кундуздан кейин тун бошланишини ҳам билишади. Худди шундай улар киш ўрнини баҳор, баҳор ўрнини ёз эгаллашини билишади...

Ишонаманки, виждон қамчиси, орият қамчиси, ҳақиқат қамчиси ёлғончиларни ва иккиюзламачиларни жазолайди. Ишонаманки, охир-оқибатда ҳақиқат ёлғон устидан ғалаба қозонади.

ОВУЛ ОКСОКОЛЛАРИ СУҲБАТИДАН:

– Ҳақиқат ва ёлғон ўртасида қанча масофа бор?

– Тўрт энлик.

– Нега?

– Чунки кўз билан қулоқ ўртаси тўрт эн чиқади.

Кўз билан кўрганнинг – ҳақиқат. Қулоқ билан эшитганинг – ёлғон.

Айтадилар-ку, юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши. Аммо ёзувчи ҳар доим ҳақиқатни аниқ ажрата билиши керак: кўрганларидан ҳам, эшитганларидан ҳам, ўзи бошидан кечирганларидан ҳам.

Албатта, ёзувчи кўзларида кўрганлари билан кифояланиб қола олмайди. Мусикани қулоқлари билан эштади, юрт тарихини китоблардан ўқийди. Айрим ёзувчилар ҳис қилиш туйғусини кўриш ва эшитишдан юқори кўяди.

Ёзувчиларга ҳар ишга ярқли кучли қўллар, чидамли оёқлар, мустаҳкам тишлар керак. Шунингдек, унга кўрган, эшитган ва ўқиганларидаги ҳақиқатни ёлғондан, олтинни ялтирок жездан, донни қурмақдан ажратиб олиши учун ақл ва билим керак бўлади. Ақл ва билим бўлмаса одам кўрган нарсасига ҳам ишониши қийин.

Илгари олтинни ҳеч қачон кўрмаган ва лекин унинг киймати тўғрисида кўп эшитган чекка овулдаги тоғликлар оғир сандик топиб олишибди. «Оғирми, демак ичи тўла олтин», – дея ўйлашибди улар. Ўлжани қўлга киритиш учун жанжал бошлашибди. Улар бир-бирини ўлдиришибди. Сандик ичида эса, мис бор экан.

Истеъдод – олов. Аммо олов аҳмоқ қўлида бўлса, ён-атрофдагиларга хавф солади. Ақлгина истеъдодни эзгуликка йўналтиради. Худди тажрибали чавандоз асов тулпорни эгарлагандай, ақл гўзалликни янада гўзаллаштира олади.

Тоғликдан сўрашибди, нимани танлайсан: гўзаллар чиройли юзиними ёки кексалар донишмандлигиними?

Аҳмоқ чиройли юзни танлаб аҳмоқлигича қолибди. Хотини чиройли юзли аҳмоқ эрини ташлаб кетибди. Ақлли кексалар донишмандлигини танлабди ва хотинини донишмандлик билан йўлга солибди. Худди эртақдагидай: сув тулпорига гўзални донишмандликни танлаган йигитгина миқдиради. Шунингдек, эртақларда уч оғанини, учта йўл ва учта донишмандлик ҳикмати ҳақида ҳам ёзилган. Кимки шу

хикматларга амал қилса, Ватанига эсон-омон қайтиб мурод-мақсадига етган, кимки хикматларга кулоқ солмаса ўзга мамлакатларда хор-зор бўлган.

О, менинг тилла балиқчам, истеъдод бергин, шу истеъдодга яраша ғайрат, йигитларга хос жўшқинлик ва тўғрисўзликни, кексаларга хос донишмандликни ато эт. Ҳаёт чорраҳаларида хамиша тўғри йўлни кўрсат.

Майли, бу йўл тошлоқ, тик ва хавфли бўлсин. Мен йўлларда илонга ўхшаб суд-ралиб юришни истамайман. «Нега илонлар эгри?» – дея сўрашибди тоғликлар ва ўзлари жавоб беришибди: «Чунки улар ўрмалаб ўтадиган тешиқлар, туйнуқлар, ёриқлар эгри». Мен илон эмасман, инсонман! Мен юксакликни, мусаффоликни ва тўғри йўлни севаман.

Мени касалликдан, кўрокликдан, енгил-елпи ўйлардан, шон-шараф юкидан, бевакт ўлимдан асра!

Мени кайф-сафога берилиб кетишдан асра, чунки кайф-сафо одамга яхши нарсани юз марта яхшироқ кўрсатади.

Мени жуда эҳтиёткор бўлишдан ҳам асра, чунки жуда эҳтиёткор одамга ёмон нарса юз марта ёмонроқ кўринади.

Менга шундай ҳақиқат туйғусини бергинки, эгрини эгри дейин, тўғрини тўғри.

*«Бу расво жаҳонда яшамоқ оғир»,
Деб биринчи шоир оламдан ўтди.
«Яшаш яхши!» – деди иккинчи шоир,
Ва дунёдан йигит ёшида кетди.*

*Учинчи шоир ҳам ўтди безумон,
Бироқ у шунчаки айтмади қўшиқ.
Нима ёмон бўлса атади ёмон,
Нима яхши бўлса куйлади жўшиб.*

Бир тоғлик подадан сигирини тез таниб, ажратиб олиш учун сигирининг қулоғига сирға тақиб қўйди. Бошқа тоғлик уюрдаги отини таниб олиш учун отининг бўйнига ҳалқа осди. Лекин қоронғида узоқдан ўз отини таний олмаган йигитнинг аҳволига вой.

Мана менинг китобим. Мен унга сирға, ҳалқа ёки бошқа бирон нарса тақмоқчи эмасман. Уни мен бошқа китобларим ва ўзгаларнинг китоблари билан сира алмаштириб юбормайман. Уни бошқалар ҳам адаштириб юбормасин ва ўқий бошлаган китобхон агар муқоваси йиртилиб кетган бўлса ҳам «Бу китобни Цада овулидаги Ҳамзатнинг ўғли Расул ёзган» деб айтсин.

ДЕЙДИЛАР: Мардлик қоянинг баландлиги қанча деб сўрамайди.

ХАВОТИРЛИК

*Менинг китобларим – ҳаёт изларим,
Не бўлса кўради чиққач сафарга,
Гоҳида юксакка тикдим кўзларим,
Гоҳида қоқилиб қуладим жарга.*

*Менинг китобларим – сирли хилқатим,
Эртангиз кўришга йўқдир имконим.
Балки сиз туфайли ошар ҳурматим,
Балки беҳудага қийналган жоним.*

Доғистонда жуда кўп миллат, элатлар яшайди. Улар ўзларига хос жуда кўп урф-одатларни сақлаб қолишган. Тат ёзувчиси Хизгил Авшалумов менга шундай урф-одатлардан бири ҳақида сўзлаб берганди.

Агар тоғлик оилада фарзанд дунёга келмаса, эр белига жунли белбоғ боғлаб олган. Шундай килса, Оллоҳ унинг бошқа тоғликлардан ажралиб турганини кўрар экан. Шу пайт эр ибодатга бош қўйиб сўрайди:

– Оллоҳим, фақир бандангдан марҳаматингни дариг тутма, ўғил бериб оиламизни нурафшон кил!

Шундай белбоғни оиласида фақат киз бола ёки жисман заиф болалар туғилган оила бошлиқлари ҳам боғлашган. Шубҳасиз, шундай белбоғ боғлаган тоғлик эр каттик ишонган: Оллоҳ унга кейинги сафар соғлом ўғил чакалок ато қилади ва боласи ботир йигит бўлиб вояга етади.

Ҳар бир онага ўзининг боласи ширин кўринади. Оналар ўз болаларининг дийдорларига қанчалик тўймай қарашса ҳам камчиликларини пайқашмайди. Мен ҳам китобимга шундай қарамаяпманми?

Хавотирдан қўлимдаги қалам титрай бошлайди. Кейин хавотир бутун қалбимни чулғаб олади. Мен бургут деб мушукни мўлжалга олмаёпманми? Тулпор деб эшакни эгарламаёпманми? Ходани боғлаш учун кўндалангига эмас, бир маҳал уй қураётган ахалчинцларга ўхшаб бўйи бўйлаб аркон тортиб боғлашга уринмаяпманми? Ёки хариколонцлик хаёлпарастга ўхшаб ўз уйимда маза қилиб ўтириб, ўзимни Анд тоғидаги қалъани забт этаётган кишидай сезмаяпманми?

Китобни яқунлаш арафасида ўзининг қўйнинг терисини шилаётган, лекин думбасига етганида пичоғи синган кассоб аҳволига тушасан. Китобга сўнгги нуқтани қўя оламанми? Қандай чиқар экан? Ишқилиб, денгиз тубидан қийналиб олиб чиққан чиганокларим бўм-бўш эмасми, уларда дур бормикин?

Бўрон дарахтнинг шох-новдасини узиб ташлаши ёки поясини синдириши мумкин. Лекин баҳорда дарахтдан янги новдалар ўсиб чиқади, вақт ўтади, улар дарахт-

ларга айланади. Агар дарахтга замбуруғ тушса, уни ичдан кемиради. Борди-ю, замбуруғ унинг илдизини кемирса, энди бу дарахтга ёрдам бериб бўлмайди. Худди шундай одамнинг ҳам ташки жароҳатлари, ҳатто суяклари синиши ҳам битиб кетади, лекин ички аъзолари касалланса аста-секинлик билан уни ўлимга олиб боради. Ишқилиб, менинг китобим соғломми, илдизлари бакуватми?

Менинг китобим – мисоли вояга етган ўғил. Энди унга уй торлик қилиб қолди. Энди уни одамлар ҳузурига, катта оламга йўллаш пайти келди. Йўлда уни дуо қилишадими, ёки қарғаб қолишадими? Хонадон соҳиблари уйларига киритиб иззат-икром билан меҳмон қилишадими, ёки остонадан қувиб соладими? Энди бу менга боғлиқ эмас.

*Мана гилам тўқиб бўлинди лекин,
Бировга кўрсатиб мақтанма дарҳол.
Осилган ипларни қайчила секин,
Кейин безагига синчков назар сол.*

*Мана китоб ёзиб бўлинди лекин,
У экинга шудгор қилинган дала.
Энди марзаларда айлангин секин,
Текшир, қолмадими бирор жой чала.*

Менинг китобим ҳам тўқиб бўлинган гилам каби баҳосини билиш учун одамлар ҳукмига жўнатилди. Энди мен ундаги расмларни бузиб турган чизикларни ҳам кўраяпман, безаклари ҳам яхши чикмабди, қийшиклари ҳам бор. Лекин энди бу камчиликларни тузатиб бўлмайди. Чунки гилам тўқиб бўлинган. Энди кичик камчиликни тузатиш учун ҳам гиламнинг ипларини қайтадан ажратиб чиқиш керак.

Менинг китобим, узоқ машаққатли йўлдан овулга қайтдинг. Икки йил уйда бўлмадим. Икки йил овулдошларим, кўшнилларим, кадрдонларим, кексалар ва ёшлар мен ҳақимда ҳеч нарса эшитмади. Мана овул четидаги уй ёнида эгардан тушиб, отимни етаклаб уйга пиёда келаяпман. Энди тоғлик аёл йўлдан адашмаслигим учун дераза тоқчасига кўйган чирогини олиши мумкин. Мен уйга қайтаяпман. Ассалому алайкум, кадрдон юртдошларим! Икки йиллик сафардан қайтдим. Отим ҳам икки ёшга қариди. Ўзимнинг ҳам сочларимга оқ кўшилди. Овул бўйлаб отимни етаклаб кетар эканман, учраган кишиларга очик юз билан дейман:

– Ассалому алайкум, одамлар!

– Ваалайкум ассалом, Ҳамзатнинг ўғли Расул. Сафарга яхши бориб келдингми, чарчамадингми? Нималар олиб келдинг? Хуржунингда дўппайиб турган нарса нима?

Мен уларга янги китобимни ёзиб тугатдим дегим келади. Лекин китоб қўлёзма-си шундай нарсаки, уни овулдошларга ҳам, бошқаларга ҳам қўлма-қўл ўқишга бе-

риб бўлмайди. Аввало уни ноширлар кўлига топшириш керак, улар кўлэзма хақида дастлабки хулосаларини чиқаришади.

НОШИР кўлэзмани олиб, кўтариб вазнини чамалади, у ёқ-бу ёғига қараган бўлди, аввал биринчи бетига назар солди, кейин етмишинчи бетига, сўнгра охириги бетига кўз кирини ташлади. Охирида кўлэзмани яхшилаб тахлаб, четрокка суриб кўйди.

– Эҳтимол, сенинг китобинг яхшидир, лекин бизнинг бу йилги ва кейинги йилги режаларимиз тасдиқланган. Сенинг китобинг режамизда йўқ.

– Бу китоб ўзимнинг ҳам режамда йўқ эди. Тўсатдан ғояси келди. Энди кўлэзмани нима қилайин?

– Нашриёт номига ариза ёз. Кўриб чиқамиз, муҳокама қиламиз, тасдиқлаймиз. Муҳаррирларнинг таҳрир режасига киритамиз. Келгуси йил шу вақтда телефон қил ёки келиб хабар ол.

АБУТОЛИБНИНГ НАШРИЁТГА ЁЗГАН АРИЗАСИ:

«Догистоннинг нуфузи баланд нашриётига! Мен – сизнинг Халқ шоирингизман, Догистон Олий Кенгаши Президумининг сўзосиман. Фахрий нафақадаман. Бу йил саксон беш ёшга тўламан. Биладан, агар бошимга қулфат тушиб ҳаётдан кўз юмсам, икки жшллик танланган асарларимни чиқариш тўғрисида қарор қабул қиласизлар. Сизлардан илтимос, ўлимидан кейин чоп этиладиган икки жшллик китобларим ўрнига ҳозир ҳаётлик вақтимда битта китобимни чоп этиб беринглар. Салом билан Абутолиб».

Бу ариза жуда беозор аризалар каторига киради. Шундай аризалар борки, уларда шикоят қилишади. Шундай аризалар борки, дағдаға қилишади, ёки ҳаддан зиёд кўпиртириб мақташади. Шундай аризалар борки, айюҳаннос солади, бор овозда фарёд чекади.

Нашриётга ёзилган аризаларга чидаса бўлар, лекин ноширлар устидан ёзилган аризалар жуда ҳам хавфли. Ноширларни ҳам тушуниш керак. Ахир, битта стулга уч-тўртта киши ўтира олмайди. Икки киши сиғишса ҳам шундай ўтириш жуда нокулай. Бунинг устига, узок вақт шундай ўтириб бўлмайди. Биттаси келиб бақиради: «Нега Аҳмаднинг китобини чиқарасизлар, менинг китобимни босмаяпсизлар? Ундан қаерим кам?» Бошқаси келиб бақиради: «Кейинги йилларда чиқарган китобларингиз орасида энг яхшиси менинг китобим. Нега янги китобимни режага киритмадинглар?»

Мен ноширлар билан жанжаллашмоқчи эмасман. Кутиб туришга тайёрман. Биладан, уларда ҳар доим қоғоз етишмайди. Шунча қоғоз қаёққа кетган? Қоғозларни ёзувчилар қоралайвериб тугатишган, бунда менинг ҳам ҳиссам бор. Шундай экан нега ноширлар билан ёка бўғишишим керак. Лекин ўша қораланган қоғозларда шундай асарлар дунёга келадик, кейин улар ёзувчидан ҳам, ноширдан ҳам кўпроқ яшайди. Истардимки, қандайдир қоғоз бўлагига менинг ҳам шундай сўзларим ёзил-

синки, улар қоғозга қайтадан ҳаёт бахш этсин, дарахтга айлантирсин, яхшиси, ўлмас асар бўлиб қолсин.

Йўқ, мен ноширлар билан сира жанжаллашмайман. Уларга мулойимлик билан тушунтираман:

– Сиз мен билан овулдошларим, мен билан москвалик ўқувчиларим, мен билан барча китобхонларим ўртасида турибсиз. Сиз бизга воситачисиз, бир-биримизни боғловчи кишисиз. Илтимос, бир-бири томон чўзилган қўлларнинг дўстона қўл қишишига ёрдам беринг, илтимос, марҳаматингизни аяманг...

Ношир менинг мулойим илтимосимни эшитиб, ён босади. Энди мен муҳаррир томонга бораман.

МУҲАРРИР.

«Кискартираман» – бу унинг эшигидаги ёзув.

Ношир «Бир йилдан кейин келинг» деганди, муҳаррир уч ҳафта муддат белгилади. Ҳатто мен шунча муддат белгиланганидан хурсанд бўлдим, чунки бу вақт ичида сизга учта кичик ҳикоят сўзлаб беришим мумкин.

НЕГА МУҲАРРИР ДЕРАЗАДАН ИРҒИТИЛДИ? Бир авар шоири газетанинг янги йил сонида чоп этишлари учун тахририятга шеърини берди. Шеър маъқул бўлди ва газетада чоп қилинди.

Шеъри чиқиб хурсанд бўлган шоирнинг уйига ўша куни дўстлари тўпланганди. Шоир тантанали суръатда газетани очди ва шеърини овоз чиқариб ўқий бошлади. Бирдан унинг юзи оқарди, худди кўкрагига ўк теккандай чап қўлини юраги устига қўйди. Қўлидан газета тушиб кетди. Дўстлари уни суяб ўтказишди, сув ичиришди. Бироз ўзига келгач, шоир нега шундай аҳволга тушгани сабабини айтди. Маълум бўлишича, шеърнинг тўрт сатри йўқ экан. Шоир дарҳол тахририятга чопди.

– Сизнинг газетангиз саҳифасида яйраб ўтлаши учун чиқарилган қўйларимдан тўртгасини ким сўйиб ташлади? Ким шеъримнинг тўрт сатрини кискартирди?

Газета муҳаррири хотиржам жавоб берди:

– Мен олиб ташладим... Шунга ота гўри қозихонами?

– Нега олиб ташлайсан?

– Шошилич хабар келди, жой етишмади.

– Сен хали шоирнинг рухсатисиз унинг шеърдан мисраларни олиб ташлайдиган бўлиб қолдингми? Ҳозир мен сени шу деразадан ирғитаман.

Шоирда тоғлиқларнинг қайноқ қони гупуриб кетди. У муҳаррирнинг ёқасидан, оёғидан ушлаб кўтариб, чиндан ҳам деразадан улоқтириб юборди. Хайрият, бу воқеа иккинчи қавадга содир бўлганди ва дераза ортидаги ер чопик қилинган экан. Бир сўзли шоир шу иш юзасидан бўлган судда қатъий шундай деди:

– Қонга қон, жонга жон. У мени таҳрир қилди, мен эса уни таҳрир қилдим.

Айтишларича, «таҳрир қилинган» муҳаррир ҳамон шеърларни кискартиришда давом этапти (эхтимол, муҳаррирлар кискартиришмаса тинч ухлай

олишмасе керак). Фақат энди у шеърини кискартиришдан олдин шоирнинг рух-сатини олар экан.

ЕН ДАФТАРЧАДАН: Отам иккита пьеса ёзганди: «Этикдўз» ва «Кодолавад-ги тўй». Авал улар театрда кўриб чиқилди, кейин маданият бўлимига берилди, сўнгра Доғистон санъат бошқармасига жўнатилди. Бу жараёндан отам хабардор эди ва пьесалари бошқармадан ҳеч жойга жўнатилмаганини ҳам биларди. Афсус-ки, пьесаларни бошқармадан ҳам топиб бўлмади.

Худди чўпон йўқолган қўйларини излаш учун коронги ва ёмғирли тунда тоққа йўл олгандай, отам пьесаларини ахтаришга тушди.

Бошқармада фақат пьесага жавобгар ходим ишларди. Уни ҳам муҳаррир лейи-шади. Отам у билан бир соатдан кўпроқ вақт гаплашди. Сездики, суҳбат об-ҳаво, яйлов, қўйлар, отлар, моллар ҳақида кетса кизирди, гап мавзуси адабиётга, драма-тургияга ўтса отам унинг гапларини сира тушуна олмасди. Шунга қарамай муҳар-рир драматургия ҳақида гапирарди, отамга қандай қилиб яхши пьеса ёзиш мумкин-лиги тўғрисида маслаҳатлар берарди. Сабри тугаган отам ундан шартта маълумоти қандайлигини, Доғистон санъат бошқармасига келгунга қадар қаерларда ишлага-нини сўради.

– Маълумотим олий, – деб жавоб қайтарди муҳаррир. – Мутахассислигим бў-йича мол дўхтириман. Ҳозир шу лавозимга тайинланганман.

– Менинг пьесаларим сигир эмас, уларни даволашингга хожат йўқ. Нега шоир ҳеч қачон мол дўхтирига маслаҳат бермайд-ю, тўғри келган одам эса шоирга маслаҳат бераверади?

Нахотки, менинг китобим қўлёзмаси ҳам илгари мол дўхтири бўлган ёки адаби-ёт ҳақида тасаввури йўқ «муҳаррир» қўлига тушади?!

АБУТОЛИБ ВА МУҲАРРИР. Муҳаррир Абутолибнинг шеърини қўлёзмасини роса чўкилади, худди қарға жанг майдонида ҳалок бўлган аскар танасини чўкила-гандай. Чўкиланган қўлёзма шундай холида Абутолиб қўлига тушиб қолди. Уни ўқиб кўрган Абутолиб маъюсланиб деди:

– Менинг ям-яшил даламни отлар пайхон қилибди. Илгари гул ўсган жойларда балчиқ пайдо бўлибди. Ахир, ўқувчи диктант ёзганда хато қилса, уни ўқитувчиси тўғрилайди. Бу қандай ўқитувчи бўлди экан, менинг ҳаётимда қайси тўғри бўлган, қайсиси нотўғри бўлганини аниқ биладиган?

Абутолиб чўкиланган қўлёзmani диққат билан ўқир экан бирдан сўз қотди:

– Мен муҳаррирнинг қайси овулдан эканини билдим. У менинг сўзларимни ўз овулининг шеvasига ўзгартириб чиқибди. Аммо шевалар кўп, тил битта, миллат битта! Агар ҳар бир муҳаррир сўзларни ўз овули томонга тортаверса, биз ҳеч қачон ўзимизнинг шеърят овулимизни ярата олмаймиз!

Менинг муҳарририм, ёдингда тут, дунёда сенинг овулингдан бошқа жойлар ҳам бор. Бундан ташқари, унутма, дунёда сендан бошқа одамлар ҳам яшайди. Аслида,

сен билан менинг ўртамда келишмовчиликнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Агар китобимга нафи тегса, сенинг барча фикр-мулоҳазаларингни сўзсиз қабул қиламан. Аммо сен ҳам тушун, қасос ўтида ёнган қасоскордай мен шу шеър ўтида ёндим. Бу фикр ҳозиргина туғилди. Бир пайт ёшлигимда шеър хақида шундай шеър ёзгандим.

*Шеърят – умримнинг орзу-матлаби,
Сатрларни тиздим оддий сўзлардан.
Қалбимдаги пинҳон муҳаббат каби,
Уларни асрадим ёмон кўзлардан.
Яккаш сўзлар чеккан оҳини илғаб,
Ўзим билан олдим қараб раъйига.
Кейин соатсоздай жсарангин тинглаб,
Мурватдай сўзларни қўйдим жойига.
Оҳанглар изладим тинглаб унларни,
Худди асалари нектар йиққандай.
Ёки меҳмон учун очиб хумларни,
Энг тансиқ винони қўйиб чиққандай.
Тунлар қучоғига олди туш-хаёл,
Қаршиладим қанча гўзал тонларни.
Шафақдан ранг олдим, тўқувчи аёл
Танлагандай гилам учун рангларни.
Майли, дилбар қўшиқ кўйласин ўзга,
Эҳтимол, мен буни уйда қилмасман.
Дилдаги ниятим кўчдим сўзга,
Бор гапим ёздимми, шуни билмасман.
Балки яратмадим юксак шеърят,
Лекин ўтган умрим шу сўзларда жо.
Муҳарририм, сендан илтимос фақат,
Умримни қисқартма бўлса ҳам хато.
Менинг фарзандимга ўтмайди тиши,
Ўзга ота қанча турмасин тергаб.
Менга айтинг бўлса ёмон қилмиши,
Ўзим қулогини кўяман бураб.*

Ўша йилларда «Тоғлик қиз» деган пьеса ёзгандим. Шу пьесам қандай сахналаштирилди?

Спектакль охирида эркак бош қаҳрамон аёл бош қаҳрамонни ўлдиради. Тоғлик қизни ўлдириш сахнасини ёзаётган вақтимда азобдан қўлларим титради, юрагим хун бўлди. Лекин ҳеч нарсани ўзгартира олмасдим, воқеалар ривожини тоғлик қиз-

ни ўлдиришни тақозо этарди. Авар театри спектаклни худди шундай қўйди. Томошабинлар чуқур қайғуга ботишди ва тоғлик қиз ўлдирилганда ҳатто мендан ҳам кўпроқ азоб чекишди. Аммо улар ҳам воқеалар ривожини бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини тушунишди.

Даргин театрида пьеса таҳрир қилинди. Қизни ўлдириш ўрнига, унинг сочини кесишди. Албатта, тоғлик қизнинг сочи кесилиши жуда оғир иснод, ҳатто ўлимдан ҳам баттар, лекин барибир ўлим эмас.

Кўмик театри сахнасида қиз ўлдирилмади, сочи ҳам кесилмади, унинг кўзлари ўйилди. Бу – даҳшат! Эҳтимол, қизнинг кўзларини ўйиш уни ўлдириш ёки сочини кесилдан таъсирлироқдир, лекин шу нарса аниқ: қизнинг сочи кесилмади ва ўзи ўлдирилмади. Театр айнан шундай сахналаштиришни истади.

Чечен театри бу масалани жуда оддий ҳал қилди. «Нега ўлдиришимиз, нега сочини кесилишимиз, нега кўзларини ўйишимиз керак? – дейишди улар. – Майли, тоғлик қиз соғ-омон қолсин».

Ҳар бир режиссёр пьесани сахналаштираётган вақтида ўзича талқин этди. Лекин ҳеч қайсиси пьесадаги тоғлик қизни ўлимдан сақлаб қоламан деб, пьесани ўлдираётганини ўйламади, драматург ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

ОТАМ овулга газета келганда, унда эълон қилинган шеърларига назар ташлаб леги:

– Кўришиб турибдики, шеърларим «қассоб»нинг қўлига тушибди. Уларнинг нимталанмаган жойи қолмабди.

МАҲМУД... Маҳмуд эса ҳеч нарса демаган, чунки тириклик вақтида унинг битта ҳам китоби чоп этилмаган. Аммо у шунга ўхшаш муҳаррир шеърларини қандай ўзгартирганини кўрганда борми, шубҳасиз, иккинчи марта ўларди.

Тоғ сўқмогида замонавий автомобилда юриб бўлмайди. Муҳаррирлар шеърларини таҳрир қилиб, машхурларнинг ҳам тинчини бузаётган вақтда, мен уларга қандай қилиб шеърларимни таҳрир қилманглар деб айта оламан?

МЕНИНГ МУҲАРРИРИМ, бу ёзган гапларни кўнглингга олма. Мен бошқа тоифадаги муҳаррирларни ҳам биламан, улар ёзувчиларга жўяли ва топқирлик билан маслаҳат беришади. Шундай муҳаррирлар билан бирга ишлашнинг ўзи роҳат, ўзи ижод. Сен хотиржам бўлишинг мумкин, ҳайратингни яшира олмай қўлэзма чеккасига қўйган ундов белгингни ҳам, ҳайронлигингни оширган сўроқ белгингни ҳам, қайта ишлашимни билдирувчи «қушча» белгисини ҳам безътибор қолдирмайман.

Эҳтимол, менинг китобимда ҳам тиш оғриғидан типирчилаб турган одамга ўхшаш ўз жойини муқим эгалламаган мисралар бордир. Эҳтимол, қайтариклар учрар. Илтимос, уларни кўрсат, белгила, дарҳол айт. Битта калла яхши, бир ярим калла ундан ҳам яхши! Агар бизнинг икки калламиз, тўртта қўлимиз баҳамжихат бўлса ишимиз яхши томонга кетади. Эртага тортишганимиздан кўра бугун муштлашга-

нимиз яхши. Айтадиларку, бир умр аразлашиб юргандан кўра бир марта уришиб олган яхшироқ. Муҳими, мени ортиқча мактаб юборма.

Бир овчи шаталок отиб қочмасдан ялангликда турган қуённи мактади ва унга ўқ узмади. Мақтовдан талтайиб кетган қуён иккинчи овчи қаршисида ҳам ялангликка чиқди. Аммо иккинчи овчининг нияти бошқачароқ эди ва воқеа қандай тугаганини билгандирсиз. Биламан, сенинг машаққатли меҳнатинг ўзингга олқиш келтирмайдди. Ўқувчи китобни қўлига олганида унинг муаллифи ким эканлигига, расмларини ким чизганига қарайди, лекин китобнинг муҳаррири ким бўлганига эътибор бермайди. Начора, одамларнинг феъли шунақа.

Шоир халқ номидан гапиради, дейиш расм бўлган. Маълум бўлишича, муҳаррирлар ҳам халқ номидан гапирар экан. Бир куни мен таҳририятга севги, аниқроқ айтсам, хотинимга бағишланган шеъримни олиб бордим. Муҳаррир ўқиб кўриб ёнга суриб қўйди ва бу шеърни чоп эта олмаслигини айтди.

– Нега?

– Халқ уни ўқимайди. Халққа сенинг хотинингга бағишланган шеърлар керак эмас. Ўша заҳоти саккизлик ёздим:

*Ишқий шеърлар чиқмас беташвиш,
Яна шаштим журналда қайтди.
Уларни халқ ўқимас эмиш,
Муҳаррири шундай деб айтди.*

*Қайтармади шеъримни лекин,
Бир-икки кун унда турармиш.
Олиб кетиб уйига бир кун,
Хотинига ўқиб берармиш.*

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Ёзувчи ва шоирлар шофёрларга ҳам ўхшаб кетади. Қайсики, тўғри юришни билишади, лекин баъзида хато қилишади ва «қондани бузишади». Шундай пайтда муҳаррир милицияга ўхшайди.

Кейин отам ўйга толди ва деди:

– Сен нима деб ўйлайсан, битта шофёрга учта милициячи тўғри келса, кўп эмасми?

Лекин милициячи ҳам керак. Битта ташкилотда бўлаётган базмда ҳар бир киши учун қадах кўтарилди. Улар орасида милициячи ҳам бор эди. Базмни олиб борувчи (тамада) милициячи учун қадах кўтаришларини сўради. Истеъмолчилар уошмаси раиси қадахни столга қўйиб эътироз билдирди:

– Келажакда милициячилар бўлмайди. Бу касб вақт ўтиши билан йўқолади.

Нега энди биз улар учун қадах кўтаришимиз керак?

Милициячи жавоб қайтарди:

– Кслажақда милициянинг бўлиш-бўлмаслиги, ўша вақтда исгеъмолчилар уюш-масы бор-йўқлигига боғлиқ.

Менинг муҳарририм, ҳазилдан ташқари сенга қайси лаҳзаларни яхши кўри-шимни айттайинми? Қанийди, иккимиз қоғозга тўла ижод-иш столи атрофида эмас, ноз-нсматлар билан безатилган оддий стол атрофида ўтирсак. Ўша вақтгача сен кўлэзма устига мен учун ёқимли сўзларни: аввал «Теришга», кейин «Чоп этишга», охирида «Нашрга рухсат» деган сўзларни ёзиб бўлгансан. Чиндан ҳам сенинг кў-лингдан кўлэзма гоҳ теришга, гоҳ чоп этишга, гоҳ нашрга кетади! Ўйлаб кўргин, нақадар ажойиб сўзларни ёздинг: «Нашрга рухсат». Шу сўзларни ёзишинг билан ипжикликларинг унутилади. Аслида, буниг учун қадах кўтариш керак. Шу сўз-ларни тезроқ ёзгин, мен дунё юзини кўрган китобимнинг илк нухчасига дастхат ёзиб сенга тақдим этайин.

Албатта, мен ҳам дунёда биз билмайдиган сирли нарсалар қолмаслигини истай-ман. Одамларга бирор сирни очмайдиган, яъни шу вақтгача билмайдиган нарсаларни ёзмаган шоир шоирми? Маълумки, фақат куёв тўйдан кейин биринчи бўлиб келин юзидаги ҳарир пардани очади. Худди куёв келин юзидаги ҳарир пардани очгандай, мен шеърларимда ўқувчиларимга вақт ва кенглик пардасини очаман. Фақат шоиргина ҳаётни шундай тасвирлай оладики, шеърхонлари уларни ўқиганда ўзлари илгари эътибор бермаган нарсаларни кўради, ёвузликка қарши турган дунё гўзаллигидан, инсон қалби гўзаллигидан ҳайратга тушади.

Илтимос, муҳарририм, вайсакиларнинг чайнаши учун гап топиб берма, мен шоир сифатида кашф қилган нарсаларимни чизиб ташлама, уларнинг тасвирлаган ўхшатиш, нақш ва тасвирларимдан гумонсирашларига сабаб қолдирма. Агар шеър-ий гиламининг бирон безагида камчилик бўлса, уларни сиёҳ билан бўяб доғ қил-ма ёки қайчилайвериб пуф деса тешилиб кетадиган даражага келтирма.

БУНДАН ТАШҚАРИ, бирон фикримни ўзингнинг фикрингга монанд бўлмаган-ни учун ногўғри дема.

БУНДАН ТАШҚАРИ, тарозида нонни, шакарни, ёғни, михни ўлчашади, лекин муҳаббатни эмас.

БУНДАН ТАШҚАРИ, метр билан газмолни, хонанинг баландлигини, қабрнинг йўлдан узоклигини ўлчашади, лекин чиройни эмас.

БУНДАН ТАШҚАРИ, ким ўзини ақлли кўрсатмоқчи бўлса, охир-оқибатда кул-гига қолади.

БУНДАН ТАШҚАРИ, кўриб турибсан, ёшлиқ давридан ўтганман, унча-мунча нарсда бироз менга ҳам ишонгин.

Мен-ку тушунаман, баъзи бир одамнинг айтадиган сирлари кўп, бошқасида камроқ, қолаверса...

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ: Агар сув сасиса туби кўринмайди, ҳатто жуда саёз бўлса ҳам.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Мен болалигимда оиламизнинг энг сергапи эдим. Кўчада нимани эшитсам, албатта уйдагиларга келиб айтардим. Уйда нима гап эшитсам, кўчадагиларга етказардим.

Отамнинг ёнига вакти-вакти билан бир кадрдони келиб турарди. У атрофга аланглаб олиб, секингина шивирларди:

– Ҳамзат, бир оғиз гапим бор эди, бошқа хонада гаплашсак бўладими?

Улар бошқа хонага чикиб, шивирлашиб гаплашишарди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Бир куни отамнинг кадрдони яна келди.

– Ҳамзат, бир оғиз гапим бор эди, бошқа хонада гаплашсак бўладими?

– Бемалол, – жавоб берди отам. – Аммо сен менга шивирлаб айтадиган сирли гапларингни Расулнинг олдида ҳам айтиш мумкин. Шундай экан гапингни бемалол айтавер.

Ҳа, мен болалигимдан сир саклашни ёмон кўраман. Кўшикни ҳам саҳнага чикиб, кўпрок одам эшитиши учун баланд овозда айтилади.

Бундан ташқари, ҳар бир сўзим учун жавоб беришга тайёрман.

Яна менинг таржимонларим ҳам бор.

ТАРЖИМОН.

Мен аварман, шундай туғилганман ва шундайлигимча қоламан. Бошқа одам бўлиб қолмайман. Кўзимни очиб биринчи кўрган одамларим аварлар бўлган. Авар тили менинг она тилим. Бу нафақат менинг, бутун авар халқининг бебаҳо бойлиги.

Аварлар кўп эмас, уч юз минг кишидан кўпрок. Лекин бу ҳам оз эмас. Доғистонда икки минг киши сўзлашадиган тилда шеър ёзадиган шоирлар ҳам бор.

Давлатлараро чегаралар одамларни ва улардан ҳам кўпрок тилларни ажратади. Чегаралар ўзгариши, расмийчилик учун қолдирилиши ёки умуман йўқотилиши мумкин. Тил эса халққа бир умрга берилади, уни ўзгартириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди.

Лекин шуни ҳам унутмаслигимиз керак, Пушкин шеърларини ёдламаган, Лермонтов шеърларидан таъсирланмаган, Толстой ҳақида эшитмаган, Чехов ҳикояларидан лаззат туймаган аварни ҳам кўз олдимизга келтиришимиз мумкин эмас.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Тоғларда Пушкин дарахтининг ўсгани қандай яхши, япроқларининг шамолдаги шивири, ширин ва мазали меваси ҳеч қачон тугамайди.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ: Менинг нимкоронги ертўламга ҳурматли Чеховни олиб келганларнинг ҳаммасига раҳмат айтаман. Ертўламда яратилган қўшиқларимни Москвадаги Кремлга олиб кирганларга ҳам раҳмат.

МЕН АЙТАМАН: Генералларга бош эгмаган мағрур Кавказ ёш поручик шеърлари олдида бошини эгди.

Китобимни нашр этиш чоғида бўлган қизиқ воқеа эсимга тушди. Доғистон нашриётида рус тилига таржима қилинган танланган асарларим чиқиши керак эди. Мухаррир қўлёзмани варақлаб деди:

– Нега «Полтава»ни киритмадинг?

– Бу асарни Пушкин ёзган, мен уни авар тилига таржима қилганман, холос. Мен қандай қилиб Пушкин асарини рус тилида чиқаётган тўпламимга киритишим мумкин?

Мухаррирнинг сўзидан кўп ҳам ажабланмайлик. Чиндан ҳам бошқа тиллардан таржима қилинган шундай асарлар борки, уларни аварлар ҳам ўзининг асарларидай севиб ўқишади. Эндиликда бу асарларсиз авар адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Мен ҳам биламан, кўзимга тик қараб айтишмаса ҳам ортимдан «Расулми, тўғри у иктидорли, лекин унинг асарларини москвалик таржимонлари яхшилаб ўгиришган» дейишади.

Бу гапларга сира эътироз билдирмайман. Ҳақиқатан ҳам таржимонлар бўлмаганда мени кўпчилик танимасди ва шундай даражага эришмасдим.

Таржимонлар менга биринчи навбатда Гейне, Бёрнс, Шекспир, Саъдий, Навоий, Сервантес, Гёте, Диккенс, Лонгфелло, Уитмен ва бошқа шоир-ёзувчиларнинг асарларини ўқиш имкониятини яратиб беришди. Агарда уларнинг асарларини ўқимаганимда, эҳтимол, шоир бўлиб вояга етмасдим.

Иккинчидан, таржимонлар менинг шеърларимга кенг йўл очишди. Улар шеърларимни саркаш дарёлардан, баланд тоғлардан, қалин деворлардан, чегарадаги постлардан, унданда мустахкам чегаралардан – ўзга тил чегарасидан, қарлик, соқовлик ва басирлик чегараларидан олиб ўтишди.

Баъзан ўз-ўзимга савол бераман, таржимонлар учун нима муҳим: тилни билишими (бунда шеърларим қалбидан жой эгалламаган) ёки шеърларимни қалби билан, юраги билан ҳис қилиб ўзининг маънавий мулкига айлантирганими?

1937 йилда Маҳачқалъа да Пушкиннинг «Қишлоқ» шеърининг энг яхши таржимаси учун танлов ўтказилган. Қирқта шоир бу шеърни авар тилига таржима қилган. Уларнинг кўпчилиги рус тилини жуда яхши билган. Лекин биринчи ўринни ўша вақтда ҳали рус тилини билмайдиган Ҳамзат Цаласа эгаллаган.

Албатта, таржимон ҳам шоир, ёзувчи, санъаткор бўлиши шарт. Албатта, таржимон ҳам мен ўз халқимнинг фарзанди эканимни унутмаганимдай, у ўзини шу халқнинг фарзандидай сезиши керак.

Шундай руслар бор, улар авар тилидаги асарларни бемалол ўқий олишади, афсуски, улар шоир эмас. Шундай истеъдодли рус шоирлари борки, афсуски, улар авар тилини билишмайди. Нима қилиш керак? Шундай кезде сўзма-сўз таржимага мурожаат қилинади.

Мен рус қишлоқларида гўлали уйларни қандай кўчиришганини кўрганман. Албатта, уйни бутун ҳолда кўчириб бўлмайди. Уй аввал, гўлаларга, тахламларга ажратилади ва улар янги жойда қайтадан тахлаб чиқилади.

Сўзма-сўз таржима – гўла ва тахламларга ажратилган уй. Яъни, гўлалар, тахталар, тунукалар, ғиштлар ва ҳоказолар. Таржимон ана шулардан янги уй барпо

килиши керак. Агар ғўла чириган бўлса, уларни алмаштиради. Агар бирор тахта йўлда йўқолган бўлса, янгисига ўзгартиради.

У янги уйнинг деразаларини артиб, печкага ўтин қалайди, мўридан тутун чиқади, болалар хурсанд бўлишиб томда сакрашади, қалдирғочлар учиб бўғотдан ўзларига жой излашади.

Сўзма-сўз таржима нима? Мисоли юраги тўхтаган, кўзларини юмган одам. Лекин врач келиб укол қилади, кон қуяди, юрагини массаж қилади ва одам танасига яна ҳаёт қайтади.

Сўзма-сўз таржима нима? Мисоли торлари вақтинча бўшаштириб қўйилган қўбиз. Ёки печкасида олови ўчган уй. Ёки қаноти қирқиб қўйилган қуш.

Сўзма-сўз таржима нима? Бир кун сартарош сочимни олиб, силлик қилиб тараб шундай деганди:

– Сен менинг олдимга сўзма-сўз таржимадай келдинг, энди таржима асарлай чиқиб кетаяпсан.

Гап сартарошлар ҳақида кетдими, қизик бир воқеани эсламаслигим мумкин эмас.

Бу воқеа Кубадаги Сантьяго шаҳрида бўлганди. Мен узок йўлдан келганим учун соч-соқолимни олдиргим келди. Сартарошхонага кириб, устага имо-ишоралар билан мақсадимни тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Кубада соқолни биздагига ўхшаб курсида эмас, каравотга ётқизиб олишади. Мени ҳам каравотга ётқизишди. Юзимга совун кўпиги сурилди. Ҳаммаси юзимга устара теккунга қадар рисоладагидай давом этди. Ё устара ўтмас эди, ё устанинг қўли ҳали ўрганмаган экан, ҳар қалай, оғриқдан додлашимга оз қолди. Бир муддат оғриққа чидадим, лекин охиригача барлош беролмаслигимни тушундим ва устага олдин русча, кейин аварча оғриқ бераётганини айтдим, бармоғим билан юзимдаги шилинган жойларни кўрсатдим. Сартарош кўркқанидан дарҳол ташқарига чопди ва оқ халатли кишини бошлаб келди. У чамадонини очиб, тиш олишга мўлжалланган асбоб-анжомларини столга теришга киришди. Хуллас, соқолимни олдиришга кириб, стоматолог курсисига ўтиришимга оз қолди. Бу мен билан сартарошнинг бир-биримизни тушунмаганимиздан келиб чиқди. Яна бу томоша давом этганида соғ тишларимдан ажралишим ҳеч гап эмас эди.

Баъзан таржимонлар ҳам шеърларнинг тишларини суғуриб олишиб, тишсиз оғиз билан юришлари учун кўчага чиқариб юборишади.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Хориж сафарига йўл олган вақтимда меҳмондўстлик кўрсатган кишиларга эсдалик сифатида бериш учун юртимда тайёрланган буюм ёки ёдгорликлардан олиб кетаман. Японияга кетаётган вақтимда балхарлик усталар тайёрлаган қизғиш кўзачалардан олдим.

Хиросима шаҳрида эр-хотин рассомлар меҳмоним бўлишди. Узок вақт қизғин суҳбат курдик, охирида қўлни қўлга бериб дўст тутиндик. «Балхар усталарининг ажойиб ижод намунасини шундай рассомларга бермасам, кимга бераман?» – деб

ўйладим мен. Шартга чамадонимни очдим. кўзалар ўрнида синик сопол парчаларини кўриб котиб колдим. Гўё кимдир болта билан уриб майдалагандай, кўза кичик-кичик парчаларга айланганди. Балки чамадонимни Москвадаги аэродромдами, Дехлидаги аэродромдами, Токиодаги аэродромдами кимдир бошлаб иргитган кўрилади. Шу пайт ер ёрилса, ерга кириб кетсам. Чунки японларга совга бераман деб айтиб кўйгандим. Улар чамадонга энгашган кўйи бир сўз демай котиб қолганимни кўриб, менга безовта қарай бошлашди.

Нихоят, японлар нимадир рўй берганини пайкашди. Улар ёнимга келишди, сопол синикларини кўришди. Бошларини чайкашди, менга таскин бериш ниятида елкамга уриб кўйишди. Японлар жуда маданиятли халқ бўлишгани учун меҳмондўстлик тавозесига қатъий амал қилишади, бошқа вақтда елкамга уриб кўйишга сира жазм этишмасди. Демак, мен ўша кезде уялганимдан жуда ачинарли аҳволда эдим.

Мен сопол синикларини чамадонимдан ёзилган газетага тўқдим ва уни ўраб чиқинди челақка ташламоқчи бўлдим. Аммо рассомлар бундай қилишимга йўл кўйишмади. Улар тўкилган сопол синикларини ҳам битталаб териб газетага солишди ва ўзлари билан олиб кетишди.

Бир неча кундан кейин рассомлар мени меҳмонга чақиришди. Ҳайратдан котиб колдим. мен совга қилмоқчи бўлган кўзалар стол устида худди устахонанинг ўтхонасидан ҳозир олиб чиқилгандай ялтираб турарди. Ҳозиргача ақлимга сиғдира олмайман, қандай қилиб сопол синикларини шундай даражада бенуқсон елимлаш мумкин?!

Дейдилар, синган кўза барибир бутун бўлмайди, ундан сув оқиб кетади. Биз японлар елимлаган кўзаларга Доғистон коньягини, япон сакесини қуйиб ичдик, бир томчи ҳам сиртига чикмади.

Ўшанда мен япониялик рассомларга қараб ўзимнинг энг яхши таржимонларимни эсга олдим. Менинг сўзма-сўз таржималарим худди кўза синикларига ўхшарди. Таржимонлар уларни жой-жойига шундай елимлашдики, натижада яп-янгидай бўлди ва авар нақшларининг жилоси қайтадан кўзларни яшнатди.

Албатта, таржимон кўзага илгари бўлмаган қулукни ёпиштирмаслиги ёки тубини битта эмас, иккита қилиб кўймаслиги керак.

Яқинда Доғистон нашриётида «Ҳожимурод» асарининг аварчага ўгирилган янги таржимаси босилди. Ўқиб чиқсам, асарга янги икки боб қўшилибди. Мен таржимондан сўрадим:

– Бу икки боб қаёқдан лайдو бўлди?

– Толстой бу асарни ўн тўққизинчи асрнинг охирида ёзган. Ҳозир дунёқарашлар ўзгариб кетди. Бундан ташқари, ўқувчиларга Ҳожимуроднинг ўлимидан кейинги воқеаларни ва авлодлари тўғрисида хикоя қилишимиз керак эди.

ЁН ДАФТАРЧАДАН: Отамнинг битта шеърини рус тилига таржима қилишди. Таржимон тажрибасизроқ экан. Шунда отам авар тилини ва рус тилини биллади-

ган одамдан ўша шеърини таржима қилишини сўради ва русчада мазмуни қандай чиққанини билгиси келди. Мазмунини сўзлаб берганда, қувонганидан деди:

– Ниҳоят, ўғлим узок сафардан уйимизга қайтиб келди, мен уни дарҳол танидим. Шеърларимни таржима қиламан деб бундай қайта ишлашгандан кўра, ўғилларим ҳеч қасқка кетмай тоғдаги уйимизда ўтиргани ҳам яхши экан.

Ҳа, таржима қилинган шеърлар овулда яшаётган ота-онанинг ўқишга ёки ишга кетган ўғилларига ўхшашади. Албатта, кетган ўғиллар туғилган уйига қайтиб келишади, лекин кетган ҳолатида эмас.

Ўғил уйга қайтади: ё ҳаёт тажрибаси билан, ё кўп нарсасини йўқотиб, ё диплом билан, ё судланган ҳолда, ё норғул йигит бўлиб, ё ожиз, касалманд бўлиб, ё олим деган шарафли ном билан, ё хотинбоз деган тавқи лаънат билан, ё қариндошларига қимматбахо совғалар олиб, ё бор-йўғидан айрилган ҳолда.

Мен китобимни узок сафарга, одамлар ҳузурига йўлладим. Бегона жойларда у ўзини қандай тутади? Бошидаги бўркини сақлаб қоладими, халқи берган тузини оклайдими?

Мен-ку тушунаман, тоғда ўтирган ёмон одам водийга тушгани билан яхши бўлиб қолмайди. Шунинг учун китобимнинг таржимонларидан илтимос қиламан: агар «ёмон» бўлса, у шундайлигича қолсин. Агар мен ногирон ва басир бўлсам, қўлимдан етаклаб кўчага олиб чиқманг, яхшиси уйимнинг остонасидан ҳатламайин. Ахир, мис идишни қанчалар тозалаб артманг, барибир у олтин ёки қумуш бўлиб қолмайди.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ:

Менинг қизим ва ўғлим бор. Қизим одобли, тартиб-интизомли, юриш-туришда намунали. Ўғлим эса шумтака, бевош. Қизим меҳнатсевар бўлгани учун радиода макташади, газетада ёзишади. Худо берган куни ўғлим тўғрисида ё мактабдан, ё милициядан шикоят эшитаман. Қизим ҳақида гап кетганда мактаб, ўқувчи-ёшлар ташкилоти, мамлакат уни шундай намунали қилиб тарбиялаганини айтишади. Ўғлим ҳақида гап кетганда, Доғистон халқ шоири Абутолиб Гафуров уни шундай бетайин қилиб тарбиялаган, деб қўйишади.

Унинг ҳикоясини тинглар эканман, шундай ҳолат шеър таржимасида ҳам рўй беришини эсга олдим. Агар таржима яхши чиқса, муаллифга мактов сўзлари айтилади, ким таржима қилгани эса нутилади. Агар таржима ёмон чиқса, таржимоннинг нўноқлиги танқид остига олинади, муаллифга тил тегизмасликка ҳаракат қилинади.

Таржимон дўстим, қўлингни ташла, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам бирга жавоб берамиз. Энди иккаламизнинг аравамиз битта. Аравани ўз томонимизга эмас, ҳамжиҳат бўлиб тортайлик. Йўқса, арава тугул ўзимиз ҳам турган жойимиздан жилмаймиз.

Бизнинг тоғда ҳайратга соладиган воқеа юз берганди. Катта тоғнинг баланд қисми бехосдан пастга силжиди. Тоғ чўққиси Моҳоч овулидан сал берирокда тўхтаб, жилгани тўсиб қўйди. Чўққида ўтлаб юрган қўйлар, ўтов, чўпонлар ёққан олов

хеч кандай зарар кўрмай пастга «саёҳат» килди. Ҳозир кўчган тоғ янги жойида турибди, лекин жилғани тўсиб қўйгани учун каттагина қўл пайдо бўлди. Кўлда холдор балик кўпайди. Тоғ илгариги жойида турганда хеч ким бормасди. энди эса ундан саёҳатчилар, илмий гуруҳлар, балиқчилар, томошага келган ўқувчилар гуруҳлари аримайди.

Канийди, менинг китобим ҳам ўзи учун янги бўлган тилга мана шу тоғдай безарар кўчса. Канийди, кейин Мохоч овули ёнига кўчган тоғдай одамлар эътиборини тортса.

Энди ғишт қолипдан кўчди – китоб ёзиб бўлинди. Мусулмонлар айтгандай, энди пешанасига нима ёзилган бўлса шуни кўради. Русларда шундай мазмунда мақол бор: одам эртанги кунни тахмин килади, нима бўлишини эса Худо билади. Хулласи калом, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

ТАНҚИДЧИ. У ҳақда ёзиш қийинрок. Агар уни сўксанг, ўйлайдики, танқидий фикрларим ёкмабди, ҳисоб-китоб қилмоқчи. Агар уни мактасанг, ўйлайдики, бутунлай ўзига оғдириб олиш учун кўнглимни овлаяпти.

ОТАМ АЙТГАНДИЛАР: Биз – мен ва танқидчи, иккаламиз ҳам шоирмиз. Фақат мен шеър ёзаман, у менинг шеърларим ҳақида ёзади.

АБУТОЛИБ доғистонлик битта танқидчига шундай деганди:

– Мен узумдан вино тайёрлайман, сен винонинг мазасини тотиб кўрасан.

Мен танқидчиларга фикр билдиришда бетараф қолган ҳолда уларга бир-иккита маслаҳатимни айтмоқчиман, холос.

1. Ёмон нарсани доим ёмон деб ёз, яхшисини эса доим яхши дегин.

2. Агар мактасанг кейин танқид қилма ёки акси – агар танқид қилган бўлсанг кейин мактама.

3. Пашшадан фил яшашга уринма, ундан ҳам ёмони: филни пашша қилиш учун киришма.

4. Китобда нима бўлса шу ҳақда ёз, йўқ нарсалар тўғрисида фикр юритма.

5. Ўзингнинг фикрингни исботлаш учун Белинскийдан бошлаб бошқа машҳур кишилар ёзганларидан иқтибос келтирма. Агар фикринг ҳақиқатан ўзингники бўлса, уни ўзинг фикр-мулоҳазаларинг билан исботла.

6. Фикрингни аниқ ва тушунарли тилда ифодала. Агар фикрингдан шубҳалансанг, уни умуман ёзма.

7. Шамол тезлиги ўлчагичининг паррагидай шамол қаёқдан эсса, ўша томонга бурилма.

8. Ўзинг ҳали тўла тушуниб етмаган нарсани ўзгаларга тушунтиришга уринма.

9. Агар чўнтагингда юз сўм пулинг бўлмаса, ўзингни шунча пули бор одамдай тутма.

10. Агар туғилган овулингга яқин орада бормаган бўлсанг, у ердаги ўзгаришлардан хабарсиз қолган бўлсанг, ўзингни худди ҳозир туғилган овулингдан қайтиб келгандай кўрсатма.

Тўғри, менинг бу маслаҳатларим янги эмас. Улар карра-карра жадвалдай ҳаммага таниш. Лекин ҳамма танкидчилар шу таниш маслаҳатларга самимият билан ёндошиб, сидкидилдан амал қилишганда борми, уларнинг ютуқлари ҳозиргидан-да кўпроқ бўларди.

КИТОБХОН. Мухаррир, ношир, таржимон ва танкидчи ҳақида фикрлашиб олдик. Аслида, ҳар қандай китоб аввало китобхон учун ёзилади. Шундай экан энг асосий одам – китобхон тўғрисида фикр юритайлик.

Азиз китобхон! Албатта, сенинг яхши кўриб ўқийдиган китобларинг бор. Бундай китоблар ёзувчиларда ҳам бўлади. Дейдилар, ёзувчининг энг асосий китоби ҳали ёзилмаган, лекин у албатта шу китобни ёзади. Бошқа ёзувчиларни билмадим, аммо бу гап айнан мен учун айтилганга ўхшайди.

Тўғри, мен узок йиллардан буён туғилган юртим тўғрисида китоб ёзишни орзу қилардим. Узок йиллардан буён бу фикрлар хаёлимдан кетмаса ҳам уларни сира қоғозга тушира олмадим. Балки истеъдодим етишмади, балки кундалик ташвишлар халакит берди, балки сабр-бардошим чидамади, балки катъий киришмадим.

Йиллар ўтган сайин ўзингга нисбатан талабчанлигинг ва китобхон олдидаги масъулят ҳиссинг ошиб бораверар экан, тўғри келган сабаб учун қўлингга қалам олишга журъат қилавермайсан. Ахир, туғилган юртинг ҳақида китоб ёзиш энг асосийси ва энг масъулиятлиси ҳисобланади.

Мен бу китобни ҳали ёзмадим, аммо у ҳақда чуқур ўйладим, энди-энди бу китоб қандай бўлиши кераклигини кўз олдимга келтираяпман. Умримнинг энг асосий китоби тўғрисидаги ўйларимни қоғозга туширдим, холос.

Бу бўрк эмас, лекин бўркнинг керакли хом-ашёси. Бу гилам эмас, лекин гилам учун керакли иплар. Бу ҳали кўшик эмас, юрак уриши холос. Ва лекин шу юрак уришидан албатта кўшик туғилади.

ДЕЙДИЛАР: Сен намоз ўқий олмадинг, лекин намоз ўқиш керак эди деб ўйладинг, шу ҳолис ниятинг учун ҳам дўзахга тушмайсан.

ДЕЙДИЛАР: Мезбон дастурхонга топганини кўйса бас, меҳмон шундан хурсанд бўлади. Агар мезбонда фақат бўза бўлса, унинг уйида ва яқин орада денгиз ортидан келтирилган тансиқ вино бўлмаса, меҳмон уни шундай вино билан зиёфат қилмагани учун мезбондан ранжимайди.

ДЕЙДИЛАР: Яхши иш қилмаган бўлсанг ҳам яхшилик қилиш ниятинг бўлгани учун сенга ташаккур!

Азиз китобхон, ҳар бир китоб аввало сен учун ёзилади. Мен ноширга тушунтиришим, муҳаррир ва танкидчи билан тортишишим мумкин. Лекин сенинг фикринг доим ҳақ. Судьялар айтгандай, қарор катъий шикоятга ўрин йўқ.

Ёзувчи сен билан юзлашиш учун яшайди ва ёзади. Умрим давомида учта хаяжонли лаҳзани бошдан кечиришга тайёр турган ҳолда яшаб келаяпман. Аввало, сен билан учрашишдан олдин хаяжонланаман, бу учрашувни орзикиб кутаман,

унинг қандай кечиши тўғрисида тахминлар киламан. Кейин сен билан учрашган вақтда ҳаяжонланаман, бу ўз-ўзидан тушунарли табиий ҳол. Ниҳоят, учрашувдан кейин ҳаяжонланаман, учрашув хотирасини хаёлимда тиклаб, сенда қандай таассурот колдирдим деб ўйлайман.

Шунда китобхонларнинг юз киффалари кўз олдимга кела бошлайди. Мана биттаси пешанасини тириштирди. Бу ажинларни майин силаб қўйиш учун қандай сўз айтсам экан? Яна биттасининг юзи бўзарди, худди оғзига чайнаб бўлмайдиган нарса тушиб колгандай. Учинчисининг юзида зерикшни кўрдим. Бу жуда кўркинчли ҳол, унинг чорасини ҳам топиб бўлмайди.

ТОҒЛИКЛАРДАН СЎРАШДИ: Нега сизлар тоғларнинг бориб бўлмайдиган жойларида уйларингизни қурасизлар? Уйларингга бориб бўлмаса, олиб борадиган сўкмоқларда жарликлар кўп, буниинг устига тошлар қулайди, қор кўчади. Тоғликлар жавоб беришди: «Яхши дўстлар хавф-хатарларни писанд қилмасдан, ёмон сўкмоқлардан ҳам ўтиб келишади, ёмон кишиларнинг эса бизга кераги йўқ».

Азиз китобхон, менинг ёшим қирк тўртта. Бундай ёшдаги одамга ҳар қандай масъулиятли ишни ишониб топшириш мумкин. Бундай ёшдаги ёзувчи ўзининг ҳар бир ёзган сўзига жавоб бериши керак.

Агар менинг китобимда ўзга китобларда тунаб колган фикрларни кўргудай бўлсанг, дарҳол хаёлингдан чиқариб ташла, худди тоғликлар биринчи никоҳ кечасидан кейин бокиралигини саклай олмаган келинларни уйдан чиқариб юборишгандай.

Агар менинг китобимда маъқул фикрни кўрсанг тагига қизиб қўй, борди-ю номаъқул фикрга кўзинг тушса тагига икки чизиқ торг.

Агар жиндай бўлса ҳам ёлғон борлигини пайқасанг, дарҳол китобимни улоқтир, у ҳеч нарсага арзимади.

Хайрлашиш олдидан яна битта ҳикоятни сўзлаб берайин.

БАДАВЛАТ ХОН, УНИНГ ЎҒЛИ ВА ДУМБА ЁҒИДА САРИМСОҚ ҚЎШИБ ТАЙЁРЛАНГАН ҚОВУРМА ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Қачонлардир аварлар юртида бадавлат хон яшаган экан. Хон ўғил кўриш ниятида уч марта уйланибди, лекин ҳеч бир хотини ўғилгина эмас, қиз фарзанд ҳам тухфа этмабди. Шунда хон тўртинчи марта уйланибди.

Ой-қуни етгандами ёки ундан кўпроқ вақтдами хоннинг хотини ўғил кўрибди. Дарҳол шодиёна бошланиб кетибди: карнай-сурнай, чилдирмалар чалинибди, қуйлашибди, рақсаги тушишибди, уч кечаю уч кундуз базми жамшид қуришибди.

Бадавлат хоннинг ҳашаматли саройидаги қувонч узоқ давом этмабди. Хоннинг ўғли касал бўлиб қолибди, ҳеч ким унинг қандай касаллик билан оғриганини аниқлай олмабди. Қандай алла айтишмасин, бола ҳеч ухлამасмиш. Қандай ноз-неъмат беришмасин, бола емасмиш. Ҳамма боланинги вақти-соати етаётганини кўриб, билиб турарди. Денгиз ортидан келган табиблар ҳам, ҳинд туморлари ҳам,

Тибет дориворлари ҳам ягона меросхўрни даволашга ёрдам бера олмабди. Хон эса бу йўқотишни кўтара олмаслигини биларди.

Шундай кунда хон саройига яқин овулдан бир фақир табиб келди, уни ҳеч ким одам каторига ҳам қўшмасди. У меросхўрнинг ҳаётини сақлаб қолишини айтди. Мулозимлар фақир кишини ҳайдаб солишмоқчи бўлишди, хон уларни тўхтатди. «Барибир ўғлимнинг вақти-соати етди, – деб ўйлади хон. – Нега энди бу охириги имкониятдан фойдаланмаслигим керак?»

– Ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолишимиз учун биз нима қилишимиз керак?

– Касалликни аниқлашим учун мен хотинингиз билан холи жойда гаплашиб олишим керак бўлади.

– Нима? Холи жойда? Хотиним билан? Сен ақлдан озиб қолибсан. Қани туёғингни шикиллат.

Фақир бурилиб кета бошлабди. Хон яна ўйга толибди: «Барибир ўғлимнинг вақти-соати етади. Агар у менинг хотиним билан холи жойда юзма-юз гаплашиб олса нима бўпти?»

– Эй фақир, орқангга қайт, ўйлаб кўрдим. Сенга хотиним билан холи жойда гаплашишига рухсат беришади.

Фақир ва хоннинг хотинини холи қолдиришибди. У хотиндан сўради:

– Сен ўғлинг тирик қолишини, соғлом улғайишини истайсанми?

Хоннинг хотини жавоб бериш ўрнига фақир қаршисида тиз чўкиб, бошини эгди.

– Унда айт, боланинг хақиқий отаси ким?

Хотиннинг кўзлари олазарак бўлиб, ён-атрофга қаради.

– Уялма, ўртамизда бўлган суҳбатни ўзим билан кабримга олиб кетаман. Агар айтмасанг ўғлинг омон қолмайди.

– Хон ўғил кўришни жуда ҳам истарди. Агар хонга ўғил туғиб бермасам бошка хотинларига ўхшаб мени ҳам ҳайдашини билардим. Мен токка чиқдим, тун бўйи навқирон чўпон йигит билан қолдим. Шундан кейин меросхўр туғилди.

– О, улуғ хон, – деди бўлиб ўтган суҳбатдан хулоса чиқарган фақир. – Мен ўғлингизнинг ҳаётини сақлаб қолиш йўлини айтаман. Шу дақиқадан бошлаб боланинг бешигини чўпонлар тоғда ёқадиган гулханга ўхшаш гулхан ёнига қўйдирасиз. Боланинг ўрнига қўй терисидан тайёрланган пўстак тўшаттирасиз, уни чўпонларнинг болалари ейдиган овқатлар билан овқатлантирасиз.

– Аммо... улар думба ёғида саримсоқ қўшиб тайёрланган коворма ейишади. Қандай қилиб менинг меросхўрим... хали ёши тўлмаган гўдак...

Фақир бурилди ва йўлига кетди. «Барибир ўғлимнинг вақти-соати етаяпти», деб ўйлади хон ва думба ёғида саримсоқ қўшиб коворма тайёрлашни буюрди.

Хон хотинининг ўзи коворма тайёрлашга киришди. У ковормани навқирон чўпон йигит билан ўтказган унутилмас кечадан олдин қандай тайёрлаган бўлса шундай пишириб, ўғли олдига лаганда олиб келди.

Ковурманинг гўшт ва сабзавотлари алоҳида-алоҳида бўриб турарди. Улардан лаганга думба ёғи сизарди. Кўзачага тоғ булоғининг муздак сувидан тўлдириб, дастурхонга қўйилди.

Думба ёғи ва саримсок хиди меросхўр димоғига етиши билан кўзини очди, талпиниб жойидан кўзгалди ва тўсатдан лагандаги энг катта гўшт бўлагига икки қўллаб ёпишди. Шу ондан унинг томирига отасининг куч-қуввати қуюла бошлади. Бола ковурмани оч колган арслондай ёйишга киришди. У кун сайин эмас, соат сайин ўсди, тез орада дўмбиллаган болага айланди. Албатта, дардидан асар ҳам колмади.

Эхтимол, бундай воқеа ҳеч қаерда рўй бермагандир, лекин мен шунга аминман: агар адабиёт ота-боболаридан азалий мерос таомлар билан озикланмаса, у денгиз ортидан келтириладиган чиройли ўралган озик-овкатларга одатланса, ўз халқининг тилига, урф-одатларига риоя этмаса, бундай адабиёт ўзлигига хиёнат қилган бўлади, кун сайин заифлашади ва бутунлай сўлади. Энди унга ҳеч қандай дори-дармон ёрдам бера олмайди.

Энди тугатсам ҳам бўлар. Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида бошлагандим, ҳозир ташқарида изғирин куз. Тоғдаги овулда ёзишни бошлагандим, шаҳардаги уйда сўнгги нуктани қўйдим. Тонг палласи биринчи сатрини ёзгандим, ҳозир тун ярмидан ўтди, барча деразалардаги чирок ўчиб бўлди.

Мен узок сафардан қайтиб келдим. Овулга етганча қанча шошдим. Энди отдан тушиб, тор эгри-бугри кўчалар бўйлаб отни етаклаганча секин қадам ташляпман. Мана энди отнинг эгар-жабдуғини ечиб, бўйнига уриб қўйиб, кенг далага қўйиб юборсам ҳам бўлади.

Ҳорғин келиб, гулхан атрофига ўтираман. Сигаретани тутатиб, ўйга толаман. Дейдилар, ҳатто кодир Оллоҳ ҳам ибратли воқеани ҳикоя қилишдан олдин ёки расулларига ваҳий йўллашдан аввал бирозгина тин олган ва ўйга чўмган.

Келинг, биз ҳам ўйлайлик. Ҳар бир йўл ҳам мурод-мақсадга етказмайди. Ҳар бир ёзилган китоб ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Тонгда туриб янги китобимни бошлайман ва яна йўлга тушаман.

Ҳозир эса йўл юриб роса чарчаганман, пўстинга ўраниб ухлаш учун ётаман. Тунингиз хайрли бўлсин, яхши одамлар! Китобимни эзгу ният билан бошлаган эдим, эзгу ният билан тугатдим. Тамом-вассалом. Омин.

ИККИНЧИ КИТОБ



ИККИНЧИ КИТОБ

«Кичик халқларга катта ханжарлар керак», –
деганди Шомил 1841 йилда.

«Кичик халқларга катта дўстлар керак», –
деганди Абутолиб 1941 йилда.

– Кичкина калит билан катта сандиқларни очиш мумкин, – дер эди баъзан отам. Онам эса менга ҳар хил эртақлар айтиб берарди: «Денгиз катта. Жуда ҳам катта. У қандай пайдо бўлган? Кичкина қушча кичкина тумшукчаси билан ерни чўкилади – булоқ кўз очди. Шу булоқ сувидан катта денгиз пайдо бўлди».

Яна онам менга тайинларди: «Ўйинга берилиб, чопавериб терлаб-пишиб кетган вақтингда бирозгина дам ол. Ҳеч бўлмаса осмонга отган бўркинг қайтиб тушгунча нафасингни ростла».

Одамлар яхши билишади, битта даланинг шудгорини тугатгач, у жой кичкина бўлса ҳам иккинчи далага ўтишдан олдин марзага ўтириб дам олишади.

Икки китоб оралиғи – унақа-бунақа марза эмас. Мен ана шу марзада ўйга чўмганча ўтирибман. Ёнимдан ўтаётган одамлар менга қараб секин пичирлаб қўйишади: роса чарчаганга ўхшайди, мудрашини қара.

Мен дам олаётган марза икки овул ўртасидаги водийга ёки икки водий ўртасидаги овулга ўхшайди.

Марзада мен яқин атрофда какликлар галасининг донлашини кузатаётган қари тулкидай ётибман. Битта қўзим ярим юмилган, битта қўзим ярим очик. Чап қўлим чап қулоғимга қўйилган, ўнг қўлим ўнг қулоғим устида. Баъзан ўнг қўлимни қарнай қилиб, ўтган-кетганларнинг гапларини тинглайман. Менинг биринчи китобим одамларга етиб бордимикин? Уни ўқиб чиқишдими? У ҳақда нималар дейишяпти? Ёқдимикин?

Баланд тепадан ҳар хил хабарларни бакириб айтаётган овул жарчиси одамлар биринчи айтган хабарини эшитганига амин бўлмагунча иккинчисини айтмайди.

Агар тоғлик кўчада кетаётганда қайсидир уйдан меҳмон ранжиган ёки хафа ҳолда чиққанини кўрса, у шу уйга қадам босишни ўйлаб кўради.

Икки китоб ўртасидаги марзада ётар эканман, биринчи китобимни одамлар ҳар хил қабул қилгани тўғрисидаги гапларни эшитдим.

Нима ҳам дер эдим? Кимдир олмани ёктиради, кимдир ёнғокни. Олмани ейшдан олдин пўсти арчилади, ёнғокни эса чакиш керак. Қовун-тарвузни ейшдан олдин уруғини тозалаш лозим. Худди шундай ҳар бир китобнинг ўзига хос тайёргарлик даври бўлади. Ёнғокни чакиш учун пичоқ ишлатманг, бунинг учун болға бор. Эслатиш фойдадан холи эмас, олманинг пўсти болға билан арчилмайди, оғринмасдан пичокни олинг.

Ҳар бир одам китобни ўқир экан, ўз камчиликларини кўра бошлайди. Дейдилар, ҳатто мулланинг кизиди ҳам бирон айб бор. Демак, менинг китобим ҳақида гапирмасдан ҳам бўлади.

Хуллас, дам олиш вақти тугади. Энди иккинчи китобни ёзишни бошлашим керак. Ёзмокчи бўлаётган китобимни қанча одам ўқийди, буни ҳозирча билмайман. Бу масалада китобнинг адади қанча бўлиши ҳеч нарсани англамайди. Шундай китоблар бор, юз минглаб нусхада чоп этилган, ҳеч ким ўқимайди, фақат магазин-кутубхона жавонларига ортикча юк бўлиб туради. Баъзан ягона китоб қўлдан қўлга ўтиб, кўпчилик томонидан севиб ўқилади. Мен унисини ҳам, бунисини ҳам хоҳламайман. Агар менинг китобимни битта одам ўқиса ҳам шунга хурсанд бўламан. Шу одамга тоғлар орасидаги ўзимнинг кичкина Ватаним ҳақида сўзлаб берганимдан бахтиёрман. Ватаним қаерда жойлашган, халқи қайси тилда, нима ҳақда гапиради, қандай кўшиқларни куйлайди?

Мен ҳаммаси тўғрисида сўзлаб бера олмайман. Кексалар бизга шундай деб айтишган: «Ҳаммаси ҳақида ҳамма гапира олади. Сен ўзингнинг гапингни гапир, шунда тўқисликка эришасан. Ахир, ҳар ким ўз уйини куради ва овул ташкил топади. Ҳар ким ўз даласини шудгор қилади, шу тариқа барча дала шудгор бўлади».

Мана эргарок турдим. Бугун менинг биринчи шудгор қиладиган куним. Янги даладаги биринчи шудгор! Шундай кунда одатга кўра стол устида етгита нарса бўлиши ва улар битта ҳарф билан бошланиши керак. Мен столим устида шундай етгита нарса борлигини кўраман. Улар қуйидагилар:

1. Кағъат – қоғоз (ёзилмаган).
2. Карандаш – қалам (тарашланган).
3. Карточка – меҳрибон онамнинг сурати.
4. Карта – мамлакатим харитаси.
5. Кофе – қаҳва.
6. Коньяк – қўлбола кизил вино.
7. «Қазбек» – папирос.

Энди бу китобни ёзмасам, уни қачон ёзаман?!

Ўчоқдаги ўт аланга олди. Устига қўйилган чойдишдаги сув қайнади.

Ташқарида томчилаган ёмғир тиниб, куёш чарақлаб чиқди. Дейдилар, бундай пайтда камалак товланишини кўриб тоғдаги жониворлар ҳам дорбозларга

ўхшаб раксга тушишади. Шундай кезде онам осмонга қараб айтарди: «Осмоннинг тешиклари қуёш нурлари игнасига ўтказилган ёмғир иплари билан тикиб бўлинди».

Бугун тоғларда баҳор, баҳорнинг биринчи кунни. Табиат ҳам менга ўхшаб биринчи шудгорини бошлайди.

– Доғистон баҳори! Айтгин, битта ҳарф билан бошланувчи қандай еттита совғанг бор?

– Менда шундай совғалар бор, – деб жавоб қайтаради баҳор, – уларни менга Доғистон тухфа этган. Мен уларни айтаман, сен бармоқларингни букиб санаб тур.

1. Ца – олов. Ҳаёт учун, муҳаббат ва нафрат учун муҳим шарт.

2. Цар – ном. Шон-шарафинг, мардлинг, инсон деб аталишинг учун бериладиган унвон.

3. Цам – туз. Ҳаёт қадри ва меъерини билиш учун.

4. Цва – юлдуз. Юксак мақсадларга умид ва ишонч билан интилиш учун.

5. Цум – бургут. Тимсол ва ибрат олиш учун.

6. Цумур – кўнғирок, бонг. Керак пайт ҳаммани бир жойга тўплаш учун.

7. Цалию – ғалвир. Янчилган ғалладаги буғдойни кипик ва сомондан ажратиб олиш учун.

Доғистон! Бу етти нарса – теран томирли дарахтнинг етти новдаси. Уларни саховат кўрсатиб барча фарзандларингга улаш ва менга ҳам бер. Мен ҳам олов ва туз, юлдуз ва бургут, кўнғирок ва ғалвир бўлишни истайман. Мен ҳам ўз номим билан шарафланай.

Тепамга қарайман, осмонни кўраман. Унда қуёш ва ёмғир, олов ва сув ёнма-ён. Онам ҳар доим такрорлаб турарди: «Жуда қадим замонда Доғистон ҳам олов ва сувдан яралган».

ОТА ВА ОНА. ОЛОВ ВА СУВ

– *Олов билан ўйнашма,* –

дер эди отам.

– *Сувга тош ташлама,* –

дер эди онам.

Ҳар бир одам ўз онасини турлича эсга олади. Мен эса онамни тонгда ҳам, кундуз ҳам, кечкурун ҳам эслайман.

Эрталаб онам кўзани сувга тўлдириб булоқдан қайтарди. У кўзадаги сувни худди бебаҳо нарсани кўтаргандай авайлаб, тўкмай олиб келарди. Тош зиналардан кўтарилиб, кўзани эҳтиётлик билан ерга қўярди. Кейин ўчоққа олов ёқарди. У

оловга ҳам бебаҳо нарсага карагандай қарарди. Оловга хавотир билан эмас, ҳайрат билан тикилиб турарди. Олов аланга олгунча бориб беланчакни тебратарди. У беланчакка ҳам бебаҳо нарсани ушлаётгандек эҳтиётлик билан қўл тегизарди. Тушда онам бўш кўзани олиб булоқка борарди. Қайтиб келиб ўчоқка олов ёкарди, кейин беланчакни тебратиб кўярди. Кечқурун онам бўш кўзани олиб булоқка борарди, қайтиб келиб беланчакни тебратарди, ўчоққа ўтин қаларди.

Онам бу ишларни ҳар куни қиларди: баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам, қишда ҳам. У бу ишларга жуда муҳим, энг зарур вазифани бажараётгандай масъулият билан ёндошарди. Сувга борарди, оловни ёкарди, беланчакни тебратарди. Беланчакни тебратарди, сувга борарди, оловни ёкарди. Оловни ёкарди, беланчакни тебратарди, сувга борарди. Мен онамни шундай эслайман. У сувга кетар экан менга тайинларди: «Оловга қараб тур». Оловга ўтин қалар экан менга дашном берарди: «Эҳтиёт бўл, сувни тўқасан». Баъзан мени эркалаб дер эди: «Доғистоннинг отаси – олов, онаси – сув».

Чиндан ҳам бизнинг тоғларимиз узоқдан ёнаётган оловга ўхшайди. Демак, олов ҳақида гаплашиб олайлик.

*Агар тошни тошга урсанг – чақнайди учқун,
Харсангни харсангга сурсанг – чақнайди учқун.
Агар сўзни сўзга қўйсанг – чақнайди учқун,
Кафтни кафтга уриб жўйсанг – чақнайди учқун.
Соз ториға тегса бармоқ – чақнайди учқун,
Найчи-ҳофиз кўзига боқ – чақнайди учқун.*

Ҳатто, тоғликларнинг кўзичок терисидан тикилган бўрқидан ҳам учқун сачрайди, айниқса, бўрқни силасанг.

Агар тоғлик шундай бўрқни кийиб томига чиқса, яқин тоғлардаги қорлар эрий бошлайди.

Қор парчаларида ҳам учқун яширин. Тонгда қояда турган тоғ такасининг шохларида учқун чақнайди. Қун ботишда тоғларнинг теласи қизғиш оловда ёнади.

Тоғлик халқнинг мақолида ҳам, тоғлик қизнинг кўз ёшида ҳам учқун бор. Отилан милтик, қиндан чиқарилган ханжарнинг учида учқун чақнайди. Аммо энг ёқимли, энг иссиқ олов она юрагида, уйдаги ўчоқда бўлади.

Агар тоғлик турмушидан мамнунлигини билдирмоқчи ёки мактанмоқчи бўлса шундай дейди: «Ҳали мен шу чокқача чўғ сўраб бировнинг уйига борган эмасман».

Агар тоғлик ёқимсиз, ёмон одам ҳақида гапирмоқчи бўлса шундай дейди: «Уйининг мўрисидан сичқоннинг думидай тутун чиқади».

Икки тоғлик аёл жанжаллашиб қолса, бири шундай қарғайди: «Уйингдаги ўчоқда олов ёнмасин». Иккинчиси дарҳол жавоб қайтаради: «Ўзингнинг ўчоғингдаги ёниб турган олов ўчиб қолсин».

Тоғлиқлар ботирни шундай таърифлашади: «У одам эмас, олов!»

Бир куни отам ёш каламқашнинг зерикарли машқларини тинглаб, унга шундай деди: «Сенинг машқларингда ҳамма нарса бордай. Масалан, уйинг бор, ўчоғинг бор, қозонинг бор, ҳатто қозонингда гўштинг бор. Лекин олов йўқ. Уйинг совуқ, қозонинг қайнамаган, гўштинг пишмаган. Олов йўқ жойда ҳаёт ҳам бўлмайди. Демак, шеърларингга олов керак».

Бир куни Шомилдан сўрашди: «Имом ҳазратлари тушунтириб берсангиз, қандай қилиб овлоқдаги кичкинагина Доғистон асрлар давомида қучли давлатларга қаршилиқ кўрсатди, ҳужумларини бартараф этди? Ўзингиз қандай қилиб чорак аср қудратли оқ подшога қарши курашдингиз?»

Шомил жавоб қайтарди: «Агар Доғистоннинг кўксида муҳаббат ва нафрат олови ёнмаганда эди, бундай курашларга бардош бера олмасди. Бу олов мўъжизалар яратди, қаҳрамонлиқлар кўрсатди. Бу олов Доғистоннинг қалби, Доғистоннинг ўзидир».

– Мен ўзим ким эдим? – давом этди Шомил. – Узок Гимра овулидаги бир боғбоннинг ўғли. Бошқа одамлардан бўйим баланд, елкам кенг эмас. Болалигимда нимжон ва озғин эдим. Катталар мени кўрганда бошини чайқаб, бу бола ҳам катта бўлармикин деб қўйишарди. Аввалига исмим Али бўлганди. Кейин касал бўлиб қолганимда келган бало эски исми билан кетсин деб, мени Шомил дея чақира бошлашди. Мен катта шахарларни кўрмаганман, у жойларда ўқимаганман. Қандайдир қобилятим борлигини сезмаганман, катта бойлигим ҳам йўқ. Ўзимизнинг овулдаги мадрасада ўқидим. Ота-онам эшакка шафтоли юклаб, Темир-Хон-Шурадаги бозорга сотиб келиш учун жўнатарди. Шу эшакда тоғдаги тошли сўкмоқда жуда кўп юрдим. Бир куни шундай воқеа бўлди. Уни қанча вақт ўтса ҳам сира унута олмайман, унутишни ҳам истамайман. Чунки ўша куни қалбимдаги олов аланга олди. Ўша куни мен Шомилга айландим.

Темир-Хон-Шура овулига қираверишда йўлимни бир тўла шумтақалар тўсишди, улар мени қалака қилишмоқчи бўлишди. Биттаси бошимдан бўрқимни олиб қочди. Мен уни қувлашга тушганимда, қолганлари эшакка ортилган меваларни сочиб ташлашди. Биргалашиб ночор аҳволимдан кула бошлашди. Мазах гаплари оғир ботиб, томиримда қон қайнаб кетди, бутун вужудим олов бўлиб ёнди. Бирдан ханжаримни кинидан суғуриб олиб, бўрқимни олиб қочган болани овулга қираверишда қулаб етдим. Уни ерга ётқизиб, бўғзига ханжарни тирадим. Кўрқиб кетган бола, ялиниб кечирим сўради.

У болани ётган жойида қолдириб, орқамга қайтдим. Меваларимни сочган болалар ҳар томонга қоча бошлади. Шунда мен яқин уйнинг томига чиқиб ҳайқирдим: «Эй, эшитяписизларми?! Агар ханжаримдаги олов қорнингизни қуйдиришини истамасангиз, юқимни аввалгидай қилиб қўйинглар». Шумтақалар ортларига қайтиб, айтганларимни қилишди.

Ўша кун бозорда кексаларнинг айтган гаплари қулоғимга чалинди: «Бу бола хакида хали кўп гаплар эшитамиз».

Мен бўркимни кошимгача бостириб кийиб, эшагимга минганча йўлимда давом этдим. Ўша кун мен уриш-жанжал бўлишини хоҳлаганмидим? Йўқ, уларнинг ўзи сабр косамни тўлдирди, юрагимдаги олов отилиб чиқишига сабабчи бўлишди.

Кейин йиллар ўтди. Бир куни эрталаб боғда ишлаётгандим. Енгимни шимариб, эски бўркимда бўз тупроқни келтириб, ҳар бир дарахт тагига оз-оздан солаётгандим. Танимда бир қанча жароҳатлар бўлиб, уларни ҳар хил уруш-жанжалларда ортиргандим. Шу вақт узоқ овулдан тоғликлар келишиб, яроғ тақшимни, отимни эгарлашимни айтишди. Мен қуролланишни истамадим, чунки уруш-жанжаллардан кўра боғдорчиликни яхши кўрардим.

Шунда тоғлик элчилар танбех беришди:

«Шомил, ўзгаларнинг отлари булоқларимиздан сув ичаяпти, улар уйларимиздаги оловни ўчиришмоқчи. Ўзинг отингга миңасанми ёки ёрдамлашиб юборайми?!»

Худди болалигимда шумтакалар меваларимни сочиб, бўркимни олиб кочиб сабр косамни тўлдирган вақтдагидай юрагимда олов ёнди. Бу олов ўша вақтдагидан ҳам кучлироқ аланга олди! Мен боғимни ҳам, бошқа нарсаларимни ҳам унутдим. Мана йигирма беш йилдирки, бу олов ёмғирли, бўронли, қаҳратон совуқда ҳам кўксимда ёнади, тоғма-тоғ кезаман. Овуллар қулга айланди, ўрмонлар тутаяпти, жанг майдонларидан чиккан тутун бутун Кавказни қоплади. Олов дегани шундай бўлади!

Айтишларича, ўтмишда Доғистон чегарасига ёв қўшини яқинлашса тоғнинг кўринарли жойида қурилган минорада олов ёқишган. Буни кўрган атрофдаги овулдагилар ўз минорасидаги ўтинни аланга олдирган. Бу жангга даъват бўлиб, тоғликлар зудлик билан қурол-яроғ тақиб отларига минишган. Ҳар бир уйдан чиккан отликлар қўшилиб, овулдан жанговар гуруҳ бўлиб ҳимояга шошилишган. Оти йўқ кишилар ҳам оловни кўришлари билан Ватан ҳимоясига шайланишган. Овулда қолган кексалар, аёллар, болалар тоғда олов ёниб турганини кўришса, хали ёв Доғистон чегарасида эканини билишган. Хавф-хатар ортда қолгандан кейингина тоғдаги олов ўчирилган. Тарихдан маълумки, хавф-хатардан огоҳ берувчи бундай оловларни Доғистон тоғларида кўп бор ёқишига тўғри келган.

Тоғдаги олов жанговар буйруқ вазифасини ўтаган. Яъни, олов тоғликлар учун замонвий техника воситалари – телевидение, радио, телеграф ўрнини босган. Ҳозир ҳам тоғлар тепасида буйвол (буқа) терисидай тақир жойлар ўрнини кўриш мумкин.

Тоғликлар айтишади, ханжар учун энг хавфсиз ва ишончли жой – қин, олов учун ўчок, эркак учун ўз уйи. Агар ўчоқдаги хавф-хатарсиз олов тоғнинг тепасига ўрмаласа, шу вақтда ханжар қинидан чикмаса у ханжар эмас, эркак ўз уйида мудраб ётаверса, у эркак эмас.

Доғистонлик чўпонлар ўртасида вазифалар аниқ тақсимланган. Кимдир сурувни кечаси, бошқаси кундуз боқади. Учинчилари сурувни бўрилардан ҳимоя қила-

ди. Улар орасида шундай кишилар ҳам борки, на қўйларни бокади, на бўриларга қарши химоя чоралари қўради. У фақат ўтовда олов узлуксиз ёниб туришини таъминлайди. У – оловга жавобгар. Баъзан унга ўтёкар, оловкаш деб ҳазиллашишса ҳам, керак пайтда унга гулханий дея мурожаат қилишади. Албатта, бу касб эмас, барибир кимдир оловнинг ўчиб қолмаслигига масъул бўлиши керак. Кеч тушганда чўпонлар бу вазифани энг масъулиятли кишига юклашади.

Керакли ва кийин вазифа! Чунки овқат пишиши. ўтовнинг ёруғ ва иссиқ бўлиши, кийимлар қуриши, эркаклар гурунги қизиши оловга боғлиқ.

Чўпонлар овқатни кўпинча очик ҳавода пиширишади. Бундай вақтда оловни саклаш алоҳида эътибор ва заҳмат талаб қилади. Ёмғир қуйганда, қорбўрон турганда оловни саклаш учун қафт билан, бўрк ёки чакмон билан тўсишга тўғри келади.

Менимча ботирларни, шоирларни, қўшиқчиларни, эртақчиларни, созандаларни, раққосларни ва бошқа ўз касбининг усталарини ҳам олов сакловчилар дейиш мумкин. Чунки улар юракларида Ватанга садоқат, урф-одатларга ҳурмат, шەъриятга, умуман, гўзалликка муҳаббат алангасини саклашади ва бу туйғулари билан ўзгаларни баҳраманд этишади.

Мен ҳам юрагимда мана шундай ёркин олов ёниб турганини сезаман. Шу оловнинг сўниб қолмаслигини таъминлаш менинг бурчим. Уни янада аланга олдириш, бошқаларга кўпроқ ёруғлик ва иссиқлик беришини таъминлаш, мендан кейин келадиган авлодга мерос қолдиришим кераклигини яхши тушунаман. Токи кейинги авлод бу оловдан ўз машъалаларини ёқиб йўлларида давом этишсин.

Юрагингдаги оловни уйингни ёнгиндан, ўзингни одатий оловдан асрагандай саклашинг керак.

Овулдаги байрамларда қўшиқ айтилгандан кейин ҳазил, мусиқа чалингандан кейин рақс бошланади. Олов шаънига айтилган мактов сўзларидан кейин Доғистонда Қор одамни қандай излашгани тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.

Чиндан ҳам Доғистонга Каптарни, яъни Қор одамни излашга келган илмий ходимлар тўғрисида одамлар бири-бирдан кизик хангомалар тўқишган.

Аварлар олимларга дейишди: «Даргинлар олдига боринглар, сиз излаётган одам улар орасида яшаяпти».

Даргинлар ўз навбатида уларни лаклар олдига, лаклар лезгинларга, лезгинлар кўмикларга, кўмиклар текисликда яшайдиган нўғойларга, нўғойлар табасаранларга жўнатишди. Доғистон бўйлаб кезиб чарчаган олимлар Кикун овулида тўхташди. Гап шундаки, бу овулда бизнинг девқомат пахлавонимиз Осмон Абдурахмонов ҳам яшайди. «Ҳазиналар ороли» бадиий фильмини кўрганлар Осмонни кўз олдиларига келтиргандир. У шу фильмда бирданига учта одамни ушлаб кемадан денгизга улоқтиради.

Айнан Кикун овулига кираверишда олимларнинг машинаси сойга тикилиб қолди. Олимлар машинани биргалашиб орқасидан итариб кўришди, лекин сойдан чиқара олишмади.

Шу пайтда Осмон ўз уйининг томида ўтирарди. У машина атрофида ўралашиб, кўлларида ҳеч иш келмаётган одамларни кўриб турарди. Осмон паства тушиди, пахлавларга хос кадамлар ташлаб олимлар ёнига келди. Лойга ботиб қолган машинани ушлаб, худди суваракни кўтаргандай курук жойга қўйди. Олимлар ўзаро пичирлашиб, Қор одамнинг ўзи бизга ёрдамга келди дея гумонсирашди.

– Бекорга Қор одамни излаб юрибсизлар, – деди Осмон уларга. – Биз тоғликлар қордан эмас, оловдан яралганмиз. Агар менинг юрагимда олов бўлмаганида, қандай қилиб машинани лойдан чиқарар эдим?

Шундан кейин у хотиржам қоғозга тамаки солиб ўралма тайёрлади. Ўралмани лабига кистириб, учига олов тутди, чуқур ўзига тортиб чўғлангирди ва оғзидан булутдай паға-паға тутун чиқарди. Тутун аралаш момоқалдиқдай қаҳ-қаҳ отиб кулди. Тоғларда тош кўчкилари қулаганда, сойлардан сел келганда, замин зилзиладан тебранганда шундай товуш таралади.

Абутолиб бу воқеани эшитиб шундай деди: «Бекорчи ишлар билан шуғулланган одамларнинг машинаси лойга ботиб қолмаслиги мумкин эмас».

Мен Ҳиндистонда оловга бағишлаб ўтказиладиган байрамда қатнашганман. Қандай яхши, дунё халқларида шундай байрамлар бор! Ҳиндлар байрам чоғи менига шамдон совға қилишди ва уни тоғли Доғистонимга алангали салом сифатида олиб келдим. Ахир, биз хайрлашаётганда шундай сўзларни такрорлашга ўрганганмиз: «Алангали салом йўллайман», «Унга менинг номимдан алангали салом айтиб қўйинг». Ким билади, қачонлардир одамлар бир-бирларига сўзда эмас, чиндан ҳам машъала ёки чўғ жўнатишгандир. Тинчлик машъаласи! У ёнғин ва уруш олови эмас, балки у хамиша ўчоқдаги ёруғлик ва иссиқлик тимсолидир.

Бизда шундай одат бор: кишининг, баъзан баҳорнинг биринчи куни овуларда кечкурун баланд қоя устида гулхан ёкилади. Бу гулхан ёғдуси узок-узоклардан кўриниб туради. Оловни кўрган овулдошлар бир-бирларини киш ёки баҳор кириб келгани билан табриқлашади. Бир-бирларига алангали саломлар айтишади, алангали тилаклар билдиришади. Мен ҳам Цада кишлоғимизга бош эгиб турган қоялар устида бир неча бор шундай гулхан ёққанман.

Доғистонда ишга тушган биринчи завод бежиз «Доғистон гулхани» деб номланмаган. Эндиликда гулханлар ёғдусига бошқа ёриткичларнинг нурлари ҳам қўшилди. Кушлар ҳам электр токи ўтайдиган симёғочларга тортилган симларга дарахт новдаларига қўнгандай қўнишади. Кабулар ҳам тунда ёниб турадиган лампочкалар ёғдусидан чўчишмайди.

Бир гал Каспий денгизи юзасида нефть ёнганини кўрганман. Денгиз тўлкинлари ҳам бир ҳафта давомида оловни ўчира олмади. Аста-секин денгиз узра ёнғин сўна бошлади ва бу ҳолат ёниб чўкаётган кемани эслатди.

Денгиздаги ёнғин ҳам бир кун сўнади, лекин Доғистон кўксидagi олов ҳеч қачон ўчмайди. Ахир, одам юрагида ёнган оловни сув сепиб ўчириб бўлмайди. Ак-

синча, бу олов сувга ташна, сувдан аланга олади. Юрак оловидан кизиган, курукшаган, шўрлаган лаблар «сув, сув» дея шивирлайди.

Демак, дунёда сув ва олов хамиша ёнма-ён.

Онам тез-тез шу сўзларни меҳр билан такрорлаб турарди: «Ўчок – уйнинг юраги, булоқ – овул юраги».

Тоғлар олов, водий сув сўрайди. Доғистон тоғ ва водийлардан иборат. Демак, у хам олов, хам сув сўрайди.

Тоғликлар шундай гапни такрорлаб туришади: «Агар йўлга чиккан ёки сафардан уйига қайтаётган одам овул четидаги булоққа кўзгуга карагандай караса, унинг юрагида мухаббат, олов бор».

Доғистон эса хамиша Каспий денгизи аталмиш тиниқ кўзгуга қараб туради. У шу ҳолатда ҳозиргина сувдан қирғоққа чиккан навкирон йигитга ўхшайди.

Тоғлик булоққа эгилгандай Доғистон хам Каспий денгизига қараб, уст-бошини тўғрилайди, мўйловини бураб кўяди.

Тоғликларда шундай қарғишлар бор: «Кимнинг оти булоқ сувини булғаса, унинг оти ҳаром котсин», «Ким сувга тупурса, унинг атрофидаги булоқлар қуриб қолсин». Лекин тоғликлар шундай яхши тилакларни хам тез-тез такрорлаб туришади: «Бу овул одамларини Худо ёрлақасин, булоқ ва кабристони саришта экан».

Кўплаб булоқлар ва қазилган кудуқлар халқ қахрамонлари номи билан аталади: Али булоғи, Умар булоғи, Ҳожимурод кудуғи, Маҳмуд булоғи.

Қизлар тонгда ва шомда кўзада сув олиб келиш учун чиқишганда, йигитлар хам қайлик танлаш, ёқтирган кизини кўриш учун булоқ бошига келишади. Ҳа, булоқ бошида қанча мухаббат олови аланга олган. Қанча янги оила ришталари боғланган.

*Билгинг келса, қўшиқларим кимга бахшида,
Бирозгина тикилиб тур булоқ қошида.*

Бу мисраларни Ошиқ Маҳмуд шеърларидан олдим.

Бир куни тоққа чиқар эканман Гоцатли булоғи ёнида тўхтадим. Кўрдимки, йўловчи булоққа энгашиб сув симирадди ва бошини кўтариб шукрона айтди:

– Етказганингга шукур!

– Мана, кружкада ичинг, – деб унга мулозамат қилдим.

– Мен қўлқопда овқат емайман, – дея жавоб қайтарди йўловчи.

Отам ёмғир шитирлашини, дарё товушини тинглашни яхши кўрарди. Чиндан хам дарёга қараб, унинг товушини тинглаб сира тўймайсан.

Баҳорда қорлар эриб, жилғалар тўлиб оққанда онам сувга соатлаб қараб ўтирарди. У киш қунларида, баҳор ёмғири ёққанда тарновдан оқадиган сувни йиғиш учун кадиларни тўплаб кўярди.

Ёмғир ёкканда менинг энг севимли машгулотим яланг оёк халқобларни шапиллатиб босиш эди. Биз болалар ёмғир ёнаётганига қарамай ариқларни тўсиб, ховузларни сув билан тўлдиришга ҳаракат қилардик.

Ёмғирдан кейин тош чуқурларида тўпланиб қолган сувни ичиб, қанотларини ювиб таранаётган кушларни кўрганмисиз? Қандай маза?!

Шомил муридларига далда берарди: «Душман овулни, далани олди. Бирок булок бизнинг қўлимизда. Бардам бўлинг, биз ғалаба қиламиз».

Имом душман ҳужумга ўтганда, жангчиларига биринчи навбатда булоқларни химоя қилишни буюрарди. Ўзи душман устига юриш қилганда биринчи навбатда булоқларни эгалларди.

Илғари қасос ўтида ёнган киши ҳам ғанимининг сувда чўмилаётганини кўрса, унинг сувдан чиқишини, кийиниб қурол-яроғ тақишини кутиб турган.

Шу ўринда ёмғир билан, сув билан боғлиқ бир одатимиз эсимга тушди. Бу одат «Сув бола, сўра жала» деб номланади.

«Доғистон водийси, жазирама туш», – дея бежиз ёзилмаган. Чиндан ҳам жазирама тушда иссиқ буровига олади. Иссиқдан тунроқ ёрилади, тошлар печканинг темиридай қизийди. Дарахтларнинг сўлгин барглари осилади, экинзорлар хансирайди. Ўсимликлар, кушлар, хайвонот дунёси, албатта одамлар кўкка қараб ёмғир ёғишини кутади. Шундай кезде овулдаги бир боланинг гавдасини хиндуларга ўхшаб бўяб, ўсимлик япроқларига ўраб кўчага чиқаришади. Бу ўша «Сув бола, сўра жала» деган одатимиз. Бола ёлғиз ўзи ёки болалар ҳамроҳлигида кўча кезиб, ёмғир сўраш дуосини куйлайди.

*Худойим, Худойим, ёмғиринг ёғдир,
Замин ташналигин сен ўзинг қондир.
Ёмғирнинг сувлари тўлдирсин сойим,
Бизга ёмғир бергин, қодир Худойим.
Ёмғирдан ён-атроф бўлсин беғубор,
Яшнасин қир-адир, экинзор, гулзор.*

Овулнинг қатта кишилари ҳам ташқарига чиқишиб, кимдир кўзада, кимдир тоғорада «Сув бола»га сув сепишади. Кўшикка жўр бўлишиб, қўлларини дуога очишади: «Омин», «Омин».

Бир гал мен ҳам «Сув бола» бўлганман. Ўшанда устимга шунчалар кўп сув сепишдики, мисоли жалага дуч келдим.

Аммо осмон бизнинг гапимизга кўп ҳам кулоқ солмасди. Куёш қиздиргандан-қиздирарди. Мисоли Доғистон устида иссиқ дазмолни юргизади. Айниқса, тушда куёш ҳаммаёкни жизганак қилади, куйдиради. Агар Европа микёсида олиб қарасак, энг кўп куёш нури Гуниб овулига тушса керак. Бу масалада бизнинг Цада

овули ҳам ундан қолишмайди. Бошқа овулларимизда ҳам ҳарорат юкори бўлади. Шу боис овулларимизни «Сувга ташна овуллар» дейишади.

Онамнинг ҳорғин киёфаси ҳамон ёдимда. Овулдан уч километр узоқликдаги булоққа бориб, битта кўзани елкасига қўйиб, иккинчисини кўлида кўтариб аста-аста босиб сув олиб келарди.

Онамнинг севинчдан порлаган кўзлари ҳам ёдимда. Ёмғир ёғиб ён-атроф сувга чўмилганда, гарновлар тагига қўйилган кади ва ёғоч бочкалар сувга тўлганда жуда қувониб кетарди.

Овулимиздаги Ҳабибат момонинг букчайган киёфаси ҳам ёдимда. У ер-бу ерни қовлаб кўрарди. Момога булоқ топиш васвасаси тинчлик бермасди.

Ҳамма биларди, момонинг ҳаракатлари бефойда, лекин ҳеч ким индамасди. Бола эканман-да. Бир куни мен ўйлаб ўтирмай момога дедим:

– Ҳабибат момо, бекорга овора бўлаяпсиз, бу ердан сув чиқмайди.

Буни эшитган отам мендан каттик ранжиди.

– Чиндан ҳам у ердан сув чиқмайди-ку, – дедим отамга билимдонлик қилиб.

– Ўғлим, баъзан одамларнинг ейишга нони бўлмайди. Бунинг учун уларни масҳара қилиш керакми? Эсингда бўлсин, факирнинг ва сув излаётган кишининг устидан қулиш яхши эмас.

– Ўзингизнинг кўпроқ сув ўтсин деб, кўприкни кенгайтирмоқчи бўлган инкватулинликлар ҳақидаги ҳазил шеърингиз бор-ку?

– Бу аччиқ кўз ёши билан ёзилган шеър. Буни ёшлар ҳали тушунишмайди. Сен ҳам Доғистон учун сув ҳаёт эканлигини хали хис қилмагансан. Шунинг учун сув чиқмайдиган жойдан булоқ излаётган Ҳабибатнинг орзусини тушуна олмайсан. Яхшиси, жим қулоқ сол – ёмғир ёғаяпти.

Шу вақтда шивалаб ёмғир ёғарди.

– Қушлар, қушлар, нега сайрамаяпсиз?

– Ёмғир шивирини тинглаяпмиз.

– Шоирлар, сиз нега яйрамаяпсиз?

– Ёмғир шивирини тинглаяпмиз.

Тоғдан қувур орқали қишлоғимизга сув олиб келинган кунни отам ўз ҳаётидаги энг қувончли кун деб биларди. Отам шу қувончли кунни яқинлаштириш учун ўзи ҳам чўкич олиб қувур учун ариқ қазиганди. Мен ўша сув келган кунни яхши эслайман. Сувни азиз деб билган отам ҳатто ариққа гул сочишни ҳам таққиллаганди.

Овулдагилар юз ёшли онахонга ҳурмат-этибор кўрсатиб, уни биринчи бўлиб кўзасига сув тўлдириши учун қувур олдига етаклаб боришди. Онахон кўзасини сувга тўлдириб, биринчи бўлиб ичиб бериши учун отамга узатди.

Орден-медаллар билан тақдирланган отам кўзани олар экан, умрида бундай катта мукофот олганини таъқидлади. Ўша куни отам сувга бағишланган шеър

ёзди. У кушларга мурожаат қилиб, мактанманглар, энди биз тоғликлар ҳам тоза сув ичяпмиз деб гурурланди. У қанча тўйларда бўлгани билан шу вақтгача қувур сувининг жилдирашидан яхшироқ мусика эшитмаганини эсга олди. Энди дунёдаги мохир дорбоз ҳам, ўргатилган йўрга ҳам кўзада сув олиб келаётган тоғлик аёлдан чиройли юра олмаслигини башорат қилди. У сув келтирган чўкич ва кетмонни, қувурни, замонни шарафлади. У узок йиллар қора қозоним қайнасин деб олис булоқдан оғир кўзаларда сув келтиравериб тоғлик аёллар эрта букчайганини афсус билан хотирлади. Ҳа, овулимизга қувурда сув келган кун отам учун қутлуғ кун бўлганди.

Маҳачкалға да бир йили июль ойи жазирамасидан қийналганимиз ҳам эсимда. Отамнинг касали оғирлашиб борарди. Барча дориларни келтирганмиз, докторлар бошида парвона. У инграниб деди: «Ахволим оғир, гўё ўнлаб қисқич-омбулар танамни ҳар томонга тортишяпти».

Энди бефойда, кеч бўлди деб дориларни ҳам ичмасди. Ҳатто ёстиғини тўғрилаб қўйишимизга ҳам руҳсат бермасди, бунга хожат қолмади деб ҳисобларди. Ахволи тобора оғирлашиб бораётганини сезган отам мени ёнига чақириб деди:

– Дардимга битта даво бор... Шу нарсдан ахволим яхшиланади.

– Нима у?

– Буцаб дарасида кичкина булоқ бор... Унинг кўзини ўзим очганман... Шу булоқ сувидан бир қултум ичсайдим...

Эртаси қуниёк тоғлик аёл ўша булоқдан кўзада сув келтирди. Биз уни олиб келиб отамга бердик. Отам қониб сув ичди, кўзларини юмиб шукрона айтди:

– Борлигинга шукур, обихаётим!

Биз отамдан шукронани кимга ёки нимага бағишлаганини сўраб ўтирмадик: кўзада сув келтирган тоғлик аёлгами, булоқни бағрида асраётган дарагами ёки булоқни қўйнида яратган қутлуғ замингами?!

Онам менга тез-тез такорлаб турарди: «Ҳар бир одамнинг ўз муқаддас булоғи бўлиши керак». Яна онам қўшиб қўярди: «Бўғдой ўраётган аёл атрофида сув жилдираб турганини эшитса, ҳеч қачон чарчамайди».

Айтишларича, Шомил устози Қози Муҳаммад билан Гимрин дарасидаги қалғада қуршовда қолади. Шунда Шомил ёвга ташланиб, қилич ва ханжари билан ўзига йўл очди. У ўн тўққиз жойидан яраланса ҳам қуршовдан ёриб ўтиб, дарада ғойиб бўлди. Барча уни ўлдига чиқарди. Овулга қайтиб келганида, қора қийган онаси ҳам ажабланиб, ҳам хурсанд ҳолда сўради:

– Шомил, ўтилганим, қандай қилиб омон қолдинг?

– Тоғдаги булоққа бир амаллаб эмаклаб бордим, – дея жавоб қайтарди Шомил.

Кексайган Шомил Саудия Арабистони чўлида туядан йиқилиб вафот этганини эшитганда, тоғликлар бир-бирига афсусланиб дейишди:

– Агар унинг яқинида Доғистон булоғи бўлганда борми, имом омон қоларди.

Нух шахрида бўлганимда Ҳожимурод қабри устига қўйилган тошдаги ёзувни ўқидим: «Бу жойда Доғистон арслони дафн этилган». Мен бу арслоннинг бошини бошка жойда кўрганман.

– Қандай қилиб бош тандан жудо бўлди?

– Адашди, Доғистонга, булокка қайтиш йўлида адашди.

Бизнинг овулимиз тоғ этагида жойлашган. Олдида сайхон текислик, Хунзах кальаси ҳам кўришиб гуради. Хунзах девори тепасида ҳужум қилиш ва химояланиш учун шинак, туйнуклар қурилган. Мана шу туйнуклардан бўйсунмас ва эркесвар тоғликлар томон ўқлар узилган. Бу ўқлар овозидан ҳатто бизнинг Цада овулимиздаги кабутарлар безовта бўлиб ҳавога кўтарилган. «Кимнинг кўзи каттик ва овози баланд?» – деган саволга тоғликлар шундай жавоб берган: «Хунзах кальасининг».

Хунзах кальасининг кўзи каттиклигидан бизнинг давримизга хикоятлар етиб келди. Қалъа девори туйнук ва шинаклариди биз болалар киш пайтида қорбўрон ўйнаганмиз. Девор тепасида горн чалиб, ён-атрофдаги кабутарларни чўчитганмиз. Ҳа, мен Хунзахдаги мактабда етти йил ўқиганман.

Энди мен қаёққа йўл олмай, қаерда бўлмай, концертларда ажойиб симфония ёки кувнок ракс мусикаларини тингламай, ҳамон қулоғимга мактаб кўнғироғининг овози келади. Айниқса, дарс тугаганини билдирувчи ёқимли кўнғирок ҳеч қулоғимдан кетмайди. Бу кўнғирок овози ҳозир ҳам қулоғимга чалинади, фақат энди у йўлакка, синфдан, мактабдан ташқарига эмас, аксинча, мактабга, синфга қорлайди.

Синфимизда ўттизта ўқувчи эдик. Ойда бир марта навбатма-навбат бир ўқувчи ўқишдан озод қилинарди ва у бутун синф учун қалъа ташқарисидаги булоқдан сув келтирарди. Тартибни бузганлар навбатдан ташқари сув олиб келишга тайинланарди. Мен тартибни бузсам-бузмасам ойда икки марта навбатчилик қилардим. Чунки мендан навбатчиликни қабул қилиб олиши керак бўлган Абдуғафур Юсупов албатта касал бўлиб қоларди. Эсимда, менинг навбатчилигим ойнанинг 7–8-кунларига тўғри келарди.

Булоқ қалъа ташқарисининг қуйи қисмида бўлиб, бориш осон эди: биринчидан челақлар бўш, иккинчидан эниш сўкмок. Ўз-ўзидан равшанки, қайтиш йўли оғирлашарди. Бунинг устига мактаб муюлишида алюмин кружкалар билан қуролланган ўқувчилар қуршовга оларди. Чанқаган болалар бирданига челаққа ёпишарди, тўкиб-сочиб кружкаларида сув ичишарди. Улар қуршовидан ўтиб, мактабгача сувни олиб бориш осон эмасди.

Бу булоқ ҳақида кўплаб хикоятлар тўкилган, улардан бирини менга отам сўзлаб берганди.

Қалъанинг ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган минорасига неча бор ё қизил, ё яшил байроқ тикилган. Фуқаролар уруши даврида қалъа қўлдан-қўлга ўтарди: гоҳ оқлар эгалларди, гоҳ қизиллар уларни ҳайдаб чиқарарди. Муслим Атоев бошлик

химоячилар қалъани олти ой давомида Гоцинскийнинг босқинчиларидан химоя қилишди. Лекин ҳар куни бир вақтда икки соат ўқлар овози тинарди. Бу вақтда аёллар қалъадан чиқиб, булоқдан сув олиб қайтишарди. Бир куни полковник Алихонов полковник Жабборовга деди:

– Аёлларни булоққа ўтказмаймиз. Шунда Атоев бошлиқ химоячилар ташналиқдан таслим бўлишади.

Полковник Жабборов жавоб берди:

– Агар сувга чиққан аёлларни ўққа тутсак, биздан бутун Доғистон юз ўгиради.

Шунинг учун аёллар то сув олиб қайтмагунча қалъа атрофида тинчлик сақланарди.

Касал ётган онамга менга Давлат мукофоти берилганини айтишганда, шундай деган экан: «Яхши хушхабар. Аммо ўғлингиз етимларга, фақирларга ёрдам берди деб айтишса бундан кўпроқ хурсанд бўлардим. Ўғлимга айтинглар, мукофот пулини қайсидир овулга сув олиб келиш учун берсин. Уни дуо қилишади. Отаси ҳам мукофотланганда барча пулини янги булоқ излаш ишига сарфлаганди. Қарда булоқ топилса, у ерда сўқмоқ очилади. Янги сўқмоқдан янги йўл бошланади. Йўл ҳаммага керак. Одам йўлсиз уйини тополмайди. Жарликка қулайди...»

Отам мен Доғистонда биринчи канал қазилган йили туғилганимни тез-тез такрорлаб турарди. Бу канал Сулак ва Маҳачқалъа ўртасида қазилган. Канал қурувчилари фанерга катта харфларда ёзилган «Сув – ҳаёт манбаи!» деган шиорни олдиларида кадамма-кадам суриб меҳнат қилишган экан.

Сув! Қандайдир қудратли кўл қояларни эзди ва унинг ичидан сув сизиб чиқади. Кейин улар кўшилиб тошдан тошга, қоядан қояга урилиб пастга оқади. Сикик жойлардан яраланган ҳайвондай пишқириб ўтади. Ям-яшил далаларга чиққанда ёйилиб кетади.

Менинг Доғистонимда тўртта кумуш камар – тўртта Қайсу бор. Сулак ва Самур сойлари худди опа-сингиллардай кучоклашиб кўришишади. Кейин улар Доғистон дарёларига айланиб, Каспий денгизида учрашишади.

Олов ва сув – халқ тақдири, олов ва сув – Доғистоннинг ота-онаси, олов ва сув – хуржунимиздаги бор хазинамиз.

Доғистонда кексайган ва ёлғиз қолган кишиларнинг хонадонларига мактаб ўқувчилари келишиб, уй юмушлари ва хўжалик ишларига қарашишади. Болалар биринчи навбатда ўчоқларига ёқиш учун ўтин ёриб беришади ва кўзаларини тўлдириб сув келтиришади. Ўчоғида олов сўнган уйни қарғалар ҳам билишади, хонадонга яқин қояга кўниб қағиллай бошлашади.

Олов ва сув – икки қудратли куч, икки тимсол. Улар битимга келганда Доғистон яралган.

Доғистон эртақларининг ярми ботир йигит ҳақида, у аждарни ўлдириб, овул хонадонлари иссик ва ёруғ бўлиши учун олов келтиради.

Эртақларнинг иккинчи ярми зийрак киз хақида, у зехнини ишлатиб, аждарни ухлатиб кўйган ва овулдаги одамлар ташналигини кондириши, далаларини яшна- гиши учун сув келтирган.

Ботир йигит ва зийрак киз томонидан мангу уйкуга ётқизилган аждарлар тош- ларга, қояларга айланган.

Доғ – тоғ, стан – юрт дегани. Демак, Доғистон – тоғлар юрти, тоғлар мамлака- ти, тоғлардай мағрур юрт!

*Хатни ўқигандай бола хижжасаб,
Дилда такрорлайман соғинган замон:
До-ғис-тон, До-ғис-тон!
Бунча Доғистон деб соғинмоқда қалб,
Нени ўйлаясан? Дилда Доғистон!
Қаёққа? Учман Доғистон томон!*

Кам сонли халқимиз уйда олов ва сув бўлиши учун қанча аждарларни энгиши- га тўғри келди. Эндиликда дарё ёруғлик бераёпти, сув оловга айланаяпти. Доғис- тоннинг икки тимсоли бир-бирига сингиб кетаяпти.

Ўчок ва булок – тоғликлар учун энг муқаддас сўзлар. Ғайратли кишиларни таъ- рифлаганда дейишади: «У одам эмас – олов!» Дангаса, бировга фойдаси тегмайди- ган кимсалар ҳақида дейишади: «У – ўчоқдаги кул». Ёмон кишиларга нафратини шундай билдиради: «Бу ярамас ўзи сув ичган булокка тупуради».

Биз вино тўлдирилган қалаҳни қўлга олганда шундай тилак айтамыз:

*Шараф бўлсин, қимқи топоса агар
Олов ва булоққа мос ҳамду сано.
Юз қарра шарафга лойиқ муқаррар,
Қимқи олов ёқса, булоқ топса ё.*

Кекса тоғлик ёш тоғлик йигитдан сўради:

– Умринг давомида олов кўрдингми, ундан қандай ўтдинг?

– Мен оловга сув бўлиб ташландим.

– Муздай сув нималигини биласанми, ундан ҳеч кечиб ўтганмисан?

– Бундай сувдан олов бўлиб кечдим.

– Балли, унда сен улғайибсан. Ҳақиқий тоғлик бўлибсан. Отингни эгарла, сени тоғларга олиб кетаман.

Тоғликлар бахслашган чок бири иккинчисига дейди:

– Менинг уйим мўрисида чикаётган тутун сеникидан ингичками? Ё бировнинг уйига сув сўраб чиқдимми? Агар шундай деб ўйласанг, юр, қоянинг орқасида якка- ма-якка гаплашиб оламиз.

Эшикларда шундай ёзувларни кўрганман: «Ўчоғимизда олов бор, меҳмонимиз бўлинг». Доғистонга кираверишда дарвоза йўқ, бўлса унга шундай сўзларни ёзиб кўярдик: «Ўчоғимизда олов бор, меҳмонимиз бўлинг!»

Дархақиқат, ўчоғимизда олов бор. Мен курук манзират қилмаяпман. Уйимиздаги ўчоқда олов ва кўзамизда сув бор, меҳмонга келинг!

УЙ

Аварча «ригъ» сўзи иккита маънони англатади: ёш ва уй. Менинг назаримда ёш ва уй бежиз битта сўзда ифодаланмаган. Чунки ёшинг улғайдими, ўз уйинг бўлиши керак. Агар бу аварча сўзни такрорласанг, ажойиб мақол пайдо бўлади: «ригъ – ригъ», яъни «ёш – уй».

Доғистон ҳам улуг ёшда, шу боис унинг шу осмон остида ўз ўрни бор.

Болалигимда онамдан тез-тез сўрардим:

– Доғистон қаерда?

– Сенинг бешигингда! – дея жавоб берарди окила онам.

– Сен Доғистонни қандай тасаввур қиласан? – дея сўрашди андиликдан.

Бу саволдан довдираб қолган андилик атрофга каради.

Мана бу тоғлар – Доғистон, мана бу ўт-ўлан – Доғистон, чўққилар тепасидаги қор – Доғистон, ҳатто, тепамиздан учиб ўтаётган булут – Доғистон, бошимиз узра чарақлаб турган қуёш ҳам Доғистон!

– Мен учун ҳамма жой – Доғистон! – дея жавоб берди андилик.

Ҳозир Доғистон – республика. Балки майдон жихатидан кичикдир, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, алоҳида республика. Энди уни мамлакатимизда бошқа жойлар билан алмаштириб юбормайди. Баъзан хорижда шундай суҳбатлар бўлиб туради.

– Қаердан келдим деяпсиз?

– Доғистондан.

– Доғистон... Доғистон... У қаерда?

– Кавказда.

– Шарқдами ё Ғарбда?

– Каспий денгизи бўйида.

– Бокуми?

– Йўқ, Боку эмас. Сал шимолроқда.

– Қаерларга қўшни?

– Россия, Грузия, Озарбойжон.

– Бу жойда черкеслар яшамайдами? Биз черкеслар яшайди, деб ўйлар эканмиз.

– Черкеслар Черкесияда, догистонликлар Догистонда яшашади. Толстой. Ҳожимурод... Ўзи Толстойнинг китобларини ўқиганмисизлар? Бестужев-Мерлинский... Лермонтов шеърда шундай мисра бор: «Догистон водийси, жазирама туш».

– Эльбрус чўккиси бор жойми?

– Эльбрус Кабардин-Болкористонда, Казбек Грузияда. Бизда эса Гуниб бор. Цада ҳам бор. Мен ўша Цададанман.

Олис мамлакатларда тушунтиришим учун бошқа давлатларнинг номини ҳам айтаман. Ҳаммамизга маълумки, келин гапни тушуниши учун баъзан мушукни уриши керак. Афсуски, ҳозир ҳам Догистонда черкеслар яшайди деб ўйлайдиган, тўғрироғи, ҳеч нарсани ўйламай сўзлайдиган кишилар учраб туради.

Мен олис сафарларда бўлиб, конгресс, конференция, симпозиумларда катнашганман.

Бундай анжуманларда барча китъалардан вакиллар келади: Европадан, Осиёдан, Америкадан, Африкадан, Австралиядан. Тўғрироғи, вакилларнинг қайси китъадан эканлигига кўпроқ эътибор берилади. Мен барибир Догистонданман деб жавоб берардим.

– Жавобингизга аниқлик киритсангиз, Догистон қайси китъада жойлашган: Осиёдами, ё Европада?

– Бир қўлим Осиёда, иккинчи қўлим Европада. Баъзан ҳаётда отнинг бўйнига икки томондан икки киши қўл ташлаб, бу менинг отим деб даъво қилишади. Худди шундай Догистон тоғ тизмаларига икки китъа икки томондан қўлини ташлаб турибди. Уларнинг қўллари мен яшайдиган заминда туташган, бундан жуда хурсандман.

Дарёлар ва қушлар, архарлар ва тулқилар, бошқа мавжудотлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам Осиёга, ҳам Европага тегишли. Менимча, улар аллақачон Европа ва Осиё бирдамлиги қўмитасини тузишган. Мен яратган шеърлар ҳам шу қўмитага аъзо бўлишини истайман.

Лекин айрим кишилар менга атайлаб шундай дейишади: «Сенга нима ҳам дер эдик, осиеликсан». Ёки Осиёда юрганымда бунинг тамоман аксини айтишади: «Сенга тушунтириб бўлармиди, европаликсан». Мен ҳеч бирига эътироз билдирмайман. Чунки улар ҳақ!

Пайт пойлаб севги изҳор қилмоқчи бўлсанг, аёл бош чайқаб дейди:

– О шарқликлар, бунчалар муғамбир, айёр бўлишмаса.

Бошқа сафар Догистонга келганлар юриш-туришимиздан айб топишади:

– Бу европаликларнинг қиликлари курсин.

Ҳа, Догистон Шарқни севади, лекин унга Ғарб бегона эмас. Мисоли у бир дарҳат, илдизлари икки китъага таралган.

Кубада мен Фидель Кастрога миллий чакмонимизни совға қилдим.

– Нега бунинг тугмалари йўқ? – хайрон бўлиб сўради Фидель.

– Зарур пайтда елқадан иргитиб ташлаб, қўлга қилич олиш учун.

– Чинакам жангчилар кийими экан, – дея маъкуллади у.

Доғистонни бошқа мамлакатларга киёслашга ҳожат йўқ. Уни ўз номи билан атаган яхши. Томидан чакка ўтмайди, девори қийшиқ эмас, эшиги ғирчилламайди, деразасида шамол ўйнамайди. Эҳтимол, тоғлар ораси тордир, лекин унинг юраги кенг.

– Сен ҳали менинг еримни кичкина, ўзингнинг ерингни катта деб айтаяпсанми? – дея андилик суҳбатдошига эътирозини билдирди. – Қани, қўлингни бер, кимнинг ерини тез пиёда босиб ўтиш бўйича бас бойлашамиз! Кўрамиз, қояларга қандай тирмашасан, дараларда қандай эмакларқинсан? Жарликларга қуламасликнинг иложини топармиқинсан? Ўзи чўкқиларимизга чиқа оласанми?

Мен Доғистоннинг энг баланд чўкқисига кўтарилдим ва теварак-атрофга назар ташладим. Сўкмоқлар ҳар томонга таралган, қайдандир кўнғирок овози эшитилади, ҳар-ҳар жойда гулханлар ёқилган, тутун кўкка кўтарилаяпти.

Оёғинг кадрдон замин устида турганда, дунёга қараш қандай яхши!

Бола туғилаётганда ўзига Ватан танламайди – пешанасига ёзилган жойда дунёга келади. Мендан ҳам доғистонлик бўласанми, деб ҳеч ким сўрамаган. Агар ўзга ота-онадан, дунёнинг ўзга жойида туғилганимда, мен учун ўша жойдан кадрли жой бўлмас эди. Ҳа, мендан қаерда туғилгинг келаяпти, деб сўрашмаган. Аммо мендан ҳозир сўрашса, қандай жавоб берган бўлардим?

Олислардан қулоғимга пандур оҳанги эшитилди. Унинг оҳанги ҳам, айтилаётган кўшиқ сўзлари ҳам менинг қалбимга яқин.

*Денгизни соғиниб интилар дарё,
Денгиз ҳам дарёни кутар доимо.*

*Ушласанг кафтингга сигади юрак,
Гоҳ муштдай юракка тордир кенг фалак.*

*Бошқа мамлакатлар яхшидир аммо,
Ва лекин Доғистон баридан аъло.*

Пандурчи эмас, гўё Доғистон унинг тили билан қуйлаяпти.

*Ҳақ гапим кимнингдир ботса дилига,
Яхшиси, индамай кетсин йўлига.*

Қадимий одатимизга кўра узун қиш кечаларида ёшлар кимнингдир уйда тўпла-нишиб, ҳар хил ўйинлар ўйнашади. Масалан, уйнинг ўртасидаги стулга ўсмир ўти-ради. Атрофида қиз айланиб, кўшиқ айтиб савол беради. Ўсмир кўшиққа мослаб,

саволга жавоб кайтаради. Кейин киз стулга ўтиради. Энди ўсмир киз атрофида ай-ланиб, кўшиқ айгиб савол беради. Бу лапар эмас, лекин унга ўхшаб кетади. Қисқача айтганда, фикрлаш ва кўшиқ айтиш мусобақаси. Яъни топиб айтилган саволга, ун-дан-да топқирлик билан жавоб кайтариш керак. Мусобақа ғолибига шох тўла май куйилади.

Бундай ўйинлар уйимизнинг биринчи қавагида кўп бор ўтказилганди. Мен кич-кина бўлганим учун ўйинга кўшишмасди. Бир четда ўтириб кўшиқларни тинглар-дим. Эсимда, ўчок бошига вино тўла кўза, хона ўртасига уч оёкли стул кўйиларди. Ўсмир ва киз алмашиб кўшиқ айтарди. Баҳс турли мавзуларда бошланса ҳам охи-рида Доғистон куйланарди ва саволга ҳамма жўр бўлиб жавоб қайтарарди.

- Сен қайдасан, Доғистон?
- Тоғда. Қайсу бўйида.
- Сен қайдасан, Доғистон?
- Энди водий кўйнида.
- Ишлар қалай, Доғистон?
- Бугдойга ўрок солдим.
- Ишла ҳормай, Доғистон.
- Иш тугади, дам олдим.
- Ўзлинг айт, Доғистон?
- Гўштман, ханжар суқилган.
- Ўзлинг айт, Доғистон?
- Ханжарман, гўшт тикилган.
- Ўзлинг айт, Доғистон?
- Оҳу сув ичган булок.
- Ўзлинг айт, Доғистон?
- Оҳуга зорман шу чок.
- Ҳолатинг айт, Доғистон?
- Мисоли кичик сўқмоқ.
- Ниятинг айт, Доғистон?
- Равон, кенг йўлга чикмоқ.

Ёшлар бир-бирига жавоб кайтариб, шундай куйлашарди. Баъзан китобларим ҳам шундай савол-жавобдан иборатдай гуюлади. Фақат хона ўртасида стулда ўтир-ган, атрофида айланадиган киз йўқ. Хонада ёлғизман. Ўзим савол бераман, ўзим жавоб кайтараман.

Саволимга яхши жавоб топган тақдиримда ҳам ҳеч ким мукофот тарикасида май тўла шох тутмайди.

- Сен қайдасан, Доғистон?
- Мен тоғликлар яшаган жойда.
- Айт, тоғликлар яшайди қайда?

- Энди уларнинг оёғи етмаган жой йўк.
- Жаҳон – дошқозондаги таом, сен эса кичкина қошиқсан. Шундай дошқозондаги таом учун бу қошиқ кичкиналик қилмайдими?
- Онам айтарди: «Кичкина оғиз ҳам катта гапларни сўзлаши мумкин».
- Отам айтарди: «Кичкина ниҳол ҳам катта боғни безайди».
- Шомил айтган: «Кичкина ўк катта кемани ҳам тешиб ўтади».
- Ўзим ҳам шеърларимда кичкина юракка бутун дунё, буюк муҳаббат сиғиши мумкин деб ёзганман.
- Нега қадах кўтарганимда, доим «Эзгулик учун!» деб ичасан?
- Чунки ҳар доим эзгулик излайман.
- Нега уйларингни тошлар устига қурасан?
- Тупроқни кадрлаганим учун. Тупроқда буғдой ўстираман. Ҳатто томимга ҳам буғдой экаман. Текисроқ тошлар устига ҳам тупроқ ташиб, буғдой экиш учун жой қиламан. Ҳар тишлаган нонимни мана шундай қаттиқ меҳнат билан топаман.

ДОҒИСТОННИНГ УЧТА ХАЗИНАСИ

Тоғликлар ҳамиша йўлда. Бири бойлик излаб, иккинчиси шуҳрат излаб, учинчиси ҳақиқат излаб йўлга чиқади.

Ким бойлик излаб сафарга чиқкан бўлса, мақсадига етди. Энди топган бойлигидан баҳраманд ҳолда яшаяпти.

Ким шуҳрат излаб сафарга чиқкан бўлса, мақсадига етди. Энди топган шуҳрати бир кунига ярамаслигини тушуниб етди, беҳуда ўтган умрига ачинапти.

Аммо ҳақиқат излаб сафарга чиққанлар ҳамон йўлда. Бу йўлнинг охири, адоғи йўк.

Тоғлик сафарга чиқиш олдидан юқларини хуржунга солиб эшагига ортади. Ҳар доим бу юқлар орасида учта нарса бўлади: нимадир тўлдирилган ҳалта, меш ва кўза.

Неча асрларки, тоғлик эшак миниб овулма-овул, шаҳарма-шаҳар кезади. Лекин ҳеч қачон эшагига ортилган хуржунга ҳалта, меш ва кўза солишни унутмайди.

Бир овулга қираверишда тоғлик эшагини боғлаб, нарироққа кетди. Буни кўрган бекорчи бойваччалар келиб эшакни калтаклашди, халачўпнинг миҳи билан ниқташди. Худди беозор жонивор бу азоблардан кейин уларга рақс тушиб берадигандай.

Безорилар эшагига азоб бераётганини кўрган тоғлик қинидан ханжарини чиқариб ҳайқирди:

– Тоғликнинг газабини келтиргандан кўра айикнинг газабини келтирган яхшироқ.

Тоғликнинг важоҳатидан кўрқиб кетган йигитлар ундан кеңирим сўрашди ва яхши сўзлар айтишиб ханжарини қинига солдиришди. Хотиржам суҳбат бошланганда, йигитлар ундан сўрашди:

– Эшакнинг эгарига нима боғлаб олгансиз? Уни бизга сотинг.

– Олтин, қумуш тангаларингиз уни сотиб олишга етмайди.

- Нархини айтинг, балки келишармиз.
- Бу нарса бебаҳо!
- Халтадаги нима эканки, у бебаҳо бўлса?
- Менинг Ватаним, менинг Доғистоним!
- Халтага Ватанингизни буклаб солдингизми? – дея кулишди йигитлар. – Қани-кани, Ватанингизни кўрсатинг.

Тоғлик халтасининг ипини ечиб, оғзини очди ва йигитларга оддий тупрокни кўрсатди.

Айтгандай, уни оддий тупрок ҳам деб бўлмасди. Чунки унинг тўртдан уч кисмини кум ташкил қиларди.

- Бор нарса шуми? Ҳали сиз шуни бебаҳо хазина деб айтаётгандингизми?
- Ҳа, бу тоғларимдан олинган тупрок. Унда отамнинг дуоси, онамнинг кўз ёшлари бор. Бобомдан қолган ягона мерос, менинг набираларимга қолдирадиган бебаҳо хазинам.

- Қолганлари нима?
- Олдин халтани боғлаб қўяй.

Тоғлик халтани эҳтиётлик билан боғлаб, эшагига ортди. Кейин кўзани олиб, копоқогини очди. Йигитлар кўзада оддий сувни кўришди. Айтгандай, уни ҳам оддий сув деб бўлмасди, шўр эди.

- Ҳали сиз ичиб бўлмайдиган шўр сувни олиб юрибсизми?
- Бу Каспий денгизининг суви. Унда бутун Доғистон ойнадагидай кўринади.
- Мешда нима бор?
- Доғистон уч қисмдан иборат: биринчиси – тоғ, иккинчиси – денгиз, учинчиси – қолган ҳамма нарса.
- Демак, мешда қолган ҳамма нарса бор?!

- Худди шундай!
- Сиз уларни нима учун олиб юрибсиз?
- Ҳар доим Ватанимни ҳис қилиб туришим учун. Агар йўлда вафот этсам, қабрим устига шу тупрокни сепишади ва денгиз суви билан қабртошимни ювишади.

Тоғлик бир чимдим тупрок олиб қафтлари орасида ишқалади ва денгиз сувида қўлларини чайди.

- Нега бундай қилдингиз?
- Бекорчилар билан қўл бериб кўришгандан кейин шундай ювиш керак.

Тоғлик эшагига миниб йўлида давом этди. У ҳозир ҳам йўлда.

Демак, Доғистоннинг учта хазинаси: тоғ, денгиз ва бошқа ҳамма нарсалар. Тоғликларда учта кўшиқ бор. Йўловчиларда учта мақсаддан бири бўлади: бойлик, шухрат ва ҳақиқат.

Онам болалигимда уқтирарди: «Доғистон – бу бир қуш, қанотида учта олтин пати бор».

Отам эса қўшимча қиларди: «Доғистонни учта уста учта хазинадан яратган».

Албатта, Доғистонни ташкил этувчи унсурлар жуда кўп. Мен бунга аччиқ ҳаётий тажрибадан кейин амин бўлганман.

Бундан йигирма беш йил илгари Доғистон ҳақида киносценарий ёзишни топширишди. Сценарий муҳокамаси бошланди. Унда қандай оташин нутқлар сўзланмади?!

Биттаси гуллар ҳақида ёзилмаганини, бошқаси сценарийда асалари, учинчиси дарахтлар турлари йўқлигини гапирди. Ҳар бир сўзлаган киши нимадир йўқлигини қайд этди. Бири ўтмиш кам ёритилганини, бошқаси бугунги кун батафсил ёзилмаганини айтди. Ниҳоят, кимдир сценарийда эшак ва хўтик йўқлигига эътиборни қаратиб, уларсиз Доғистонни тасаввур этиш мумкин эмас деди.

Агар улар айтган барча нарсаларни сценарийга киритганимда, фильм ҳозиргача тасвирга олинаётган бўлармиди...

Барибир яна такрорлайман, Доғистон уч қисмдан иборат: тоғ (тупроқ-ер), денгиз (Каспий) ва бошқа ҳамма нарсалар.

Ҳа, тупроқ-ер – бу тоғлар, даралар, сўқмоқлар, қоялар. Уларга аждодларимизнинг пешана тери ва қони томган. Билмаймиз, уларда тер қўпми ёки қон! Чунки бу заминда узок йиллар урушлар, хун олишлар, жанжаллар тинмаган. Ахир, тоғлик белига ханжарни безак учун тақиб юрмайди.

Шундай халқ қўшиғи бор:

*Қайси бир далага сепсанг сиқим дон,
У далада ўнлаб йигит тўккан қон.
Қайси бир далага сепсанг ҳовуч дон,
У далада юзлаб жангчи берган жон.*

Отам тупроқ ҳақида шундай шеър ёзганди:

*Кимларни олмаган бағрига тупроқ,
Унда ҳалок бўлган ўлгандан кўпроқ.*

География дарслигида бизнинг еримизнинг учдан бир қисми ҳосил етиштириб бўлмайдиган тош-қоядан иборат эканлиги ёзилган.

Мен бу ҳақда шундай шеър қоралагандим:

*Унда водий, даралар тугар,
Унда дарахт мисли буғу шох.
Унда тоғлар ўрқачдай турар,
Унда қордан бошланар ирмоқ.*

*Унда жилга тошлар кўзидан,
Отилади бўлиб шаршара.
Унда ирмоқ бўри изидан.
Шошилади – тордай кенг дара.
Унда сўқмоқ эмасдир текис,
Ҳар ёни тош, жарлик ва бўшлиқ.
Чўққига чиқ, чекмасан афсус,
Унда сени қутмоқда қўшиқ.*

Эргалаб радиода айтади: «Хунзахда қор, Ахтаҳда ёмғир ёгаяпти. Дарбандда шафтоли гуллади, Қўмиқда жазирама бўлади».

Кичкина Догистонда бир вақтнинг ўзида киш ва куз, баҳор ва ёз. Йил фаслларини бунда вақт эмас, баланд тоғлар, бургут қоялар, гулдурраган даралар, сокин водийлар ажратиб туради.

Аварча «меэр» сўзи иккита маънони англатади: меэр – тоғ ва меэр – бурун.

Отам шу сўзни кетма-кет ишлатиб, ажойиб ҳикмат ёзганди: «Тоғлар дунёдаги воқеа ва ўзгаришларни ҳидидан сезади».

Ким келаётганини кўриш учун текислик тоғ бўлиб юксалган. Тоғлар шундай пайдо бўлган. Бу гапни Ҳожимурод айтган.

Онам беланчакни тебратиб охиста алла айтарди: «Тоғдай бўлиб улғай болам...»

*Нега тоғ дарёси бунчалар қайсар?
Бунда ташналикдан чатнайди тошлар,
Лекин у атрофга ташламай назар,
Ҳамиша суви мўл денгизга шошар.
Юрагим, бунчалар бўлмагин қайсар,
Нега суйганларга қайрилгинг келмас?
Ҳеч қурса уларга ташлагин назар,
Нега суймагандан айрилгинг келмас?!*

Кўза, тувак ва лаган сотаётган балхарлик кулолларни кўрганда, онам маънос бўлиб шу сўзларни такрорларди: «Наҳотки улар тупрокни ишлатишаётганда ачинишмайди? Қанийди, ҳеч қачон кўзларим тупрокни сотаётган одамларни кўрмаса!»

Албатта, балхарликлар – жуда уста кулоллар. Лекин тоғларда тупрок кам бўлгани учун ясаган ажойиб кўзаларидан кўра барибир тупроғининг ўзи қимматлироқ.

Қадим замонда хабарчи овулга от чоптириб келади. Бу вақтда ҳамма эркаклар масжидда намоз ўқишаётганди. Хабарчи отдан туша солиб (у чўпон эди) чоригида масжидга қиради.

– Эй нодон, диндан чикдингми? – дея танбех берди мулла. – Масжидга киришдан олдин покланиш ва чорикни ечиш кераклигини билмайсанми?

– Чоригимда жондан азиз дараларимизнинг тупроғи бор. У бу гиламлардан ким-матлирок. Ҳозиргина ёв шу азиз тупроғимга хужум қилди.

– Тоғликлар масжиддан югуриб чиқишиб, отларига минишди.

«Узоқдан келган меҳмон – азиз меҳмон!» – деган гапни Абутолиб алоҳида меҳр билан айтарди. Узоқдан меҳмон қувончли хушxabар, катта соғинч ёки оғир қайғу билан келади. Ахир, одам ўз-ўзича узоқ сафарга чиқмайди.

Тоғликларда шундай одат бор: меҳмонга уйингдаги бирор нарса ёқиб қолиб уни мактагудай бўлса, ачинсанг ҳам совға қилишинг керак. Ҳатто бир йигит ўзи булок бошида кўриб, севиб уйланган қайлигини ҳам бериб юборган экан. Ахир, у йигит тоғлик эди. Балки уни тоғлик дейиш кам, уни икки юз фоиш тоғлик дейиш тўғрироқдир.

Бетамиз меҳмон бизнинг бу қадимий одатимиздан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Аммо энди тоғликлар ҳам эс-хушини йиғиб олишган: чиройли нарсаларини меҳмоннинг кўзи тушмайдиган жойларда сақлашади.

Бир вақтда Қўмиқдан меҳмон келиб, уйдаги бор нарсани макташга тушибди. Унга мактаган ҳамма нарсасини беришибди. Лекин уни кузатаётганда этигига ёпишган тупрокни сидириб олишди.

– Тупрок совға қилинмайди! – дейишди тоғликлар. – Тупрок ўзимизга керак. Агар хар бир келган меҳмон этигида тупрок илаштириб кетаверса, биз буғдойни қаерга экамит?

Ўзга юртдан келган бир киши бизнинг еримизни тош тўла коп деб айтганди.

Ҳа, бу сўзларда мактов камрок. Дараларда овуллар ҳам кўп эмас. Тоғлар муридларнинг сочи олинган бошига, филларнинг тақир елкасига ўхшайди. Экин экишга ер кам, бу жойларда мўл ҳосил олиб бўлмайди.

Илгари шундай гап бор эди: «Бу фақирнинг етиштирган ҳосили кўшнисининг бурнини ҳам тўлдиришга етмайди».

Тўғри, тоғликларнинг бурни кичкина эмас, тешиклари катта-катта. Душманлар хуррак товушини тинглаб, тоғликлар ухлаб ётишганини билишган ва хужум қилишган.

Абутолиб бир чўтир кишини кўриб шундай деганди: «Менинг даламда етиштирилган барча дон унинг юзидаги чўтирларни тўлдиришга етмайди».

Тоғликларда ер кам, борида ҳам ҳосил битмайди. Бу ҳақда битта хикоя ҳам бор, сиз ҳам уни эшитгандирсиз. Аллақачон бу хикоя уйдан уйга, тилдан тилга ўтиб дунё кезаяпти. Мен ҳам хикояни айтгим келаяпти. Эшитганлар мени сўкса сўкар.

Тоғлик ўз даласини шудгор қилмокчи бўлди. Даласи овулдан узоқроқда эди. Эрта тонгдан иш бошлаш учун кечаси йўлга тушди. Манзилга етиб келганда, хали тонг ёришмаганди. У чакмонини ёзиб ухлашга ётди. Тонг ёришганда не кўз билан

кўрсинки, дала йўк. Осмонга учдими, ер ютдими? Оллох килган гуноҳлари учун жазоладими ёки шайтон фақир тоғлик устидан кулгиси келдими, ишқилиб, ҳарчанд атрофга қарамасин, даласини кўрмади.

Хафа бўлган тоғлик уйга қайтишга чоғланди. Ердан чакмонини олди. Ёпирай, излаган даласи чакмоннинг остида экан.

Энди сизга битта воқеани айтиб берай. Бу афсона эмас, бўлган воқеа.

Бутун мамлакатда бўлгани каби тоғда ҳам жамоа хўжаликлари ташкил этила бошланди. Ўша вақтда жуда кўп гап-сўз, хавотир, иккиланишлар бўлган. Бу гапларга ишониб, кўп кишилар молларини сўйишган. Улар қандайдир тушунарсиз жамоа хўжалигига молни топширгандан кўра ўзимиз сўйиб еганимиз маъқул деб ўйлашган. Айниқса, тоғ ичкарасидаги овулда яшовчилар каттик қаршилик кўрсатишган: «Сеники – сенга, меники – менга, яна нима истайсан – меники сеники бўлишиними?» Битта кичкинагина овулга икки юз нафар ишончли вакил борди, тушунтирди, бари бефойда. Бирлари умуман кўзга кўринишмади, бошқалари эътирозларини билдиришди: «Дунёда умумий нарсалар камми? Осмон ҳамманики, куёш ҳамманики, ёмғир, қор, баҳор, дарё, сўкмоқ, кабристон ҳамманики. Шундай ҳам ҳамманики бўлган нарсалар жуда кўп, келинлар, қолган нарсалар ўз-ўзимизники бўлсин».

Шунда жамоа хўжалигига машина берилишини айтишди. Тоғликлар бош чайкашди ва тулки тўғрисидаги ҳикоятни эслашди.

Тулки далада емак излаб юрар экан, шудгорда кўйнинг думбаси ётганини кўрди. Ейиш учун яқинлашди. «Йўк, – деб ўйлади тулки. – Бир балоси бўлмаса шудгорда куйруқ на килур. Бунда бир гап бор?»

Жамоа хўжалигига кирган тоғликларга мол-ҳолини боқиши учун текисликдан яйлов ажратилишини айтишди. Шунда кекса тоғлик ҳассасига суюнганча деди:

– Тоғдаги кулбамизни, бир қарич еримизни, кинғир-кийшик сўкмоғимизни дунёнинг барча текисликларига алмашмаймиз. Биз асрлар бўйи бу тоғларга гўдақларимизни парваришлагандай меҳр кўзимиз билан қарадик. Текисликдан тупроқ орқалаб чиқиб, тошлар орасига тўкиб экин экдик. Кейин мешларда сув олиб чиқиб суғордик. Ҳар бир етиштирган донимиз санокли, ҳар тишлаган нонимиз ҳалол. Шу боис тоғликлар ерда ётган бир бурда нонни кўрса кўзларига суртиб, бир четга олиб кўйишади.

Барибир қайсар тоғликлар яшайдиган ўша овулда жамоа хўжалиги тузилди. Қандай қилиб тоғликларни кўндиришди деб ўйлайсиз?

Ниҳоят, уларга жамоа хўжалигига аъзо бўлгандан кейин хусусий томорқаларининг маълум қисми фойдаланиш учун эгасида қолдирилишини айтишганди.

– Қанча ер қолдирилади? – қизиксиниб сўрашди қайсар тоғликлар.

– Жамоа хўжалиги низомига кўра ҳар бир аъзога йигирма беш сотих ер қолдирилиши керак.

– Сотих нима? Тушунтириб бер.

Вакил сотих нима эканлигини тушунтирди. Тоғликлар бир овоздан дейишди:

– Қани, бизни жамоа хўжалигига ёз.

Кейинроқ маълум бўлишича, ҳеч қайси тоғликнинг белгиланган меъёрдан ортиқроқ ери йўқ экан.

Ҳа, тоғликлар яшаш шароити қийин бўлса ҳам ўзларининг турар жойларини қадрлашади. Йўловчилар тоғ қияликларидаги қават-қават экин майдонларини, тошлар орасидаги боғларни, жар ёқасида ўтлаб юрган қўйларни, япроқ илинжида дарахтда дорбоздай ҳаракатланаётган эчкиларни кўрганда хайрон ҳолда тикилиб қолишади.

Бу манзара кўзни қувонтиради, унга бағишлаб шеър тўкиш мумкин. Лекин бу жойларни экин экиш учун яроқли ҳолга келтириш ва ҳосил етиштириш қийин.

Ва лекин тоғликларни текисликка кўчиб ўтишга таклиф этиб кўринг, улар гапингизни шаънига айтилган ҳақоратдай қабул қилади. Айтишларича, шаҳарда яшаётган ўғил отасидан ўз уйига кўчиб ўтишини ўтиниб сўрайди.

– Бундай сўзлар билан мени мазах қилгандан кўра, яхшиси, ханжарни олиб қорнимни ёриб ташла, – дебди кекса отасининг жаҳли чиқиб.

Бу муаммо мавжуд ва уни ечиш мураккаб масала. Ўша вақтда тоғликларга чиройли шиор билан мурожаат қилиб кўришди: «Тошли қоплардан чиқиб, гуллаётган гилам водийга кўчайлик!»

Шиорнинг овозаси икки юз нафар вакил келиб-кетган ўша овулга ҳам етиб борди. Ҳатто жамоа хўжалиги тузиш вақтида ҳам уларнинг бундай жаҳли чиқмаганди. Ҳар қайсиси шиорга қарши ўз фикрини айтди. Мана улардан айримлари: «Агар занжирга боғлаб судрасанглар ҳам текисликка тушмаймиз!», «Биз шу қояларга умрбод михланганмиз. Бизни кўчиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», «Бошқа жойларга кетсак, аждодларимиз гўрида тикка туради», «Менинг бошим тош болишимга қўйсам яхши ишлайди», «Текисликда ҳар юрган итни ҳайдаш учун тошни қаердан оламан», «Пастликдаги печка ёнидан юқоридаги тутун тўла қулба яхши», «Ким қорин ташвишини килса, қаёққа борса бораверсин, ким юрагини ўйласа, шу ерда қолсин», «Биз ҳеч кимнинг жонига қасд қилмадик, ҳеч кимнинг уйига ўт қўймадик, нима сабабдан кўчирмоқчисизлар?», «Машина шу ерда ҳам ишлайди», «Симёғочдаги чирок шу ерда ҳам ёнади», «Хат шу ерга ҳам етиб келади», «Биз чивин ва пашшаларга таланиш учун туғилмаганмиз», «Бензиннинг қўланса хидидан, тезакнинг тутуни афзал», «Тоғдаги гуллар чамандай очилади», «Булок суви қувур сувидан тоғлироқ», «Биз бу ердан ҳеч жойга бормаймиз».

Хуллас, ҳар бир тоғлик «Тошли қоплардан чиқиб, гуллаётган гилам водийга кўчайлик!» деган шиорга ўз жавобини айтди.

Тоғликлар отам ҳузурига келиб маслаҳат сўрашди: кўчайликми, кўчмайликми? Отам уларга аниқ маслаҳат беришдан ўзини тийди.

«Шу ерда қолишни маслаҳат берсам, пастда ҳаёт яхшилигини эшитишса, дарҳол мени сўка бошлашади. Кўчишни маслаҳат берсам, турмушлари изга тушиб кетмаса, яна мени сўкишади».

– Ўзларинг ўйлаб кўриб, бир қарорга келинглар, – деди ўшанда Ҳамзат Цадаса.

Замон ўзгаришти, ҳаёт ўзгаришти. Нафақат бошга бўрк ўрнига кепка кийиляпти, балки ўша кепка остидаги бошнинг фикрлаши ҳам бошқача, ўз ихтиёрлари билан турмуш қуришяпти. Фарзандларнинг қабри аждодларининг қабридан тобора узоқлашиб борапти. Фақат тоғлардаги қоялар, харсанглар, тошлар ҳамон ўз ўрнида. Энди шу тошлар орасида экин экиш учуш халтада эмас, баъзан саватда тупрок олиб чиқилияпти. Эсимда, баҳорда ўт-ўланлар бир текис униб чиқиши учун тоғликлардаги қияликларга, тошлар орасига ўт қўйиларди. Мен болалигимда бутун тоғни камраб олган бундай ёнғинларни кўп кўрганман. Баҳорда биринчи шудгор қилиш байрами ўтказиларди. Унда кексалар бир-бирларига кесак отишарди.

Бизда ғайратли одамларни шундай таърифлашади: «У талай тоғ ва чўкқилардан ошиб ўтган». Ялқов, қўлидан ҳеч иш келмаган кишилар ҳақида эса шундай дейишади: «У умрида бирон-бир тошга чўкич урмаган».

– Далангиздаги бошоқлар бўлик бўлсин! – дея тоғликлар ўзларининг энг эзгу тилақларини изҳор қилишади.

«Тупроғингиз қақраб қулга айлансин». Бу тоғликларнинг энг оғир дуойи бади.

«Шу тупрок ҳаққи қасам ичаман!» Бу тоғликларнинг энг муқаддас қасами.

Далага ўзганинг эшаги кирса, эгасини оғохлантирмасдан эшакни ўлдириш мумкин. Шундай ахволни кўрган тоғлик хайқирди: «Агар Ҳожимуроднинг эшаги бўлса ҳам омон қўймайман!»

Ҳар бир овулнинг ўз тартиб-қондаси бор. Аммо ҳамма овулда экинга, тупроққа зиён етказганлар оғир жазоланади.

Тарихга назар солсак, Доғистонга зиён етказганлар, охир-оқибат, жазосини олди.

Отам айтган ҳикоя ҳамон эсимда:

«Эрон шоҳи Нодир доғистонликлар томонидан тор-мор қилинган, у билан тинчлик битими тузиш учун ҳузурига бадбашара, чўлок ва хириллаган овозли чол битта қилтиллаган, кўтир, яғир эшакка миндирилиб жўнатилди.

– Наҳотки аварлар менинг ҳузуримга жўнатиш учун сендан кўримли одам топа олишмади?

– Бизда минглаб таниқли ва ҳурматли кишилар бор, – деди тоғлик чол. – Лекин улар муҳим ишлар билан банд. Улар сендай шоҳ билан учрашиш учун мендай чол ҳам бўлаверди деб ҳисоблашади.

– Эшагининг ёши нечада? – дея мазах қилмоқчи бўлди шоҳ.

– Эшак ва шоҳларнинг ёшини аниқлаб бўлмайди, – деди ҳозиржавоблик билан чол.

– Сизнинг саркардаларингиз қимлар? – дея сўради шоҳ.

– Мана бизнинг саркардаларимиз! – деди тоғлик чол кўли билан атрофдаги тоғларни, далани ва қабристонни кўрсатиб. – Улар бизни жангларда олға бошлайди.

– Шартларингни айт.

– Шартимиз битта: бизга елкангни кўрсатиб, тоғларимиздан кадамингни узасаи. Сенинг юзингдан кўра бизга елканг чиройлироқ кўринади.

Шоҳ Эронга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Тоғликлар уни кузатар экан огоҳлантиришди: «Биз хабарчиларни ўлдирмаймиз. Сени ва аскарларингни бизнинг ғалабамизни ҳаммага айтишларинг учун омон колдирдик. Кейинги сафар ҳеч бирингизни тирик колдирмаймиз».

1859 йилда Имом Шомил Гуниб тоғида жанговар отидан тушди ва князь Баратинскийга ихтиёрий равишда таслим бўлди. У чап оёғини сал олдга қўйди, ўнг кўлини қиличининг дастасига тираб баланд тоғларга мағрур қаради ва ғамгин деди:

– Сардор, мен йигирма беш йил шу тоғлар ва тоғликлар шаънини жанг майдонларида қилич билан ҳимоя қилдим. Менинг жангларда олган ўн тўққизта жароҳатим ҳамон зиркирайди ва улар ҳеч қачон битиб кетмайди. Энди мен ўзимни асирликка топшириб, еримни сенга берайпман.

– Жуда ачинаверма, бу еринг қоя ва тошлардан иборат.

– Сардор, шундай экан ўзинг айт, бу жангда қайси биримиз ҳақмиз? Шу ерни энг гўзал жой деб жонини берган тоғликларми ёки бу жой ёмон деб жангларда ўлган сенинг аскарларингни?

Асир Шомилни анча йўл босишиб, бир ой деганда Петербургга олиб келишди.

Петербургда император ундан сўради:

– Йўлда мамлакатимни кўрдингми?

– Катта мамлакат, жуда катта мамлакат экан.

– Унда, Шомил, айт-чи, агар илгарироқ шундай катта ва қудратли давлат эканлигини билганингда ҳозиргидай узоқ вақт қарши курашаверармидинг ёки ақл билан иш юритиб аввалроқ қуролингни топширармидинг?

– Сиз бизнинг кичкина ва кучсиз давлат эканлигини билганингиз холда шунча узоқ вақт жанг қилдингиз-ку?!

Отамда Шомилнинг битта мактуби сақланарди. Тўғрироғи, имомнинг авлодларга васияти. Унда шундай сўзлар ёзилганди:

«Азиз тоғликларим! Яйдоқ тошлардан иборат шу тоғларни ва унинг табиатини севинг. Бобомерос еримиз бизга мўл-кўл ҳосил тутмайди, агар шундай бўлмаганда у ўзимизнинг ерга ўхшамасди. Унутманг, ўз ерисиз фақир тоғликлар озодликка эриша олмайди. Шу қутлуғ ер учун курашинг ва уни ҳимоя қилинг. Майли, қиличларингиз жаранги мени қабримда тинч уйқумдан уйғотсин!»

Шомил тоғликлар қиличлари жарангини кўп бор элас-элас эшитди. Чунки тоғликлар учун Ватан тушунчаси кенг маънога эга бўлди. Уларнинг ботирликлари

Доғистондан ташкарида ҳам ҳурмат билан эсга олиняпти. Лекин қахрамонларча ҳалок бўлган тоғликларнинг қабрлари Украина, Белоруссия ва Москва остонасида, Венгрия, Польша ва Чехияда, Карпат тоғлари ва Болкон ярим оролида, Берлинда қолди.

Тўғри, Доғистондаги тошларга ҳам шу тоғлар озодлиги учун курашган бошқа халқлар фарзандларининг номлари ўйиб ёзилди. Илгари фақат ўзимизники бўлган қўшиқлар бугун ҳаммага тегишли. Ана шу ҳаммага тегишли бўлган қўшиқлар бизни бирлаштирди...

– Илгари овулдошлар ўртасида нимадан жанжал чиқарди?

– Далалаги марзани бир энлик нотўғри олгани, бировнинг пичанзорига нотўғри ўроқ солгани, белгиланган тошни бироз сургани учун.

– Икки овул одамлари нима учун жанжаллашишарди?

– Ўртадаги далани талашиб.

– Илгари Доғистон бошқа халқлар билан нима учун жанг қилган?

– Доғистон чегараларидаги ерни сақлаб қолиш учун.

– Кейин доғистонликлар нима учун жанг қилишди?

– Катта мамлакат чегараларидаги ерни сақлаб қолиш учун.

– Энди Доғистон нима учун курашяпти?

– Бутун дунёда тинчлик бўлиши учун!

Шомил билан бирга икки ўғли ҳам асир олинганди. Уларнинг тақдир йўллари бошқа-бошқа бўлди. Кичик ўғли Муҳаммад Шафи оқ подшо генерали даражасига эришди. Катта ўғли Қози Муҳаммад Туркиядан қўним топди.

Бир куни мени туркча кийинган кампир йўқлаб келди. У асли грузиялик бўлиб, ёшлигида туркка турмушга чиқибди ва қирқ йил Истанбулда яшабди. Эри вафот этгач, ёлғиз қолгани учун Грузияга қайтибди. Қелишининг сабаби, Истанбулда яшган вақтида Шомилнинг авлодлари билан борди-келди қилишган экан.

– Улар қандай яшашади? – дея сўрадим мен.

– Ёмон.

– Нега?

– Чунки уларнинг Доғистони йўқ. Билсангиз эди, улар Доғистонни қандай соғинишини. Баъзан амалдорлар уларни ижарага берган еримизни тортиб оламиз деб кўрқитишади. «Тортиб олаверинглар, – деб жавоб беришади Шомилнинг авлодлари. – Барибир бизнинг Доғистонимиз йўқ. Бошқа ер бизга Ватан бўла олмайди». Бироз тин олиб, грузин аёли хикоясини давом эттирди: – Менинг туғилган юртимга қайтаётганимни эшитишиб, улар Доғистонга боришимни, Шомил туғилган овулни, у жанг қилган жойларни зиёрат қилишимни ва сизни топишимни сўрашди. Улар мана шу дастрўмолни беришиб, унга Доғистон тупроғидан бир сиким солиб жўнатишимни илтимос қилишди.

Мен дастрўмолни ёздим. Унга «Шомил» сўзи араб ёзуви бўйича тикилган экан.

Мени грузин аёлининг ҳикояси хаяжонлантирди. Уларга Доғистон тупроғидан жўнатишни зиммамга олдим. Аммо бу масалада оқсоқоллар билан маслахатлашдим.

– Бегона юртда яшаётган кишиларга ўз тупроғимиздан жўнатишимиз мумкинми?

– Бошқа одамлар бўлса шарт эмас эди, лекин улар Шомилнинг авлодлари экан, майли, уларга жўнат, – дея маслахат беришди оқсоқоллар.

Оқсоқоллардан бири Шомил туғилган овулга бориб бир сиким тупрок олиб келди. Тупрокни унинг исми ёзилган дастрўмолга тугдик. Оқсоқол деди:

– Майли, жўнат. Уларга тупроғимизнинг ҳар зарраси бебаҳо эканлигини ёзиб юбор. Яна бизнинг заминимизда ҳаёт ўзгарганини, янги замон келганини, ҳамма-ҳаммасини батафсил ёз.

Мактуб ёзишимга ҳожат қолмади. Чунки кўп ўтмай Туркия сафарига отландим. Ўзим билан бебаҳо хазинани олиб кетдим.

Мен Шомил авлодларини қанча суриштирмай, улар билан учраша олмадим. Шомилнинг ўғил чевараси Маккага кетганини айтишди. Қиз чеваралари Нажават ва Нажият эса учрашиш учун келишмади. Бирининг боши, иккинчисининг юраги оғриётган экан. Юртимнинг бир сиким тупроғини кимга топширишни билолмай хайрон қолдим. У жойда аварлар ҳам бор эди, лекин улар ўз ихтиёрлари билан Доғистонни тарк этишган.

Шунда тушундимки, уларнинг Шомили билан менинг Шомилим бошқа-бошқа Шомил экан.

Олис Туркия заминида жонажон Доғистонимнинг бир сиким тупроғини ушлаган ҳолда хаёлга чўмдим. Шу бир сиким тупроқда Гуниб, Чиркей, Ахта, Қўмик, Хунзах, Цада, Цунда, Чарада ва бошқа овулларимизни кўргандай бўлдим. Бу менинг тупроғим. У ҳақда кўп ёздим ва бундан кейин ҳам ёзаман. Энди бу заминни эски ҳикояда сўзлангандай чакмон билан бекитиб бўлмайди.

Доғистоннинг иккинчи бебаҳо хазинаси – денгиз.

Базан Москва ва Гуниб ўртасидаги телефон алоқасида шундай сўзлар эшитилади: – Алло, алло, Гунибми? Умар, бу сенмисан? Мени эшитяпсанми? Кайфиятинг яхшими? Об-ҳаво қандай?..

– Эшитяпман. Биз гинчмиз. Об-ҳаво яхши, эрталабдан денгиз кўриняпти.

Ёки:

– Алло, Гуниб. Фотимат, бу сенмисан? Ишларинг қалай, кайфиятинг яхшими?

– Бир нави. Туман. Денгиз кўриняпти.

– Ота, денгизни кўрмайяпман, – деди Жамолиддин отаси Шомилга.

У ок подшо томонидан гаровда ушланганда, Петербургдаги кадетлар ўқув юртида таълим-тарбия олганди. Доғистонга қайтарилганда, отаси ва тоғлиқларнинг ок подшога қарши кураши бефойда эканлигини айтганди.

– Ўғлим, сен уни кўрасан, – жавоб кайтарди Шомил. – Фақат сен менинг кўзларим билан кара.

Гуниб тоғи билан денгиз ўртасидаги масофа эллик километр. «Мен денгизни кўраяпман!» деган сўзларни айтиш учун ҳаво қандай тоза бўлиши кераклигини, кўзлар қандай зийрак бўлиши зарурлигини, тоғнинг қандай баланд жойида туриш зарурлигини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Ҳатто денгиз кўринмайдиган овулдаги тоғликдан кайфиятини сўрасангиз, у шундай жавоб беради: «Кайфиятим яхши, худди кўз олдимида денгиз тургандай».

Денгизга қарасам, бутун дунёни кўргандай бўламан. Агар денгизда ғалаён бўлса, дунё ҳам безовта, об-ҳаво ҳам ёмон. Агар денгиз сокин бўлса, демак, дунёда ҳам тинчлик.

Мен илонизи тоғ сўкмоқларидан тушиб, денгиз олдига борганимда ҳали бола эдим. Ўша куни уйимизнинг денгиз томондаги деразасини очиб кўйганман. Шубҳасиз, Доғистоннинг ҳам денгиз томонга қараган деразаси очик.

Агар денгиз товуши қулоғимга кирмаса, кўзимга уйқу келмайди.

– Доғистон, сен нега ухламаяпсан?

– Денгиз товуши келмаяпти, қандай ухлай?!

Тиник рангни кўрсак, денгизга ўхшатамиз. Каттик шовқинни эшитсак, денгизга ўхшатамиз. Кенг экин майдонини кўрсак, денгизга ўхшатамиз.

Чуқур мулоҳаза юритадиган одамни учратсак, фикри денгиздай геран экан деймиз.

Мусаффо осмонга тикилиб хайратлансак, бунча денгиздай тиник деймиз.

Сигиримиз кўп сут берганда, онам уни силаб эркаларди: «Денгиз сувидай сути сероб».

Эсимда, онам айвонда ўтириб, катик солинган кўзани оҳиста чайқатарди. У тезроқ сариеғ олиб, ёнида юрган биз болаларига уни нонга суртиб беришни ўйларди. Ўша кўзанинг бўйнига денгиз чиғанокларидан олинган марваридлардан тайёрланган шода осилган бўларди.

– Шундай қилинса, кўпроқ сариеғ бўлади, – деб тушунтирганди онам ва кўшиб кўйганди: – Ёмон кўзлардан ҳам асрайди.

Доғистоннинг қоятош кўкрагини ҳам тўлқинлар урилавериб денгизнинг чиғаноклари, марваридлари билан безаган.

Ҳа, Доғистон Каспий денгизининг товушига ўрганиб қолган, агар унинг товушини эшитмаса, кўзларига уйқу келмайди.

*Оптоқ тўлқинларни отганча денгиз,
Қайси тилда сўзлар, билмайман, эсиз.*

*Тўлқинлар қояга урилиб такрор,
Гувиллар, мисоли тоғдаги бозор.*

*Тоғ бозори гувлар қирқ битта тилда,
Бундай бозор тили йўқ бошқа элда.*

*Дам ўтиб денгизда тинади шовқин,
Майса гилам каби шивирлар секин.*

*Гоҳ бўзлар қирғоққа урилиб яна,
Худди фарзандидан айрилган она.*

*Гоҳ инграйди ўхшаб мўйсафид зотга,
Гоҳ кишнайди ўхшаб мункиган отга.*

*Гоҳ майин оҳангда куйлайди денгиз,
Балки ўз тилида сўйлайди денгиз.*

*Менинг юрагим ҳам мисли уммондир,
Шундан денгиз феъли менга аёндир.*

*Муштдай юрагим ҳам тинмас бирпасга,
Ўзини уради кўкрак қафасга.*

*Гоҳо бир маромда уради аста,
Галаён тинади кўкрак қафасда.*

*О, қанчалар ташна қилади азоб,
Денгиз сувин ичиб бўлмас – намақоб.*

Москвадан чиккан поезд Махачкальга тонгда етиб келади. Ана шу кеча мен учун ҳеч тугамайдигандай туюлади. Кўзимни очиб деразага қарайман. Деразадан фақат чўл кўринади. Поезд олға интилади, деразадан шамол киради. Иккинчи марта туриб деразага қарайман – чўл. Учинчи марта туриб қарайман, ниҳоят – денгиз. Хотиржам нафас оламан, бу ёғи менинг Доғистоним!

Раҳмат сенга, мовий денгиз, бепоён уммон! Биринчи бўлиб сен Ватанимга етиб келганимдан дарак бердинг.

Отам шу сўзларни меҳр билан такрорларди: «Кимнинг денгизи бўлса, унинг уйига меҳмон кўп келади».

Абутолиб айтарди: «Кимнинг денгизи бўлса, у яхши яшайди. Денгиздан чиройлироқ нарса тоғлардир, шукурки, улар ҳам бизда бор».

Икки нуруний – отам ва Абутолиб учрашиб колганда, суҳбатлашиб денгиз томонга кетишарди. Улар бандаргоҳ ва кемалар кўриниб турадиган тепаликка чиқишарди. Димоғларига денгизнинг нам ҳавоси ва балиқ ҳиди уриларди. Иккиси денгизга тикилганча соатлаб сукут сақлашарди, денгизнинг сўзларига қулоқ солишарди.

*Сен сукут сақлагин, сўзласин денгиз,
Гам-шодлигинг унут, қулоқ сол бир он.
Пушкин сўз айтишда бўлса-да тенгсиз,
Жим тинглаган, денгиз солса галаён.
Одамлар бордир ё йўқдир қирғоқда,
Майли, бор овозда сўзласин тўлқин.
Қаршисида денгиз сувлаган чоғда,
Ҳатто буюк Данте олган экан тин.*

Отам айтарди: «Денгизни тингла, унинг нима демокчи бўлаётганини тушунишга ҳаракат қил. У жуда кўп нарсани кўрган, жуда кўп нарсани биллади».

– Айтгин, денгиз, нега бунча сувинг шўр?

– Кўшилгандир башар кўз ёш дарёси.

– Айтгин, денгиз, бунча товланасан зўр?

– Улар бағримдаги дурлар жилоси.

– Айтгин денгиз, бунча соласан тугён?

– Бағримда ётибди қанча мард ўғлон.

Шўрим юваман деб бири берган жон,

Бошкаси дурим деб бўлгандир қурбон.

Икки оппоқ сочли тоғлик, икки шоир. Тепаликда икки қари бургутдай ўтиришибди. Қилт этишмайди, жимгина денгизни тинглашапти. Денгиз тўлқинлари уларни икки қирғоқ орасида кечадиган ҳаёт ҳақида ўйлашга ундаяпти. Денгиздан фарқли равишда ҳаёт уммонида сокин бандаргоҳлар бўлавермайди. Яна олға сузишинг керак. Факат битта сокин бандаргоҳ бор, бу сўнгги бандаргоҳдир.

Каспий денгизи ҳам, Хвалин денгизи ҳам тебранмоқда. Уларга бир томондан Волга, Урал, иккинчи томондан Кура, Терек, Сулак дарёлари қуйилади. Дарёлар суви кўшилиб кетади. энди уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Гўё дарёлар учун денгиз сўнгги бандаргоҳ. Зеро, дарёларнинг суви беиз йўқолмайди, буғланиб кетмайди, гоҳо-гоҳо оппоқ тўлқинлар бўлиб бош кўтаради. Мана шу тўлқинлар орасида кемалар манзиллари сари сузаверади.

Тоғлиқлар, Доғистон фарзандлари, сизнинг тақдирингиз ҳам дарёларга ўхшамайди? Сиз ҳам улкан уммонга – қардошлиқ оиласига қўшилдингиз.

Каспий гувиллайди. Тепалиқда икки оппоқ сочли тоғлиқ, икки шоир ва улар ёнида битта ўсмир ўтирибди. Биз уйга қайтаётганимизда Абутолиб отамга қараб деди:

– Сенинг ўғлинг улгайди. Бугун у улуг туйғуни хис қилди.

– Биз турган тепалиқда ҳеч ким болалигича қола олмайди, – дея жавоб қайтарди отам Абутолибга.

Энди денгиз қаршисига қачон келмайин, худди отам ёнимда тургандай туюлаверади.

Айтишларича, Каспий денгизи йил сайин қуриб бораётганмиш. Илгари сув жўш урган жойларда ҳозир уйлар қурилган. Демак, денгизнинг қирғоқдан чекинаётгани рост. Лекин мен денгизнинг қуриб қолишига сира ишонмайман. Балки денгизнинг суви сал пасайгандир, аммо у саёзлашиб қолмаган.

Мен одамларга шундай дегим келади: «Агар кам сонли халқ бўлсангиз ҳам фикр айтишда майдалашманг».

*Олим ўйчан, шоир чекар ғам,
Ўзувчи уҳ тортиб дер: эсиз,
Каспий қочар соҳилдан шу дам,
Бу кетишда қурийдн денгиз.*

*Бу гапларнинг лофи бор бироз,
Чунки Каспий қуримас асло.
Аммо қалблар бўлмоқда саёз,
Асли шудир катта муаммо.*

Маҳач ҳам денгиз ҳақида яхши фикр билдирган. У Доғистон ҳукуматининг биринчи раҳбари бўлган, ҳозир республикамиз пойтахти унинг номи билан аталади. Илгари шаҳар Порт-Петровск деб юритилган. Фуқаролар уруши даврида Маҳач шаҳарни енгилмас қалъага айлантирган.

Хуллас, Маҳач денгиз ҳақида шундай деган: «Душманларнинг сони қанча бўлмасин, уларнинг барини денгизга улоқтирамиз. Денгиз чуқур, барига жой етади».

Тоғлиқлар овулдаги масжид ёнида ёки азим дарахт тагида тўпланишиб, туриш-турмуш ҳақида гурунғ қилишади. Шундай гурунгда тоғлиқлардан сўрашди: қайси овоз жуда ёқимли? Тоғлиқлар ўйлаб-ўйлаб жавоб қайтара бошлашди:

- Кумуш жаранги.
- Отнинг кишнаши.
- Севган ёрингнинг сўзи.
- Дарада от туёқларининг дуқурлаши.

– Болаларнинг беғубор кулгиси.

– Она алласи.

– Сувнинг жилдираши.

Шунда битта тоғлик деди:

– Денгиз товуши. Чунки денгиз товушида сиз айтган барча овоз бор.

Кейинги гурунгда тоғликлардан сўрашди: қайси ранг ёқимли? Тоғликлар яна ўйлаб-ўйлаб жавоб қайтара бошлашди:

– Мусаффо осмон.

– Оппок чўкқилар.

– Онанинг кўзлари.

– Ўғилнинг сочи.

– Шафтоли гули.

– Кузги мажнунтол.

– Булоқнинг суви.

Шунда битта тоғлик деди: – Денгизнинг ранги. Чунки денгиз рангида сиз айтган барча ранг бор.

Гурунгда ёқимли ҳил, ёқимли ичимлик, умуман, қайси ёқимли нарса ҳақида сўралмасин, охир-оқибат, уларга денгиз дея жавоб қайтарилди.

Албатта, гурунгда ҳамма ўзининг отини мактайди. Мен ҳам тоғликларга ўхшаб ўзимизнинг Каспий денгизини кўп мактаб юбормадимми? Чунки кимдир илмоқли гап ташлади: Каспийми, ҳеч ўйлаб гапирялсанми? Ҳатто у денгиз эмас, каттарок кўл. Ҳақиқий денгиз деб, Қора денгизни айтса бўлади.

Эҳтимол, кимгадир Каспий денгизи Қора денгиздай, Адриатика ёки Иони денгизидай жозибадор кўринмас. Лекин ўша денгизларга одамлар кўпинча чўмилиш ва дам олиш учун боришади. Каспий денгизига эса одамлар асосан ишлаш учун чиқишади. Ҳа, Каспий денгизи – балиқчи, нефтчи, ишчи. Шу боисдан бу денгизнинг феъл-атвори биров каттиқроқдир. Нима ҳам дердик, ҳар бир хўкизнинг ўз қилиғи, ҳар бир эракнинг ўз феъли, ҳар бир денгизнинг ўз қиёфаси, ўз оқими бўлади. Ахир, Доғистон тоғларининг кўриниши Грузия ва Абхазия тоғларидан фарқ қилади.

Менимча, денгизларнинг фарқларидан кўра ўхшаш жиҳатлари кўпроқ. Қора денгизда сузиб кетаётганимда Каспий денгизи ҳақида ўйлайман, Каспий денгизидан сузаётганимда океан ҳақида ўйлашим мумкин. Шукур, бизнинг денгизимизнинг ҳеч қайси денгиздан кам жойи йўқ. Каспийга ҳам саёхатчилар ёдида саклаш ва яна қайтиб келиш ниятида танга ташлашади.

Отам айтарди: «Кимнинг кўзига денгиз гўзал кўринмаса, унинг ўзи гўзал эмас».

Бир киши Абутолибга шундай деди:

– Бугун денгиз ёмон гувилляпти.

– Сен уни менинг кулоқларим билан тингла.

Хуллас, сиз Каспий денгизига Доғистон кўзлари билан қаранг, шунда денгиз янада жозибалироқ бўлиб кўринади.

Доғистоннинг Мегеб овулида вояга етган, сувости кемасининг иккинчи ранг капитани Магомед Гаджиевнинг қахрамонлигини Ҳарбий денгиз флотидагилар яхши билишади. У Болтик, Шимолий ва Баренц денгизларида жанг қилган. Қанчадан-қанча фашистларнинг кемалари Магомед Гаджиев отган торпедалардан кейин денгиз тубига чўккан. Унинг кемаси Иккинчи жаҳон урушида биринчи бўлиб, фашистлар эскадрасига қарши жангга киришган. Унинг бир одати бўлган: то навбатдаги душман кемасини чўктирмагунча мўйловини олмаган.

Мен Магомед Гаджиевни бир марта кўрганман. У вақтда Бўйноқ педагогика билим юртида ўқирдим. Магомед Гаджиев таътилга келганда билим юртига учрашувга чақиришганди. Биз ундан сўрадик:

– Тоғлар орасида ўсгансиз, қандай қилиб матрос бўлиб қолгансиз?

– Болалигимда битта тепаликка чиққанимда Каспий денгизини кўриб қолдим. У мени имлаб чақирди, хузурига бордим. Кейин денгиз чорловини хаёт йўлим деб қабул қилдим.

Уруш қахрамони Магомед Гаджиев Баренц денгизида ҳалок бўлди. Шу денгизга яқин Североморск шаҳридаги битта мактабга унинг номи берилган. Маҳачқалъадаги завод олди майдони унинг номи билан аталган. Шу боис майдонга унинг Каспий денгизига қараб турган ҳайкали ўрнатилган.

Денгизга мардлар кетади, лекин ҳаммаси ҳам қайтиб келмайди. Ҳалок бўлган тоғликлар руҳини шод этиш учун халқимиз баҳорда биринчи очилган гулларни денгизга ташлашади. Мен ташлаган гуллар ҳам кўп бора денгиз узра сузган.

Баренц денгизига Гаджиев ва унинг сафдошлари ҳалок бўлган квадратда кемалар бир дақиқа тўхтайдди, улар хотираси ёдга олиниб, сигнал чалинади.

Каспий денгизига ҳам шундай одат бор. Кемалар тўхтатилади ва денгизда ҳалок бўлганлар хотираси уч дақиқа сукут сақлаб эсга олинади.

Маҳачқалъа шаҳри бандаргоҳда турган кемага ўхшайди. Қирғоққа тушишингиз билан хиёбон ва боғдаги Пушкин, Сулаймон Стальский ва Ҳамзат Цадаса ҳайкалларига кўзингиз тушади.

Дейдилар, денгиз ўрни қурук ва файзсиз жой бўлган. Бу жой бир куни тоғни кўриб қолган, қувонганидан кўз ёши булок бўлиб отилган ва тоғ пойида мовий рангга товланган.

Дейдилар, тоғлар ўрнида жуда кўп девлар яшаган. Улар бир куни денгизни кўриб, хайратланганидан тош бўлиб қотиб қолган.

Онам беланчагим узра шундай алла айтарди:

Улғай ўғлим,

Бўйинг бўлсин тоғларга тенг.

*Улгай ўғлим,
Феъллинг бўлсин денгиздай кенг.*

Қиз йигитга қараб шундай қўшиқ айтди:

*Кўз-кўзлайсан кўркингни,
Фуруринг тоғдай баланд.
Қийшиқ кийиб бўркингни,
Қилмайсан бизни писанд.*

Йигит гўзалга қараб шундай қўшиқ айтди:

*Эй дилимга севги солган,
Чиройлисан, билсанг керак.
Сен денгиздан келиб қолган,
Сув париси бўлсанг керак.*

Битга мажлисда шундай эътирозни эшитгандим:

– Нега ҳадеб тоғ ва денгиз деб такрорлайсизлар, бизнинг бошқа денгизларимиз ҳам бор, нега уларни тилга олмайсизлар? Масалан, денгиздай тебранаётган боғлар, денгиздай ёйилиб ўтлаётган қўй-қўзилар, улардан олинаётган тоғ-тоғ жунлар.

Ахир, бежиз айтишмайди: «Учта қўшиқнинг ҳаммасини ўзинг айтма, биттасини бизга қолдир. Учта дуонинг ҳаммасини ўзинг айтма, биттасини бизга қолдир».

Мен Доғистоннинг иккита асосий таркибий қисми ҳақида баҳоли қудрат фикр юритдим. Учинчи қисми эса қолган барча нарсалар. Ахир, дарё ва сўкмок, дарахт ва майса ҳақида ҳам фахр билан узок фикр юритса бўлади. Улар тўғрисида батафсил ёзишга умрим етмайди.

Қўшиқларнинг сони ҳам шунча. Дунёда учта қўшиқ бор: биринчиси – она алласи, иккинчиси – она марсияси, учинчиси – қолган барча қўшиқлар.

Тоғликлар кимнидир уйига таклиф этса, шундай дейишади: «Меҳмон бўлиб келинг. Бизнинг тоғимиз, бизнинг денгизимиз, бизнинг юрагимиз сизга мунтазир. Бизнинг еримиз – ер, уйимиз – уй, отимиз – от, одамимиз – одам. Улар ўртасида учинчиси йўқ».

ОДАМ

Авар тилида одам ва озодлик сўзлари бир хил ёзилади: «узден» – одам, «узденлъи» – озодлик. Шу боис одам назарда тутилса «узден», агар у озод одам бўлса «узденлъи» дейилади.

Қабртошдаги ёзувлар:

*У доно эмасди машхур,
У ботир эмасди машхур.
Барибир таъзим қил унга,
У одам бўлганди ахир.*

Ханжардаги ёзувлар:

*Йўлларда кимлардир учрар безумон,
Билмайсан, нияти яхшими, ёмон.
Шу боис огоҳ бўл, унутма зинҳор,
Улар белида ҳам шундай ханжар бор.*

Узоқ сафардан қайтиб келган тоғликдан сўрашди:

– У томонларнинг ери қандай, тартиби қандай?

– У томонларда ҳам одамлар яшар экан, – дея жавоб берди у.

Ҳожимурод Шомилдан аразлаб кетиб қолган вақтда, баъзи кишилар унга яхши кўриниш учун имомни ёмонлай бошлашди. Шунда Ҳожимурод уларнинг гапини шартта бўлди:

– Тилингизни тийинг. У – одам. Ўртамиздаги низони ўзимиз ҳал қиламиз.

Шомил аллақачон Ҳожимурод кетган бўлишига қарамай, Гуниб тоғи учун бўлган охириги жангда ноибининг мардлиги ва ватанпарварлигини эслаб шундай деган эди:

– Бундай одамлар энди йўқ. Уодам эди!

Тоғликлар неча асрлар тоғларда умргузаронлик қилишса ҳам одамлар меҳрига интизор яшади. Одам учун суҳбатдош бир одам керак. Одам дийдорига тўймасдан яшаб бўлмайди.

Тоғликлар қасами: «Одам бўлиб келдим, одам бўлиб ўламан!»

Тоғликлар коидаси: «Уйингни сот, далангни сот, мол-мулкингдан айрил, лекин кимлигингни унутма, одамгарчиликдан чиқма».

Тоғликларнинг дуойи бади: «Сени худога солдим, авлодингда одам ҳам, от ҳам бўлмасин».

Агар ифвогар, ярамас ёки қаттол кимса ҳақида гап бошласангиз, тоғлик гапинингизни шартта бўлади:

– Унга сўзингиз хайф. У одам эмас.

Агар кимнингдир хатоси, камчилиги ёки кичик шумлиги ҳақида гап бошласангиз, тоғлик сўзингизни бўлади:

– У одам, бу айбини кечириниш мумкин.

Тоғликлар ҳамма нарса очилиб-сочилиб ётган, тартиб йўқ овулдан ўтганда дейишади:

– Бу ерда одам йўк экан.

Саранжом-саришта овулдан ўтишганда, чехраси ёришиб таъкидлашади:

– Бу ерда одамлар яшайди!

Одам – ҳаётнинг биринчи шарти, бебаҳо неъмат ва буюк мўъжизаси. Доғистонда одам қачон ва қандай пайдо бўлган, тоғликларнинг илк аجدодлари кимлар? Бу ҳақда жуда кўп ҳикоят, эртақ ва афсоналар бор. Мана шу ҳикоятни ҳам болалигимда эшитгандим.

Ерда турли ҳайвон ва қушлар яшарди. Уларнинг излари тупроқ ва қумда қоларди, лекин одамнинг изи кўринмасди. Турли томондан мавжудотлар овози тараларди, фақат одамнинг овози эшитилмасди. Ўша пайтларда ер тилсиз оғизга, юраксиз кўкрак қафасига ўхшарди.

Бир куни осмонда кучли ва бардошли бўлган қушлар подшоси – бургут учарди. Тўсатдан осмонни оппоқ булут қоплаб қалин қор ёғди. Ҳаммаёқ оппоқ, қаерда осмон, қаерда ер эканлигини билиб бўлмасди. Шу вақтда қанотлари қиличдай, тумшуғи ханжардай бургут уясига қайтарди.

Бургут қандай баландликда учаётганини унутдим, ё нимагадир алаҳсидими, бориб қояга урилди. Аварлар бу воқеа Гуниб тоғида, лаклар Турчитоғда, лезгинлар Шохтоғда рўй берган дейишади. Аммо воқеа қаерда юз бермасин, қоя бу қоя, бургут эса бургутдир. Ахир, бежиз айтишмаган: «Тошни қушга ур, қуш ўлади, қушни тошга ур, қуш ўлади».

Қояга урилиб қулаб тушган бургут ўлмади. Қиличдай қанотлари синганди, лекин юраги урарди, ўткир тумшуғи ва темир панжаларига зарар етмаганди.

Бургут яшаш учун курашди, қанотсиз овқат топиши, душманларидан химояланиши қийин бўлди. У тошлардан тошларга гирмашиб, ўзи уя қурган қояга кун сайин кўтарилди бошлади. Ўша юксакликдан яна атрофни кўргиси келарди.

Унинг юксакликка кўтарилиши, уясини қайтадан қуриши, ҳар кун овқат топиши ва жонзодлардан химояланиши осон бўлмади. Бу қийин ишларни бажариш чоғида мушаклари ҳам, ташки қиёфаси ҳам ўзгарди. Қанотсиз бургут уясини қуриб бўлиб қараса у уй экан, ўзи эса тоғлик одамга айланибди.

У оёқларида тик турди, синган қанотлари ўрнида қўлларни кўрди. Тумшуғининг устки қисмидан бурун (тўғри, сал каттароқ), пастки қисмидан тоғликлар ҳозир ҳам тақиб юрадиган ханжар пайдо бўлибди. Ўтган даврда ташки қиёфаси тамоман ўзгарганди, фақат юраги асл ҳолида – бургут юраклигича қолганди.

– Ўғлим, ёдингда сакла! – дея қўшимча қилди онам ҳикоятни тамомлар экан. – Бургут тоғлик бўлиши учун қанча қийинчиликларни бошидан кечирган. Сен бунинг кадрига етишинг керак.

Шундай бўлганми ё йўк, бунинг билмайман, аммо шу нарса аниқ: тоғликлар учун қанотли дўстлар ичида энг аълоси бургутдир. Бизда яхши, ботир одамлар бургутга қиёсланди. Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, ота фахр билан уйимда бургут

туғилди деб эълон қилади. Агар киз айтилган вазифани бажариб қайтса, она уни бургутим учиб бориб келди дея эркалайди.

Иккинчи жаҳон урушида қахрамонлик кўрсатган доғистонликлар ҳақида китоб ёзилди, у «Тоғлик бургутлар» деб номланди.

Уйларнинг эшикларига, бешикларига, ханжарларга бургут тасвири нақшланади.

Бизда бу ҳақда бошқа афсоналар ҳам бор. Уларда ота олисларда шаҳид кетган ўғлини ёки ўғил отасини эслаганда, тоғлик бургутдан эмас, аксинча, бургутлар тоғликлардан пайдо бўлган деб ўйлашади.

*– Тоғлар узра баланд учган бургутлар,
Айтинг, сиз кимларнинг орзу-тилагига?
– Шаҳид бўлди қанча тоғлик йигитлар,
Биз уларнинг қанот қоққан юраги.*

*– Айтинг, сиз кимларга орзу эдингиз,
Кўкда порлаётган ёрқин юлдузлар?
– Мард йигитлар, бунча эрта кетдингиз,
Биз сизларни эслаб йиғлаган кўзлар.*

Шу боис доғистонликлар кўкка меҳр ва умид билан тикилишади. Улар учиб кетаётган кушларга меҳр кўзлари билан қарашади. Тоғликлар мусаффо осмонни яхши кўришади.

Эсимда, 1942 йилда фельдмаршал Клейст бошчилигидаги фашистлар қўшини Кавказнинг бир нечта тепаликларини босиб олди. Бомбардимончи самолётлар ёрдамида Грознийдаги нефть заводи портлатилди. Шаҳардан кўтарилган тутун Доғистон тоғларидан кўриниб турарди.

Ўша кунларда Грознийда Кавказда яшовчи халқлар ёшларининг йигини бўлди. Доғистон делегацияси таркибида мен ҳам бор эдим. Йиғинда уруш Қахрамони, лезгин Валентин Эмиров ҳам нутқ сўзлади. Унинг сўзлари ҳеч эсимдан чиқмайди. У хайрлашар экан кўзларини осмонга тикиб шундай деганди:

– Парвозга шошиляпман. Мен ердан кўра осмонда кўпроқ керакман.

Икки ҳафтадан кейин унинг ҳалок бўлгани ҳақида хабар эшитдик. Доғистоннинг ботир фарзанди самолёти билан бирга ёниб кетибди. Энди осмонда бургут парвоз этаётганини кўрганимда, унинг киркирашини эшитганимда, биламанки, унда Валентин Эмировнинг кайнок юраги урапти.

1945 йил, Москва. Биз ҳар куни Доғистон ваколатхонасига Маҳачқалъа даги янгилликларни билиш учун борардик. Шу вақтда республика ташкил этилганининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриларди. Бир куни ваколатхонада Наби Аминтоевни учратдим. Доғистонда уни билмайдиган киши топилмаса керак.

Камтарин лак йигити кўп бор парашютада душман эгаллаган ҳудудга сакраган ва топширилган вазифани беками-кўст бажариб соғ-омон қайтган.

– Уруш тугади, энди Доғистонга қайтасизми? – деб сўрадим ундан.

– Осмон жойида турибдику! – дея жавоб берди у.

Бир неча кундан кейин «Правда» газетасида унинг сурати чоп этилди. Сурати ёнига шундай сўзлар ёзилганди: «Наби Аминтоев – парашютада сакраш бўйича жаҳон рекордчиси. Аминтоев ўз рекордини Доғистонга бағишлади».

Бир неча кундан кейин яна Наби билан учрашиб қолдик.

– Доғистонга кетдик, – дедим мен.

– Осмон кутаяпти, мен осмонсиз яшай олмайман, – деди у.

Аммо умр ўткинчи. Бир куни Набининг парашюти очилмай қолиб, ўша каноти синган бургут каби ерга қулаб тушибди ва ҳалок бўлибди. Бу фожиага ҳам кўп бўлди, лекин ҳар гал осмонда бургут учаётганини кўрганимда, киркирашини эшитганимда бургутда Наби Аминтоевнинг қайноқ юраги урапти деб ўйлайман.

Гўзал Резедани ҳамон эслайман. Гўё бу гўзал осмондан Гуниб тоғига тушганди. Унинг деразаси тагида қанча пандурлар нола қилмади дейсиз? Унга шеър бағишламаган бирор ёш шоир қолмаган бўлса керак. Бўйноқ шаҳридаги ғиштли кичкина уйнинг деразасига қимлар кўзини тикмади? Хунзахда, Қўмиқда, Гунибда эр йигитлар узун сочли бу гўзални ўғирлаш учун отларини эгарлашди. Аммо Нева бўйидаги шаҳардан келган бир йигит бизнинг Резедамизни самолётда олиб кетди. У осмондан ерда қолган ошиқларига рўмолини силқитди. Шоирларимиз оғзини очганча қолаверишди, кейин қабутарни олиб кетган бургут ҳақида шеърлар ёзишди...

Резеда борган Нева бўйидаги шаҳар уруш вақтида қамалда қолди. У ўша кунлар ҳақида ён дафтарига шундай сўзларни ёзибди: «Бу шаҳарнинг нафақат оидин кечалари, ҳатто ёруғ қундузлари ҳам зимистонга айланди. Шаҳар ўт ичида қолди. Бу ўтда мен ҳам қуйқоқман. Аланга ва тутун орасидан осмонга умид билан қарайман. Аммо осмонда ҳам уруш. Менинг эрим Сеид бир неча марта душман эгаллаган ҳудудга бориб эсон-омон қайтди. Энди эса унинг тирик қолмагани тўғрисида учта қора хат олдим. У десантчи эди. Уйимизга у қутқарган одамлар ҳол-аҳвол сўрагани келиб туришади»

Резеда Доғистонга қайтди. Энди осмонда бургут учаётганини кўрганда, унда Сеиднинг қайноқ юраги урапти деб ўйлайди.

Менинг акам Ахильчи... Ердагиларга зарур бўлган қасбни эгаллаш учун қишлоқ хўжалиги институтида ўқирди. У урушда осмонни танлади, учувчи бўлди. Қора денгиз осмонида ҳалок бўлганини эшитдик. Эндигина йигирма икки ёшга кирганди. Биламан, акам ҳеч қачон уйимизга қайтиб келмайди. Аммо ҳар гал тепамдан бургут киркираб учиб ўтганда, Ахильчи акамнинг қайноқ юраги менга салом йўллаяпти деб ўйлайман.

Доғистон осмонида бургутлар учаяпти. Улар жуда кўп. Ахир, жуда кўп ботирларимиз Ватан учун жонларини қурбон қилишди. Энди ҳар бир бургут киркираши

бирон қахрамонлик, мардликни ёдимизга солади. Ҳа, бургутлар киркираши тепамизда жанговар кўшик бўлиб янграйди.

Биламан, бу ажойиб афсона тўқилган. Чунки одамлар шундай бўлишини хошлашади. Аммо бир андлик киши, бу ҳақда жуда ҳам чиройли фикр айтганди:

– Имкони бўлса эди, қанча бургутлар одам бўлиш учун ерга тушишарди. Сен ҳам хаволанмай пастга туш. Ҳамма одамлар ерда туғилган. Тоғлик одамнинг тоғлик дейилишининг сабаби, у тоғ фарзанди, ер фарзанди. Майли, афсона ва кўшикларда одамлар учишсин. Бизда ўзи «учмоқ» сўзини айтишни яхши кўришади. Чавандоз от чоптирса учади. Кўшиклар баланд учади. Шу боис кўшикларимизнинг кўпчилиги бургутлар ҳақида.

Мени ҳам шеърларимда бургут сўзини кўп ишлатганим учун танкид қилишади. Нима қилай, менга бошқа қушлардан кўра бургут кўпроқ ёқади. Негаки, бургутлар баландроқ ва узокроқ учишади, бошқа қушлар эса уяси, ёки ҳовли атрофида айланади. Бургутларнинг киркираши ҳам баланд, узок-узокларга кетади. Бошқа қушлар кунлар совуши билан Доғистондан юз буриб, иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Бургутлар эса об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, ўқлар овози қанча безовта қилмасин, ўзлари севган тоғларни тарк этишмайди. Улар учун курортга борадиган жойлар йўқ. Бошқа қушлар ерга ёпишиб олишган, ёки томдан томга, мўридан мўрига, даладан далага учишади, холос. Бизда битта дарани қушлар дараси, битта баланд қояни бургут қоя дейишади.

Ҳар бир туғилган бола ҳали одам бўлиши учун кўп вақт керак. Бирок, ҳар бир учаётган қуш бургут эмас.

ТОҒЛИК БУРГУТЛАР

*Водиймизга тоғлар бешик ва тиргак,
Богларни тўлдирар қушлар навоси.
Уларга парвона учмоқда юксак,
Шеърларда қуйланган қушлар подшоши.*

*Бургутлар самода этишар парвоз.
Заминда кечади гоҳ ёз, гоҳ аёз.
Баланд қояларга қуришар ошён,
Ҳеч зог уясига етказмас зиён.*

*Қанотлари билан туманни кесиб,
Бири кўтарилди мовий осмонга.
Кейин тирноқларин эшакдай эшиб,
Гўё сузиб борар, қараб ҳар ёнга.*

*Бургутлар осмони-фалакда учар,
Соқчидай атрофни кўздан кечирар.
Бургутлар сояси тушгани замон.
Қаргалар қўрқишиб қочар ҳар томон.*

*Оқ чўққилар узра учган бургутга,
Болалик чоғимдан қарайман мудом.
Бугун ҳам юрагим тўлиб умидга,
Шеъримга бургутдан сўрадим илҳом.*

*Гоҳ чўққида мағрур соқчидай турар,
Гоҳо кўкка учиб кўриқлар сергак.
Шу боис ким мардлик кўрсатса азар,
Уни ҳам бургут деб шарафлар бешак.*

Японлар кушлар ичида турналарни яхши кўришади. Улар агар бемор мингта коғоз турна ясаса тузалиб кетади деб ишонишади. Парвоздаги турналарнинг, айникса, Фудзияма устидан учиб ўтаётган турналарнинг ҳолатига караб, одамларнинг шодлик ёки кайғу, висол ёки хижрон, бахт ёки кулфат кутиб тургани тўғрисида башорат қилишади.

Менга ҳам турналар ёқади. Лекин японлар мендан яхши кўрган кушим тўғрисида сўрашганда бургут деб жавоб бердим. Улар жавобимдан андак ранжишди.

Ўша кунлари Токиода ўтказилган кураш мусобакасида бизнинг полвонимиз Али Алиев жаҳон чемпиони бўлди. Шунда япониялик ҳамкасбим деди:

– Сизнинг бургутингиз чакки эмас, ажойиб куш экан!

Мен тоғликларга Туркия осмонида бургутлар ва лайлақлар галаси бир-бирига қарши уришгани ҳақида гапирдим. Бу уришда бургутлар енгилганини айтдим, тоғликлар сўзларимга ишонишмади ва мендан хафа бўлишди. Тўғрироғи, улар бургутлар енгилганига ишонишни исташмади.

– Расул, сен фикрингни нотўғри ифодаладинг, – деди ниҳоят бир тоғлик. – Бургутлар енгилмаган, балки ҳаммаси ҳалок бўлган. Ахир, енгилиш билан ҳалок бўлиш ўртасида катта фарқ бор.

Менинг икки бор уруш Қаҳрамони бўлган Аҳмедхон Султон деган дўстимнинг отаси доғистонлик лак, онаси татар. У Москвада яшайди. Уни доғистонликлар ҳам, татарлар ҳам ўз қаҳрамони деб ҳисоблашади.

– Кимнинг қаҳрамонисан? – деб сўрадим ундан.

– Мен фақат лакларга ёки татарларга тегишли қаҳрамон эмас, бутун мамлакат қаҳрамониман, – деди Аҳмедхон. – Мен ота-онам фарзандиман. Наҳотки уларни бир-биридан ажратиш мумкин бўлса. Мен – одамман!

Шомил бир куни котиби Магомед Тагир ал-Қарахийдан сўради:

– Доғистонда қанча одам яшайди?

Магомед Тагир ахолини рўйхатдан ўтказиш маълумотномасига қараб жавоб берди.

– Мен сендан ҳақиқий одамлар қанча эканлигини сўрадим, – деди ранжиб Шомил.

– Менда бундай маълумот йўқ, – деди котиб.

– Яқинда бўладиган жангда уларни санашни унутма, – деди имом.

Тоғликлар айтишади: «Одамнинг кимлиги етти нарсада билинади:

1. Кулфатда.

2. Шодликда.

3. Аёлга муносабатда.

4. Қилич тутишда.

5. Бойликда.

6. Ичкилик ичишда.

7. Ўзлигида».

Ҳа, одам ва озодлик, одам ва орият, одам ва мардлик сўзлари битта тушунча. Тоғликлар бургутлар икки қиёфали бўлишини тасаввур қила олишмайди. Улар қарғаларгина икки қиёфали бўлиши мумкин деб ҳисоблашади. Одам – бу факат атама эмас, бу унвон. унвон бўлганда ҳам жуда юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр интилиш керак.

Яқинда мен Ботлих овулида бир аёл мунофиқ эркак ҳақида шундай қўшиқ айтаётганини эшитиб қолдим:

*Сенда отга ўхшаш недир бор,
Сенда бордир қўйнинг феъли ҳам.
Гоҳ бўласан тулкидай айёр,
Сувга тушсанг бўласан наҳанг.
Қаргага ҳам ўхшаш недир бор,
Фақат айтгин, сенда борми ор?!*

Бошқа аёл мунофиқ эркак ҳақида шундай қўшиқ айтганини эшитганман:

*Бўласан деб чин турмуш ўртоқ,
Айтган эдим сенга дил сўзим.
Ишонганим экан пуч ёнғоқ,
Қатта йўлда қолдим бир ўзим.
Бугун аслинг билдим дафъатан,
Қўқсим тилка-пора қилди ўқ.
Сен чакмонсан ичида йўқ тан,
Ё бир бўрксан ичида бош йўқ.*

Ўзига куёв излаётган киз дардини дастурхон килди:

– Агар мен бўрк кийган кишини излаётганимда, аллақачон уни топардим. Агар мен мўйлов кўйган кишини излаганимда, аллақачон уни топардим. Мен ўзимга муносиб одам излаяпман.

Тоғликлар кўй сотиб олишаётганда думбасига, семизлигига, жунига қарашади. От сотиб олишаётганда тишига, оёқларига, гавдасига қарашади. Одамни қандай билиш мумкин? Қайси жихатига қараш керак? Унинг номигами, ё килган ишига? Дарвоқе, авар тилида «ном» сўзи икки маънода қўлланилади. Биринчиси, исм сифатида. Иккинчиси, одамнинг иши, хизмати, мардлиги учун олган номи сифатида. Оилада ўғил туғилганда шундай ният қилинади: «Цар бугеб, цар багаги». Яъни, «Исми билан ном қозонсин». Исмига мос иш қилинмаса, у сўзлигича қолади.

Онам айтарди: «Номдан улуг, ҳаётдан азиз нарса йўқ. Уларни қадрла!»
Май ичиладиган шохдаги ёзув:

*Дарвин ёзганидай: жуда ҳам узоқ,
Маймуннинг одамга айланиш йўли.
Ичувчи акс йўлни танлади бироқ,
Бир зумда маймунга айланди-қўйди.*

Шомил навкарлари билан Гуниб тоғида ҳимояланиб турганда, уларни енгишнинг ҳеч иложи топилмади. Аммо сотқин душманга махфий сўқмоқни кўрсатди. Князь Баратинский унга олтин тухфа қилди.

Ойлар ўтди, Шомил Калугага сургун қилингандан кейин ўша сотқин отаси уйига келди. Аммо отаси нафрат билан деди:

– Сен сотқинсан. Энди сен тоғлик ҳам, одам ҳам, ўғлим ҳам эмассан.

Ота шу сўзларни айтиб сотқинни ўлдирди, бошини олиб олтинлари билан бирга қоядан улоқтирди. У ўғлининг қилган номаъқул ишидан уялиб, одамлар кўзига кўринмай юрди, охири овулдан бош олиб кетди. Ҳеч ким унинг кейинги қисмати ҳақида бошқа гап эшитмади.

Абутолиб соатини тузатиш учун соатсоз устахонасига кирди. Уста бу вақтда хонада ўтирган йигитнинг соатини тузатаётганди.

– Ўтиринг, – деди соатсоз Абутолибга.

– Одамлар бор экан, бошқа сафар келарман. – дея қайрилмоқчи бўлди у.

– Сиз қайси одамни айтяпсиз? – дея ажабланди уста.

– Мана бу йигитни.

– Агар у одам бўлганида киришингиз билан туриб сизга жой берарди. Бу такасалтангнинг соати орқада қолса ҳам Доғистоннинг бирор иши битмай қолмайди. Лекин Доғистон учун сизнинг соатингиз тўғри юриши керак.

Кейинчалик Абутолиб шундай деганди: «Менга Доғистон халк шоири унвони берилганда ҳам соатсоз устахонасидагидай хурсанд бўлмаганман».

Бир куни Маҳач Дохадаев ўз армиясига кўнгилчиларни даъват этиш мақсадида овулга келди. Кўрдик, гурунг қуриладиган жойда икки эркак карта ўйнаб ўтирибди.

– Ассалому алайкум. Овулдаги эркаклар қаерда? Бориб уларни тўплаб келинглар.

– Овулда биздан бошқа эркаклар йўқ, – дейишди улар.

– Эркакларсиз овул бўлар эканми, қаерда улар?

– Жанг қилишяпти.

– Шундай демасизларми? Демак, овулда сиз иккингиздан бошқалар эркак экан.

Доғистонда ўттиздан ортик миллат яшайди. Бирок, айрим донишмандларнинг фикрича, Доғистонда фақат иккита одам бор.

– Нега шундай деяпсиз?

– Шундай! Бири яхши одам, иккинчиси ёмон одам.

– Агар шундай бўлса, – дея унинг фикрини тўлдирди бошқа донишманд, – Доғистонда фақат битта одам яшайди. Чунки ёмон одам асло одам эмас.

Кушинлик усталар бўрк тикишади. Аммо бири тиккан бўркини бошида кийиб юради, иккинчиси илгакка осик ҳолда сақлайди.

Амгузинлик темирчилар ханжар ясайди. Аммо бири ясаган ханжарини белида тақиб юради, иккинчиси ханжарни миҳга осиб қўяди.

Андилик усталар чакмон тикишади. Аммо бири тиккан чакмонини салкин-совук кунларда кийиб юради, иккинчиси чакмонини сандиққа ташлаб қўяди.

Одамлар ҳам шундай. Бири доим ҳаракатда – қўли ишда, куёшда қораяди, шамолни писанд қилмайди, иккинчиси эса ҳаракатсиз – чакмондай сандиқда, бўрқдай илгакда, ханжардай миҳда.

Гўё Доғистонни уч кекса донишманд кузатиб турибди. Улар кўп асрлар умр кўришган, улар кечмишига гувоҳ бўлишган ва ҳамма нарсани билишади. Бири қадим тарихи, эски қабристонлар ва учиб бораётган қушларга назар ташлаб дейди: «Доғистонда одамлар бор эди». Иккинчиси бугунги кунига назар ташлайди, Доғистон ўчоқларидаги оловларни кўрсатиб, қахрамонликларини номма-ном санаб дейди: «Доғистонда одамлар бор». Учинчиси биз қурган ва қураётган мустақкам пойдеворларга қараб, хаёлан келгуси йилларга назар ташлаб ишонч билан дейди: «Доғистонда одамлар бўлади».

Менинг ишончим қомил, учала кекса донишманд ҳам ҳақ!

Машҳур космонавт Андриян Николаев Доғистонга меҳмон бўлиб келди. У менинг уйимда ҳам меҳмон бўлди. Кичик кизим сўради:

– Доғистоннинг ўз космонавти йўқми?

– Йўқ, – дедим мен.

– Бўладими?

– Бўлади!

Чиндан ҳам Доғистоннинг ўз космонавтлари ҳам бўлади. Чунки болалар туғилляпти, уларга яхши ниятлар билан исм бераяпмиз, кундан кунга улғайишляпти, Ватанимиз билан бирга кадам ташляяпти. Ҳар кадам ташлаганда максад манзилларига яқинлашишляпти. Истайманки, ўзга жойдагилар Доғистон хақида биз саранжом-саришта овулни кўрганда айтадиган шу сўзларни айтишсин: «Бу жойда одамлар яшайди!»

ХАЛҚ

«Кани айт-чи, Америка биздан катта мамлакат эканми? Уларда аҳоли кўпми, ё бизда?» – дея сўрагани онам, 1959 йилда Америка сафаридан қайтиб келган кунимда.

Улар йиғлашади, ёш тўқмас бироқ,

Улар шодланишар қилмай байрамлар.

Улар кўз юмаркан чекишмас оҳ-воҳ,

Ана шундай яшар тоғлик одамлар.

Тун оғушида овул уйкуга чўмган, балки ёмғир ёғаяпти, балки осмон очикдир, кимдир деразани тақиллатади:

– Бу уйда эркак борми? Отингни эгарла.

– Сен кимсан?

– Агар кимлигимни сўрасанг уйингда қол. Барибир сендан фойда йўқ.

Бошка тунда дераза тақиллайди:

– Бу уйда эркак борми? Отингни эгарла.

– Қаёққа, нимага?

– Агар қаёққа, нимага деб сўрайдиган бўлсанг уйингда қол. Барибир сендан фойда йўқ.

Учинчи бор дераза тақиллайди:

– Бу уйда эркак борми? Отингни эгарла.

– Ҳозир, мен тайёрман.

Мана бу эркак, мана бу тоғлик! Иккаласи йўлда давом этишади. Яна деразалар тақиллайди: «Бу уйда эркак борми? Отингни эгарла». Энди улар иккита эмас, учта, ўнта, юзта, мингта. Бургутнинг ёнига бургут учиб келди. Одамнинг орқасидан одам эргашди. Доғистон халқи шундай пайдо бўлган. Дараларда шамол беланчакларни тебратди, тоғ дарёлари эса алла айтди:

– Сен қаёнда, Динғир-Данғарча?

– Мен ўрмонда, Динғир-Данғарча.

Оилада ўғил туғилса, ёстиги тагига ханжар қўйилади. Ханжарда шундай ёзув битилган: «Отангининг бакувват қўлида сира титрамаганман, сенинг қўлинг ҳам шундай ушласин».

Оилада қиз туғилса, беланчагига кўнғирокча осилади. Унда шундай ёзув битилган: «Етти ака-укага опа бўл».

Дараларда у қоядан бу қояга тортилган аргамчилар тебранади. Ўғиллар улғайяпти, кизлар улғайяпти. Доғистон халки ҳам улғайди, сабза урган мўйлови ҳам ўсиб қолди. Энди бураш мумкин.

Нихоят, Доғистон халки бир миллион юз мингга етди. Овозаси тоғлардан ошди, боскинчилар қулоғига етиб ичини куйдирди, ёвуз қўллари Доғистон томон чўзилди.

Доғистонликлар уларга айтишди: «Бизни тинч қўйинглар, уйимизда ота-онамиз, оиламиз билан хотиржам яшайлик. Ўзи шундай ҳам камчиликмиз».

Душманлар устидан қулишди: «Агар кам бўлсангизлар, ҳар бирингизни бўлак-бўлак қилиб чопамиз, шунда кўпаясизлар».

Уруш бошланди.

Доғистон олов, тутун ичида қолди. Тоғлар бағрида, дараларда, қояларда юз минг мард ўғлони ҳалок бўлди.

Аммо Доғистоннинг миллион нафар халки соғ-омон қолди. Яна шамоллар беланчақларни тебратди, тоғ дарёлари алла айтди. Яна Доғистонда юз минг ўғил дунёга келиб улғайди. Уларга шаҳид кетган қахрамонлар номлари берилди. Шунда Доғистонга араблар бостириб келди.

Катта жанг бошланди, шовкин-сурони тоғларни тутди. Узилган бошлар тошлардай тоғларда думалади. Доғистоннинг юз минг мард ўғлони ҳалок бўлди. Улар юз минг навкар, юз минг меҳнатқаш, юз минг куёв, юз минг ота эди. Аммо бир миллион халқи соғ-омон қолди. Беланчақлар тебранишдан тўхтамади, аллалар овози тинмади.

– Сен қаёнда, Динғир-Данғарча?

– Мен ўрмонда, Динғир-Данғарча.

Яна Доғистонда юз минг одам улғайди. Шунда Эрон шоҳларининг шоҳи Нодиршоҳ Доғистонга юриш бошлади. У бутун дунёни эгалламоқчи, Доғистонни бир ҳамлада йўқ қилмоқчи эди: «Бир пуфлаб чангдай учириб юбораман». Сайхонликда чодир тиктирди. «Нахотки бу сичконлар менинг мушукларимга қарши жанг қилишмоқчи?» – деди у жанг олдидан киноя билан. Аммо у жанг тугагандан кейин шундай деди: «Мен барча аскарларимни уларнинг биргина Муртазали ботирига алмашардим». Нодиршоҳ жуда кўп чиройли гапларни айтган. Аммо ҳўқизнинг зўрлигини пишқирганига қараб эмас, омонга қўшиб ер ҳайдаганда билишади. Тоғликлар ўзини шоҳларнинг шоҳи деб атаган Нодиршоҳ аскарларига қарши Чох водийсида беаёв жанг олиб боришди, қон дарё бўлиб оқди. Охири тоғликлар ғаним қарор-

гоҳининг кулини кўкка совурди. Кейин Эронда эл оғзида шундай гап пайдо бўлди: «Агар шох аҳмоқ бўлса, Доғистонга юриш килади».

Мен Техронда бўлганимда Нодиршоҳнинг Ҳиндистондан келтирган олтин тожини кўрганман. Унинг бошқа ўлкалардан келтирган ўлжаларини, қайрилган қиличини кўздан кесчирганман.

– Мана шу кичкинагина қайрилган қилич билан ярим дунёни қўлга киритган ва кўркувда ушлаб турган, – дейишди менга эронлик дўстларим.

– Аммо унинг қўли кичкинагина Доғистонга етмаган, – дедим мен.

Машҳаддаги Нодиршоҳ музейи деворларига Эрон шоирларининг мадҳиялари ёзиб қўйилган. Аммо доғистонликлар уч юз йилдирки, у шох ҳақидаги қўшиқни айтишади:

*Орқага қарамай қочиб сақланг жон,
Майлига, сиз билан кетсин ёмонлик.
Қандай қочганингиз этингиз баён,
Шу боис биз сизга бердик омонлик.*

Эронликлар Нодиршоҳ тарқок халқни бирлаштириб қудратли Эрон давлатини тузганини эътироф этишади. Эҳтимол, шундай ишни бажаргандир. Аммо мен бу сўзларга шундай қўшимча қилмоқчиман: «У тарқок Доғистон халқининг бирлашишига сабабчи бўлди. Босқинчи ёвга нисбатан чексиз нафрат уларни янада жипслаштирди».

Шоҳга қарши жангларда Доғистон ўзининг юз минг ботир ўғлонидан айрилди. Тинч халқнинг чўпонлари, овчилари, деҳқонлари, тоштарошлари, наққошлари, шоирлари бевақт ҳалок бўлишди.

Аммо куллуғ заминда яна бир миллион халқ соғ-омон қолди. Яна йигитлар ўз севгилиларини отларида олиб қочишди, чакмон остида исинишиб, бир умр бирга бўлишга аҳд-паймон қилишди. Яна беланчақлар тебранди, аллалар қуйланди. Доғистонликлар сафига яна юз минг ўғил-қиз қўшилди, юз минг ўроқ, ханжар, пандур, доира ясалди.

Шунда яна уруш бошланди. Дараларни, тоғ сўкмоқларини замбараклар овози титратди. Ўрмонда, тоғ ён бағирларида болта товуши тинмайди. Милтиқлар найзалари ялтиради, ўқлар қулоқлар тагида визиллади.

*Уралдан Дунайга қадар,
Чўзилган катта лашкар.
Саф тортиб борар аскар,
Гоҳ чопар, гоҳ ҳансирар.
Чўлдаги туя мисол,*

*Чайқалар бари беҳол.
Суворийлар от солар,
Изларида чанг қолар.
Жанговар гуруҳ илдам,
Олдинроқда ташлар қадам.
Ҳилтирар қўлида байроқ,
Ногора янграр гоҳ-гоҳ.
Одимлар саф-саф аскар,
Гоҳида қўшиқ айтар.
Чалинса пуфлама соз.
Бари бўлар жўр овоз.
Бу жанговар кайфият,
Машқда тобланган гоят.
Олдинда борар жадал,
Оптоқ сочли генерал.
Селдай тошар зўр қўшин,
Атрофни тутар шовқин.
Улар борар Шарқ сари,
Қора булут сингари.
Ёмон ўй ўнг-тушида,
Разиллик ҳар ишида.
Казбек солиб қовогин,
Олар ёвнинг саногин.*

Ҳа, ғаним қўшинининг саногига етиш кийин эди. Қўшиқларимизда куйлангандай, ҳар бир тоғлик юз ғанимга қарши жангга чиқди. «Кўлимизни кесишса, иккинчи кўлимиз қилич тутди, бошимизни кесишса, танамиз жангни давом эттирди, – дейишган кекса жангчилар ўша уруш хотираларини сўзлашганда. – Ўлган отлар билан дара ва сўқмоқларни тўсдик, тошлар устидан милтик найзалари тик кўтарилса ҳам ташландик. Бизга ғанимлар айтишарди: қаршилиқ бефойда, қон тўкишни тўхтатинг. Қаёққа ҳам қочиб кетардингиз? Қанотларингиз йўқ, осмонга учолмайсиз, темир тирноқларингиз йўқ, ерга қовлаб киролмайсиз».

Аммо Шомил қатъий жавоб қайтарди:

– Менга қилич – қанот, ханжар-ўқларим – темир тирноқ.

Тоғлиқлар Шомил бошчилигида йнгирма беш йил ёвга қарши курашди. Ўша йиллар нафақат Доғистоннинг ташки кўриниши, балки жойларининг номлари ҳам ўзгарди. Авар-Қайсу дарёси Қора-Қайсу, яъни «қора дарё» деб аталди. Ярадор тошлар, Ажал дарёси каби номлар пайдо бўлди. Валерик дарёси машхур бўлиб кетди. Шомил сўқмоғи, Шомил йўли, Шомил ракси каби атамалар халқ қалбидан жой олди.

Гуниб тоғидаги жанг урушнинг мотам гулчамбари бўлиб қолди. Унинг чўккисида имом намоз амалини бажаришга киришди. Ҳавога қўлини чўзганда, қўлига ўк келиб тегди. Аммо Шомил ҳеч нарса бўлмагандай намозни давом эттирди. Қўлидан қон тиззасига, у чўккалаган тошга окди. Барибир у намозини охириги ракаатигача ўкиди. Имом ўрнидан турганда, ноиблар сўрашди:

– Имом, яраландингизми?

– Бу жароҳат ҳеч нарса эмас, битиб кетади, – дея имом ўт-ўлан юлиб олиб қўларидоги қонни артди. – Доғистон кўксидан қон окмоқда. Аввал унинг жароҳатини тузатишни ўйлашимиз керак.

Мана шу оғир дакикаларда имом мангу уйкуда ётган ўзининг содиқ сафдошларини руҳларини ёрдамга чақирди. Улар Ахульго, Хунзах, Салти, Дарго овуллари учун бўлган беаёв жангларда ҳаёт билан видолашди. Жасадлари Гергебели кабристони, тошлар орасига дафн этилди.

У ўзининг пири имом Қози Муҳаммадни, қуролдош дўстлари Ҳожимурод, Алибекилав, Ахбердилашни ва барча ботирларни эсга олди. Қайси бири бошсиз, қайси бири юраги тилка пора бўлган ҳолда Доғистон тупроғида ухлаб ётишибди. Уруш – ўлим дегани. Яна Доғистоннинг юз минг сара ўғлони ҳаётдан кўз юмди.

Шомил улкан Россия йўллари бўйлаб олиб кетилаётганда шу сўзларни кўп бора такрорлади:

– Доғистон кичкина, халқимиз кам. Агар ихтиёримда яна мингта қилич тутадиган аскар бўлганда борми...

Гуниб тоғи юқорисида шундай ёзувли тош сақлаиб қолган: «Бу тошда князь Баратинский ўтириб, асир тушган Шомил билан суҳбатлашган».

– Сенинг барча саъй-ҳаракатинг, олиб борган қурашинг бефойда бўлди, – дейди Баратинский ўз асирига.

– Йўқ, беиз кетмайди, – деди Шомил ишонч билан. – Бу қураш ҳақидаги хотиралар халқнинг қалбида яшайди. Бизнинг озодлик қурашимиз қасос ўтида ёнган кишиларни биродарлаштирди, ўзаро жанжаллашиб юрган овуллари бирлаштирди. Бу ҳазилакам иш эмас – улуг иш!

Мен отамдан бир кун сўрадим:

– Нега араблар, Нодиршоҳ ва бошқалар қон тўкиш, ёвузлик ва нафрат уруғини сочиш учун ўлкамизга келишган? Эркалашни билмайдиган, тиш кайрайдиган бўри боласидай кичкина Доғистон уларга керакмиди?

– Мен сенга бир бадавлат киши ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб берай. У жуда бой эди. Бир кун тепаликка чиқиб қаради. Тоғ этагидан денгизгача бўлган жойда қўйлари ўтлаб юрганини кўрди. Қўзичоқларининг маъраши осмони фалакни тутарди. Қорамол, отларининг ҳам ҳисобига етиб бўлмасди. Бойнинг юраги севинчга тўлди: кўзга кўринган ер унинг ери, шу ерда ўтлаётган чорва унинг чорваси.

Шунда бойнинг кўзи қўй-қўзи ўтламаётган кичкина жойга тушиб қолди. Унинг юраги биров ханжар санчгандай оғриди, жажли чиқиб ғазаб билан бакирди: «Қаранглар, мана бу жуни тўкилган терига ўхшаш жойни кўряписизларми? Наҳотки менинг қўй-қўзиларим шу жойни тўлдириш учун етмаса? Дарҳол отарни ўша томонга ҳайданглар».

Отам Шомил ҳақидаги ҳикоятларни сўзлашни ёқтирарди. У Шомилнинг баҳайбат қароқчини қандай қилиб ўлдиргани тўғрисидаги ҳикоятни бир неча бор айтиб берганди.

Кунлардан бир кун имом муридлари билан битта овулга келибди. Овул оксоқоллари уни хушламай кутиб олишиб, эътирозларини юзига айтишибди:

– Уруш жонимизга теғди. Биз хотиржам яшашни истаймиз. Агар сен бўлмаганинга аллақачон бир битимга келган бўлар эдик.

– Эй, тоғлиқлар, ўзи сизларга нима бўлган? – деди Шомил. – Доғистоннинг туз-нонини еб, унинг душманига хизмат қилмоқчимисизлар? Мен сизнинг тинчлигингиз, хотиржамлигингизни бузаяпманми? Аксинча, мен сизнинг тинчлигингиз, хотиржамлигингизни кўриқлаяпман-ку!

– Имом, биз ҳам доғистонликмиз, кўр эмасмиз, кўриб турибмиз. Бу уруш Доғистонга ҳеч нарса бермади ва бермайди ҳам. Фақат қайсарлик қилавериш билан узокка бориб бўлмайди.

– Сиз доғистонликмисизлар? Тўғри, Доғистонда истиқомат қиласизлар, лекин куён юраксизлар. Доғистон кўксидан қон оқаётган вақтда уйингизда тинч ухламоқчимисизлар? Қани дарвозани очинглар! Йўқса, дарвозани қиличларимиз билан бузиб қирамиз.

Овул оксоқоллари имом билан узок музокара қилишди. Ниҳоят, уни ҳурматли меҳмон каби кутиб олишди. Шомил уларга овулдаги бирор одамни ўлдирмасликка, эски гиналарни эсламасликка сўз берди. Имом ўзининг кадрдон дўсти уйига тушди ва овул оксоқоллари билан музокарани давом эттирди.

Бу вақтда овул яқинида пайдо бўлган бўйи икки метрдан балинд, кўрқинчли қароқчи ҳаммининг тинчлигини буза бошлади. У тўғри келган одамнинг уйига боштириб кириб, донини, молини, отини оларди, қаршилик кўрсатганларни аямай ўлдирирди. Унинг учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ эди.

Шунда овул оксоқоллари имомга илтимос билан мурожаат қилишди:

– Имом, бизни шу қароқчидан қутқаринг.

– Мен уни нима қилишим керак?

– Ўлдириб, тутиб олиб ўлдириб. У қасофат фақат ўлимга лойик.

– Мен жамоат олдида бу овулда ҳеч қимни ўлдирмасликка сўз бердим. Ваъдамни бажаришим шарт.

– Имом, бир иложини топинг. Бизни бу қасофатдан халос қилинг.

Бир неча кундан кейин Шомилнинг муридлари пайт пойлаб қароқчинини асир олишди ва келтириб ертўлага қамаб қўйишди. Қароқчининг қилган жиноятига яра-

ша жазо бериш учун оксоқоллар тўпланишиб ҳукм чиқаришди: қароқчининг икки кўзи ўйиб олиниб, яна ертўлага қамалди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бир кечаси тонгга яқин имом ётган хонада тарақлаган овоз эшитилди. Сергак имом ўрнидан сакраб туриб, атрофга каради. Қаршисида эшикни болта билан синдириб очган девдай киши сўқиниб, тишларини гижирлатиб бостириб келарди. Имом билдики, қароқчи қандайдир йўл билан ертўладан чиққан ва қасос олиш учун хонага бостириб кирган.

Баҳайбат қароқчи бир қўлида ханжар, иккинчисидан болта ушлаганди. Имом ҳам қўлига ханжарини олди, муридларини ёрдамга чақирди. Лекин қароқчи уйга кириши билан уларни чопиб ташлаганди. Овул уйкуда. Имом чақирғига ҳеч ким жавоб бермади.

Имом чекинар экан, қароқчига ташланиш учун қулай фурсат кута бошлади. Қароқчи ханжари ва болтасини ҳар томонга сирпаб, хонани остин-устун қилиб ташлади.

– Қаердасан, эй китобларда мақталган ботир? – дея бақирди қароқчи. – Қаёққа бекиниб олдинг? Қани, келиб мени ўлдир, қўлларимни боғла, кўзларимни ўйдир.

– Мен шу ердаман! – дея имом каттик бақирди ва дарҳол ўзини четга олди.

Қароқчи ўша томонга болтани улоқтирди. Болта бир сония илгари Шомил турган жойдаги деворга санчилди. Шу пайт Шомил қароқчига ташланди. Қароқчи кучли ва ғазабга минганди. У Шомилни у томон-бу томонга силтаб улоқтиришга ва ханжари билан жароҳатлашга уринарди. Бироқ имомнинг чаптастлиги уни оғир жароҳатлардан сақларди. Улар ўртасидаги аёвсиз жанг икки соатча давом этди. Ниҳоят, қароқчи имомни каттиқ ушлаб боши узра кўтарди. Нияти полга уриб имомнинг бошини ёриш эди. Аммо ҳавога кўтарилаётган вақтда Шомил ханжарини қароқчининг боши-гавдасига санчишга улгурди. Фишдан қилинган минорага ўхшаб қароқчи гурсиллаб йиқилди. Эрталаб одамлар иккаласининг ҳам қонга бўялган ҳолда қимир этмай ётганини кўришди. Ўша тундаги олишувда Шомил етти жойидан яраланган экан. У яна бир ой овулда қолиб даволанди.

Шомилнинг баҳайбат қароқчига қарши кураши унинг тоғларда олиб борган жанг тактикасига ўхшаб кетади. Чунки душман аскарлари тоғларда худди кўр қароқчига ўхшаб ҳаракатланишарди. Олдан берилган зарбаларга чап бериб, Шомил навқарлари билан қўққисдан душманнинг орқасидан, ёки ёнидан ҳужум қиларди.

Шубҳасиз, ҳар бир тоғлик қалбида Шомилнинг ўзига хос тимсоли яшайди.

Мен ҳам уни ўзимча тасаввур қиламан.

Хаёлимда ёшлик чоғи гавдаланади. У Ахульго овулидаги ясси тошга тиз чўққан, Қайсу сувига ювган қўлларини қўққа чўзган. Енги шимарилган, лаблари пириллаб ибодат қилаяпти.

Хаёлимда кексалик даври гавдаланади. У Каспий денгизи соҳилида тиз чўқиб, Доғистон билан видолашаёпти. Энди у ок подшонинг асири. Тош устига чиқиб Ка-

спий денгизи тўлқинларига ғамгин назар ташлади, лаблари секингина пичирлади: «Алвидо». Айтишларича, ўша кезде унинг юзида томчи сув думалаганини кўришган. Албатта, бу кўз ёш эмас. Чунки Шомил ҳеч қачон йиғламаган. Бу унинг юзига урилган денгизнинг нам ҳавоси бўлса керак.

Гоҳо отам ҳикоятини эсга олганимда Шомил кўз олдимда яққол гавдаланади: овулдаги кичкина хонада ғазабга минган баҳайбат қароқчи билан яккама-якка олишув ва ғалаба.

Шомил ва Ҳожимурод гоҳ инок, гоҳ низода яшашарди. Уларнинг муносабатлари ҳақида кўплаб ҳикоят ва афсоналар тўқилган.

Бир жангда Шомил навқарлари билан қуршовда қолади, қамални ёриб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Шунда кекса имом Ҳожимуродни олдига чақириб дейди: «Қутилиб чиқишнинг чорасини топ».

Ҳожимурод оғир вазифани зиммасига олар экан шарт қўйди: имом атрофидаги иғвогар, оғмачи ёрдамчиларини ҳайдаши лозим. Имом ваъда берди.

Чиндан ҳам Ҳожимурод қопқондан чиқиб кетиш йўлини топди. Ўз навбатида имом ҳам ваъдасини бажарди.

Аммо икки ой ҳам ўтмасдан яна имом атрофида оғмачи ноиблар, иғвогар ёрдамчилар, бировнинг ютуғини кўра олмайдиган мулозимлар, ўзининг кичкинагина манфаатини халқ манфаатидан устун кўядиган кимсалар гирдиқапалак бўла бошлади.

Кўп йиллар ўтиб, тўғрироғи, Шомил Калугада сургунда бўлган чоғида бу кимсалар ҳақида шундай деганди: «Мўйлов-сокол орасидаги оғиздан шунча ёлғон гап чиқади деб сира ўйламаган эканман. Мен узок йиллик курашда кўп хатоларга йўл қўйдим, улар охиригача ҳақиқатгўй бўлиб қолмаганим туфайли келиб чиқди».

Шомил Ҳожимуроднинг хизматларини муносиб тақдирлаб, Хайдак ва Табасаран овулларига ноиб қилиб жўнатди. У ўйладики, Ҳожимурод юксак эътиқодига содиқ қолган ҳолда бу овулларда тартиб ўрнатади ва одамларни озодлик курашига сафарбар этади. Лекин у ноиблик курсида ўзига қамчи ва ғазаб оловини қурол қилди. Ким ҳақ-ҳуқуқидан сўз очса, унга муштини ўдағайлаб деди: «Мана бизнинг қонунимиз. Мен Хунзахдан чиққан Ҳожимуродман. Сенлар учун асосий қонун мана менман».

Ҳожимуроднинг қаттиққўллиги, зулми ҳақидаги гап-сўзлар Шомил қулоғига етди. У чопар жўнатиб ноибини ҳузурига чақирди. Ноиб катта ўлжа билан қайтди. Навқарлари моллар подасини, қўйлар сурувини, отлар уюрини олдиларига солиб ҳайдаб келишарди. Ҳожимуроднинг ўзи отининг эгарига ўғирланган гўзални ўнгариб олганди. Қайфияти чоғ ноиб мактов сўзларини эшитишга ва хушчакчаклик қилишга ўзини тайёрлаётганди.

– Ассалому алайкум, имом! – деди ноиб отидан тушар экан.

– Ваалайкум ассалом, ноиб! Хуш келибсан! Қандай яхши хабарлар билан келдинг.
– Курук қўл билан келганим йўқ. Кумуш тангалар. буюмлар, отар қўй, уюр от, чиройли гиламлар келтирдим. Табасаранликлар ажойиб гиламлар тўкишади.

– Гўзаллар ҳам бордир?

– Гўзал ҳам бор. Яна у қандай? Имом, мен уни сизга олиб келдим.

Бу вақтда навкарлар уларни диққат билан кузатишарди. Шунда Шомил бирдан кескин деди:

– Айт-чи, ноиб, мен бу гўзал билан жангга кира оламанми? Менга отар эмас, одамлар керак. Менга йилқи эмас, чавандозлар керак. Сен эса уларнинг мол-ҳолини ҳайдаб келибсан. Бу билан сен уларнинг юрагини яраладинг, биздан юз ўгиришига сабабчи бўлдинг. Ҳолбуки, улар бизга навкар бўлишиб, ярадорларнинг, шахид кетганларнинг ўрнини тўлдириши лозим эди. Энди уларнинг ўрнини ким босади? Агар ҳайдакликлар ва табасаранликлар бизга қўшилишганда Салти ва Гергебели овулларида бошимизга тушган қора қулар бошқа такрорланмасди. Қани ўзинг айт, доғистонлик бошқа доғистонликни хонавайрон қилиши мумкинми?

– Имом, улар гапимни тушунишни исташмади.

– Сен ўзинг уларнинг гапини, тилини тушунишга ҳаракат қилдингми? Агар уларни тушунишга ҳаракат қилганингда, камчингни ишлатмасдинг, ғазаб оловингни сочмасдинг. Билиб қўй, менинг ноибларим қароқчи эмас.

– Имом, мен Хунзахдан чиққан Ҳожимуродман.

– Мен Гимрадан чиққан Шомилман. Кебел Магомед Телетлидан, Гусайн эса Чиркейдан. Нима бўпти? Аварлар, хиндаляллар, қўмиқлар, лезгинлар, лаклар, сен талаган хайдаклар ва табасаранлар, хуллас, биз баримиз Доғистон фарзандларимиз. Биз бир-биримизни тушунишимиз керак. Ахир биз – битта қўлнинг панжаларимиз! Бу қўл забардаст муштга айланиши учун панжалар бир-бирига жипслашиши лозим. Ҳожимурод, мардлигинг учун сенга раҳмат. Бу фазилатинг учун таҳсинга лойиксан. Шу боис бошингга салла ўрагансан. Аммо сенинг ноиблигингдаги қилган ишингни сира оқлай олмайман.

– Имом, бошқалар шундай салла ўраб талончилик қилганда индамаган эдингиз. Энди эса барча калтак менинг бошимда синаяпти.

– Ҳожимурод, сен кимларни назарда тутаётганингни сезиб турибман. Сен Ахбердилава, ўғлим Қози Мухаммадга, ҳатто менинг ўзимга шама қилаяпсан. Мен биз билан бирга бўлишни истамаган ва ҳатто бизга хоинлик қилган хонларнинг мулкени тортиб олганман. Ахбердилава ҳам душманимизнинг бойлигини олиб келган. Йўқ, Ҳожимурод, ноиб учун доворак бўлиш ва ўтқир ханжар ушлаш камлик қилади. Яна унга яхши ишлайдиган бош ҳам керак.

Шомил ва Ҳожимурод ўртасида бундай кескин баҳслар тез-тез бўлиб турарди. Кейин бу гапларга қўшиб-чатишарди ва элга овоза бўларди. Охир-оқибат,

дув-дув гаплар улар ўртасига адоват солди ва улар ажралишди. Хожимурод Шомилни тарк этиб душман қўшинига қўшилди ва бошидан жудо бўлди. Жасади Нухга дафн этилди. Ибратли таксимот: боши душманда, тани Доғистонда. Унинг қисмати шу экан!

ХОЖИМУРОДНИНГ БОШИ

*Сокин бўлса ҳамки овул ҳавоси,
Қўлогимга келар жанглар садоси.
Кўраман, чопилган қон оққан бошни,
Думалаб кетаркан бўяйди тошни.*

*Қасос қиличини тошларга қайраб,
Тоғни макон этган ёвқур йиғитлар.
Улар ҳам яшаса бўларди яйраб,
Кавказ деб жон тикди содиқ муридлар.*

*Мен бошдан сўрайман чекканимча оҳ,
Айт, кимнинг бошисан, хабар бер менга?
Қандай мардликларга бўлгансан гувоҳ,
Ёвларнинг кўлига тушгансан нега?*

*Ундан келар овоз: «Бу тавба сўзим,
Ноиб Хожимурод боши бўламан.
Елкасидан учгач, очилди кўзим,
Хито қилганимни энди биламан.*

*Янглишдим, пешанам урилди тошга,
Қайсарлигим учун кечиргин, Худо...»
Қарайман, Ҳақ йўлдан адашган бошга,
Ғирром жангда тандан этилган жудо.*

*Йўл узоқ, сўқмоқ кўп –
кенг эрур дунё!
Ва лекин тоғларда тугилган эркак,
Тирикми, ўликми, унутманг асло,
Барибир шу тоққа қайтиши керак!*

Имомни Доғистондан олиб кетишди. Кейин Доғистон атрофига мисоли ши-
наклари бор бир девор қурилди. Шинаклардан тўп ва милтикларнинг учи кўри-
ниб турарди. Тўгри, улардан ўқ узилмасди, лекин кўзлаб туришидан шу сўзларни
укса бўларди: «Эй тоғлиқлар, жойларингда жим ўтиринглар, тўполон қилманглар,
шовқин солманглар».

*Тоғлиқ қабиланинг оғир тақдири,
Уларга қуш, жонзод, дарёлар сирдош.
Яшашар даранинг бўлиб асири,
Гўё ўлим кутар кўтаришса бош.*

«Ёввойилар жойи», – деган эди бир губернатор Доғистондан кетар экан. «Улар
ерда эмас, жар ёқасида яшашади», – деб ёзганди бошқаси. «Бу ёввойи қабила шу
жойга ортиқчалик қилаяпти», – деб ёзганди учинчиси.

Аммо ўша даврда Лермонтов, Добролюбов, Чернишевский, Бестужев-Мерлин-
ский, Пироговнинг Доғистон хақидаги илик сўзлари янгради. Ҳа, Россия подшолиги-
да тоғлиқлар қалбини тушунадиган ва Доғистон хақида ҳақ гапни айтадиган одамлар
бор эди. Фақат ўша вақтда тоғлиқлар уларнинг сўзларини тушуна олмас эди.

Шомил навкарлари фақат доғистонликлардан иборат эмасди. Улар орасида
1863 йилдаги кўзғолондан кейин Кавказда жон сақлаган руслар, поляклар ва бо-
шқа миллат вакиллари ҳам бор эди. Крепостнойлик зулмидан қочиб келган дехкон-
лар эса Шомил аскарларига қурол-аслаҳа тайёрларди. Айтишларича, Шомилни Ка-
лугадаги сургунлик даврида рус навкарлари кўргани боришган.

*Бу тоғларда сира эримас қор-муз,
Наҳот уни зулмат қоплайди ҳаргиз, –*

деб ёзганди Сулаймон Стальский туғилган юртига қараб.

«Доғистонни зулматда сақлаган кундан бошлаб, йилнинг барча ойлари ўттиз
бир кундан бўлиб қолди», – деб ёзганди отам.

«Тоғлар, биз битта ертўладамиз», – деб ёзганди Абутолиб.

«Бундай қайгудан тоғдаги такалар ҳам азоб чекади», – деб куйлаганди Анхил
Марин.

«Дунё бевафо экан, кимнинг овқати ёғли, гўштли бўлса ўшани макташади», –
дея қўл силтаганди Маҳмуд.

«Бахт ҳеч жойда йўқ экан!» – деган хулосага келганди дунёни кезиб келган ку-
бачинлик Аҳмед Мунги.

Аммо Ирчи Казак шундай ёзганди: «Доғистон эркаклари ҳамма жойда эркак
бўлиб қолишлари керак».

Батирай ўлими шундай сўзларни ёзган экан: «Ботир оиласида ҳеч қачон қўрқок ўғил дунёга келмасин».

Маҳмуд шундай қўшиқ куйлаганди:

*Тоғ такаси тунда адашса агар,
Ё ўғлини топар, ё жарга қулар.*

Бу ҳақда Абутолиб шундай деган: «Тез орада дунёда момоқалдирок гумбурлайди. Майли, у қаттиқроқ гумбурласин».

Вакт ўтиб момоқалдирок гумбурлади. Гумбурлаш кучли бўлса ҳам овози тезда Доғистонга етиб келмади, лекин у ҳар бир одам, бутун инсоният тарихини кизил ип билан иккига ажратди. Муҳаббат ва нафрат, тафаккур ва орзу – ҳамма-ҳаммаси иккига бўлинди.

– Гумбурлади.

– Қаерда гумбурлади?

– Бутун Россия бўйлаб.

– Қандай мақсадда гумбурлади?

– Озодлик учун.

– Кимнинг озодлиги учун?

– Меҳнаткаш халқ болалари озодлиги учун.

– Мақсади нима?

– Ҳеч нарсаси йўқлар ҳамма нарсага эга бўлади.

– Ранги қанақа?

– Қизил.

– Қўшиғи?

– «Бу биз учун ҳал қилувчи жанг...»

– Қўшини?

– Мазлум ва фақирлар. Меҳнаткаш халқ.

– Унинг миллати ва тили?

– Барча миллат ва тиллар.

– Мамлакатнинг эгаси ким?

– Халқ.

– Улар бизнинг Доғистон халқларига нима деган бўлса, таржима қилиб беринг.

Ботир ва шоирлар озодлик курашчиларининг сўзларини Доғистондаги барча миллат тилларига таржима қилишди:

«Асрлар бўйи хўрланган Доғистон халқлари! Бизнинг уйимизга тоғ сўқмоқларидан орзу-истакларимизни ифодалаган озодлик келди. Унинг сўзларини тингланг ва хизматига бел боғланг. У айтаётган сўзларни ҳали ҳеч қачон эшитмагансиз, у дейдики:

– Кардошлар! Янги Россия сизга бирдамлик қўлини чўзаяпти. Бу қўлни маҳкамроқ қисинг. Куч ва ишонч бирдамликда.

– Тоғ ва дара фарзандлари! Деразаларингизни кенг дунё томон очинг. Янги кун эмас, янги ҳаёт бошланыпти. Бахтли тақдирингизни кутиб олинг!

– Энди сиз бошқалар олдида бош эгмайсиз. Энди отингиз эгарига ўзга киши ўтира олмайди. Энди сиз озодсиз, сизнинг ханжарингиз сизники, сизнинг далангиз сизники».

Бу сўзларни Доғистон бошидан кечирган барча азоб-укубатларни яхши билган Махач, Уллубий, Оскар, Жалол, Қози Мухаммад, Мухаммад Мирза, Гарун каби озодлик курашчилари таржима қилиб беришди.

Доғистон ўз тақдирини қарши олди, озодлик курашчилари сафига қўшилди. Бундан унинг душманлари хавотирга тушди. Гўё улар бошида момоқалдирок гумбурлади, оёғи остида ер силкинди, қаршисилаги денгиз тўлқинланди, суяниб турган тоғи кулаб тушди. Ўргада тубсиз жарлик пайдо бўлди.

– Қўлингни бер, – дейишди ўзларини Доғистоннинг дўстларимиз деб юрган ғанимлар.

– Қўлинг қон.

– Тўхта, орқага қайт Доғистон.

– Нега орқага қайтишим керак, орқада нима бор? Фақирлик, ёлгончилик, зулм, тунми?

– Доғистон кичкинасан, қаёққа ҳам борардинг?

– Буюкликни кидираман!

– Буюк океанда кичкина қайик бўлиб қоласан. Сенинг тилинг, дининг, урф-одадинг, бўрқ қийган бошинг йўқолади, – дея кўрқитишди улар.

– Мен тор сўқмоқларда юришни ўрганганман. Нахотки кенг йўлда йиқилиб, оёғимни синдириб олсам? Бу йўлдан юришни узоқ, кутдим. Ишончим қомил, бу йўлда сочимнинг бир толаси ҳам тушмайди.

– Доғистон диндан қайтди, энди ҳалок бўлади, уни қутқаринглар, – дея қарғалар қағиллади, кашқирлар увиллади. Бақирди, кўрқитишди, аврашди, илтимос қилишди, ўлдиришди. Қимлар йўлни ёритган чирокқа тош отмади дейсиз? Қимлар йўлдаги кўприкни ёқиб юборишга уринмади? Байроқ ўрнини бошқа байроқ, қароқчи ўрнини бошқа қароқчи эгаллади. Худди кишнинг совуқ кечасида пўстинни ҳар ким ўз томонига тортгандай кичкина Доғистонни у ёқ-бу ёққа тортишиб бўлак-бўлак қилишга уринишди. Доғистон эса сиртмоқдан озод бўлган тоғ такасидай тошдан тошга сакради. Учраган ҳар йирткич уни ўлжасига айлантатиришга ҳаракат қилди. Унга қандай овчилар ўқ узишмади?!

«Мен Доғистон имоми Нажмуддин Гоцинскийман, Анди қўли атрофидаги халқ томонидан сайланганман. Менинг қиличим оналаримиз қўйлагининг қийқимини бўрқига тақиб олганларга қаратилган». «Биродарлар! Менинг байроғим остига тўланинглар», – дея қичқирди бошқа бири. Уни Узун хожи деб аташарди.

«Охирги большевикнинг бошини ходага тикиб, Доғистоннинг юкори чўккисига осиб кўймагунимча кулолимни илгакка осмайман» – дея бакирарди князь Нухбек Тарковский.

Айнан ўша даврда оқ подшо армиясининг полковниги Қайтмаз Алихонов Хунзахда ўзига сарой қурдирди. У саройни кўрсатиб мактаниш учун тоғлик кадрдонини меҳмонга чақирди. Ўз ишидан ва саройидан мамнун ҳолда Қайтмаз сўради:

– Менинг саройим яхши эканми?

– Ўлаётган одам учун жуда ҳам яхши. – дея жавоб кайтарди тоғлик.

– Нега мен ўлишим керак?

– Озодлик учун кураш бошланди.

– Мен уларни Хунзахга киритмайман, – деди полковник Алихонов ва лекин кейинчалик оқ отига миниб орқасига қарамай қочди.

«Мен Сеидбейман – имом Шомилнинг неварасиман. Мен Туркия аскарлари ёрдамида Доғистонни озод қиламан», – дея даъвосини айтди яна бир мухожир. У билан бирга Туркиянинг кўплаб зодагонлари келишганди.

«Биз – Доғистоннинг дўстларимиз», – дея уқтиришди Доғистон тупроғига инглиз аскарларини жойлаштирган босқинчилар.

«Доғистон – бу Бокунинг дарвозаси. Мен бу дарвозага очиб бўлмайдиган кулф осаман», – дея мактанди оқ подшо армиясининг полковниги Бичерахов ва Порт-Петровск шахрини вайрон қилди.

Чақирилмаган меҳмонлар жуда кўп эди. Кимларнинг ифлос панжаси Доғистоннинг кўйлаги ёкасига узатилмади? Бу тоғларда қандай байроқлар ҳилпирамади? Қандай шамоллар эсади? Қандай тўлкинлар қирғоқларимизга урилмади.

«Доғистон, агар бўйсунмасанг, сени денгизга итариб, чўктириб юборамиз», – дея дағдаға қилишди келгиндилар.

Отам ўша вақтда шундай сўзларни ёзган экан: «Ҳозир Доғистон ҳар тарафдан қушлар чўқилаётган жонзодга ўхшайди».

Отишмалар тинмади, қонлар тўкилди, қоялар олов ичида қолди, буғдойзорлар ёндирилди. овуллар вайрон қилинди. қалъалар қўлдан қўлга ўтди. Шундай кескин вазият тўрт йил давом этди.

«Далани сотиб от, сигирни сотиб қилич олганмиз», – дейишади кекса тоғликлар ўша давр ҳақида гап кетганда.

Чавандозини йўқотган отлар кишнади. Қарғалар мурдалар кўзини чўқирди.

Ўша даврдаги Доғистонни отам кўп дарё суви оқиб ўтган тошга, онам жўшқин оқимга қарши сузган балиққа ўхшатарди.

Абутолиб эса ўша кунларни хотирлаб шундай деганди: «Мамлакатимиз қандай сурнайчиларни кўрмади».

Ўша даврда қилич билан ёзилган тарих ҳозир перо билан ёзилапти. Ўша даврдаги қаҳрамонликлар ва ишлар ҳозир хотиржам «тарози»ларда ўлчанапти. Олимлар

қахрамонликларни баҳолар эканлар бир-бирлари билан кизғин бахслашишяпти, хатто айтиш мумкинки, даҳанаки жанг қилишяпти.

Аммо қахрамонлар аллақачон жанг қилиб бўлишган. Эндиликда уларнинг қайсиси биринчи, қайсиси иккинчи, қайсиси учинчи бўлгани тўғрисида бахслашиш жуда муҳим эмас. Муҳими, улардан бири жанг майдонида охири душманни ўлдириб, қонга ботган ханжарини чакмонига артиб қинига солди ва тоғлик бу ханжардан ўзи учун керакли ўрок ясади. Милтигини эса сурувга бўри ораласа оларман деб харсанг орасига тикиб қўйди. Кейин хўкизларини қўшга қўшиб, даласини шудгор қилди, кечкурун аравасига пичан ортиб уйга қайтди.

Доғистон озодлик байроғини тоғ чўққисига тикиб, мўйловини бураб қўйди. Сохта имом Гоцинскийнинг салласидан даласига кўриқчи қилди, ўзини суд ҳукмига топширди. Судда Гоцинский сурбетларча деди: «Ок подшо Шомилини ўлдирмади, унинг сочидан битта толаси тушмади. Нега мени ўлдирмоқчисизлар?».

Доғистон ва озодлик курашчилари жавоб беришди: «Шомил ҳам сенга ўхшаш соткинларнинг бошини олган бўларди». У тавба қилиб деди: «Соткиннинг ер устидан юрганидан кўра ер остида ётгани яхши». Ҳукм ўқилди, ҳеч бир тоғ қилт этмади, ҳеч киши йиғламади, қабрига тош ҳам қўймади.

Қайтмаз Алихонов оқ отида, икки ўғлини эргаштириб Цунтин ўрмони оралаб кочди. Лекин узокка боролмади, уларни озодлик курашчилари отган ўқлар қулатди. Фақат полковникнинг оқ оти оқсаганча Хунзах калъасига қайтиб келди.

– Сени нотўғри йўлга бошламоқчи бўлишди, – деди Муслим Атоев отнинг жловидан ушлаб. – Улар Доғистонни ҳам нотўғри йўлга бошлашмоқчи эди.

Халқ Бичераховни ҳам олдига солиб ҳайдади. Уни аскарлари билан Каспий денгизи фарк қилди. «Омин», – деди денгиз тўлкинлари уларни кўмар экан. «Омин, – деди тоғлар, – шу қутлуғ ерни дўзахга айлантирмоқчи бўлганлар дўзахга тушсин».

Мен Истанбулда бозорни томоша қилишга чиқдим. Туркияга бориб қолган аварликлар мени қуршаб олишиб, ҳол-аҳвол сўрашди, кейин бир четдаги чолга имо қилишди. У буғдойи тўқилган бўш қопга ўхшарди.

– У Козинбей.

– Қайси?

– Бу ўша, Доғистонга бостириб борган султон кўшинидаги Козинбей.

– Наҳотки ҳали тирик бўлса?

– Кўриб турибсиз, гавдаси кимираб турибди.

Бизни таништиришди.

– Доғистон... Бу жойни биламан, – деди мункиллаган чол.

– Доғистон ҳам сизни билади, – дедим мен.

– Мен у ерда бўлганман.

– Яна борасизми? – деб кесатдим мен.

– Бошқа бормайман, – деб у ўзининг пештахтаси томон кетди.

Нахотки бу майда савдогар қачонлардир Касумкент даласида иш билан машғул учта бегуноҳ дехконни ҳеч бир сабабсиз отиб ўлдирганини унутган бўлса? Нахотки бу аблаҳ унинг қўлига тушмаслик учун ўзини қоядан ташлаб ўлдирган гулдай қизни унутган бўлса? Нахотки бу ярамас боғдаги боланинг қўлидаги гилосини олиб еб, данакларини боланинг юзига туфлаганини унутган бўлса? Аммо у ички қўйлақда тош оралаб қочганда орқасидан тоғлик аёллар «Эркак бўлсанг бўрқингни олиб кет» дея масҳара қилишганини унутмаган бўлса керак.

Ҳа, Доғистондан ҳамма талончилар қочишди: инглиз аскарлари ҳам, Козинбей ҳам, Шомилнинг невараси Сеидбей ҳам...

– Сеидбей ҳозир қаерда? – деб сўрадим Истанбулдаги аварлардан.

– Саудия Арабистонига кетган.

– Нега?

– Савдо ишлари билан. У ёқда кичкина ери ҳам бор.

Майда савдогарлар, олиб сотарлар! Яхшиям, улар Доғистонни сотиб юборишга улгуришмади. Яхшиям, озодлик курашчилари йўлларини тўсди: «Бозор ёпилди». Кейин қўлларига супургини олиб Доғистон тупроғидан уларнинг изларини ҳам супуриб ташлашди. Энди «Биз Доғистоннинг ҳимоячиларимиз» дея кўкрагини урган кимсалар мана шу мункиллаган чолга ўхшаб қаердадир ўлигини судраб юрибди.

Бир неча йил илгари Байрутда Осие ва Африка ёзувчиларининг конференцияси бўлганди. Мени ҳам конференцияга таклиф этишганди. Биз қатор муассасалардаги учрашувларда катнашдик. Шундай учрашувларнинг бирида мен Доғистон, унинг халқи, урф-одатлари ҳақида гапириб, республикамизда ижод қилаётган турли миллат шоирларининг шеърларидан намуналар ўқиб бердим.

Учрашувдан кейин зинапоя олдида мени гўзал аёл тўхтатди.

– Жаноб Ҳамзатов, мен билан суҳбатлашиш учун бир неча дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?

Биз тун қўйнидаги Байрут кўчалари бўйлаб кетдик.

– Илтимос, Доғистон ҳақида яна гапириб беринг, – деди қутилмаган суҳбатдошим.

– Мен ҳозиргина Доғистон ҳақида бир соатдан кўпроқ гапирдим.

– Яна, яна гапириб беринг.

– Нималар сизни қизиқтиради?

– Доғистонга боғлиқ ҳамма нарсалар.

Мен сўзлашга киришдим. Биз тўғри келган кўча бўйлаб юрардик. У нафас ростлашимга қўймасди.

– Яна бирор нарса ҳақида гапиринг.

Мен сўзлашда давом этдим.

– Ўз шеърларингизни авар тилида ўқиб беринг.

– Сиз тушунмайсиз-ку?

– Илтимос, ўқиб бера қолинг.

Ёш гўзал сўраганда нима ишларни қилмаймиз. Мен шеър ўқишни бошладим. Бундан ташқари, унинг Доғистонга қизиқиши самимийлиги шундоққина сезилиб турарди.

– Авар кўшиқларидан бирини куйлаб бера оласизми?

– Йўқ, мен куйлашни билмайман.

«Ҳозир у мени кавказча ракс тушишга мажбур қилади», – деб ўйладим.

– Хоҳлайсизми, мен сизга кўшиқ айтиб бераман.

– Бажонидил.

Бу вақтда биз денгиз соҳилига чиққандик. Денгиз тўлини ой нурига жилваланарди.

Тасаввур қилинг, Байрут шаҳрида нотаниш гўзал менга «Дўлалай» авар халқ кўшиғини қандайдир тилда куйлапти! У иккинчи кўшиқни бошлаганда кўмик тилида куйлаётганини англадим.

– Сиз кўмик тилини қандай қилиб ўргангансиз? – дея ажабланиб сўрадим.

– Афсуски, мен бу тилни билмайман.

– Кўшиқчи...

– Бу кўшиқларни менга бобом ўргатган.

– Бобонгиз Доғистонга борганми?

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Қачон?

– Менинг бобом ўша Нухбек Тарковский.

– Полковникми? Ҳозир у қаерда?

– Техронда яшаганди. Шу йил вафот этди. Ўлими олдидан шу кўшиқни куйлаб беришимни сўради.

– Кўшиқ нима ҳақда?

– Учиб бораётган қушлар ҳақида... У менга доғистонликларнинг битта раксини ҳам ўргатган. Мана кўринг.

Аёл хилолдай нур таратиб, худди оккуш сузгандай атрофимда айланиб раксга тушди.

Кейин мен ундан учиб бораётган қушлар ҳақидаги кўшиғини яна куйлаб беришини сўрадим. У куйлаб бўлгач, кўшиқнинг ҳар бир мисрасини таржима қилди. Мен меҳмонхонага қайтгач, эсдалик бўлиб қолиши учун уни авар тилига ўгириб ёзиб қўйдим.

Доғистонга яна баҳор келди. Аммо мен учиб бораётган қушлар ҳақидаги кўшиққа князь Нухбек Тарковский нега бунча боғланиб қолгани тўғрисида ўйлайман.

Ўзи қасосдан кўрқиб Доғистондан қочган бўлса, Техронда шох саройида хотиржам яшаётган полковник нега тоғлар узра ёнган қизил шафақда қуёш порлашини эслади экан? Қандай қилиб у Ватан соғинчини ҳис қилиши мумкин?

Техрондан кўним топган Тарковский дастлабки кунларда шундай дерди: «Менга ва Доғистонга нима бўлди? Бу тақдир хатосими? Мен Доғистонга қайтиб бориб хатоларни тўғрилашим керак». У ва шу жойдаги мухожирлар Доғистонда бўлаётган воқеаларни билиш учун Каспий денгизи соҳилига келишарди. Аммо улар ҳар сафар денгизда кизил байрок осган кемалар сузаётганини кўришарди. Кузда, шимолдан учиб келаётган қушларни кўриб, полковникнинг хотини соғинч билан кўшиқ куйлади. Бу кўшиқ учиб бораётган қушлар ҳақида эди. Аввалига кўшиқ Тарковскийга ёкмади.

Йиллар ўтди. Полковникнинг болалари улғайди. Шундагина у Доғистондан умрбод айрилганини тушунди. У яна тушундики, Доғистон ўзига ягона ва тўғри йўлни танлади. Энди унинг тақдири Доғистон тақдирига туташмайди. Кекса полковник армон билан учиб бораётган қушлар ҳақидаги кўшиқни куйлади.

Отам айтарди:

– Доғистон ўзи билан бирга бўлмаганларга эргашмайди.

Абутолиб кўшиб кўярди:

– Ким ўзганинг отига минса, барибир эгардан тушади. Бизнинг ханжаримиз ўзганинг либосига ярашмайди.

Сулаймон Стальский ёзганди:

– Мен мисоли ерга санчилган қилич эдим. Янги тузум мени ердан сугурди, зангларимни тозаллади. ярқираб кетдим.

Отам яна айтарди:

– Биз бир умр тоғлик бўлсак ҳам эндигина тоғнинг чўккисига кўтарилдик.

Абутолиб кўшимча қиларди:

– Доғистон, ертўлангдан чик!

Онам беланчакни тебратиб, алла бошларди:

*Ором ол, тоғларга чўкди сукунат,
Ўқлар отилмайди энди вақт-бевақт.*

– Февраль энг қисқа ой бўлса ҳам муҳим саналарга бой, – дер эди Абутолиб. – Февралда оқ подшо тахтдан ағдарилган. февралда Доғистон делегацияси Кремлда қабул қилинган.

Кам сонли халқларнинг ҳам келажаги ёруғ бўлди. Доғистон қушлари сайрайди. Озодлик курашчиларининг даъватлари янграйди. Улар ҳақида болалар гапиришадди. Исм ва ишлари кабртошларига ўйиб ёзилган. Бошқа «қахрамон»ларнинг кабрлари эса номаълум.

Мен Доғистон пойтахтининг сокин кўчаларида кезишни яхши кўраман. Кўчаларнинг номларини ўқисам, ҳамон озодлик курашчилари мажлис қилаётгандек туюлади. Маҳач Дохадаев! Яна унинг сўзлари қулоғимга чалинади: «Биз – озодлик

курашчиларимиз! Бизнинг тилимиз, бизнинг исмиимиз, бизнинг феъл-атворимиз ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин ҳаммамизни Доғистон озодлиги учун курашга садокат бирлаштириб туради. Ишончим комил, ҳар биримиз озодлик кураши учун қурбон бўлишга тайёрмиз».

Маҳачни князь Тарковскийнинг қароқчилари ўлдиришди.

Уллубий Бўйноқли. Унинг овози қулоғимга келади: «Душманлар мени ўлдиришар, менинг дўстларимни ўлдиришар. Лекин душманлар ҳеч қачон мушт бўлиб тугилган бармоқларимизни ёза олишмайди. Чунки бу муштни Доғистон чеккан азоб-укубатлар ва озодликка эришишга бўлган ишонч туйғуси туккан. Бу муштлар фақат бизни эзган зolimларнинг бўйнидан бўғиш учунгина ёзилади. Буни унутманглар».

Эндигина йигирма саккиз ёшга кирган Уллубийни денкикинчилар чўлда ўлдиришди. У ўлган жойда ҳар баҳорда кизғалдоқлар очилади.

Мен Оскар Лешчинский, Қози Мухаммад Агасиев, Гарун Саидов, Алибек Боғатиров, Сафар Дударов, Султон Саид Қазбеков, ота-бола Ботирмирзаевлар ва бошқа курашчиларнинг ҳам сўзларини эшитаман. Ҳалок бўлганлар жуда кўп. Аммо ҳар бирининг исми бу – олов, юлдуз ва қўшиқ. Улар ҳамиша навқирон қаҳрамонлар. Улар Ахтаҳ овулида, Ая-Қақ дарасида, Қасумкент оқимида, Хунзах қалъаси деворида, ёндирилган Хасавюртда, қадимий Дарбандда ҳалок бўлишди. Аракан дарасида курашчилар қони тўкилмаган тош қолмаган. Мочоҳ тепалигида Боғатиров аскарлари отиб ўлдирилган. Темир-Хон-Шура, Порт-Петровск, тўрттала Қайсу суви ҳам курашчилар қони билан бўялган, ҳозиргача бу дарёларга ҳалок бўлганлар хотираси учун гуллар ташланади. Бу жангларда Доғистоннинг юз минг фарзанди ҳалок бўлди. Аммо бошқа халқлар Доғистон ҳақида билишди. Миллионлаб дўстлари Озод Доғистонга ёрдам қўлларини чўзишди. Уларнинг иссиқ қўлларини ушлар экан доғистонликлар дейишди: «Афсус, биз озчиликмиз».

Уруш одамлар сонини кўпайтирмайди. Лекин озодлик кураши оловларидаянги Доғистон дунёга келди.

1920 йил 13 ноябрда Доғистон халқларининг биринчи фавқулодда съезди чақирилган. Унда тоғликларнинг мухтор давлати – Доғистон тузилгани эълон қилинди. Янги ном, янги йўл, янги давр. Бу кун Доғистон тақвимида байрамлар қаторида қизил ранг билан ёзилади.

Ўша йили Маҳачқалъа бандаргоҳидан «Қизил Доғистон» номидаги кема денгизга чиқди. Мухими, Доғистоннинг ўзи ҳам улкан кема мисол дунё уммонида суза бошлади.

«Тонг юлдузи». Доғистоннинг биринчи журнали шундай номланганди. Ҳа, Доғистонда тонг ёришди. У кенг дунё томон деразаларини очди.

Фуқаролар уруши давом этаётган, Гоцинский тўдаси тоғларда бекиниб халқнинг тинчлигини бузаётган даврда отам мадрасада бирга ўқиган тенгдошидан хат олади. У хатида Гоцинский ва унинг навқарлари ҳақида ёзганди. Хат шундай сўз-

лар билан якунланганди: «Нажмуддин Гоцинский сендан хафа. Билишимча, шеърларингда тоғликларнинг кашшок ҳаётини ёзиб, унинг ишларини мақташингни истаяпти. Мен унга сени шундай шеърлар ёзишга ундайман деб ваъда бердим ва бу вазифани зиммамга олдим. Сендан илтимос, у истагандай шеърлар ёзиб бер. Нажмуддин шеърларингни кутади».

Отам шундай жавоб ёзиб берган: «Бу ишни зиммангга олган экансан, ўзинг Нажмуддин ҳақида шеър ёз. Мен унинг тегирмонига сув қуймоқчи эмасман. Гап тамом-вассалом».

Ўша даврда ҳукумат вакили Муҳаммад Мирза Ҳизроев отамни Темир-Хон-Шурага таклиф қилиб, ундан «Алвон тоғлар» газетаси билан ҳамкорликда ишлашини сўради. Тез орада шу газетада отамнинг «Тоғлик мазлум халқларга мурожаат» шеъри босилиб чиқди.

Отам «Алвон тоғлар» газетаси билан ҳамкорлигини давом эттирди. Ойлар ўтди. Муҳаммад Мирза Ҳизроев оиласида киз дунёга келди. У отамни уйига таклиф қилиб, қизига исм қўйиб беришини сўради. Отам чакалокни баланд кўтариб, унинг исмини эълон қилди:

– Загира!

Загира – бу юлдуз дегани!

Янги юлдуз туғилди. Шаҳид кетган қаҳрамонлар номини олган болалар улғая бошлади. Доғистон мисоли катта беланчакка айланди.

Каспий денгизи уларга алла айтди. Доғистон тоғлари она мисол болалар бошига эгилиб посбон бўлди.

Онам ўша вақтда баҳорда қайтиб келадиган қалдирғочлар, тошлар ён-верида ўсадиган майсалар, қузда очиладиган гуллар тўғрисида алла айтарди.

Бундай алла оҳангларини тинглаб, уйимизда тўрт ўғил ва бир киз вояга етди.

Яна Доғистонда юз минг ўғил-қиз улғайди. Улар деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик, тоштарошлик, ўймакорлик, агрономлик, врачлик, ўқитувчилик, инженерлик ишлари билан шуғуллана бошлади, шеър ёзиб, қўшиқ куйлашди. Кемалар денгизда сузишди, самолётлар осмонга кўтарилишди. Уйларда чирок ёнди.

– Энди мен катта бойликка эга бўлдим, – дея фахрланди Сулаймон Стальский.

– Энди мен овулгагина эмас, бутун мамлакатга жавобгарман, – деди отам.

– Менинг қўшиқларим, юртим бўйлаб учинглар, – деди хаяжонланиб Абутолиб.

Янги авлод халқимизнинг янги қирраларини намоён этди.

Мамлакат улкан дарахт бўлса, Доғистон ундаги бир новда.

Мана шу дарахтни чопиб ташлайман, поя ва новдаларини ёқиб юбораман деган ёвуз ниятда фашист босқинчилари мамлакатимизга ҳужум қилди.

Ўша кун ҳаёт ўз йўсинида давом этарди. Хунзахдаги катта бозор қайнарди, шаҳарда қишлоқ хўжалик ходимлари ютуқлари кўрғазмаси ўтказилаётганди. Ёш

альпинистлар тоғдаги чўккини забт этишга ҳозирлик кўради. Кечкурун авар театрида отам пьесаси асосида сахналаштирилган «Фалокат сандиғи» спектаклининг премьераси режалаштирилганди.

Аммо эрталаб шундай фалокат сандиғи очилдики, бошқа барча фалокатларни унутдик. Эрталаб уруш бошланди.

Шахарга турли йўллардан эркак ва йигитлар саф-саф бўлиб кириб келишарди. Кечагина улар чўпонлик ёки дехкончилик қилишарди, бугун эса Ватан ҳимояси учун саф тортишди. Кексалар, аёллар ва болалар томларда туришиб, аскарликка кетаётганлар орқасидан узоқ қараб қолишди. Улар узоқ қолиб кетишди, айримлари умрбод! Факат овозлари кулокка келади:

- Хайр, онажон!
- Бардам бўлинг, ота!
- Хайр, Доғистон!
- Ок йўл, болаларим! Ғалаба билан қайтинглар!

Махачқалъа дан чиққан поездлар тоғ ва денгиз ўртасида қурилган темир йўлдан тинимсиз ўта бошлади. Улар Доғистоннинг ёшлигини, кучини, гўзаллигини олиб кетишарди. Бу куч мамлакат ҳимояси учун керак эди. Кулоқларга шундай сўзлар чалинди:

- Хайр, севгилим!
- Хотин, хайр! Болаларга кўз-кулок бўл.
- Мени ташлаб кетманг, сиз билан бирга бораман.
- Ғалаба билан қайтамыз!

Поездларнинг кети узилмайди.

Ўзим ўқиган педагогика билим юртини яхши эслайман. У ердаги Биродарлик ёдгорлиги каршисида Доғистон отлик полки саф тортиди. Отликларни машҳур Қора Қораев бошқарганди. Полк тантанали равишда касамёд қабул қилди.

Тўксонга кирган тоғлик жангга отланганлар каршисида нутқ сўзлади:

– Афсус, мен ўттиз ёшда эмасман. Аммо ораларингиздаги уч ўғлим билан бирга фронтга боришга тайёрман.

Кейин «Доғистон» қирувчи эскадрильяси, «Шомил» танк колоннаси, «Доғистон ёшлари» бронепоезди жангга кирди. Ота-болалар елкама-елка туриб жанг қилишди. Бурчга садокат ҳамма аламлардан устун эди. Доғистон аёллари Ғалаба кунларини яқинлаштириш учун ўзларининг тилло узуги, сирғаси, билагузуги, эри, акаси, отасининг берган қимматбаҳо совғаларини, олтин-кумуш идишларини, қадимий санъат намуналарини фронт жамғармасига топширишди.

Ҳа, бугун Доғистон фронтга жўнади. У бутун мамлакат билан бирга жанг қилди. Ҳар бир ҳарбий қисмда, матрослар, пиёда аскарлар, танкчилар, тўпчилар, учувчилар орасида доғистонлик жангчилар бор эди. Барча жанг майдонларидан кичкина Доғистонга бирин-кетин қора хатлар кела бошлади.

Бизнинг Цада овулида етмишта хонадон бор. Деярли шунча йигит жангга кетди. Уруш кунлари баъзан онам шундай дерди: «Мен тушимда цадалик болаларимизнинг пасттекисликда бирга ўйнаб юрганни тез-тез кўрадиган бўлиб қолдим». Баъзан онам юлдузга тикилиб туриб дер эди: «Шу юлдузга бизнинг цадалик йигитлар ҳам қаердадир қарашаётган бўлишса керак». Шимолдан кушлар галаси қайтиб келганда, онам уларга қараб астойдил сўрарди: «Бизнинг цадалик йигитларни кўрмадингларми?»

Тоғлик аёллар хатларни ўқиб, радиони тинглаб талаффузи қийин бўлган номларни ёдлаб олишарди: Керчь, Брест, Корсун-Шевченковский, Плоешти, Констанца, Франкфурт-Майн, Бранденбург. Айниқса, тоғлик аёллар икки номни – Будапешт ва Бухарестни адаштириб юборишарди, уларнинг иккита шаҳар эканлигига ишонишмасди.

Цада ёшлари қаерларда бўлишмади!

1943 йилда отам билан Балашов шаҳрига бордик. Шу шаҳардаги госпиталда катта акам вафот этганди. Кичкина дарё бўйидаги сохилдан қабрини топдик ва қабртошдаги ёзувни ўқидик: «Магомед Гамзатов».

Отам қабр устига русларнинг берёза дарахтини экди. Кейин ғамгин деди: «Цада қабристони кенгайиб кетди. Бизнинг Цада овулимизнинг чегараси ҳам кенгайди».

ЦАДА ҚАБРИСТОНИ

Цада қабристони...

Бунда қўшилар

Ётар ўранишиб оппоқ кийимга.

Хатто олислардан қайтар йўлчилар,

Уларчи, шу жойдан қайтолмас уйга.

Қулогимга келар дўстларим сўзи,

Шу ерда ётибди қариндошлар ҳам.

Шу ерда акамнинг нораста қизи,

Энди у чопганча чиқмайди ҳечам.

Сенга нима бўлди қувноқ қизалоқ?

Йиллар айланади мисли тегирмон,

Дўстларинг кузатди сўнгги кўнгироқ,

Сен бешинчи синфда ўқийсан ҳамон.

Биламан, теварак-атрофда йўқ зог,

Ёки хаёлимда шундай туюлди.

Қулогимга дўстим қабридан шу чоқ,

Таниш сурнайининг овози келди.

Ёнидаги қабрдан иккинчи дўстим,
Дойрасини чертиб таратар наво.
Ўтмишни хотирлаб юмаман кўзим,
Ҳозир улар тўйни қизитар гўё.

Биламанки, улар олишмоқда тин,
Ҳеч бири саволга бермайди жавоб.
Цада қабристони... Нақадар сокин,
Овулдошлар келиб қилишар тавоб.

Ҳар куни кенгайиб борар сарҳадинг,
Ҳатто майитларга жой келмоқда тор.
Начора, аёндир менинг қисматим,
Қачондир бағрингдан жой олишим бор.

Цадалик умри ҳам отилган бир ўқ,
Ва лекин шу ерга тушади охир.
Қарайман, бу ерда кўп цадалик йўқ,
Уларни қайларда қолдирдинг тақдир?!

Ёш-кекса аскарлар қолди ҳар жойда,
Кўплар ҳалок бўлди юртдан узоқда.
Исҳоқ ака, айтинг, қолдингиз қайда?
Гаджи дўстим, айтгин, қолдинг қаяқда?

Менинг акаларим қолдингиз қайда,
Ҳаёт чироғингиз қайларда сўнди?
Изингиз излайман кезиб Цадада,
Ҳаттоки қабрингиз топмайман энди!

Она Доғистоним, мард йигитларинг
Кўксини ўқ тешиди олис жанггоҳда.
Цада қабристони, ўз майитларинг
Не учун қолдирдинг ўзга тўпроқда?!

Эсаверар иссиқ-совуқ шамошлар,
Оллоҳ тўзим берсин инсон сабрига.
Энди аварликмас, ўзга аёллар
Гуллар кўйишади улар қабрига.

Уруш йилларида Қишлоқ кенгаши раисининг хонаси деворида катта харита осиглик бўларди. Ҳа вақтда бундай хариталар кўп идораларда бор эди. Одатда бу хариталарда фронт чизиғи қизил байроқчаларда белгилаб бориладди. Бизнинг овулимиздаги харитага ҳам қизил байроқчалар суқиб қўйиларди. Аммо улар бошқа нарсани англатарди. Бу байроқчалар цадалик жангчилар ҳалок бўлган жойларга суқилганди. Байроқчалар харитада кўпайиб борарди. Харитада қанча байроқча бўлса, демакки, шунча цадалик онанинг юрағи байроқчалар нинаси билангина эмас, жангларда отилган ўқлардан ҳам тешилганди.

Ҳа, бизнинг овулимиз ҳам, қабрисонимиз ҳам кичкина эмас экан.

Ўғлини соғинган оналар фолбинлар олдига боришарди. Улар тоғлик онани юпатишарди: «Мана йўл. Мана уруш олови. Мана ғалаба. Ўғлинг бағринга қайтиб келади. Тинч-осуда кунлар бошланади».

Фолбинлар алдаб жўнатишарди. Аммо улар ғалаба ҳақида гапиришганда, бунга ўзлари ҳам каттик ишониларди. Рейхстаг деворларидаги ёзувлар каторида милтик найзаси билан ўйиб битилган шундай ёзув ҳам бор: «Биз Доғистонданмиз».

Яна кексалар, аёллар ва болалар уйларнинг томига чиқишиб йўлга қарашди. Энди улар бургулларини кузатишмаётганди, аксинча, кутиб олишаётганди. Афсуски, тоғ сўқмоқларидан турнакатор одамлар кўринмасди. Улар биргаликда кетишганди, лекин алоҳида-алоҳида қайтишарди. Айрим аёлларнинг бошида чиройли рўмол, бошқасининг бошида эса қора рўмол. Қайтганларни бошқаларнинг оналари сўроққа тутишарди:

- Менинг Умарим қаерда?
- Менинг Али ўғлимни кўрмадингми?
- Менинг Магомедим ҳам тез қайтадимми?

Менинг онам ҳам қора рўмол ўраганди. Онамининг икки ўғли, менинг икки акам Магомед ва Ахильчи ҳам урушдан қайтмади. Уруш вақтида онамининг тушларига кирган, овул пасттекислигида ўйнаб юрган кўплаб йигитлар урушдан қайтиб келмади. Кичкина овулимизнинг ўзидан юз йигит жанггоҳларда ҳаёт билан видолашди. Доғистон бўйича юз минг киши ҳалок бўлди.

Харитадаги байроқчаларга қараб жой номларини ўқийман, ҳалок бўлган овулдошларимни бир-бир эслайман. Баренц денгизида Магомед Гаджиев колди. Симферополда танкчи Магомед Загид Абдулманафов. Волга бўйида пулемётчи Хонпошо Нурадилов ҳалок бўлган. Италияда озодлик курашчилари ҳаракатини бошқарган Камолов ўққа учраган...

Ҳар бир тоғдаги овулда пирамидага ўхшаш ёдгорлик ўрнатилган. Унга урушда ҳалок бўлган овулдошларининг исми-шарифи ёзилган. Бу ёдгорлик ёнидан ўтар экан, тоғлик отидан тўшади, бўркини бошидан олади, сукут сақлаганча отининг жиловидан етаклайди.

Тоғда ҳалок бўлган ботирлар номлари билан аталадиган булоқлар қайнайди. Кексалар булоқ бошида ўтириб, уни тинглайди. Чунки улар булоқ тилини тушуни-

шади. Энди ҳар бир оила уйининг тўрида ҳамиша ёш ва гўзал ҳолда қолган ботирларнинг суратлари осиглик туради.

Узоқ сафарлардан қайтганимда ҳамон ўғлини кутиб яшаётган оналар олдимга келишиб, мenden умид билан сўрашади: «У ёқларда тасодифан менинг ўғлимни кўриб қолмадингми?» Мотамсаро оналар осмондан қаторлашиб учиб ўтаётган турналарга умид билан, алам билан тикилишади. Мен ҳам турналар учиб ўтаётганда улардан кўз уза олмайман.

ТУРНАЛАР

*Менинг билишимча, қонли жанггоҳдан
Юртига қайтмаган шаҳид ёвқурлар,
Ҳали юмшоқ урин топмай тупроқдан,
Оптоқ турналарга айланган улар.*

*Зеро, улар узоқ йиллардан буён,
Учишар ва бизга беришар овоз.
Шу боис самога термилган замон,
Кўз узмай оҳиста сўзлаймиз дилроз.*

*Бугун ҳам туманлар сийрак тарафда,
Шом чоғи уларни қузатдим бироз.
Қачондир ер узра юргандай сафда,
Турналар галаси этарди парвоз.*

*Учиб борар экан ўз манзилига,
Кимларнидир йўқлар, таниш товушлар.
Ахир, жуда ўхшар авар тилига
Турналар таратган ўтинч, нолишлар.*

*Улар кўкда учар, учар гирён-зор,
Ўтган аждодларим, дўстларим, ёрим.
Кўряпман, қаторда битта бўшлиқ бор,
Ўша бўшлиқ, менинг боражаск жойим.*

*Қазо ҳақдир! Мен ҳам яшаб умримни
Турналар сафида парвоз этаман.
Ва ерда қолган сиз азизларимни,
Самодан номма-ном йўқлаб ўтаман.*

Турналар учади, майсалар ўсади, беланчақлар тебранади. Менинг уйимда учта киз туғилди, улар беланчақлар оғушида вояга етди. Бошка уйда тўртта, бошкасида ўнта, айрим уйда ўн бешта чақалок дунёга келди. Цада овулида юзта беланчақ. бутун Доғистонда юз минг беланчақ тебралди. Доғистон болалар туғилиши бўйича Россия Федерациясида биринчи ўринда туради. Бизнинг аҳолимиз бир ярим миллиондан ошиб кетди. Қанча одамлар кўп бўлса, тўй шунча кўп бўлади. Тўй қанча кўп бўлса, чақалок шунча кўп туғилади.

Тоғликлар уч нарсада сусткашлик қилиб бўлмади деб айтишади: ўлган одамни кўмишда, келган меҳмон олдига дастурхон ёзишда, бўй етган қизни узатишда. Мана шу уч нарсада Доғистон кечиккан эмас. Мана дойра қалиниб сурнай жўр бўлди, тўй бошланди. Биринчи қадаҳ кўтарилганда шундай тилак билдирилади: «Келин ўғил кўрсин!»

Тоғлик яна уч нарсани сўзсиз бажариши шарт: шохдаги винони охиригача ичиши, номини пок сақлаши, эл бошига синов тушганда мардлик кўрсатиши керак. Тоғликлар бошига кўп синовлар тушди. Тақдир зарбаси ҳар бир хонадонни майда-майда қилмоқчи бўлди, лекин тоғликлар бардош беришди.

Афсуски, жаҳонда тинчлик ҳамон барқарор эмас. Ер шарининг у жойида, бу жойида ўқлар овози янграпти, бомбалар портлапти. Ҳар доимгидай оналар болаларини бағрига босиб дунёга тинчлик тилайди.

Осмонда булут пайдо бўлса, дехкон ўрилган ғалласини тезроқ йиғиш учун далага шошилади. Агар дунё осмонида тинчликка хавф солувчи қора булут пайдо бўлса, одамлар тинчликни асраш, уруш оловини сўндириш учун оёққа туради.

Доғистонда шундай одат бор: шохланғич ҳўкизнинг шохини кесишади, копағон итни боғлаб қўйишади. Агар бутун дунёда шундай одат бўлса эди, одамлар енгил нафас олишарди. Энди Доғистон ҳам кенг дунё ташвиши билан яшайпти.

Илгари тоғликлар юриш қилишса, ёш ўсмирларнинг боришига рухсат беришмасди. Аммо Шомил ўсмирларни ҳам бирга олиш керак деди. Жимжилок қичкина бўлгани билан усиз улкан муштни қаттиқ тугиш мумкин эмас. Мамлакатни улкан ва оғир мушт десак, майли, Доғистон унда қичкина жимжилок бўлсин. Шунда душманлар қанча уринишмасин, бу тугилган муштни ёза олишмайди.

Душманларга тугилган мушт ёзилиб, дўстлар елкасини қафт бўлиб силайди. Лекин бу силаган қўлларда ҳам жимжилок бўлади.

Ўзга мамлакатларга борганимда биринчи навбатда шоирлар билан танишаман. Ахир, қўшиқ қўшиқни яхши тушунади. Кейин ўша жойда Доғистондан бориб қолган кишилар бўлса, улар билан учрашишга ҳаракат қиламан. Албатта, уларнинг феъл-атвори ҳар хил. Шу боис такаббурлик қилишса ҳам ичимда кек сақламайман. Мен уларни Туркияда, Сурияда, Германияда, дунёнинг қайси мамлақатида учратмадим дейсиз?!

Айрим доғистонликлар Шомил даврида хорижга кетишган. Улар ўз юртлирида тополмаган бахтни ўзга юртлардан излашган. Айримлари озодлик ҳаракати бошланганда нима бўлаётганини тушунмай ўзларини четга олишган, иккинчилари бундан кўрққанларидан қочишган. Учинчиларини эса халқнинг ўзи ҳайдаб солган. Яна тўртинчилари ҳам бор, улар одамгарчиликдан чиққан, ўзлигини йўқотган ачинарли кимсалар. Улар Иккинчи жаҳон урушида яқинларига хоинлик қилишган. Мен хорижда ҳар хил доғистонликларни кўрдим. Ҳатто Туркияда бўлганимда доғистонликлар овулига ҳам бордим.

– Биз учун бу жой кичкина Доғистон, – дейишди овулда истикомат қилувчилар.
– Йўқ, сиз ноҳақсиз. Доғистон битта. Иккинчи Доғистон бўлмайди.
– Унда биз киммиз, қаердан келганмиз?
– Дарвоқе, қаердан келгансизлар?
– Биз Батлудан, Каратдан, Хунзахдан, Ақушдан, Қўмиқдан, Чохдан, Сократли ва Доғистондаги бошқа овуллардан келганмиз. Шу боис биз ҳам кичкина Доғистонмиз.

– Сиз доғистонлик бўлгансиз, айримларингиз қайтишни истар. Манавиларни ҳам доғистонлик дейсизларми? – дея сўрадим уларга Гоцинский, Алихонов ва Узун хожи суратларини кўрсатиб.

– Улар ким?.. Бизнинг халқимиз вакили, тилимиз бир.
– Доғистон уларнинг тилини тушунмади, улар ҳам Доғистон тилини тушунишмади.
– Ҳар ким Доғистонни ўзича тушунади. Ҳар кимнинг юрагида ўз Доғистони бор.
– Аммо Доғистон ҳар кимни ҳам ўзининг фарзанди демайди.
– Унда нима дейди?
– Бизнинг болаларимиз беланчакларда қандай тебратилаётганини қайтиб бориб кўриб келингллар.
– Бизнинг ҳақимизда нималар дейишади?
– Доғистон тикланаётган вақтда деворига тўғри келмай ортиб қолган тошлар. Кузги шамолда учиб кетган япроқлар. Пандурда мусика чалинаётганда чертилишга яроқсиз тор...

Тақдир тақозоси билан ўзга мамлакатларга бориб қолган доғистонликлар билан шундай суҳбатлар қурганман. Улар орасида ёлғончилар ва алданганлар, бойлар ва камбағаллар, виждонлилар ва виждонсизлар, яхшилар ва ёмонлар бор. Менга лезгин рақсини намойиш этишди. Аммо чилдирмаси бошқа эди. Биз доғистонликлар сони бир ярим миллионга етди деганда, уларни санокка киритмаймиз.

Мен Суриядан қайтаётганимда бир авар аёли Гергебелидаги шафтолиларга салом айтишимни ва уларнинг новдаларини силаб қўйишимни сўради.

Мармар денгизи соҳилида юрганымда отасини Макка зиёратига жўнатган авар йигитлари менга шундай дейишди:

– Биз учун Макка бу – Доғистон! Ким Маккани зиёрат қилиб келса, уни хожи деб аташади. Энди биз Доғистонда бўлиб қайтганларни ҳам хожи деб айтаяпмиз.

Мен Махачқалъа да шундай хожилардан бири билан суҳбатлашдим. У Доғистонга қирк йил деганда келган экан.

– Қандай, Доғистон ўзгарибдими? – деб сўрадим ундан.

– Агар у ёқда бу ерда кўрганларимни айтсам, ҳеч ким сўзларимга ишонмайди. Лекин уларга шуни такрор-такрор айтаман: Доғистон бор!

Ҳа, Доғистон бор. Энди у Республика. Унинг номи, халқи, тили, урф-одатлари бор. Доғистонда ҳаёт давом этаяпти. Тўйлар бўлаяпти, қадах сўзлар айтиляпти, бешик-беланчаклар тебратиляпти, қўшиқлар куйлянапти.

СЎЗ

Авар тилида «миллат» сўзи икки маънони англатади: миллат ва ғамхўрлик. «Ким миллат равнаки учун ғамхўрлик қилмаса, у дунёни асрашга ғамхўрлик қила олмайди», – дер эди отам.

«Миллат равнакига ғамхўрлик қилмаган кишига миллат ғамхўрлик қилиши керакми?» – деб қўярди Абутолиб.

«Товуқларнинг, ўрдақларнинг, қаламушларнинг миллати йўқдир, лекин одамнинг миллати бўлиши керак», – дер эди онам.

Миллати битта иккита республика бўлиши мумкин. Масалан, бизга қўшни осетин республикалари. Баъзан битта республикада қирқта миллат яшайди.

«Бу ерда истаганча миллат ва тил бор экан», – деб ёзган экан бир саёхатчи Доғистон ҳақида.

«Минг бошли аждарҳо», – дейишди душманлари Доғистон ҳақида.

«Минг новдали дарахт», – дейишди дўстларимиз Доғистон ҳақида.

«Кундуз кун чирок ёқиб изласангиз ҳам дунёда бундай кўп миллат ва элат яшайдиган жойни топа олмайсиз», – дейишади элшунослар.

Абутолиб ҳазиллашиб шундай деганди:

– Биз грузин маданиятининг ривожланишига ҳисса қўшганмиз.

– Нималар деяпсиз? Уларнинг минг йиллик тарихга эга маданияти бор. Шота Руставели саккиз юз йил илгари яшаб ўтган. Биз эса кечагина ёзишни ўргандик. Қандай қилиб грузинларга ёрдам берган бўлишимиз мумкин.

– Сабаби оддий. Бизнинг ҳар бир овулимизнинг ўз тили бор. Қўшниларибиз бўлган грузинлар бизнинг овулларимиздаги тилларни таққослаб ўргана бошлашди. Илмий текширишларидан мақола ва китоблар ёзишиб, фан номзоди, фан докторлари бўлишяпти. Агар Доғистонда битта тил бўлганда Грузиядан шунча фан доктори чиқармиди? Албатта, йўқ. Демак, грузинлардан шунча олим чиққанлигида доғистонликларнинг хиссаси бор десак бўлади.

Доғистон тилларининг лексикаси, фонетикаси, синтаксиси ва грамматикасига бағишланган кўплаб китоблар ёзилди ва бундан кейин ҳам ёзилаверади. Бу борадаги илмий ишлар кўлами ҳозирги олимларгагина эмас, келгуси авлод олимларига ҳам етиб ортади.

Олимларнинг баҳслари қизиқ бораёпти. Бирлари Доғистонда шунча тил бор деса, бошқаси унга қўшимча қилади. Бирлари Доғистонда тиллар мана бундай пайдо бўлган деса, иккинчилари бошқача тахмин айтишади. Хуллас, олимларнинг далил ва изохларида қарама-қаршилиқлар кўп.

Лекин мен шуниси яхши биламан, бизда битта аравада беш тилда сўзлашувчи йўловчилар кетиши мумкин. Агар чорраҳада тўртта арава учрашиб қолса, уларда йигирма тилда сўзлашувчи йўловчилар бор.

Уллубий бошлиқ яширин ташкилотнинг олти аъзоси отилди. Улар ўлими олдидан душманларни бешта тилда лаънатлашди:

Кўмиқ Уллубий Бўйноқли.

Авар Саид Абдулғалимов.

Даргин Абдулваҳоб Гаджиев.

Кўмиқ Мажид Али ўғли.

Лезгин Абдураҳмон Исмоилов.

Рус Оскар Лешинский.

Доғистонлик ёзувчи Муҳаммад Сулиманов юртимиздаги ўн беш миллатга мансуб ўн бешта Муҳаммад ҳақида ўнг бешта қувнок хикоя ёзган. Бу тўплам «Ўн беш Муҳаммад» деб номланган.

Рус ёзувчиси Дмитрий Труновнинг ўттиз икки миллат вакиллари яшайдиган жамоа хўжалиги ҳақидаги очерки бор.

ЭФЭНДИ Капиевнинг ён дафтарчасида унинг уч нафар доғистонлик таникли ёзувчилар – Сулаймон Стальский, Ҳамзат Цадаса, Абдулла Магомедов билан 1934 йилда Москвада бўлган ёзувчиларнинг биринчи съездига поездда битта купеда қандай боргани тўғрисида эсдаликлар бор. Учта Доғистон халқ шоири битта купеда уч кун бирга кетишади, лекин бир-бирлари билан гаплаша олишмайди. Улар бир-бирларига айтмоқчи бўлган гапларини қўл ҳаракатлари ва имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қилишарди. Ҳолбуки, улар ўз тилларининг моҳир сўз усталари, ўз халқининг таникли шоирлари эди.

Абутолиб аскарлик даврини хотирлаб шундай деганди: «Қозон атрофида овқат пишишини кутиб ўтирганлар йигирма тилда гаплашишарди. Бир халта ун йигирма миллат вакиллари тарқатиларди».

Бизда Қуйи Жунгутуй ва Юқори Жунгутуй деган овулларимиз бор. Улар ораси атиги уч километр. Бироқ Қуйи Жунгутуйда кўмиқ тилида, Юқори Жунгутуйда авар тилида гаплашилади.

Даргинлар Мегребда даргинлар яшайди дейишса, аварлар Мегребда аварлар яшайди дейишади. Бу борада Мегребда истикомат килувчиларнинг фикри қандай? Улар айтишадики, биз даргин ҳам, авар ҳам эмасмиз, биз мегреблармиз. Ўзимизнинг мегреб тилимиз бор. Мегребдан етти километр нарида Чох овули бор. Бу ерда мегреб тилида гаплашиб бўлмайди. Уларнинг ўзига хос чох тили мавжуд.

Айтишларича, кубачинлик заргарлар сирининг узок саклангани сабаби улар тилини бошқалар тушунмаганида бўлган. Заргарлар сирини оғзидан гуллаб қўйган тақдирда ҳам ҳеч ким тушунмаган.

Хикоя қилишларича, Хунзах хони Гидатли овулига айғокчи жўнатиб, бозорларда, давраларда бўлиб улар нима ҳақда суҳбатлашаётганини билиб келишни буюради.

– Айт, нимани аниқладинг? – деб сўради хон.

– Ҳеч нарсани, – деб жавоб қайтарди айғокчиликка борган киши.

– Нега?

– Ҳар қайсиси ўз тилида гаплашар экан. Уларнинг тилини тушуна олмадим.

Тоғлик йигит гўзал кизни севиб қолди. У кизга «Мен сени севаман» деган учта сўздан иборат мўъжизавий дил изхорини ёзишга қарор қилди. Мақтубга эмас, кизнинг кўзи тушадиган қояга, у юрадиган сўкмоққа, сув оладиган булок бошига, қўлидаги пандурига. Бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Аммо ошиқ йигит севган кизи тушуниши учун Доғистонда мавжуд барча тилларда ёзмокчи бўлди. Начора, ошиқ кизнинг қайси тилда гаплашишини билмасди. Шу боис у Доғистондаги барча тилларда ўша учта сўзни ёзишни ўрганиш мақсадида йўлга чиқди. Ошиқ сафардан тезда қайтиб келаман, деб ўйлаганди. Кўрдикки, ҳар бир овулда бу сўзларни ўзига хос айтар экан.

Дне мун йокчула (аварча).

Заз вун қианда (лезгинча).

Ттун ина ччай бура (лакча).

Хіу наб ригулра (даргинча).

Мен сени сюемен (қўмикча).

Узуз уву ккундузуз (табасаранча).

Ме туъре хосденуъм (татча).

Ҳали йўлда ботлихлар, чоҳлар, сумадинлар, цунтинлар ва бошқа миллатлар бор.

Айтишларича, ошиқ йигит ўша севги изхорини ёзишни ўрганиш учун ҳанузгача тоғларда кезиб юрганмиш. Қиз эса аллақачон турмушга чиқиб, болали ҳам бўлиб кетганмиш. Сочига оқ оралаган баҳодиримиз бўлса ҳануз тоғларда тил ўрганапти.

– Айт-чи, сизда «Мен сени севаман» деган сўзлар қандай ифодаланади, – деб сўради кекса тоғлик йигитдан.

Йигит ёнида турган севгилисини бағрига босиб жавоб берди:

– Бизда севгини шундай изҳор қилишади.

Доғистонда кичкина қушча ҳам, оддий гул ҳам, жилға ҳам ўндан ортик номга эга.

Конституциямизда саккизта миллат борлиги кайд этилган: аварлар, даргинлар, кўмиклар, лезгинлар, лаклар, татлар, табасаранлар, нўғойлар.

Бизда бешта тилда адабий альманах чиқарилади: «Дуствал», «Дослукъ». «Тъ-алмагъдеш», «Гъудулчи», «Дружба». Бу номлар «Дўстлик» маъносини англатади.

Доғистонда тўққиз тилда китоб чоп этилади. Аммо қанча тилда кўшиқ айтилади? Буни ҳеч ким аниқ айта олмайди. Ҳар бир гиламнинг ўзига хос безаги бор. Ҳар бир киличда ўзига хос ёзув ўйиб битилган.

Нега битта қўлда бунча кўп бармоқ бор? Доғистонда бунча кўп тил қандай пайдо бўлган?

Майли, олимлар буни илмий жиҳатдан исботлай қолишсин. Аммо отам бу ҳақда шундай деганди:

«Оллохнинг элчиси эшакка миниб дунё кезиб, хуржунидан тил олиб улашиб юрарди. У хитойликлар олдига борганда хуржунидан хитой тилини олиб берди. Шу тарика арабларга араб тилини, грекларга грек тилини, французларга француз тилини, русларга рус тилини улашди. Тиллар ҳар хил эди: бири оҳанрабо, бир дағал, бири гўзал, бири нафис... Халқлар бу совгадан хурсанд бўлишиб, ҳар бири ўз тилида одамларга ўхшаб гаплаша бошлашди. Тил туфайли одамлар бир-бирини, кўшини халқларни яхши тушунадиган бўлишди.

Нихоят, элчи эшагида Кавказга йўл олди. Грузинларга грузин тилини берди. Кейинчалик бу тилда Шота Руставели ўзининг машҳур достонини ёзди. Сўнгра осетинларга осетин тилини берди, кейинчалик бу тилда Коста Хетагуров ижод қилди. Хуллас, навбат бизга етиб келди.

Ўша кун Доғистонда қор бўралаб ёғарди, қаттиқ шамол эсарди. Қор бўронидан даралар ҳам, уйлар ҳам, сўқмоқлар ҳам кўринмасди. Фақат бўронда ҳуштак чалаётган қояларнинг товуши, тўртта Қайсу дарёсининг шарқираши эшитиларди.

– Йўқ, – деди тилларни тарқатиб юрган элчи, бўрондан унинг мўйловининг учи музлай бошлаганди, – бундай об-ҳавода тоғларда ўрмалаб юрмайман.

У хуржунини қўлига олиб, икки кўзида биттадан тарқатилмаган тил қолган экан. Хуржунини тоғларга қараб силкитиб тўқди.

– Мана ўзларинг бўлиб олаверинглар, – деди у.

Тўкилган тилларни бўрон дараларга, қоялар орасига соча бошлади. Шу вақт доғистонликлар иссиқ уйларидан отилиб чиқишди. Бир-бирларига гал бермай минг йиллардан бери қутаётган олтинга тенг совгани йиғиб олишга киришишди. Ким нимани топса ўшанга эгалик қилди. Топганларини йиғиб, ҳамма уй-уйига тарқалди.

Эрталаб туришди. Бўрон тинган, қуёш чарақларди. Қаршисида тепалик. Энди уни тепалик деб эмас, тоғ деб номлашди. Пойларида сув тўлқинланарди. Энди унга

денгиз деб ном беришди. Хуллас, кўзларига нима кўринса уларга ном қўя бошлашди. Қандай бахт! Мана нон, мана онам, мана уй, мана ўчок, мана ўғлим, мана қўшним, мана одамлар...

Одамлар уйларидан чикиб, «Тоғ!» дея ҳайкиришди. Лекин бу сўз ҳар хил янгради. Кейин «Денгиз!» дея ҳайкиришди. Бу сўз ҳам ҳар хил янгради. Ўша кундан аварлар, даргинлар, кўмиклар, лезгинлар ва бошқа миллатлар пайдо бўлди. Улар яшайдиган жой Доғистон дейилди. Одамлар қўйларини, сигирларини, отларини алоҳида сақлай бошлашди. Айтишларича, отнинг одам бўлишига озгина қолган».

Оллоҳнинг элчиси! Нега тоғларда кўтарилган қор бўронидан чўчидинг? Нега хуржунингдаги тилларни тўкиб ташладинг? Нималар қилиб қўйдинг? Ахир, урф-одатлари, турмуш тарзи бир хил бўлган одамлар тил туфайли бўлиниб кетишди, бир-бирларининг гапларини тушунмайдиган бўлишди.

На илож, шунисига ҳам шукур! Дунёда ёмон тил бўлмайди. Тушунмовчиликларга келсак, уларни ўзимиз бартараф этамиз. Бир-биримизнинг қалбимизга йўл топамиз. Шундай ишлар қиламизки, ҳар хил тиллар бизни ажрата олмайди, аксинча, бизни тобора яқинлаштиради.

Кейин ўрта осиеликлар, араблар, форслар келишди, улар ўзларининг тилларини сингдиришмоқчи бўлишди. Улар қанча силқиламасин дарахтларимиздаги новдалар узилмади, ғазабдан титраётган қўлларимиздан қилич тушиб кетмади.

«Она тупроғимизни асрагандай тилни ҳам асраш керак», – деди Шомил.

«Сўз ҳам бир ўк, уни беҳудага сарф қилманглар», – дея қўшиб қўйди Ҳожимурод.

«Отадан ўғилга қоладиган мерос: уй, дала, қилич, пандур. Аммо аждодлар кетар эканлар, авлодларига аввало тилни мерос қилиб қолдиради. Кимнинг тили бўлса, уй ҳам қуради, даласини ҳам шудгор қилади, қиличини ҳам қайрайди, пандурини ҳам созлайди ва унда қуй ҳам чалади», – дер эди отам.

Она тилим! Сен мандан розимисан, билмадим. Аммо мен сен билан фахрланаман. Булок суви ернинг зулмат қаъридан қуёшга, яшил майсазорларга интилган каби юрагимдаги сўзлар она тилимда ёруғ оламга чиқишга интилади. Лабларим пичирлайди. Лабларимнинг пичирлашини ўзимгина эшитаман, лекин у тор тоғ даразида ўзига йўл излаётган дарё каби ташқарига отилади. Мен сувнинг овозини ёқтираман. Пўлат жарангини ҳам ёқтираман, айниқса, қинлардан чиққан икки ханжар бир-бирига уриштирилганда тараладиган овоз нақадар ёқимли! Ана шундай ёқимли овозлар бор тилимизда. Яна мен пичирлаб айтиладиган севги изхорини тинглашни хуш кўраман.

Она тилим! Сени ҳамма тушунадиган қилиш мен учун оғир масала. Сенинг сўзларингда шундай оҳанглар борки, уларни аварлик бўлмаган кишининг талаффуз қилиши қийин. Аммо уларни ифода этаётганлар қандай маза қилишади. Масалан, ўнгача санокни олайлик: цо, кинго, лъабю, ункъго, шуго, анлъаго, минъго, ичиго, анциго. Агар мен авар тилида ўнгача тўғри санайдиган одамни учратсам, буни

мардлик хисоблайман. Гўё у бир кўлида тош кўтариб кенг дарёдан сузиб ўтаётган одамга ўхшайди. Чунки аварчада ўнгача санашни билсанг, кўп нарсани эплансан, худди сузишга ўрганган одамсан. Қани дадил бўл, олға суз.

Ўзга миллат кишиларидан ранжимасак бўлади. Ҳатто авар болаларидан «Къода гьоркъ къверкъ къвакъвадана» сўзларини уч марта тез айтишини сўраб кўринг. Бунинг маъноси: «Кўприк остида курбака вакиллайди». Ўзи тўрттагина сўз. Лекин биз овулдаги болалар билан кун бўйи шу сўзларни тўғри талаффуз қилиб тез айтишни машқ қилганмиз.

Абутолиб авар тилини биларди. У ўғлини бизнинг Цада овулига жўнатиб, авар тилини ўрганиб қайтишни тайинлади. Ўғли қайтиб келганда, Абутолиб ундан сўради:

– Эшак миниб айландингми?

– Айландим.

– Аварчада ўнгача санашни биласанми?

– Биламан.

– Унда уч марта «Къода гьоркъ къверкъ къвакъвадана» деб тез айт.

– Буни айтишдан кўра, тирсакни тишлаш осонроқ.

Қоялар билан ўралган овулларимизнинг тили шунақа. Бизнинг талаффузимиз, сўзларимиз жанрини, илмий тил билан айтганда бўғиз ва нафас товушларимизни ифодалайдиган харфлар бирон алифбода йўқ. Шу боис кирилл алифбоси асосида бизнинг ёзувимизни яратиш вақтида товушларни ифодалаш учун харфлар ёнига кўшимча белгилар қўйилган. Айниқса, бу ундош харфларга тегишли. Мана улардан айримлари: гъ, хиві, чі, хг, хъ, ции, къ, къ, лъ, лъль.

Шу боис авар тилидан рус тилига ўгирилиб босиб чиқарилган китоб юпкароқ бўлади. Уни уч ой рўза тутган тоғлик мусулмонга ўхшатиш мумкин.

Шомилдан кимдир сўрабди:

– Доғистонга бунча кўп миллат нимага керак?

– Агар бирор миллат бошига кулфат тушса, бошка миллатлар келиб қўллаб-қувватлаши учун, агар бирор миллат кўшиқ бошласа, бошка миллатлар келиб жўр бўлиши учун.

– Нима деб ўйлайсиз, – деб сўрашди мендан, – ҳамма бир миллатни қўллаш учун ёрдамга келганми?

– Шундай бўлган. Ҳеч бир миллат воқеаларни кузатиб чеккада жим томоша қилмаган.

– Қўшиқларни ҳам жўровозликда яхши айтишганми?

– Ҳа, яхши айтишган. Чунки бизнинг Ватанимиз битта.

Тароналар кўп, лекин улар битта қўшиқда бирлашади. Тиллар ўртасида баъзи бир чегаралар бордир, лекин юракларимиз ўртасида чегара йўқ. Одамларимизнинг алоҳида-алоҳида қаҳрамонликлари, охир-оқибат, яхлит битта қаҳрамонлик – Доғистон бўлиб юксалган.

– Барибир турли миллатлар ўртасида қандайдир фарқлар бордир. Улар нима-лардан иборат?

– Бу саволга жавоб бериш жудаям қийин.

Биздаги миллатлар ҳақида гап кетганда айримлар шундай дейишади: бирлари жанг қилиш учун, иккинчилари қурол яшаш учун, учинчилари қорвадорлик учун, тўртинчилари деҳқончилик учун, бешинчилари боғдорчилик учун яралган... Бу гаплар қуруқ гап эмас. Ҳар бир халқнинг ўз жангчилари, ўз чўпонлари, ўз темирчилари, ўз боғбонлари бор. Ҳар бир халқ ўзининг усталари, қўшиқчилари, қаҳрамонлари билан фахрланади.

Аварликларнинг машҳур жангчилари Шомил ва Ҳожимурод, шоирлари Ҳамзат ва Маҳмуд, озодлик курашчилари Маҳач ва Ҳизроев, уруш қаҳрамонлари Магомед Гаджиев ва Саид Алиев.

Даргинларда: Батирай, Бағатиров, Аҳмед Мунги, Рабадан Нуров, Қора Қораев.

Лезгинларда: Сулаймон, Эмин, Тагир, Агасев, Эмиров.

Қўмиқларда: Ирчи Казак, Алим пошо, Уллубий, Султон Саид, Зайнулобид, Ботирмирзаев, Нухай.

Лакларда: Гарун Саидов, Саид Габнев, Эфенди Капиев, Сурхай ва менинг дўстим Абутолиб.

Биздаги кўплаб миллатлар орасидан биринчи бўлиб ҳаёлимга келганларининггина ёздим. Ҳар бир миллатдан ҳаёлимга биринчи бўлиб келган машҳур кишиларинггина қайд этдим. Қолбуки, Доғистонда миллатлар ҳам, уларнинг машҳур кишилари ҳам кўп. Қуллас, қадим заминимизда яшаб ўтган машҳур жангчиларни, шоирларни, усталарни, ҳозирги кунимиз қаҳрамонларини санаётсам тамом бўлмайдим.

Баъзан миллат ҳақида гап кетганда, улар энгил табиатли, сал телбарок, ўғри ёки ёлғончилар деб қолишади. Бу ўша миллатга нисбатан тухматдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир миллатда олийжаноб ва пасткашлар, гўзал ва бадбашаралар бор. Ўғриларни ҳам, тухматчиларни ҳам учратиш мумкин. Аммо улар бутун миллат қиёфасини белгиламайди, улар шу миллатдаги бегона ўтлар.

Бир танишим шундай деганди:

– Мен бир кўришдаёқ одамнинг қайси миллатга мансублигини айтиб бера оламан.

– Қандай қилиб?

– Жуда оддий. Доғистондаги бир миллат вакиллари (номини айтмаганим маъқул) Маҳачқалъа га қелишлари билан ресторанлар қаерда эканлигини аниқлайди ва гўзал қизлар билан танишишга ҳаракат қилади. Улардан уч киши тўпланса шовқини ҳамма ёқни тутлади. Бошқа миллатнинг кишилари (уларнинг номини ҳам айтмаймиз) шаҳарга қелишлари билан кинога, театрга, концертга ошиқишади. Улардан уч кишиси оркестр, беш кишиси қўшиқ ва ракс ансамбли. Учунчилари кутубхоналарга боришиб, тезроқ институтга кириш, диссертацияни ёклаш пайида

бўлишади. Уларнинг уч кишиси илмий кенгаш, беш кишиси Фанлар академиясининг филиали. Тўртинчилари (уларнинг ҳам миллатини айтмаймиз) машина сотиб олишни, такси шофёри бўлишни ўйлайди. Ҳеч бўлмаса ДАНга жойлашишга уринади. Уларнинг уч кишиси автокорхона, беш кишиси такси парки. Бешинчилари (келинг, уларнинг ҳам миллатини айтмайлик) бирор савдо шохобчаси, оммаборхона, ошхона, дўкандан иш излайди. Уларнинг уч кишиси универсал магазин, беш кишиси савдо комбинати.

У бу гапларни ҳазил учун айтарди. Чунки дунёдаги барча миллатдаги эркаклар гўзал қиз билан танишишни ва у билан ресторанда ўтиришни истайди.

Ҳар бир миллатнинг ўз театри, ўз ракси, ўз кўшиги бор. Шунингдек, барча миллат ракс ва кўшиқларини ижро этувчи «Лезгинка» ансамблимиз ҳам фаолият кўрсатади. Ҳар бир миллатдан «Волга» машинасини сотиб олишни, магазинда ишлашни хоҳловчиларни топса бўлади. Демак, булар миллат кифёсини белгиловчи омиллар эмас. Абутолиб бир иллат ҳақида гапирди, у илгари Доғистонда сира учрамасди. Бу иллат – пиёнисталик.

Абутолиб шундай деганди: «Илгари овулимизда битта арокхўр бўларди ва у шу қилиғи билан ён-атрофдагиларга ҳам отнинг кашқасидай таниқли эди. Энди овулимизда битта ёнчилик ичмайдиган одам бор. Худди мўъжизани кўришга кеч қоладигандай ён-атрофимиздаги одамлар уни кўришга келишяпти».

Бу мавзуда Абутолиб жуда кўп хикоялар айтиб берди. Агар унинг ҳамма айтганларини қоғозга туширсак, нима ҳақда суҳбатлашаётганимизни унутиб қўйишимиз ҳеч гапмас. Биз Доғистондаги миллатларни қайси белгиларига қараб ажратиш мумкин деган мавзуда фикр юритаётгандик. Эҳтимол, қийган қийимига қараб? Бўркининг кўриниши ва унинг қийилишига қараш керакдир? Аммо ҳозир ҳамма бир хил пиджак, шим, ботинка, фуражка ёки шляпа қийишади. Демак, бир миллатни бошқа миллатдан кескин ажратиш турадиган нарса, бу – тили. Шуниси қизиқки, лезгин ёки тат, даргин ёки авар рус тилида гапиришса ҳам ҳарфларга урғу беришига, тўғрироғи, рус тилини бузиб талаффуз қилишига қараб, қўмикни лакдан, лезгинни қўмикдан ажратиш мумкин.

Масалан, аварлар «с» ҳарфи билан бошланувчи русча сўзларнинг олдида «и» товушини қўшиб талаффуз қилишади. Яъни, «истакан» (стакан), «Истальский» (Стальский) ва ҳоказо.

Шунингдек, аварлар сўз ўртасида «и» ҳарфи бўлса, уни талаффузда тушириб қолдиради. Яъни, «Сибирь» сўзини «Сбирь», «белиберда» сўзини «белберда» дейишади. «Т» товушидан кейин эса, нафас олиб талаффузни давом эттирамиз. Яъни, «Товар» сўзини «Тювар» деб чўзиб айтамыз.

Даргинлар «о» ва «ю» ҳарфларини «у» тарзида талаффуз қилишади: «пучта» (почта), «лубовь» (любовь). Улар сўзнинг охирида «й» ҳарфи келса, талаффузда тушириб қолдиришади: «Стальски» (Стальский).

Лаклар «х» ҳарфини «хъ» деб юмшоқ талаффуз қилишади: «хъудожник» (художник). Масалан, Абутолиб шундай дейди: «Хъапалиев Хъузунгай приехъл».

Хуллас, бирлари ундош ҳарфларни чўзиброк айтса, иккинчилари қисқароқ талаффуз қилишади ёки умуман тушириб қолдиришади. Кўпчилик оғзаки нутқда «ф» ўрнига «п» дейишади.

Бир куни биз Абутолиб олдида тилларимиз ҳақида гаплашаётгандик. Менинг суҳбатдошим ҳар бир тилнинг талаффузини таклид қилиб кўрсатаётганди. Аввалига Абутолиб индамай эшитди, кейин суҳбатимизни кескин тўхтатиб деди:

– Роса вайсадинг, энди жим ўтир. Мен гапирай, сен эшит. Бир одамнинг камчилигини айтиб бутун миллатни айблаб бўлмайди. Ўрмон битга дарахтдан иборат эмас. Ҳатто учта дарахт, юзта дарахт бор жой ҳам ўрмон аталмайди. Бизнинг тилларимиз масаласи – бу жуда мураккаб масала. Бу мисоли ҳўл аркондаги тугунлар. Бир вақтлар бу масалага жўн ечим топмоқчи бўлишган: бизда бундай масала йўқ дейишган, унга тегинишмаган, у ҳақда гапиришмаган. Аммо бу масала бўлган. Миллатлар ўртасига нифоқ солган, одамлар қўлига қилич тутқизган. Шундай экан бу масалага юзак эмас, жуда теран ўйлаб ёндашиш керак.

Шу ўринда Маҳачқалъа да бўлиб ўтган матбуот анжумани ёдимга тушади. Йигирма тўққиз давлатдан келган ўттиз саккиз нафар мухбир Москвада расман рўйхатдан ўтиб, Доғистонга ташриф буюришди. Аввал улар овулларда бўлишди, тоғлик кишилар билан учрашишди, таржимонлар ёрдамида улар билан суҳбатлашишди. Кейин матбуот анжуманига тўпланишди. Фотоаппаратлар чироклари ялтиллади. Телекамералар у ёқ-бу ёққа сурилди. Мухбирлар ручка-қаламларини олишиб, олдиларига оппоқ қоғоз ё дафтарларини қўйишди.

Биз минбардаги узун стол ёнига қаторлашиб ўтирдик. Ичимиздаги ёши улуғимиз Абутолиб эди ва унга матбуот анжуманини очиш топширилди. Абутолиб ўрнidan туриб деди:

– Хонимлар ва жаноблар, ўртоқлар! (Биз матбуот анжуманини шундай сўзлар билан очиш кераклигини ўргатгандик. Кейин у ўзи хоҳлагандай гапирди). Келинлар, танишиб олайлик. Мана бизнинг уйимиз. Мана бизнинг ўзимиз. Мана бизнинг таниқли шоирларимиз...

Абутолиб девордаги портретларга ишора қилди. Меҳмонлар Батирай, Казак, Маҳмуд, Сулаймон, Ҳамзат, Эфенди портретларига назар ташлади.

Бу вақтда Абутолиб ҳар бир шоирнинг исм-шарифини айтиб, қайси миллатга мансублиги, қайси тилда ёзганлиги, қандай мавзуларда ижод қилгани ва қандай асарлари билан халқ эътиборини қозонгани тўғрисида қисқача сўзлаб берди. Навбат ўзининг портретига келганда, Абутолиб ўша оҳангда давом эттирди:

– Бу мен. Сиз портретлар орасидан келиб стол атрофидаги даврага қўшилибди деб ўйламанг. Аксинча, мен стол атрофидаги даврадан чиқиб портретлар орасидан жой олганман.

Шундан кейин Абутолиб стол атрофида ўтирган шоир ёзувчиларни таништирди ва кўшимча қилди:

– Уларнинг портретлари ҳам шу деворга ярашиб турган бўларди. Танишинг: Аҳмедхон Абубакр – кубачинлик сўз зарғари, Доғистон халқ ёзувчиси.

– Мусо ва Фазу. Эр ва хотин. Бир оилада икки ёзувчи, икки романчи, икки шоир, икки драматург. Баъзан ҳамкорликда, кўпинча алоҳида-алоҳида ёзишади.

Мутолиб Митаров – аварлар куёви, табасаран шоири.

Шоҳ Эмир Муродов — «тинчлик кабутари», лезгин шоири, кўпроқ кабутарлар ҳақида ёзади.

Жамидин – бизнинг ҳажвчимиз, бизнинг Марк Твенимиз, бизнинг Адабиёт жамғармамиз.

Анвар – Доғистон халқ шоири, беш тилда чиқадиган адабий баёз бош муҳаррири.

Трунов – Доғистонда яшаб ижод қилаётган рус ёзувчиси.

Хизгил Авшалумов – тат ёзувчиси, ўз она тили ва рус тилида ижод қилади.

Доғистонлик шоир-ёзувчиларни таништира экан, Абутолиб яна Бадавий, Сулаймон, Саша Грач, Ибрагим, Алиризо, Мажид, Ашуг Ратульскийнинг ўрнидан туришни сўради. Кейин адабий альманахлар муҳаррирларини таништирди ва деди:

– Меҳмондорчилик таомилимизга биноан биз ҳеч қачон меҳмонларимизнинг исм-шарифини сўрамаймиз...

Меҳмон мухбирлар навбатма-навбат туришиб ўзларини таништиришди: қайси давлатдан, қайси газета-журналдан келганликларини айтишди.

Шундан кейин барча матбуот анжуманларида бўлгани каби савол-жавоб бошланди.

САВОЛ: Сизда жуда кўп миллат ва тил бор экан. Худди қадимий Бобил бозорларига ўхшаш ҳолат дейиш мумкин. Қандай қилиб бир-бирларингизни тушунасизлар?

АБУТОЛИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ: Тилимиздаги сўзлар ҳар хил, лекин шу сўзларни айтаётган оғзимиздаги тиллар бир хил. (Кўлини юраги устига қўйди) Бу ҳаммасини яхши тушунади. (Кўли билан қулоғини ушлади) Фақат булар ёмон эшитилади.

САВОЛ: Мен Болгария газетаси мухбириман. Айтинг-чи, Доғистондаги тиллар ўртасида рус ва болгар тиллари каби қандайдир ўхшашликлар борми?

АБУТОЛИБ: Болгар ва рус тиллари – туғишган ака-ука. Бизнинг тилларимиз тўрт авлод нарисидидаги қариндош. Бир хил сўзларимиз кам учрайди. Ёзувчилар ўртасида гуруҳлар бордир, лекин тиллар ўртасида гуруҳбозлик йўқ. Ҳар бири алоҳида-алоҳида.

САВОЛ: Сиздаги тиллар қайси бошқа тилларга ўхшаш, қайси тиллар гуруҳига қиради?

АБУТОЛИБ: Татлар айтишади, улар тожик тилини тушунишади ва Ҳофиз ғазалларини бемалол ўқишади. Мен улардан сўрайман, агар сиз Саъдий ва Хайёмни тушунар экансизлар, нега уларга ўхшаб ёзмайсизлар?

Илгари совчилар келишганда, куёвни шундай макташарди: «У қўмиқ тилини билади». Бу куёв бўлмиш ҳамма нарсани билади, кизингизни унга берсангиз куйиб қолмайсиз деган маънони англашарди. Чиндан ҳам қўмиқ тилини билган одам турк, озарбайжон, татар, болкор, ўзбек, козок, қирғиз, бошқирд ва шу гуруҳдаги бошқа тилларни тушунади. Таржимасиз Нозим Ҳикмат, Қайсин Қулиев, Мустай Карим шеърларини тушуна олади.

Аммо менинг она тилим ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Лак тили хусусиятларини узоқ йиллар ўрганиб докторлик диссертацияси ёқлаган олимнинг хулосалари фикримни тасдиқлайди. Бир вақтлар таникли лак фарзанди бутун дунёни кезиб чиқиб, охири Эфиопияда тўхтади ва шу мамлакатда вазир лавозимига кўтарилди. Унинг таъкидлашича, сафарда юрган вақтида дунёнинг ҳеч жойида лак тилига ўхшайдиган тилни учратмаган.

УМАР ҲОЖИ: Бизнинг авар тили ҳам бошқа тилларга ўхшамайди.

АБУТОЛИБ: Даргин, лезгин, табасаран тилларига ўхшайдиган тилларни ҳам айтиш кийин.

САВОЛ: Сиз ўзингиз бир-бирига ўхшамайдиган тилларни қандай ўргангансиз?

АБУТОЛИБ: Ўз вақтида Доғистон овуллари бўйлаб кезишга мажбур бўлганман. Одамларга қўшиқ тинглаш, менга эса нон топиш керак эди. Ўзга овулга кадам қўйганимда, уларнинг тилини билмасанг, ҳатто итлари ҳам сенга каттиқроқ хуради. Ҳаётини эҳтиёж Доғистон тилларини ўрганишимга сабабчи бўлган.

САВОЛ: Барибир илтимос қилардим, Доғистон тилларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига батафсил тўхталсангиз. Нима учун Доғистонда шунча кўп тил бор?

АБУТОЛИБ: Тилларимизнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисида жуда кўп китоб ёзилган. Мен олим эмасман, тиллар пайдо бўлишини ўзим тушунганимча айтиб бераман. Мана биз шу жойда бирга ўтирибмиз. Айримларимиз тоғда, бошқаларимиз текисликда туғилиб вояга етганмиз. Биримиз совуқроқ жойда, иккинчимиз иссиқроқ маконда, учинчимиз дарё қирғоғида, тўртинчимиз денгиз соҳилида. Айримларимиз ҳўкиз бор, дала йўқ жойда, бошқаларимиз дала бор, ҳўкиз йўқ жойда яшаганмиз. Айримларимиз олов бор, сув йўқ жойда, бошқаларимиз сув бор, олов йўқ жойда. Бир жойда гўшт, бир жойда ғалла, бир жойда мева бор. Пишлоқ сақланган жойларда каламушлар, қўйлар ўтлатиладиган яйловларда бўрилар пайдо бўлади. Бундан ташқари, тарихимизда бўлган урушлар, ҳар хил қўшниларимиз, географик жойлашув, табиат ҳам ўз таъсирини ўтказган.

«Табиат» сўзи бизда икки маънони англатади. Биринчи маъноси – ер, сув, майса, дарахт, тоғлар. Иккинчи маъноси – инсоннинг феъл-атвори. Ҳар бир жойнинг табиати ўзига хос номларни, урф-одатларни, тартиб-қоидаларни вужудга келтиради.

Ҳар хил жойдаги одамлар уйлари ҳар хил қуришади, бўрқларини ҳар хил кийишади. Беланчақлар бошида ҳар хил алла айтилади. Маҳмуд икки торли пандур

чалиб кўшиқ айтган. Ирчи Казакнинг пандурида учта тор бор эди. Сулаймон Стальский кўшиқларини тор жўрлигида ижро этган. Кимнингдир созидаги тор эчкининг ичагидан, бошқасининг созидаги тор металдан қилинган.

Халқлар кўп, ҳар бирининг ўз одати бор. Чакалок туғилганда битта халқда чўқинтирилади, бошқасида суннат қилинади, учинчисида туғилгани тўғрисида гувоҳнома олинади. Бола улғайган сайин бошқа одатларга амал қила бошлайди. Ўғилга қизни унаштириб қелишади. Дарвоқе, бу ҳам одат. Айтмоқчиманки, одам турмуш қургандан кейин одатларнинг навбатдаги босқичига кадам қўяди. Доғистондаги тўйларнинг расм-русумлари тўғрисида айтиладиган бўлсам гапим тугамайди. Агар бунга ким қизикса, унга «Доғистон халқларининг расм-русумлари» деган китоб совға қиламиз.

САВОЛ: Урф-одатлар, тилларингиз ҳар хил бўлса, унда сизларни нима бирлаштиради?

АБУТОЛИБ: Доғистон!

САВОЛ: Доғистон.... Бизга айтишларича, бу сўз «Тоғлар мамлакати» деган маънони англатар экан. Демак, Доғистон географик жойнинг номи, холос.

АБУТОЛИБ: Бу жой номигина эмас, бу – Ватан, бу – Республика номи! Бу сўз тоғларда яшаётганлар учун ҳам, водийда истикомат қилаётганлар учун ҳам бирдай азиз. Доғистоннинг ўз қиёфаси, ўз мақсади, ўз орзуси бор. Унинг қучоғида яшаётган халқларнинг тарихи, тақдири, муаммолари, байрамлари битта. Ахир, битта бармоқдаги оғрик бошқаларига сезилмайдами? Бизнинг умумий сўзларимиз ҳам бор: Маҳачқалъа, Доғистон, Россия... Бу сўзларни таржима қилишмаса ҳам ҳамма тушунади. Бизда шоир-ёзувчилар кўп, ҳар хил баҳслар ҳам бўлиб туради. Лекин юқоридаги учта сўз бўйича бизда ҳеч қачон баҳс бўлмаган. Сизга тушунтира олдим деб ўйлайман.

САВОЛ: Бу бизга тушунарли. Мен бир нарсани сўрамоқчи эдим. Бугун битта газетада Адалло Алиевнинг шеърини ўқидим. Уни рус тилига Анатолий Заяц таржима қилибди. Шеърнинг тагига «Доғистон тилидан таржима қилинди», деб ёзилибди. Бу қандай тил?

АБУТОЛИБ: Бундай тилни мен ҳам билмайман. Кеча Адалло Алиев билан учрашгандик, суҳбатлашдик. У авар эди. Бир кечада нима бўлганидан беҳабарман. Аммо сиз хавотир олманг, бу газетачиларнинг оддий хатоси.

САВОЛ: Бизнинг Америкада ҳам кўп миллатлар яшайди ва уларнинг тиллари ҳам ҳар хил. Аммо давлат тили сифатида инглиз тили қабул қилинган. Шу тилда ҳужжатлар тўлдирилади, иш юритилади. Сизда қайси тил асосий ҳисобланади?

АБУТОЛИБ: Ҳар бир одам учун асосий тил она тилидир. Кимки ўз тоғларини севмаса, ўзгаларнинг текисликларини сева олмайди. Ўз уйдан бахтини топмаган одам уни кўчадан изласа овора бўлади. Ким ўз онасининг юзига тупурса, ўзга аёлларнинг ҳам юзига тупуради. Дўстларнинг қўлини қисганда, қилични маҳкам тутганда қўлдаги барча бармоқлар асосий ҳисобланади.

САВОЛ: Мен Мутолиб Митаровнинг достонини ўқигандим. У бу асарда мен авар ҳам, тат ҳам, табасаран ҳам эмасман, мен доғистонликман дея таъкидлабди. Сиз бунга нима дейсиз?

АБУТОЛИБ(нигоҳ ташлаб Митаровни излади): Митаров эшитяпсанми? Сенинг авар ҳам, кўмик ҳам, тат ҳам, нўғой ҳам, лезгин ҳам эмаслигингни олдиндан билман. Аммо сенинг табасаран эмаслигингни биринчи марта эшитяпман. Унда сен кимсан? Балки эртага мен Мутолиб ҳам, Митаров ҳам эмасман деб ёзарсан. Масалан, мен Абутолиб Гафуровман, биринчи навбатда лакман, иккинчидан доғистонликман, учинчидан шу мамлакат шоириман. Буни тескарисига ҳам айтишим мумкин: биринчидан, шу мамлакат шоириман, иккинчидан, Доғистонда яшайман, учинчидан, миллатим лак ва лак тилида ижод қиламан. Мен булардан ўзимни айро тасаввур қила олмайман. Булар менинг бебаҳо бойлигим. Буларнинг ҳеч қайсисидан ҳеч қачон тонмайман. Аксинча, улар учун оловга ҳам тик боришга тайёрман.

САВОЛ: Менинг қўлимдаги тиббиёт фанлари номзоди Аликишиевнинг китоби. Номи —«Доғистондаги узок умгузаронлик». У китобда юз ёшдан ошган одамлар тўғрисида ёзиб, Доғистон узок умр кўриш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаши таъкидланган. Кейин эса миллатлар куда-андачилик орқали тобора яқинлашиб бораётгани, бу кетишда яқин келажакда Доғистонда ягона миллат вужудга келади деб фараз қилинади. Йиллар ўтиб авар ҳам, даргин ҳам, нўғой ҳам ўзини доғистонлик ҳисоблайди ва паспортида шундай деб ёздирди каби фикрлар билдирилади. Бошқа бир олимнингизнинг мақоласини ўқигандим. Унда адабиёт миллатлар ўртасидаги чегаралардан ўтиб, Доғистон умумий адабиётига айланаётганлиги ёзилган. Фан номзодлари ва докторлари бу масалада ёзишаётган экан, демек бу масала теран ёндашишни тақозо этади.

АБУТОЛИБ: Аликишиевни яхши биламан. У бизнинг туманимизда туғилган. Чиндан ҳам у кўплаб оксоколларимиз хузурларида бўлиб, хаёт йўлларини ёзиб олган. Аммо ҳамма миллатлардан битта миллат пайдо бўлади деган гапни, ишончим комил, ҳурматли оксоколларимиздан ҳеч қайсиси унга айтмаган. Бу фикр унинг ўзидан чиққан. Мен бундай «мичурин»ларни кўп кўрганман, улар куёнлар устида тажриба ўтказишгандай ўз «лаборатория»ларида ҳар хил тилларни чапиштириб гибрид ҳосил қилишмоқчи бўлишади. Улар еттита миллий театрни қўшиб, битта театр қилишга уринишганди. Бешта тилда чиқиб турган газетани битта қилишга ҳам уриниб кўришганди. Ёзувчилар уюшмаимиздаги миллий секцияларни қўшиб юборишни исташганди. Ҳолбуки, бу сершоҳ дарахтнинг новдаларини қирқиб ташлаб факат поясини колдиришдай бир ишдир.

САВОЛ: Мен Ҳиндистон газетасининг муҳбириман. Бизнинг Ҳиндистонда ҳам тиллар кўп: ҳинд, урду, бенгал... Айрим миллатлар ўз она тилининг давлат тили бўлишини исташди. Натижада, қанча баҳслар, тўқнашувлар юз берди. Сизда шунга ўхшаш воқеалар рўй берганми?

АБУТОЛИБ: Бизда шунга ўхшаш воқеа икки бола ўртасида бўлган. Икки бола – авар ва кўмик битта эшакка мингашиб йўлга чиқишади. Йўлда авар бола «Хиа! Хиа! Хиама!» деб айтса, кўмик бола «Эш! Эш! Эшек!» деб айтади. Ҳолбуки, иккаласи ҳам «Эшак» дейишган. Аммо болалар тортишиб қолишади, бир-бирини силтаб эшакдан кулаб тушишади, авар бола хиямасиз, кўмик бола эшексиз қолади. Менимча, бу болаларга хос баҳслар. Биз тилларимизнинг бир-бирига тишини қайрайдиган бўриларга айлантирмоқчи эмасмиз. Бизда шундай ажойиб нақл бор: «Уйдаги аҳмоқ кўшинилар билан алоқани бузади, овулдаги аҳмоқ овуллар ўртасига раҳна солади, миллат ичидаги аҳмоқ бошқа мамлакатлар тинчлигини бузади». Ким бошқа тил тўғрисида ёмон гап айтса, бизда уни одам қаторига кўшишмайди.

САВОЛ: Демак, сиз бу масалада бизда ҳеч қандай баҳс, тушунмовчиликлар бўлмаган демокчимисиз?

АБУТОЛИБ: Баҳслар бўлган. Лекин улар жиддий тус олиб, кимнингдир ё бирон тилнинг шаънига тегмаган. Майли, ким қандай тилда хоҳласа ўша тилда гапирсин, ёзсин, ўқисин ва қуйласин. Қайсидир тилнинг яхши ё ёмонлигини, тўғри ё нотўғрилигини, гўзал ё ёқимсизлигини исботлаб баҳслашиш мумкиндир. Лекин бутун бир миллат ёмон, ёқимсиз бўлиши мумкинми? Агар шундай баҳс бошланса, билиб қўйинглар, бундай баҳсда голиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди.

САВОЛ: Доғистонда битта миллат ва битта тил бўлгани яхши эмасми?

АБУТОЛИБ: «О, бизда битта тил бўлсаиди», деб кўплар гапиришади. Оксок Ражбадин кўққисдан Грузия томонга йўлини бурганда, шох Ираклийга шундай деган экан: «Биз бир-биримизни тушунмаганимиз учун бу бало бошимизга тушди». Ҳожимурод Хайдак ва Табасарандан имомга шундай мактуб ёзган: «Биз бир-биримизни тушунмадик».

Албатта, одамлар бир-бирларини биринчи сўзданок тушунгани яхши. Шунда оз куч сарфлаб, кўп нарсаларга эришган бўларди. Аммо оилада кўп бола бўлишининг ёмон томони йўқ. Ота-она борки, ҳар бир боласига бирдай ғамхўрлик кўрсатади. Кўп болали ота-оналар кейинчалик бундан афсусланиши деярли учрамайди.

Айримлар айтишади: «Дарбанддан нарида бизнинг тилимиз кимга керак? Барибир тушунишмайди».

Бошқалари айтишади: «Бизнинг тилимиз Аракин довонидан ўтгандан кейин ҳеч нарсага ярамайди».

Учинчилар нолишади: «Бизнинг қўшиқларимиз денгизгача ҳам учиб бора олмайди».

Аммо улар ўз она тилларини архивга топширишга шошилишмаяптими?!

САВОЛ: Сиз консолидация ҳақида нима дейсиз?

АБУТОЛИБ: Бир-бирини билмайдиган, бегона миллатлар учун консолидация керак. Аммо ака-ука миллатларга консолидациянинг ҳожати йўқ.

САВОЛ: Бирок, ака-укалар гаплашиши учун битта тил керак.

АБУТОЛИБ: Бундай тил бизда бор.

САВОЛ: Қайси тил?

АБУТОЛИБ: Сиз билан гаплашиб турган рус тили. Уни авар ҳам, даргин ҳам, лезгин ҳам, кўмик ҳам, лак ҳам, тат ҳам, хуллас, ҳамма-ҳамма билади. (У кўли билан Пушкин, Лермонтов портретларини кўрсатди) Уларни биз яхши тушунамиз.

САВОЛ: Мен Расул Ҳамзатовнинг икки жилдлик китобини ўқиб чиқдим. У биринчи жилддаги «Она тилим» шеърида авар тилини шарафлаган. Иккинчи жилддаги шундай сарлавҳали шеърида эса рус тилини шарафлаган. Наҳотки, бир вақтнинг ўзиде иккита отга миниш мумкин бўлса? Биз қайси Ҳамзатовга ишонайлик? Биринчи жилддаги Ҳамзатовгами ёки иккинчи жилддагигами?

АБУТОЛИБ: Бу саволга Расулнинг ўзи жавоб беради.

РАСУЛ: Мен ҳам бир вақтнинг ўзиде икки отга ўтириш мумкин эмаслигини биламан. Аммо икки отни битта аравага кўшиш мумкин. Майли, икки от – икки тил Доғистонни олдинга қийналмай тортсин. Улардан бири рус тили, иккинчиси бизнинг тил: аварлар учун авар, лаклар учун лак тили. Мен учун она тилим азиз. Менга иккинчи она тилим ҳам азиз, чунки у мени шу тоғ сўқмоқларидан кенг дунёга олиб чиқди. Азиз нарсани азиз дейман, бошқача айта олмайман.

САВОЛ: Мен Расул Ҳамзатовдан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Битта шеърингизда шундай ёзгансиз: «Эртан она тилим йўколса агар, мен бугун тайёрман бўлишга қурбон». Аммо сизнинг халқингизда шундай нақл бор: «Катта одам келганда, кичик ўрнидан туриши керак». Мана рус тили келди. Маҳаллий тиллар ўрнидан туриб, унга жой бериши керак эмасми? Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, бошга иккита бўрк кийиб бўлмайди. Ёки лабга иккита сигарета кистириш шарт эмас.

РАСУЛ: Тилга бўркни ҳам, сигаретани ҳам қиёслаб бўлмайди. Тил ҳеч қачон бошқа тилга душманлик қилмайди. Қўшиқ қўшиқни ўлдирмайди. Доғистонга Пушкин кириб келгани учун Маҳмуд Ватанидан бош олиб кетмайди. Лермонтов Батирайнинг ўрнини эгаллаш учун кириб келмайди. Агар кадрдон дўстинг қўлингни каттик қисиб қўйса бу билан қўлинг йўқ бўлиб қолмайди. Бундан қўлинг исийди, чидамлироқ бўлади. Тил сигарета эмас, умр чироғи. Менинг иккита чироғим бор. Бири отам уйида йўлимни ёритди. Уни йўлларда адашиб қолмаслигим учун онам ёққан. Агар бу чирок ўчса, менинг ҳаёт чироғим ҳам ўчади. Жисман ўлмаган тақдиримда ҳам бошимни қора зулмат қоплайди. Иккинчи чирокни кенг дунё йўллариде адашиб қолмаслигим учун улкан мамлакат – Россия ёққан. Бу чироксиз умрим нурсиз бўлиб қоларди.

АБУТОЛИБ: Тошни ердан бир қўлда қўтарган осонми ёки икки қўлда?

САВОЛ: Барибир тоғлиқлар онаси чирок ёққан уйларини тарқ этишиб текисликка кўчиб ўтишяпти-ку?

АБУТОЛИБ: Аммо улар кўчишганда ўз тили, ўз номини олиб кетишяпти. Бўркини ҳам олишни унутишмаяпти. Янги уйнинг тоқчасида ўша чироқ ёнапти.

САВОЛ: Янги жойда йигитлар кўпроқ бошқа миллат кизларига уйланишяпти. Улар уйда қайси тилда сўзлашишади? Кейинчалик уларнинг фарзандлари қайси тилда гаплашишади?

АБУТОЛИБ: Бизда шундай хикоят бор. Бошқа-бошқа миллатдан бўлган йигит-киз бир-бирини севиб қолишади, турмуш қуришга аҳд қилишади. Киз шарт қўяди: «Агар мен учун юзта айтган ишимни қилсангиз, сизга турмушга чиқаман». Йигит кизнинг ҳушига келган ишларни бажара бошлайди. Қояга тирмашиб чиқишни айтди, қояга кўтарилди. Қоядан сакрашни айтди, қоядан сакради ва оёғини қайириб олди. Оксоқланмай юришни айтди, оксоқланмай юрди. Киз яна дарёдан сузиб ўтаётганда хуржунини ҳўл қилмасликни, чопиб бораётган отни тўхтатишни, кейин асов отни тиззалатишни, ҳатто ўзининг кўкраги устига олма қўйиб, уни қилич билан чопиб бўлишни айтди. Хуллас, йигит кизнинг тўксон тўккиз шартини бажарди. Битта шарт қолди. Шунда киз ўзининг охириги шартини айтди: «Энди туккан онангни, ўз отангни, она тилингни унут». Йигит отига сакраб миниб, кетма-кет қамчи босди ва қайтмас бўлиб кўздан йўқолди.

САВОЛ: Бу яхши эртақ экан. Аслида, ҳаётда қандай бўлади?

АБУТОЛИБ: Ҳаётда йигит-киз бирга турмуш қураётган эканлар, зиммаларига кўплаб мажбуриятларни олишади. Аммо ҳеч бири бошқасидан она тилини унутишни талаб қилмайди. Аксинча, ҳар бири бошқасининг тилини мумкин қадар ўрганишга киришади.

Ҳаётда ўз она тилини ўрганмай вояга етаётган болаларни кўрсак, уларга танбех берамиз. Тез орада бундай болаларнинг ўзи ота-онасидан ўз тилини ўргатишмагани учун ранжиб юришади. Ота-оналар эса ўзларининг беғамликларидан пушаймон бўлишади.

Ҳаётда қандай бўлишини сўраяспизми? Мана биз қаршингизда ўтирибмиз. (Кўллари билан ишора қилди.) Мана бизнинг шеърларимиз, хикояларимиз, қиссаларимиз, китобларимиз. Мана бизнинг газета-журналларимиз. Улар ҳар хил тилда. Улар йил сайин кўпроқ нусхада чоп этиляпти. Улкан мамлакат тили она тилимизни истеъмолдан сиқиб чиқаргани йўқ. Аксинча, конун йўли билан ҳимоя қилади. Энди тилларимиз юлдузлар каби кенг осмонда чарақлаб турибди. «Юлдузлар юлдузларга қараб сўзлайди». Биз дунёни, дунё эса бизни кўрапти. Агар шундай бўлмаганда, сиз биз ҳақимизда ҳеч нарса билмасдингиз. Табиийки, бизнинг ҳаётимизга қизиқмасдингиз, бу учрашувимиз ҳам бўлмасди. Мана бу бизнинг бугунги ҳаётимиз...

Саволлар – жавоблар, саволлар – жавоблар. Агар вақт белгиланмаганда, бу матбуот анжумани узок давом этган бўларди. Чунки ҳамма замонда, ҳамма халқда тил масаласи муҳокама қилинади ва бу масала муҳокамаси ҳеч қачон тугамаса керак.

– Матбуот анжумани бизнинг савол-жавоб ўйинларимизга ўхшаб кетар экан, бир томон факат савол беради, иккинчи томон факат жавоб қайтаради, – деди Абутолиб ўзига юклатилган ноодатий вазифани ниҳоясига етказгандан кейин.

Савол – ниманидир кўзлаб отилган ўқ. Жавоб – нишонга теккан ўқ.

Савол – жавоб. Сўрок белгиси, ундов белгиси. Савол – ўтмиш, жавоб – бугунги кун.

Қадим Доғистон тошда букчайиб ўтирган кампирга ўхшайди. Гўё у сўрок белгиси. Ҳозирги Доғистон ундов белгиси. У – қилич, қинидан чиқарилиб ҳавога кўтарилган.

Доғистонда фуқаролар уруши бошланганда кўпчилик хавотирга тушганди. Энди миллат, тил, номлар, гуллар йўқолади. Меседани Маруся, Мусони Вася деб атаймиз. Одамлар қайси миллатдан эканлигини унутишади. Ҳамма битта кўрпа остида ухлайди. Кучлилар кўрпани ўз томонига тортиб олади, кучсизлар совук котади.

Доғистон бу гапларга ишонмади. Шундай гапларни айтганлардан бири Гайдар Баматов хорижга қочиш учун кемага чиқар экан деди: «Сўзларимга киришмади. Қани кўрамиз, кейин ҳоллари нима бўлади?»

Кейин нима бўлганини мана кўриб турибмиз. Бу ҳақда китоблар ёзилмоқда, кўшиқлар тўқилмоқда. Бу ҳақда гаранг бўлмаган қулоқлар эшитди, сўкир бўлмаган кўзлар кўрди.

Бир тоғлик битта кўрпа остида ётасизлар деган гапга ишониб, кўрканидан Туркияга кўчиб кетди. Орадан эллик йил ўтиб, бизда нима бўлаётганини кўриш учун тоққа қайтди. Мен уни Махачқалъа ни сайр эттириш учун таклиф қилдим. Мен унга Доғистон фарзандлари – Батирай, Уллубий, Капиев номлари билан аталган кўчаларни кўрсатдим. У хиёбондаги Сулаймон Стальский хайкалига узок тикилиб қолди. Кейин хиёбондаги менинг отам Ҳамзат Цадаса хайкалини кўриб ҳайрон қолди. Хорижга кетишдан олдин у отам билан учрашган экан.

Фанлар академияси филиали олимлари билан учраштирдим. Тил ва адабиёт тарихи илмий-тадқиқот институти олимлари билан суҳбат қурди. Йигит-қизларимиз ўқиётган ўн беш факультети бор университетимизни айланиб чиқди. Кечкурун авар театри спектаклини бирга томоша қилдик. Авар номи билан аталган авар театрида ўша кунни авар ёзувчисининг авар аёли ҳақидаги спектакли намойиш қилинди. Бу Гаджи Заловнинг «Анхил Марин» спектакли эди. Марин ариясини, яъни кекса авар аёли кўшигини Халқ артисти Фотимат Ҳизроева ижро этаётганда, менинг меҳмоним ўзини тўхтата олмасдан, кўзларидан дув-дув ёш тўкди.

Спектаклдан кейин майдонга айлангани чиқдик. У майдондаги хайкаллarga узок тикилди ва секингина деди:

– Мен ширин туш кўраяпман.

– Бу тушингизни Туркияда яшаётган аварларга айтиб беринг.

– Ишонишмайди. Агар мен ҳам ўз кўзларим билан кўрмаганимда, бундай гапларга сира ишонмаган бўлардим.

Абутолиб шундай деган эди: «Қамишни кесиб, най ясаб биринчи бор чалганимда унинг овозини овул эшитди. Бутани кесиб хуштак ясаб чалганимда, унинг товуши нариги овулдагиларга етиб борди. Дарахтни кесиб, сурнай ясаб чалганимда, ундан таралган куйни бутун Доғистон тинглади. Сўнгра мен кўлимга кичкина калам олиб қоғозга шеър ёздим. Қоғоздаги шеърим Доғистондан ташкарига ҳам учиб чиқди».

О, тилларни таркатган элчи, сенга яна бир бор ташаккур! Сен тоғларни, овулларни айланиб чиқмаган бўлсанг ҳам сочиб юборган тилларинг юрагимиздан жой олди.

О, она тилида ўйлаётган ва куйлаётган одамлар! Сизга ҳам ташаккур!

ҚЎШИК

«Бақъан». Бу аварча сўзнинг икки маъноси бор: куй-оҳанг; ҳол-аҳвол, одамнинг кайфияти, дунёдаги тинчлик, хогиржамлик. «Менга битта куй чалиб беринг» деган сўровда ҳам, «Аҳволингиз қалай?» деган мурожаатда ҳам «бақъан» сўзи ишлатилади. Хуллас, бизда куй ва кайфият битта сўзда ифодаланади.

Пандурдаги ёзувлар:

Ханжар тириклардан оқизиди қон.

Пандур ўликларга бағишлайди жон.

Сўзларни, суҳбатларни элакдан ўтказ – кўшик қолади. Муҳаббатни, нафратни элакдан ўтказ – кўшик қолади. Воқеаларни, одамларнинг ишларини, умринг лаҳзаларини элакдан ўтказ – кўшик қолади.

«Унга тавлинларнинг битта кўшиги ёқарди. Кўшиқда сўзлар кам, лекин унинг гўзаллиги тез-тез такрорланадиган нақоратида эди: «Ў, дўлалай, дўлалай». Ерошқа унга кўшик сўзларини шундай таржима қилди: «Ботир йигит мол-кўйини тоққа ҳайдаб кетди. Руслар бостириб келишди, овулни ёқишди, барча эркакларни ўлдиришди, барча аёлларни асир қилиб олиб кетишди. Ботир йигит тоғдан қайтди: овул қани, ҳаммаёқ ёнган, ҳеч ким йўқ. Онаси қани, ака-укалари қани? Уйи ёнган, фақат битта дарахт куйиб аза тутарди. Йигит дарахт остида ўтириб йиғлаб юборди: «Дарахт, сенга ўхшаб ёлғиз қолдим». Шунда йигит маънос кўшик бошлади: «Ў, дўлалай, дўлалай» (Лев Толстой «Қазаклар»).

...Ў, дўлалай, дўлалай! Ў, дўлалай, дўлалай! Тоғликларнинг қадим ва ғамгин кўшиги, қачон, қаерда ва қандай яралгансан?! Нега бунча ажойибсан, нега бунча ҳайратга соласан?!

Пандурдаги ёзувлар:

*Ўйлайсанки, бу наволар тордан таралар,
Агар билсанг, ёқимли куй дилда яралар.*

Ханжардаги ёзувлар:

*Икки қўшиқ, икки томон, икки тиг:
Бу маҳв ёв ва юртдаги баланд туг.*

Бешикдаги ёзувлар:

*Ҳар кишига болалик чоғи,
Онажони айтгандир алла.
Шундай чексиз она ардоғи,
Баҳраманддир ундан ҳар бола.*

Йўл четидаги тошга ўйилган ёзувлар:

*Йўл ва қўшиқ – ёшлик орзу-армони,
Ахир, йўл-қўшиқнинг йўқдир поёни.*

Қабртошдаги ёзувлар:

*У куйлади, қулоқ тутади ўзга,
Энди у жим қулоқ тутади сўзга.*

Қадимий қўшиқлар, янги қўшиқлар... Аллалар, ёр-ёрлар, жанговар қўшиқлар. Узун ва қисқа. Бутун дунёда куйлашар сизни. Олтин ипга мунчоқдай терилган сўзлар. Гўё жой-жойини топиб тошга миҳланган сўзлар. Гўзал кизнинг оҳу кўзларидан дув-дув тўкилган дурдай сўзлар. Мерган отган ўқдай нишонга аниқ теккан сўзлар. Сўзлар тоғдаги сўкмоқлар каби узоқ-узоқларга олиб кетади, улар қанотида дунёнинг нариги чеккасига ҳам бориш мумкин.

Мисралар оралиги мисоли кўча, ана шу кўча бўйида севгилининг уйи бор. Улар мисоли отам даласидаги марзалар. Улар мисоли тонг ва шом, мисоли кундуз ва кечани ажратувчи чизик.

Қоғозга ёзилган қўшиқлар, хали қоғозга ёзилмаган қўшиқлар. Улар албатта куйла-ниши керак. Куйланмаган қўшиқ, мисоли учмайдиган куш, дук-дук урмайдиган юрак.

Тоғлиқлар шундай дейишади: «Агар чўпон най чалмаса, қўшиқ куйламаса қўйлар ўтламайди. Аммо ям-яшил яйловда наво таралганда қўйларгина эмас, энди туғилган кўзичоқлар ҳам майса чимдийди».

Бир меҳмон бошқасидан она тилида қўшиқ айтиб боришини сўради. У қўшиқ айтишни билмасди, ё қўшиқ куйлай олмасди. Шу боис у халқимизда битта ҳам қўшиқ йўқ деб осонгина қутулмоқчи бўлди.

– Ундай бўлса ўзларинг бормисизлар, ё йўкмисизлар? Қўшиғи йўқ халқ бўлиши мумкин эмас!

Ў, дўлалай, дўлалай, ў, дўлалай, дўлалай! Кўшиқ – бу калит, у билан тилнинг бебаҳо хазинаси сақланаётган сандиғи очилади. Ў, дўлалай, дўлалай!

Энди кўшиқ қандай пайдо бўлгани тўғрисида фикр юритсак. Мен бу ҳақда шу шеърни ёзгандим.

ХАНЖАР ВА СОЗ

*Тогда яшар бир фақир,
Унда йўқдир бойлик, зар.
Уйида бор бир анжир,
Белида бор бир ханжар.*

*Яна бор бир эчкиси,
Яйловда боқар уни.
Бир кун учраб хон қизи,
Ўғирлади тинчини.*

*Фақир йигит келган он,
Хон бужмайтди юзини.
Қаҳ-қаҳ отиб қўлди хон,
Сўраганда қизини.*

*– Яроғ эмас бир ханжар,
Битта бута эмас боғ
Сенга гап садқайи сар,
Боргинда эчкингни соғ.*

*Қизини узатди хон,
Кўёви бой муқаррар.
Мол-қолга тўлди қўтон,
Уйга тўлди бойлик, зар.*

*Йигитни қийнар ҳижрон,
Қалбини армон эзди.
Томирида қайнаб қон,
Ханжарга қўлин чўзди.*

*Эчкини шарт ушлади,
Ханжар солди бўғзидан.
Кейин қирқиб ташлади,
Анжирини илдиздан.*

*Бўзлар эди юраги,
Анжиридан соз қилди.
Эчкисининг ичаги,
Эшган эди тор бўлди.*

*Таранг торга теккан он,
Жаранглади бир наво.
Шубҳасиз бу, эй инсон,
Самодан келган садо.*

*Йигитга бўлди ҳамроз,
Тогликнинг қўш қаноти.
Битта ханжар, битта соз,
Шундай кечди ҳаёти.*

*Панд бор бу ҳикояда,
Тоглик бўлсанг қўй ичлос.
Ҳамон осиқ қояда,
Битта ханжар, битта соз.*

Соз ва ханжар. Жанг ва қўшиқ. Севги ва қахрамонлик. Бу халкимизнинг тарихи. Тогликлар мана шу икки нарсага юксак эҳтиром кўрсатишади.

Тоглик уйи деворига илинган гилам устида шу икки бебаҳо хазина доим осик туради. Улар меҳр билан, эҳтиром билан, жуда эҳтиёткорлик билан қўлга олинади. Агар эҳтиёж туғилмаса улар умуман қўлга олинмайди. Ханжарни қўлга олсанг, ёши улуғ киши сени эҳтиёткорликка чорлайди: «Эҳтиёт бўл, сознинг торини узиб қўйма». Созни қўлга олсанг, ёши улуғ киши яна эҳтиёткорликка чорлайди: «Эҳтиёт бўл, қўлингни кесиб оласан». Ханжарга сознинг, созга ханжарнинг расмини ўйиб чизишади. Қизларнинг кумуш камарида, зебигардониди ҳам соз ва ханжарнинг расмлари нақшланган бўлади. Йигитлар урушга кетаётган вақтда, албатта ханжар ва созни олади. Уйнинг соз ва ханжар йўқ девори худди саҳрога ўхшаб қолади.

– Урушга кетаётган одамга соз нимага керак?

– Сознинг торига тегишинг билан наво таралаб, ота маконингни, туғилган овулингни, онангни, уйингни эсга солади. Уларни химоя қилиш учун ўлимни ҳам пиланд қилмай жангга кирасан.

«Қилчлар жаранглаб турса, овуллар бир-бирига яқинлашади», – дейишади ботирлар. Аммо ҳеч нарса туғилган овулингга элтадиган йўлни пандур навосидай қискартира олмайди.

Ў, дўлалай, дўлалай!..

Маҳмуд Карпат тоғларида куйлаганда, туғилган овули, кадрдон тоғлари ёнгинасида бўлган. Севимли ёри Марям ҳам ёнида турган, унга Маҳмуд васиятини айтган:

*Қабримга тортингиз қалин қум-тупроқ,
Бир четида бўлсин жиндай тешиги.
Токи эшитилсин солганда қулоқ,
Тоғлик аёлларнинг соғинч қўшиги.*

*Кўминглар, кадрдон созимни қўшиб,
Тепамда эсишсин бедор шамоллар.
Куйлаган чоғимда соғиниб қўшиқ,
Тингласин овулда қолган аёллар.*

Маҳмуд яна шундай деган бўлиши мумкин:

*Қўшиқ айтсам, тоғлар бошимда посбон,
Марям, сенга қандай солайин тугён?*

*Соз чалсам, ҳаттоки рақс тушар илон,
Марям, сенга қандай солайин тугён?*

Тоғликлар қўшиғи қандай пайдо бўлганини билишни истайсизми?

*Қўшиқ – халқ орзуси бўлиб яралган,
Қачон куйланган у, билмас ҳеч инсон.
У уйғоқ қалбдан нур бўлиб таралган,
Ҳамон уйғоқ, қалбга солади тугён.*

*У бизга келгандир олис самодан,
Тоғдаги уйлاردан, овул қўйнидан.
Биз баҳра олгунча сўз ва наводан,
У жой олган қанча авлод кўнглидан.*

Кўшиқ – тоғдаги жўшқин дарё. Кўшиқ – жанг майдонидан хабар олиб келатган чавандоз. Кўшиқ – қутилмаганда меҳмонга келган дўстинг, кадрдонинг. Майли, сиз ҳам кўлингизга пандур, чонгур, чаган, най, сурнай, дойра, гармонь, барабан, ҳеч бўлмаса мис патнис ёки тоғора олиб чалинг. Қарсақ чалиб, оёғингиз билан ерни тепиб дукиллатинг.

Севгилингиз уйининг деразасига отган тошингиз қандай жаранглаганини бир эслаб кўринг. Кўшиқларимизни тингланг, кўшилиб куйланг. Улар шодлик ва армон махсули. Улар мардлик ва ориятга, орзу ва ишларга гувоҳ бўлган. Улар ёшларни ботир ва донишманд қилади, донишманд ва кексаларни эса ёшартиради. Чавандозни отдан тушириб тинглашга ундайди. Пиёдани эса отга сакраб миндириб, қушдай парвоз қилиши учун канотлантиради. Шароб ичиб маст бўлиб қолганларни хушёр торттиради. Хушёрларни эса сархуш қилади. Кўшиқда шундай жуда кўп хусусиятлар бор.

Тоғликни олов гуриллаб турган ўчоқ ёнига таклиф қилиб, қўлига шох тўла вино тутказинг ва куйлаб беришини сўранг. У кўшиқ бошлайди. Агар бирор кўшиқни айтиб беришини илтимос қилсангиз, у эрталабгача ҳам куйлайди. Факат сўранг, айтилик, севги ҳақида кўшиқ. У сизга севги ҳақида дилбар кўшиқ бошлайди:

*Ў, дўлалай, дўла-дўлалай,
Севги қизил лоладай, қондай.
Севги қора тундай, ёлгондай,
У келиннинг либосидай оқ,
Кафанликдай оптоқ ва пок.
Кўкдай тоза, тиниқдир муздай,
Севги порлаб турган юлдуздай.
Қор эриси бўлади дарё.
Лекин севги сўнмайди асло.*

- Дунёда энг чиройли нарса нима?
- Тоғдаги бинафша.
- Тоғдаги бинафшадан нима гўзалроқ?
- Севги.
- Дунёда энг ёркин нарса нима?
- Тонгда тоғ ортидан чиққан қуёш.
- Тонгда тоғ ортидан чиққан қуёшдан нима ёркинроқ?
- Севги.
- Ў, дўлалай, дўлалай! Яна нима ҳақда куйлай?
- Севишганлар ҳақда, севгига жон фидо қилганлар ҳақда.
- Ромео ва Жульетта, Тохир ва Зухра, Тристан ва Изольда...

Доғистонда шундай ошиқ-маъшуклар камми? Бизда ҳам бир-бирларининг ви-солига етмаган қанча ошиқ-маъшуклар бўлган. Уларнинг орзулари ушалмади, лаб-лари ёр лабларига тегмади, қўллари ёр белидан қучмади. Қанча ёшларни навқирон ёшида уруш олиб кетди, қанчасини севги. Улар айрилик оловида куйиб кул бў-лишди, ўзларини баланд қоядан ташлашди, саркаш дарёга сакрашди.

Бу қиз Азайн овулидан, бу йигит Қўмик овулидан. Икки ёшнинг севги дос-тони бошланди. Яхшиси, бутун Доғистон аҳли биладиган бу севги достонини айтиб бера қолай.

Қўмиклик йигит Азайн овулига севгилисига бир назар ташлаш учун келади. Аммо у кўринмайди. Йигит тўрт кеча-кундуз кутади. Бешинчи кун отига миниб овулига кетишга чоғланади.

*Ерга қарар – қуруқ, тап-тақир,
Кўкка қарар – мовийдир само.
Нега унда ёғмоқда ёмғир?
Йигит усти бўлди шалоббо.
Томда ёри ўтириб ёлғиз,
Кўз ёш тўқар мисоли булоқ,
– Зор-зор қутдим тўрт кеча-кундуз,
Нега бунча қутдирдинг узоқ?
– Йўлга боқдим, отинг товшини
Тўрт том, тўрт уй наридан тинглаб.
Оқизганча кўздан ёшимни,
Акаларим қўйишди қамаб.
Бешинчи кун тугади тоқат,
Йўлга чиқдим учрашиш учун.
Қучли экан севгида қудрат,
Тўртта қулфни қилдим чилпарчин
Уйда қизир бемаъни савдо,
Сотишмоқда эзиб кўнглимни.
Бериб қўйма ўзгага асло,
Уйга кириб сўра қўлимни.*

...Аммо қўмиклик йигит бу ерда қолгиси келмади.

*– Отим эгарладим. Хайр, омон бўл,
Одамлар не дейди ортимга қайтсам.
Мезбон ҳам чин дилдан тилади оқ йўл,
Уят дейди, яна қолай деб айтсам.*

*Кетаман, юрагим сен билан қолар,
– Акаларим кўзим қаргадай талар.
– Унда қолдираман кўзларимни ҳам.
– Акаларим дарҳол кўришар баҳам.
Агарда сен чиндан кетмоқчи бўлсанг,
Отингни чоптириб йўлга туш шу дам.
Унутма, овулдан чиқиб кетар вақт,
Ўғирлиб менга қараб қўй фақат.
Йўлда отинг тиниқ сойдан сугоргин,
Сўнг уни яйловга қўйиб юборгин.
Чакмонга ўраниб тунда мизғий қол,
Уйғонгач, аввало мени эсга ол.
Ёмғир ёгса, бил у менинг кўз ёшим,
Қор ёгса, у гамдан оқарган сочим.*

Кўмиклик мағрур йигит отига уч бор камчи босди, уч марта ортига ўғирлиб каради. Овулдан маъюс чиқиб кетди. Уч хафта ўтди. Тоғларни қор қоплади. Бахтсиз Меседа ўзи хохламаган йигитга турмушга чиқишни истамади ва ўзини қоядан ташлади. Чунки бир кун аввал Меседани қайсар отаси ва акалари қор ёғиб турганини кўришса ҳам қўчага ҳайдаб чиқаришди.

Ўша тунда у қўшиқ куйлади:

*Майли, уйимизда юз қиз туғилсин,
Отам уларни ҳам сотиб бой бўлсин.
Тўйларида отам ўйнасин, кулсин,
Ўзи истагандай зарга кўмилсин.
Майли, акаларим топсин бой келин,
Лекин улар билан яшолмас эркин.
Эҳтимол, қучолмас келиннинг белин,
Қувониб қучишар келтирган сепин.
Қор бўрони олддан урилар юзга,
Йўлимдаги дарё айланган музга.
Севғилим йўлимни тозалар қордан,
Тунашга жой топар иссиқроқ гордан.
Биламан, оёғим остида қор-муз,
Ортга боқма, олдга қарагин ҳаргиз.*

Йигитга Меседанинг аламли нидоси етиб бордимиз, ё юраги бир нарсани сездимиз, у отига миниб чоптирганча Кўмикдан ёри овулига шошилди. У кечикди, бў-

либ ўтган воқеадан хабар топди. Отидан жиловни олиб, кўйиб юборди. Камарини ечиб қурол-яроғини ташлади. Милтиғини тошга уриб синдирди. Йигит ёрининг отаси ва акаларига тик боқиб деди:

*«Уйингиз тинчини сира бузмасман,
Ханжар қайрамасдан қасд учун зинҳор.
Панадан қўргошин уқ ҳам узмасман,
Ёрим юзин очинг, кўрай сўнгги бор.
Очинглар қордан ҳам оппоқ кўксини,
Сўнгги бор кўрайин унинг ҳуснини».
Отаси қизининг юзини очди,
Бечора ошиқнинг мазаси қочди.
Кўкрак тугмаларин бироз ечган он,
Ошиқ йигит қараб туриб берди жон.*

Уларнинг қисмати битта, лекин майитлари бошқа-бошқа жойда... Энди нима қилишса яхши бўлади? Ўшанда катта маслаҳат бўлди. Доғистондаги барча оқсоқоллар тўпланишди.

Машҳур севги расуллари шундай дейишди:

*Ошиқ-маъшуқ гул каби сўлди,
Қолди ишққа вафо, садоқат.
Бир-бирига тикилиб ўлди,
Икки ҳаёт – битта муҳаббат.*

*Битта қабр қазинг кенг қилиб,
Тор бўлмасин бу дунё мисол.
Бу дунёда қолди айрилиб,
Ўлим берсин абадий висол.*

*Майли, битта кафанга ўранг,
Битта гумбаз уйинг тупроқдан.
Кўйинг улкан ёдгорлик – харсанг,
Кўринсин у йироқ-йироқдан.*

Улар шундай дафн этилди. Қабрдан кип-кизил гуллар униб чикиб, чаман бўлиб очилди. Бу гулларни қор ҳам кўма олмади. Чунки гулларга теккан қор эриб кетаверди. Гўё бу гуллар олов. Қабр пойидан булоқ отилиб чиқди. Одамлар булоқ сувидан ичишиб, қалбларини поклай бошлашди. Қабр ёнидан иккита дарахт ўсиб чиқди. Бундай чиройли дарахтлар, хатто қоялар ён бағрида ҳам учрамайди. Совук

шамол эсганда дарахтларнинг новдалари безовта силкинади. Иссиқ шамол эсса дарахтлар новдаларидаги япроқлар қарсақ чалишиб, бир-бирларини силашади, худди кўмиклик йигит ва азайнлик қиз каби.

Мен Али хақидаги кўшиқни куйлагим келаяпти. Бу кўшиқ узун бўлгани учун баъзи жойида куйлайман, баъзи жойида мазмунини сўзлайман.

Бир овулда Али яшар экан. Унинг гўзал хотини ва кекса онаси бор экан. У яйловга отарни ўтлатишга кетиб, узоқ вақт келмабди.

Бир куни Али олдига овулдоши келиб, онаси уйга тезда етиб келишини тайинлаганини айтди.

Алининг хаёлига нималар келмади дейсиз? Бирон фожиа юз бердимикин? Нимага онам тезда етиб келишимни тайинлади экан? Агар бирор фожиа юз берган бўлса, бунга ёш хотинининг дахли бор?!

У хабар келтирган овулдошидан сабабини сўради. Овулдоши сукут сақлади. Шунда Али ундан илтимос қилди, кейин ранжиган бўлди, охири ханжарини ўқталди. Ноилж овулдоши тилга кирди:

*Али сенинг хотининг гўзал,
Тунда ухлар одамзот, олам.
Унда айт-чи, нега шу маҳал,
Очилади гирчиллаб дарчанг?*

*Али сенинг хотининг дурқун,
Гоҳ бурканар қорга ер юзи.
Унда айт-чи, нега қорли тун.
Ёнда қолар кимнингдир изи?*

*Айт-чи, нега дарчанг очилган?
Хотинингнинг нияти бузук,
Қўлида йўқ сен совга қилган,
Тилла узук ва билагузук.*

Албатта, Али овулга шошди. Онасининг олдига кирмасдан, тўғри ёш хотинининг хонасини очди. Хотини эрининг бўрки ва чакмонини олмоқчи бўлди. Йўлдан чарчаб келгансиз, ҳозир бўза олиб келаман деди.

*– Ечиниб, қўлинг юв, дам олгин бир он,
Ҳозир мен ёзаман тўқин дастурхон.
– Олдин айт-чи, сени қандай жин урди,
Менинг чакмонимни ким кийиб кўрди?*

– Йўлдан чарчаб келдинг, тушгин шаштингдан,
Ҳеч қурса бўркингни олгин бошингдан.
– Тўхта, олдин айт-чи, мен тоғда пайтим,
Кимларга ичирдинг энг тоза майим?

Али ханжарини кинидан суғуриб олиб, хотинининг кўксига икки марта санчди.

– Омон бўлгин, ботирим Али,
Яна юз йил камида яша.
Менга раҳминг келмасин майли,
Аҳволимга бир назар ташла.

Бу иш эмас сендай полвонга,
Охирги бор айлагин шафқат.
Ерда ётмай бўяниб қонга,
Ўз ўрнимга олиб қўй фақат.

– Олиб қўй дер, бу кўнгли бузуқ,
Мени элга шармисор этдинг.
Қани узук ва билагузук,
Айт, уларни қайга бекитдинг?

– Сандиқни оч, ботирим Али,
Тахланганча турибди безак.
Айтгин ўзинг, сен йўқ маҳали
Менга безак не учун керак?!

Али онасининг олдига чошиб борди:

– Нега мени чакирдингиз, нима бўлди?

– Хотининг сени соғинди, болаларинг сени соғинди. Агар келсанг, ўзинг билан
янги сўйилган қўй гўштини келтирасан. Ҳаммамиз маза килиб қўй гўшти еймиз деб
ўйладим.

Али бошини чангаллаганча хотинининг жасади ётган хонага кайтди.

Юзи оқ, бўзарган. Кўзи юмилган,
Қўллари совуган. Кечдир пушаймон.
У юм-юм йиглади. Хотини ўлган,
Энди тирилтира олмас ҳеч қачон.

*Али иккинчи бор ханжар сугурди,
Ўтқир тиғи узра ялтиради қон.
Қаттиқ бир зарб билан кўксига урди,
Хотини ёнига чўзилди бежон.*

Бу фожиа шундай тугади. Майитларни ёнма-ён кўмишди. Қабрлари ёнидан икки ниҳол ўсиб чиқди.

Яна қандай кўшиқ куйлай? Ё Камалил Башир хақида айтиб берайми? Таъбир жоиз бўлса, уни доғистонлик Дон Жуан дейиш мумкин. Агар у булок сувидан ичса ҳам томоғидан кўринар экан. Унинг териси ана шундай нозик ва оқ бўлган. Охир, унинг шу нозик томоғига отаси ханжар солган. Нимага? Албатта, томоғи чиройли бўлгани учун...

Камалил Башир ўлди, лекин унинг севгиси хақида илгари қандай гапирилса, ҳозир ҳам шундай гапиради.

Чакалоқ беланчақда ётибди, лекин боши узра севги кўшиғи куйланади.

Яна бир бор халқимизнинг қадим ўйинини эсга олишим керак. Бу ўйин «бақиде разьин» деб номланади.

Кўтаринки кайфият бағишлайдиган бу ўйинда, иштирокчилар зехнини ишга солиб керакли сўзни тезроқ топишлари лозим. Бу ўйинни Доғистоннинг барча овулида билишади. Қишнинг узун кечаларида ёш йигит-қизлар бирор хонадонда тўпланишади. Улар ичкилик ичишмайди, буркситиб сигарета чекишмайди, қасир-қусурлатиб писта чақишмайди, ҳайқиришиб картабозлик қилишмайди, қийшанглашиб бир-бирига суйкалишмайди. Фақат шеъриятдан завқ олишади ва бу борадаги лаёқатларини синаб кўришади. Қандай ажойиб ўйин!

Таёқча танланади. Бу таёқча қизнинг қўлида. У таёқча билан йигитни туртиб кўшиқ бошлайди:

*Мана, энг чиройли таёқчани ол,
Сўнг ўзингга танла бир соҳибжамол.*

Йигит бир қизни танлайди. У ўртадаги стулга ўтиради. Иккиси ўртасида кўшиқ баҳси бошланади.

*О, гўзал, гўзал,
Бизга айт исминг.
О, гўзал, гўзал,
Бизга айт аслинг.*

Барча қарсақ чалиб жўр бўлади: «Ў, дўлалай, дўлалай».

*Исмимни айтдим
Бошқа бировга.
Ишқимни айтдим
Бошқа бировга.*

Барча қарсақ чалиб жўр бўлади: «Ў, дўлалай, дўлалай».
Қиз ўрнидан туриб, таёкча билан бошқа йигитни туртади. Энди у стулга ўтиради. Янги жуфтлик ўртасида шеърхонлик бошланади.

*Қиз:
Тоққа ёғди қалин қор,
Кўринмай қолди сўқмоқ.
Нима ейди оч-наҳор,
Кезиб юрган кўзичоқ?*

*Йигит:
Бир кун қор эриб кетар,
Сувга тўлар сой-ирмоқ.
Ташнализин қондирар,
Ўтга тўяр кўзичоқ.*

«Ў, дўлалай, дўлалай». Янги жуфтлик уйинни давом эттиради.

*Қиз:
Қудуққа борма ногоҳ,
Каттакон аждад яшар.
Сув ичгани келган чоқ,
Кўзичоқни еб қўяр.*

*Йигит:
Қудуқда бўлса аждад.
Боражакман изингдан.
Ташиласанг бир бор назар,
Сув ичаман кўзингдан.*

«Ў, дўлалай, дўлалай». Ўртага янги жуфтлик чиқади.

*Йигит:
Тогда бўрон чалар куй,
Айланар дарё музга.
Сенга атаб қурай уй,
Уйланай сендай қизга.*

*Киз:
Сен ўзингга келинчак,
Изла бошқа овулдан.
Товуққа қуриб катак,
Умид қилма булбулдан.*

«Ў, дўлалай, дўлалай». Барча қарсақ чалиб, жўравозликда куйлайди. Кишнинг узун кечаларида ўйин узоқ давом этади.

Доғистоннинг севги кўшиклари! Йигит ўзи ёктирган кизнинг қўлини сўрайди, бошқаси сурбетларча кизни ўғирлаб кетади.

Бир йигит киз яшайдиган уйнинг эшигини одоб сақлаб тақиллатади, бошқаси истиҳола қилмасдан уйнинг деразасидан киради.

Асрлар ўтса ҳамки бу севги кўшиклари яшаяпти. Бу кўшикларни кўшикчилар яратишган, аммо энди бу кўшиклар кўшикчиларни яратишяпти.

Кўшиксиз тўй бўладими, кўшиксиз кун ўтадими, кўшиксиз одам яшай оладими?! Бизда шундай гап бор: «Ким кўшик айтишни билмаса, уйда эмас оғилхонада яшагани маъкулрок».

Яна айтишади: «Севги лаззатидан тотмаган девдай кишининг бўйи севган одамнинг камаригача етмайди».

Маҳмуд Биринчи жаҳон урушида Доғистон отлик полки таркибида Карпат фронтда иштирок этган. Айна шу кезде у ўзининг машҳур «Марям» кўшиғини ёзган. Куролдош дўстлари бу кўшикни довондан ўтиш пайтида жўр бўлиб куйлашган. Кўшикнинг ёзилиш тарихи ҳам қизик бўлган. Кескин ўтган жангда рус кўшини бир кишлокни эгаллаб, у ердан австрияликларни ҳайдаб чиқаришади. Душманнинг изидан қувиб кетаётган Маҳмуд черковнинг қаршисидан чиқиб қолади. Черков эшигидан бир австриялик киши чиқа бошлайди. Аммо у Маҳмудни кўриши билан қайтиб черковга киради.

Бир неча кун илгари Маҳмуднинг акаси ҳалок бўлганди, у касос ўтида ёнарди. Шу боис у ўйлаб ҳам ўтирмасдан отидан сакраб тушди. Ханжарини кинидан сугуриб, австрияликни бурда-бурда қилиб ташлаш учун черковга кирди. Лекин черков ичига чопиб кирган Маҳмуд бирдан тош котди.

Унинг шундоқ қаршисида австриялик тиз чўкканча муқаллас Марям суратига қараб ибодат қиларди.

Доғистонда тиз чўкиб турган одамга қўл кўтарилмайди, ибодат қилаётган одамга ҳалақит бериш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Бунинг устига, Маҳмуд австриялик ибодат қилаётган суратдаги аёл чиройига махлиё бўлиб қолганди.

Маҳмуд кўз олдидан севгилиси Муи сиймоси, унинг маънос нигоҳи, хатти-ҳаракатлари ўта бошлади. Қўлидаги ханжар тушди. Беихтиёр австриялик ёнига тиз чўкиб, суратга қараганча христианларга ўхшаб қўлини лабига, елкаларига тегизиб

ибодат килди. У шу қадар суратга хайрат билан тикилиб колгандики, австриялик қачон черковдан чикиб кетганини ҳам сезмади. Билмадик, австриялик бу ҳақда танишларига нима сўзлаб берди экан?

Ўша кундан бошлаб Махмуд дунёдаги битта нарсани – Севгини тан олди. Энди унинг қалби бошқа мавзудаги қўшиқларга эҳтиёж сезмасди. Догистон қўшиқчилари орасида ханузгача у куйлаган севги пардасига кўтарилган, ишқ ҳаяжонларини теран тушунган қўшиқчи йўқ. У сўзлаётганда севги ҳақида шеър ёзаётганини, шеърини мисралар гизаётганда севги ҳақида куйлаётганини ўзи ҳам билмасди. Ўзининг барча муваффақиятларига Муига бўлган севгиси туфайли эришганига қаттиқ ишонарди. Агар кадрдон дўсти ҳам суҳбатлашаётганда Муи ҳақида гапирмаса, унинг сўзларини тингламасди.

Отам ҳам у ҳақдаги хотираларини қўп бор гапириб берган. Махмуднинг ҳузурига жуда қўп кишилар келарди. Уларнинг аксарияти севишганлар эди. Сўзнинг қудратига ишонишгани учун улар Махмуддан севги ҳақида шеър ёзиб беришини сўраарди. Илк бор севган йигит севгилисига кўнгли розини очолмаган вақтда ундан нажот кутарди. Севгилиси ўзгага турмушга чикиб кетган, соғинч хижрон ўтида ёнаётган йигитлар ундан таскин изларди. Марҳум эрига садокатли бевани севиб колганлар, вафодор аёлнинг кўнглини ўзига илитиш учун шеър ёзиб беришини илтимос қиларди.

Севги йўлида алданиб колганлар ҳам, севишини ёрига ишонтира олмаганлар ҳам, муҳаббатнинг чигал тугунини ечишга қийналганлар ҳам, ёри билан аразлашиб юрганлар ҳам, ишқий рози рад этилганлар ҳам ҳеч иккиланмасдан Махмуд ҳузурига келишарди.

Қанча одам бўлса, шунча севган одам бор. Ҳар бирининг севгиси ўзига хос. Иккита бир хил севги бўлиши мумкин эмас.

Махмуд эса ҳар бир севги хусусиятидан келиб чикиб шеър ёзарди. Бу шеърлар туфайли севишганлар топишарди, аразлаганлар ярашарди, ғамгин бева аёлнинг кўнгли юмшарди, ўспиринлар севгисини дадил айтарди, хиёнат қилганлар уятдан кизарарди, алданганлар кечириларди.

Бир куни Махмуддан сўрашди:

– Қандай қилиб турли одамларнинг қайфиятига мос шеър ёзасиз?

– Барча одамларнинг тақдири битта одам юрагидан жой олиши мумкин. Ўйлайсизларки, мен улар ҳақида шеър ёзаяпман? Уларнинг севгиси, хижрони, азобларини шеърларига қўчираёпти, деб ўйлаяйсизларми? Йўқ, мен ўз севгим тўғрисида шеър ёзаяпман. Мен ҳам ёшлик пайтимда Бетли овулидаги Муини севиб колгандим. Муини бош-қага турмушга беришди, жигар-бағрим қон бўлди. Кейин Муининг эри вафот этди, у бева қолди. Ханузгача юрагим севги ўтида ёнади. Шу боис мен севги ва хижрон нималигини биламан. Нега энди мен ўзгаларнинг севгиси ҳақида шеър ёзишим керак?

Айтишларича, Махмуднинг ҳузурига келган айрим кишилар, урушда ҳалок бўлган ёки вафот этган яқинларига бағишлаб шеър ёзиб беришини сўрашган. Улар

ўз ўглини йўқотган оналар, акасидан жудо бўлган сингиллар, эридан айрилган хотинлар, куёви доғида куйган келинчақлар эди. Аммо Маҳмуд улар илтимосига кўра битта ҳам шеър ёза олмади. У ночор жавоб кайтарарди:

– Мен осойишта овулда яшаб, қандай қилиб уруш ҳақида шеър ёза оламан? Ҳолбуки, урушда мен севги ҳақида шеър ёзган бўлсам!

Тоғликларда урушга дахлдор шундай сўзлар бор: «Тинчлик ҳақидаги қўшиқлар кадрига уруш вақтида кўпроқ етасан», «Севгининг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, жанг майдонига кир».

Ханжарнинг икки томонида тиғи бор: бир томони туғилган ўлкага муҳаббат, иккинчи томони ғанимларга нафрат. Пандурнинг ҳам икки тори бор: бирида муҳаббат, иккинчисида нафрат яшайди.

Тоғликлар ҳақида шундай дейишади: улар ётганда ҳам бир қўли билан хотинни кучади, иккинчи қўлида эса ханжар бўлади. Бекорга қадимги қўшиқларимиз ханжар зарбаси билан тугамаган. Аммо кўпчилик қўшиқларимиз тоғликнинг ёрнини оти эгарига ўтказиб қайтиб келиши билан яқунланади.

Тоғларда эски қабрлар очилганда мархумнинг устухонлари ёнида унинг қиличи ва ханжари ҳам бўлади.

– Нега мархумнинг пандури учрамайди?

– Пандурлар қаҳрамонликлар ҳақида қуйлаш учун тирикларга қолдирилади. Агар ер юзиде барча қуроллар йўқотилса, хатто биттагина ханжар қолмаган тақдирда ҳам билиб қўйинглари, барибир қўшиқ яшайди.

Отам айтарди: «Одий меҳмон – ўз уйининг меҳмони. Қўшиқчи меҳмон, созанда меҳмон – бутун овулнинг меҳмони. Бундай меҳмонларни бутун овул кутиб олади ва кузатади. Масалан, Маҳмудни ҳамма жойда губернаторлардан кўра тантаналироқ кутиб олишган. Эҳтимол, шунинг учун ҳақгўй шоирни губернаторлар ёқтиришмасди».

Яна отам икки йўловчининг Доғистондаги саргузаштини гапириб берганди. Улар йўлда кетишаётганда изғирин кучаяди, бири иккинчисига дейди:

– Чарчадик, дам олишимиз керак. Ҳозир қоронғи ҳам тушади. Совқотганингда юзинг гезариб кетибди. Мана овул ҳам кўринди. Юр, йўлимизни ўша томонга буриб, улардан тунашга жой сўраймиз.

– Мен чиндан ҳам чарчадим ва совқотдим. Касалим ҳам хуруж қила бошлади. Аммо бу овулга бора олмаман.

– Нега?

– Бу гафлат босган овул. Ҳалигача бу овулдан қўшиқ овози эшитилмаган.

Балки йўловчилар шундай овулни бошқа жойда учрагандир. Чунки Доғистонда шундай овул борлигига ҳеч ким ишонмайди. Негаки, Доғистонда қўшиқ айтилмайдиган овулнинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳеч бир овулимизни чеккалаб ўтиб бўлмайди.

Бестужев–Мерлинский ўз китобига Доғистон қўшиқларидан бир парчасини зарсарлавха қилиб олган. Белинский бу қўшиқ сўзларини ўқиб, унга китобдан ким-матлирок деб баҳо берган. Яна қўшимча қилиб, бу мисраларни Пушкин ҳам зарсарлавхага қўйишга уялмас эди деган.

Темир-Хон-Шурада қўшиқларимизни Лермонтов ҳам тинглаган. У қўшиқлар мазмунини тушунмаган бўлса ҳам маза қилиб тинглаганини ёзиб қолдирган.

Профессор Услар эса, Гуниб тароналари инсониятга берилган бебаҳо тухфа деб ёзган.

Бу қўшиқ ва оҳангларни бизга ким берган? Тоғлиқлар бу қўшиқларни қайдан олган? Бу қўшиқларни тоғлиқларга бургутлар ва отлар, қиличлар ва майса, тебранаётган беланчақлар, тўртта Қайсу дарёси, Каспий денгизи тўлкинлари, Махмуднинг севгилиси Марямга ёзган ишқий нолалари, Доғистон тарихи ва тиллари, умуман, она-Доғистон берган десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Бир куни Абутолибдан сўрашди:

- Доғистонда қанча шоир бор?
- Уч-тўрт миллион чиқиб қолар.
- Нималар деяписиз? Аҳолимизнинг ўзи бир миллион атрофида.
- Ҳар бир одамнинг қалбида уч-тўртта қўшиқчи бор. Фақат улар ҳар доим ҳам қўйлавермайди. Афсуски, буни ҳамма ҳам билавермайди.
- Унда айтинг, энг яхши қўшиқчи ким?
- Ҳар доим яхшидан ҳам яхши айтадиган қўшиқчи бўлади. Аммо мен улардан бирини айтишим мумкин.

– Кимни?

– Доғистонлик онани! Умуман олганда, тоғлиқларда учта қўшиқ бор.

– Қайсилар?

– Биринчиси – тоғлиқ онанинг ўғли беланчаги бошида айтаётган алласи!

– Иккинчиси?

– Иккинчиси – тоғлиқ онанинг ҳалок бўлган ўғли бошида чекаётган аччиқ ноласи.

– Учтинчиси?

– Учтинчиси – қолган барча қўшиқлар.

Азиз ва муқаддас она!.. У гуллаётган ва сўлаётган, тугилаётган ва ўлаётган, келаётган ва кетаётган оламнинг энг синчков гувоҳи. Она чақалокни суйиб қўлларида кўтаради, алла айтиб беланчагини тебратади, қора қунда мангуликка кетаётган фарзандини бағрига босади.

Мана нафосат, мана ҳақиқат, мана шараф-хурмат!

Одамлар яхши ва ёмон бўлади, қўшиқлар ҳам яхши ва ёмонга бўлинади. Ва лекин ҳаммиша оналар гўзал, оналар айтган қўшиқлар гўзал.

Албатта, беланчагим бошида онам айтган аллаларни эслай олмайман. Аммо кейинчалик турли овулларда оналарнинг беланчақ бошида айтаётган ажойиб аллаларини тингладим. Мана улардан бири:

*Ўгилгинам, улгаясан, кучли бўласан,
Кўйни бўри панжасидан тортиб оласан.*

*Ўгилгинам, улгаясан, чаққон бўласан,
Кўшни қоплон панжасидан тортиб оласан.*

*Ўгилгинам, улгаясан, топасан камол,
Дўстлар орттир, ҳикматларга доим қулоқ сол.*

*Ўгилгинам, ҳеч нарсадан бўлмайди каминг,
Бир кун сулув қиз изидан тушар қадаминг.*

*Сен онангга ёниб турган олов бўласан,
Қайнонангга энг суюкли қуёв бўласан.*

*Севгилингга чин вафодор ошиқ бўласан,
Унга, юртга мақтаб айтар қўшиқ бўласан.*

*Севгилингга чин вафодор ошиқ бўласан,
Унга, юртга мақтаб айтар қўшиқ бўласан.*

Қандай ишонч?! Куйлай олмайдиган оналар бўлмайди, дер эди отам. Дунёда калбан шоир бўлмаган онанинг ўзи йўк!

*Қуёшимсан қаҳратонда, ўгилгинам,
Ёмғиримсан саратонда, ўгилгинам.
Сўзи асал, тили бийрон, ўгилгинам,
Мунчоқдайин кўзи жайрон, ўгилгинам.
Дилгинамга дили пайванд, ўгилгинам,
Исми-жисми бунча монанд, ўгилгинам.
Юракчаси дук-дук урар, ўгилгинам,
Болаликнинг гаштин сурар, ўгилгинам.
Уйимизнинг дур-гавҳари, ўгилгинам,
Ҳаётимнинг тилла-зари, ўгилгинам.*

Яна бир онанинг алласи:

*Сен ҳозирча жуда нимжон,
Улғайиб бўласан полвон.*

*Муштинг бўлар оғир босқон,
Тогни урсанг қилар толқон.
Ўқлари беҳато теккан,
Бўларсан қирагай мерган.
Тўйда тўйиб рақс тўшасан,
Булбулдай куйлаб жўшасан.
Ўтиб қанча-қанча қиш-ёз,
Бўлажаксан зўр чавандоз.
От чоптирсанг мисли бўрон,
Будут бўлиб чиқар тўзон.*

– Ким онасининг алласини тингламаган бўлса, етим ўсган билан барабар, – дер эди отам. – Лекин ким ота-онасиз ўсган бўлса ҳам беланчаги бошида Доғистон ал-лалари айтилган бўлса, у етим эмас. Ота-онаси йўқ бўлса, унга ким алла айтиши мумкин? Унга аллани Доғистоннинг ўзи, балад тоғларидан шовуллаб тушаётган дарёлари, шу заминда яшаётган одамлари куйлайди.

*Ойдинда оппогим, қизгинам менинг,
Ёқут кўз балдогим, қизгинам менинг.
Кўкдаги юлдузим, қизгинам менинг,
Тогдаги қундузим, қизгинам менинг.
Журъатсиз бўлсангиз эшигим қоқманг,
Менинг журъатсизга берар қизим йўқ.
Ғайратсиз бўлсангиз эшигим қоқманг,
Менинг ғайратсизга берар қизим йўқ.
Баҳорнинг лоласи, қизгинам менинг,
Гулларнинг сараси, қизгинам менинг.
Қизимни кўришга келади кўклам,
Йўлларига тушар ям-яшил гилам.
Уч отар сурувни олдга солиб кел,
Сочининг толасин бермасман сенга.
Уч халтада тўла олтин олиб кел,
Қўлинг синдираман тегинсанг унга.
Олтинда ўлчанмас қизим баҳоси,
Ким зарин пеш қилса пуч идаоси.
Қоп-қора зағчага бермасман уни,
Тил билмас ғалчага бермасман уни.
Уйимнинг булбули, қизгинам менинг,
Орзуим оқ гули, қизгинам менинг.*

Бошқа она бошқача куйлайди:

*Ким қуруқ қўл билан ўлдирса қоплон,
Бераман уни.
Ким муштида тоғни қилолса толқон,
Бераман уни.
Ким битта қамчида ололса кўрғон,
Бераман уни.
Ким нондай синдирса кўкдаги ойни,
Бераман уни.
Ким кўксини кериб тўсолса сойни,
Бераман уни.
Ким осмондан юлдуз узиб ололса,
Бераман уни.
Ким шамол бўйнига сиртмоқ солалса,
Бераман уни.
Ёноғи нақш олма, қизгинам менинг.*

Бу эса яхши ниятлар йўғрилган кўшик:

*Ҳали баҳор келиб очилади гўл,
Қизимнинг йўлида сайрайди булбул.
Қизим сочларини майда ўради,
Дарёлар пойиға бошин уради.
Ҳали далаларда эримасдан қор,
Қизимга бўлади ботир харидор.
Майли, совчилари келгани маҳал,
Бочкани тўлдириб келтирсин асал.
Майли, олиб келинг қўй ва кўзичоқ,
Мухимдир, отасин кўнглини олмоқ.
Чопқир от атанглар отаси учун,
Ва шунда маслаҳат пишади бугун.*

Мана бу беланчак бошида айтилган аллалардан бири:

*Саҳар чоғи булбул гўлга очмасдан изҳор,
Қизгинамнинг гўл юзини кўрсин бугдойзор.
Ўрмонзорда какку қуши бошламай саноқ,
Менинг қизим қилиб бўлсин полизда ўтоқ.*

*Танноз қизлар бўшамасдан уна-бўёқдан,
Менинг қизим сув келтирсин бориб бўлоқдан.*

Агар беланчақлар узра аллалар айтилмаганда, эхтимол, дунёда бошқа кўшиқлар яратилмасди. Одамларнинг умри мазмунсиз кечарди, уларнинг ҳаётида шеърӣ хис-туйғулар камрок бўларди, дунёда камрок қахрамонликлар кўрсатиларди.

Оналар – дунёнинг энг биринчи шоирлари! Улар ўғил-қизлари қалбига шеърӣя уруғларини сенишади, йиллар ўтиб бу уруғлар гул бўлиб очилади. Шу боис эркаклар энг оғир, энг ғамгин дамларда, энг қалтис лаҳзаларда онаси айтган аллаларни эсга олишади.

Ҳожимурод кўрқок навқарига шундай деган экан: «Онанг беланчагинг узра алла айтмаганми?».

Ҳожимуроднинг ўзи имомдан юз буриб подшо аскарлари томонга ўтганда, Шомил истехзо билан шундай деган экан: «Онаси айтган аллаларни унутган кўринади».

Онаси унга шундай алла айтган экан:

*Бу кўшигим дилда яраган,
Жим тинглагин қилмасдан шўҳлик.
Шу тоғларда донги таралган,
Ботир ҳақда айтаман кўшиқ.
Ўнг ёнида тақарди ханжар,
Ёвқур эди, ғурури баланд.
Тулпорига бир сакраб минар,
Асов от ҳам эмасди писанд.
Шу тоғларда дарёдай жўшар,
Шамол каби сизмас дарага.
Тегиб кетса қиличи агар,
Дарз кетарди метин қояга.
У юз йиллик чинорни ҳатто,
Битта қўлда эгарди осон.
Ўғлим бўлиб қомати расо,
Сен ҳам шундай бўласан полвон.*

Она жилмайиб турган боласига алла айтганда, орзулари рўёбга чиқишига ишонганди. Аммо у ўғли Ҳожимуродни олдинда қандай синовлар кутиб турганини ҳали билмасди.

Ўғли Ҳожимуроднинг Шомилдан юз буриб, душманга кўшилганини эшитганда она шундай кўшиқ куйлади.

*Сенга писанд эмас эди жар, дара,
Гард қўндирмай ўтдинг бир тола мўйга.
Жуда чуқурдир сен қулаган ўра,
Қайтиб келолмайсан энди сен уйга.
Ишондинг қадрдон тоғлар йўлига,
Зулматда шошардинг чўмганча ўйга.
Тайёр ўлжа бўлдинг душман қўлига,
Қайтиб келолмайсан энди сен уйга.
Онанг кўзига ҳам дунё зимистон,
Кечалар бораман не хаёл-ўйга.
Темир панжалардан чиқмоғинг гумон,
Қайтиб келолмайсан энди сен уйга.
Имомни ҳам сотдинг, шоҳни ҳам сотдинг,
Болам, қандай тушиб қолдинг бу кўйга.
Ҳатто паноҳимиз тоғни ҳам сотдинг,
Қайтиб келолмайсан энди сен уйга.*

Маълумки, кейинчалик Ҳожимурод подшо кўшинидан қочиб, тағин имом хузурига шошилди. Аммо йўлда подшо аскарлари қувиб етиб, уни ўлдирди. Ўлган жасаднинг бошини узишди. Буни эшитган тоғлик она ғамгин кўшик бошлади:

*Қилич бир серпанди, елкада йўқ боши,
Энди бефойдадир илтижо, кўз ёши.
Боши керак бўлар кенгаши дамларда,
Ўрни билинади уруш-жангларда.
Бошсиз қолгани йўқ бошлаган йўли,
У ҳақдаги миш-миш ҳаммаси ёлгон.
Тоғдайин елкаси, забардаст қўли,
Қурашларда мадад беради ҳамон.
Сиз ўтқир қиличу ханжардан сўранг,
Тирикми, ўлганми Шомил сардори.
Тоғу дараларда ҳозир кетмас жанг,
Кўкни қопламайди порох губори.
Рўҳи бургут билан учган осмонга,
Тобора баландлаб йўқолди кўздан.
У ҳақда борминглар ҳар хил гумонга,
Шаънини қиличи асрар гап-сўздан.*

Оналар алласи – инсоният яратган қўшиқларнинг ибтидоси. Биринчи қувонч ва сўнгги кўз ёш – мана нима у?!
Қўшиқ юракда яралади, юрак уни тилга беради, тил эса одамлар юрагига етказди, одамларнинг юракларида асрлардан асрларга ўтади.

Шу ўринда ўша даврдаги бошқа қўшиқларни ҳам эслашимиз жонз.

Шомилнинг онаси айтган қўшиқ

«Қўшиқда икки нарсадан бири бўлади – ёки кулги, ёки кўз ёш. Биз тоғликларга ҳозир на униси, на буниси керак. Ҳозир жанг қиляпмиз.

Марднинг бошига қандай синов тушмасин у шикоят қилишига, ё кўз ёш тўкишига ҳаққи йўқ. Бундан хурсанд бўлишимизга ҳам ҳеч қандай сабаб кўрмаймман. Юракларимиз алам ва қайғуга тўла. Кеча мен масжид ёнида ўйнаб-кулаётган ёшларни жазоладим. Бу девоналик. Яна шундай ҳолга дуч келсам яна жазолайман. Агар шеър ўқигингиз келса, мана Куръонни ўқинглар. Пайғамбаримиз ёзиб олган оятларни такрорланг. Бу оятлар Каъба эшиқларига ҳам ёзилган».

Имом Шомил шу тарика Доғистонда қўшиқ куйлашни тақиклади. Қўшиқ айтган аёлни супурги билан, эракни эса қамчи билан савалатди. Ўша йилларда қанча шоирнинг елкаси қамчи зарбидан кўкарди.

Аммо қўшиқни сукут сақлашга мажбур қилиш мумкинми? Қўшиқчининг овозини ўчириш мумкин, лекин қўшиқни эмас. Ер юзида марҳумларга қўйилган қабртошлар кўп. Лекин бирор жойда қўшиққа қўйилган қабртошни учратганмисиз?

Мен бир қабртошда шундай сўзларни ўқигандим: «Ўлган, ўлишаяпти, ўлишади». Қўшиқ ҳақида эса шундай дейиш мумкин: «Ўлмаган, ўлмаяпти, ўлмайди». Лекин ўша йилларда қўшиқнинг бошига нималар тушмади. У эса яшади ва бизнинг кунларга етиб келди. Тақдирнинг хазилини қаранг, айримлари «Шомилнинг қўшиқлари» деб аталади.

Энди Шомилнинг онаси айтган қўшиқ ҳақида... Ўша суронли йилларда душманлар Ахульго овулини эгаллашди. Бу жангга кўплаб қахрамонлар ҳалок бўлди. Ярадорлар асир тушишни ор билиб, ўзларини Қайсу дарёсига ташлашди. Куршовда қолганлар орасида Шомилнинг синглиси ва болалари ҳам бор эди.

Ўша оғир кунларда яраланган ва толиққан имом туғилиб ўсган Гимра овулига келди. У отдан тушиб, жиловини муридларига тутқизмасдан қўшиқ овозини эшитди. Тўғрироғи, йиғи-нолани:

*Тоғликлар, йиғланглар солиб дод-фарёд,
Шаҳидлар номини бир-бир этиб ёд.
Топтади Ахульго овулини ёв,
У ерда қолмади бирон тирик зот.*

Қўшиқнинг давомида ҳалок бўлган қаҳрамонлар бирма-бир ёд этилади ва қўшиқчи барчани мотам либоси кийишга чакиради. Бу фожиани эшитиб, тоғлардаги булоқлар ҳам куриб қолгани куйланади. Қўшиқда илтижо ҳам бўлиб, Оллоҳдан тоғликларни паноҳига олиши, Шомилнинг кучига куч қўшиши ва унинг Петербургда гаровда сақланаётган саккиз ёшли ўғли Жамолиддинни асраши сўралади.

Шомил тошга ўтирди, бармоқлари билан соқолини силади ва атрофида ўраб турган одамларга қараб сўради:

– Юнус, бу қўшиқ неча мисрадан иборат.

– Бир юз икки мисра.

– Бу қўшиқни ёзган одамни топиб, камчи билан юз марта уринглар. Қолган икки камчи менга тан.

Мурид камчини қўлига олиб деди:

– Ким бу қўшиқни тўқиган?

Ҳамма жим.

– Мен бу қўшиқни ким тўқиганини сўраяпман.

Шу пайт имомнинг олдига ғам-андуҳдан эзилиб, қадди букчайган онаси келди. У қўлида супурги ушлаб олганди.

– Ўғлим, бу қўшиқни мен тўқидим. Бизнинг уйимизда ҳозир мотам. Мана супургини ол ва мени жазола.

Имом чуқур уйга толди. Кейин туриб онасининг қўлидан супургини олди ва деворга суяб қўйди.

– Онажон, сиз уйга бораверинг.

Она ўғлига қарай-қарай уйига кетди. У муюлишга бурилиши билан Шомил қич-ханжар осган камарини, кейин чакмонини ечди.

– Онага қўл кўтариш мумкин эмас. Аммо онанинг айбини мен ўғли Шомил зиммамга оламан.

Белигача яланғоч ечинган Шомил жазо тахтасига юз тубан ётиб муридига деди:

– Нега камчини белингга кистирдинг? Қани камчингни қўлга ол ва белгиланган жазони бажар.

Мурид иккиланди. Бундан имомнинг ковоғи осилди. Ҳаммадан кўра мурид бу ковоқ уйиш нима билан тугашини яхши биларди.

У камчи билан секинроқ савалашга тушди. Гўё жазоламасди, камчи билан имомнинг елкасини сийпалаб қўяётганди.

Шомил ўрнидан турди ва буюрди:

– Қани менинг ўрнимга ёт.

Мурид белигача ечиниб, тахтага юз тубан ётди. Шомил камчини олиб, ҳавода визиллатиб уч марта мурид елкасига урди. Елкада учта қизил чизик пайдо бўлди.

– Мана шундай уришинг керак, тушундингни? Қани энди сен ур, фақат айёрлик қилма.

Мурид қамчини ҳавода визиллатиб имомнинг елкасига уриб, зарбаларни санай бошлади:

– Йигирма саккиз, йигирма тўққиз.

– Йўқ, энди йигирма еттида бўлди. Ташламасдан сана.

Муридининг пешанасидан тер қуюларди. У чап қўлининг енги билан пешана-сидаги терни артарди. Имомнинг елкаси йўл ва сўқмоқлар ўтган тоғ тизмасига ўх-шарди. Гўё имомнинг елкасини катта йилки уюри топтаб ўтгандай кўринарди.

Ниҳоят, азобланиш тугади. Мурид чеккага ўтиб, нафас ростлади. Шомил туриб кийинди, қурол-яроғини тақди. Одамларга юзланиб деди:

– Тоғликлар! Биз курашишимиз керак. Шейр ёзишга, кўшиқ куйлашга, афсо-на тўқишга вақтимиз йўқ. Майли, душманларимиз биз ҳақда куйлашсин. Уларни бундай кўшиқ куйлашга қиличларимиз мажбур қилсин. Кўз ёшларингизни артинг, қиличларингизни қайранг. Ахульғони бой бердик, лекин Доғистон бизники ва ку-раш давом этади.

Шу кундан кейин Доғистон яна йигирма беш йил жанг қилди. Ниҳоят, Гунибда сўнги ўқлар овози янгради ва у таслим бўлди.

Гунибда аёвсиз жанг кетаётган вақтда имом масжидда намоз ўқиди.

– Доғистон бундай кулфатни бошидан ҳеч қачон кечирмаган, – деди Шомил-нинг катта хогини.

– Фотимат, сен янглишяпсан. Доғистон бунгача ҳам битта оғир кулфатни кўрган.

– Қандай?

– Сендай меҳрибон хотиним бўла туриб, устинга Шуойнаътни хотинликка ол-ган кунда.

Имом жилмайди. Масжидда ётган ярадор жангчилар жилмайиб қўйишди. Би-ринчи бор имомнинг жилмайганини кўрган Доғистон ҳам жилмайди.

У Доғистон учун энг оғир кунда, ўзи фахрланиб юрган нарсалари бир-бир қулаб тушаётган вақтда жилмайди. Асир тушишига атиги бир неча соат қолганда жил-майди.

Бирдан Шомил жиддий қиёфага кирди ва бир муддат сукут сақлади. Кейин ташқарига чиқиб қаршисига учала хотинини ўтказиб, улардан илтимос қилди:

– Раҳматли онам тўқиган кўшиқни айтиб беринглар.

Фотимат, Нафисат ва Шуойнаът биргаликда куйлашди:

Тоғликлар, йиглангиз солиб дод-фарёд...

Қўшиқнинг охириги мисраси куйланди. Қўққа ой чикди. Имом ойга маъюс тики-либ деди:

– Бошқатдан куйланглар.

Фотимат, Нафисат ва Шуойнаът кўшиқни бошидан бошлашди. Бу гал кўшиқ узоқ-узоқларга учди. Уни ойнинг ёғдусида қорайиб кўринган қоялар, йиғлаётган мажнунтоллар, Гунибнинг оқ қайинлари ҳам жимгина тинглашди.

– Учинчи марта куйланглар. – деди Шомил.

Бу гал кўшиқ янада узоқларга учди. Уни Гуниб атрофида ёнаётган овуллар, тоғлар қўйнидаги яқсон этилган даралар, қабрларда ётган шахид муридлар тинглашди. Шу вақт тонг отди, яна жанг бошланди. Сўнги жанг. Ханжарлар қинидан олинганда, милтиқлардан ўқлар узилганда кўшиқ ниҳоясига етди.

Имом фахрий асир бўлди. Унга қуроли ва оти қайтарилди. Хотинларини ўзи билан олиб кетишига рухсат беришди. Фақат уни Доғистондан айиришди. Унга Доғистондан фақат кекса онаси тўқиган кўшиқ ҳамроҳ бўлди. Аввалига фахрий асирга бу кўшиқни учала хотини биргаликда қуйлади, кейин Нафисат ва Шуойнаът. Йиллар ўтиб араб саҳросига жони узилаётган Шомилга бу кўшиқни бошқа хотинларидан узоқроқ умр кўрган Шуойнаътнинг ёлғиз ўзи қуйлади. Охири хотини, охири кўшиқни қуйлади унга.

Шуойнаът ҳақида гап кетганда отам шундай деганди:

«У имом уйидаги энг гўзал аёл бўлган. Шуойнаът Шомилнинг охири хотини ва биринчи муҳаббати эди. Имом ҳам барча тоғлиқлар каби урф-одатларимизга амал қилган ҳолда кўп бор уйланганди. Аммо бу аёл имомга тақдирнинг тухфаси сифатида ато этилганди. Шомилнинг ботир ноиб Ахбердилава Моздок овулига тўсатдан ҳужум қилганда арман савдогари кизи Аннани ўлжа сифатида олиб келганди. Бу воқеа кизнинг тўйдан бир неча кун илгари рўй берганди. Ноиб кизни чакмонига ўраган ҳолда имом ҳузурига келтирди. Чакмон очилган вақтда имом Доғистон осмонидай мовий икки кўзга лол бўлиб тикилиб қолди. Бу кўзлар ҳам ҳеч бир хавотирсиз имомга тик қаради. Хромдан тикилган қизил этигига, қурол-яроғига, кинога бўялган соқолига. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Гўзал арман кизи қаршисида навқирон йигитлар қаторига қирмайдиган кишини кўрди. Аммо кизни унинг қиёфасидаги нимадир маҳлиё этди. Унинг қиёфасида қатъиятли сардорлик хусусияти билан бирга софдиллик ва меҳрибонлик фазилатлари ҳам сезилиб турарди. Уларнинг кўзлари яна тўқнашди. Қатъиятли имомнинг кўнгли эрий бошлади. Бу эврилишдан имомнинг ўзи чўчиб тушди. Шу он Шомилнинг қатъий буйруғи янгради:

– Бу кизни қаердан олиб келган бўлсанг, ўша жойга олиб бориб қўй.

– Нега имом? Жуда гўзал қиз, ҳаммаси жойида.

– Нега эканлигини яхши биламан, сенинг вазифанг отингни тезроқ эгарлаш.

– Унинг учун қанча товон пули сўрай?

– Ҳеч қандай товон пули сўрамай, ўзини соғ-омон топшириб келасан.

Ахбердилава ҳайрон бўлиб қолди. Имом шу вақтгача асирани товон пулисиз ҳеч қачон қайтармаганди. Аммо имом билан баҳслашиб бўлмайти. У асирга шундай деди:

– Ҳозир мен сени отангинг хузурига олиб бораман. Уйдагиларинг роса хурсанд бўлишади. Сен уларга Шомил карокчи эмаслигини айтиб қўйсанг бас.

Аннага ноибнинг сўзини таржима қилишди. У Шомилга ҳайрон тикилиб қолди. Ҳамма ўйладики, киз бундай бўлишини сира кутмаган ёки гапимизга тушунмади.

Қизга таржимон қайтадан тушунтирди:

– Имом бундай иш бўлганидан жуда афсусда. Сени ҳеч қандай товон пулисиз уйингга элтиб қўйишади.

Шунда гўзал Шомилга мурожаат қилди:

– Доғистон сардори, мени ҳеч ким ўғирлаб келтиргани йўқ. Ўзим асиранг бўлиш учун атай келдим.

– Нега, нима учун?

– Бутун Кавказ ахли, дунё халки гапираётган қахрамонни кўриш учун келдим. Ихтиёрим қўлингизда, сизга асира бўлганимдан бахтиёрман. Мен ҳеч қаёққа кетмайман.

– Йўқ, сенинг уйингга қайтганинг маъкулрок.

– Бу сўзларни барча ботир эркак деб ҳисоблайдиган Шомил айтаяптими?

– Бу Оллоҳнинг иродаси!

– Бу Худога хуш келмаса керак.

– Менинг Оллоҳим ва сенинг Худойинг бошка-бошка тилларда гаплашишади.

– Доғистон сардори, бугундан мен сизнинг асирангизман, чўрингизман. Бугундан сизнинг Оллоҳингиз, менинг ҳам Оллоҳим. Болалик пайтимдан сиз ҳақингизда жуда кўп қўшиқ эшитганман. Улардан бири хотирамда муҳрланиб қолган.

Гўзал арман кизи ўз тилида ёқимли қўшиқ айта бошлади. Тоғлар ортидан осмонга ой кўтарилди. Лекин арман кизи Шомил ҳақида қўшиқ куйлашда давом этарди.

Хонага Ахбердилавл кирди.

– Имом, отимни эгарладим. Қизни олиб кетсам, майлими.

– Уни тинч қўй. Қўшиғини охиригача куйлаши керак. Балки бу қўшиқни охирига етказиш учун бутун умри камлик қилар.

Бир неча кун ичида бутун Доғистонда миш-миш тарқалди. Қўшни қўшнисига, бир овуллик бошка овуллик қулоғига пичирлади:

– Эшитдингларми, Шомил яна хотин олган эмиш.

– Ҳақ диннинг имоми арман кизига уйланибди.

– Имомнинг салласини гайридин юваётган эмиш. Хотини намоз ўқиш ўрнига қўшиқ айтармиш...

Доғистонликлар маза қилиб шивирлашишди. Аммо бу гапда жон бор эди. Дарҳақиқат, имом Аннани учинчи хотин қилиб олди. Аммо Анна ислом динини қабул қилди, тоғлик аёлларга ўхшаб ўраниб қийинди, исмини аварчага ўзгартирди. Анна Шуойнаёт бўлди. Имом учун у тайёрлаган овқат мазали, у ёзган ўрин юмшоқ эди. Унинг хонаси ёруғ ва иссиқ туюларди. Унинг сўзларидан ёқимли-

рок сўзни тингламаганди. Аста-секин имомнинг қахри юз киёфаси майинлашди. меҳр нурлари ёғила бошлади. Моздокдан кўп бор элчилар келиб, имомдан ўзи хоҳлаган пул эвазига Шуойнаётни уйига қайтаришини сўрашди. Бу ҳақда имом Шуойнаётга айтди ва унинг фикрини сўради. Шуойнаёт ҳар доимги сўзларини такрорлади:

– Имом, сиз менинг эримсиз. Агар бошимни олсангиз ҳам уйга қайтмайман.

Имом унинг жавобини Моздокдан келган элчиларга айтарди. Бир сафар туғишган акаси келди. Имом уни яхши кутиб олди ва синглиси билан учрашишга рухсат берди. Ака-сингил икки соат яккама-якка гаплашишди. Бу вақтда ака синглисига отасининг ғамга ботганини, онасининг юм-юм йиғлаётганини, куёв бўлмиш ҳамон севишини, унинг уйда бахтли ҳаёт кечириши мумкинлиги тўғрисида сўзлади.

Барча гаплар беҳуда кетди. Шуойнаёт рад жавобини берди. Ака Моздокка ёлғиз қайтди.

Имомнинг биринчи хотини Фотимат бир куни унга шундай деди:

– Имом, ҳар куни жангда одамлар ҳалок бўлаяпти, кон тўкилаяпти. Қандай қилиб сиз Шуойнаётнинг қўшиғини азон тинглагандай тинглаяпсиз? Ахир, сиз Доғистонда қўшиқ куйлашни тақиқлагансиз. Ҳатто онангизнинг қўшиғини ҳам тинглашдан бош тортгансиз.

– Фотимат, – деди имом. – Шуойнаёт душманларимиз биз ҳақимизда айтган қўшиқларни куйлайди. Агар мен йиғлоки қўшиқларни куйлашга рухсат этганимда, улар душманимиз кулоғига ҳам бориб етарди ва биз ҳақимизда бошқача ўйларди. Кейин мен жангларда ўғиллари ҳалок бўлган оналарнинг юзига тик қарай олмасдим. Майли, душманларимиз биз ҳақимизда истаганча куйлашсин. Мен уларни мамнуният билан тинглайман. Бошқаларни ҳам бундай қўшиқларни тинглашга чакираман.

Фотиматни имомнинг ёш хотини қўшиқларини тинглаётгани эмас, балки илгаригидай ўзи ва иккинчи хотинига яхши муомала қилмаётгани ғашлантираётганди. Тез орада бу ғашлик кучайишига сабаб бўладиган воқеа юз берди.

Бир куни Шомилга Петербургда гаровда ушлаб турилган ва кадетлар билим юртида ўқиётган ўғли Жамолддинни Шуойнаётга алмаштириш эвазига қайтарилишини айтишди. Жуда ҳам пухта ва нозик таклиф. Имом бу таклифга рад жавобини берди. Аммо ўғлини қайтариш имконияти туғилганини ҳаммадан яширди. Барибир бу гап Фотимат кулоғига етди.

Бир куни Фотимат ёш кундоши олдига келиб деди:

– Шуойнаёт, ҳозир ўртамизда бўладиган суҳбатни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаслигига сўз бера оласанми?

– Ваъда бераман.

– Сен мендан ҳам яхшироқ биласан, охириги кунларда Шомил жуда безовта, ухлай олмаяпти, ич-этини еб қийналиб юрибди.

- Фотимат, кўриб турибман.
- Нимага шундай эканлигини биласанми?
- Нимага?
- Мен-ку биламан. Лекин факат сенгина унга даво топа оласан.
- Фотимат, тезроқ айтинг.
- Албатта, сен менинг ва Шомилнинг ўгли Жамолиддин тўғрисида эшитгансан.
- Ҳа.
- Унинг бағримизга қайтиши сенга боғлиқ. Сен ҳам онангни соғингансан. Мен ҳам онаман. Ўн йилдан буён ўғлимни кўрганим йўқ. Ёрдам бер. Мен учун бўлмаса, имомнинг ҳурмати учун ёрдам бер.
- Шомил учун ҳамма нарсага тайёрман. Аммо қандай ёрдам беришим мумкин?
- Агар сен ота-онанг ёнига қайтсанг, оқ подшо ўғлимизнинг қайтишига рухсат берар экан. Жамолиддинимнинг бағримга қайтишига ёрдам бер. Оллоҳнинг ўзи сени ёрлақасин. Сендан илтимос қиламан.
- Шуойнаътнинг кўзларида ёш йилтиллади.
- Фотимат, барчаси сиз айтгандай бўлади.
- У хонага кириб, гиламга ётганча узок йиғлади. Кейин кайғули қўшиқ бошлади.
- Шомил келди.
- Сенга нима бўлди, Шуойнаът?
- Имом, ота-онам ёнига кетишга рухсат беринг.
- Тушунмадим.
- Мен уйга қайтишим керак.
- Нима учун? Ўзи нималар деяпсан? Қайтармоқчи бўлганимда ўз ихтиёринг билан қолгансан. Энди мен сени қайтара олмайман.
- Шомил, мени уйимга қайтаринг, бошқа иложим йўқ.
- Сенинг иситманг борга ўхшайди.
- Мен сизнинг Жамолиддинни кўришингизни истайман.
- Гап бу ёқда эканда. Шуойнаът, сен ҳеч қачон бормайсан. Сени қайтариш эвазига ўғлимни кўрадиган бўлсам, майли, мен уни кўрмай қўя қолай. Агар у менинг ўғлим бўлса, онаси ҳузурига, Ватанига қайтишига ўзи йўл топсин. Сен танлаган йўл билан мен ўғлимни кўришга бора олмайман. Мен ўзимга мос йўл билан ўғлимни қайтараман. Яхшиси, сен отимни келтир.
- Шуойнаът имомнинг отини дарвоза олди олиб келди. Яккамахдан қамчини олиб, имомга узатди.
- Барча сафарларда, Доғистонда овулма-овул кезганда, Петербургда, Калугада, араб заминида имомнинг сўнгги нафаси чиққунича унинг ёнида хотини Шуойнаът бўлди. Ҳозирги кунда бу ажойиб аёлнинг садақати ҳақида хикоятлар айтилади. Охир-окибат, айнан у Шомилни ўғлини тезроқ қайтариш учун чора-тадбир излашга кўндира олди. Аммо бу бошқа хикоя».

Саккиз ёшида гаровга олинган Жамолиддин йигирма тўрт ёшида Доғистонга қайтди. Имом ўғлини қайтариш учун сабр билан катта куч ва тadbир ишлатди. Шомил ўғлига алмаштириш учун жуда кўп рус асирларини таклиф қилди, ammo ок подшо кўнмади. Подшо ёш тоғликни Петербургда саклашни афзал билди. Чунки ўғлингни ўлдирамиз деб кўрkitиб, Шомилдан курашни тўхтатишни талаб қилишарди.

Имом таҳдидларга кулок солмади.

Ўғли номидан (балки ўғлининг ўзидир) унга ок подшо кудратли экани, жанг қилган билан енгиб бўлмаслиги тўғрисида кўп бор хат жўнатишди. Шунингдек, хатларда Доғистон кон тўкаверганидан ҳолсизлангани, қаршилик кўрсатиш бeфойда экани, бу фақат кулфат ва ғам-алам келтириши таъкидланарди.

Имом эса бу гапларнинг ҳеч қайсисига ишонишни истамасди.

Бу вақтда Ҳожимурод бир неча навқари билан ок подшо аскарлари томонга кочиb ўтди. Ammo овулда унинг онаси, хотини, ўғли ва кизи қолди. Табиийки, уларни Шомил гаровга олди. «Агар қайтиб келмасанг, – деб ёзди Шомил Ҳожимуродга, – ўғлинг Буличнинг бошини чоғиб ташлайман. Онанг, хотининг ва кизингни навқарларга шарманда қилиш учун бераман».

Ҳожимурод ўз сўзидан қайтмайдиган имомни шаштидан тушириш учун чора-тадбир излай бошлади. У ўша кунларда шундай деганди: «Менинг оёқ-қўлим аркон билан боғланган, арконнинг учи эса Шомилнинг қўлида». У товон пули тўлаб оиласини қутқариш ҳақида ўйламаса ҳам бўларди. Шомил ўзининг собик муриди оиласини товон пули тўлаб қайтариш илинжида эканини эшитганда шундай деди: «Ҳожимурод сотқин бўлишидан ташқари ақлдан ҳам озибди».

Ammo Шомилнинг қўлида Ҳожимуродни тутиб турувчи аркон бўлса, Ҳожимуроднинг қўлида Шомилнинг юрагига боғланган ип бор эди. Бу ип Жамолиддин деб аталарди. Ҳожимурод Воронцовдан илтимос қилди: «Ок подшо Жамолиддинни отасига қайтарса, шунда Шомил оиламни озод қилиши мумкин. Менинг оилам имом қўлида экан, унга қарши жанг қилиш ўз қиличим билан онамни, хотиним, ўғлим ва кизимни чоғиб ташлаш билан тенг».

Воронцов бу ҳақда ок подшога хабар берди ва у таклифга рози бўлди. Шомилга хат жўнатилди: «Ҳожимурод оиласини озод қилсанг, ўғлинг Жамолиддин қайтарилади».

Шомил мушқул аҳволда қолди. Бундай оғир танлаш азобидан кўзларига уч кеча-кундуз уйқу келмади. Унинг қийналаётганини кўриб, оила аъзолари ҳам ухлай олишмади. Тўртинчи кун имом ҳузурига Ҳожимуроднинг ўғли Булични чақирди.

– Сен Ҳожимуроднинг ўғлисан-а?

– Имом, мен Ҳожимуроднинг ўғлиман.

– Сен унинг нима иш қилганини биласанми?

– Биламан, имом.
– Сен бунга нима дейсан?
– Нима ҳам дейишим мумкин?
– Отангни кўришни истайсанми?
– Жудаям.
– Мен сенга, онанг, синглинг ва бутун оилангизга унинг олдига боришига рухсат бераман.

– Йўк, мен ҳеч қаёққа бормаيمان. Менинг жойим Доғистонда. У ёқ Доғистон эмас.

– Булич, боришинг керак. Рухсат бераман.
– Бормайман, имом. Яхшиси, мени ҳозирок шу жойнинг ўзида ўлдиринг.
– Кўришиб турибди, сен ҳам отангга ўхшаш бўйсунмас экансан.
– Биз баримиз сизга бўйсунамиз, имом. Фақат у ёққа боргин деб айтманг. Ундан кўра мени жангга жўнатинг. Сиз учун жонимни қурбон қилишга тайёрман.

– Отангга қарши урушасанми?
– Душманга қарши курашаман.

Ўша кун Шомил энг яхши ханжарини Буличга совға қилиб деди:

– Ханжарни отанг каби ишлат. Аммо кимга санчишни бил.

Ҳа, Ҳожимурод бошлаган савдо пишмади. Унга ўғли боришни истамади. Имом хузурига Жамолиддин ҳам қайтмади.

Бу вақтда Шомилнинг ўзи чора-тадбир излади. У катта ўғли Қози Мухаммадни грузинлар яшайдиган Цинандал князлигига тунашга жўнатди. Натижада малика Чавчавадзе, малика Орбелиани, француз-губернант аёл асир қилиб олиб келинди. Нина Грибоедованинг синглиси бўлган Екатерина Чавчавадзени катта дарахт ёриғига бекинган жойидан топишиб асир олишди.

Мана энди Шомил оқ подшога истаган шартини қўйиши мумкин эди. Чунки оқ подшо грузин маликасини қутқариш учун исталган шартга розилик берарди. «Ўғлимни қайтарсанг, грузин маликасини қайтараман», – Шомилнинг қатъий шартини шу бўлди.

Ўша орзиқиб қутилган кун келди. Ўртада азим дарё шарқираб оқаяпти. Бу қирғоқда ўғирланган малика озодликка чиқишини кутаяпти. Нариги қирғоқда эса рус аскарлари қуршовида Шомилнинг ўғли. Қирғоқ бўйига Шомилнинг ўзи ҳам келган. У нариги қирғоққа қараб, ўғли Жамолиддин қайси бири эканлигини аниқлашга ҳаракат қиларди. Негаки, узоқ вақтдан буён ўғлини кўрмаганди. Улар бир-бирини танишармикин?

Имомга зарҳал погонли шинель кийган офицерни кўрсатишди. У бошка офицерлар билан кучоклашиб хайрлашарди. Кейин чеккароқда турган қиз ёнига келиб, унинг қўлини ушлаганча эгилиб ўпди. Ахён-ахёнда у оқ от миниб турган Шомил томонга қараб кўярди.

– Шу менинг ўғлимми? – деди Шомил офицер кийимидаги йигитдан кўзини узмай. У ўғлининг хар бир харакатини диққат билан кузатарди.

– Ҳа, бу ўғлингиз Жамолиддин.

– Нариги кирғокка черкасча кийим ва курол олиб боринглар. Энди у рус офицери эмас, Доғистон жангчиси. У кийган офицер кийимини дарёга окизинглар. Йўқса, уни бу кирғокка қўймайман.

Жамолиддин отасининг раъйини қайтармай кийимини ўзгартирди. Белига тоғлиқлар ханжари осилган камарни маҳкам қилиб боғлади. Аммо Жамолиддиннинг бўрк остидаги боши, кийим ичидаги юраги қандай бўлса, ўшандайлигича қолди. Афсуски, уларни ўзгартиришнинг иложи йўқ эди.

Ниҳоят, ўғил бу кирғокка етиб келди.

– Ўғилгинам!

– Отажон!

Жамолиддинга от келтиришди. Бутун йўл давомида ота ва ўғил ёнма-ён юришди. Баъзан ота ўғлидан сўради:

– Айт-чи, Жамолиддин, бу жойлар эсингдами? Қояларни унутмадингми? Гимра овули ёдингдами? Ахульго жанги эсингда турибдими?

– Ота, мен у вақтда жуда ёш эдим.

– Айт-чи, олисларда юрганингда Доғистон ҳаққига дуо қилдингми? Қуръон оятларини, намоз ракаатларини такрорлаб турдингми?

– Мен яшаган жойда Қуръон йўқ эди, – дея истар-истамай жавоб берди Жамолиддин.

– Наҳотки сен бир марта бўлса ҳам қудратли Оллохни эслаб бош эгмадинг? Наҳотки дилингда Қуръон оятларини такрорламадинг? Наҳотки намоз фарзларини адо қилмадинг?

– Ота, гаплашиб олишимиз керак.

Аммо Шомил отини ниқтади.

Эртаси куни имом ўғлини ҳузурига чақирди.

– Жамолиддин кара, тоғлар ортидан куёш кўтариляпти. Қандай гўзал?

– Ҳа, чиройли.

– Сен шу тоғлар, шу куёш учун жонингни беришга тайёрмисан?

– Ота, биз гаплашиб олишимиз керак.

– Гапир.

– Ота, Россия катта, бой ва қудратли. Нега шу ғариб тоғларни, замондан ортда қолган турмуш тарзини ҳимоя қилишимиз керак? Россиянинг адабиёти ҳам, муסיқаси ҳам, тили ҳам бой. Улар бизга келишсин. Агар Доғистон Россияга қўшилса, бундан биз кўпроқ ютамиз. Ҳақиқатга тик қарайдиган вақт бўлди, куролни бир чеккага қўйиб жароҳатларни даволашга киришайлик. Ишонинг, мен Доғистонни сиздан кам яхши кўрмайман.

– Жамолиддин...

– Ота. Доғистонда ҳеч бўлмаसा битта ёндирилмаган овул борми? Бу тоғларда ярадор бўлмаган тош қолмаган. Ҳар бир тошга жангчиларнинг қони тўкилган.

– Кўряпманки, сен шу ярадор тошларни ҳимоя қилмоқчи эмассан.

– Ота.

– Мен сенинг отанг эмасман. Сен менинг ўғлим бўлмабсан. Сўзларингни эшитиб, ўлиқлар қабрларида тик туришгандир. Менинг эса кўзим очик, сўзларингни эшитдим, энди сени нима қилай? Қара, сўзларингдан тоғлардаги тошлар ҳам қорайди.

Шомил оила аъзолари ва содиқ муридларини тўплаб деди:

– Биродарлар, мен сизларга ўғлим нималар деганини айтмоқчиман. У айтяптики, оқ подшо қудратли, душманамиз кучли, давлати мустаҳкам, биз бекордан бекорга жанг қилаётган эканмиз. Яна айтаяптики, биз қурооларимизни ташлаб оқ подшога бош эгишимиз керак. Мен шу вақтгача бундай гапларни айтишга журъат қилганларнигина эмас, ҳатто шундай хаёлга борганларни Доғистон устида яшашига йўл қўймаганман. Бугун бундай сўзлар қаерда янграяпти? Ўз уйимда. Бу сўзларни ким айтаяпти? Ўз ўғлим. Мен ўғлимни, уни жўнатган оқ подшони қандай жазолай? Отасининг, Доғистоннинг шаънини қора қилган ўғлимга қандай чора қўрай? Сиз жуда яхши биласиз, менинг кўксимни, Доғистоннинг кўксини неча марта душманнинг милтиқ найзалари яралаган?! Энди ўзим ясаган найзани подшо қайраб нақ юрагимга санчди. Уни нима қилай?

Имомнинг сўзларини унинг яқинлари қайғуга ботган ҳолда жим тинглашди. Фақат онагина ўғлининг шундай сўзлар айтганига ишонгиси келмади.

Шомил Жамолиддин томонга ўгирилди:

– Эй тоғларнинг душмани, сени овозинг эшитилмайдиган жойга олиб бориб ташлашади. Энди сенинг отанг ҳам, Доғистонинг ҳам йўқ. Сени грузин маликасига алмашган эдим, энди сени кимга алмашсам экан? Нима қилсам тўғри бўлади?

– Ота, ўғлингизман, нима қилсангиз ҳам майли. Ҳозир ўлдирсангиз ҳам майли, фақат олдин гапимга қулоқ солинг.

– Бас қил! Мен ҳамиша Оллоҳнинг амрига қулоқ соламан, унинг оятларига амал қиламан. У «Душманни ўлдир!» деяпти. Мен эса у душман эмас, адашган ўғлим деб жавоб қайтараяпман. Майли, яша. Фақат белингдаги ханжарни еч. Қурол жанг қилишга кодир кишиларга керак.

Шомил ўғлини узоқ овулга сургун қилди. Жамолиддин у ерда дарахтдан узилган япроқ каби яшади. У оғир ўйлар исқанжасида қийналди. Ўзгача муҳит ва овқат танқислиги уни сил касалига мубтало қилди. Имом тоғларни, тоғликларни ҳимоя қилиш учун жангни давом эттирарди, ўғлининг эса нафас олиши тобора қийинлашиб борарди. Бу кетишда у ўлимга маҳкум эди. Шу вақт имомга билдирмай унинг олдига онаси Фотимат келди. Она ўғлига ўйинчоқлар шаклида ёпилган нонларни

келтирди. Нонлар ханжар, килич ва бургут шаклида ясалганди. Фотимат ташкаридан таппи ва тезак олиб келиб, уйдаги ўчоқка ўт ёқди. Ёйинчок нонларни оловда иситди, уларни кўйлагига суркаб артди ва ушатиб худди болалик давридагидай бир бўлагини Жамолиддинга узатди.

– Онадан сути кочганда, у ўз боласини тоғ эчкиси сутини ичишга ўргатади. – деди Фотимат.

Жамолиддин онасига ҳайрат билан тикилиб колди. Гўё онасини биринчи бор кўриб тургандай. Ҳозир унинг кўз ўнгида онаси ёш ва гўзал бўлиб гавдаланди. Болалик даврида онаси ана шундай нонларни ёпиб берарди. Беланчаги бошида арслон сутини ичиб катта бўлган бола ҳақида алла айтарди. Ёстиғининг тагида ёғочдан ясалган чиройли ханжар бўларди.

– Онажон, – дея худди болалик чоғларидай талпинди Жамолиддин.

– Жамол, ўғилгинам. Бағримга қайт! – деди Фотимат.

Она меҳридан ўғил ўзига келди. Ўчоқдаги сўнаётган чўққа тикилганча она ўғлига болалигида айтган алласини куйлай бошлади.

Бу вактда имом кайдадир муридлари билан жанг қиларди. Она эса касалликдан сўлаётган ўғли бошида алла айтарди.

Жамолиддинга қоялар орасидан дарё шовуллаб оқаётгандай туюлди. Эшик ортидаги куп-курук жойда бузоқчалар дукурлашиб, чопкиллашиб юрибди деб ўйлади.

У Гимрадаги уй-ҳовлини, отасини, биринчи минган отини эслади. Онаси эса ёмғир томчиларидан сакраб-сакраб осмонга кўтарилган қувнок Динғир-Данғарча ҳақидаги аллани айтарди.

– Қаерларда юрди, Динғир-Данғарча?

– Ўрмонзорга борди, Динғир-Данғарча.

– Нега ўрмон кезди, Динғир-Данғарча?

– Бориб дарахт кесди, Динғир-Данғарча.

– Нега дарахт кесди, Динғир-Данғарча?

– Уй қургиси келди, Динғир-Данғарча.

– Не ваддан уй қуриш, Динғир-Данғарча?

– Бошлар янги турмуш, Динғир-Данғарча.

– Нега турмуш қураб, Динғир-Данғарча?

– Ботир ўғлон кўраб, Динғир-Данғарча.

– Нега ботир ўғлон, Динғир-Данғарча?

– Фахрлансин дер жахон, Динғир-Данғарча!

Жамолиддин қаршисидаги тоғларни кўрди. Тоғларда қор эрирди, дарё жўшиб оқарди. Осмонга булут кўтарилди. Доғистоннинг қайсидир жойига соясини ташлади. Она эса ҳамон кўшиқ айтарди. Уларда ўғил тугилганда айтиладиган кўшиқдан бошлаб, ўғил ҳалок бўлганда айтиладиган кўшиқкача бор эди. Яна ўғиллардан

дунёга кўшиқ ёдгор бўлиши тўғрисида куйларди. Она яна Шомил, Ҳожимурод, Қози Муҳаммад, Ботир Хочбар, Порт калъаси қаҳрамонлари, Нодиршоҳ босқини, тунашга кетиб қайтмаган йигитлар тўғрисидаги кўшиқларни бирма-бир куйлашда давом этди.

Ўчоқдаги чўғ ҳам кулга айланди. Доғистон эса жанг оловида ёнарди. Энди Жамолиддин кўз ўнгида иккала олов ҳам намоён бўлди. Онасининг кўшиқлари уни сергак торттирди. Гўё уйғонди, бирдан отасига меҳри жўш урди. Отаси билан елка-ма-елка туриб жанг килиш учун оёқка турди.

– Онажон, мен ҳозиргина Доғистонга қайтдим, ҳозиргина отам билан учрашдим. Менга қурол келтиринг, мен Шомилнинг ўғлиман. Уйдаги ўчоқ ёнида ўлишга ҳақким йўқ. Отишмалар бўлаётган жойга тезроқ боришим керак.

Ота буйруғи, даъватли сўзлар килолмаган ишни она кўшиғи бажарди.

Аmmo бу учкун эди. Онанинг кўшиқлари ҳам Жамолиддиннинг юрагидаги бошқа кўшиқларни ўчира олмади. Жамолиддин ўзи улғайган Петербургни эслади ва доғистонликлар тушунмайдиган бошқа тилдаги шеърйи сатрларни такрорлади.

*Севаман Питернинг мўъжизасини,
Ҳар битта биноти улғувор, бўйчан.
Севаман Неванинг нур-жилвасини,
Мармар қирғоғида кезаман ўйчан.
Қирғоққа қўйилган чўян панжара,
Суюниб ҳаёлга чўмаман гоҳо.
О, тонги шафақлар, гўзал манзара,
Деразадан қараб тўймасман асло.
Ўқийман, ёзаман ёқмасдан чироқ,
Қундузғидай равшан кўринар борлиқ.
Атрофда сукунат, мисоли маёқ,
Адмиралга монанд юксак ёдгорлик.*

Тутунга тўлган овулдаги уйда янграган бу сўзлар ғалати эшитиларди. Ҳамон Жамолиддин тушига кадетлар уйида юрган даврлари, ёзги боғдаги панжара ёнида грузин кизи Нина билан учрашган дамлари кирарди.

Жамолиддиннинг юрагида иккита бургут яшарди, улар юрагини тишлаб икки томонга торткиларди. Қалбида ҳамон икки кўшиқ янграрди. Энди севгилиси Нина узоқда. Улар ўртасида азим дарё жўш уриб оқмоқда. Бу дарёдан мактублар ҳам ўтмайди. Айнан шу дарёда Доғистон имомининг ўғли, рус офицери чўкиб кетди. Бу дарёда унинг орзулари, эҳтимол, энг эзгу нияти ҳам чўкди.

Унинг энг эзгу нияти шу азим дарё устида кўприк куриб икки қирғокни бирлаштириш, узоқ давом этаётган урушни, хунрезликларни тўхтатиб дўстлик ган-

танасини, одамларнинг ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлаётганини кўриш эди. У тоғлик оналар айтган кўшиқларни яхши кўрарди, аммо Пушкин шеърларини ҳам севарди. Икки кўшиқ битта юракдан жой олганди. Кошки, буни отаси тушунса, бошқалар тушунса. Иккала кўшиқ ҳам бир-бирини тушуниб, бир-бирини кадр-лашса эди!

Аммо кўшиқлар ҳам киличларга ўхшайди. Ҳавода тебраниб бир-бирига тек-канда учқун чиқади. Қони оқиб холсизланаётган Доғистон яна касос ҳақида, бо-тирлар, кўзларини карға чўқиётган шахидлар ҳақида, отларнинг хансираб киш-наши, ханжарлар жаранги, чавандозсиз қайтаётган аргумоқлар ҳақида кўшиқ куйларди.

У ва бу қирғоқдаги одамлар, кўшиқлар бир-бирини тушунган кезларда киргин тўхтарди, ўқлар овози тинарди, ханжарлар қинга солинарди, касос учун кўтарилган кўллар дуога очиларди, калблардаги нафрат ўрнини муҳаббат эгалларди.

Валерик дарёси қирғоғида бўлган жангда Шомилнинг ботир муриди Мулла Муҳаммад оғир яраланди ва рус аскарлари томонидан асир олинди. Овулда уни халок бўлди деб ўйлаб, аза очишди. Аммо у бир ойдан кейин уйига қайтди. Ҳайрон қолган одамлар қандай қилиб озодликка чиққанини сўрашди. Бу гаплар муридни ранжитди.

– Мен бирон ёлғон тўкиб ёки хоинликни бўйнимга олиб озодликка чиққаним йўқ. Мулла Муҳаммад кўрқок эмас.

– Биз сенинг ботир мурид эканлигингни биламиз. Балки ўзингга қиличинг ёрда-мида йўл очгандирсан?

– Афсуски, қиличим йўқ эди. Агар қиличим бўлганда ҳам озодликка чиқишим гумон эди.

– Унда асирликдан қандай озод бўлдинг?

– Мени ертўлага қамаб, эшигига кулф осишди.

– У ерда ўзингни қандай хис қилдинг?

– Худди тузоққа тушган тоғ такасидай. Ертўлада ётганимда бирдан акалари баланд қояда ташлаб кетган Али ҳақидаги кўшиқ эсимга тушди. Мен шу кўшиқни айтдим. Кейин бошқа кўшиқларимизни куйлай бошладим. Баҳорда учиб келадиган қушлар, кузда қаторлашиб учиб кетадиган турналар, овчи тузоғидаги яраланган буғу, куз ва киш ҳақидаги кўшиқларимизни хиргойи қилдим. Ҳали ҳеч ким томонидан айтилмаган кўшиқларни куйладим. Уч кун давомида кўшиқ куйлашдан тинмадим. Қоровуллар кўшиқ куйлашимга ҳалакит беришмади. Ахир, сўзлари тушунарсиз бўлса ҳам кўшиқ кўшиқлигича қолади. Уни ҳамма тинглайди. Бир кун қоровуллар олдига ёш офицер келди. Ўйладимки, куним битди. Офицер ўзи билан бизнинг тилимизни биладиган одам олиб келган экан. У менга деди: «Офицер нима ҳақда куйлаётганингни билишни истайди. Кўшигинг нима ҳақда? Яна кўшиқ куйлаб берар экансан». Мен жанг оловида ёнаётган Доғистон ҳақида-

ги кўшиқни куйладим. Яна кўшиқ куйлашимни сўрашди. Мен фарзандини ўйлаб эзилаётган онам, севимли хотиним тўғрисидаги кўшиғимни бошладим. Офицер кўшиғимни тинглаб, деразадан атрофдаги тоғларга тикилди. Тоғлар булут билан копланганди. Шунда офицер коровулларга мени озод қилишини буюрди. Бизнинг тилимизни биладиган одам менга шундай деди: «Офицер сени озод қилаяпти. Унга сенинг кўшиқларинг ёкибди. Шу боис сени озодликка чиқаряпти». Йўлда қайтаётганда шундай ўйладим: «Доғистон ҳам кон тўкиш ўрнига, балки ўз кўшиқларини куйлаши керакдир».

Аmmo Шомил омон қайтган муридани сўрокка тутди:

– Мен кўшиқ айтишни тақиклаганман, сен нега куйладинг?

– Имом, сиз Доғистонда кўшиқ айтишни тақиклагансиз. У тараф Доғистон эмас, – деди мурид.

– Сенинг жавобинг маъкул бўлди, – деди Шомил ва бироздан кейин кўшимча қилди: – Мулла Муҳаммад, ичингда куйлашинг мумкин.

Шундан бери одамлар Мулла Муҳаммадни кўшиқлар асраган Муҳаммад деб айтишади.

Доғистонни ҳамиша омонликда асрайдиган кўшиқ керак! Бироқ кўшиқнинг мохиятини ҳамма ҳам ўша офицердай тушуна оладими? Дарвоқе, ўша ёш офицер ким эди? Поручик Лермонтов эмасмикин?! Ахир, у ўша вақтда Валерик қирғоғида бўлган жангларда иштирок этган.

Яна шунга ўхшаш воқеа. Ҳожимурод Темир-Хон-Шурага тунашга бориб, катта ўлжа билан қайтиб келарди. Ўрмон четидаги йўл ёқасида ўтирган икки рус аскарини кўришди. Улар гулхан атрофида ўтиришиб, оҳиста кўшиқ куйлашарди. Рус тилини оз-моз биладиган навқаридан Ҳожимурод сўради:

– Нима ҳақда куйлашяпти?

– Онаси, севгилиси тўғрисида. Олисидаги Ватанида ёмғир ёғаётгани хақида.

Ҳожимурод уларнинг кўшиғини узок вақт жимгина тинглади ва секин шивирлади:

– Бу одамлар бизга душман эмас. Уларни ўз ҳолига қўйинглар. Майли, она хақида кўшиқ куйласинлар.

Ҳа, кўшиқ уларни ўқ балосидан асраб қолди. Агар одамлар бир-бирларини тушунсалар эди, қанча ўқлар қимларнингдир умрига зомин бўлмасди.

Учинчи воқеа. Доғистон ҳукумати раҳбари Маҳач Доҳадаев жанг кетаётган тоққа Маҳмудни муҳим хат билан жўнатиб деди:

– Ўзингга ханжар билан эмас, пандур билан йўл оч.

Душманлар уни Цаданих овулида қўлга олиб, ертўлага қамаб қўйишди. Агар ундан Маҳач хатини топишса, ўша заҳоти отиб ўлдиришарди. Маҳмуд ертўлада ўтирар экан, севгиси тўғрисида кўшиқ бошлади. Овулдаги ҳамма, ҳатто кўшни овулдаги одамлар ҳам унинг кўшиғини тинглаш учун келишди. Шунда Нажмуд-

дин Гоцинский ўйлади: «Агар кўшиқчини ўлдирсам, тоғликларнинг ҳаммаси мендан юз ўгиради». У шоирни озод қилди.

Ирчи Казак шундай деган экан: «Агар Сибирдаги сургун вақтида кўшиқ хамроҳим бўлмаганда кайғудан ўлардим».

Бундай хикоялар жуда кўп... Уларга ишониш керак. Кўшиқлар қанча одамларнинг жонини саклади, қанча пиёдаларни отлик қилди. Қанча кўроклар кўшиқ тинглагач, ботирга айланишди, ҳеч нарсадан хайикмайдиган бўлишди.

Ҳиндистондан қайтиб келганимда, Абутолиб мендан бу мамлакат ҳақида жуда кўп нарсаларни сўради. Мен ҳинд сеҳргари най чалиб, ҳатто кобрани балеринага ўхшатиб ўйнатгани тўғрисида гапириб бердим.

– Бунинг хайрон қоладиган жойи йўқ, – деди Абутолиб. – Ахир, бизнинг чўпонларимиз ҳам най чалиб, тоғ такаларини ўйнатишади. Ўзим кўрганман, энг хуррак буғулар ҳам мусикани эшитиб, яқинлашиб келишган. Яна сурнай ноласини тинглаб, тоғдаги айиқлар дорбозларга ўхшаб юрганини ҳам кўрганман.

У бироз жимликдан кейин кўнглини очди: – Ҳаётимда мусика менга ҳам ёрдам берган. Сен яхши биласан. Мен созлар ичида сурнай чалишни кўпроқ ёқтираман. Унинг овози узоқ-узоқларга етади. Сурнай чақалоқ туғилганда, меҳмон келганда ва тўйда чалинади. Ким курашда ғолиб чиқса, ким пойгада ўзса, у сурнай чалиниб шарафланади. Сурнай мусика асбоблари ичида мисоли тамада. Мен сурнайни ёшлигимда тирикчилигимни ўтказишимга ёрдам бергани учун кадрлайман. Ҳозир сенга ёшлигимда бўлган сурнай билан боғлиқ битта воқеани сўзлаб бераман.

Ҳали ёш эдим. Тоғдаги узоқ овулдан тўйга таклиф қилишди. Киш, гупиллаб қор ёғаяпти. Бундай вақтда йўл ҳам унмайди. Чарчаб, тош устига ўтирдим. Овулга етиб олиш учун бир ўралма тамакини чекканча вақт керак. Бирдан йўлда кўнгирукларини жиринглатиб файтон пайдо бўлди. Файтонда маст-аласт уч киши бакириб-чакириб суҳбатлашарди. Уларнинг бадавлат эканликлари шундоқ кўриниб турарди. Отларнинг бири шакардай оппоқ, иккинчиси кўмирдай қора, факат тумшуги оқ. «Ассалому алайкум» – «Ваалайкум ассалом». Улар тўйга боришаётганини билгач, мени ҳам файтонда олиб кетишларини сўрадим. Улар ҳозирги тарбиясиз шофёрлар каби рад жавобини беришди, бунинг устига мени масҳара қилишди: «Ҳечкиси йўқ. Овулдаги кейинги тўйга етиб борарсан. Бу тўй сенсиз ҳам ўтади».

Ранжиганимдан чарчоғим ҳам ёзилиб кетди, ёнимдан сурнайимни олиб чала бошладим. Ҳали сурнайни шундай шавқ билан чалмаганман. Шунда мўъжиза юз берди. Сурнай навосини эшитиб, отлар ерга қоқилган қозикдай такка тўхташди. Йўловчилар жаҳли чикиб, камчи билан отларни савалашди, бари бефойда. Отлар жойидан жилмасди. Уларга сурнай навоси ёққани сезилиб турарди. Хуллас, отлар менинг тарафимни олишгани учун эгалари файтонга чиқаришди. Сурнай ўша кезде шундай ёрдам берган. Кўшиқ эса мени ертўладан катта йўлга чиқарган, ҳурмат-эътиборга сазовор қилган.

Мен Абутолибдан сўрадим:

– Сиз найни, сурнайни, пуфлама бошқа мусика асбобларини чала оласиз. Чалишгина эмас, бу мусика асбобларини ўзингиз ҳам ясайсиз. Нега скрипка чалмайсиз? Ахир, тоғликлар скрипка овозини жуда яхши кўришади.

– Нега скрипка чалмаслигим сабабини айтиб бераман. Эшит, ёш вақтимда скрипка ҳам чалганман. Кунлардан бир кун бизнинг лак овулимизда қийналган, ич-ичидан эзилиб юрган авар пайдо бўлди. У овулдошини бехосдан ўлдириб қўйгани учун ҳайдалган экан. Сургун қилинганларга овулнинг чеккасидан жой берилади. Одамлар у билан алоқа қилишмайди. У ҳам одамларга кўшилмайди. Мен озгина авар тилини билганим учун унинг ёнига бориб турардим. Бир куни кечкурун скрипка олиб бордим. У ўчоқ ёнида ўтириб кастрюл тагидаги оловга сомон ташларди, кизиги, кастрюл ичида ҳам сомон қайнади. Мен скрипкани чала бошладим, бахтиқаро авар оловга тикилганча жим тинглади. Кейин кўлимдан скрипкани олди, у ёқ-бу ёғига каради, кулоғини бураб торларини созлади ва чалди.

Расул, унинг қандай чалганини сўз билан таърифлай олмайман. Ҳеч қачон у чалган куйни унутмасам керак. Ҳатто куйдан ўчоқдаги сомон чарсиллаб ёнди. Баъзан сомон ярқ этиб ёниб, кўзларимни камаштирди. Ўз-ўзидан кўзларимдан ёш томчилади. Мен скрипкани қолдириб, уйга қайтдим. Эртаси куни тоғдаги овулга чиқиб, уни ўлдириш қасдида юрган одамларни топдим. Уларни овулга бошлаб келдим, кундуз уйимизда меҳмон бўлди, кечкурун ҳаммамиз душмани скрипкада ижро этадиган куйни тинглагани бордик. Шу тарика уч кечкурун унинг скрипка чалишини тингладик. Тўртинчи кун қасос олиш учун келган кишилар ниятидан қайтишганини айтишди. Улар овулдошига шундай дейишди: «Уйингга қайт, биз сени кечирдик».

Авар уйига қайтар экан, скрипка уни узатди, мен олмадим. Унга дедим: «Сендай чалишни ҳеч қачон ўргана олмайман. Ёмон чалишни эса истамайман. Шу боис скрипка энди менга керак эмас». Ўшандан кейин бошқа скрипка ушламадим. Баъзан ўйлаб қоламан, агар одамлар скрипкadan тараладиган шундай ажиб наволарни тинглашганда эди, дунёда ёвузлик, душманлик қиладиган кишилар қолмаган бўларди.

Энди отамга боғлиқ иккита хикояни сўзлаб бераман.

Гоцатлилик Ҳожи деган бир киши Хунзахда трактир (емакхона) очди. У отамни чақириб шундай дебди:

– Сен тоғликлар орасида таникли одамсан. Менинг трактиримни мақтаб кўшиқ ёз, токи хўрандаларим кўпайсин.

Отам трактирнинг асл ҳолатини тасвирлаб, яъни саришга эмаслиги ва овқатларнинг сифатсизлиги ҳақида шеър ёзди. Чиндан ҳам бу трактир тўғрисида ҳамма гапирадиган бўлди. Ўтган-кетганлар трактирни бармоғи билан кўрсатиб, шундай дейишарди: «Бизнинг Ҳамзат шу жойнинг шармандасини чиқарган».

Трактир эгаси шеър таъсирини кўриб хушёр тортиди. Отамга эгарланган от совға килиб, шеърини ўзгартиришини сўради. Бирок шеър бир доводдан ўтган бўлса, тоғдаги барча доводлардан оша олади, уни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди. Хуллас, тез орада манман гоцатлилик ҳақида ҳамма овулда гап-сўз бўлди. Ҳожи трактирини ёпди.

Бир кеча айвонимизга осиб қўйилган қокланган қўй сон гўшти йўқолди. Энди уни топиш ҳақида ўйламасак ҳам бўларди. Аммо овулда Ҳамзат гўшт ўғриси тўғрисида шеър ёзармиш деган миш-миш тарқалди. Кўп ўтмай айвонимизга ўғирланган қўй гўштини қўйиб кетишди. Қолбуки, отам бундай шеър ёзиш ҳақида ҳатто ўйламаганди.

Баъзан ёш куёв-келинлар ўртасида жанжал чиқади. Шундай вақтда куёвнинг дўсти ёш оила деразаси гагига кечаси келиб чондур чалади. Чондур навоси ёш куёв-келинни гина-кудуратни унутиб ярашишига сабабчи бўлади.

Менинг фотосуратчи ва мусикачи Амин Чутуев исмли дўстим бор. Уйланганимдан кейин дастлабки йилларда кечкурунлари кўп бор уйимнинг деразаси тагида мусика чалган.

Амин Чутуев, нега скрипкангни олиб дунё деразаси тагида мусика чалмайсан, балки безовта кишилар гина-кудуратларини унутишармиди?

Чикагода ўтган адабий учрашувда америкалик шоир билан каттиқ тортишиб қолдик. Баҳсимиз қизиб борар, гўё энди бизни ҳеч нарса битимга келтира олмас эди. Аммо америкалик шоир охириги урушда Германияда ҳалок бўлган акасига бағишланган марсиясини ўқиди. Ундан кейин мен ҳам ўша урушда ва ўша вақтда ҳалок бўлган акамга бағишланган марсиямни ўқиб бердим. Бизнинг баҳс-мунозарамиз тугади. Ўртада шеър қолди. Агар биз тез-тез ҳалок бўлганларни эсласак, шеър-қўшиқларга мурожаат қилсак эди!..

Бизнинг боболаримиз тез-тез қўшни Грузияга жанговар юриш қилишган. Мана шундай юришлардан бирида авар тоғларига грузин мумтоз адабиётининг бўлажак намояндаси Давид Гурамишвили ўғирлаб келтирилган.

Тоғнинг юқори қисмида жойлашган Унцукул овулидаги ертўлага қамалган Гурамишвили аввалига грузин халқ қўшиқларини куйлаб ўзини овутиди. Кейин ўзи ҳам шеърлар тўқий бошлади. У асирликдан қочишга муваффақ бўлди. Олдин Россияда яшади, сўнгра Украинага кўчиб ўтди.

Мен бу ажойиб шоирнинг Тбилисида ўтказилган юбилейида катнашганман. Тадбирда менга сўз берилди. Гапимни енгил хазил билан бошлаб, Грузия халқи Давид Гурамишвилидай ажойиб шоири борлиги учун биз доғистонликларга раҳмат айтиши керак дедим. Агар боболаримиз уни ўғирлаб кетиб ертўлага камашмаганда, шундай ажойиб шеърлар ёзилмасмиди? У Россияга ҳам, Украинага ҳам бормасди. Ҳаёт йўли умуман бошқача бўларди. Аммо сўзимнинг охирида шундай дедим: «Боболаримиз ёш грузин князини ўғирлашганда унинг шоир бўлишини

билишмаган. Агар билишганда бундай ишни ҳечам қилишмасди. Афсуски, бўлган иш бўлиб ўтди. Илгари Давид Гурамишвили доғистонликларнинг асири эди. Лекин энди доғистонликлар унинг шеърини асири. Такдир ўйини деб шунга айтсалар керак».

Ҳозир бошқа кўшиқлар айтилади. Аммо биз қадимий кўшиқларимизни унутганимиз йўқ. Эндиликда бу бебаҳо хазинани доғистонликлар бутун дунёга тақдим этишяпти.

Табиий шароитга кўра тоғда яшаш осон эмас. Илгари вақтда тоғликларда болалар ўлими ҳозиргидан юқори бўлган. Лекин кимки яшаб кетса, юз йилдан ортиқ умр кўрган.

Барча айтилган кўшиқлар бизгача етиб келмаган. Лекин бизгача етиб келган кўшиқлар энди абадий яшайди.

Болалик даврида кўпроқ ўғил болалар вафот этишган. Қиз болалар эса табиатан яшовчан, ҳаётда чидамлироқ бўлишган.

Кўшиқларда ҳам шундай. Эркакларнинг, мардларнинг жанговар кўшиқлари урушда, юришда, қасос олишда ҳалок бўлган. Уларнинг қабри, ботирлар ҳақидаги кўшиқлар муҳаббат ҳақидаги кўшиқларга нисбатан камроқ сақланиб қолган.

Аммо қадимий кўшиқлар – Доғистоннинг янги кўшиқларига муқаддима. Ҳудди эски пандурга янги торлар тортилгандай. Эндиликда тоғлик қизнинг чакқон бармоқлари пианинонинг оқ ва қора клавишлари узра чакқон ҳаракатланмоқда.

Мен кўшиқлар янграган уйда туғилдим ва вояга етдим. Қўлимга қаламни минг истиҳола билан олдим. Шеъринг салтанатига киришдан олдин узок ўйландим, лекин унга кирмаслигим ҳам мумкин эмас эди. Менга каттароқ талаблар қўйиларди. Ахир, Ҳамзат Цадасадай шоирдан кейин Расул Цадаса (яъни цадалик) деган шоир кимга ҳам керак?! Улар битта уйдан, битта овулдан, битта Доғистондан.

Қайга бормай, қайси учрашувда бўлмасин, ҳатто, ҳозир сочимга оқ оралаган вақтда ҳам мени шундай таништиришади: «Энди сўз навбати бизнинг Ҳамзатнинг ўғли Расулга». Албатта Ҳамзатнинг ўғли деган номга муносиб бўлишим, шу билан бирга ўзлимни намоён эта билишим керак. Бу осон эмас.

Тоғли туманга ижодий учрашувга бордик. Бир неча овулда бўлдик, йўлимизда фақат Цумада овули қолди. Узокдан овул чеккасига кўпчилик бизни кутиб олишга чиққанини кўрдим. Сурнай навоси, кўшиқлар қулоғимизга чалинди. Уларнинг каттароқ одамини кутиб олишга чиққанлиги шундоқ сезилиб турарди (албатта мени эмас). Шу боис ўзимни ноқулай сеза бошладим. Ахир, шундай дабдабали кутиб олишлари учун айтарли ҳеч нарса қилмагандим. Биз уларга тобора яқинлашардик. Машинадан тушдик, одамлар сўроққа тутишди:

– Кекса Ҳамзат қани?

– Ҳамзат Махачкаля да. У бу ёкка келишни ўйлагани ҳам йўқ. Ҳузурингизга мен келдим – Ҳамзатнинг ўгли Расул.

Одамлар таркала бошлади. Ёнимда бир нечта йигитлар қолди. Биз биргалашиб кўшиқ айтдик. Халқ кўшиқларини, отам ёзган кўшиқларни, битта менинг кўшигимни ҳам куйладик. Менинг бу кўшигим отасининг кўлини ушлаб, узангига оёқ кўйиб отга мингашаётган болага ўхшарди.

О, тоғликлар пандури! Йил ўтган сайин ҳаётда кўпроқ нарсани тушунапман, тобора пандурга қўл чўзишга ботина олмапман. Сенинг торларингни минглаб йиллардан буён созлашади. Минглаб созандалар сендан ажиб наволар таратишган. Мен пандур қулоғини созлаётганда ҳаяжонланганимдан юрагим тўхтаб қолгандай туюлаверади. Худди беҳосдан тор узилиб кетса, юрагим тўхтаб қолади. Ҳа, эҳтиётсизлик билан торни узиб кўйиш мумкин. Бу кўшиқни узиш билан ба-равар.

Аммо нима бўлганда ҳам мен сени қўлга олишим, қулоғингни бураб торингни созлашим, куй чалиб кўшиқ айтишим керак. Балки менинг кўшигим Доғистондаги бошқа кўшиқлар орасида сезилмас. Чунки менинг овозим кекса кўшиқчилар овози билан тенглаша олмайди. Ҳа, бизнинг кўшиқларимиз бирмунча ўзгарди.

– Наҳотки Махмуддан кейин ҳеч ким севмаган бўлса? Негадир севги кўшиқлари янграмаяпти?

– Севишган, севишяпти. Аммо кўшиқ айтиш нимага керак? Мунига севги серенадаси чалиш ҳам, уни ўғирлаш ҳам шарт эмас. Чунки Муининг ўзи келади.

– Наҳотки Шомилдан кейин мардлар туғилмаган бўлса? Негадир орият учун жанглар, ботирлар, қаҳрамонликлар тўғрисида кўшиқлар эшитмаяпман.

– Ботирлар бор. Аммо жанг ҳақида кўшиқ ёзиш керакми? Ахир, қиличларнинг ўзи тинчлик иштаяпти.

Менинг овозим Доғистондаги бошқа овозлар орасида йўқолиб кетишидан ҳавотирланмасам ҳам бўлади. Чунки янги авлод келади, улар мен айтолмаган кўшиқларни айтишади.

Кексалик одамни кўп неъматлардан маҳрум қилади. У кучдан қолдиради, кўзни хиралаштиради, қулоқни вазминлаштиради, энди дунёнинг гўзалликларини кўраман деганинда қаршингда парда тортади. Баъзан қўлинг вино куйилган қадахни ушлай олмай қолади.

Аммо мен ҳавотир олмасам ҳам бўлади. У ҳамма нарсамни олган тақдирда ҳам юрагимдаги кўшиқларни ололмайди. У мендан Махмудни, Батирайни, Пушкинни, Гейнени ва бошқа буюк шоирларни, шунингдек, Доғистонимни тортиб ололмайди! Доғистоним бор экан, демак, аҳволим ёмон эмас. Доғистон бор экан – биз ҳам бор-миз! Доғистон бор экан йўлларда адашиб қолмаймиз!

Тоғлик овулда ажойиб битта болалар ўйини бор, уни шундай номлаш мумкин: «Қим изласа у топади, қим топса у олади». Бир гал ўзим ҳам шу ўйинда иштирок этганман.

Ўғил болани бошка хонага чиқариб, кўзини рўмол билан боғлашади. Бу вақтда кизни хонанинг бирор жойига бекитишади. Ўғил бола хонага кириб кизни қидиради. Барча жўр бўлиб қўшиқ куйлайди: «Ў, дўлалай, дўлалай». Агар ўғил бола кизни бошка жойдан кидира бошласа, барча қўшиқни ғамгин айтади. Борди-ю, мўлжални тўғри олса, қўшиқни шўхчан куйлашади. Бола кизни топган вақтда барча қарсақ чалиб, биргалликда ўйнашга даъват этишади. Ҳа, қўшиқ кўзи боғланган болани ҳам тўғри йўлга бошлаб, мақсад сари етаклайди.

Шукурки, мен қўшиқ янграб турган уйда, қўшиқ янграб турган Доғистонда, қўшиқ янграб турган мамлакатда, қўшиқ янграб турган заминда туғилдим. Мен қўшиқнинг кучини ҳам, баҳосини ҳам биламан. Агар қўшиқ бўлмаганда дунё Доғистонни ҳозиргидай билмасди. Қўшиқ бўлмаганда Доғистон ҳам адашган тоғ такасига ўхшаб қоларди. Ҳа, бизни қўшиқ тоғнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан дунёга олиб чиқди, янги дўстлар билан юзлаштирди.

«Қўшиқ айт, мен сенга кимлигингни айтаман», – дер эди Абутолиб қадимий ҳикмати бироз ўзгартириб. Доғистон ўз қўшиғини айтди, дунё уни англади.

КИТОБ

«Техъ» сўзи авар тилида икки маънога эга: биринчиси – қўй териси; иккинчиси – китоб.

Тоғликларда шундай гап бор: «Бошингни ва бўркингни асра». Маълумки, бўрк қўй терисидан тайёрланади. Илгари ўз алифбомиз бўлмаганини ҳисобга олсак, тоғликларнинг бошини ёзилмаган китобга қиёслаш мумкин. Уларда неча асрлардан буён бизнинг тилимиз, тарихимиз, ҳикоятларимиз, эртак-афсоналаримиз, урф-одатларимиз сақланган. Хуллас, неча асрлар қўй терисидан тайёрланган бўрк Доғистон ҳақидаги китобни – тоғликларнинг бошини иссиқ-совуқдан асраган. Ана шу китобда – бошда кўп нарсалар бизгача етиб келди, афсуски, кўп нарсалар йўлларда йўқолди, ҳалок бўлди.

Бу китобнинг қанча саҳифалари жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди (чунки бўрк бошни ўқ ва қиличдан асрай олмайди), айримлари эса бахтсиз йўловчилар каби йўлдан адашиб, тўфонга учраб, жарга қулаб, тоғ кўчкилари тагида қолиб, ҳолсизланиб, қароқчи санчган ханжардан жон беришди.

Дейдилар: «Нимаики унутилган ва йўқолган бўлса, улар энг яхши ва энг қимматли нарсалардир».

Негаки, шеърни ёддан ўқиётганингда тўсатдан бир мисрани унутасан, айнан ўша мисра шеърда муҳимдай гуюлади.

Негаки, жарга қулаб тушган сигир эсга олинса, унинг кўп сут бергани, сути жуда ёғли бўлгани таъкидланади.

Махмуднинг отаси ўғлининг бир сандиқ шеърый қўлёмаларини ёкиб юборган. Унга шеър ўғлининг ҳаётини поймол этаётгандай туюлган. Эндиликда ҳамма Махмуднинг энг яхши шеърлари ўша сандиқда ёниб кетган деб тақрорлашдан чарчамайди.

Батирай ҳеч бир кўшиқни икки марта айтмаган. У кўпинча маст-аласт давраларда кўшиқ айтишга мажбур бўлган. Демак, ўша жойда айтилган кўшиқлар ўша жойда қолган, ҳеч ким томонидан ёзиб олинмаган. Эндиликда ҳамма айнан ўша кўшиқлар энг яхши кўшиқлари бўлганини афсус билан эслашади.

Ирчи Казак эса Шамхол саройида қанча кўшиқ куйлаган, уларнинг айримларигина саройдан чиқиб халққа етиб борган. Шоир Ирчи Казакнинг ўзи шундай деган: «Қанча куйлама Шамхол ҳам, эшак ҳам кўшиқни тушунмайди». Эндиликда одамлар у ҳақда шундай дейишади: «Ирчи Казакнинг йўқолган шеърлари энг яхши шеърлари бўлган».

Ёндирилган қанча пандурларнинг, дарёда окизилган қанча чондурларнинг навоси бизгача етиб келмади. Мен бугун барча ўлдирилган ва ҳалок бўлганлар хотирасини эхтиром сақлаб эсга оламан.

Мен бизгача етиб келган кўшиқларни тинглаганда, ўқиганда юрагим қувончдан хаприкиб кетади. Шу кўшиқларни юрагида, ёзилмаган китоб – бошида сақлаган тоғлиқларга офаринлар айтаман.

Халқимизнинг бу ҳикоятлари, эртақлари, кўшиқлари ҳозирги қоғозларга перо билан ёзилган, кейин тартибланиб муқоваланган китобларга қараб шундай дейишади: «Биз ёзилмаган бўлсак ҳам неча асрлик машаққатли йўлларни босиб шу кунларга етиб келдик. Қизиқ, чиройли муқоваланган бу китоблар ҳатто кейинги авлодга етиб борармикин? Қўрамиз, китобни сақлашда нима ишончлироқ? Кутубхона, магазиндаги китоб жавонларими ёки одамларнинг юрагимми?!»

Кўп нарса унутилади. Юз мисрадан бир мисра эсда қолса ҳам катта гап, агар у эсда қолса, демак, умрбод сақланади.

Афсус билан айтганимдай, турли сабабларга кўра норасида болаларнинг ҳам ҳаёт шамчиқроқлари сўнади.

Имом ярадорларга ўзини дарёга ташлашга буюрган. Унга майиб-мажруҳлар келаркан эмас эди. Чунки улар жанг қила олмас эди, демак бокиш бефойда.

Ўзга замон келди. Болалар меҳр ардоғида, шифокорлар назоратида улғаймоқда. Ярадорларнинг жароҳатлари боғлаб қўйилмоқда. Оёқсиз қолганларга протез берилмоқда. Албатта, бу ўзгаришларнинг одамлар жисмига боғлиқ томони олийжаноблик, инсонпарварликдир.

Аммо бу саховат оксок фикрларга, сийка шеърый мисраларга, чалажон коралаларга, ўлик туғилган кўшиқларга ҳам кўрсатилаяпти. Ҳаммаси қоғозларга ёзилиб, китобларга киритилаяпти. Ҳаммаси кутубхоналарда сақланияпти.

Илгари шундай дейишарди: «Айтилган унутилади, ёзилган қолади». Бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин.

Мен бу сўзларим билан ёзувнинг, китобларнинг аҳамиятини камситмоқчи эмасман. Китоблар тоғ ортидан чиққан куёш каби даралардаги овулларимизни ҳам маърифат нури билан ёритганини ҳамиша таъкидлайман.

Онам менга кушча ва тулки ҳақида эртақ айтиб берганди.

Бор экан-да йўк экан, бир кушча бўлган экан. Кушчанинг дарахт шоҳида мустаҳкам, иссик уяси бўлиб, унда палапон очибди. Палапонлари катта бўла бошлабди. Бир куни тулки келиб, дарахт тагида қўшиқ айтибди:

*Бу қоя – тоғ меники,
Меникидир бу ўрмон.
Бу дарахт – боғ меники,
Нега очдинг палапон?
Шу боис бил иззатни,
Бер битта палапонинг.
Йўқса қирқиб дарахтни,
Ёқаман хонумонинг.*

Кушча дарахтни, ундаги уясини, колган палапонларини омон сақлаш учун тулкига битта палапонини берибди.

Кейинги кун тулки яна келиб қўшигини бошлабди. Кушча иккинчи палапонини қурбон қилди. Шу тариқа кушчанинг боши қайғудан чикмади: ҳар куни битта палапонини тулки олдига ташлади.

Бу ҳақда бошқа кушлар эшитишди. Улар учиб келишиб, лақма кушга қайғуси сабабини айтишди. Ақли кушлар шундай қуйлашибди:

*Биласан тулки айёр,
Алдабди сени жуда.
Сен ўзинг бунга айбдор,
Унинг гапи беҳуда.
Дарахтни қандай қирқар,
Узун думи биланми?
Дарахтга қандай чиқар,
Узун думи биланми?
Болта йўқдир тулкида,
Йўқ унинг арраси ҳам.
Айтган гапи беҳуда,
Яшайвергин хотиржам.*

Бу гаплардан беҳабар тулки яна келиб кушчани қўрқитиб, битта палапонини беришини талаб қилди. Кушча индамади. Тулки яна дарахтни қирқишини, барча

палапонларини ейишини айтди. Илгари кушчани кўркувга солган бу сўзлар энди унинг кулгисини уйғотди Бу курук иддао ва мактанчокликдан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етди. Кушча тулкига жавоб кайтарди:

*Бу дарахтнинг илдизи чуқур,
Қазиш учун керак белкурак.
Қулоч етмас поясини кўр,
Қирқиш учун зўр болта керак.
Уям баланд, сўзлама ёлгон,
Чиқиш учун келтиргин нарвон.*

Тулки тамшана-тамшана дарахтдан узоқлашди ва бошқа қайтиб келмади.

Кушча эса хануз ўша дарахтда яшаяпти, палапон очиб катта қилаяпти, шодлигандан сайраяпти.

Доғистон ҳам замондан, маърифатдан орқада қолгани учун қанча палапонини нобуд қилди. Ўзликни англаш учун эса китоб керак. Ўзгани билиш учун ҳам китоб керак. Китобсиз халқ кўзи боғланган одамга ўхшайди. Ҳеч нарсани кўра олмайди. Китобсиз халқ кўзгуси йўқ одамга ўхшайди. Ҳеч қачон ўз киёфасини кўра олмайди.

«Қолок ва нодон тоғликлар», – деб ёзишган Доғистонга келиб-кетган сайёҳлар. Бу сўзларда ёлғондан кўра ҳақиқат кўпроқ. «Улар – катта болалар», – деб ёзган экан чет эллик бир киши бизнинг ҳақимизда.

«Улар билимсиз, бундан фойдаланиб қолишимиз керак», – деб ёзишган душманларимиз.

«Агар бу халқ жанг қилиш санъатидан хабардор бўлса, ҳеч ким уларга қарши қурул кўтариб келмасди», – деб ёзган экан бир саркарда.

«Қанийди ҳозирги билимимизга Ҳожимуроднинг мардлигини, Махмуднинг истеъдодини кўша олсак», – деб ўйлашади тоғликлар.

– Имом, нега тўхтадик? – деб сўради Ҳожимурод бир куни Шомилдан. – Кўксимизда юрагимиз ураяпти, кўлимизда ўткир қилич бор. Олға юриб, ўзимизга йўл очайлик.

– Шошилма, Ҳожимурод. Шошқин дарёлар денгизгача етиб боришмайди. Китобдан сўраб кўрайлик. Китоб – ақлли маслаҳатчи.

– Имом, китобинг ақлидир, лекин бизга ҳозир мардлик керак. Мардлик эса ўткир қиличда, учқур от устида бўлади.

– Китобларда ҳам мардлик бор!

Китоблар... Ҳарфлар, сатрлар, саҳифалар. Кўриниши оддий, бир қоғоз. Лекин уларда сўзлар жаранги, тил, фикр жилоси бор. Уларда гоҳ ёз саратони, гоҳ киш қаҳратони. Уларда кечаги воқеалар, бугунги орзулар, эртанги қилинадиган ишлар мужассам.

Дунё тарихи ҳам одамзод тақдири каби иккига бўлинади: китоб пайдо бўлгунча, китоб пайдо бўлгандан кейин. Биринчи давр – тун, иккинчи давр – ёруғ кун. Биринчиси – тор, қоронғи дара, иккинчиси – равон текислик ёки тоғ чўққилари.

«Эҳтимол, нодонлик ҳам гуноҳ, – деганди отам. – Шу боис тарих бизни узок вақт қаттиқ жазолагандир».

Икки давр – китобсиз ва китоб билан. Лекин китоб одамга эндигина юришни ўрганган вақтида ҳарфлар шаклида келган бўлса, Доғистонга минглаб ёшга кирган вақтида келди. Ҳа, Доғистон жуда кеч ўқиш ва ёзишни ўрганди.

Бунгача тоғликлар учун неча асрлар осмон саҳифа, юлдузлар ҳарф вазифасини ўтади. Кўчаётган булутлар – сиёҳдон, ёмғир – сиёҳ, замин – қоғоз, гул ва ўсимликлар ҳарф бўлди. Уни ўқиш учун қоялар ҳам бошини эгиб қаради.

Кўешнинг кизгиш нурлари қалам бўлиб, қояларга тарихимиздаги барча хатоларни ёзди.

Тоғлик эркакнинг танаси – сиёҳдон, қони – сиёҳ, ханжари хома эди. Шу хомаси билан ўлим китобини ёзганда, унинг тилини таржимасиз ҳам ҳамма тушунди.

Ҳақ-ҳуқуқсиз тоғлик аёли – сиёҳдон, кўз ёши – сиёҳ, ёстиғи саҳифа эди. У шу саҳифага қанча азоб-изтироб китобларини ёзди. Фақат уни камдан-кам одам ўқиди, чунки тоғлик аёл ҳеч қачон ошқора кўз ёш тўкмаган.

Китоб, ёзув!.. Бу икки хазинани қадимда ўша тил улашган зот берганини унутма.

Китоб – очик дераза. Биз эса тўрт томони девор билан ўралган қоронғи уйда узок ўтирдик. Деразадан дунё кенгликларини, денгизни ва унда сузаётган кемаларни кўриш мумкин. Биз эса кишлашга қолган қушларга ўхшардик, қунлар совиб кетганда тумшуклари билан деразани тақиллатиб иссиқ жойга киритишларини унсиз сўраётган.

Тоғликларнинг қуруқшаган лаблари ёрилди. Ёниб турган кўзлари атрофга оч назар ташлади.

– Агар биз қалам ва қоғозни ишлатишни билсак эди, қўлларимиз ханжарни қиндан суғуриш учун тез-тез югурмаган бўларди.

Биз ҳеч қачон қилич тақишга, отни эгарлашга, отга сакраб миниб жанг майдонига етиб боришга кечикмаганмиз. Бу ишда бизда чўлоқлар ҳам, қарлар ҳам, кўрлар ҳам бўлмаган. Аммо биз қичкина ҳарфларни ўрганишга кечикдик. Маълумки, бу ишда тафаккур оксок бўлса, Унцукул хассаси ҳам ёрдам бермайди.

Бир минг беш юз йил илгари шавқатли арман жангчиси Месроп Маштоқ ёзув ҳар қандай қуролдан қучли эканини англаб етди ва халқи учун алифбо яратди.

Мен қадимий ёзув сакланадиган Матенадаранда бўлганман.

Ўша жойда алам билан минглаб йиллар ёзувсиз ва китобсиз яшаган Доғистоним ҳақида ўйлаганман. Тарих элагидан қанча асрлар ўтди ва улاردан бизга ҳеч нарса қолмади. Ўтган асрлардан бизга баъзи бир тушунарсиз одатлар ва оғиздан-оғизга, юракдан-юракка ўтган қўшиқлар қолди.

*Дард ўтганда юракдан,
Ўтмишни ёдга олдим.
Онам айтган эртақдан
Бирини шеърга солдим.*

*Яшар эди овулда,
Донги кетган бир полвон.
Балки бу ҳам майл-да,
Уни чорлаб қолди хон.*

*Таклиф эмас, бу – амр,
У саройга шошилди.
Қаршисида бирма-бир
Дарвозалар очилди.*

*Эринмай бадавлат хон,
Кўз-кўз этди борини,
Гилям, қилич, дур, маржон
Барча тилла-зарини.*

*Полвон кўрди саройда,
Керак ҳамма нарса бор.
Санамоқ ҳам бефойда,
Ҳамма нарсалар бисёр.*

*Олийҳиммат кекса хон,
Дер худди Ҳотам мисол:
«Тортилма сира полвон,
Не истасанг шўни ол.*

*Нарсалар бари аъло,
Сенга бераман имкон,
Танлашда шошма асло,
Кейин бўлма пушаймон».*

*Тогда кечирган ҳаёт
Мағрур полвон шундай дер:
«Менга битта учқур от,
Битта ўткир қилич бер.*

*Сандиқ тўла дур-гавҳар,
Улар ўйнатмас кўзим.
От-қиличим бўлса гар,
Мулкни топаман ўзим».*

*Аждодим, доғда қолдинг,
Афсус, танлай билмадинг.
От-қиличга чанг солдинг,
Нега китоб олмадинг?*

*Ўйламадинг ўша дам,
Айтганингдан қолмадинг.
Айт, нега тахлам-тахлам
Қогоз-қалам олмадинг?*

*Эй, тоза қалб аждодим,
Хато қилдинг ўша тоб.
Бўларди қилич-отинг,
Агарда олсанг китоб.*

*Сийламади бу тақдир,
Биз билмадик кўп замон –
Сўз қиличдан ўтқирдир,
Учқур отдан чопагон.*

*Китобларда ҳикмат, сир,
Мисли топилмас гавҳар.
Қолиб кетдик кўп аср,
Биз улардан беҳабар.*

*Ўқувчидай кеч қолиб,
Биз мактабга борган чоқ.
Кўрдикки, илми толиб
Оларди кўндан сабоқ.*

Тоғ тизмасининг нарёғи – Грузия. Неча аср илгари Шота Руставели «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини ёзиб, ўзининг грузин халқига тақдим этган. Унинг қабрини излаб, Шарқни кезиб чиқишди. «Ҳеч қаерда унинг қабри йўқ, – деганди бир грузин аёли. – Аммо ҳамма жойда унинг юраги тепиб туради».

Инсоният Кавказ тоғлари қоясига боғланган Прометей хақидаги дostonни минглаб йиллардан буён севиб ўқишади.

Араблар Куръон оятларини ўқиб, минглаб йиллардан буён ибодат қилишади.

Ҳиндулар минглаб йиллар илгари пальма ядроғига ўзлари билган ҳикматларни ва ўзларининг хатолари хақида ёзишган. Мен музейда бўлганимда бу ёзувларни кўлларим титраганча пайпасладим.

Японларнинг уч мисрадан иборат қадимий гўзал шеърят тури бор.

Қадимда Хитойда битта ҳарфда, аниқроғи битта белгида қандайдир тушунча ифодаланган.

Агар Эрон шоҳи Доғистонга қилич ва уруш олови билан эмас, Фирдавсийнинг донишмандлиги, Ҳофизнинг севгиси, Саъдийнинг ҳикматлари билан келганда орқасига қарамай қочмаган бўларди.

Мен Нишопурда Умар Хайём қабрини зиёрат қилганман. Ўшанда ўйлагандим: «Жаноб Хайём, агар шоҳ ўрнига Доғистонга сиз келганингизда тоғлиқлар қандай хурсандчилик билан кутиб олишарди?!»

Алгебра яратилганди, биз эса ҳали санашни билмасдик. Дунёда машҳур дostonлар ёзилганди, биз эса ҳали «она» деган сўзни ҳам ёзишни билмасдик.

Биз аввал рус аскарларини кўрдик, кейин рус шоирларини танидик.

Агар тоғлиқлар илгарирок Пушкин ва Лермонтов шеърларини ўқишганда, эҳтимол, тарихимиз гилдираклари бошқа йўлдан кетарди.

Тоғлиқка Толстойнинг «Ҳожимурод» асарини ўқиб берганда, у ҳайратланиб шундай деган экан: «Бундай ҳикматли сўзларни одам боласи айта олмайди, фақат уни Оллоҳ айтиши мумкин».

Китоб ёзиш учун бизда ҳамма нарса бор эди. Соф севги, ботирнинг қаҳрамонлиги, фожиалар, табиатнинг инжиқликлари, фақатгина китоб йўқ эди.

*Ҳимманинг ташвиши ўзига етар,
Рашикчи эр топар бир баҳонани.
У жаҳл устида тутганча ханжар,
Яраларди тоғлиқ Дездемонани.*

*Гувоҳдир осмонга туташ даралар,
Асрлар кетидан келди кўп аср.
Тугилди Гамлет ва Офелиялар,
Фақат тугилмади бизда Шекспир.*

*Тоғларда куй янграр такрору такрор —
Қушлар чуғурлайди, шовуллар дарё.
Бироқ тугилмади Бахдай бастакор,
Ҳеч ким Бетховендай чалмади наво.*

*Фожиалар қонли топишди яқун!
Қанча Жульетталар кўз юмди бевақт.
Қалбан шоир зотлар бош эгди беун,
Бу ҳақда гувоҳлар сўзлади фақат.*

Кўмиқ овули ёнида Темур аскарлари билан кечган жангдан кейин ҳалок бўлган аскар чўнтагидан китоб топиб олишди. Китоб саҳифаларини варақлашди. Лекин тоғликлар орасида бу китобни ўқий оладиган киши топилмади. Шунда тоғликлар китобни йиртиб шамолга учирмокчи ёки ёкиб юборишмокчи бўлишди. Оқила ва жасур Парту-Фотимат олдинга чикиб деди.

– Уни қуролдай авайлаб асрайлик!

– Бизга нима кераги бор? Барибир ҳеч қайсимиз уни ўқий олмаймиз.

– Биз китобни ўқий олмаганимиз билан шундай вақт келадики, уни фарзандларимиз, невараларимиз ўқишади. Ахир унда нималар ёзилганини билмаймиз. Балки бу китобда бизнинг келажакимиз ёзилгандир.

Сурагат Тинусинский аскарлари арабларга қарши жангда бир арабни асир олишди. У отини, қуролини, қалқонини қаршиликсиз топширди. Аммо кўкрагига беркитилган китобни бергиси келмади. Сурагат асирга от, қурол ва қалқонини қайтарди, лекин китобини тортиб олишни буюрди. У деди:

– От ва қилич ўзимизда ҳам бор, бироқ битта ҳам китобимиз йўқ. Сиз арабларда эса китоб жуда кўп. Нега сен шу битта китобни мандан қизганаяпсан?

Бу ҳолдан ҳайрон қолган аскарлар саркардасидан сўрашди:

– Бизга китоб нимага керак? Уни ўқишни, ҳатто уни тўғри ушлашни ҳам билмаймиз. Шунинг учун от ва қилич ўрнига китобни олишимиз тўғри эмас.

– Шундай вақт келади, уни ўқишади. Китоб тоғликлар ҳаётида ҳам черкаска, бўрк, от, қилич ва ханжар ўрнини босади.

– Доғистонга хужум қилган Эрон шоҳи жангда ютқиза бошлагач, ўзи билан олиб юрган қимматбаҳо бойликларини ерни қовлатиб кўмдирди. Ўра устига така расми ўйдирилган ясси тош қўйдирди. Шоҳ гувоҳларнинг ҳаммасини ўлдирди. Аммо Муртазахон Эрон шоҳининг олтин, қумуш, қимматбаҳо буюмлари солинган сандиқлар кўмилган жойни топди. Эрон шоҳининг бойликлари йигирмата эшакка юк бўлди. Бу бойликлар орасида китоблар ҳам бор эди. Муртазахоннинг отаси Сурагат олиб келинган ўлжани кўздан кечириб деди:

– Ўғлим, жуда катта ўлжага эга бўлибсан. Уларни аскарларингга бўлиб бер ёки сот. Барибир бу бойликлар қачондир тугайди. Лекин китобларни ҳеч кимга бермай авайлаб асра. Чунки юз йиллар ўтар, тоғликлар мана шу китоблар саҳифаларида нималар ёзилганини тушуниб етишади. Шу боис китоблар барча бойликлардан афзал.

Магомед Тагир ал-Карахий Шомилнинг котиби бўлган. Шомил уни ҳеч қачон хавфли жойларга жўнатмаган. Шу боис Магомед Тагир хафа бўлиб юрган. Бир куни у Шомилдан сўраган:

– Имом, менга ишонмайсизми? Мени ҳам жанг майдонида синаб кўринг.

– Агар ҳамма ҳалок бўлса ҳам сен тирик қолишинг керак. Қилич тутган аскарнинг ўрнини бошқаси босади, аммо солнома ёзаётган кишининг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Сен бизнинг озодлик курашимиз ҳақидаги китобингни ёз.

Магомед Тагир китобини тугата олмади, лекин отасининг ишини ўғли охирига етказди. Бу китоб «Имом қиличи ярқираган жанглар» деб номланган.

Шомилнинг катта кутубхонаси бор эди. Йигирма беш йил давомида унинг китоблари ўнлаб эшакларга юкланган ҳолда у жойдан-бу жойга олиб ўтилган. Имом ҳаётини китобларсиз тасаввур қила олмасди. У Гуниб тоғида асир тушганда, қилич ва китобларини ўзида қолдиришини илтимос қилган. Калугада сургунда яшган вақтида шу китобларидан айримларини олиб келишларини сўраган. У шундай деган экан: «Қилич айби билан кўп жангни ютқизганман, лекин китобнинг айби билан бирон жангни ҳам ютқизган эмасман».

Жамолиддин Россиядан қайтиб келганда, имом унга тоғликлар кийимини кийдирди, лекин олиб келган китобларига тегмади. Ўғли олиб келган китобларни ҳам дарёга иргўнтайликми деб сўраган муридига имом шундай деди: «Бу китоблар заминимизда бизга қарши ўқ отмаган. Улар одамларимизни ўлдирмаган, уйлари-мизни ёкмаган. Ким китобга дахл қилмоқчи бўлса, китоб унинг шармандасини чиқаради».

Қанийди билсак, Жамолиддин Петербургдан қандай китоблар олиб келганини?

Ўз ёзуви бўлмаган доғистонликлар бошқа тилларнинг ҳарфларида айрим сўзларни ёзишга уринишган. Булар бешикдаги, ханжардаги, эшикдаги, қабртошдаги ёзувлар. Бу ёзувлар араб, турк, грузин ва форс тилларида бўлган. Бу ёзувларнинг ҳаммасини тўплаш мумкин эмас. Аммо улар орасида она тилимиздаги ёзув йўқ. Ўз исмини ҳам ёзишни билмаган тоғликлар ҳар хил нарсаларга қилич, от, қуш ва тоғлар расмини чизишган.

Айрим қабртошлардаги ёзувларнинг таржимасини келтираман: «Бу ерда Бугбай исмли аёл дафн қилинган. У ўзи истаган ёшга етиб, 200 ёшида вафот этган». «Бу ерда Қубаали дафн қилинган. У Ажархонга қарши жангда уч юз ёшида ҳалок бўлган».

Бизга кўп томлик тарих эмас, кимгадир бағишланган сўзлар, қисқа иборалар ва бировлардан олинган гаплар қолган.

Адабиёт институтида ўқиб юрган вақтимда бизга қадимги юнон адабиётидан оппоқ сочли ва очик кўнгил Сергей Иванович Радциг дарс берарди. Кўплаб қадимий матнларни ёддан биларди, жуда катта парчаларни юнон тилида қозғога қарамасдан ўқирди, ўзида қандай таассуротлар уйғотганини сўзлаб берарди. Қадимий

юнон шеърларини худди муаллифи уни тинглаб тургандай хаяжонланиб ўқирди. У мусулмонлар Қуръон оятларини такрорлаганда янглиштириб юборишга чўчигандай, шеърни хато ўқиб қўйишдан кўркарди. Ажабланарлиси, у бизни бу шеърларни ёддан биледи деб ўйларди. Дунёда «Одиссея» ва Илиада» асарларини билмайдиган одамлар борлигини тасаввурига сигдира олмасди. У ўйлардики, тўрт йил урушда катнашиб келган бу ёшлар толиб бўлгунича эрта-ю кеч факат Гомер, Эсхил, Еврипид ва бошка юнон ёзувчиларининг асарларини ўқишган.

Бир куни у биз юнон адабиётидан жуда кам нарса билишимизни англаганда, йиглаб юборишига оз қолган.

Айниқса, уни мен кўпроқ ҳайрон қолдирганман. Чунки бошқалар озми-кўпми юнон адабиётидан хабардор эди. У мenden Гомер ҳақида сўраганда Сулаймон Стальский ҳақида гапирдим. Максим Горький Сулаймон Стальскийни йигирманчи асрнинг Гомери деб атаганини айтдим. Профессор менга ачиниш билан қараб сўради:

– Сен қаерда ўсгансан? Ҳатто «Одиссея»ни ҳам ўқимаганмисан?

Мен эндигина китоб пайдо бўлган Доғистонда ўсганман деб жавоб бердим. Ўз айбимни беркитиш мақсадида ҳеч уялмасдан ёввойи тоғликман дедим. Шунда профессор мен ҳеч қачон унута олмайдиган сўзларни айтди:

– Йигитча, агар сен «Одиссея»ни ўқимаган бўлсанг ёввойи тоғлик бўлишингга ҳали анча бор. Сен жуда гўл ёввойисан.

Мен Греция ва Италияда бўлганимда профессоримизнинг ўша сўзларини ва унинг қадимий адабиётга бўлган меҳрини эсга олдим.

Ўша вақтда мен Гомер, Софокл, Гесиод, Аристотелни қаёқдан билардим, ўзим эндигина рус тилида ўқиш-ёзишни ўрганган бўлсам. Ахир, Доғистоннинг қўли ҳали дунёнинг кўплаб хазиначарига етмасди.

Татам Муродов қўшиғини тинглаганда, Максакованинг йиғлаганини кўп бор ёзганман. Муродов ҳеч жойда ўқимаган, ўша вақтда олтимиш ёшда эди. Ҳамма қўшиқчининг овози Максаковани йиғлатди деб ўйлаганди, у бўлса шундай деди:

– Мен ачинганимдан йиғлаяпман. Шундай ёқимли овози бор экан. Агар ўз вақтида устозлари бўлганда, у қўшиқлари билан дунёни лол қолдирарди. Энди эса кеч, ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Доғистон ўтмиши ҳақида ўйлаганимда мен тез-тез шу сўзларни эсга оламан. Бу заминда қанчадан-қанча қўшиқчилар, шоирлар, ижодкорлар, курашчилар ўз иқтидорларини дунёга намоёйиш этмай оламдан ўтишди. Уларнинг қимлигини билмай-миз ҳам. Бизда ҳам ўзимизнинг Шаляпинлар, Поддубнийлар бўлишган. Эҳтимол, бизнинг Геркулесимиз Осмон Абдурахмонов енгилмас курашчи бўларди, унинг кучига услуб ва маҳорат қўшилса кифоя қиларди. Аммо унга устоз топилмади. Ҳа, бизда консерватория, институт, театр, академия, ҳатто мактаблар ҳам йўқ эди.

*Тошбитик эслатар ўтмиш замонни,
Шукурки, йўлимиз бўлмаган тамом.
Боболар қиличда ёзган дostonни,
Биз уни қаламда эттирдик давом.*

Тоғлиқлар қалам ушлашни, унда ҳарф ёзишни билишмаган. Уларга таслим бўлишни таклиф этган душманларга заповождияликларга ўхшаб бармоғини кўрсатишган. Ёки бирор нарсага расм чизиб душманларга жўнатишган.

У вақтда Доғистон хақида шундай дейишган: «Бу ерда айтилмаган ва ҳали ёзилмаган қўшиқ тош сандиқ ичида ётибди. Ким уни қўлга киритса, шу қўшиқни ёзади ва айтади».

Ҳарфлар, сўзлар, китоблар – бу ўша ёпик сандиққа осилган қулфнинг калитлари. Аммо Доғистон узоқ йиллар бу калит кимнинг қўлида эканини билмади.

Кулф солинган сандиқни кўриш учун кимлар келмади? Баъзан улар сандиқ қоғонини сал очиб ичида нима борлигини билишга интилишди. Доғистонликлар ҳали кўлларига қалам ушламаган даврда бу ерга келган меҳмонлар, саёхатчилар, олимлар араб, турк, форс, грек, грузин, арман, рус тилларида ўз хотираларини ёзишган.

Кутубхоналарда кадимий китобларни варақлаб, мен сени излайман Доғистон. Ҳар хил тиллардаги китобларда сенинг номларингни учратаман. Уларда Дарбанд, Кубачи, Чиркей, Хунзах каби номлар ёзилган. Саёхатчиларга раҳмат. Сенинг турмуш тарзингни чуқур тушунишмаган бўлишса-да, тоғлар нарисиди биринчилардан бўлиб Доғистон номини китобларга киритишди.

Кейин Пушкин, Лермонтов ўз сўзларини айтишди.

*Доғистон водийси, жазирама туш,
Ўқсимда қўрғошин, ётибман беҳуш...*

Қандай ажойиб мисралар! Бестужев-Мерлинский эса «Аммалатбека» асарини ёзди. Ҳозир ҳам унинг Дарбанд кабристониди қайлиги мазори устига қўйган ёдгорлиги кўзга ташланиб туради.

Александр Дюма ҳам Доғистонда бўлган. Полежаев ҳам бўлиб, «Эрпели» ва «Чир-Юрт» дostonларини ёзган. Улар сен ҳақингда ўзларича ёзишди, лекин ҳеч қайсиси ёш Лермонтов ва донишманд Толстой каби сени ич-ичдан ҳис қилишмаган. Мен уларнинг ёркин истеъдодлари олдида бош эгиб, ёзган асарларини мукаддас китоблардай севиб ўқийман.

Ўғилга исм қўйиладиган кун – энг қувончли кун. Худди шундай ўғилларинг сенинг номингни она тилида биринчи бор ёзган кун ҳам энг қувончли кунлар қаторига қиради. Эсимда, менинг биринчи ўқитувчим Вера Васильевна доска қаршисига чақириб, сенинг номингни ёз деганда хатоликка йўл қўйганман. Ушанда «доғистон» деб ёзганман. Вера Васильевна Доғистон атокли сўз эканини ва у катта ҳарф

билан бошланишини тушунтирган. Мен қайта ёздим: «Доғистон». Гўё катта ва кичик «д» ҳарфлари бўлиши керакдай туюлган. Бу ҳам хато эди. Учинчи уринишда тўғри ёздим: «Доғистон».

Доғистон, сени ҳам шундай ёзишга, ўзинг ҳақингда шундай сўзлашга ўргатишмадими? Неча бор бошидан бошладинг, алифбо, ҳарф танладинг. Араб, лотин, рус ҳарфларида ёзиб кўрдинг. Жуда кўп хатоликларга йўл қўйдинг. Катта ҳарф билан бошланадиган сўзни кичик ҳарф билан, кичик ҳарф билан ёзиладиган сўзни катта ҳарф билан бошладинг. Доғистоним, фақатгина учинчи уринишда тўғри ёздинг. Кейин дастлабки газета-журналлар, китоблар чоп этилди. Мана уларнинг номлари: «Тонг қолдузи», «Янги нур», «Жайрон», «Тоғликлар мақолалари», «Қўмиқ эртаклари», «Лак тароналари», «Даргин киссаси», «Лезгин шеърлари». Ҳаммаси она тилимизда. Бу фақат номлар эмас, улар – қанотлар!

1921 йилда Доғистон делегациясининг Кремлдаги учрашувидан кейин тоғликларга учта муҳим нарса берилди: ер худуди, дон ва босмаҳона ҳарфлари. Олдин Доғистонда от ва ханжар бор эди. Энди унинг ихтиёрига дон ва китоб берилди. Ҳа, янги даврга қадам қўяётган Доғистон денгизни, ўзлигини, ўтмиши ва келажагини кўрди. Ўзи ҳақда ёза бошлади.

Сулаймон Стальский Максим Горькийдан шундай илтимос қилди: «Иккимизнинг ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрдик, умрнинг кадрини тушундик. Иккимизнинг ҳам китобларимиз бор. Аммо сен қоғозга ёзасан, чунки ёзишни биласан. Мен эса қуйлайман, чунки саводим йўқ. Мен Доғистон, сен Россия ҳақида ўйлайсан. Россия саводхон мамлакат. Доғистонда эса ҳали кўпчилик ўзининг исмини ҳам ёзишни билмайди. Имзо қўйиш ўрнига бармоғини босади. Сен бизга зиёли ёзувчиларингни жўнатсанг, улар доғистонликлар ҳақида бутун мамлакатга, бутун дунёга ёзишса».

Уларнинг суҳбатига Эфенди Капиев таржимонлик қилди. Горький Сулаймон Стальскийга илтимосини бажаришини айтди. Кейин Капиев томонга ишора қилиб: «Эндиликда Доғистондан билимли ва истеъдодли ёшлар етишиб чиқаяпти, уларнинг ўзлари доғистонликларнинг барча тилларида республикангиз ҳақида ёзишса яхшироқ бўлади», деди. Сўзининг охирида Максим Горький сизларда шундай ҳикмат бор деди: «Уйнинг қандай ҳолатда эканлигини унинг деворлари яхшироқ билади».

Максим Горький айтган ёшлар улғайишди, қаришди. Улар Доғистон ҳақида китоблар ёзишди. Илгари оталар ўғилларига мерос қилиб қилич ва пандур қолдиришарди. Эндиликда эса – қалам ва қоғоз! Доғистонда кун йўқки, ўғил туғилмаган бўлса. Эндиликда Доғистонда ҳар кун китоб ҳам чоп этилади. Ҳар ким Доғистонни ўзича ёзади. Отам ҳам эллик йилдан ортиқ вақт ёзди. Аммо ҳамма ўйлаганларини ёзишга умри етмади. Энди мен ёзаяпман. Аммо ҳамма ўйлаган нарсаларимни ёзишга улгураманми? Шу боис фарзандларим ёстиғи тағига ханжар эмас, қалам

ва тоза дафтар қўяман. Отамнинг ва менинг Доғистоним битта. Фақат у бизнинг каламларимиз тасвирларида ҳар хил. Ҳар биримизнинг ўз дастхатимиз, ўз алифбомиз, ўз услубимиз, ўз оҳангимиз бор. Хуллас, арава йўловчиларини ўзгартирган ҳолда ўз йўлида давом этапти.

Отам айтарди: «Ўзинг билган нарсалар хақида ёз. Билмаган нарсаларингни бошқа китоблардан ўқи».

КИТОБ

*Китоб билан дўст тутин, ундаги ҳар бир сатр
Сенинг қарашингга зор, улар сенга вафодор.
Балки жуда бойдирсан, балки жуда ҳам фақир,
У сени алдамас ҳеч, хиёнат қилмас зинҳор.*

*Китобни пешанангга суриб, ўпиб оч аста,
Чунки унда ҳикматлар хазинаси яширин.
Ҳар сўзнинг мағзини чақ, ўзингни олма катта,
Умринг бўйи китобдан изла илму фан сирин.*

*Қўлдан қўйма китобдай қадрдон, содиқ дўстни,
Агар уни сўксанг ҳам сенга боқмас дарғазаб.
Юзингга ҳам солмайди сендаги бор кам-кўстни,
Агар улоқтирсанг ҳам кетиб қолмас аразлаб.*

*Китоб жуда бой мезбон, тўқиндир дастурхони,
Саховати самимий, боғида мева шигил.
Сен эса унинг интиқ кутаётган меҳмони,
Богларидан ҳамиша сархил мева тера бил.*

*Сен китобга ишонгин орзу ва ҳаётингни,
Гоҳида шоирнинг ҳам юраги қайнаб-тошар.
Шеърятдан яширма розинг, ҳиссиётингни,
Шундай қилган доимо дардига даво топар.*

Отамга ёш шоирлар машқларини олиб келганда, аввало улардаги имловий хато­ларга қарарди. Чунки «жўяклар қандай олинган бўлса, демакки, унинг эгаси ҳам шундай». Кейин имловий хатоларини тўғри­лаб, тиниш белгиларини қўйиб чиқарди. Бошини чайкаб, уларга шундай дегандай бўларди: «Аввал тўғри ёзишни ўрган». Айрим ёшлар «XX аср Гомери» саводсиз бўлганини айтишарди. «Бу ҳақда билмас

эканман», – дер эди отам ёш «гомер»га. Доғистонда бундай «гомер»лар хозир ҳам кўп. Шеърлардаги битта имловий хато ҳам отамнинг ғашини келтирарди. Ўзининг шеърини газетада имловий хато билан чоп этишганда, отам бу ҳақда шундай шеър ёзганди.

*Доғистонга бағишлаб,
Газетага шеър бердим.
Чарчашмабди тарашлаб,
Ҳолини забун кўрдим.*

*Шеърим солиб келига,
Толқон қилиб туйилган.
Аямасдан белига,
Келисонда урилган.*

*У йўлда бўлган дучор,
Бир тўди маст-аластга.
Ҳар мисрада шикаст бор,
Тенг келмаган нокаста.*

*Ёки йўлда дуч келган,
Чондотлинлик ёшларга.
Кейин аранг қутулган,
Қочиб тоғу тошларга.*

*Яқуни тамом ўзга,
Не қўйларга солмаган?
Тушунмадим ҳеч сўзга,
Маза-матра қолмаган.*

*Елкасида ўйнаган,
Қамчиларнинг бўрони.
Додласа ҳам қўймаган,
Мисраларнинг йўқ жони.*

*Пичоқланган бош суяк,
Уни таниб бўлмайди.
Не қўйга солдинг фалак,
Бунни шеърхон билмайди.*

*Хуллас, чеккан кўп жафо,
Турар бошдан-оёқ қон.
Иширатпараст Мустафо
Каби бўлган тошбўрон.*

*Наширингиз ҳар сониди,
Бор шундай ўнлаб қурбон.
Гарчи жон йўқ жониди,
Улар бўлар қаҳрамон.*

*Дер: танқид ўз-ўзини,
Айбдор учун бир савоб.
Қолдирмасдан сўзимни
Шу шеъримни қилинг чоп.*

Менинг отам... Албатта, отамни яқиндан билган одамлар уни ўзлари кўрган ҳолида тасаввур қилишади.

Албатта, отам шудгор қиларди, ўт ўрарди, пичанни аравага ортарди, отга ем берарди ва бошқа уй-рўзгор ишларига қарарди. Лекин мен отамни фақат китоб ўқиётган ҳолда тасаввур қиламан. Отам китобни икки кўли орасида учишга шай қушдай ушларди. Меҳмондўст отам китоб ўқиётган вақтда келган одамни, худди намозини бузган кишидай ҳаёли паришон ва хижолат чекиб кутиб оларди. Шу боис отам китоб ўқиётган вақтда онам оёқ учида юрар. кўрсаткич бармоғини лаблари устига қўйиб бизни шивирлаб гапиришга ундарди:

– Шовқин қилманглар, отанг ишлаяпти.

Онам фикрини тўғри ифодаларди, чунки китоб ўқиш ёзувчи учун иш билан баравар.

Баъзан онам сиёҳдонда сиёҳ қолган-қолмаганини билиш учун ижодхонага киришга журъат қиларди. Лекин онам ҳар доим отам йўқ вақтида хонага кириб сиёҳдонни текшириб турарди, агар қуриб қолган бўлса сиёҳ қуйиб қўярди.

Агар отам ҳаётида иккита қувончли кун бўлса, иккаласини ҳам унга китоб бахш этганди.

Агар отам ҳаётида иккита бахтсиз кун бўлса, уларни ҳам китоб бошига солганди.

Улар – ўқиган китоблари ва ўзи ёзган китоблар.

Одамлар қандай илтимос билан келишмасин, у рад жавобини бера олмасди. У «бор» нарсани «йўқ» деб айтишни ўтакетган ёлғончилик ва оғир гуноҳ деб ҳисобларди. Отамдан ўзи ёқтирган китобини сўраб келишганда жуда мушкул аҳволда қоларди. Китобни берди, у ўзганинг кўлида, лекин отамнинг кўли чўзилган ҳолда

коларди. Агар китобни олган киши уни белгиланган муддатдан кейин ҳам қайтар-маса отам шундай мактуб ёзарди: «Сиз ўтган сафар ўзингиз билан олиб кетган дўстимни жуда соғиндим. Уни қайтариш хақида ўйлаяпсизми?»

Оилада Ҳамзат ягона ўғил (ягона бўрк) бўлган, ундан кейин еттита қиз туғилган. Улар ота-онадан эрта етим қолишган. Ҳамзат туғилган овулини эрта тарк этган. Етим болаларга қарашни зиммасига олган амакиси катта овулда кўпроқ ақл бўлади деб мадрасага ўқишга жўнатган. Ўқишдан кейин ёш Ҳамзат оғир хуржунини у елкасидан бу елкасига олиб овулма-овул кезган. Хуржунининг бир кўзига китоб, иккинчи кўзига толқон солинган. Айтиш мумкинки, у туғилган овулига бой бўлиб қайтган. Чунки у саргузаштларга бой сафари давомида жуда кўп билим орттирган. Овул йиғинида унга айтишган: «Агар ўз иктидоринг ва билимингни битта аравага юклай олсанг, сафаринг узок бўлади».

Улар янглишмаган экан. Отам ҳурмат қозонди. Шеърларидаги айрим мисралари мақолдай такрорланади.

Отам катталарга, болаларга, бу дунёга келаётганларга ва бу дунёдан кетаётганларга бағишлаб кўплаб асарлар яратди. Улар шеърлар, пьесалар, достонлар, масаллар, эртақлар эди. Услуби оддий ва раво эди, тили ҳам. Чунки унинг ўзи шундай эди. Одамлар ёшлигидан аризалар, муружаатлар ёзиб беришини сўрашган. Уларни араб, лотин ва рус тилларида ёзишга тўғри келган. Маълумотномаларни ҳам ўнгдан чапга, кейин чапдан ўнгга ёзган.

Ундан сўрашган:

– Нега чапдан ўнгга қараб ёзаяпсиз?

– Чапда юрагим, ўнгда илҳом. Бизга жуда кадрли нарсалар чап кўкракда сақланади.

– Унда нега ўнгдан чапга қараб ёзаяпсиз?

– Одамнинг кучи ўнг қўлда, ўнг томонда. Мўлжал ҳам ўнг кўз билан олинади.

Бу сўзларни отам ҳазил учун айтган. Лекин шунча тил алифбосини ўрганиш ҳазил иш эмас. Отам шеърларини фақат авар тилида ёзарди. Айрим шеърларигина араб тилида ёзганди. Улар дил рози ифодаланган шеърлар эди. Оила аъзоларидан кимдир ўқиб қолмаслиги учун араб тилида ёзарди. Отамнинг бундай шеърлари кам эди. Умуман, отам бундай шеърлар ёзишдан йироқ эди. У шундай дерди:

«Шеър шундай бўлиши керакки, уни ҳеч тортинмай онангга, кизингга, синглингга ўқий олгин. Мен «ўн олти ёшга тўлмаганлар қўйилмайди» деган ёзуви бор кинофильмларни ёқтирмайман».

Отам араб тилида чиройли ҳуснихат билан ёзарди. У харфларнинг ёзилишидаги гўзалликни ёқтирарди. Араб тилида бадхат ва пала-партиш ёзилган мактубларни олганда ғашни келарди. Бир куни эски кадрдонидан араб тилида пала-партиш ёзилган мактуб олди ва шу ҳолатга шеър бағишлади:

*«О» ҳарфларинг мисли катта тешик тоғора,
Нуқталаринг бесўнақай – ҳар бири харсанг.
Битта ҳарфинг гишти кўчган қийшиқ минора,
Куламоқдан бери бўлиб турибди аранг.
Битта ҳарфинг қоятошнинг остида қолган,
Қандай қилиб шу кўйларга солгансан уни?
Бир ҳарфингнинг бўрк остида боши йўқолган,
Мушугингнинг панжасида ёздинеми буни?
Ҳар бир ҳарфинг тарвақайлаб шохлаган бута,
Гапинг эса ўтиб бўлмас чангалзор гўё.
Кириш учун керак ўткир арра ва болта,
Қандай қилиб ёзиш мумкин бундайин расво?*

Бу шеър ўз вақтида кўпшарнинг китик патига тегди. Айримлари шеърни тўғри тушунимагани, бошқалари шеърни жуда яхши тушунишгани учун отамдан хафа бўлиб юришди. Баъзилар Ҳамзат пала-партиш ёзилган араб тилидаги мактуб устидан эмас, балки араб тили, араб халқи устидан кулаяпти дейишгача борди.

Аmmo отам араб тилини танқид қилишни хаёлига ҳам келтирмаганди. У ўзларининг пала-партишлиги билан бу ёзувнинг кадрини тушираётган кишиларнинг томоркасига тош отганди. Умуман, отам ҳеч бир алифбо ҳақида ёмон сўз айтмасди. Аксинча, бирор алифбони камситмоқчи бўлган кишиларни кўрса, эътирозини билдирарди.

«Тўғри, араблар Доғистонга хужум қилишган, – дер эди отам, – бироқ бунда араб ёзувининг ва китобларининг сира айби йўқ».

Овулимиз кексалари уйимизнинг томида тез-тез тўпланишарди. Отам уларга ажойиб кисса, ҳикоя ва шеърлар ўқиб берарди. Араб шеърларининг мунгли оҳанглари барчани ўйга толдирарди.

Ўша вақтларда отам рус тилини билмасди. У Чехов, Толстой, Ромен Роллан асарларининг арабча таржимасини ўқирди. Тоғлиқлар ўша вақтда бу ёзувчиларнинг ҳеч қайсиси ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Бошқа ёзувчилардан кўра отам Чехов ҳикояларини яхши кўрарди, айниқса, «Хамелеон» ҳикоясини қайта-қайта ўқирди.

Бизда араб тили кенг тарқалганди. Айримлар ўз алифбомиз бўлмагани учун араб тилида ижод қилишган, айримларга эса ўз она тилимизга нисбатан араб тили бойроқ ва бадийроқ туюлган. Барча расмий хат ва ҳужжатлар араб тилида ёзилган. Қабртошлардаги жимжимадор ёзувлар ҳам араб тилида эди. Отам уларни осонгина ўқиб, бошқаларга мазмунини тушунтириб берарди.

Доғистон маърифатпарварлари Алибек Таҳо-Ғоди ва Жалол Қўрқмасовнинг саъй-ҳаракатлари билан кутубхона ташкил этилди. Жалол Сарбонна университе-

тини тугатганди, ўн икки тилни биларди, Анатоли Франснинг яқин дўсти эди. У тоғлик овулларга бориб қилич, от, сигир таклиф қилиб қадимий китобларга айрибошларди, кейинчалик китоб учун бир халта ун ва бир тўп газлама берди.

Жафокаш Доғистоннинг китоби ҳар хил ҳарфда, ҳар хил хатда, ҳар хил тилда ёзилди. Муаллифлари бу китобни ёзиш керак бўлгани учун ёзишди, гонорар ҳам тама қилишмади. Фақат бу китоб кейинроқ чоп этилди.

«Тоғлик» деб номланган газета ташкил этилди. Унинг номи бир неча марта ўзгарди. Айнан шу газетада отамнинг илк шеърлари босилган. Отам бу газета билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилдигина эмас, балки ўзи ҳам бу ижодий жамоада бир муддат ишлади. Ўшанда мен шеърлар газетада бунча тез чоп этилади деб ҳайрон қолардим. Чунки кечагина кўз ўнгимда отам ёзган шеърни бугун эрталаб газетада ўқирдим. Кейин чиққан шеърлари тўпланиб, китоб ҳолида чоп қилинди. Умуман олганда, кейинчалик отамнинг барча асарлари тўпланиб, тўрт томлик салмоқли китоб ҳолига келтирилди.

У ўзининг ижодхонасида, китоблари, қалам-ручкалари, ёзилган қоғозлари ва ёзилмаган оппоқ қоғозлар қаршисида вафот этди. Бу оппоқ қоғозларга энди бошқалар ёзади. Ҳа, Доғистон ўқияпти, Доғистон билимини ошираяпти, Доғистон ёзаяпти.

Энди қандай ўқиш бошлаганим тўғрисида гапириб бераман. Тўғрироғи, мени ўқишга қандай мажбур қилишгани тўғрисида.

Ўшанда беш ёшда эдим. Бутун Доғистон ўқиш учун партага ўтирганди. Бирин-кетин мактаб, билим юрти, техникум очилаётганди. Кексалар ва болалар ҳам, эрлар ва хотинлар ҳам ўқиётганди. Ҳар куни ё саводсизликни тугатиш ёки маданий юриш тадбири ўтказиларди. Отам олиб берган биринчи дафтар, биринчи «Алифбо» китоби ҳамон эсимда. Отамнинг ўзи овулма-овул кезиб, ҳаммани ўқишга даъват қиларди.

Янги ёзувимиз пайдо бўлди. Отам буни мамнуният билан қарши олди. Ҳар доим отам Доғистоннинг ўз ёзуви бўлмагани учун мамлакат, жаҳон маданиятидан узилиб қолишидан хавотирга тушарди.

Отам айтарди: «Доғистон – катта мамлакатнинг бир қисми. У бутун мамлакатни, бутун дунёни билиши, ёзувларини тушуниши ва ҳаёт китобларини ўқиши керак».

«Янги йўл», «Янги кун», «Янги одамлар» – булар ўша даврдаги шиорлар. Бу ҳаётий заруратни тушунган отам фарзандларини янгилик сари йўллади. Кимлар янгиликнинг йўлига тош отмади. Биринчи очилган мактабнинг деразалари ҳар куни отилган тошлардан синарди. Маърифат душманлари истеҳзо билан дейишарди: «Бу қандай кўргилик, чўпон китоб ўқиса, тегирмончи дарсда ўтирса? Чўпон бориб қўйини боксин, тегирмончи бориб бугдойини эласин». Бундан ёмон воқеалар ҳам бўларди. Эсимда, ўқитувчига отилган ўқ доскага осилган дунё харитасига тегди. Отам бу воқеани эшитиб шундай деганди: «Битта ярамаснинг узган ўқи дунёни тешишига оз қолди».

Дастлабки йилларда кўплаб овулларда янгича ўқиш эскича ўқиш билан бирга олиб бориларди. Иккаласи қўшилиб кетган вақтлар ҳам бўлган. Бундай вақтда уларда қаерда магазин, қаерда бозор эканлигини билиш қийин эди. Акаларим ёшларнинг янги мактабига боришарди, уларга ҳавасим келарди. Ҳар куни мактабдан қайтишларини сабрсизлик билан кутардим. Мен ҳам жуда ўқишни истардим, лекин ҳали етти ёшга тўлмагандим.

Ўша вақтда овулимиздаги ота-оналар узоқроқ бўлгани учун болаларини Хунзах қатъасига ўқишга жўнатишмади. Шу боис овулимизда мактаб очилди. Бу ярим диний мактаб эди. Одамлар уни «Ҳасан мактаби» деб номлашди.

Ҳасан қизик табиатли, лекин меҳрибон киши эди. Қизик табиатлилиги, у янги билан эскини кўшиш мумкинлигига қаттиқ ишонарди. Нега уларни кўшиш мумкин деб ўйларди, буни ёлғиз Худо билади. У битта овулда ёшлар ташкилоти котиби эди, иккинчи овулда муллалик қиларди. Бунинг қандай тугаганини англагандирсиз: муллалик қилгани учун ёшлар ташкилотидан, ёшлар ташкилогига ишлагани учун муллаликдан ҳайдашди. Фуқаролар уруши даврида партизанлар қаторига кирди. Тақдир экан, у менинг биринчи ўқитувчим бўлди. Биринчи ўқитувчи ҳақида барча хотираларни сўзлаш одобдан эмас. Лекин бу одам ҳақида тасаввур ҳосил қилишингиз учун учта кичик воқеани сўзлаб бераман.

1. Ҳасан ва асир

Партизанлар душман аскарини асир олишди. Уни штабга, Муслим Атоев олди-га олиб бориш керак эди. Бу иш Ҳасанга топширилди. Аввалига ҳаммаси силлик кетди. Аммо намоз вақти бўлди. Ҳасан жилға ёнида тўхтади, асирни ёнидаги тошга ўтказди. Намоз ўқишга чоғланди. Асир қўлларини ечишини сўради ва у ҳам ибодат қилиши лозимлигини айтди. Ҳасан хайрон қолиб сўради:

– Сенга ибодат нега керак? Оқ подшонинг аскарисан. Қанча ибодат қилганинг билан барибир дўзахга тушасан.

– Барибир мен мусулмонман. Муслим Атоев мени аяб ўтирмайди, дарҳол девор ёнига турғизади. Шу боис охирги марта ибодат қилишимга рухсат бер.

Ҳасан асирнинг қўлларини ечиб деди:

– Мана сен янги ҳукуматни сўккандинг, мусулмонларнинг Оллоҳга ибодат қилишини тақиқлапти дегандинг. Марҳамат, қанча хоҳласанг шунча намоз ўқи.

Шундан кейин намоз ўқиди. Намозни тугатган вақтида қараса, асир йўқ. Аллақачон қочиб кетибди. Тутақиб кетган Ҳасан хайкирди:

– Оллоҳ номи билан, хуррият номи билан қасам ичаман. Албатта, сени топаман ва асир оламан.

Чиндан ҳам Ҳасан асирни битта овулдаги бозорда қўлга олди ва белгиланган жойга топширди.

2. Намоз ва қўшиқ

Янги ҳукумат тузилгандан кейин дастлабки йилларда Ҳасан кишлоқ кенгашига котиблик қилди. Кишлоқ кенгашининг муҳри жуда силлиқ бўлиб кетганди. Чунки Ҳасан тўғри келган қоғозга муҳрни аямасдан босаверарди.

Агар қийин ва муаммоли масала пайдо бўлса у дерди:

– Бу масалада мулла билан ва туман ижрокўми билан маслаҳатлашиш керак.

У якшанбадаги дам олиш кунини мусулмонларнинг қутлуғ куни бўлган жума кунига ўтказишга ҳаракат қилганди. Ҳасан янги ҳукумат ғояларининг толмас тарғиботчиси, қабул қилинган қарор ва кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ этиш учун елиб-югуриб ишлар эди. Шу билан бирга фуқаролар урушида зарар кўрган масжидни таъмирлашга бош-қош бўлди.

Масжид таъмирланиб бўлинди. Унинг очилиш куни белгиланди. Шу вақтда туманга ёзувчи, рассом, артист, қўшиқчи ва созандалардан иборат маданият тарғиботчилари гуруҳи келди. Бу гуруҳнинг ҳамма аъзоларини Ҳасан масжидни тантанали очишга тайёргарлик кўраётган овулга жўнатишди.

Меҳмонлар овулда яхши кутиб олинди. Пойга, кураш мусобақалари ва ҳўроз уриштириш томошалари кўрсатилди. Улар ҳам қарздор бўлиб қолишмади: лекция ўқишди, хўжалиқнинг олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида гапиришди ва концерт беришди.

Концерт авж паллага чиққанда масжид минорасидан сўфи азон айтиб, мусулмонларни шом намозига чорлади. Ҳасан ўрнидан туриб меҳмонларга карата деди:

– Биз учун қутлуғ кун – масжидимизнинг очилиш куниди ҳурмат кўрсатиб овулимизга келганларингиз учун барчангизга раҳмат. Концертингиз учун ҳам раҳмат. Энди биз намоз ўқишга борамиз. Истасангиз, концертни давом эттиринг, истасангиз, бизни кутиб туринг, истасангиз, биз билан намоз ўқишга юринг.

Овулнинг айрим одамлари масжидга йўл олишди, айримлари меҳмонларнинг концертини кўриш учун қолишди. Баъзилар икки ўргада қайси томонга боришни билмай хайрон туриб қолишди. Меҳмонлар ҳам бир зум ўзларини йўқотиб қўйишди. Кейин сахна вазифасини ўтаётган томга таникли қўшиқчилар Арашил, Умар, Ғози Муҳаммад ва кегерлик хонанда Фотимат чиқишди. Икки бўрк ва битга рўмол, икки пандур ва битта дойра. Улар пандур ва дойра жўрлигида қўшиқни баланд пардаларда қуйлашди.

Айримлар бу қўшиқни эшитиб масжиддан ташқарига чиқишди, айримлари эса ташқаридан масжидга киришди.

Бу кизиқарли кун ҳақида Ҳасан овулидагилар ҳамон кулиб гапириб юришади.

Маданият тарғиботчилари орасида отам Ҳамзат Цадаса ҳам бор эди. У минган от эгариди ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган мен ўтирардим.

Меҳмонлар хайрлашаётиб, овулга эсдалик учун патефон ва овозкучайтиргич совға қилишди.

3. Овозкучайтиргич ва Ҳасан

Билмаймиз, Ҳасаннинг ўзи кўрсатма бердимиз, ишқилиб, меҳмонлар совға қилган овозкучайтиргич масжид ёнидаги телефон симёғочига ўрнатилди. Эртадан кечгача овулда радио овози тинмайдиган бўлди. Овозкучайтиргичдан кун бўйи кўшиқ, мусика, хабарлар ва чакриқ янграрди, ёки хириллаган товуш эшитиларди.

Баъзан масжид минорасидаги сўфи азони билан овозкучайтиргич товуши кўшилиб кетарди. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Кунлардан бир кун сўфи минорага кўтарилишидан олдин овозкучайтиргич ишламай қолди. Кимдир унинг симини кесган, шекилли. Мусулмонлар намоз ўқишини тугатишди. Ҳасан симёғочга чиқиб симни улади ва овозкучайтиргич яна жаранглади.

Эртаси куни яна намоз олдидан овозкучайтиргич ишламай қолди. Намоз тугагандан кейин Ҳасан яна симёғочга чиқиб уни тузатди.

Бу ҳол кўп бор такрорланди. Ҳамма ҳайрон. Нега хамиша хушёр Ҳасан тартиб-бузарни пойлаб қўлга олмапти?

Овулдагилар овозкучайтиргични Ҳасаннинг ўзи бузаётганини билишганда, аввалгидан ҳам кўпроқ ҳайрон бўлиб қолишди.

Унинг вужудида икки куч курашарди: намоз ва кўшиқ. Ҳасан уларни яраштирмакчи бўларди. Қуръон оятлари ва янги ҳукумат турмуш тарзи қоидаларини бир-бирига яқинлаштирса бўлади деб ўйларди. У ёш қуёв-келинни масжидда никоҳларди, кейин уларни қишлоқ кенгашига олиб бориб ўзи рўйхатдан ўтказарди.

У табиатни ҳам ўз услублари орқали ўрганарди. Йўлда кетаётиб юлдузларга ёки қоятошлар ҳароратига қараб манзилни белгиларди. Баъзан тошга тикилганча соатлаб турарди. Агар дарс ўтаётган вақтида қаёққадир иш билан бориши керак бўлса, ўз ўрнига хотинини ёки болалардан бирини қўйиб кетарди.

Мақтабда у бизга осмон жисмлари ҳаракатини тушунтирарди. Қуёш ва Ой тугилиши, зилзила бўлиши, сел келиши ва бошқа табиат ҳодисалари тўғрисида қизиқарли ҳикоялар айтарди. Қизиғи, бу ҳикоялардан бирортаси эсимда қолмаган.

Ўқув дастурида араб, лотин ва рус ёзувлари аралашиб кетганди.

Фанерга бўр билан араб ҳарфларини катта қилиб ёзиб дер эди:

– Бу ҳарфларни ўрган. Сенинг отанг умр бўйи шу ҳарфларда ўқиди ва ёзди.

Кейин фанерга бўр билан рус тили ҳарфларини катта қилиб ёзиб дер эди:

– Уларни ўрган. Отангнинг ёши бир жойга бориб, кўзига кўзойнақ таккан вақтида бу ҳарфларни ўрганди. Бу ҳарфларни ўргансанг, кунинга ярайди.

Баъзан у бизга бирор матнни ёдлашга берарди, ўзи эса масжидга намоз ўқишга бориб келарди.

Бизга араб тилидан сабоқ бераётган вақтида унинг қўлида хивчин бўларди. Агар ҳарфни ёзишда хато қилсак ёки талаффузини тўғри айтмасак, хивчин билан елкамизни сийпалаб кўярди.

Рус тили дарси бошланганда, Ҳасан кўлига линейка оларди. Бу сафар хато қил-
сак, линейкаси билан бошимизга урарди. Хуллас, кўлида ё хивчин, ёки линейка
бўларди.

Бизнинг уйимиз масжидга туташ эди. Мен кўчадан айланиб юрмасдан, уйимиз
томидан масжиднинг томига сакрадим. Буни кўриб қолган Ҳасан мени жазолади.
Кейин масжид ўрнида овул клуби ташкил этилди. Мен уйимиз томидан овул клуби
томига сакрадим. Буни кўриб қолган Ҳасан яна мени жазолади.

Отам Ҳасаннинг хатти-ҳаракатини ёқлаб деди:

– Сен чигиртка эмассан, сакрайдиган. Ерда юришни ўрган.

Менинг томдан томга сакрашим тугади. Чунки етти ёшга тўлдим ва Хунзах
кальасидаги мактабда ўқий бошладим.

Ҳеч бир бола Ҳасан мактабини тугатишга улгурмади. Негаки, мактаб ёпилди.
Ҳасан фермага ишга ўтказилди. У кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ютуқлари кўр-
газмасига борди ва у ердан медаль билан қайтди. У бошқа медалларини урушда
қатнашгани учун олганди. Урушдан кейин у шундай деганди:

– Уруш вақтида қаерда бўлмайин бир марта ҳам намозни казо қилмадим. Агар
шундай қилмаганимда шундай урушдан эсон-омон қайтиб келармидим.

Қисқаси, у қаерга бормасин Ҳасан бўлиб қолаверди. Ҳозир у авар хони Сура-
гат тўғрисида тарихий маълумотлар тўплайпти. Қилган ишлари галати кўринса ҳам
соддадил ва кўнгли очик инсон. Мен овулга борганимда унинг уйига қираман, ҳар
қалай у менинг биринчи ўқитувчим.

Янги мактабдаги иккинчи ўқитувчимни ҳам яхши эслайман. У вақти-вақти би-
лан ўзининг кўрсатган қаҳрамонликлари тўғрисида сўзлаб берарди. Энди ўйлаб
кўрсам, у аварликларнинг Мюнхгаузени экан. Одатда ҳар бир дарсини шундай сўз-
лар билан бошларди:

– Болалар, ҳаётимда рўй берган қизик воқеани айтиб берайми?

– Айтиб беринг! – дея жўр бўлиб қичқирардик биз.

– Мен Қайсу дарёсидаги аркон билан тортилган кўприкдан ўтаётган эдим. Қар-
шимдан каттакон айик келаяпти. Жанг қилмаслигим мумкин эмасди. Чунки айик
менга йўл беришни истамади. Кўприкнинг нақ ўртасида кураш бошланди. Бу айик
мен илгари адабини бериб қўйган айиклардан кучлироқ экан. Барибир мен эпчил-
лик қилиб, айикнинг елкасидан ушлаб дарёга улоқтирдим.

Биз оғзимизни очганча ўқитувчимизни тинглардик.

– Ўтган ҳафта даламизни шудгор қилгани бордим. Менинг хўкизларим ҳам куч-
ли. Бирдан омочни тортмай тўхтаб қолишди. Нима бўлди экан деб қарасам, далада
қалинлиги билақдай-билақдай келадиган тўққизта илон ўрмалаб юрибди. Иккитаси
менга яқинлашяпти. Чаққонлик билан тўппончамни олиб, ҳаммасини отиб ташла-
дим. Бутун дала қонга бўялди. Мен далани хотиржам шудгор қилиб уйга қайтдим.
Энди бироз хавотирга тушаяпман: даламда бугдой ўрнига, илон ўсиб чикмасмикин?

Энди хотинимни қандай ўғирлаб келганимни айтиб берайми? Ўша вақтда мени Пунтин ўрмонини қароқчилардан тозалаб беринг деб чақиришганди. Бир куни жуда дахшатли ва баҳайбат қароқчининг уйига кирдим. У менинг дарагимни эшитиб, қочишга улгурибди. Уйда ой юзли қизи бор экан. Мен унга қарадим, у менга. Бир-биримизни севиб қолдик. Уни отимнинг эгарига кўндаланг ётқизиб, овулга йўл олдим. Қарасам, ортимиздан қиркга қароқчи от чоптириб келаяпти. Ҳар бири ханжар тишлаб олган, бир қўлида қилич, иккинчи қўлида тўппонча. Мен буриллаётди тўппончамни олдим, уларни битта қўймай отиб ташладим. Менинг бу қаҳрамонлигимни бутун Доғистон биледи.

Бир куни партадошим Басир билан гаплашиб ўтиргандик. Ўқитувчимиз доскага чақириб, қаттиқ тергади:

– Нега сен дарсда жим ўтирмаясан? Бир соатдан бери Басир билан нима ҳақда гаплашдинг?

– Биз бахслашиб қолдик. Басир ўқитувчимиз даласини шудгор қилганида саккизта илонни отган деяпти. Мен ўқитувчимиз ўшанда ўн саккизта илонни отган деяпман.

– Басирга айт, у ноҳақ. Сен ҳақсан. Бор жойингга ўтир.

Ўша кундан кейин ота-онам менинг дарс тайёрламасдан яхши баҳолар олишимга ҳайрон қоладиган бўлишди.

У ҳам меҳрибон эди, лекин бирор ишда узоқ қолиб кетмасди. Уни одис овуллар – Силур ва Арадерга жўнатиб кўришди. Ўша овулларда ҳам узоқ ушланиб қолмади.

Яқинда у Ёзувчилар уюшмасига келиб, мендан бирор иш беришимни сўради.

– Нима иш қила олишингиз мумкин?

– Мен уруш ҳақидаги эсдаликларимни ёзардим. Ахир, ҳамма маршаллар ўртоқларим бўлган. Айримларини ўлимдан қутқариб қолганман.

Менинг ўқитувчиларим ҳар хил эди: биринчи, иккинчи, учинчи... Аммо биринчи ўқитувчим деганда менинг кўз олдимга рус тили ўқитувчимиз Вера Васильевна келади. У менга рус тилининг гўзаллигини ва рус адабиёти хазинасини очди.

Педагогика билим юртидаги ўқитувчиларим, Адабиёт институтидаги профессорлар – ҳаммангиз ёдимдасиз.

Мансур Гайбарбеков ва Поспелов, Магомед Гайдаров ва Галицкий, Шамбинаго, Радиг, Асмус, Фохт, Бонди, Реформатский, Василий Семёнович Сидорин... Мен рус тилида яхши гапира олмаганим учун имтиҳонларда сизга ёмонроқ жавоб қайтаргандирман. Биламанки, ҳали имтиҳонларим тугамаган. Баъзан тушларимда қийин имтиҳонларни қайта топшираётган бўлман, агар йиқилсам биринчи босқичда қолиб кетаман деб хавотирга тушаман.

Ўнгимда эса, ҳар бир янги китобим чиққанда унинг ўқитувчиларим қўлига етиб боришига умид қиламан. Шундай кезларда тилшунослик ёки юнон адабиёти тарихи имтиҳонларини топширган кунлардан кўра кўпроқ ҳаяжонланаман. Менинг ки-

тобим ёкмаса-чи, охиригача ўқимай бир четга ташлаб кўйса-чи, «Расул шошилибди. ёмон ёзибди» деб айтса-чи? Мени хавотирга солаётган энг қийин имтихон шу!

Доғистон! Сенинг ўқитувчиларинг ҳам ҳар хил бўлган. Улар орасида Ҳасан ва Мюнхгаузенга ўхшашлари ҳам бор. Бирлари ўзлари ўргатаётган нарсаларга ўзлари ишонишмасди, иккинчилари алдашди, учинчилари адашди. Охир адолатли, билимли, мард ва меҳрибон ўқитувчига дуч келдинг. Янги ҳаёт бошланди, янги мактаблар очилди, янги китоблар қўлга олинди.

*Бор-ўйғинг талаган ёвлар кўзига,
Юртим, май косадай кўриндинг фақат.
Майингдан маст бўлиб, келмай ўзига
Сенинг қонингни ҳам ичди бешафқат.*

*О, жафокаш халқим, яшадинг қарам,
Кўрдинг қанча хўрлик, қанча бедодлик.
Бироқ қанча хонлар келиб кетса ҳам,
Ягона орзуинг бўлди Озодлик!*

Илгари овулда биргина мулла хат ва китобни ўқий оларди. Энди мулладан бошқа ҳамма янги ёзувдаги китобларни ўқияпти.

Кичик халқнинг тақдири буюк экан. Яна янги-янги Доғистон киссалари яратилади. Уларнинг охири бўлмайди. Агар шу зарҳал ҳарфлар билан ёзилаётган китобга менинг бирор саҳифам кирса, ўзимни гоёт бахтиёр ҳисоблардим. Менинг Доғистоним, сенга бағишлаган кўшиқларимни қабул қил!

*Доғистоним, сенга фидодир жоним,
Яшаяпман бутун борлигим атаб.
Барча олган орден, медаль, унвоним,
Тогларинг кўксига қўяман қадаб.*

*Янгроқ мадҳиямдир шарафинг, шонинг,
Шеъримга кўчирмоқ истаيمان боринг.
Чакмоним – бағрингда ўсган ўрмонинг,
Бўрким – чўққингдаги оппоқ муз-қоринг.*

Мана тамом. Энди хайрлашамиз. Худо хоҳласа, сиз билан яна учрашамиз.

Китоб турли жойларда ёзилди: Цада овулида, Москвада, Маҳачқалъада, Дилижонда ва бошқа кўплаб шаҳарларда. Қачон бошлаганим эсимда йўқ. Унга 1970 йил 25 сентябрь куни нукта қўйдим.

Тамом-вассалом.

ЮЛДУЗЛАРГА ҲАМРОЗ УСТОЗ (Расул Ҳамзатов ҳаёти ва ижоди ҳақида)

Доғистондаги Цада қишлоғида истикомат қилувчи авар халқининг суюкли шоири Ҳамзат Цадаса хонадонида 1923 йил 8 сентябрь куни ўғил дунёга келди. Бир неча кундан кейин чакалокқа исм кўйиш маросими бўлиб ўтди. Нуруний чакалокни азот кўтариб деган:

– Қизларнинг исмига юлдузлар нури ва гуллар нафислиги йўғрилган бўлиши лозим. Ўғиллар исмида эса, китоблар ҳикмати ва қиличлар жаранги ифодасини топмоғи керак. Мен китобларни ўқиб, қиличлар жарангини тинглаб, кўп исмларни билдим. Мен ўқиган китоблардаги ҳикматлар ва мен тинглаган қиличлар жаранги ҳозир қулоғимга РАСУЛ исмини шивирламоқда.

Авлиёсифат нуруний мени аста ўгириб, ўнг қулоғимга шивирлаган: РАСУЛ. Кейин мени ўгириб, чап қулоғимга баландроқ товушда айтган: РАСУЛ. Сўнгра мени йиғлаётган ҳолда онамга берган ва даврага қараб деган:

– Мана Расул билан танишиб олдик.

«Расул» арабча сўз бўлиб, «элчи» маъносини англатади. Расул Ҳамзатов ўз исмига муносиб улғайди, отасидай авар халқининг, дунё халқларининг суюкли шоирига айланди. Нуруний ният қилгандай, ўз юртидан йироқдаги қайси мамлакатда кезмасин, Доғистоннинг элчиси бўлди, ўз юртида эса умуминсоний кадриятлар элчиси сифатида ижод қилди. Асарларида миллати, Ватани, дунё дардларига дармон сўз излади.

*Осмондаги олис юлдузлар сари,
Самовий кемалар этмоқда парвоз.
Одамлар, одамлар – Ер юлдузлари,
Бахтлиман, мен сизга бўлолсам ҳамроз.*

Бир гал Расул Ҳамзатов журналистнинг «Устозингиз ким?» деган саволига шундай жавоб берганди:

– Устозим – табиат. Гўё беш дакиқадан кейин кул бўлиб сочилиб кетишидан хавотирланиб, жим турган тоғлар. Одамлар эса, худди беш минг йил умр кўрадигандай шошилишади...

Умуминсоний кадрятларга молик бу ҳикмат асосида Расул Ҳамзатов гўзал саккизлик яратди.

*Ҳатто беш дақиқа ёруғ дунёга,
Қарашга фурсати қолган тўрмас тек.
Шошар ерга сизмай, сапчир самога,
Худди яна юз йил яшайдигандек.*

*Неча асрким, тоғлар йироқ-йироқда,
Шошқин одамларни кузатади тек.
Лекин улар гамли, турар титроқда,
Худди беш дақиқа умри қолгандек.*

Расул Ҳамзатов қайси мавзуда ёзмасин, асарларидан Кавказ тоғларининг руҳи, тоғликлар табиати сезилиб туради. Унинг ҳикоятлари, афсоналари, ёзувлари адабиётда ўзига хос янгилик бўлди десак, муболаға эмас. Ҳамзатовнинг назм ва наср, тарих ва тоғликлар оғзаки ижоди уйғунлашиб кетган «Менинг Доғистоним» асари эса кашфиёт!

Дарҳақиқат, улуғ шоирнинг умр китоби деб таърифланган «Менинг Доғистоним» асарининг бош мавзуси – Ватан! У асарида Ватанга бўлган меҳрини тараннум этади. Шоир дунёдаги барча ҳодисаларни ўз уйи, ўз овули, ўз Доғистони мисолида ҳис қилиш билан кифояланмайди, аксинча, дунёдаги барча ҳодисаларни Ватанга бўлган меҳрига йўғириб ифода қилади. Мазкур асарнинг моҳияти ҳам, бадиийлиги ҳам, умрбоқийлиги ҳам шунда.

Дунёдаги энг қадимий қўлёзмалардан бири ҳисобланадиган «Авесто»даги қуйидаги ҳикматга эътибор беринг: «Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак». Бу умуминсоний ҳикмат «Менинг Доғистоним» асарида ўзига хос оҳангда ифодасини топган. Шу боис китобдаги Кавказ халқлари ривоятлари, ҳикматлари, ибораларини, асар руҳига йўғириб кетган шоирнинг пурмаъно шеърлари, кизиқарли кўрган-кечирганлари, эсдаликлари, Ватан, тил, миллат, одам, халқ, урф-одат, кадрят ҳақидаги мушоҳадаларини ўқир экансиз, беихтиёр, кўз олдингизда ўзингиз туғилиб ўсган юрт бутунлай бошқача бир жозибада намоён бўлади, ён-атрофингиздаги ёр-дўстларингизга, танишларингизга, юртдошларингизга меҳрингиз товланиб кетади.

Китобни ўқир экансиз, юрагингиздаги, шуурингиздаги меҳр тилингизга кўчади: «Менинг туғилиб ўсган Ўзбекистоним бор. Мақтаса мақтагулик ўз эҳром-

ларимиз, ёдгорликларимиз, кўчаларимиз, хиёбонларимиз, боғларимиз, тоғларимиз бор. Зар дўппи, атлас кўйлак кийиб, узун сочини елкасига қирқ кокил қилиб ташлаган ўзбек гўзалига дунёдаги ҳеч бир гўзал тенглаша олмайди».

«Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган». Адиб ўз Ватани ҳақида меҳр билан ҳикоя қилар экан, мен қаерда бўлмай, Доғистоним ҳақида ўйлайман дейди ва сиз ҳам беихтиёр китоб воқеаларидан узилмаган ҳолда Ўзбекистонимиз ҳақида ўйлай бошлайсиз. Муаллиф болалиги, ота-онаси ва яқинлари билан кечган қизиқарли воқеаларни эслаганда, сизнинг кўз олдингизга болалигингиз, ота-онангиз ва яқинларингиз гавдаланади. Шоирнинг «Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак», деган ҳикмати ўқиганда, беихтиёр ўзингизга «Мен Ўзбекистонимиз учун нима иш қилдим, халқимизга муносиб фарзанд бўлдимми?»— дея савол берасиз.

Ўқувчи китоб воқеалари билан ҳамнафас яшайди. Шоирнинг ўз ўрнида қиритган пурмаёно шеърларини ўқиганда, чуқур ўйга толади.

*Сўз янграган ярамай олам,
Шундай дерлар келтириб иймон.
У қандай сўз: тавбами, қасам?
У қандай сўз: ўтинчми, фармон?*

*Емирилиб бормоқда олам,
Демак, бир сўз керак бегумон.
Унда бўлсин тавба ва қасам,
Унда бўлсин ўтинч ва фармон.*

Айниқса, шоир ўзи адабиётга олиб кирган «Ёзувлар» жанридан китобда унумли фойдаланган. Унинг бешиқларга, эшиқларга, кўзаларга, ханжарларга, тошларга, кўнғирокларга битилган ёзувлари кишини фикр-мушоҳадага ундайди. Сиз унинг биргина «Кўзадаги ёзувлар»ини ўқишингиз билан бунга амин бўласиз.

*Оддий гилдан ясалади энг гўзал кўза,
Оддий сўздан яралади шеърин мўъжжиза.*

Шабнамда қуёш акс этгандек, оддийликда буюклик намоён, деб бежиз айтишмайди. Китобда кунда, кунора эшитиб турадиган ҳикоятлар, воқеалар ҳам талайгина. Лекин улар адиб томонидан асар руҳига ажойиб тарзда сингдирилганки, ўқийтган пайтингизда янги-янги кашфиётларга дуч келасиз. Асардаги сўз санъатининг сеҳри қайта-қайта хайратга солади. Ҳассос шоир «Одам тилга

кириши учун икки йил кифоя, лекин тилини ти-йиб туришни ўрганиши учун олтмиш йил керак бўлади» каби оддий сўзлардан юксак бадий асар, умрбокий хикмат яратади. Ёки шоирнинг бошқа бир ҳаётий хикмати: «Айримлар ўйлайдики, катта мавзуларга қўл урсам бас, дарҳол буюк бўламан. Аммо буюкликнинг замини оддийликда». Китобда бундай Ҳамзатовга хос хикмат-ибораларнинг сон-саногй йўк.

Албатта, китобда шундай шеърлар борки, улар «Турналар» мисол дунё бўйлаб учаяпти. Китобга киритилган «Она тилим», «Шомил», «Цада кабристони», «Шеърят», «Ошик-маъшук гул каби сўлди» каби шеърларни ўқиганда қандай қилиб шоирнинг маҳоратига қойил қолмаслик мумкин?!

Асарнинг биринчи китобини ёзгандан кейин Расул Ҳамзатовнинг ҳам тажрибаси ошди ва у етук адабиётшуносларнинг китоб ҳақидаги фикрларидан хулоса чиқарди. Шу боис иккинчи китоб биринчисига нисбатан янада ўткирроқ, мукамалроқ ва бадийроқ ёзилган. Чунки иккинчи китобда биринчи китобдаги Ватан, миллат, тил, қадрият каби мавзулар мантиқан давом эттирилиши билан бир қаторда Озодлик мавзуси Ҳамзатовга хос нозик дид ва маҳорат билан қаламга олинган.

*О, жафокаш халқим, яшадинг қарам.
Кўрдинг қанча хўрлик, қанча бедодлик.
Бироқ қанча хонлар келиб кетса ҳам,
Ягона орзунг бўлди Озодлик!*

Гарчанд бу мисралар китобнинг охирида келган бўлса ҳам китобдаги барча воқеалар Озодлик меҳварига бирлашади.

Ҳа, «Менинг Доғистоним» – том маънодаги Ватан ҳақидаги асар. Ҳар бир киши учун Ватан яшаш жойи, миллати, дини, эътиқоди, ёшидан қатъи назар азиз, мўътабардир. Шу боис бадиянинг биринчи китоби 1967 йилда чоп этилиши билан жаҳоннинг юзлаб тилларига ўгирилди, севиб мутолаа қилинди. Ўз ижод маҳсулидан руҳланган шоир бадиянинг иккинчи китобини 1971 йилда адабиёт мухлисларига тақдим этди. Албатта, бундан китоб шу саналарда ёзилган экан деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳозиржавоб шоир кўпчиликнинг фикрини олдиндан билгандай китобида бунга аниқлик киритади:

«Китоб турли жойларда ёзилди: Цада овулида, Москвада, Маҳачқалъада, Дилижонда ва бошқа кўплаб шаҳарларда. Қачон бошлаганим эсимда йўқ. Унга 1970 йил 25 сентябрь куни нукта қўйдим».

Келтирган иқтибосдан кўришиб турибдики, Расул Ҳамзатов бу китобни умри давомида ёзган, унинг иккинчи китобига 48 ёшида нукта қўйган, холос. Шу ўринда биринчи ва иккинчи китоблар орасида тўрт йил ўтганига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Шундай ёркин истеъдод соҳиби ва катта ҳаёт тажрибасига

эга шоир иккинчи китобни чиқаришга тўрт йил сарфладими, демак у биринчи китоб устида ҳам, иккинчи китоб устида ҳам жуда каттик ишлаган. Бундай ижод самараси эса, ўқувчилар калбига йўл топади, қайта-қайта севиб ўқилади.

Барибир, Ватан ҳақида китоб ёзиш жуда масъулиятли ва шарафли эканини юрак-юрагидан ўтказган Расул Ҳамзатов самимий тарзда китобхонларга муурожаат этади:

«Мен бу китобни хали ёзмадим, аммо у ҳақда чуқур ўйладим, энди-энди бу китоб қандай бўлиши кераклигини кўз олдимга келтираяпман. Умримнинг энг асосий китоби тўғрисидаги ўйларимни коғозга туширдим, холос».

Ҳа, Расул Ҳамзатов бу китобнинг давомини ёзишни жуда-жуда истаганди. Лекин у таваллудининг 80 йиллигини нишонлаётган вақтида умр китоби бўлган «Менинг Доғистоним»нинг давомини ёзолмаганини армон билан эслаганди. Ишончимиз комил, бу китобни Доғистон заминида камолга етаётган янги авлодлар давом эттиришади. Шоирнинг ўзи таъкидлагандай: «Яна янги-янги Доғистон киссалари яратилади. Уларнинг охири бўлмайди. Агар шу зарҳал ҳарфлар билан ёзилаётган китобга менинг бирор саҳифам кирса, ўзимни ғоят бахтиёр ҳисоблардим».

Авар халқининг таниқли ва бахтиёр шоири Расул Ҳамзатов ўзи ардоқлаган заминнинг юмшоқ тупроғида тинч-осуда ором олсин. Чунки унинг «Менинг Доғистоним» бадиаси нафақат Доғистон тарихидан, балки жаҳон адабиёти дурдоналари каторидан муносиб жой олди.

Дунёдаги азиз зот – ОНА ҳақида шеър-достон ёзмаган шоир бўлмаса керак. Лекин улар орасида ярқ этиб кўзга ташланиб турадигани, оҳанрабодай ўзига тортадигани Расул оғанинг «Оналарни асранг» достони десак, ҳеч бир муболага қилмаймиз. Чунки шоир достонни ёзиш учун бор билим-салоҳиятини, узоқ йиллик ҳаётий тажрибасини баҳшида этган, унга дунёдаги барча оналарга бўлган меҳр-муҳаббатини жо қилган. Мен бу китобни қўлга олган 1978 йилдан бери уни ўзбек оналарига тухфа этиш фикри билан яшадим. Шукурки, орзуим ушалди.

Расул Ҳамзатов «Турналар» шеърига Чирчик шаҳримизда ёдгорлик ўрнатилганини барчага фахр билан сўзлаб юрарди. Агар шоирга умр вафо этиб, Тошкентимизга ташриф буюрганида, «Хотира майдони»ни албатта зиёрат қиларди ва «Бу ҳайкал онамга жуда-жуда ўхшар экан» деган бўларди. Чунки у «Мотамсаро она» тимсолида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган икки ўғлини кутаётган ўз онасини кўрарди.

Ҳайкалларга боқдим ҳайратда,

Улар бари ўхшайди сизга.

Бу она сиз, бу сиз, албатта,

Шунинг учун яқиндир кўзга.

Онаси дунёдан кўз юмганда Расул оға Хиросимада Иккинчи жаҳон уруши курбонлари хотирасига бағишланган халқаро маросимда иштирок этаётганди. Шоирига онаси вафот этгани тўғрисидаги хабарни етказишади. Кейинрок Расул Ҳамзатов дostonни ёзаётган пайтида ўша оғир лаҳзаларни алам билан қаламга олади.

*Шу қўшиқни ёзган вақтда онажон,
Мени этмаганди етимлик гирён.
Ҳали кўрмагандим, гувоҳдир осмон,
Оқ турналар ичра сизни, онажон!*

Расул Ҳамзатов ушбу дostonга бағишланган «Буюк туйғу» мақоласида шундай ёзганди: «Отам тоғлиқлар орасида таниқли киши эди. У эллик йилдан ортик вақт давомида «ўзи ва замони» ҳақида ёзди, шу тариқа ўзига кенг йўл очди. Таъкидлашим керак, отам ҳақида жуда кўп ёзишган. Онам эса овулдан нарига чиқмаган, оддий, меҳрибон тоғлиқ аёл эди. У ёзишни билмасди, демакки, ўзи ҳақида ҳеч нарса ёзмаган, онам ҳақида ҳам ҳеч ким ҳеч нарса ёзмаганди».

Дoston шоирнинг отаси, Доғистон халқ шоири Ҳамзат Цаласа (1877–1951) нинг сўнгги куни тасвири билан бошланади. Ота ўғлига «Уйнинг файзи – онагни асра» дея васият қилиб, вафот этади. Шоир отасининг васиятини онаси Хандулай момо (1888–1965) дунёдан ўтганда алам билан эсга олади.

*Васиятни тўлиқ адо қилмадим,
Баъзида унутдим сўзларингизни.
Онажон, мен сизни асрай олмадим,
Мен ўлимдан асрай олмадим сизни.*

Шоир бу вақтда юқорида таъкидлаганимиздек, Хиросима шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши курбонларига ўрнатилган ёдгорлиқнинг очилиш маросимида иштирок этаётганди. Олис йўлда шоирнинг хаёлидан «Ёшинг улуг бўлсин, сочларинг оппоқ, барибир етимлик энг оғир фирик», «Онаси борларга гўзалдир олам», «Кимнинг хаёт бўлса онаси, ўша бахтли экан чинакам», «Болаларинг билан фахрлан, болам», «Оналарни асранг – бу мангу даъват» каби шеърхонларнинг дили-дилига сингиб кетадиган мисралар ўтгандир. Бироқ, шоир дoston устида изланишда давом этди.

Бадий таржимани одатда ўзга мамлакатга, ўзга адабий муҳитга саёҳатга қийслашади. Бироқ бу дostonни таржима қилар эканман, кўз олдимдан юртимизнинг болажон, заҳматқаш, меҳри дарё оналарининг очиқ чехраси бир лаҳза ҳам кетмади. Шоир ўз онаси ҳақида эмас, гўё менинг онам, кўшнилариимизнинг онаси, мен хаётда учратган меҳрибон, меҳнатқаш, оқила оналаримиз тўғрисида

ёзгандек туюлди. Ишончим комил, бундай фикр-ўйлар миллатидан, қайси жойда яшашидан катъи назар дostonни ўқиган ҳар бир кишининг хаёлидан ўтади.

Албатта, бундай кезларда ҳар бир одамнинг хаёлидан онасининг айтган аллалари, тутган иссиқ кулча нонлари, ширин сўзлари, меҳрибонликлари жонланади. Беихтиёр, дostonдаги шоир сатрларини эсга олади.

*Униб-ўстирдингиз авайлаб, она,
Вужудимга қувват қўйилди, она,
Ўғитлар айтдингиз саралаб, она,
Шеърларимга ҳикмат йўғрилди, она.*

Шоир дostonида қайта-қайта таъкидлагандай, «Она – одамзот англаган биринчи ҳикмат», «Чўккилар кўп дунёда бироқ, чўкки йўқдир онадан баланд», «Она – олам-жаҳон, шодлик ва бахт!», «Ҳаётда онаси борлар бахтиёр!»... Оналарнинг тилаги эса ҳамиша қалбидай оппоқ: «Дунёдан йўқолсин уруш, ёмонлик, доим байрам қилсин тинчлик, омонлик».

Ҳа, оналар ҳамиша дунё тинч, турмуш фаровон, фарзандлар соғ-саломат, бахтли бўлишини сўрашади.

*Онам кўкка қараб қилди илтижо:
Баланд бўлсин бургут ўғлим парвози.
Ҳамиша таратсин ажойиб наво,
Азиз Ватанини қуйлаган сози.*

Афсуски, оналаримизни дунёга боғлаб қўйишмаган. «Кекса оналарни кўзлайди ўлим, унинг отган ўки тегар бехато».

*Она кетса, қалбда битмас жароҳат,
Она кетса, қалбни эзади қадар.
Оналарни асранг – бу мангу даъват!
Онангни асрагин фарзандсан магар!..*

Дунё адабиётида оналар ҳақида шеър-дostonлар кўп ва бундан кейин ҳам шундай асарлар яратилаверади. Бироқ Расул Ҳамзатов дostonидаги «Бир пайт қора сочи устига, ўрар эди сутдай оқ рўмол, энди оппоқ сочи устига, ўраб олди коп-қора рўмол», «Фарзанд! Чин мўъжиза ўзингсан қизим, ўзинг мен яратган энг яхши наво», «Наҳот дунёдаги покдил одамзот, оқ рангларни саклай олмади, наҳот?», «Қўй теридан бўлса ҳам бўрки, иккиси ҳам тоғда ўсган эр. Қўйга сира ўхшамас хулқи, бир-бирига қарар мисли шер», «Моҳир чавандоздай чопади ирмоқ, сокин дарёларга солганча сурон», «Тоғ опичлаб олган овул қўйнида, яна

янги ҳаёт кадам ташлади», «Мисоли бўрдай оқ фарзанд қилмиши, окка бўяр она сочу қошини. Қалбингиз эса ҳам ҳаёт ташвиши, оналарга беринг меҳр қуёшини», «Бешик бўм-бўш қолиши гуноҳ, болажонлар уйга фаришта» каби ўзига хос адабий топилмалар асар мазмунини бойитиб, уни бетакрор адабиёт дурдонасига айлантирган.

*Ҳаётда онаси борлар бахтиёр!
Тириксиз, бахтингиз қадрлаб яшанг.*

Оддий ва самимий ушбу мисралар дostonнинг қалби, уриб турган юраги дейишимиз мумкин. Дарҳақиқат, дostonдаги воқеалар қайси даврда, қасрда содир бўлмасин, сўзлар-ташбеҳлар қандай жарангламасин, «Оналарни асранг!» деган эзгу меҳварда туташади. Шу боис жаҳон адабиётида энг улуғ ва мўътабар зот бўлган оналарга бағишланган, севиб ўқиладиган шеър дostonлар кўп бўлса ҳам Расул Ҳамзатовнинг «Оналарни асранг» дostonи билан бўйлашадиган асарлар кам.

Бу дунёда биз авайлаб-асрашимиз, қарлашимиз керак бўлган ягона нарсалар мавжуд: Осмон, Қуёш, Ой, Ер, Ватан, муҳаббат, ҳаёт!.. Шоир эса боқий ҳикмат-даъватни давом эттириб, қулоғим тағида умримиз бўйи жаранглаб туради-ган қилиб таъкидлайди:

*Худо ҳаққи, дўстим ёдда тут,
Аёллар кўп, Она ягона!*

Бекиёс истеъдод соҳиби бўлган Расул Ҳамзатовнинг шундай дилбар шеърлари борки, улар кўшиқларга айланиб «Турналар» мисол бутун дунё бўйлаб парвоз этмоқда. «Турналар» шеъри тасаввуфга асосланган, шахид аскарлар руҳи оппоқ турналарга менгзалади. Бадийий ўхшатгани ҳар ким ўзича қабул қилади. Шу боис «Турналар» шеъри ёки кўшиғи янграганда кимдир шахидларни, кимдир яқинини, кимдир ёрини хотирлайди.

*Менинг билишимча, қонли жанггоҳдан
Юртига қайтмаган шахид ёвқурлар.
Ҳали юмшоқ ўрин топмай тупроқдан,
Оппоқ турналарга айланган улар.*

*Зеро, улар узоқ йиллардан буён,
Учишар ва бизга беришар овоз.
Шу боис самога термилган замон,
Кўз узмай оҳиста сўзлаймиз дилроз.*

*Бугун ҳам туманлар сийрак тарафда,
Шом чоги уларни кузатдим бироз.
Қачондир ер узра юргандай сафда,
Турналар галаси этарди парвоз.*

*Учиб борар экан ўз манзилига,
Кимларнидир йўқлар, таниш товушлар.
Ахир, жуда ўхшар авар тилига,
Турналар таратган ўтинч, нолишлар.*

*Улар кўкда учар, учар гирён зор,
Ўтган аждодларим, дўстларим, ёрим.
Кўряпман, қаторда битта бўшлиқ бор,
Ўша бўшлиқ, менинг боражаск жойим.*

*Қазо ҳақдир! Мен ҳам яшаб умримни
Турналар сафида парвоз этаман.
Ва ерда қолган сиз азизларимни,
Самодан номма-ном йўқлаб ўтаман.*

Шеър Наум Гребнев томонидан рус тилига ўгирилди. Унга таниқли бастакор Ян Френкель куй ёзди. Кўшиқни ноёб овоз эгаси Марк Бернес ижро этишга киришди. У ўлимига санокли кунлар колганини билса ҳам кўшиқни овоз ёзиш студиясида магнит тасмаларига ёзиб олиш ишларини ниҳоясига етказди. Москва аҳли, кўшиқ мухлислари Марк Бернес билан видолашганда, уни ўзи куйлаган «Турналар» ҳам осмони фалакда учиб сўнгги йўлга кузатиб кўйди.

АҚШдаги Филадельфия шаҳридан Доғистонга миннатдорлик мактуби келди. Унда черков ходими Батлер шундай деб ёзганди: «Жаноб Ҳамзатов! Худо сиздай тоза юракли инсонга узоқ умр ато этган бўлсин. Сизнинг «Турналар» кўшигингиз қалбимизни ларзага келтирди, ўз номимдан, черковга келувчилар номидан сизга катта раҳмат». «Турналар» кўплаб мамлакатларда сара кўшиқ сифатида севиб тингланди, хусусан Кореяда қаторасига уч йил энг яхши кўшиқлар қаторидан жой олди.

Кавказ тоғида, Россиянинг йирик шаҳарларида «Турналар» кўшигида куйланган манзара акс эттирилган ёдгорликлар ўрнатилган. Айрим шундай ёдгорликлар мажмуида магнит тасмалар воситасида эртадан-кечгача «Турналар» кўшиғи қайта-қайта янграйди. Бундай эътирофга дунёдаги бирор бошқа кўшиқ сазовор бўлмаган.

Шоир шеърларини ўқир экансиз, беихтиёр кўз ўнгингиздан Доғистон манзаралари ўта бошлайди, бу юртга нисбатан меҳрингиз товланади. Москвада тутил-

ган ва кейинчалик Доғистонда яшаб колган Эленора Данилованинг ёзишича, у Расул Ҳамзатовнинг шеърларини ўқиб Доғистонга меҳр кўйган, институтни тугатиш чоғида Москвада қолишга имконияти бўлишига қарамай Доғистонга йўлланма олган. Узоқ йиллар Доғистоннинг чекка кишлоғида ўқитувчилик қилган. Тақдир тақозоси бўлса керак, Маҳачқалъа театрига ишга чақирилган. Театр раҳбарияти уни уй билан таъминлаш ваъдасини бажара олмаган. Кунлардан бир куни театрга Расул Ҳамзатов келади. Эленора Данилова унга йиғлаб дардларини айтади. Расул Ҳамзатов телефон гўшагини кўтариб, шаҳар раҳбарига кўнги-рок қилади.

– Ҳамид, қаршимда гўзал аёл йиғлаб ўтирибди. Мен унинг жилмайиб яша-шини истайман. Эртага хузурига боради. Ўйлайманки, у қабулингдан хуш-чакчак ҳолда чиқиб кетади.

Бир неча кун ичида Эленора Даниловага уй ажратилади. Шаҳар раҳбари Расул Ҳамзатовни жуда ҳурмат қилар экан, деб ўйларсиз. Ўша раҳбар вафот этганда Расул Ҳамзатов «Дўстим Ҳамид Темирхонов вафотига» деб номланган марсия ёзган. Бу марсияни ўқир экансиз, Расул Ҳамзатов дўстини нақадар ҳур-мат қилганига имон келтирасиз.

Айримлар Расул Ҳамзатовни роса омадли, бахтли шоир деб ўйлашади. Ҳолбуки, безовта дунёга дармон излаб яшаётган шоир ўзини бахтиёр сезиши мумкинми?! Тўғри, унинг отаси улуғ шоир бўлган. Лекин отаси ўғлига шеър ёзиш тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатмаган, асарларини чоп этишга ҳам ёрдам-лашмаган. «Менинг Доғистоним» китобида ёзилишича, ота ва ўғил бир-бир-ларига янги шеърларини ўқиб беришмаган. Ҳамзат Цадаса ўғлининг, Расул Ҳамзатов отасининг янги шеърларини чоп этилганда ёки радиода ўқиб эшит-тирилганда билишган. Бунга далил шуки, Расул Ҳамзатовнинг 1951 йилда халқ озодлиги ҳаракати қаҳрамони Имом Шомилни қоралаган шеъри эълон қилинган. Имом Шомилнинг муҳиби бўлган Ҳамзат Цадаса бу шеърни ўқиб чиққач, ўғлига қаттиқ дашном берган. Кейинчалик Расул Ҳамзатовнинг ўзи ҳам бу шеърни «давр сояси» руҳида ёзилганини тан олган. Ота-ўғил суҳбатидан сўнг Расул Ҳамзатов Имом Шомилга бағишлаб, ажойиб шеърлар, дoston-лар ёзган. Улар орасида «Шомилнинг муҳаббати» дostonи алоҳида ўринга эга. Чунки дostonда Имом Шомил халқ қаҳрамони, комил инсон эканлиги ажойиб тарзда тасвирланган. Ушбу дoston тарихий воқеани тасвирлашдан бошланади.

*Ноибларнинг сараси
Ахбордидлав от солар.
Моздок, Дарго дараси
Ғайратига лол қолар.*

*Унга азиз мард шаъни,
Шараф бўлсин оқилга.
Олиб келган ўлжани,
Тақдим этди Шомилга.*

*«Йўлда қилди кўп сарсон,
Бу ўжар арман қизи».
Асирага боққан он,
Оқарди Шомил юзи.*

*Сўнг ишонмай кўзига,
Бир зум кўкка тикилди.
Келиш учун ўзига,
Очиқ кўксини тилди.*

*Унут ёр-у, жароҳат,
Имом келмас ҳушига.
Дер: «Қандай исм бермиш айт,
Беҳишнинг бу қушига».*

Табийки, воқеанинг бу ривожини Ахбердилавлани лол-хайрон қолдиради. Бироқ пирини қаттиқ ҳурмат қилгани учун итоаткорана асира қизнинг исми Анна эканини айтади. Қизнинг чиройига махлиё бўлиб қолган Имом Шомил жавобдан сўнг ўзига келади. Бир зум сукут сақлаб мақсадга кўчади.

*«Бу парирўй жононга,
Ўзим қўяй гўзал от.*

*Анна – ой, нурга кўзгу!
Демак, исми Шуойнаът.
Суюк ёрим бўлар у,
Ранжима мендан фақат.*

*Эътиқодим мустаҳкам,
Буни ҳамма билади».
Шундай деб у хиноранг,
Соқолини силади.*

*Ва эслади Тангрига,
Қанча қилса ибодат,*

*Ўтлар тушиб бағрига,
Сўрабди жангга омад.*

*«Танғрим, дин учун тинмай
Қилич солдим, отдим ўқ.
Наҳот, менинг ошиқдай
Севмоқликка ҳаққим йўқ».*

Мард навкар англадики, ўзининг тутқун товуси Имомни батамом асир этиб бўлибди. Жанг майдонларида ўлимдан ҳайикмай ганимлар билан савалашган навкар Имомни канчалик ҳурмат қилмасин, ҳақиқатнинг кўзларига тик қарайди.

*Ахбердилава доворак,
Гапни шартта айтар ул:
«Биз қиз учун сўраб ҳақ,
Ундирамыз катта пул.
Бойдир уруғ-аймоғи,
Тўлдирамыз ҳамённи».
«Бўлса ҳам олтин тоғи,
Бермасман бу жононни».*

*Ноиб қалбида қутқу,
Лаҳча чўғдир каломи:
«Ғайридин фарзанди у,
Сиз Ҳақ диннинг имоми!»*

*Оллоҳга хуш келмас иш,
Тарқалар тоғда мишмиш».
«Оллоҳнинг қарами кенг,
Ишқ олдида ҳамма тенг».*

Имом ва ноиб ўртасидаги баҳсга асирани киз нукта қўяди. Ҳақ йўлда кураш олиб бораётган Имом Шомил Кавказ кизларининг ҳам меҳрини қозонгани маълум бўлади. Эҳтимол, Шомилнинг чорак аср енгилмай курашганининг асл сабаби ҳам Кавказ халқларининг меҳрини қозонганидир, уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этганидир.

Доғистонлик кекса рус тили ўқитувчиси Константин Попов шу дostonни рус тилига ўғирган Яков Козловскийга шундай мактуб йўллаган экан: «Сизга маълумки, Шомил шоирларни аямаган. Шеръ тўқиганларни камчи билан савалаган.

Шомил биз ҳақимизда душманларимиз ёзишсин, Доғистон қиличларининг жан-ранги уларга илҳом бағишласин, деб уқтирган. Аммо менинг ишончим комил, агар у ҳозир тирик бўлганида ва Моздок яқинидан ўғирлаб келтирилган, ислом динига кириб Шуойнаът исмини олган арман савдогари кизи Аннага бўлган ўзининг мухаббатига бағишланган дostonни ўқиганда, тоғликлар йўлбошчиси шоирларга нисбатан чиқарган қарорини дарҳол бекор қиларди. Ҳамзатовни эса Цада қишлоғидаги мухаббат ноиби этиб тайинларди». Бу шеърхонлар кўнглидаги фикр. Негаки, Расул Ҳамзатов ижодининг катта қисмини мухаббат мавзусидаги шеърлар ташкил этади.

Донишмандлар мухаббат ҳақида хўб доно фикрлар айтишган, шоирлар мухаббат мавзусида гўзал шеърлар ёзишган. Расул Ҳамзатов уларга вобаста инсон учун севиш ва севилиш олий мукофот эканлигини қуйлайди. Шоир таъкидлагандай, комил инсонга дунёда чин мухаббатдан олий неъмат йўқ.

*Ишчанлик ва мардлик қўрсатса, Ватан
Дарҳол тақдирлайди ўғил-қизини.
Мукофотлаш ҳақида фармонлар, баъзан
Тўлдирар газета саҳифасини.*

*Гоҳида истаيمان, азиз Ватаним,
Ишқ ва садоқатни тақдирлашини.
Ошиқлар кўксига кўриб яйрардим,
Орден-медалларнинг ялтиллашини.*

*Мухаббатда орден-медалъ йўқ азал!
Агарда мукофот бор бўлса, менга
Садоқатим учун берилса медалъ,
Ғалаба ордени аталар сенга!*

*Лекин ишққа шартми оддий мукофот,
Ахир, севмоқ ўзи олий мукофот!*

Расул Ҳамзатовга «Туғилган куним» китоби учун 29 ёшида Давлат мукофоти берилди, «Юксак юлдузлар» китоби учун унга 39 ёшида яна бир юксак мукофот топширилди. 1977 йил 8 мартда коинотда кашф этилган 7509-рақамли астероид Ҳамзатов номи билан аталди. 2000 йил охирида эса «XX асрнинг энг буюк шоири» сифатида эътироф этилди. Жаҳонгашта шоирнинг кўша-қўша унвонлари, орденларига ҳар қандай ижодкор ҳавас қилса арзийди. Лекин Расул Ҳамзатовнинг ўзи босиб ўтган йўлига, яратган асарларига қандай қарар эди? Ҳозиржавоб шоир бизнинг бу саволимизга ҳам ўрин

колдирмаган. Унинг 75 ёшида битган тўртлиги бизни Расул Ҳамзатов ола-
мига етаклайди.

*Доғистон осмони остида шу зум,
Иқрор бўлдим, баланд довондан оша:
Шоир бўлиш учун эрта туғилдим,
Расул бўлиш учун кечикдим роса!*

Ҳа, Расул Ҳамзатов кўплаб давлатларнинг юксак орден ва мукофотларига сазовор бўлмасин, умрининг сўнгигача ўзига камтарона баҳо берди ва Ватан – Доғистон мавзусини юрагининг тўрида асради. Москва шифохонасида даво-ланаётган шоир хузурига 2003 йил 10 октябрь куни дўстлари келади. Сухбат да-вомида шоир васиятнома ёзганини айтади: «Доғистон тоғликлари ўзимизнинг унумсиз, шипшийдам қояларни севинглар ва уларни бебаҳо хазинани асраган-дай асранглар». Ҳолбуки, шоир 23 кундан кейин оламдан ўтади, лекин Ватан ҳақида куюниб ўйлашда давом этипти. Ва кўшимча килади: «Қабр тошимга од-дийгина «РАСУЛ» деб ёзишлари кифоя». Бу сўзлар Расул Ҳамзатовнинг инсо-ниятга Ватанга муҳаббат ва камтаринлик борасидаги сўнгги сабоқлари бўлиб қолди.

Дунё шеърхонларини, шоирларини, жумлаи жаҳонни хайратга солган Расул Ҳамзатов ҳам ўлим олдида лол қолди. У Москвада тиббий кўрикдан ўтиб, сало-матлиги мустаҳкам эканлиги тўғрисида маълумотнома олгач, 2003 йил 3 ноябрь куни тўсатдан вафот этди.

Тўғри, ўлим ҳақ! Лекин Расул Ҳамзатовдай шоир хали яшаса бўларди. Китобхонларга яна қанча умрбоқий асарлар тухфа этарди. Ахир, у 80 йил-лик юбилеи тантаналарида «Қора кути» деб номланган янги асар устида ишлаётгани тўғрисида тўлкинланиб гапирганди. Эҳтимол, энг оғир ҳалокатга учраган самолётнинг ҳам қора қутисини топса бўлар, ундаги ёзувларни ўқи-са бўлар, бироқ, энди Расул Ҳамзатовнинг «Қора кути»сини ҳеч қачон топа олмаймиз, ўқий олмаймиз. Қулоғимизга олис-олислардан «Турналар» овози келгандай бўлади:

*Қазо ҳақдир! Мен ҳам яшаб умримни
Турналар сафида парвоз этаман.
Ва ерда қолган сиз азизларимни,
Самодан номма-ном йўқлаб ўтаман.*

Ок турналар учиб ўтаётганда осмонга қаранг. Улар орасида Расул Ҳамзатов ҳам бор. У ўзбекистонлик кўп сонли мухлисларини номма-ном йўқлаб, «Юксак юлдузлар» (1964), «Бир хонадон фарзандлари» (1982), «Менинг Доғистоним»

(2011), «Оналарни асранг» (2012), «Умр қарвони» (2013), «Мен юз қизга шай-доман» (2014), «Шеърлар» (2015), «Аёллар кўп, Она ягона» (2016) китоблари ва матбуотимизда эълон қилинаётган шеър-мақолалари орқали биз билан ҳамisha бирга эканлигини билдираяпти.

Ойдин кечаларда порлок юлдузларга қаранг. Улар орасида Ер юлдузларига хамроз бўлишни орзу қилган ва бу орзуси ушалган Расул Ҳамзатов аталмиш шеърятнинг ёрқин юлдузи сизга нурларини йўллаётганини кўрасиз ва унинг зиёси кўзларингизни қувонтиради, кўнглингизни яйратади.

МУНДАРИЖА

Биринчи китоб

Муқаддима ўрнида. Умуман муқаддималар ҳақида.....	5
Бу китоб қандай дунёга келгани ва қаерларда ёзилгани тўғрисида	9
Китобнинг мазмуни ва унинг номи.....	15
Китобимнинг шакл-шамойили. Уни қандай ёзишим керак?	28
Тил.....	40
Мавзу.....	55
Жанр.....	79
Услуб	92
Китобимнинг биноси. Мундарижа.....	120
Истеъдод	127
Иш.....	144
Ҳақиқат. Мардлик.....	160
Ҳавотирлик.....	169

Иккинчи китоб

Ота ва она. Олов ва сув.....	192
Уй.....	205
Доғистоннинг учта хазинаси.....	209
Одам	226
Халк.....	236
Сўз.....	263
Кўшик.....	280
Китоб.....	322
Юлдузларга ҳамроз устоз (Расул Ҳамзатов ҳаёти ва ижоди ҳақида)	348

**«O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛДИ:**

ТЕХНИКА ОЛАМИГА САЁХАТ



Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет

Муқоваси: юмшоқ

Сиз техника оламининг қизиқарли жиҳатларини билмоқчимисиз?

Марҳамат! Ушбу китоб сизга техника қудрати, унинг мўжизаси саналмиш машиналарнинг ихтиро этилиши, автомобилларнинг тарихий тараққиёти, автопойгаларнинг бетакрор рекорди каби қизик маълумотларни тақдим этади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА САЁХАТ



Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет

Муқоваси: юмшоқ

Билимлар салтанатига хуш келибсиз, азиз болаларимиз!

Сиз оламни билишни истайсиз, атрофингиздагиларни саволларга қўмиб ташлайсиз. Аммо доим ҳам уларга тўла жавоб ололмайсиз. Сизнинг саволларингизга, мана, биз жавоб берамиз. Сизга тақдим этилаётган ушбу китоб доно дўстингиз бўлиб қолишига ишонамиз!



ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет

Муқоваси: юмшок

Атрофимизга боксак, гўзал оламнинг намоён бўлишини кўрамиз. Бу гўзаллик турфа ўсимликлар билан юзага чиқади.

Дунёда жуда кўп турдаги ўсимликлар мавжуд. Бу китоб Сизга улар ҳақида қисқача ва фойдали маълумотлар беради.



ЁШ БИЛИМДОН

Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет.

Муқоваси: юмшок

Болалар учун мўлжалланган ушбу энциклопедияда атрофимиздаги борлиқ табиат ҳодисалари ва уларнинг нима учун содир бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Кўпдан кўп ёрқин безаклар мавзуларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Мазкур китоб ўрта ёшдаги мактаб ўқувчиларини зукколик, билимдонлик сари етаклайди. Ёш китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган ушбу энциклопедия уларнинг дўсти бўлиб қолишига ишонамиз.

КАПАЛАКЛАР ОЛАМИГА САЁХАТ

Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет

Муковаси: юмшок

Ушбу китоб капалаклар дунёсини ўрганишга бағишланган.

«Менинг биринчи энциклопедиям» туркумидаги кичик китоб Сиз азиз китобсеварларга манзур бўлади, деган умиддамиз!

Мазкур китоб ёрдамида Сиз ер юзидида мавжуд бўлган капалакларнинг турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хақидаги маълумотларга эга бўласиз.

ТАРИХГА САЁХАТ

Формати: 84x108^{1/16}

Ҳажми: 96 бет.

Муковаси: юмшок

Ушбу китоб сизни сир-синоатга тўла мозий сари ажойиб саёхатга етаклайди, инсоният тарихида бўлиб ўтган қизиқарли ва оламшумул воқеалардан ҳикоя қилади.

Шунингдек, буюк тарихий шахслар, кашфиётлар, мўжизавий иншоотлар, турли халқлар томонидан яратилган тамаддулар ҳақида маълумот беради.

21.000с.

Х 24 Ҳамзатов, Расул.

Менинг Доғистоним. [Матн]: бадиа. / Р. Ҳамзатов; таржимон: А. Мўмин. – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти. 2018. – 368 б.

ISBN 978-9943-07-688-4

Адабий-бадий

Расул Ҳамзатов

МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ

БАДИА

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

Мухаррир	<i>Лола Фаттоева</i>
Бадий муҳаррир	<i>Баҳодир Иброҳимов</i>
Техник муҳаррир	<i>Умида Яхшибоева</i>
Кичик муҳаррир	<i>Зилола Маҳкамова</i>
Мусаххилар:	<i>Умида Абдуллаева, Дилноза Жўраева</i>
Саҳифаловчи	<i>Сурайё Суннатўллаева</i>

Нашриёт лицензияси А1 № 160. 14.08.2009.

23.11.2018 й.да босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 70x90 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози.

«Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 26,91. Нашриёт-ҳисоб табоғи 26.

Адади 10 000. Шартнома № 50–18.

Буюртма рақами 2332.

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти.

100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30- уй.

«Credo Print Group» МЧЖ

Китоб фабрикасида чоп этилди

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.

www.credoprint.uz

*Ҳеч бир ёзувчи фақат ўз миллати
қувонч-ташвишлари билан чегара-
ланиб қола олмайди. Унинг қалбини
ҳамиша умуминсоний қувонч-таш-
вишлар ҳам безовта қилади.*



Расул Ҳамзатов 1923 йил 8 сентябрда Доғистоннинг Хунзах туманидаги Цада кишлоғида туғилган. Адабий муҳитда вояга етган Расул 14 ёшидан шеърлар ёза бошлади ва Ватан мавзусини ижодининг бош йўналиши этиб белгилаб олди. Унинг биринчи китоби 1943 йилда чоп қилинган. Шундан кейин шоирнинг «Туғилган йилим», «Йиллар шодаси», «Менинг қалбим тоғларда», «Муҳаббатнома» каби қатор китоблари босилиб чиқди ва дунё халқлари тилларига ўгирилди. Беназир ижодкор кўплаб давлатларнинг мукофотларига муносиб кўрилган. «XX аср буюк шоири» сифатида эътироф этилган.



«O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ



ume.dinash@umail.uz



fb.com/ume.dinash



[ume.dinash](https://www.instagram.com/ume.dinash)



t.me/Ensiklopediya_DIN



ISBN 978-9943-07-61



9 789943 07688